EDP
Enterprise Development Project

Competitive advantage for Central Asia

АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ

Тошкент – 2006

АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ КОДИФИКАЦИЯЛАШТИРИШ

2000.16.03.

Мавзу рақами ва ҳужжатнинг номи

500-599 Аудиторлик далил

500	Аудиторлик далил	87
501	Аудиторлик далил - аниқ белгиланган моддаларга тегишли қўшимча масалалар	90
510	Дастлабки келишувлар - бошланғич қолдиқ	95
520	Таҳлилий муолажалар	98
530	Аудиторлик танлаб олиш ва танлаб тестлашнинг бошқа муолажалари	102
540	Бухгалтерия баҳоларининг аудити	114
550	Боғлиқ томонлар	118
560	Келгуси ходисалар	122
570	Узлуксиз фаолият*	125
580	Субъект раҳбариятининг тақдимотлари	133

600-699 Бошқалар ишидан фойдаланиш

600	Бошқа аудитор ишидан фойдаланиш	137
610	Ички назорат хизмати ишини кўриб чиқиш	140
620	Эксперт ишидан фойдаланиш	143

700-799 Аудиторлик хулосалар ва ҳисоботларни тақдим этиш

700	Молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботи	146
710	Солиштириладиган кўрсаткичлар	154
720	Таркибида аудит ўтказилган молиявий ҳисобот бўлган ҳужжатлардаги бошқа маълумот	165

800-899 Махсуслаштирилган соҳалар

800	Махсус ўтказиладиган аудитдаги оид келишувлар бўйича аудиторлик ҳисоботи	168
810	Истиқболлий молиявий ҳисоботни текшириш	177

Касбга доир хизматлар

910	Молиявий ҳисоботни шарҳлаш бўйича келишувлар	183
920	Молиявий маълумот юзасидан келишилган муолажаларни бажариш бўйича келишувлар	195
930	Молиявий ҳисоботни компиляциялаштириш бўйича келишувлар	201

* 570-АХСнинг рус ва инглиз тилларидаги матни 2000 йил 31 декабрдан кейин амал қиладиган янги таҳрирда келтирилган.

000

(100)

АУДИТ ВА КАСБГА ДОИР ХИЗМАТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА СЎЗБОШИ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	3
Халқаро аудиторлик амалиётининг Қўмитаси	3
Аудит ва касбга доир хизматларнинг Халқаро стандартлари	3
Аудит халқаро стандартларининг ҳуқуқий ваколати	4
Халқаро аудиторлик амалиётига оид Қоидаларнинг ҳуқуқий ваколати	4
Иш услубиёти	4
Тил	5
Аудитнинг ҳалқаро стандартларини миллий стандартлар сифатида қўллаш	5

Илова:Аудитнинг халқаро стандартларини миллий стандартлар сифатида қўллашни истаган давлат томонидан намуна сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ариза матни

Кириш

1. Аудит ва касбга доир хизматларнинг халқаро стандартларига тааллуқли ушбу Сўзбоши Халқаро аудиторлик амалиёти Қўмитасининг (ХААҚ) олдига қўйилган масалалар ва унинг амалдаги иш услубларини ҳамда ушбу Қўмита томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатлар кўлами ва ваколатларини тушунишга ёрдам бериш мақсадида чиқарилган. Ушбу Сўзбоши Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси Кенгаши (БХФ) томонидан тасдиқланган ва 1994 йил июлда чоп этилган. Ушбу Сўзбошининг тасдиқланган матни БХФ томонидан инглиз тилида чоп этилган матнига мувофиқдир.
2. Конституциясида ёритилган БХФнинг вазифаси "...жамият манфаатидан келиб чиқиб, доимий равишда юқори сифатли хизматлар кўрсатиш мақсадида уйғунлашган стандартларни қўллайдиган бухгалтерия касбини дунё миқёсида ривожлантириш ва такомиллаштириш"дан иборат. Ушбу вазифани амалга ошириш борасида иш олиб бориб, БХФ Кенгашининг асосий вазифаси Кенгаш номидан аудит ва касбга доир хизматлар стандартлари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишдан иборат бўлган ХААҚни ташкил этди. У ушбу стнадартлар ва қоидаларни қабул қилиниши аудит ва касбга доир хизматлар амалиётини бутун жаҳон бўйлаб ягона шаклга олиб келишига ёрдам беради деб ишонч билдиради.
3. БХФ Конституциясига мувофиқ, ташкилот-аъзолар юқоридаги 2-бандда қайд этилган вазифани бажариш тўғрисида мажбуриятни имзолайдилар. Ташкилот-аъзоларга Аудитнинг халқаро стандартларини (АХС) тадбиқ этиш борасида ёрдам бериш мақсадида Халқаро аудиторлик амалиёти Қўмитаси, БХФ Кенгаши томонидан қўллаб-қувватланиб, ушбу стандартлар иҳтиёрий равишда қабул қилинишига кўмаклашади.

Халқаро аудиторлик амалиёти Қўмитаси (ХААҚ)

4. ХААҚ Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси Кенгашининг доимий Қўмитаси ҳисобланади.
5. ХААҚ аъзолари ХААҚда ишлаш учун БХФ Кенгаши сайлаган давлатлардэги ташкилот-аъзолари томонидан тайинланади. ХААҚда ишлаш учун ташкилот-аъзолар томонидан тайинланган вакиллар БХФга аъзо бўлган ташкилотлардан бирида аъзо бўлишлари шарт.
6. Нуқтаи-назарларнинг кенг кўламли турларини олиш учун ХААҚда ваколати бўлмаган давлатлардан айрим шахслар ХААҚнинг қуйи қўмиталари таркибига киритилиши ҳамда маълумотлар бошқа ташкилотлардан ҳам олиниши мумкин.

Аудит ва касбга доир хизматларнинг халқаро стандартлари

7. Ҳар бир мамлакат худудида молиявий ёки бошқа маълумотлар аудитининг амалиёти маълум даражада маҳаллий меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ушбу меърий ҳужжатлар қонунчилик билан белгиланиши ёки ушбу мамлакатнинг тартибга солиш идоралари ёхуд касбий идоралари томонидан қабул қилинган қоидалар кўринишида бўлиши мумкин.
8. Кўпчилик мамлакатларда чоп этилган аудит ва касбга доир миллий стандартлар бир-биридан шакл ва мазмуни бўйича фарқланади. ХААҚ ушбу ҳужжатларга ва фарқларга алоҳида эътибо берган ҳолда олинган билимлар асосида халқаро даражада қабул қилинишга мўлжалланган Аудитнинг халқаро стандартларини чоп этади.

Аудит халқаро стандартларининг ҳуқуқий ваколати

9. Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек бошқа маълумотлар аудити ва касбга доир хизматларни кўрсатишда ҳам қўлланилади.
10. АХС тушунтиришлар ва бошқа материаллар кўринишида тегишли йўриқномага эга бўлган асосий тамойиллар ва керакли муолажалардан (жирли шрифт билан ажратиб кўрсатилган) иборат. Ушбу асосий тамойиллар ва керакли муолажаларга улардан фойдаланишни таъминловчи тушунтиришга оид ва бошқа материаллар билан боғлиқ ҳолда тушуниш лозим.
11. Тушунишни таъминлаш ва асосий тамойиллар ҳамда керакли муолажаларни қўллаш учун тегишли йўриқнома билан бир қаторда, нафақат Аудитнинг халқаро стандартларидаги жирли шрифт билан ажратиб кўрсатилган матнни, балки тушунтириш ва бошқа материаллар билан биргаликда АХСнинг тўлиқ матнини ўрганиб чиқиш лозим.
12. Айрим вазиятларда, аудитнинг мақсадларига самарадорлик билан эришиш учун, аудитор АХСдан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келиши ҳолатда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.
13. Аудитнинг халқаро стандартлари фақат жиддийлик жиҳатлари бўйича қўлланиши лозим.
14. Алоҳида Аудитнинг халқаро стандартини қўллаш юзасидан турли чекловлар ушбу Аудитнинг халқаро стандартларининг кириш қисмида асослаб берилган.
15. Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори Қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг якунида ёзилган. ДСА илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча жиддийлик жиҳатлари бўйича қўлланилади.
16. Аудитнинг халқаро стандартларининг 7-бандида келтирилган алоҳида бир мамлакатда молиявий ва бошқа маълумотларни тартибга солувчи маҳаллий меъёрий ҳужжатларни бекор қилмайди. Маълум бир жиҳатлари бўйича Аудитнинг халқаро стандартлари маҳаллий меъёрий ҳужжатларга мувофиқ келиш даражасида, ушбу мамлакатда молиявий ва бошқа маълумотларнинг маҳаллий меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ўтказилган аудит ушбу жиҳатни кўриб чиқаётган Аудитнинг халқаро стандартларига ўз-ўзидан мувофиқ бўлади. Маҳаллий меъёрий ҳужжатлар маълум бир жиҳатлари бўйича Аудитнинг халқаро стандартларидан фарқ қилган ёки зид келган тақдирда, БХФга аъзо бўлган ташкилот-аъзолар ушбу Аудитнинг халқаро стандартларига нисбатан БХФ конституцияси билан кўзда тутилган аъзолик мажбуриятларига риоя қилишлари лозим[1].

Халқаро аудиторлик амалиёти қоидаларининг ҳуқуқий ваколати

17. Ҳалқаро аудиторлик амалиётининг Қоидалари (ХААҚ) аудиторларга стандартларни қўллаш ёки яхши аудиторлик амалиётини амалга оширишда амалий ёрдам бериш учун чоп этилади. Ушбу *Қоидалар стандартлар кучига эга эмас.*

Ишлаш услубиёти

18. ХААҚнинг ишлаш услубиёти махсус ушбу мақсад учун ташкил этилган қуйи *қўмиталарда батафсил ўрганиш мақсадида мўлжалланган маълум бир мавзуларни* танлаб олишдан иборат. ХААҚ дастлабки босқичда аудитнинг стандартлар лойиҳаси ва қоидаларини ишлаб чиқиш учун масъулиятни қуйи қўмитага юклайди. *Қуйи қўмита БХФ ташкилот-аъзолари чоп этилган томонидан қоидалар,* тавсиялар, изланишлар ёки стандартлар кўринишидаги дастлабки маълумотларни ўрганиб чиқади. Ўрганишлар натижасига кўра ХААҚда кўриб чиқиш учун дастлабки лойиҳа тайёрланади. Ушбу лойиҳа ХААҚ томонидан тасдиқлангандан сўнг у БХФ барча ташкилот-аъзоларига ҳамда аудит стандартларини қабул қилиш учун манфаатдор бўлган тегишли халқаро ташкилотларига тақдим этилади. Ҳар бир лойиҳани кўриб чиқиш учун маълум муддат ажратилади ва бу ҳақида барча манфаатдор ташкилотлар ва алоҳида шахсларга хабар берилади.

---

[1] БХФ конституциясида "БХФга аъзо бўлган ташкилот-аъзолар... БХФ томонидан ишлаб чиқилган ҳар бир махсус ҳужжат тўғрисида ўз аъзоларини маълумот юбориб, МФБ фаолиятини қўллаб-қувватлашлари ва қуйидагилар учун бутун куч-қувватини йўналтиришлари лозим:

i маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб ҳақиқатдан имконияти борича ва ҳажмда ушбу стандартларни амалга ошириш борасида иш олиб бориш;

ii БХФ томонидан ишлаб чиқилган Аудитнинг халқаро стандартлари асосланган тамойилларни ўзларининг Миллий стандартларига киритиш.

19. Лойиҳа билан танишиш натижасида олинган тақриз ва таклифлар ХААҚ томонидан кўриб чиқилади, сўнгра лойиҳага керакли бўлган тузатишлар киритилади. Кўриб чиқилган лойиҳа тасдиқлангандан кейин у маълум бир Аудитнинг халқаро стандартлари ёки Аудитнинг халқаро амалиёти қоидалари сифатида чоп этилади ва уларда кўрсатилган санадан бошлаб кучга киради.
20. Мажлис ўтказиш учун кворум қўмитанинг 10та аъзосидан иборат бўлиши лозим. Лойиҳалар, стандартлар ва қоидалар қабул қилиниши учун, энг камида 10та овоз маъқулаган шарти билан, мажлисда қатнашаётган ХААҚ аъзоларидан 3/4таси овоз бериши керак.
21. ХААҚ аъзосининг ҳар бири бир овозга эга.

Тил

22. Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси томонидан инглиз тилида чоп этилган лойиҳа, стандарт ёки қоиданинг матни тасдиқланган матн бўлиб ҳисобланади. БХФнинг ташкилотлар-аъзолари, БХФ томонидан тегишли рухсатнома олганларидан кейин, ушбу ҳужжатларни ўз мамлакати тилида чоп этиш учун уларни таржима этиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ҳужжатларнинг таржимаси ушбу ташкилотлар-аъзолар ҳисобига амалга оширилади ва таржимани тайёрлаган бухгалтерлар касбий ташкилотларининг номларини ўз ичига киритиши ҳамда ушбу ҳужжат тасдиқланган матннинг таржимаси деган изоҳга эга бўлиши лозим.

Аудитнинг халқаро стандартларини миллий стандартлар сифатида қўллаш

23. Аудитнинг халқаро стандартларини ўзларининг миллий стандартлари сифатида қўллашни истаган БХФ мамлакатлар-аъзоларга ёрдам сифатида ХААҚ томонидан стандартлар ваколатини белгилашда фойдаланиши мумкин бўлган ва уларни аниқ бир мамлакатда қўлланиш имкониятини аниқловчи ариза матнини тайёрлаган. Ариза матни ушбу Сўзбошига илова қилинади.

Аудитнинг халқаро стандартларини миллий стандартлар сифатида қабул қилишни истаган мамлакат томонидан намунавий сифатида қўлланиладиган ариза матни

Аудит ва касбга доир миллий стандартларга Сўзбоши
[Кенгаш] Сиёсат аризаси

Ушбу Сўзбоши [ташкилот-аъзо Кенгаши томонидан] чоп этиш учун тасдиқланган.

1. [Ташкилот-аъзо номи] "жамият манфаатидан кўзлаб доимий равишда юқори сифатли" хизмат кўрсатиш мақсадида уйғунлашган стандартларни қўллаб Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси (БХФ) аъзоси бўлган ҳолда, федерациянинг бухгалтерия касбини бутун дунё миқёсида ривожлантириш ва такомиллаштиридан иборат бўлган вазифасини амалга оширишни ўз мажбуриятига олади. Ушбу вазифани амалга ошириш юзасидан иш олиб бориб, вазифаси ХААҚ Кенгаши номидан аудит ва касбга доир хизматлар бўйича стандартлар ишлаб чиқиш ва чоп этиш масалаларидан иборат Халқаро аудиторлик амалиёти қўмитаси (ХААҚ)ни ташкил этган. Ушбу стандартлар ва қоидаларнинг чоп этилиши бутун дунёда аудит ва касбга доир хизматлар амалиётини бир хил қилишга ёрдам беради деб ишонч билдиради.
2. [Ташкилот-аъзо номи] аъзолик шартларидан бири сифатида БХФ томонидан ишлаб чиқилган ҳар бир ҳужжат тўғрисида ўз аъзоларига маълумот етказиб, БХФ фаолиятини қўллаб-қувватлаш мажбуриятини олади; маҳаллий қонунчилик шароитлар амалда имконият берган ҳажмда, ушбу махсус ҳужжатларни тадбиқ этиш йўналишида иш олиб бориш; ва, айниқса, аудит бўйича миллий махсус ҳужжатларда БХФ томонидан чоп этиладиган Аудитнинг халқаро стандартларини акс эттириш.
3. [Ташкилот-аъзо номи] Аудитнинг халқаро стандартларини [мамлакат номи] аудит ва касбга доир хизматлар стандартларини тасдиқлаш учун асос сифатида қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Кенгаш миллий стандарт сифатида қабул қилинган ҳар бир Аудитнинг халқаро стандартлари мақоми бўйича тушунтириш сўзбоши тайёрлайди.

Ушбу сўзбошининг намунавий таърифи:
Аудитнинг халқаро стандартси [рақами]
[Номи]
Тушунтириш сўзбоши
[Ташкилот-аъзо номи] Кенгаши ушбу Аудитнинг халқаро стандартсини [сана]дан бошлаб қабул қилишга қарор қилди.
Аудитнинг халқаро стандартлари молиявий ҳисоботининг аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумотларнинг аудити ва касбга доир хизматлар кўрсатишда қўлланилади. АХС асосий тамойиллар ва керакли муолажалардан (жирли шрифт билан ажратиб ёзилган) ҳамда тушунтириш шаклидаги тегишли йўриқнома ва бошқа материаллардан иборат. Ушбу асосий тамойиллар ва керакли муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтириш ва бошқв материаллар контекстида талқин қилиш лозим.
Асосий тамойиллар ва керакли муолажаларни тушунишлиги ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан бир қаторда, нафақат жирли шрифт билан ажратиб ёзилган матн, балки АХСнинг тўлиқ матнини, жумладан унинг таркибидаги тушунтириш ва бошқа материалларни ҳам тўлиқ ўрганиш лозим.
Айрим вазиятларда аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун аудитор АХСдан четга чиқиш зарур деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши лозим.
Аудитнинг халқаро стандартлари фақат жиддий жавҳалар бўйича қўлланиши даркор.
Алоҳида Аудитнинг халқаро стандартлари қўлланиши юзасидан ҳар бир чеклаш ушбу Аудитнинг халқаро стандартларига кириш қисмида тушунтирилади.
Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг якунида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат секторига барча жиддийли жавҳалар бўйича қўлланилади.

4. Аудитнинг халқаро амалиёти Қўмитаси томонидан чоп этилган Аудитнинг халқаро стандартсига оид қўлланма [мамлакат номи] қонуни ёки амалиётидан жиддий даражада фарқланса, тасдиқланган Аудитнинг халқаро стандартларига тегишли тушунтириш сўзбоши ушбу фарқланишга тааллуқли бўлган қўлланмани таъминлайди.
   Шунга ўхшаш қўлланманинг мисоли:
   "10 ва 14 бандлар
   [мамлакат номи] қонунчилиги доирасида аудиторни молиявий ҳисоботга, ушбу ҳисобот чиқарилган муддатдан то у компаниянинг умумий мажлисида тасдиқлангунга қадар бўлган муддатгача, таъсир этувчи ходисалар тўғрисида хабар бериш учун субъект раҳбарияти масъулдир."
5. Айрим ҳолатларда, лозим бўлса, Кенгаш томонидан Аудитнинг халқаро стандартларида ёритилмаган, лекин [мамлакат номи]да жиддий жавҳалар бўйича қўшимча стандартлар ишлаб чиқилиши мумкин.
6. [Ташкилот-аъзо номи] аъзолари [ташкилот-аъзо номи] томонидан чоп этилган аудит ва касбга доир стандартларга риоя қилишлари шарт. Ушбу талабни бажарилмаслиги равшан бўлганда, бу ташкилот-аъзолар ҳаракати [ташкилот-аъзо тегишли интизомий қўмитасининг номи] томонидан текширишга олиб келиши мумкин
7. Аудитор дуч келиши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятлар ва шароитларда қўлланиладиган аудит ва касбга доир стандартларни белгилаш амалда имконияти йўқ. Шунинг учун аудиторлар ўз ишларини бажариш жараёнида қабул қилинган стандартларни асосий тамойиллар каби кўришлари лозим. Ушбу стандартларни қўллаш бўйича муайян муолажалар ҳар бир аудиторнинг касбий фикр юритиши ва ҳар бир алоҳидаги вазиятлардан келиб чиқади.
8. Аъзолар аудит ва касбга доир стандартларга қайси санадан риоя қилишлар тушунтириш сўз бошида қайд этилади.

[110]

АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

1995 йил июл ҳолатига кўра атамалар луғати

Accounting estimate (Бухгалтерлик баҳолаш) - аниқ ўлчов усуллари бўлмаганда модданинг суммасининг яқинлаштирилган қўрсаткичи.

Accounting system (Бухгалтерия ҳисоби тизими) - операциялар молиявий ёзувлар усулида қайта ишланадиган субъектнинг масалалар ва ҳисоб ёзувларининг туркуми. Бундай тизимлар операциялар ва бошқа ходисалар бўйича ҳисоботларни солиштириш, тўплаш, ҳисоблаш, туркумлаш, рўйхатга олиш, умумлаштириш ва тақдим этиш учун қўлланилади.

Adverse opinion (Салбий фикр) - ("Модификациялаштирилган аудиторлик ҳисоботи"га қаранг).

Agreed-upon procedures engagement (Келишилган муолажаларни бажариш бўйича келишув) - келишилган муолажаларни ўтказишга оид келишув бўйича аудитор, субъект ва бошқа ҳар бир учинчи томонлар билан келишилган аудиторлик муолажаларини амалга ошириш учун жалб этилади ва амалдаги хулосалар бўйича ҳисобот тақдим этади. Ушбу ҳисоботдан ойдаланувчилар аудитор ҳисоботига асосан ўзларининг хулосаларини чиқаришлари лозим. Ушбу ҳисобот фақат келишилиган муолажаларни бажариш бўйича иштирок этаётган томонларга тақдим этилади, чунки муолажалар ўтказиш сабаблари билан таништирилмаган бошқа томонлар улар натижаларини нотўғри талқин қилишлари мумкин.

Analitical procedures (Таҳлилий муолажалар) - аҳамиятли коэффициентлар ва йўналишларнинг таҳлилидан, жумладан бошқа релевант маълумотларга изчил бўлмаган ёки истиқболга оид суммалардан четга чиқадиган ўзгаришлар ва ўзаро боғликликларнинг келгуси тадқиқотидан иборат.

Annual report (Йиллик ҳисобот) - одатда субъект ҳар йили аудиторлик текширувидан ўтказилган молиявий ҳисобот ва ушбу ҳисобот юзасидан аудиторлик ҳисоботдан ташкил топган ҳужжатни чоп этади. Ушбу ҳужжат одатда "йиллик ҳисобот" деб аталади.

Application controls in computer information systems (Компьютер маълумотлар тизимларидаги амалий дастурлар юзасидан назорат муолажалари) - компьютерлаштирилган усул ёрдамида юритиладиган бухгалтерия ҳисобининг амалий дастурлари юзасидан алоҳида муолажалар. Ушбу воситалар барча операцияларни бажаришга рухсат олинганлиги ва улар тегишли аниқлик, ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда акс эттирилганлиги ва ишлов берилганлиги тўғрисида оқилона ишончни таъминлаш учун бухгалтерия ҳисобининг амалий дастурлари юзасидан алоҳида муолажаларни белгилаш мақсадида қўлланилади.

Appropriateness (Мувофиқлик) - аудиторлик далилларининг сифат ўлчови, аниқ тасдиқлашга нисбатан релевантлиги ва уларнинг ишончлиги ҳисобланади.

Assertions (Тасдиқлаш) - тўғридан-тўғри ёки бошқа усул билан молиявий ҳисоботга киритиладиган субъект раҳбариятининг тақдимотлари ("Молиявий ҳисоботни тасдиқлаш"га қаранг).

Assistans (Аудиторнинг ёрдамчилари) - алоҳида аудитни ўтказиш учун жалб қилинган, аммо аудитор бўлмаган ходимлар.

Assurance (Ишончлилик) - бир томондан тақдим этилган ва иккинчи томондан фойдаланиш учун қўлланиладиган тасдиқлашларнинг ишончлилигига нисбатан аудиторнинг қониққанлигини ифодалаш тариқасида қаралади. Бундай ишончлиликни таъминлаш учун аудитор амалга оширилган муолажалар натижасида тўпланган далилларни баҳолайди ва хулоса чиқаради. Аудиторнинг ишончлилик даражаси ва, бинобарин, таъминланадиган ишончлилик даражаси амалга оширилган муолажалар ва уларнинг натижалари билан белгиланади.

> **Reasonable assurance (Оқилона ишончлилик)** - аудит бўйича келишувда аудитор, аудит ўтказилган маълумот, оқилона ишончлилик билан, аҳамиятли четга чиқишларга эга бўлмаган ҳолда аудиторлик ҳисоботида ижобий акс эттирилиб ишончлиликни юқори, лекин мутлақ бўлмаган даражасини таъминлашидир.

Attendance (Ҳозир бўлмоқлик) - бошқа шахслар томонидан бажарилаётган жараёнлар ёки унинг бир қисми давомида ҳозир бўлмоқликни назарда тутади; масалан, товар-моддий заҳираларни инвентарлашда ҳозир бўлмоқлик аудиторга улар мавжудлигини текшириш ва ушбу жараён миқдорий ҳисоблаш ва ушбу ҳисоблашларни ёзиб бориш ҳамда назорат-миқдорий ҳисоблаш муолажалари юзасидан субъект раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган муолажаларга мувофиқлигини кузатиб бориш имкониятини яратади.

АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

2000.16.03.

Audit (Аудит) - молиявий ҳисобот аудитининг мақсади аудиторга молиявий ҳисобот барча муҳим жавҳалари бўйича молиявий ҳисоботни тақдим этишга оид белгиланган концептуал асосга мувофиқ тайёрланганлиги юзасидан хулоса (фикр билдириш) бериш имкониятини тақдим этишдан иборат. Аудиторлик хулосасини тайёрлашда қуйидаги маъноси бир-бирига тенг бўлган "тўғри ва ҳаққоний акс эттиради" ёки "барча муҳим жавҳалари бўйича ҳаққоний тақдим этилган" деган жумлалардан фойдаланилади. Тегишли мезонларга мувофиқ тайёрланган молиявий ёки бошқа маълумотларни аудит қилишда ҳам худди шундай мақсад кўзда тутилади.

Audit evidence (Аудиторлик далил) - аудиторлик хулосаси асосланадиган хулосаларни шакллантириш жараёнида аудитор томонидан олинадиган маълумотдир. Аудиторлик далиллар молиявий ҳисобот асосида ётадиган дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб ёзувлардан ҳамда бошқа манбалардан олинган тасдиқловчи маълумотлардан иборат бўлади.

Audit firm (Аудиторлик фирмаси) - аудиторлик хизматларни кўрсатадиган фирма ёки субъект, жумладан, тегишли равишда унинг ҳамкорлари ёки амалиёт билан шуғулланадиган алоҳида аудиторлар.

Audit opinion [Аудиторлик фикр (аудиторлик хулосаси)] - ("Фикр (Хулоса)"га қаранг).

Audit program (Аудит дастури) - аудитнинг умумий режасини амалга ошириш учун режалаштирилган аудиторлик муолажалари тавсифи, муддати ва ҳажмини белгиловчи аудит дастури. Аудит дастури аудитда иштирок этаётган аудиторнинг ёрдамчиси учун йўриқномалар тўплами ҳамда ишни тегишли равишда бажариш ва уни акс эттириш юзасидан назорат қилиш усули сифатида хизмат қилади.

Audit risk (Аудиторлик тавакkалчилиги) - молиявий ҳисобот аҳамиятли даражада янглиш бўлганда аудитор номувофиқ аудиторлик хулосасини бериш тавакkалчилиги. Аудиторлик тавакkалчилиги қуйидаги уч таркибий қисмдан: ажратиб бўлмайдиган тавакkалчилик, назорат тавакkалчилиги ва аниқланмаслик тавакkалчилигидан иборат бўлади.

Control risk (Назорат тавакkалчилиги) - ҳисобварақлар қолдиғи ёки операциялар туркумида мумкин бўлган чалкашликлар (улар алоҳида ёки бошқа ҳисобварақлар қолдиғи ёки операциялар туркуми билан биргаликда аҳамиятли бўлиши мумкин) бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари томонидан ўз вақтида олди олинмаслик ёки аниқланмаслик ва тузатилмаслик тавакkалчилигидир.

Detection risk (Аниқланмаслик тавакkалчилиги) - ҳисобварақ қолдиғи ёки операциялар туркуми алоҳида-алоҳида ёки бошқа ҳисобварақлар қолдиғи ёки операциялар туркуми билан биргаликда аҳамиятли бўлиши мумкин янглишлар аудиторлик муолажалар амалга оширилганда аниқланмаслик тавакkалчилиги.

Inherent risk (Ажратиб бўлмайдиган тавакkалчилик) - тегишли ички назорат мавжуд эмас деб тахмин қилинганда, ҳисобварақлар қолдиғи ёки операциялар туркумларининг алоҳида-алоҳида ёки бошқа ҳисобварақлар қолдиғи ва операциялар туркумлари бўйича янглишлари билан биргаликда муҳим булиши мумкин бўлган чалкашликларга моиллигидир.

Audit sampling (Аудиторлик танлаб олиш) - аудиторга танлаб олиш йиғиндиси бўйича хулоса шакллантириш ёки шакллантиришга ёрдам бериш мақсадида танлаб олинган моддаларнинг айрим тавсифларига нисбатан аудиторлик далилларини олиш ва баҳолаш учун 100%дан кам бўлган ҳисобварақ қолдиғи ёки операциялар туркуми доирасига аудиторлик муолажаларини қўллашдан иборат.

Population (Мажмуи) - хулосага эришиш мақсадида аудитор томонидан танлаб олинадиган маълумотларнинг тўлиқ тўплами.

Sampling units (Танлаб олиш бирликлари) - мажмуини ташкил этадиган алоҳида моддалар.

Stratification (Стратификация) - ҳар бири мажмуининг бир-бирига ўхшаш тавсифларга (кўпроқ пул қийматига) эга танлаб олиш қуйи мажмуининг бирлик гуруҳига бўлиш жараёни.

Auditor (Аудитор) - аудит учун якуний масъулиятга эга бўлган шахс. Ушбу атама, шунингдек, аудиторлик фирмаси учун ҳам қўлланилади. (Соддалаштириш мақсадида Аудитнинг халқаро стандартларида "аудитор" атамаси аудиторлик хизматлари билан бир қаторда, амалга оширилиши мумкин бўлган касбга доир хизматларни ёритишда ҳам қўлланилади).

Continuing auditor (Доимий аудитор) - ўтган даврдаги молиявий ҳисобот бўйича аудит ўтказган ва аудиторлик ҳисоботини тайёрлаган, шунингдек жорий даврда ҳам аудитор сифатида хизмат кўрсатаётган аудитор.

External auditor (Ташқи аудитор) - лозим бўлганда "ташқи аудитор" ва "ташқи аудит" атамалари "ташқи аудитор"ни "ички аудитор"дан, ташқи аудит жараёнида амалга ошириладиган фаолиятни ички аудитда амалга ошириладиган фаолиятдан ажратиш учун қўлланилади.

Incoming auditor (Кейинги (янги) аудитор) - ўтган даврга оид молиявий ҳисобот бўйича аудит ўтказмаган жорий даврнинг аудитори.

Other auditor (Бошқа аудитор) - асосий аудитордан фарқланадиган ва асосий аудитор томонидан аудит ўтказилган молиявий ҳисоботга киритилган субъектнинг таркибий қисми бўлган молиявий маълумот бўйича ҳисобот тайёрлашга масъул бўлган аудитор. "Бошқа аудиторлар" тушунчасига худди шу ёки бошқа ном билан аталадиган аффилиланган фирмалар, корреспондент фирмалар, шунингдек ушбу компания билан боғлиқ бўлмаган аудиторлар киради.

Personnel (Ходимлар) - ўз таркибига фирманинг аудиторлик фаолиятига жалб қилинган барча ҳамкорлар ва ходимлар жадвалидаги касбий ходимларни киритади.

Predecessor auditor (Олдинги аудитор) - олдин субъектнинг аудитори бўлган ва кейинчалик бошқа аудиторга алмаштирилган аудитор.

Principial auditor (Асосий аудитор) - субъектнинг бир ёки ундан кўпроқ таркибий қисмлари бўйича молиявий маълумотдан иборат бўлган молиявий ҳисобот бўйича бошқа аудитор томонидан аудит ўтказилган ҳолатларда субъектнинг ушбу молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик ҳисоботини тайёрлаш учун масъул бўлган аудитор.

Auditor's assocition (Аудиторнинг маълумот билан боғлиқлиги) - маълумот аудиторнинг ҳисоботига илова қилинган ёки касбий алоқаларда аудитор номини фойдаланишга рухсат берилган тақдирда аудитор молиявий ҳисобот билан боғлиқ деб ҳисобланади.

Comparatives (Таққосланадиган кўрсаткичлар) - таққослаш мақсадида тақдим этилган олдинги молиявий ҳисобот даври ёки даврлар бўйича бир бири билан алоқадор суммалар ва бошқа ёритишлар. Таққосланадиган кўрсаткичлар қуйидагича тақдим этилиши мумкин:

Corresponding figures (Бир бири билан боғланган кўрсаткичлар) - жорий давр бўйича молиявий ҳисоботнинг бир қисми каби киритилган ва жорий давр билан боғлиқ суммалар ва бошқа ёритишлар билан контекстда ўқиш учун мўлжалланган. Улар жорий давр молиявий ҳисоботининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади ва фақат жорий давр бўйича кўрсаткичлар контекстида ўқилиш учун мўлжалланган ва мустақил равишда кўриладиган тўлиқ молиявий ҳисобот эмас.

Comparative financial statements (Таққосланадиган молиявий ҳисобот) - ўтган давр бўйича молиявий ҳисобот жорий давр бўйича молиявий ҳисобот билан таққослаш учун келтирилади, лекин жорий давр бўйича молиявий ҳисоботнинг қисми бўлиб ҳисобланмайди.

Compilation engagement (Компиляциявий келишув) - компиляциявий келишувда бухгалтер ўзининг бухгалтерия ҳисоби бўйича билимларини, аудитга оид билимларига қарама-қарши ҳолда, молиявий ҳисоботни тўплаш, туркумлаш ва умумлаштириш учун қўллаш мақсадида жалб қилади.

Component (Таркибий қисм) - молиявий ҳисоботи асосий аудитор томонидан аудит қилинадиган ва молиявий ҳисоботга киритиладиган қуйи бўлинма, филиал, қарам корхона, қўшма корхона, уюшмага айлантирилган компания ёки бошқа субъект.

Comprehensive basis of accounting (Бухгалтерия ҳисобининг кенг қамровлик асоси) - молиявий ҳисоботни тайёрлашда барча аҳамиятли моддаларга нисбатан қўлланиладиган ва мустаҳкам негизга эга бўлган бир қатор мезонлардан иборат.

Computation (Ҳисоблаш) - дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб ёзувларининг арифметик текширишдан ёки мустақил ҳисоб-китобларни бажаришдан иборат.

Computer-assisted audit techniques (CAAT) (Аудитнинг компьютерлаштирилган усуллари (АКУ)) - аудитни ўтказиш қуроли сифатида компьютерни қўллайдиган аудиторлик муолажаларининг амалий дастурлари.

Computer information systems (CIS) (Компьютер ахборий тизимлари (КАТ)) - субъект аудит учун аҳамиятли бўлган молиявий маълумотни қайта ишлаш учун ҳар қандай турдаги ёки ўлчамли компьютердан фойдаланганда, бу компьютер ушбу субъект ёки учинчи томондан фойланилишидан қатъи назар, компьютер ахборий тизимлари муҳити вужудга келади.

Confirmation (Тасдиқлаш) - ҳисоб ёзувларида мавжуд бўлган маълумотларни тасдиқлаш учун сўровнома саволларига жавоблар тақдим этишдан иборат.

Continuing auditor (Доимий аудитор) - ("Аудитор"га қаранг).

Control environment (Назоратли муҳит) - ички назорат тизими ва у субъект учун муҳимлигига субъект директори ва раҳбариятининг умумий нуқтаи-назари, хабардорлилиги ва ҳаракатини қамраб олади.

Control procedures (Назорат муолажалари) - субъектнинг аниқ масалаларини ечиш учун назорат муҳитга қўшимча равишда субъект раҳбарияти томонидан белгиланган муолажа ва сиёсат.

Control risk (Назорат таваккалчилиги) - ("Аудиторлик таваккалчилиги"га қаранг).

Database (Маълумотлар базаси) - бир неча турли фойдаланувчиларнинг умумий ихтиёрида бўлган ва улар томонидан турли мақсадлар учун қўлланиладиган маълумотлар тўплами.

Detecion risk (Аниқланмаслик таваккалчилиги) - ("Аудиторлик таваккалчилиги"га қаранг).

Disclamer of opinion (Фикр билдиришни рад этмоқ) - ("Модификациялаштирилган аудиторлик ҳисоботи"га қаранг).

Documentation (Ҳужжатлар) - аудитор учун аудитор томонидан тайёрланган ёки аудит ўтказилиши муносабати билан аудитор томонидан олинган ва сақланадиган материал (ишчи ҳужжатлар).

Emphasis of matter paragraphs (Тушунтириш банд(лар)и) - ("Модификациялаштирилган аудиторлик ҳисоботи"га қаранг).

Engagement letter (Келишув хати) - аудитор тайинланганлиги, аудитнинг мақсади ва кўлами, аудиторнинг мижоз олдида жавобгарлик даражаси ва ҳар қандай ҳисоботларни тақдим этиш шаклини ҳужжатлаштиради ва тасдиқлайди.

Error (Хато) - молиявий ҳисоботда билмасдан қилинган ноаниқлик.

Expected error (Кутилаётган хато) - танлаб олиш йиғиндисида аудитор томонидан кутилаётган хато.

Expert (Эксперт) - бухгалтерия ҳисоби ва аудитдан фарқли бошқа соҳада махсус кўникмаларга, билимларга ва тажрибага эга бўлган шахс ёки фирма.

External audit/auditor (Ташқи аудит/аудитор) - ("Аудитор"га қаранг).

Financial statements (Молиявий ҳисобот) - бухгалтерия баланси, даромадлар ва харажатлар ёки фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот, молиявий аҳволдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисобот (улар турли усуллар билан тақдим этилиши мумкин, масалан: пул маблағлари оқими тўғрисидаги ҳисобот ёки пул маблағлари манбаи ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисобот шаклида), изоҳлар ва бошқа ҳисоботлар, шунингдек молиявий ҳисоботнинг бир қисми тариқасида кўриладиган тушунтириш материаллар.

Summarized financial statements (Умумлаштирилган молиявий ҳисобот) - субъект молиявий аҳволи ва молиявий-хўжалик фаолиятининг фақат асосий кўрсаткичларида манфаатдор бўлган фойдаланувчилар гуруҳига маълумот бериш мақсадида субъект томонидан аудит қилинадиган йиллик молиявий ҳисоботининг умумлаштирувчи молиявий ҳисоботи тайёрланиши мумкин.

Financial statement assertions (Молиявий ҳисоботни тасдиқлаш) - молиявий ҳисобот таркибига киритиладиган ва қуйидаги туркумларга ажратилиши мумкин бўлган субъект раҳбариятининг бевосита ёки бошқача йўл билан тақдим этадиган тасдиқлари:

(а) ***мавжудлик (existence):*** маълум санага мавжуд бўлган актив ёки мажбурият;

(б) ***ҳуқуқлар ва мажбуриятлар (rights and obligations):*** маълум санага мавжуд бўлган субъектга тегишли бўлган актив ёки мажбурият;

(в) ***ҳодиса (occurrence)*** - ҳисобот даври мобайнида амалга оширилган операция ёки субъектга алоқадор бўлган ҳодиса содир этилган;

(г) ***тўлиқлик (completeness)*** - акс эттирилмаган активлар, мажбуриятлар, операциялар ёки ҳодисалар, шунингдек ёритилмаган моддалар мавжуд эмас;

(д) ***баҳолаш (valuation):*** актив ёки мажбурият тегишли баланс қиймати бўйича акс эттирилади;

(е) ***ўлчов (measurement):*** операция ёки ҳодиса тегишли суммада, даромад ёки харажатлар тегишли даврда акс эттирилади;

(ж) ***тақдим этиш ва ёритиш (presentation and disclosure):*** қўлланиладиган молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосга мувофиқ модда ёритилади, туркумланади ва баён этилади.

Forecast (Истиқболни белгилаш) - субъект раҳбарияти томонидан кутилаётган ва содир этилиши мумкин бўлган келгуси ҳодисалар, шунингдек субъект раҳбарияти маълумот тайёрлаш санасига амалга оширишни кўзда тутган ҳаракатларини назарда тутган ҳолда тайёрланган истиқболлий молиявий маълумот (энг аниқ маълумот).

АТАМАЛАР ЛУРАТИ

2000.16.03.

Fraud (Товламачилик) - раҳбарият таркиби, ходимлар ёки учинчи томонларнинг бир ёки бир неча шахслари томонидан молиявий ҳисоботни нотўғри тақдим этилишига олиб келадиган ва билиб туриб қилган ҳаракатларига тааллуқли.

General controls in computer information sistems (Компьютер-ахборот тизимларида назоратнинг умумий муолажалари) - барча ички назорат масалалари ҳал этилган деган ишонч даражасини таъминлаш мақсадида компьютер-ахборот тизимлари иши юзасидан умумий назорат асосини барпо этиш.

Going concern assumption (Фаолият узлуксизлиги тўғрисида тахмин) - яқин келажакда корхона ўз фаолиятини узлуксиз давом эттиради деган тахмин; корхона тугатилиши тўғрисида ниятта ёки тугатилиши лозим ёхуд фаолият ҳажмини аҳамиятли даражада камайтиради деган тахминга эга эмаслиги. Натижада активлар узлуксиз ишлатилиши асосида, масалан, сотилишнинг соф қиймати ёки тугатилиш қийматида эмас, балки дастлабки ёки тиклаш қиймати бўйича баҳоланади.

Government business enterprises (Давлат тижорат корхоналари) - одатда сиёсий ёки жамоат мақсадларни амалга оширувчи давлат секторида фаолият кўрсатадиган корхоналар. Одатда, улардан тижорат, яъни операцион харажатларнинг асосий қисмини фойдаланувчилар ҳисобига қоплаш йўли билан фойда олиш ёки ўз-ўзини қоплаш асосида фаолиятни амалга ошириш талаб қилинади.

Incoming auditor (Кейинги (янги) аудитор) - ("Аудитор"га қаранг).

Inherent risk (Ажралмас таваккалчилик) - ("Аудиторлик таваккалчилиги"га қаранг).

Inqury (Сўров) - субъект доирасидаги ёки унинг доираси ташқарисидаги хабардор шахслардан маълумот олишдан иборат.

Inspection (Текшириш) - ёзувлар, ҳужжатлар ёки моддий активларни текширишдан иборат.

Interim financial information or statements (Оралиқ молиявий маълумот ёки ҳисобот) - молиявий даврга нисбатан оралиқдаги саналар (одатда ярим йил ёки чорак даври) бўйича тайёрланган молиявий маълумот (юқорида келтирилган талқинга мувофиқ тўлиқ молиявий маълумотдан камроқ ҳажмда бўлиши мумкин).

Internal auditing (Ички аудит) - субъект таркибида унинг хизмат бўлинмаси сифатида ташкил этилган ишни баҳолаш бўйича фаолият. Бошқа масалалар билан бир қаторда, унинг вазифаси бухгалтерия ва ички назорат тизимлари мослиги ва самарадорлигининг текширувини баҳолаш ва мониторингдан иборат.

Internal control system (Ички назорат тизими) - объект раҳбарияти томонидан, амалда бажарилиши мумкин бўлган даражада, объект раҳбариятининг батартиб ва самарадорлик билан фаолият кўрсатиши, жумладан, субъект сиёсатига амал қилиниши, активлар бутлигини таъминланиши, товламачилик ва хатоларни олдини олиш ва аниқланиши, бухгалтерия ёзувларининг аниқлиги ва тўлиқлиги, шунингдек ишончли молиявий маълумот тайёрланишини таъминланишига қаратилган барча муолажалар ва сиёсат (ички назорат). Ички назорат тизими бевосита бухгалтерия ҳисоби тизими вазифаларига тааллуқли бўлган масалалар доирасидан четга чиқади.

Knowledge of the business (Бизнес тўғрисида билимга эга бўлиш) - субъект ўз фаолиятини амалга ошираётган доирада иқтисод ва тармоқни, шунингдек субъект қандай фаолият кўрсатаётганлиги тўғрисида аниқроқ билимга эга бўлиш.

Limitation on scope (Кўламни чеклаш) - айрим пайтларда аудиторнинг иш кўлами субъект томонидан чекланиши мумкин (масалан, келишув шартларида аудитор лозим бўлган аудиторлик муолажаларини бажармаслиги кўзда тутилган бўлса). Кўламни чеклаш маълум шарт-шароитлардан келиб чиқиши мумкин (масалан, аудиторнинг ишлаш муддати аудиторга товар-моддий заҳираларни инвентарлаш юзасидан назорат қилиш имконини бермайди). Кўламни чеклаш, шунингдек, аудиторнинг фикри бўйича субъектнинг ҳисоб ёзувлари мос эмас деб ҳисобланганда ёки аудитор тавсия қилинган муолажани бажариш учун имкон бўлмаганда вужудга келиши мумкин.

Management (Субъект раҳбарияти) - раҳбарият катта ходимлар ва раҳбарлик вазифаларини бажарувчи бошқа шахслардан иборат бўлади. Директорлар ва аудиторлик қўмитаси фақат ушбу вазифаларни бажарган ҳолларда раҳбарият таркибига киради.

Management representations (Субъект раҳбариятининг тақдимотлари) - аудит ўтказиш жараёнида субъект раҳбарияти томонидан ўз хоҳиши ёки аниқ саволларга биноан аудиторга тақдим этиладиган маълумотлар.

Material inconsistency (Аҳамиятли номувофиқлик) - бошқа маълумот аудит қилинган молиявий ҳисоботдаги маълумотга зид бўлгандаги ҳолат. Аҳамиятли номувофиқлик олдин олинган аудиторлик далиллар асосида чиқарилган аудиторлик хулосалари ва, мумкин қадар, молиявий ҳисобот бўйича аудитор фикрини билдириш учун асос юзасидан шубҳа туғдириши мумкин.

АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

2000.16.03.

Material misstatement of fact (Ҳолатни аҳамиятли нотўғри кўрсатиш) - аудит қилинган молиявий ҳисобот билан боғлиқ бўлмаган бошқа маълумотда ҳолатни аҳамиятли нотўғри кўрсатиш. Бундай маълумот нотўғри кўрсатилганда ёки тақдим этилганда вужудга келади.

Material weaknesses (Аҳамиятли камчиликлар) - молиявий ҳисоботга аҳамиятли таъсир кўрсата оладиган ички назоратга оид камчиликлар.

Materialiti (Муҳимлилик) - маълумот инобатга олинмаган ёки нотўғри кўрсатилган тақдирда у фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот асосида қабул қилган иқтисодий қарорларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, бундай маълумот муҳимли ҳисобланади. Муҳимлилик маълум шароитларда инобатга олмаслик ёки нотўғри кўрсатиш тўғрисида фикр қабул қилиш пайтида модда ёки хато миқдорига боғлиқ. Бинобарин, муҳимлилик маълум бир поғона ёки ҳисоблаш нуқтаси ва маълумот фойдали бўлиши учун бошланғич сифат тавсифи ҳисобланади.

Misstatement (Нотўғри кўрсатиш) - хато ёки товламачилик натижасида молиявий маълумотда вужудга келиши мумкин бўлган нотўғри кўрсатишлар.

Modified auditor's report (Модификациялаштирилган аудиторлик ҳисоботи) - тушунтириш банд(лар)и ҳисоботга киритилган ёки аудитор ўз фикрини изоҳларсиз ифодаламаган тақдирда аудиторлик ҳисоботи модификациялаштирилган ҳисобланади.

Matters That Do Not Affect the Auditor's Opinion (Аудиторнинг фикрига таъсир этмайдиган саволлар)

Emphasis of matter paragraph(s) (Тушунтириш банд(лар)) - молиявий ҳисоботга таъсир этувчи, кенгрок муҳокама қилинадиган молиявий ҳисоботнинг иловасига киритилган саволни алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадида тушунтириш бандини киритиш йўли билан аудиторлик ҳисоботи модификациялаштирилиши мумкин. Бундай бандни киритиш аудиторнинг фикрига таъсир кўрсата олмайди. Аудитор, шунингдек, молиявий ҳисоботга таъсир этувчи саволлардан ташқарилари юзасидан тушунтириш банд(лар)ини қўллаш йўли билан аудиторлик ҳисоботини модификациялаштириши мумкин.

Matters That Do Affect the Auditor's Opinion (Аудиторнинг фикрига таъсир этадиган саволлар)

Qualified opinion (Шарҳлар билан билдирилган фикр) - аудитор фикр шарҳларсиз билдирилиши мумкин бўлмаган деган хулосага келганда, лекин субъект раҳбарияти билан барча келишмовчиликлар натижалари ёки аудит кўлами чекланиши салбий фикр билдириш ёки фикр билдиришдан воз кечиш талабига аҳамиятли ва чуқур таъсир кўрсатмаган ҳолда, фикр шарҳлар билан билдирилади.

Disclmer of opinion (Фикр билдиришдан воз кечиш) - кўлам бўйича чекланишининг мумкин бўлган таъсири шунчалик аҳамиятли ва чуқурки, у аудиторга тегишли аудиторлик далилларини олиш, ва, бинобарин, молиявий ҳисобот юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятини бермайди.

Adverse opinion (Салбий фикр) - молиявий ҳисобот учун келишмовчиликлар шунчалик аҳамиятли ва чуқурки, бунда аудитор ўз ҳисоботида шарҳлар билан фикр билдириши молиявий ҳисобот тўғрисида нотўғри ёки у тўғрисида тўлиқ бўлмаган тушунча бериб, маълумотни ёритиш учун мос эмас деган хулосага келганда, салбий фикр билдирилади.

National practices (auditing) (Миллий (аудиторлик) амалиёт) - одатда аудит ўтказиш ёки касбга доир хизматларни кўрсатиш пайтида аудиторлар томонидан қўлланиладиган мамлакат даражасида ваколатга эга бўлган идора томонидан белгиланган, стандартлар кучига эга бўлмаган аудитга оид тавсиялар тўплами.

National standarts (auditing) (Миллий (аудиторлик) стандартлар) - аудит ўтказиш ёки касбга доир хизматларни бажариш пайтида албатта қўлланиши ва аудит ўтказиш ёки касбга доир хизматларни бажариш пайтида албатта бажарилиши лозим бўлган қонун ёки меъёрий ҳужжатлар, мамлакат даражасида ваколатга эга бўлган идора томонидан белгиланган аудиторлик стандартлар тўплами.

Noncompliance (Номувофиқлик) - амалдаги қонунларга ёки меъёрий ҳужжатларга зид ҳолда аудит ўтказилаётган объект томонидан билиб ёки билмасдан йўл қўйган хато ва камчиликлари.

Non-sampling risk (Танлаб олишдан ташқаридаги тавакkалчилик) - ("Танлаб олиш тавакkалчилиги"га қаранг).

Observation (Кузатиш) - бошқа шахслар томонидан амалга оширилаётган жараён ёки муолажалар юзасидан кузатиш ўтказишдан иборат; масалан, аудитор субъект ходимлари томонидан аудиторлик натижаларига эга бўлмаган товар-моддий заҳираларни қайта санаш ёки ички назорат муолажаларини бажариш пайтида кузатиш ўтказиши мумкин.

Opening balances (Бошланғич қолдиқ) - давр бошига ҳисобварақлар бўйича мавжуд бўлган қолдиқлар. Бошланғич қолдиқ ўтган давр бўйича якуний қолдиққа асосланади ва ўтган даврлар бўйича операциялар ва ушбу даврларда қўлланилган ҳисоб сиёсати таъсирини акс эттиради.

Opinion (Фикр (хулоса)) - аудиторлик хулосаси молиявий ҳисобот тўғрисида ёзма равишда аниқ билдирилган фикрдан иборат. Молиявий ҳисобот молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича белгиланган концептуал асосларга мувофиқ тўғри ва ҳаққоний акс эттирилган (ёки барча аҳамиятли жавҳалар бўйича ҳаққоний тақдим этилган) деган хулосага келганда аудитор ўз фикрни шарҳларсиз тақдим этади ("Модификациялаштирилган аудиторлик хулоса"га қаранг).

Other auditor (Бошқа аудитор) - ("Аудитор"га қаранг).

Personnel (Ходимлар) - ("Аудитор"га қаранг).

Planning (Режалаштириш) - аудитнинг кутилаётган тавсифи, муддати ва ҳажмига муфассал ёндошиш ва умумий стратегияни ишлаб чиқиш.

Population (Мажмуи) - ("Аудиторлик танлаб олиш"га қаранг).

Post-balance sheet events (Баланс санасидан кейинги ҳодисалар) - ("Келгуси ҳодисалар"га қаранг).

Predecessor auditor (Олдинги аудитор) - ("Аудитор"га қаранг).

Principial auditor (Асосий аудитор) - ("Аудитор"га қаранг).

Projection (Истиқболлий баҳолаш) -

(а) келажакда албатта содир этилиши мумкин бўлмаган ходисалар ва объект раҳбариятининг ҳаракатлари юзасидан гипотетик тахминлар, масалан, қайсидир объектлар ташкил этиш босқичида ёки фаолият тавсифига аҳамиятли ўзгартиришлар киритиш имкониятини кўриб чиқаётганда; ёки

(б) энг аниқ ва гипотетик тахминлар бирлиги асосида тайёрланган истиқболлий молиявий маълумот.

Prospective financial information (Истиқболлий молиявий маълумот) - келажакда содир этилиши мумкин бўлган ходисалар ва субъект ҳаракатлари тахмини асосида тайёрланган молиявий маълумот. Истиқболлий молиявий маълумот истиқболни белгилаш, баҳолаш ёки улар бирлигида тайёрланиши мумкин ("Истиқболни белгилаш" ва "Истиқболни баҳолаш"га қаранг).

Public sector (Давлат сектори) - "давлат сектори" атамаси миллий, ҳудудий (масалан, маъмурий-ҳудудий бирлик), маҳаллий (масалан, шаҳар, туман) бошқарув идоралари ва бошқа давлат субъектларига (масалан, агентлик, қўмита, бошқарма ва корхоналар) тааллуқли.

Qualified opinion (Шарҳлар билан билдириган фикр) - ("Модификациялаштирилган аудиторлик ҳисоботи"га қаранг).

Quality controls (Сифат назорати) - аудиторлик фирмаси томонидан амалга оширилган барча аудиторлик текширувлар 220-сонли "Аудиторлик иши сифатини назорат қилиш" Аудитнинг халқаро стандартларида қайд этилган Молиявий ҳисобот аудитининг мақсади ва уни тартибга солишнинг умумий тамойилларига мувофиқ амалга оширилганлигига оқилона ишонч ҳосил қилиш учун аудиторлик фирмаси томонидан қабул қилинган сиёсат ва муолажалар.

Reasonable assurance (Оқилона ишонч) - ("Ишонч"га қаранг).

Related parties (Боғлиқ томонлар) - 24-сонли Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларида боғлиқ томонлар ва боғлиқлик томонлари орасидаги операциялари қуйидагича ифодаланган:

Related party (Боғлиқ томон) - молиявий ва тезкор қарорларни қабул қилиш жараёнида бир томон бошқа томон ишини назорат қилиш ёки аҳамиятли даражада таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлган тақдирда томонлар боғлиқ деб ҳисобланади.

Related party transaction (Боғлиқ томонлар ўртасидаги операциялар) - нархи белгиланганлигидан қатъи назар, боғлиқ томонлар ўртасида бир-бирига заҳиралар ёки мажбуриятларни ўтказиш.

Related services (Касбга доир хизматлар) - шарҳлар, келишилган муолажалар ва компиляциялардан иборат.

Review engagement (Шарҳ бўйича келишув) - аудиторлик текширувини ўтказиш пайтида барча далиллар тақдим этилишига имконият бермайдиган муолажалар асосида аудиторнинг эътиборини жалб қилган ва молиявий ҳисобот барча аҳамиятли жавҳалар бўйича молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича белгиланган концептуал асосларга мувофиқ тайёрланмаган деган мулоҳаза туғдиришига асос бўлган қандайдир алоҳида жавҳалар мавжудлигини аниқлаш учун аудиторга асос бўлиб ҳисобланади.

Sampling risk (Танлаб олиш тавакkалчилиги) - танлаб олиш тавакkал-чилиги аудиторнинг танлаб олиш асосида тайёрланган хулосаси барча танлаб олиш мажмуи бўйича шунга ўхшаш аудиторлик муолажаси қўлланилган тақдирда тайёрланган хулосадан мумкин бўлган фарқдан келиб чиқади.

Non-sampling risk (Танлаб олишдан ташқари тавакkалчилик) - аудиторлик даллиларнинг кўпроқ қисми якуний эмаслиги, балки ишончлилик тавсифига эгалигидан келиб чиқади. Аудитор номувофиқ муолажаларни қўллаши ёки даллиларга нотўғри талқин бериши ва, натижада, хатони аниқлай олмаслиги мумкин.

Sampling units (Танлаб олиш бирлиги) - ("Аудиторлик танлаб олиш"га қаранг).

Scope of an audit (Аудит кўлами) - ушбу атама аниқ вазиятларда аудит мақсадига эришиш учун амалга оширилиши лозим бўлган аудиторлик муолажаларига тааллуқли.

Scope limitation (Кўламни чеклаш) - ("Иш кўламини чеклаш"га қаранг).

Segment information (Сегмент бўйича маълумот) - молиявий ҳисоботда субъектнинг фарқланадиган таркибий қисми ёки тармоқ ва жуғрофий жавҳаларига тааллуқли маълумот.

Service organisation (Хизмат кўрсатувчи ташкилот) - мижоз у ёки бу хизмат кўрсатувчи ташкилот хизматидан фойдаланиши мумкин, масалан, операцияларни бажариш ва тегишли ҳисоботни юритиш ёхуд операциялар ҳисоби ва тегишли кўрсаткичларни қайта ишлаш (яъни, компьютер-лаштирилган маълумот тизимлари бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар).

Signifcance (Аҳамиятлилик) - молиявий ҳисобот тасдиқланишининг аҳамиятлилиги билан боғлиқ.

Spicial purpose auditor's report (Махсус аҳамиятга эга бўлган аудиторлик ҳисоботи) - молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботидан фарқли, молиявий маълумотнинг мустақил аудити муносабати билан тайёрланган ҳисобот ва у қуйидагилардан иборат:

(а) Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ёки миллий стандартлардан фарқли равишда тайёрланган бухгалтерия ҳисобининг кенг-қамровли асосларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот;
(б) молиявий ҳисоботнинг махсуслаштирилган ҳисобварақлари, ҳисобварақлар элементлари ёки моддалари;
(в) шартнома мажбуриятларига мувофиқлиги;
(г) умумлаштирилган молиявий ҳисобот.

Stratification (Стратификация) - ("Аудиторлик танлаб олиш"га қаранг).

Subsequent events (Келгуси ходисалар) - 10-сонли Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларида давр якунланғандан кейинги вужудга келадиган икки хил, яъни: маъқул ва номаъқул ҳодисалар эътироф этилади, жумладан:

(а) давр охирига мавжуд бўлган қўшимча вазиятларни исботловчи қўшимча далилларни тақдим этадиган;
(б) давр якунланғандан кейин вужудга келган вазиятларни акс этадиган.

Substantive procedures (Моҳияти бўйича муолажалар) - молиявий ҳисобот-даги аҳамиятли четга чиқишларни аниқлаш мақсадида аудиторлик далилларни олиш учун бажариладиган тестлар. Улар қуйидаги икки турга ажратилади:

(а) операциялар ва ҳисобварақлар сальдоси бўйича муфассал тестлар;
(б) таҳлилий муолажалар.

Sufficiency (Етарлилик) - аудиторлик далилларининг миқдорий ўлчами.

Summaried financial statements (Умумлаштирилган молиявий ҳисобот) - ("Молиявий ҳисобот"га қаранг).

Supreme Audit Institution (Аудитнинг олий муассасиси) - таърифи, тизими ёки ташкил этилишидан қатъи назар, мамлакатда амалдаги қонунчиликка мувофиқ аудитга оид олий давлат вазифаларини ижро этувчи давлат идораси.

Test of control (Назорат тестлари) - қуйидагилар самарадорлиги юзасидан аудиторлик далилларини олиш мақсадида амалга оширилади:

(а) бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари ташкил этилиши, яъни улар аҳамиятли нотўғри кўрсатишларни олдини олиш, аниқлаш ва тузатиш учун қанчалик яхши ташкил этилганлиги;
(б) ички назорат бутун давр мобайнида ўз вазифасини бажариши.

Tolerable error (Йўл қўйилиши мумкин бўлган хато) - танлаб олиш мажмуида аудитор томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган энг кўп хато ва, шунга қарамасдан, бундай танлаб олиш натижаси аудит мақсадига эришишни таъминлайди деган хулоса.

Uncertainty (Ноаниқлик) субъектнинг бевосита назоратида бўлмаган, лекин келажакда молиявий ҳисоботга таъсир этиши мумкин бўлган ҳаракатлар ва ҳодисалардан келиб чиқадиган вазият.

Unqualified opinion (Шарҳларсиз билдирилган фикр) - ("Фикр"га қаранг).

Walk-through test (Муфассал текширув) - бир қатор операцияларни бухгал-терия ҳисобининг барча тизими орқали кузатиб борадиган тестлардан иборат.

Working papers (Ишчи ҳужжатлар) - аудиторнинг ишларни бажариш, режалаштириш, тавсифи, муддати, ҳажми, аудиторлик муолажаларини амалга ошириш ва олинган аудиторлик далиллари асосидаги хулосаларга оид ҳужжатлари. Улар қоғозларда, фотопленкаларда, дискеталарда, электрон шаклларда ёки бошқача юритиш ва сақлаш шаклларида сақланиши мумкин.

[110]

АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

1995 йил июл ҳолатига атамалар луғати

Ажралмас таваккалчилик (Inherent risk) - ("Аудиторлик таваккалчилиги"га қаранг).
Аниқламаслик таваккалчилиги (Detection risk) - ("Аудиторлик таваккалчилиги"га қаранг).
Асосий аудитор (Principial auditor) - ("Аудитор"га қаранг).
Аудит (Audit) - молиявий ҳисобот аудитининг мақсади аудиторга молиявий ҳисобот барча муҳим жавҳалари бўйича молиявий ҳисоботни тақдим этишга оид белгиланган концептуал асосга мувофиқ тайёрланганлиги юзасидан хулоса (фикр билдириш) бериш имкониятини тақдим этишдан иборат. Аудиторлик хулосасини тайёрлашда қуйидаги маъноси бир-бирига тенг бўлган "тўғри ва ҳаққоний акс эттиради" ёки "барча муҳим жавҳалари бўйича ҳаққоний тақдим этилган" деган жумлалардан фойдаланилади. Тегишли мезонларга мувофиқ тайёрланган молиявий ёки бошқа маълумотларни аудит қилишда ҳам худди шундай мақсад кўзда тутилади.
Аудит дастури (Audit program) - аудитнинг умумий режасини амалга ошириш учун режалаштирилган аудиторлик муолажалари тавсифи, муддати ва ҳажмини белгиловчи аудит дастури. Аудит дастури аудитда иштирок этаётган аудиторнинг ёрдамчиси учун йўриқномалар тўплами ҳамда ишни тегишли равишда бажариш ва уни акс эттириш юзасидан назорат қилиш усули сифатида хизмат қилади.
Аудит кўлами (Scope of an audit) - ушбу атама аниқ вазиятларда аудит мақсадига эришиш учун амалга оширилиши лозим бўлган аудиторлик муолажаларига тааллуқли.
Аудитор (Auditor) - аудит учун якуний масъулиятга эга бўлган шахс. Ушбу атама, шунингдек, аудиторлик фирмаси учун ҳам қўлланилади. (Соддалаштирилиш мақсадида Аудитнинг халқаро стандартларида "аудитор" атамаси аудиторлик хизматлари билан бир қаторда, амалга оширилиши мумкин бўлган касбга доир хизматларни ёритишда ҳам қўлланилади. Ушбу таъриф касбга доир хизматларни бажарувчи шахс албатта субъект молиявий ҳисоботининг аудитори бўлиши лозим дегани эмас).

Асосий аудитор (Principial auditor) - субъектнинг бир ёки ундан кўпроқ таркибий қисмлари бўйича молиявий маълумотдан иборат бўлган молиявий ҳисобот бўйича бошқа аудитор томонидан аудит ўтказилган ҳолатларда субъектнинг ушбу молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик ҳисоботи тайёрлаш учун масъул бўлган аудитор.

Бошқа аудитор (Other auditor) - асосий аудитордан фарқланадиган ва асосий аудитор томонидан аудит ўтказилган молиявий ҳисоботга киритилган субъектнинг таркибий қисми бўлган молиявий маълумот бўйича ҳисобот тайёрлашга масъул бўлган аудитор. "Бошқа аудиторлар" тушунчасига худди шу ёки бошқа ном билан аталадиган аффилиланган фирмалар, корреспондент фирмалар, шунингдек ушбу компания билан боғлиқ бўлмаган аудиторлар киради.

Олдинги аудитор (Predecessor auditor) - олдин субъектнинг аудитори бўлган ва кейинчалик бошқа аудиторга алмаштирилган аудитор.

Ташқи аудитор (External auditor) - лозим бўлганда "ташқи аудитор" ва "ташқи аудит" атамалари "ташқи аудитор"ни "ички аудитор"дан, ташқи аудит жараёнида амалга ошириладиган фаолиятни ички аудитда амалга ошириладиган фаолиятидан ажратиш учун қўлланилади.

Ходимлар (Personnel) - ўз таркибига фирманинг аудиторлик фаолиятига жалб қилинган барча ҳамкорлар ва ходимлар жадвалидаги касбий ходимларни киритади.

Аудиторлик далил (Audit evidence) - аудиторлик хулосаси асосланадиган хулосаларни шакллантириш жараёнида аудитор томонидан олинадиган маълумотдир. Аудиторлик далиллар молиявий ҳисобот асосида ётадиган дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб ёзувларидан ҳамда бошқа манбалардан олинган тасдиқловчи маълумотлардан иборат бўлади.
Аудиторлик фирмаси (Audit firm) - аудиторлик хизматларини кўрсатадиган субъект ёки фирма, жумладан, тегишли равишда унинг ҳамкорлари ёки амалиёт билан шуғулланадиган алоҳида аудиторлар.
Аудиторнинг ёрдамчилари (Assistants) - алоҳида аудитни ўтказиш учун жалб қилинган, аммо аудитор бўлмаган ходимлар.
Аудиторлик таваккалчилиги (Audit risk) - молиявий ҳисобот аҳамиятли даражада янглиш бўлганда аудитор номувофиқ аудиторлик хулосасини бериш таваккалчилиги. Аудиторлик таваккалчилиги қуйидаги уч таркибий қисмдан: ажратиб бўлмайдиган таваккалчилик, назорат таваккалчилиги ва аниқланмаслик таваккалчилигидан иборат бўлади.

Ажратиб бўлмайдиган таваккалчилик (Inherent risk) - тегишли ички назорат мавжуд эмас деб тахмин қилинганда, ҳисобварақлар қолдиғи ёки операциялар туркумларининг алоҳида-алоҳида ёки бошқа ҳисобварақлар қолдиғи ёки операциялар туркумлари бўйича бир-галикда муҳим бўлиши мумкин бўлган чалкашликларга моиллигидир.

Аниқланмаслик таваккалчилиги (Detection risk) - ҳисобварақ қолдиғи ёки операциялар туркуми алоҳида-алоҳида ёки бошқа ҳисобварақлар қолдиғи ёки операциялар туркуми билан биргаликда аҳамиятли бўлиши мумкин янглишлар аудиторлик муолажалар амалга оширилганда аниқланмаслик таваккалчилиги.

Назорат таваккалчилиги (Control risk) - ҳисобварақлар қолдиғи ёки операциялар туркумида мумкин бўлган чалкашликлар (улар алоҳида ёки бошқа ҳисобварақлар қолдиғи ёки операциялар туркуми билан биргаликда аҳамиятли бўлиши мумкин) бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари томонидан ўз вақтида олди олинмаслик ёки аниқланмаслик ва тузатилмаслик таваккалчилиги.

Аудиторлик танлаб олиш (Audit sampling) - аудиторга танлаб олиш йиғиндиси бўйича хулоса шакллантириш ёки шакллантиришга ёрдам бериш мақсадида танлаб олинган моддаларнинг айрим тавсифларига нисбатан аудиторлик далилларини олиш ва баҳолаш учун 100%дан кам бўлган ҳисобварақ сальдоси ёки операциялар туркуми доирасига аудиторлик муолажаларини қўллашдан иборат.

Мажмуи (Population) - хулосага эришиш мақсадида аудитор томонидан танлаб олинадиган маълумотларнинг тўлиқ тўплами.

Стратификация (Stratification) - ҳар бири мажмуининг бир-бирига ўхшаш тавсифларга (кўпроқ пул қийматида) эга танлаб олиш қуйи мажмуини бирлик гуруҳига бўлиш жараёни.

Танлаб олиш бирликлари (Sampling units) - мажмуини ташкил этадиган алоҳида моддалар.

Аудиторлик фикр (аудиторлик хулоса) (Audit opinion) - ("Фикр (Хулоса)"га қаранг).

Аудитнинг компьютерлаштирилган усуллари (АКУ) (Computer-assisted techniques (CAAT)) - аудитни ўтказиш қуроли сифатида компьютерни қўллайдиган аудиторлик муолажаларининг амалий дастурлари.

Аудиторнинг маълумот билан боғлиқлиги (Auditor's association) - маълумот аудиторнинг ҳисоботига илова қилинган ёки касбий алоқаларда аудитор номини фойдаланишга рухсат берилган тақдирда аудитор молиявий ҳисобот билан боғлиқ деб ҳисобланади.

Аудитнинг олий муассаси (Supreme Audit Institution) - таърифи, тизими ёки ташкил этилишидан қатъи назар, мамлакатда амалдаги қонунчиликка мувофиқ аудитга оид олий давлат вазифаларини ижро этувчи давлат идораси.

Аҳамиятли камчиликлар (Material weaknesses) - молиявий ҳисоботга аҳамиятли таъсир кўрсата оладиган ички назоратга оид камчиликлар.

Аҳамиятли номувофиқлик (Material inconsistency) - бошқа маълумот аудит қилинган молиявий ҳисоботдаги маълумотга зид бўлгандаги ҳолат. Аҳамиятли номувофиқлик олдин олинган аудиторлик далиллар асосида чиқарилган аудиторлик хулосалари ва, мумкин қадар, молиявий ҳисобот бўйича аудитор фикрини билдириш учун асос юзасидан шубҳа туғдириши мумкин.

Аҳамиятлилик (Significance) - молиявий ҳисобот тасдиқланишининг аҳамиятлилиги билан боғлиқ.

Баланс санасидан кейинги ходисалар (Post-balance sheet events) - ("Келгуси ходисалар"га қаранг).

Бизнес тўғрисида билимга эга бўлиш (Knowledge of the business) - субъект ўз фаолиятини амалга ошираётган доирада иқтисод ва тармоқни, шунингдек субъект қандай фаолият кўрсатаётганлиги тўғрисида аниқроқ билимга эга бўлиш.

Бошланғич қолдиқ (Opening balances) - давр бошига ҳисобварақлар бўйича мавжуд бўлган қолдиқлар. Бошланғич қолдиқ ўтган давр бўйича якуний қолдиққа асосланади ва ўтган даврлар бўйича операциялар ва ушбу даврларда қўлланилган ҳисоб сиёсати таъсирини акс эттиради.

Бошқа аудитор (Other auditor) - ("Аудитор"га қаранг).

Боғлиқ томонлар (Related parties) - 24-сонли Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларида боғлиқ томонлар ва боғлиқлик томонлар орасидаги операциялари қуйидагича ифодаланган:

Боғлиқ томон (Related party) - молиявий ва тезкор қарорларни қабул қилиш жараёнида бир томон бошқа томон ишини назорат қилган ёки аҳамиятли даражада таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлган тақдирда томонлар боғлиқ деб ҳисобланади.

Боғлиқ томонлар орасидаги операциялар (Related party transaction) - нархи белгиланганлигидан қатъи назар, боғлиқ томонлар ўртасида бир-бирига заҳиралар ёки мажбуриятларни ўтказиш.

Бухгалтерлик баҳолаш (Accounting estimate) - аниқ ўлчов усуллари бўлмаган модда суммасининг яқинлаштирилган кўрсаткичи.

Бухгалтерия ҳисобининг кенг-қамровлик асоси (Comprehensive basis of accounting) - молиявий ҳисоботни тайёрлашда барча аҳамиятли моддаларга нисбатан қўлланиладиган ва мустаҳкам негизга эга бўлган бир қатор мезонлардан иборат.

Бухгалтерия ҳисоби тизими (Accounting system) - операциялар молиявий ёзувлар усулида қайта ишланадиган субъектнинг масалалар ва ҳисоб ёзувларининг туркуми. Бундай тизимлар операциялар ва бошқа ходисалар бўйича ҳисоботларни солиштириш, тўплаш, ҳисоблаш, туркумлаш, рўйхатга олиш, умумлаштириш ва тақдим этиш учун қўлланилади.

Давлат сектори (Public sector) - "давлат сектори" атамаси миллий, ҳудудий (масалан, маъмурий-ҳудудий бирлик), маҳаллий (масалан, шаҳар, туман) бошқарув идоралари ва бошқа давлат субъектларига (масалан, агентлик, қўмита, бошқарма ва корхоналар) тааллуқли.

Давлат тижорат корхоналари (Government business enterprises) - одатда сиёсий ёки жамоат мақсадларни амалга оширувчи давлат секторида фаолият кўрсатадиган корхоналар. Одатда, улардан тижорат, яъни операцион харажат-ларнинг асосий қисмини фойдаланувчилар ҳисобига қоплаш йўли билан фойда олиш ёки ўз-ўзини қоплаш асосида фаолиятни амалга ошириш талаб қилинади.

Доимий аудитор (Contiuining auditor) - ("Аудитор"га қаранг).

Етарлилик (Suffirciency) - аудиторлик далилларининг миқдорий ўлчами.

Истиқболлий баҳолаш (Projection) -

(а) келажакда албатта содир этилиши мумкин бўлмаган ходисалар ва объект раҳбариятининг ҳаракатлари юзасидан гипотетик тахминлар, масалан, қайсидир объектлар ташкил этиш босқичида ёки фаолият тавсифига аҳамиятли
(б) ўзгартиришлар киритиш имкониятини кўриб чиқаётганда; ёки
энг аниқ ва гипотетик тахминлар бирлиги асосида тайёрланган истиқболлий молиявий маълумот.

Истиқболлий молиявий маълумот (Prospective financial information) - келажакда содир этилиши мумкин бўлган ходисалар ва субъект ҳаракатлари тахмини асосида тайёрланган молиявий маълумот. Истиқболлий молиявий маълумот истиқболни белгилаш, баҳолаш ёки улар бирлигида тайёрланиши мумкин ("Истиқболни белгилаш" ва "Истиқболни баҳолаш"га қаранг).

Истиқболни белгилаш (Forecast) - субъект раҳбарияти томонидан кутилаётган содир этилиши мумкин бўлган келгуси ходисалар, шунингдек субъект раҳбарияти маълумот тайёрлаш санасига амалга оширишни кўзда тутган ҳаракатларини назарда тутган ҳолда тайёрланган истиқболлий молиявий маълумот (энг аниқ маълумот).

Ички аудит (Internal auditing) - субъект таркибида унинг хизмат бўлинмаси сифатида ташкил этилган ишни баҳолаш бўйича фаолият. Бошқа масалалар билан бир қаторда, унинг вазифаси бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари мослиги ва самарадорлигини текшириш, баҳолаш ва мониторингдан иборат.

Ички назорат тизими (Internal control system) - объект раҳбарияти томонидан, амалда бажарилиши мумкин бўлган даражада, объект раҳбариятининг батартиб ва самарадорлик билан фаолият кўрсатиши, жумладан, субъект сиёсатига амал қилиниши, активлар бутлигини таъминланиши, товламачилик ва хатоларни олдини олиш ва аниқланиши, бухгалтерия ёзувларининг аниқлиги ва тўлиқлиги, шунингдек ишончли молиявий маълумот тайёрланишини таъминланишига қаратилган барча муолажалар ва сиёсат (ички назорат). Ички назорат тизими бевосита бухгалтерия ҳисоби тизими вазифаларига тааллуқли бўлган масалалар доирасидан четга чиқади.

Ишончлилик (Assurance) - бир томондан тақдим этилган ва иккинчи томондан фойдаланиш учун қўлланиладиган тасдиқлашларнинг ишончлилигига нисбатан аудиторнинг қониққанлигини ифодалаш тариқасида қаралади. Бундай ишончлиликни таъминлаш учун аудитор амалга оширилган муолажалар натижасида тўпланган далилларни баҳолайди ва хулоса чиқаради. Аудиторнинг ишончлилик даражаси ва, бинобарин, таъминланадиган ишончлилик даражаси амалга оширилган муолажалар ва уларнинг натижалари билан белгиланади.

Оқилона ишончлилик (Reasonable assurance) - аудит бўйича келишувда аудитор, аудит ўтказилган маълумот, оқилона ишончлилик билан, аҳамиятли четга чиқишларга эга бўлмаган ҳолда аудиторлик ҳисоботида ижобий акс эттирилиб ишончлиликни юқори, лекин мутлақ бўлмаган даражасини таъминлашидир.

Ишчи ҳужжатлар (Working papers) - аудиторнинг ишларни бажариш, режалаштириш, тавсифи, муддати, ҳажми, аудиторлик муолажаларини амалга ошириш ва олинган аудиторлик далиллари асосидаги хулосаларга оид ҳужжатлари. Улар қоғозларда, фотопленкаларда, дискеталарда, электрон шаклларда ёки бошқача юритилиш ва сақлаш шаклларида сақланиши мумкин.

Йиллик ҳисобот (Annual report) - одатда субъект ҳар йили аудиторлик текширувидан ўтказилган молиявий ҳисобот ва ушбу ҳисобот юзасидан аудиторлик ҳисоботидан иборат ҳужжатни чоп этади. Ушбу ҳужжат одатда "йиллик ҳисобот" деб аталади.

Йўл қўйилиши мумкин бўлган хато (Tolerable error) - танлаб олиш мажмуида аудитор томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган энг кўп хато ва, шунга қарамасдан, бундай танлаб олиш натижаси аудит мақсадига эришишни таъминлайди деган хулоса.

Касбга доир хизматлар (Related services) - шарҳлар, келишилган муолажалар ва компиляциялардан иборат.

Кейинги (янги) аудитор (Incoming auditor) - ("Аудитор"га қаранг).

Келгуси ҳодисалар (Subsequent events) - 10-сонли Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларида давр якунлангандан кейинги вужудга келадиган икки хил, яъни: маъқул ва номаъқул ҳодисалар эътироф этилади, жумладан:

(а) давр охирига мавжуд бўлган қўшимча вазиятларни исботловчи қўшимча
(б) далилларни тақдим этадиган;
давр якунлангандан кейин вужудга келган вазиятларни акс этадиган.

Келишилган муолажаларни бажариш бўйича келишув (Agreed-upon procedures engagement) - келишилган муолажаларни ўтказишга оид келишув бўйича аудитор, субъект ва бошқа ҳар бир учинчи томонлар билан келишилган аудиторлик муолажаларини амалга ошириш учун жалб этилади ва амалдаги хулосалар бўйича ҳисобот тақдим этади. Ушбу ҳисоботдан ойдаланувчилар аудитор ҳисоботига асосан ўзларининг хулосаларини чиқаришлари лозим. Ушбу ҳисобот фақат келишилиган муолажаларни бажариш бўйича иштирок этаётган томонларга тақдим этилади, чунки муолажалар ўтказиш сабаблари билан таништирилмаган бошқа томонлар улар натижаларини нотўғри талқин қилишлари мумкин.

Келишув хати (Engagement letter) - аудитор тайинланганлиги, аудитнинг мақсади ва кўлами, аудиторнинг мижоз олдида жавобгарлик даражаси ва ҳар қандай ҳисоботларни тақдим этиш шаклини ҳужжатлаштиради ва тасдиқлайди.

Компиляциявий келишув (Compilation engagement) - компиляциявий келишувда бухгалтер ўзининг бухгалтерия ҳисоби бўйича билимларини, аудитга оид билимларига қарама-қарши ҳолда, молиявий ҳисоботни тўплаш, туркумлаш ва умумлаштириш учун қўллаш мақсадида жалб қилади.

Компьютер ахборий тизимлари (КАТ) (Computer information systems (CIS)) - субъект аудит учун аҳамиятли бўлган молиявий маълумотни қайта ишлаш учун ҳар қандай турдаги ёки ўлчамли компьютердан фойдаланганда, бу компьютер ушбу субъект ёки учунчи томондан фойдаланишидан катъи назар, компьютер ахборий тизимлари муҳити вужудга келади.

Компьютер ахборот тизимларида назоратнинг умумий муолажалари (General controls in computer information sistems) - барча ички назорат масалалари ҳал этилган деган ишонч даражасини таъминлаш мақсадида компьютер ахборот тизимлари иши юзасидан умумий назорат асосини барпо этиш.

Компьютер маълумотлар тизимларидаги амалий дастурлар юзасидан назорат муолажалари (Application controls in computer information systems) - компьютерлаштирилган усул ёрдамида юритиладиган бухгалтерия ҳисобининг амалий дастурлари юзасидан алоҳида муолажалар. Ушбу воситалар барча операцияларни бажаришга рухсат олинганлиги ва улар тегишли аниқлик, ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда акс эттирилганлиги ва ишлов берилганлиги тўғрисида оқилона ишончни таъминлаш учун бухгалтерия ҳисобининг амалий дастурлари юзасидан алоҳида муолажаларни белгилаш мақсадида қўлланилади.

Кузатиш (Observation) - бошқа шахслар томонидан амалга оширилаётган жараён ёки муолажалар юзасидан кузатиш ўтказишдан иборат; масалан, аудитор субъект ходимлари томонидан аудиторлик натижаларига эга бўлмаган товар-моддий заҳираларни қайта санаш ёки ички назорат муолажаларини бажариш пайтида кузатиш ўтказиши мумкин.

Кутилаётган хато (Expected error) - танлаб олиш йиғиндисида аудитор томонидан кутилаётган хато.

Кўламни чеклаш (Limitation on scope, Scope limitation) - айрим пайтларда аудиторнинг иш кўлами субъект томонидан чекланиши мумкин (масалан, келишув шартларида аудитор лозим бўлган аудиторлик муолажаларини бажармаслиги кўзда тутилган бўлса). Куламни чеклаш маълум шарт-шароитлардан келиб чиқиши мумкин (масалан, аудиторнинг ишлаш муддати аудиторга товар-моддий заҳираларни инвентарлаш юзасидан назорат қилиш имконини бермайди). Кўламни чеклаш, шунингдек, аудиторнинг фикри бўйича субъектнинг ҳисоб ёзувлари мос эмас деб ҳисобланганда ёки аудитор тавсия қилинган муолажани бажариш учун имкон бўлмаганда вужудга келиши мумкин.

Мажмуи (Population) - ("Аудиторлик танлаб олиш"га қаранг).

Махсус аҳамиятга эга бўлган аудиторлик ҳисоботи (Spesial purpose auditor's report) - молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботдан фарқли, молиявий маълумотнинг мустақил аудити муносабати билан тайёрланган ҳисобот ва у қуйидагилардан иборат:

(а) Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари ёки миллий стандартларидан фарқли равишда тайёрланган бухгалтерия ҳисобининг кенг-қамровли асосларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот;

(б) молиявий ҳисоботнинг махсуслаштирилган ҳисобварақлари, ҳисобварақлар элементлари ёки моддалари;

(в) шартнома мажбуриятларига мувофиқлиги;

(г) умумлаштирилган молиявий ҳисобот.

Маълумотлар базаси (Database) - бир неча турли фойдаланувчиларнинг умумий ихтиёрида бўлган ва улар томонидан турли мақсадлар учун қўлланиладиган маълумотлар тўплами.

Миллий (аудиторлик) амалиёт (National practices (auditing)) - одатда аудит ўтказиш ёки касбга доир хизматларни кўрсатиш пайтида аудиторлар томонидан қўлланиладиган мамлакат даражасида ваколатга эга бўлган идора томонидан белгиланган, стандартлар кучига эга бўлмаган аудитга оид тавсиялар тўплами.

Миллий (аудиторлик) стандартлар (National standarts (auditing)) - аудит ўткази ёки касбга доир хизматларни бажариш пайтида албатта қўлланиши ва аудит ўтказиш ёки касбга доир хизматларни бажариш пайтида албатта бажарилиши лозим бўлган қонун ёки меъёрий ҳужжатлар, мамлакат даражасида ваколатга эга бўлган идора томонидан белгиланган аудиторлик стандартлар тўплами.

Модификациялаштирилган аудиторлик ҳисоботи (Modified auditor's report) - тушунтириш банд(лар)и ҳисоботга киритилган ёки аудитор ўз фикрини изоҳларсиз ифодаламаган тақдирда аудиторлик ҳисоботи модификациялаштирилган ҳисобланади.

Аудиторнинг фикрига таъсир этмайдиган саволлар (Matters That Do Not Affect the Auditor's Opinion)

(Тушунтириш банд(лар) (Emphasis of matter paragraph(s)) - молиявий ҳисоботга таъсир этувчи, кенгрок муҳокама қилинадиган молиявий ҳисоботнинг иловасига киритилган саволни алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадида тушунтириш бандини киритиш йўли билан аудиторлик ҳисоботи модификациялаштирилиши мумкин. Бундай бандни киритиш аудиторнинг фикрига таъсир кўрсата олмайди. Аудитор, шунингдек, молиявий ҳисоботга таъсир этувчи масалалардан ташқарилари юзасидан тушунтириш банд(лар)ини қўллаш йўли билан аудиторлик ҳисоботини модификациялаштириши мумкин.

Аудиторнинг фикрига таъсир этадиган саволлар (Matters That Do Affect the Auditor's Opinion)

Шарҳлар билан фикр билдириш (Qualified opinion) - аудитор фикр шарҳларсиз билдирилиши мумкин бўлмаган деган хулосага келганда, лекин субъект раҳбарияти билан барча келишмовчиликлар натижалари ёки аудит кўлами чекланиши салбий фикр билдириш ёки фикр билдиришдан воз кечиш талабига аҳамиятли ва чуқур таъсир кўрсатмаган ҳолда, фикр шарҳлар билан билдирилади.

Фикр билдиришдан воз кечиш (Disclmer of opinion) - кўлам бўйича чекланишининг мумкин бўлган таъсири шунчалик аҳамиятли ва чуқурки, у аудиторга тегишли аудиторлик далилларини олиш, ва, бинобарин, молиявий ҳисобот юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятини бермайди.

Салбий фикр (Adverse opinion) - молиявий ҳисобот учун келишмовчиликлар шунчалик аҳамиятли ва чуқурки, бунда аудитор ўз ҳисоботида шарҳлар билан фикр билдириши молиявий ҳисобот тўғрисида нотўғри ёки у тўғрисида тўлиқ бўлмаган тушунча бериб, маълумотни ёритиш учун мос эмас деган хулосага келганда, салбий фикр билдирилади.

Молиявий ҳисобот (Financial statements) - бухгалтерия баланси, даромадлар ва харажатлар ёки фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот, молиявий аҳволдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисобот (улар турли усуллар билан тақдим этилиши мумкин, масалан: пул маблағлари оқими тўғрисидаги ҳисобот ёки пул маблағлари манбаи ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисобот шаклида), изоҳлар ва бошқа ҳисоботлар, шунингдек молиявий ҳисоботнинг бир қисми тариқасида кўриладиган тушунтириш материаллар.

Умумлаштирилган молиявий ҳисобот (Summarized financial statements) - субъект молиявий аҳволи ва молиявий-хўжалик фаолиятининг фақат асосий кўрсаткичларида манфаатдор бўлган фойдаланувчилар гуруҳига маълумот бериш мақсадида субъект томонидан аудит қилинадиган йиллик молиявий ҳисоботининг умумлаштирувчи молиявий ҳисобот тайёрлаши мумкин

Молиявий ҳисоботни тасдиқлаш (Financial statement assertions) - молиявий ҳисобот таркибига киритиладиган ва қуйидаги туркумларга ажратилиши мумкин бўлган субъект раҳбариятининг бевосита ёки бошқача йўл билан тақдим этадиган тасдиқлари:

(а) ***мавжудлик (existence):*** маълум санага мавжуд бўлган актив ёки мажбурият;
(б) ***ҳуқуқлар ва мажбуриятлар (rights and obligations):*** маълум санага мавжуд бўлган субъектга тегишли бўлган актив ёки мажбурият;
(в) ***ҳодиса (occurrence)*** - ҳисобот даври мобайнида амалга оширилган операция ёки субъектга алоқадор бўлган ҳодиса содир этилган;
(г) ***тўлиқлик (completeness)*** - акс эттирилмаган активлар, мажбуриятлар, операциялар ёки ҳодисалар, шунингдек ёритилмаган моддалар мавжуд эмас;
(д) ***баҳолаш (valuation):*** актив ёки мажбурият тегишли баланс қиймати бўйича акс эттирилади;
(е) ***ўлчов (measurement):*** операция ёки ҳодиса тегишли суммада, даромад ёки харажатлар тегишли даврда акс эттирилади;
(ж) ***тақдим этиш ва ёритиш (presentation and disclosure):*** қўлланиладиган молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосга мувофиқ модда ёритилади, туркумланади ва баён этилади.

Моҳияти бўйича муолажалар (Substantive procedures) - молиявий ҳисоботдаги аҳамиятли четга чиқишларни аниқлаш мақсадида аудиторлик далилларни олиш учун бажариладиган тестлар. Улар қуйидаги икки турга ажратилади:

(а) операциялар ва ҳисобварақлар сальдоси бўйича муфассал тестлар;
(б) таҳлилий муолажалар.

Мувофиқлик (Appropriateness) - аудиторлик далилларининг сифат ўлчови, аниқ тасдиқлашга нисбатан релевантлиги ва уларнинг ишончлилиги ҳисобланади.
Муфассал текширув (Walk-through test) - бир қатор операцияларни бухгал-терия ҳисобининг барча тизими орқали кузатиб борадиган тестлардан иборат.
Муҳимлилик (Materialiti) - маълумот инобатга олинмаган ёки нотўғри кўрсатилган тақдирда у фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот асосида қабул қилган иқтисодий қарорларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, бундай маълумот муҳимли ҳисобланади. Муҳимлилик маълум шароитларда инобатга олмаслик ёки нотўғри кўрсатиш тўғрисида фикр қабул қилиш пайтида модда ёки хато миқдорига боғлиқ. Бинобарин, муҳимлилик маълум бир поғона ёки ҳисоблаш нуқтаси ва маълумот фойдали бўлиши учун бошланғич сифат тавсифи ҳисобланади.
Назорат муолажалари (Control procedures) - субъектнинг аниқ масалаларини ечиш учун назорат муҳитга қўшимча равишда субъект раҳбарияти томонидан белгиланган муолажа ва сиёсат.
Назоратли муҳит (Control environment) - ички назорат тизими ва у субъект учун муҳимлилигига субъект директори ва раҳбариятининг умумий нуқтаи-назари, хабардорлилиги ва ҳаракатини қамраб олади.
Назорат таваккалчилиги (Control risk) - ("Аудиторлик таваккалчилиги"га қаранг).
Назорат тестлари (Test of control) - қуйидагилар самарадорлиги юзасидан аудиторлик далилларини олиш мақсадида амалга оширилади:

(а) бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари ташкил этилиши, яъни улар аҳамиятли нотўғри кўрсатишларни олдини олиш, аниқлаш ва тузатиш учун қанчалик яхши ташкил этилганлиги;
(б) ички назорат бутун давр мобайнида ўз вазифасини бажариши.

Ноаниқлик (Uncertainty) субъектнинг бевосита назоратида бўлмаган, лекин келажакда молиявий ҳисоботга таъсир этиши мумкин бўлган ҳаракатлар ва ходисалардан келиб чиқадиган вазият.
Номувофиқлик (Noncompliance) - амалдаги қонунларга ёки меъёрий ҳужжатларга зид ҳолда аудит ўтказилаётган объект томонидан билиб туриб ёки билмасдан йўл қўйган хато ва камчиликлари.
Нотўғри кўрсатиш (Misstatement) - хато ёки товламачилик натижасида молиявий маълумотда вужудга келиши мумкин бўлган нотўғри кўрсатишлар.

Оқилона ишонч (Reasonable assurance) - ("Ишонч"га қаранг).
Олдинги аудитор (Predecessor auditor) - ("Аудитор"га қаранг).
Оралиқ молиявий маълумот ёки ҳисобот (Interim financial information or statements) - молиявий даврга нисбатан оралиқдаги саналар (одатда ярим йил ёки чорак даври) бўйича тайёрланган молиявий маълумот (юқорида келтирилган талқинга мувофиқ тўлиқ молиявий маълумотдан камроқ ҳажмда бўлиши мумкин).
Режалаштириш (Planning) - аудитнинг кутилаётган тавсифи, муддати ва ҳажмига муфассал ёндошиш ва умумий стратегияни ишлаб чиқиш.
Салбий фикр (Adverse opinion) - ("Модификациялаштирилган аудиторлик ҳисоботи"га қаранг).
Сегмент бўйича маълумот (Segment information) - молиявий ҳисоботда субъектнинг фарқланадиган таркибий қисми ёки тармоқ ва жуғрофий жавҳаларига тааллуқли маълумот.
Сифат назорати (Quality controls) - аудиторлик фирмаси томонидан амалга оширилган барча аудиторлик текширувлар 220-сонли "Аудиторлик иши сифатини назорат қилиш" Аудитнинг халқаро стандартларида қайд этилган Молиявий ҳисобот аудитининг мақсади ва уни тартибга солишнинг умумий тамойилларига мувофиқ амалга оширилганлигига оқилона ишонч ҳосил қилиш учун аудиторлик фирмаси томонидан қабул қилинган сиёсат ва муолажалар.
Стратификация (Stratification) - ("Аудиторлик танлаб олиш"га қаранг).
Субъект раҳбарияти (Management) - раҳбарият катта ходимлар ва раҳбарлик вазифаларини бажарувчи бошқа шахслардан иборат бўлади. Директорлар ва аудиторлик қўмитаси фақат ушбу вазифаларни бажарган ҳолларда раҳбарият таркибига киради.
Субъект раҳбариятининг тақдимотлари (Management representations) - аудит ўтказиш жараёнида субъект раҳбарияти томонидан ўз хоҳиши ёки аниқ саволларга биноан аудиторга тақдим эталадиган маълумотлар.
Сўров (Inqury) - субъект доирасидаги ёки унинг доираси ташқарисидаги хабардор шахслардан маълумот олишдан иборат.
Танлаб олиш бирлиги (Sampling units) - ("Аудиторлик танлаб олиш"га қаранг).
Танлаб олиш тавакказлчилиги (Sampling risk) - танлаб олиш тавак-калчилиги аудиторнинг танлаб олиш асосида тайёрланган хулосаси барча танлаб олиш мажмуи бўйича шунга ўхшаш аудиторлик муолажаси қўлланилган тақдирда тайёрланган хулосадан мумкин бўлган фарқдан келиб чиқади.

Танлаб олишдан ташқари тавакказлчилик (Non-sampling risk) - аудиторлик даллилларнинг кўпроқ қисми якуний эмаслиги, балки ишончлилик тавсифига эгалигидан келиб чиқади. Аудитор номувофиқ муолажаларни қўллаши ёки даллилларга нотўғри талқин бериши ва, натижада, хатони аниқлай олмаслиги мумкин.

Танлаб олишдан ташқари тавакказлчилик (Non-sampling risk) - ("Танлаб олиш тавакказлчилиги"га қаранг).
Таркибий қисм (Component) - молиявий ҳисоботи асосий аудитор томонидан аудит қилинадиган ва молиявий ҳисоботга киритиладиган қуйи бўлинма, филиал, қарам корхона, қўшма корхона, уюшмага айлантирилган компания ёки бошқа субъект.
Тасдиқлаш (Confirmation) - ҳисоб ёзувларида мавжуд бўлган маълумотларни тасдиқлаш учун сўровнома саволларига жавоблар тақдим этишдан иборат.
Тасдиқлаш (Assertions) - тўғридан-тўғри ёки бошқа усул билан молиявий ҳисоботга киритиладиган субъектнинг тақдимотлари ("Молиявий ҳисоботни тасдиқлаш"га қаранг).
Ташқи аудит/аудитор - (External audit/auditor) - ("Аудитор"га қаранг).
Таҳлилий муолажалар (Analitical procedures) - аҳамиятли коэффициентлар ва нисбатларнинг таҳлилидан, жумладан бошқа релевант маълумотларга изчил қўлланмаган ёки истиқболи белгиланган суммалардан четга чиқадиган ўзгаришлар ва ўзаро боғлиқликларнинг келгуси тадқиқотидан иборат.
Таққосланадиган кўрсаткичлар (Comparatives) - таққослаш мақсадида тақдим этилган жорий давр молиявий ҳисобот даври ёки даврлар бўйича бир бири билан алоқадор суммалар ва бошқа ёритишлар. Таққосланадиган кўрсаткичлар қуйидагича тақдим этилиши мумкин:

Бир бири билан боғланган кўрсаткичлар (Corresponding figures) - жорий давр бўйича молиявий ҳисоботнинг бир қисми каби киритилган ва жорий давр билан боғлиқ суммалар ва бошқа ёритишлар билан контекстда ўқиш учун мўлжалланган. Улар жорий давр молиявий ҳисоботнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади ва фақат жорий давр бўйича кўрсаткичлар контекстида ўқилиш учун мўлжалланган ва мустақил равишда кўриладиган тўлиқ молиявий ҳисобот эмас.

Таққосланадиган молиявий ҳисобот (Comparative financial statements) - ўтган давр бўйича молиявий ҳисобот жорий давр бўйича молиявий ҳисобот билан таққослаш учун тақдим этилади, лекин жорий давр бўйича молиявий ҳисоботнинг қисми бўлиб ҳисобланмайди.

110

АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

2000.16.03.

Текшириш (Inspection) - ёзувлар, ҳужжатлар ёки моддий активларни текширишдан иборат.
Товламачилик (Fraud) - раҳбарият таркиби, ходимлар ёки учинчи томонларнинг бир ёки бир неча шахслари томонидан молиявий ҳисоботни нотўғри тақдим этилишига олиб келадиган ва билиб туриб қилган ҳаракатларига таалуқли.
Тушунтириш банд(лар)и - (Emphasis of matter paragraphs) - ("Модификациялаштирилган аудиторлик ҳисоботи"га қаранг).
Умумлаштирилган молиявий ҳисобот (Summaried financial statements) - ("Молиявий ҳисоботга қаранг").
Фаолият узлуксизлиги тўғрисида тахмин (Going concern assuption) - яқин келажакда корхона ўз фаолиятини узлуксиз давом эттиради деган тахмин; корхона тугатилиши тўғрисида ниятга ёки тугатилиши лозим ёхуд фаолият ҳажмини аҳамиятли даражада камайтиради деган тахминга эга эмаслиги. Натижада активлар узлуксиз ишлатилиши асосида, масалан сотилишнинг соф қиймати ёки тугатилиш қийматида эмас, балки дастлабки ёки тиклаш қиймати бўйича баҳоланади.
Фикр (хулоса) (Opinion) - аудиторлик хулосаси молиявий ҳисобот тўғрисида ёзма равишда аниқ билдирилган фикрдан иборат. Молиявий ҳисобот молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича белгиланган концептуал асосларга мувофиқ тўғри ва ҳаққоний акс эттирилган (ёки барча аҳамиятли жавҳалар бўйича ҳаққоний тақдим этилган) деган хулосага келганда аудитор ўз фикрини шарҳларсиз тақдим этади ("Модификациялаштирилган аудиторлик хулоса"га қаранг).
Фикр билдиришни рад этмоқ (Disclamer of opinion) - ("Модификациялаштирилган аудиторлик ҳисоботи"га қаранг).
Хизмат кўрсатувчи ташкилот (Service organisation) - мижоз у ёки бу хизмат кўрсатувчи ташкилот хизматидан фойдаланиши мумкин, масалан, операцияларни бажариш ва тегишли ҳисоботни юритиш ёхуд операциялар ҳисоби ва тегишли кўрсаткичларни қайта ишлаш (яъни, компьютер-лаштирилган маълумот тизимлари бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар).
Ходимлар (Personnel) - ("Аудитор"га қаранг).
Шарҳ бўйича келишув (Review engagement) - аудиторлик текширувини ўтказиш пайтида барча далиллар тақдим этилишига имконият бермайдиган муолажалар асосида аудиторнинг эътиборини жалб қилган ва молиявий ҳисобот барча аҳамиятли жавҳалар бўйича молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича белгиланган концептуал асосларга мувофиқ тайёрланмаган деган мулоҳаза туғдиришига асос бўлган қандайдир алоҳида жавҳалар мавжудлигини аниқлаш учун аудиторга асос бўлиб ҳисобланади.
Шарҳлар билан билдирилган фикр (Qualified opinion) - ("Модификациялаштирилган аудиторлик ҳисоботи"га қаранг).
Шарҳларсиз билдирилган фикр (Unqualified opinion) - ("Фикр"га қаранг).
Эксперт (Expert) - бухгалтерия ҳисоби ва аудитдан фарқли бошқа соҳада махсус кўникмаларга, билимларга ва тажрибага эга бўлган шахс ёки фирма.
Хато (Eror) - молиявий ҳисоботда билмасдан қилинган ноаниқлик.
Ҳисоблаш (Computation) - дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб ёзувларининг арифметик текширишдан ёки мустақил ҳисоб-китобларни бажаришдан иборат.
Ҳозир бўлмоқлик (Attendance) - бошқа шахслар томонидан бажарилаётган жараёнлар ёки унинг бир қисми давомида ҳозир бўлмоқликни назарда тутади.; масалан, товар-моддий заҳираларни инвентарлашда ҳозир бўлмоқлик аудиторга улар мавжудлигини текшириш ва ушбу жараён миқдорий ҳисоблаш ва ушбу ҳисоблашларни ёзиб бориш ҳамда назорат-миқдорий ҳисоблаш муолажалари юзасидан субъект раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган муолажаларга мувофиқлигини кузатиб бориш имкониятини яратади.
Ҳолатни аҳамиятли нотўғри кўрсатиш (Material misstatement of fact) - аудит қилинган молиявий ҳисобот билан боғлиқ бўлмаган бошқа маълумотда ҳолатни аҳамиятли нотўғри кўрсатиш. Бундай маълумот нотўғри кўрсатилганда ёки тақдим этилганда вужудга келади.
Ҳужжатлар (Documentation) - аудитор учун аудитор томонидан тайёрланган ёки аудит ўтказилиши муносабати билан аудитор томонидан олинган ва сақланадиган материал (ишчи ҳужжатлар).

[120]

АУДИТ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСИ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	23
Молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг концептуал асоси	23
Аудит ва касбга доир хизматларнинг концептуал асоси	23
Ишончлилик даражалари	24
Аудит	25
Касбга доир хизматлар	25
Аудиторнинг молиявий маълумот билан боғлиқлиги	26

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг Давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг якунида баён этилган.. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалари бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Халқаро аудиторлик амалиётининг қўмитаси Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС)ни чоп этиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳужжатнинг мақсади аудиторлар томонидан кўрсатилиши мумкин бўлган хизматлар юзасидан АХС чоп этадиган концептуал асосни ёритишдан иборат.

. Соддалаштириш мақсадида, махсус кўрсатма мавжуд бўлган ҳолатлар бундан истисно, "аудитор" атамаси Аудитнинг халқаро стандартлари матни бўйича аудиторлик хизматлари билан бир қаторда, касбга доир хизматларни кўрсатадиган шахсга нисбатан қўлланилади. Бунда касбга доир хизматларни кўрсатаётган шахс албатта субъект молиявий ҳисоботининг аудитори бўлиши лозим дегани эмас.

олиявий ҳисоботни тақдим этишнинг концептуал асоси.

. Молиявий ҳисобот, одатда ҳар йили тайёрланади ва тақдим этилади, ва кенг доирадаги фойдаланувчиларнинг умумий маълумотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган. Аксарият фойдаланувчилар молиявий ҳисоботга маълумот олишнинг асосий манбаси сифатида қарайдилар, зеро улар аниқ маълумот олиш талабларига жавоб берадиган қўшимча маълумот олиш ваколатига эга эмас. Молиявий ҳисобот қуйида қайд этилган бир ёки бир неча низомларга мувофиқ тайёрланиши лозим:

- Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари;
- Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари;
- қўллаш учун мўлжалланган ва молиявий ҳисоботда қайд этилган молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг нуфузли ва кенг-қамровли концептуал асослари.

ит ва касбга доир хизматларнинг концептуал асоси

. Ушбу концептуал асос аудит ва касбга доир хизматлар ўртасидаги фарқларни белгилаб беради. Касбга доир хизматларга шарҳлар, келишилган муолажалар ва компиляция киради. Қуйидаги чизмада, юқорида қайд этилганидек, аудит ва шарҳ аудитор томонидан тегишли равишда юқори ва ўрта ишончлиликни таъминлайди; ушбу атамалар уларнинг солиштирма туркумланишини белгилаш учун қўлланилади. Келишилган муолажалар ва компиляцияни бажариш бўйича келишув аудитор томонидан ишонч билдиришни назарда тутмайди.



5. Ушбу концептуал асос аудитор томонидан тақдим этиладиган бошқа хизматлар, масалан, консалтинг, солиққа тортиш, шунингдек бухгалтерия ҳисоби ва молиявий масалалар бўйича маслаҳатлар учун қўлланилмайди.

Ишончлилик даражалари

6. Ушбу Концептуал асоснинг контекстида ишончлилик бир томондан тақдим этилган ва иккинчи томон фойдаланиши учун мўлжалланган таъкидлашлар ишончлилиги аудиторнинг қониқтира олганлиги нуқта-назаридан қаралади. Бундай ишончлиликни таъминлаш мақсадида аудитор амалга оширилган муолажалар натижасида тўпланган далилларни баҳолайди ва хулоса чиқаради. Аудиторнинг қониққанлиги даражаси ва, бинобарин, таъминланиши мумкин бўлган ишончлилик даражаси амалга оширилган муолажалар ва уларнинг натижалари билан белгиланади.
7. Аудит бўйича келишувларда аудитор аудит қилинаётган маълумот аҳамиятли бузиб кўрсатилмаганлигининг юқори, лекин мутлақ бўлмаган ишончлилик даражасини таъминлайди. Аудиторлик ҳисоботда бу ижобий бўлиб етарли даражадаги ишончлилик билан ифодаланади.
8. Шарҳ бўйича келишувда аудитор шарҳ қилинаётган маълумот аҳамиятли бузиб кўрсатилмаганлигининг ўртача ишончлилик даражасини таъминлайди. Аудиторлик ҳисоботида бу салбий ишончлилик билан акс эттирилади.
9. Келишилган муолажаларни амалга оширишда аудитор фақат амалдаги хулосалар бўйича ҳисобот тақдим этади, ишончлилик эса ифодаланмайди. Бунинг ўрнига ҳисоботдан фойдаланувчиларга амалга оширилган муолажаларга ва аудиторлик ҳисоботида келтирилган амалдаги хулосаларга мустақил баҳо бериш аудитор томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўз хулосаларини чиқариш имкониятини беради.
10. Компиляцияни амалга оширишда, компиляциялаштирилган маълумотдан фойдаланувчилар бухгалтернинг ишидан маълум миқдорда фойда олганликларига қарамасдан, ҳисоботда ҳеч қандай ишончлилик билдирилмайди[1].

[1] Компиляция келишуви ва аудит, шунингдек, бошқа касбга доир хизматларни бир-биридан ажратиш мақсадида ҳамма жойда ўз ҳисоботларини ташқи фойдаланувчилар учун тақдим қиладиган касбий амалиёт билан шуғулланувчи бухгалтерни назарда тутиб "бухгалтер" атамасидан ("аудитор" атамаси эмас) кенг фойдаланилади.

Аудит

11. Молиявий ҳисобот аудитидан мақсад аудиторга молиявий ҳисобот барча аҳамиятли жавҳалари билан молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича белгиланган концептуал асосга мувофиқ тайёрланганлиги юзасидан хулоса тақдим этиш (фикр билдириш)га имкон беришдан иборат. Аудиторлик хулосасини тайёрлашда қуйидаги маъноси бир-бирига тенг жумлалардан фойдаланилади: "тўғри ва ҳаққоний акс эттиради" ёки "барча аҳамиятли жавҳалари бўйича ҳаққоний тақдим этилган". Тегишли мезонларга мувофиқ тайёрланган молиявий ёки бошқа маълумотларни аудит қилишда ҳам худди шундай мақсад қўйилади.

12. Аудиторлик хулосасини шакллантириш учун, аудитор ушбу хулоса асосида ётадиган фикрларни шакллантириш учун керакли бўлган етарли даражада тегишли аудиторлик далилларни тўплайди.

13. Аудиторлик хулосаси юқори даражадаги, лекин мутлақ бўлмаган ишончлилик йўли билан молиявий ҳисоботга бўлган ишончни оширади. Аудит ўтказишда бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратнинг ҳар бир тизимларига хос бўлган қуйидаги омиллар, яъни фикр юритиш зарурати, тестлардан фойдаланиш, чеклашлар мавжуд бўлганлиги, шунингдек, аксарият қўлланиладиган далиллар ўз табиатига кўра якуний эмас, балки ишонтирувчан бўлиши муносабати билан мутлақ ишончлиликка эришиб бўлмайди

Касбга доир хизматлар

Шарҳлаш

14. Молиявий ҳисоботни шарҳлашдан мақсад аудиторга[2] аудит ўтказишда керакли бўлган барча даллилар олиш учун амалга оширилган муолажалар асосида аудиторнинг диққатини жалб қилган қандайдир бошқа жавҳалар мавжудлиги ва аудиторда улар молиявий ҳисобот барча аҳамиятли жавҳалари билан молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича белгиланган концептуал асосига мувофиқ тайёрланмаган деб ҳисоблашга асос беришдир. Тегишли мезонларга мувофиқ тайёрланган молиявий ва бошқа маълумотни шарҳлашда ҳам худди шундай мақсад қўйилади.

15. Шарҳлаш бир томондан тақдим этиладиган ва иккинчи томондан фойдаланиш учун мўлжалланган таъкидлашлар ишончлилигини шарҳлаш учун сўров ва таҳлилий муолажаларни амалга оширишни кўзда тутади. Шарҳлашни амалга ошириш аудиторлик усуллар ва кўникмалардан фойдаланиш, шунингдек, далилларни тўплаш билан боғлиқ бўлганлигига қарамасдан., у бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини баҳолашни, аудит ўтказишда одатда амалга ошириладиган муолажалар ҳисобланган текширув, кузатув, тасдиқлаш ва қайта ҳисоблашни ўтказишда исботловчи даллиларни тўплаш йўли билан ҳисоб ёзувларини тест синовдан ўтказиш ва берилган сўровнома бўйича жавобларни олишни назарда тутмайди.

16. Шарҳлаш муолажаларини ўтказиш пайтида аудитор барча аҳамиятли жавҳалар бўйича тасаввурга эга бўлишга интилганлиги билан, аудит ўтказишга қараганда, бундай мақсадга эришиш эҳтимоли камроқ.

Келишилган муолажалар

17. Келишилган муолажаларни амалга ошириш бўйича келишувда аудитор[3] , субъект ва бошқа ҳар қандай учинчи шахс ўртасида келишилган аудиторлик муолажаларини бажариш учун жалб қилинади ва амалда олинган хулосалар бўйича ҳисобот тақдим этади. Ушбу ҳисоботни олувчилар аудитор ҳисоботи бўйича ўз хулосаларини чиқаришлари лозим. Ушбу ҳисобот фақат келишилган муолажаларни амалга ошириш бўйича келишувда иштирок этаётган томонларга тақдим этилади, зеро муолажалар ўтказилиши сабаблари билан хабардор бўлмаган бошқа томонлар унинг натижаларига нотўғри талқин бериши мумкин

[2] 2-бандда тушунтирилганидек, "аудитор" атамаси аудиторлик хизматлари билан бир қаторда, касбга доир хизматларни ҳам ёритишда қўлланилади. Ушбу изоҳ касбга доир хизматларни бажараётган шахс субъект молиявий ҳисоботининг аудитори дегани эмас.

[3] 2-изоҳга қаранг

Компиляциялар

18. Компиляцияни амалга ошириш бўйича келишувда бухгалтер[4], аудитга оид билимларидан қарама-қарши ҳолда, молиявий ҳисоботни тўплаш, туркумлаш ва умумлаштириш учун ўзининг бухгалтерия ҳисобига оид билимларини қўллаш мақсадида жалб қилинади. Одатда компиляция муфассал маълумотлар ҳажмини камайтиришга ва уларни бошқариладиган ва тушунарли шаклга айлантиришга ёрдам беради, бунда ушбу маълумотлар асосида ётган таъкидлашларни тест синовидан ўтказиш шарт эмас. Қўлланиладиган муолажалар бухгалтерга молиявий ҳисобот бўйича қандайдир ишонч билдириш имконини бермайди ва бунинг учун мўлжалланмаган. Лекин компиляциялаштирилган маълумотдан фойдаланувчилар касбий бухгалтер ишидан муайян фойда оладилар, зеро хизматлар тегишли равишда касбий моҳирлик ва синчковлик билан амалга оширилади.

Аудиторнинг молиявий ҳисобот билан боғлиқлиги

19. Маълумотга аудиторнинг ҳисоботи илова қилинганда ёки касбий алоқаларда аудитор номини қўллашга унинг розилиги бўлган тақдирда, аудитор[5] молиявий маълумот билан боғлиқ деб ҳисобланади. Юқорида қайд этилган шартлар мавжуд бўлмаган ҳолатларда, учинчи томонда аудитор молиявий ҳисобот учун масъул эмас деган фикр пайдо бўлиши мумкин. Аудиторга унинг номи молиявий ҳисоботга нисбатан субъект томонидан номувофиқ қўлланаётганлик ҳолатлари маълум бўлса, аудитор ушбу субъект раҳбариятидан унинг номидан фойдаланишликка чек қўйиш ва агар лозим бўлса, келгуси ҳаракатларни кўриб чиқишни талаб қилиши керак. Масалан, кайд этилган маълумот юзасидан унинг номидан номувофиқлик билан фойдаланилганлиги тўғрисида ҳар бир маълум бўлган учинчи томонга тегишли хабар етказиш мумкин.. Аудитор, шунингдек, бошқа ҳаракатларни қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиши, масалан, ҳуқуқий маслаҳат олиши мумкин.

Давлат секторининг аудити

1. *Давлат сектори қўмитаси (ДСҚ) давлат сектори молиявий ҳисоботи, бухгалтерия ва аудиторлик амалиётини ривожлантириш ва уйғунлаштиришга қаратилган махсус ҳужжатларни чоп этади. "Давлат сектори" таркибига миллий, ҳудудий (маъмурий-ҳудудий бирликлар), маҳаллий (шаҳар, туман) бошқарув идоралари ва бошқа давлат муассасалари (агентликлар, кўмиталар, бошқармалар ва корхоналар) киради. ДСҚ Халқаро аудиторлик амалиёти қўмитаси томонидан аудиторлик амалиётига оид чоп этилган махсус ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар давлат сектори аудитига қўлланиши мумкин бўлган даражада ижро этилишини таъминлайди.*
2. *Ҳукуматлар, давлат тижорат ва нотижорат корхоналари келажакда қонунларни ишлаб чиқариш идораларида, ҳукумат муассасалари, ташқи инвесторлар, ходимлар, қарздорлар, жамоат ва бошқа фойдаланувчилар томонидан фойдаланиш мақсадида, ўз молиявий аҳволини (ёки унинг муайян жавҳаларини), молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва пул маблағлари ҳаракатини акс эттириш учун, одатда, молиявий ҳисоботни тайёрлайдилар. Бундай ҳисоботни аудит қилиш масъулияти аудитнинг Олий муассасасига, амалдаги қонунчиликка мувофиқ тайинланган бошқа идораларга ёки амалиёт билан шуғулланувчи аудиторларга юкланиши мумкин.*
3. *Молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулоса тайёрланишини талаб қиладиган ҳар бир ҳолатларда, субъект фаолияти туридан қатъи назар, аудит ўтказишнинг бир хил тамойиллари қўлланиши лозим, зеро аудит қилинган молиявий ҳисобот фойдаланувчилари аудиторлик ишининг ягона сифатини талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар. АХС амалиёт ва муолажалар билан боғлиқ бўлган аудитнинг умумий тамойилларини белгилаши муносабати билан, улар ҳукумат муассасалари ва давлат сектори бошқа субъектларининг молиявий ҳисоботини аудит қилишда қўлланиши мумкин. Давлат сектори ва алоҳида қонунчилик юрисдикциялар ўзига хос тавсифга эга бўлиши, хусусан, ҳукумат муассасалари ва давлат секторининг бошқа нотижорат корхоналарини аудитида муайян АХСларни қўллаш маълум тушунтиришлар ёки қўшимчаларни талаб қилиши мумкин. Тушунтиришлар ва (ёки) қўшимчаларни талаб қилувчи ўзига хос ҳолатлар ҳар бир стандартнинг охирида "Давлат секторининг аудити" бўлимида келтирилган.*

[4] 1 изоҳга қаранг

[5] Бундай атама компиляция бўйича хизматларни кўрсатадиган бухгалтерни ҳам назарда тутади.

4. *Ҳукумат муассасалари, давлат тижорат корхоналари ва давлат сектори бошқа нотижорат субъектларининг молиявий ҳисоботи хусусий сектор молиявий ҳисоботидаги маълумотдан фарқли ёки унга қўшимча равишда маълумотга эга бўлиши мумкин (масалан, амалдаги қонунчилик билан белгиланган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда давр бўйича харажатларнинг солиштирма таҳлиллари). Бундай вазиятларда аудиторлик муолажаларининг тавсифи, муддати ва ҳажмига, шунингдек аудиторлик ҳисоботига тааллуқли тегишли ўзгартиришлар киритилиши талаб қилиниши мумкин.*

5. *Бундан ташқари, давлат секторининг ҳукумат ва нотижорат субъектларидан, шунингдек айрим давлат тижорат корхоналаридан молиявий натижаларга эришиш билан бир қаторда хизматлар кўрсатиш мақсадларига ҳам эришиш талаб қилинади. Бундай субъектларнинг молиявий ҳисоботида субъект фаолиятининг барча жавҳалари мос равишда акс эттирилишининг эҳтимоли кам. Шунинг учун давлат сектори субъектларидан улар ўзларининг йиллик ҳисоботларига бошқа кўрсаткичлар, масалан, унумдорлик даражаси, хизматларнинг сифати ва ҳажми, шунингдек, у ёки бу хизматларнинг мақсадига қай даражада эришилганлиги киритилиши талаб қилиниши мумкин. АХСнинг "Давлат секторининг аудити" бўлимида келтирилган тушунтиришларни бундай маълумот аудити учун қўллаб бўлмайди.*

6. *Шунингдек, давлат сектори аудиторидан қуйидагилар бўйича ҳисобот тақдим этиш талаб қилиниши мумкин:*

(а) *амалдаги қонунчилик ва тартибга солувчи идоралар, шунингдек, ҳукумат идоралари талабларига мувофиқлиги бўйича;*

(б) *бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари мослиги бўйича;*

(в) *дастурлар, лойиҳалар ва фаолият тежамкорлиги, рационаллиги ва самарадорлиги бўйича.*

"Давлат секторининг аудити" бўлимида келтирилган тушунтиришларни бундай ҳисобот учун қўллаб бўлмайди.

7. *ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, давлат секторини аудит қилишда ушбу АХС барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.*

[200]

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АУДИТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАР ВА УНИНГ МАҚСАДИ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	28
Аудит мақсади	28
Аудитнинг умумий тамойиллари	29
Аудитнинг кўлами	29
Керакли ишончлилик	29
Молиявий ҳисобот учун масъулият	30

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таҳминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг якунида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади молиявий ҳисобот аудитини тартибга солувчи мақсад ва умумий тамойилларга нисбатан стандартларни белгилаш ва қўлланмани тақдим этишдан иборат. Мазкур АХСни 120-сонли "Аудитнинг халқаро стандартларининг концептуал асоси" АХС билан контекстида ўқиш лозим.

Аудитнинг мақсади

2. Молиявий ҳисобот аудитининг мақсади бўлиб аудиторга молиявий ҳисобот барча аҳамиятли жавҳалар бўйича молиявий ҳисоботнитақдим этишга оид белгиланган концептуал асосга мувофиқ тайёрланганлиги ҳақида ўз фикрини билдириш учун имконият яратишдир. Аудиторлик хулосасини тайёрлашда қўйидаги иборалардан фойдаланилади: "Тўғри ва ҳаққоний акс эттиради" ёки "Барча аҳамиятли жавҳалар бўйича ҳаққоний тақдим этилган". Бу иккала атама бир-бирига тўғри келади

3. Аудиторлик хулоса молиявий ҳисоботга нисбатан ишончни оширганлиги билан бир қаторда, фойдаланувчи ушбу хулосани субъект келажакда барқарор фаолият кўрсатиш учун ишонч, ҳамда субъект раҳбарияти томонидан мукаммал ва самарали иш юритиш кафолати деб ҳисоблай олмайди.

Аудитнинг умумий тамойиллари

4. **Аудитор Бухгалтерларни халқаро федерацияси томонидан чоп этилган "Малакали бухгалтерларни ахлоқий Кодекси"га риоя қилиши лозим.** Ўз касбий мажбуриятларини бажаришда аудитор қуйидаги ахлоқий тамойилларга риоя қилиши керак:

(а) мустақиллик;
(б) ҳалоллик;
(в) холислик;
(г) касбий билимга эгалик ва тегишли синчковлилик;
(д) сир сақлашлик;
(е) касбий ҳулқ-атворга эгалилик;
(ж) техникавий стандартларга риоя қилиш

5. **Аудитор аудитни АХСга мувофиқ ўтказиши лозим.** Улар тушунтириш ва бошқа материаллар шаклида тақдим этилган тегишли қўлланма ва асосий тамойиллар ҳамда керакли муолажалардан иборат.

6. Аудитор, молиявий ҳисобот аҳамиятли даражада бузиб кўрсатилишига олиб келадиган вазиятлар мавжуд бўлиши мумкинлигини тан олиб, аудитни маълум даражадаги касбий ишончсизлик билан режалаштириши ва бажариши лозим. Масалан, одатда аудитор субъект раҳбариятининг тақдимотларини исботлаш учун далиллар топишни назарда тутади ва ушбу тақдимотлар сўзсиз тўғри деб ҳисобламайди.

Аудитнинг кўлами

7. "Аудитнинг кўлами" атамаси муайян вазиятларда аудит мақсадига эришиш учун керакли бўлган аудиторлик муолажаларга тааллуқли. **Аудитни АХС талабларига мувофиқ амалга ошириш учун керакли бўлган аудиторлик муолажалар аудитор томонидан АХС талаблари, тегишли касбий идоралар, амалдаги қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар ва, керак бўлса, аудит бўйича келишув шартлари ва ҳисоботни тақдим этиш талабларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.**

Оқилона ишончлилик

8. АХСга мувофиқ аудит умумий ҳолда кўрилаётган молиявий ҳисобот аҳамиятли янглишларга эга эмас эканлиги тўғрисида керакли ишончлиликни таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Керакли ишончлилик - бу аудитор умумий ҳолда кўрилаётган молиявий ҳисобот аҳамиятли четга чиқишларга эга эмас деган хулосага келиши учун унга керакли аудиторлик далилларини тўплаш билан боғлиқ концепция. Оқилона ишончлилик концепцияси аудит ўтказиш жараёнига умумий ҳолда алоқадордир.

9. Бироқ, аудитор томонидан аҳамиятли янглишларни аниқлаш имкониятига таъсир этувчи аудитга хос чекловлар мавжуд. Бундай чекловлар қуйидаги омиллардан келиб чиқади:

- тестлардан фойдаланиш;
- бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратнинг ҳар бир тизимга хос бўлган чекловлар (масалан, тил бириктириш имконияти);
- аксарият аудиторлик далиллар ўзининг моҳиятига кўра якуний эмас, балки исботловчи бўлиши.

10. Бундан ташқари, аудитор томонидан фикр шакллантириш учун бажариладиган иш касбий фикр юритишни, хусусан қуйидагилар бўйича фикр юритишни тақозо этади:

(а) аудиторлик далилларни тўплаш, масалан аудиторлик муолажалар тавсифи, муддати ва ҳажмини белгилашда;

(б) тўпланган аудиторлик далиллар асосида қилинган хулосалар, масалан молиявий ҳисоботни тайёрлашда субъект раҳбарияти томонидан берилган баҳоларни оқилоналигини аниқлаш.

11. Бундан ташқари, молиявий ҳисоботнинг алоҳида таъкидлари бўйича хулоса чиқариш имконини берувчи мавжуд далиллар ишонарлилигига таъсир этиши мумкин бўлган чекловлар мавжудлиги (масалан, ўзаро боғлиқ томонлар орасидаги операцияларга нисбатан.). Бундай ҳолатларда айрим аудитнинг халқаро стандартлари алоҳида тасдиқлашларнинг тавсифига биноан қуйидагилар мавжуд бўлмаганда етарли даражада тегишли аудиторлик далиллар таъминлаш учун аниқ муолажаларни белгилайди;

(а) одатда назарда тутиладиган таваккалчилик даражасидан юқорироқ аҳамиятли янглишлар таваккалчилигини оширувчи ғайри одатий вазиятлар; ёки

(б) аҳамиятли янглишиш вужудга келаётганлигиги тўғрисида ҳар қандай белги.

Молиявий ҳисобот учун масъулият

12. Аудитор молиявий ҳисобот бўйича фикр шакллантириш ва билдириш учун масъул бўлганлигига қарамасдан, молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича масъулият субъект раҳбарияти зиммасида қолади. Молиявий ҳисобот бўйича аудит тақдим этиладиган молиявий ҳисобот юзасидан субъект раҳбариятини масъулиятдан озод этмайди.

Давлат секторининг аудити

1. *Аудит қаерда ўтказилишидан қатъи назар - хусусий ёки давлат секторидами - аудитнинг асосий тамойиллари ўзгармасдан қолаверади. Давлат сеторининг аудити мақсади ва кўлами бўйича фарқланиши мумкин. Бу кўп ҳолатларда аудиторлик ваколатлардаги фарқлар, ҳуқуқий талаблар ёки ҳисоботни тақдим этиш шаклидаги фарқлар билан боғлиқ (масалан, давлат сектори субъектидан қўшимча молиявий ҳисоботлар тайёрлашни талаб қилиниши мумкин).*

2. *Давлат сектори субъектларини аудит қилишда аудитор ҳар қандай бошқа тегишли меъёрий ҳужжатларнинг аниқ талабларини, аудит ўтказишда ваколатга таъсир этувчи тегишли вазирликларнинг қарорлари ва тавсиялари, шунингдек, аудитга нисбатан қўйиладиган ҳар қандай махсус талаблар, шу жумладан миллий хавфсизлик масалаларини ҳисобга олиш заруриятини назарда тутиши лозим. Аудит ўтказишда ваколатлар, хусусий сектор аудитидан фарқли равишда ўзига хос тавсифга эга бўлиши мумкин, кўп ҳолатларда муаммоларнинг кенгроқ доирасини қамрайди ва кенг кўламли тавсифга эга бўлади. Ваколатлар ва талаблар, шунингдек, аудиторнинг эркин ҳаракат қилиш даражасига, масалан аҳамиятлиликни аниқлашда товламачилик ва хатолар ҳолатлари ҳақида аудиторлик ҳисоботини тайёрлашда, шунингдек аудиторлик ҳисоботи шаклини танлаб олишда таъсир этиши мумкин. Аудитга ёндошиш ва услубиётда ҳам фарқланишлар бўлиши мумкин. Шунга қарамасдан мазкур фарқланишлар аудитнинг асосий тамойиллари ва керакли муолажаларига тааллуқли эмас.*

[210]
АУДИТ БЎЙИЧА КЕЛИШУВЛАРНИНГ ШАРТЛАРИ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	31
Аудит бўйича хатлар-келишувлар	31
Кейинги аудитлар	32
Келишувда ўзгартиришларни қабул қилиш	32
Илова. Аудит бўйича хат-келишувнинг намунаси	34

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Мазкур Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади қуйидагилар бўйича стандартларни белгилаш ва қўлланмани тақдим этишдан иборат:

(а) мижоз билан келишув шартлари бўйича келишиш;

(б) мижоз томонидан келишув шартлари ишончлилик даражасини пастроқ таъминловчи хизматларга алмаштириш тўғрисидаги илтимосига аудиторнинг жавоби.

2. **Аудитор ва мижоз келишув шартлари бўйича келишиб олишлари лозим.** Келишилган шартлар аудит бўйича хат-келишув ёки ҳар қандай бошқа тегишли шаклида расмийлаштирилиши лозим.

3. Ушбу АХС аудиторга молиявий ҳисоботга тааллуқли бўлган хатлар-келишувларни тайёрлашга ёрдам беришга мўлжалланган. Мазкур қўлланма, шунингдек, касбга доир хизматлар бўйича ҳам қўлланиши мумкин. Бошқа хизматлар, масалан, солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби ёки бошқарув ҳисоби бўйича маслаҳатлар тақдим этиладиган тақдирда, алоҳида хатлар-келишувларни тузиш ўринли бўлади.

4. Айрим мамлакатларда аудитнинг мақсади ва кўлами, шунингдек, аудиторнинг мажбуриятлари қонунчилик билан белгиланади. Бироқ бундай вазиятларда ҳам аудитор аудит бўйича хатлар-келишувлар мижоз учун фойдали маълумотга эга деб ҳисоблаши мумкин.

Аудит бўйича хатлар-келишувлар

5. Аудитор, ўз манфаати билан бир қаторда, мижоз манфаатини кўзлаган ҳолда, хат-келишувни мижозга келишувни амалга оширишдан олдин жўнатгани мақсадга мувофиқдир, бунда тақдим этиладиган хизматлар юзасидан тушунмовчиликларни олди олинади. Хат-келишув аудитор қабул қилингани, аудитнинг мақсади ва кўлами, аудиторнинг мижоз олдидаги жавобгарлик даражаси ва тақдим этиладиган ҳар қандай ҳисобот шаклини ҳужжатлаштиради ва тасдиқлайди.

Асосий мазмуни

6. Аудит бўйича хатлар-келишувларнинг шакли ва мазмуни ҳар бир мижоз бўйича фарқланиши мумкин, лекин, асосан улар қуйидагиларни акс эттириши зарур:
   - Молиявий ҳисобот аудитининг мақсади.
   - Субъект раҳбариятининг тақдим этилаётган молиявий ҳисобот бўйича масъулияти.

- Аудитор ўз иш фаолиятида риоя қиладиган амалдаги қонунчиликка, меъёрий ҳужжатларга ёки касбий идораларининг махсус ҳужжатларига асосланган аудитнинг қўлами.
- Қандайдир ҳисоботлар шакли ёки аудитор иш натижаларини тақдим этишнинг бошқа бир усули.
- Аудит жараёнига хос бўлган холис чекловлар, жумладан қўрсаткичларни танлаб олиб текшириш тавсифга эга бўлганлиги, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратнинг ҳар қадай тизимига хос бўлган чекловлар оқибатида айрим, жумладан, аҳамиятли янглишлар ҳам аниқланмасдан қолишлик таваккалчилигининг мавжудлиги.
- Аудит ўтказиш муносабати билан расмий талаб этиладиган барча ҳисоб ёзувлари, ҳужжатлар ва бошқа маълумотлар билан чекловсиз танишиш.

7. Шунингдек, аудитор хатга қуйидагиларни киритиши мумкин:
   - Аудитни режалаштириш бўйича тадбирлар.
   - Аудит ўтказилиши муносабати билан субъект раҳбарияти томонидан қилинган тақдимотлар бўйича ёзма тасдиқлашлар тақдим этилишини кутиш.
   - Хат-келишув мижоз томонидан олинганлиги тан олиниб у келишув шартлари тасдиқланганлигини сўраш.
   - Аудитор мижозга тақдим этиш учун мўлжаллаган бошқа қандайдир хатлар ёки ҳисоботларнинг ёритилиши.
   - Хизмат ҳақи ҳисобланишининг асослари ва ҳисобварақлар тақдим этиш бўйича ҳар қандай келишувлар.
8. Лозим бўлган тақдирда, хатда қуйидаги масалалар ҳам ёритилиши мумкин:
   - Аудитнинг айрим жавҳалари бўйича бошқа аудиторлар ва экспертларни жалб қилиш юзасидан тадбирлар.
   - Мижознинг ички аудиторлари ва бошқа ходимларини жалб қилиш юзасидан тадбирлар.
   - Аудитор ушбу мижоз билан биринчи маротаба иш олиб бораётган тақдирда, олдинги аудитор билан иш олиб бориш юзасидан тадбирлар.
   - Имконият бўлган тақдирда, аудитор масъулиятини чеклаш.
   - Аудитор ва мижоз ўртасида келгусидаги ҳар қандай келишувларни изоҳлаш.

Аудит бўйича хат-келишув намунаси Иловада келтирилган.

Субъект таркибий қисмларининг аудитлари.

9. Бош компания аудитори, шунингдек, унинг шўъба корхоналари, филиаллари ёки бўлинмалари (таркибий қисмлари)нинг аудитори бўлиб ҳисобланган тақдирда, аудиторнинг таркибий қисмига алоҳида хат-келишув жўнатиш ёки жўнатмаслик тўғрисидаги қарорига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:
   - Субъектнинг таркибий қисмига аудитор ким томондан тайинланганлиги.
   - Субъектнинг таркибий қисми бўйича алоҳида аудиторлик ҳисоботи тайёрланадими ёки йўқми.
   - Ҳуқуқий талаблар.
   - Бошқа аудиторлар томонидан бажарилган ҳар қандай иш ҳажми.
   - Бош компанияга тегишли бўлган мулкчиликнинг улуши.
   - Таркибий қисм раҳбариятининг мустақиллик даражаси.

Кейинги аудитлар

10. **Кейинги аудитларни ўтказиш ҳолатларида аудитор вазият келишув шартларини қайтадан кўриб чиқишни тақозо этишлиги ва мижозга амалдаги келишув шартлари тўғрисида эслатма бериш лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилади.**
11. Аудитор мижозга ҳар бир давр учун янги хат-келишув жўнатмаслик тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Бироқ қуйидаги омиллар янги хат тайёрлаш учун асос бўлиши мумкин:
    - Мижоз томонидан аудит мақсади ва кўламини тўғри тушунмаганлиги тўғрисидаги ҳар қандай белги.
    - Келишувнинг қайта кўриб чиқилган ва махсус шартлари.
    - Субъект олий раҳбарияти, директорлар кенгаши таркибида ёки мулкчилик ҳуқуқида яқинда содир этилган ўзгаришлар.
    - Ҳуқуқий талаблар

Келишувда ўзгартиришларни қабул қилиш

Аудит якунлангунга қадар аудитордан ишончлиликнинг пастроқ даражасини таъминлаш мақсадида келишув шартларини ўзгартириш тўғрисида илтимос қилинган тақдирда, аудитор бундай ўзгартиришнинг ўринлилигини кўриб чиқиши лозим.

12. Мижоз аудитордан келишувга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги илтимоси кўрсатилаётган хизматларга таъсир этувчи вазиятлар ўзгариши, олдин сўралган аудит тавсифи ва касбга доир хизматларга нотўғри тушуниш, субъект раҳбарияти томонидан ёки вазиятдан келиб чиқиб келишув кўламининг чекланишидан келиб чиқиши мумкин. Аудитор бундай илтимос асосида ётган сабабларни, айниқса келишув қўламини чеклашдан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни диққат билан ўрганиб чиқиши керак.
13. Субъект талабларига таъсир этувчи вазиятларнинг ўзгариши ёки даставвал сўраб талаб этилган хизмат тавсифининг нотўғри тушуниш, одатда, келишувдаги шартлар ўзгартирилиши учун оқилона сабаб деб қўрилади. Ва, бунга зид ҳолда, гарчи ўзгартиришлар ноаниқ, тўлиқ бўлмаган ёки бошқача қониқарсиз маълумот билан боғлиқ бўлса, бундай ўзгартиришлар оқилона деб ҳисобланмайди.
14. Аудит бўйича келишув шартларини касбга доир хизматлар фойдасига ҳал эттунга қадар, АХС бўйича аудит ўтказиш учун таклиф этилган аудитор бундай ўзгартиришларнинг ҳар қандай ҳуқуқий ва шартномавий оқибатларини кўриб чиқиши лозим.
15. Аудитор келишув шартлари оқилона ўзгартирилган ва аудиторлик ишлар АХСга мувофиқ бажарилиб ўзгартирилган келишувга қўлланиши мумкин деган хулосага келган тақдирда, чоп этиладиган хулоса келишувнинг ўзгартирилган шартларига мувофиқ бўлади. Ўқувчи (фойдаланувчи) томонидан ҳисобот нотўғри талқин этилишини бартараф этиш мақсадида ҳисоботда қуйидагиларга изоҳ берилмайди:

(а) дастабки келишув: ёки

(б) дастлабки келишувда амалга оширилиши мумкин бўлган ҳар қандай муолажалар, келишув шартлари келишилган муолажаларни амалга ошириш учун ўзгартирилганлиги, ва, бинобарин, амалга оширилган муолажаларни изоҳлаш ҳисоботнинг оддий элементи ҳисобланиши бундан истисно.

17. **Келишув шартлари ўзгартирилган тақдирда аудитор ва мижоз янги шартлар бўйича келишиб олишлари лозим.**
18. **Келишув шартларини ўзгартириш учун оқилона асослар бўлмаган тақдирда, аудитор бундай ўзгартиришларга розилик бериши керак эмас.** Мисол тариқасида аудитор дебиторлик қарзлар юзасидан етарли тегишли аудиторлик далилларни тўплай олмаганлиги оқибатида мижоз изоҳлар билан аудиторлик хулосасини олмаслик ёки фикр билдиришликдан воз кечишни олдини олиш учун келишув шартларини шарҳлар бериш билан ўзгартирилишини илтимос қилишини таъкидлаш мумкин.
19. **Аудитор келишув шартларини ўзгартирилишига рози бўла олмаган ва у ишни дастлабки шартларга мувофиқ давом эттириш имконияти бўлмаган тақдирда, аудитор келишувни бекор қилиши ва шартномавий ёки ҳар қандай бошқа мажбуриятлар мавжудлиги тўғрисида саволни кўриб чиқиши лозим. Аудитор келишув бекор қилиниши сабаблари тўғрисида бошқа томонларга, масалан, директорлар ёки акциядорлар Кенгашига тегишли маълумот бериши керак.**

Давлат секторининг аудити

1. *Хат-келишувнинг мақсади аудит қилинаётган субъектни келишув тавсифлари ва унда иштирок этаётган томонлар мажбуриятлари билан тушунтиришдан иборат. Давлат сектори аудитини тартибга солувчи амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, одатда, давлат сектори аудиторлар ваколатига изоҳ беради, шунинг учун аудит бўйича хат-келишув кенг тарқалган амалиёт ҳисобланмайди. Шунга қарамасдан, келишув шартлари изоҳланган ёки амалдаги қонунчилик билан кўзда тутилмаган келишувни тан олиб тузилган бундай хат икки томон учун ҳам фойдали бўлиши мумкин. Давлат секторини аудит қилишда аудиторлар аудит бўйича хат-келишув тайёрланиши зарурияти тўғрисида жиддий ўйлаб кўришлари лозим.*
2. *Ушбу АХСнинг 12-19-бандлари ишончлилик даражасини пасайтириш мақсадида аудит бўйича келишувни ўзгартиришга уринишлар бўлганда хусусий сектор аудиторлари томонидан қандай ҳаракатлар қилишини назарда тутади. Давлат сектори аудитор ваколатини тартибга солиш бўйича махсус қонунчиликка оид, масалан, агар субъект раҳбарияти (жумладан, департамент раҳбари) аудит кўламини чеклашга уринса, аудитордан ҳисоботни бевосита вазирга, қонунчилик идорасига ёки жамоатчиликка тақдим этишни талаб қилиш хусусиятларга эга бўлиши мумкин.*

АУДИТ БЎЙИЧА КЕЛИШУВЛАРНИНГ ШАРТЛАРИ

2000.16.03.

Илова:

Аудит бўйича хат-келишувнинг намунаси

Мазкур хат ушбу АХСда баён этилган кўрсатмаларга мувофиқ қўлланма сифатида қўлланилади ва ўзига хос бўлган талаблар ва вазиятларга мувофиқ ўзгартирилиши мумкин.

Субъектнинг директорлар Кенгаши ёки Олий раҳбариятининг вакилига:

Сиз бизга _____ (сана) ҳолатига кўра _____ (субъект номи)нинг ушбу санада якунланган бухгалтерия балансини, шунингдек, у билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар тўғрисида ҳисобот ва пул оқимлари тўғисида ҳисоботларни аудит қилишни сўраган эдингиз. Биз буни тушуниб уни ўз томонимиздан қабул қилганимиздан хурсандмиз. Биз томондан аудит молиявий ҳисобот бўйича фикр билдириш мақсадида ўтказилади.

Биз томондан аудит Аудитнинг халқаро стандартларига (ёки тегишли миллий стандартлар ёки қабул қилинган амалиёт кўрсатилади) мувофиқ ўтказилади. Ушбу стандартлар талабига мувофиқ биз аудитни режалаштириш ва ўтказишни молиявий ҳисобот аҳамиятли янглишмовчиликларга эга эмас деган оқилона ишончлиликни олиш мақсадида ўтказишимиз лозим. Аудит таркибига молиявий ҳисоботдаги суммалар ва унда ёритилган маълумотни тасдиқловчи даллиларни танлаб олиб текшириш киради. Шунингдек, аудит таркибига бухгалтерия ҳисобида қўлланилаётган тамойиллар ва субъект раҳбарияти томонидан қилинган аҳамиятли баҳолар ҳамда умуман молиявий ҳисобот тақдим этишни баҳолаш киради.

Аудит жараёнига хос бўлган ҳолисона чекловлар, шу жумладан кўрсаткичлар танлаб олиб текширилиши, шунингдек, ҳар қандай бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларига хос бўлган чекловлар оқибатида айрим, муҳим янглишлар ҳам аниқланмасдан қолиш тавакалчилиги мавжуд.

Бизнинг молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботимизга қўшимча равишда биз Сизга бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларидаги аниқланган барча аҳамиятли камчиликлар тўғрисида алоҳида хат тақдим этишни режалаштирганмиз.

Биз Сизга шуни эслатиб ўтмоқчимизки, молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича, шу жумладан маълумотни мос равишда ёритилиши учун масъулият субъект раҳбариятининг зиммасига юклатилган. Бу ҳисоб регистрларини тўғри юритиш ва ички назоратни амалга оширишдан, ҳисоб сиёсатини танлаб олиш ва қўллаш ва компания активлари бутлигини сақлашдан иборат. Биз аудит ўтказилиши муносабати билан тайёрланган тақдимотларимизни ёзма равишда тасдиқлаб бериш учун аудит жараёнининг бир қисми сифатида субъект раҳбариятига сўров хати билан мурожат қиламиз.

Биз Сизнинг ходимларингиз билан яқин ҳамкорлик қилишга ишонч билдирамиз ва биз томондан ўтказилаётган аудитга алоқадор бўлган ва биз талаб қилган ҳар қандай ҳужжат, ҳисоб ёзувлари ва бошқа маълумот тақдим этилишига ишонамиз. Ишлар бажарилишига қараб тўлаб бориладиган бизнинг хизмат ҳақимиз аудит ўтказиш учун тайинланган ҳар бир мутахассисга керакли бўлган вақтга қараб ҳисобланади ва ўз таркибига қўшимча харажатларни киритади. Соатбай иш ҳақи жалб қилинган мутахассислар масъулияти даражаси ва уларнинг иш тажрибаси ва талаб қилинадиган малакасига қараб белгиланади.

Ушбу хат унинг муддати тугагунга, ўзгартиришлар киритилгунга ёки ушбу хат бошқа хат билан алмаштирилгунга қадар кучга эга ҳисобланади.

Биз томондан молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш муносабати билан унга тегишли шартлар Сизга маъқул эканлигини тасдиқлаш учун Сиздан ушбу хатнинг нусхасига имзо чекишни ва бизга қайтаришингизни сўраймиз.

Компания "XYZ&Co"

"ABC" компанияси номидан ТАСДИҚЛАНГАН (имзо)

.....

Фамилияси ва лавозими

(сана)

210

[220]

АУДИТОРЛИК ИШИ СИФАТИНИНГ НАЗОРАТИ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	35
Аудиторлик фирма	35
Алоҳида аудитлар	36

Илова: Аудиторлик фирма иши сифатини назорат қилиш муолажаларининг намунаси[1]

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир хизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.
АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.
Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.
Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.
Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг якунида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади стандартларни белгилаш ва сифат назорати бўйича қуйидаги қўлланма тақдим этишдан иборат:

(а) умуман аудиторлик ишига тааллуқли бўлган аудиторлик фирмасининг сиёсати ва муолажалари;

(б) алоҳида аудит ўтказишда аудитор ёрдамчисига топширилган иш юзасидан муолажалар.

2. **Сифат назоратига оид сиёсат ва муолажалар аудиторлик фирмаси даражасида бажарилиши билан бир қаторда, алоҳида аудитда ҳам бажарилиши лозим.**

3. Ушбу АХСда қуйидаги атамалар қўлланилади:

Аудиторлик фирма

4. **Аудиторлик фирма барча аудитлар АХСга мувофиқ ўтказилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ёки миллий стандартлар ёки амалиётга тегишли сиёсат ва сифат назорати муолажаларини бажариши лозим.**

5. Аудиторлик фирма муолажалар ва сифат назорати сиёсатининг тавсифи, муддати ва ҳажми бир қатор омиллар, жумладан, унинг миқдори ва фаолият тавсифи, унинг жуғрофий тарқалганлиги, ташкил этиш даражаси ва тегишли равишда харажатлар ва наф кўришга боғлиқ. Тегишли равишда, алоҳида аудиторлик фирмалар томонидан қабул қилинган сиёсат ва муолажалар ҳудди уларнинг ҳужжат ҳажми каби турлича фарқланади. Сифат назорати муолажаларининг намунаси ушбу АХС иловасида келтирилган.

6. Аудиторлик фирма томонидан қабул қилинган сифат назорати сиёсати масалаларига, одатда, қуйидагилар киради:

(а) Малакавий талаблар[2]:
Фирма ходимлари мустақиллик, ҳалоллик, холислик, сирни сақлаш ва касбий ҳулқ-атвор тамойилларига риоя қилишлари лозим.

[1] Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси Халқаро малакавий амалиётга оид "Малакавий хизматлар сифатини таъминлаш"нинг 1-иловаси билан изоҳлаш мумкин.

[2] Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси томонидан чоп этилган "Малакавий бух-галтерларнинг ахлоқий Кодекси"га ва аудиторлар томонидан 200-АХС "Молиявий ҳисобот аудитини тартибга солувчи умумий тамойиллар ва мақсади" талаблари билан изоҳлаш керак.

(б) Малака ва малакавий касбдан хабардорлик[3]:
Фирма техник стандартлардан фойдалана оладиган ва улар талабига риоя қиладиган, ўзининг мажбуриятларини тегишли синчковлик билан бажариш учун имконият яратадиган ўз касби бўйича малакавий кўникмаларга эга бўлган ходимлар билан таъминланиши лозим.

(в) Вазифаларни топшириш:
Аудиторлик иши ушбу вазиятларда талаб қилинадиган тегишли техникавий тайёргарлик даражаси ва касбий билимларга эга бўлган ходимларга топширилиши керак.

(г) Ваколатни юклаш:
Бажарилган иш тегишли сифат стандартлари талабларига жавоб беришлиги юзасидан оқилона ишончлиликни таъминлаш учун керакли даражада ишни йўналтириш, уни бошқаришни амалга ошириш ва барча босқичларда шарҳлаш керак.

(д) Маслаҳатлашиш:
Лозим бўлса, тегишли билимларга эга бўлган шахслар билан фирманинг ўзида ва унинг ташқарисида маслаҳатлашишдан фойдаланиш лозим.

(е) Мижозларни қабул қилиш ва сақлаш:
Доимий равишда бўлғуси мижозларга баҳо бериш ва мавжуд мижозларни шарҳлаб бориш лозим. Мижозни қабул қилиш масаласи кўрилганда ёки унинг билан ҳамкорликни давом эттиришда, фирма мустақил, тегишли равишда хизматлар тақдим этиш қобилияти ва мижоз раҳбариятининг ҳалоллиги деган мулоҳазадан келиб чиқиш керак

(ж) Мониторинг:
Сифат назорати сиёсати ва муолажаларининг мослиги ва самарадорлиги юзасидан изчиллик билан мониторинг ўтказиш лозим.

7. **Аудиторлик фирманинг умумий сиёсати ва сифат назорати муолажалари оқилона ишончлилик билан ушбу сиёсат ва муолажалар тушунарли бўлиб амалиётда қўлланиладиган тарзда фирма ходимларининг маълумоти учун етказилиши лозим.**

Алоҳида аудитлар

8. **Аудитор фирма сиёсати ва муолажалари контекстида алоҳида аудит учун ўринли бўлган сифат назорати муолажаларини қўллаши керак.**
9. Раҳбарлик қилиш вазифаларига эга бўлган аудитор ва аудиторнинг ёрдамчилари, ёрдамчилар томонидан топширилган иш бажарилаётганда, ҳар бир алоҳида ёрдамчи иши йўналиш даражасини аниқлашда, раҳбарлик қилиш ва шарҳлашда уларнинг касбга доир хабардорлигини кўриб чиқадилар.
10. Аудитор ёрдамчиларига ҳар қандай иш топширилганда оқилона ишончлилик билан ушбу вазиятларда иш бажараётган шахслар томонидан ушбу иш тегишли синчковлик билан бажарилилишининг таъминланиши лозим.

Иш йўналиши

11. Иш топширилган ёрдамчиларни тегишли равишда йўналтириш лозим. Иш йўналтирилиши ёрдамчиларни уларнинг мажбуриятлари ва улар томонидан бажариладиган муолажалар вазифалари тўғрисида етарли ахборот беришдан иборат. Ёрдамчиларга ахборот бериш, шунингдек, субъект фаолиятининг тавсифи ва улар жалб қилинган аудиторлик муолажаларининг муддати ва ҳажмига бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларнинг таъсири ҳам киради.
12. Аудит дастури аудит йўналишини аудитор ёрдамчиларининг маълумоти учун етказишнинг муҳим қуроли ҳисобланади. Йўналиш беришда, шунингдек, аудитор ёрдамчиларининг маълумоти учун аудитнинг умумий режаси ва вақт бюджетини етказиш фойдалидир.

Ишга раҳбарлик қилиш

13. Ишга раҳбарлик қилиш ишни йўналтириш ва уни шарҳлаш билан яқиндан боғликдир ва ўз ичига уни ҳам буни ҳам элементларини киритиши мумкин.
14. Аудит ўтказиш вақтида раҳбарлик вазифаларини бажарувчи ходимларга қуйидаги мажбуриятлар юклатилади: қуйидагиларни аниқлаш учун аудит ўтказиш жараёни динамикасини мониторинг қилиш:

(а) аудитор ёрдамчилари ўзларига топширилган вазифаларни бажариш учун керакли бўлган малака ва касбий хабардорликка эгалиги;
(б) аудитор ёрдамчилари аудит ўтказиш юзасидан берилган кўрсатмаларни тушунганлиги;
(в) иш аудитнинг умумий режаси ва дастурига мувофиқ бажарилаётганлиги;
(г) аудит ўтказиш вақтида бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳаси бўйича пайдо бўладиган муҳим масалалар тўғрисида маълумотга эга бўлиш ва кўриб чиқиш ҳамда уларнинг муҳимлигига баҳо бериб аудитнинг умумий режаси ва дастурига тегишли ўзгартиришлар киритиш;
(д) ходимлар ўртасида ҳар қандай касбий мулоҳазалардаги фарқларни ҳал этиш ва маслаҳатнинг тегишли даражасини аниқлаш.

[3] 2-изоҳга қаранг

Ишни шарҳлаш

15. Қуйидагиларни кўриб чиқиш учун ҳар бир аудитор ёрдамчиси томонидан бажарилаётган иш энг камида улар билан бир даражада касбдан хабардор бўлган ходимлар томонидан текширилиши лозим:
(а) иш аудит дастурига мувофиқ бажарилаётганлиги;
(б) бажарилган ишлар ва олинган натижалар тегишли равишда ҳужжатли расмийлаштирилганлиги;
(в) аудитнинг барча аҳамиятли масалалари тартибга солинганлиги ёки аудиторлик хулосаларда акс эттирилганлиги;
(г) аудиторлик муолажалар масалалари тўлиқ бажарилганлиги;
(д) қилинган хулосалар бажарилган иш натижаларига мувофиқлиги ва улар аудиторлик хулосасини тасдиқлашлиги.
16. Қуйидагилар ўз вақтида шарҳланиши лозим:
(а) аудитнинг умумий режаси ва дастури;
(б) ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчилигига, шу жумладан назорат саволномалар натижаларига ва ўзгартиришларга, агар улар мавжуд бўлиб ва баҳолаш натижасида аудитнинг умумий режаси ва дастурига киритилган ҳолда, баҳо берилганлиги;
(в) амалга оширилган муолажалар ва улар асосида, жумладан, маслаҳатлар асосида ҳам қилинган натижаларга кўра аудиторлик далиллар ҳужжатли акс эттирилганлиги;
(г) молиявий ҳисобот, таклиф этилган аудиторлик тузатишлар ва режалаштирилган аудиторлик ҳисоботи.
17. Йирик мажмуавий аудит ўтказилганда, аудиторлик хулосаси тайёрлангунга қадар, аудитнинг шарҳланиши таркибига, шунингдек, ушбу аудитда иштирок этмаётган ходимларга муайян қўшимча муолажалар топширилиши мумкин.

Давлат секторининг аудити

1. *Мазкур АХС хусусий сектор билан иш олиб борадиган аудиторлик фирмалари учун қўлланилади. Ҳукумат муассасалари ва давлат сектори бошқа субъектларининг аксарият аудити Олий аудит муассасалари (ОАМ), шунингдек, қонунчилик билан тайинланган ёки амалиёт билан шуғулланадиган аудиторлар томонидан ўтказилади. Ушбу АХСнинг сифат назоратига оид умумий тамойиллари тенг даражада ОАМга ҳам тааллуқли. Шунга қарамасдан айрим муайян муолажалар ва сиёсатни қўллаб бўлмайди (масалан, мижозларни қабул қилиш ва сақлаш, кўпчилик овоз билан ташкил этилган ОАМ), шунинг учун давлат секторида ишлайдиган аудиторлар учун қўшимча сиёсат мавжуд бўлиши мумкин.*
2. *Бундан ташқари айрим мамлакатларнинг давлат секторида сифат назорати, одатда, ушбу АХСда қабул қилингандан фарқли мазмунга эга бўлади. Сифат кафолати - бу раҳбарлик қилишнинг ички муолажалари ва аудитор ёрдамчилари ишини шарҳлаш учун қўлланиладиган атама, сифат назорати эса - бу сифатнинг ташқи шарҳловчи муолажалари учун қўлланиладиган атама.*

Аудиторлик фирма иш сифатини назорат қилиш бўйича муолажалар намуналари:

А. МАЛАКАВИЙ ТАЛАБЛАР.

Сиёсат

Фирма ходимлари мустақиллилик, ҳалоллилик, холислик, сир сақлашлик ва малакавий хулқ-атвор тамоийлларига риоя қилишлари лозим.

Муолажалар

1. Ҳалоллилик, холислик, мустақиллилик ва сир сақлашлик тамойилларига риоя қилишлик билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш ва раҳбарликни амалга ошириш учун алоҳида шахс ёки шахслар гуруҳини тайинлаш:
(а) юқорида қайд этилган масалалар юзасидан қабул қилинган қарорларни ҳужжатли расмийлаштириш ўринли деб ҳисобланган вазиятларни белгилаш;
(б) лозим бўлган тақдирда, обрўли манбалар билан маслаҳатлашиш.
2. Мустақиллилик, ҳалоллилик, холислик, сир сақлашлик ва малакавий хулқ-атвор тамойиллари учун қўлланиладиган сиёсат ва муолажаларни фирманинг барча поғоналаридаги ходимлар маълумоти учун етказиш:
(а) фирма сиёсати ва муолажалари тўғрисида ходимларга ахборот бериш, шунингдек, улар ушбу сиёсат ва муолажаларни билиш кераклиги тўғрисида уларнинг маълумоти учун етказиш;
(б) ўқув дастурлари ва ишга раҳбарлик қилиш ва аудитларни шарҳлаш жараёнида мустақиллиликка бўлган муносабатга алоҳида урғу бериш;

(в) мустақиллилик сиёсати қўлланиладиган субъектлар тўғрисида ўз вақтида ходимларга ахборот бериш:
(i) мустақиллиликка риоя қилиш мақсадида мустақиллилик сиёсати қўлланиладиган фирма мижозлари ва бошқа субъектлар рўйхатини тузиш ва юритиш (аффилиланган, бош корхона, мижознинг уюшмага айлантирилган компаниялари ва ҳоказо);
(ii) мустақиллиликни аниқлаш учун ушбу рўйхатни фирма ходимларига тақдим этиш (жумладан, фирма ёки унинг бўлинмаларидаги янги ходимларни);
(iii) ушбу рўйхатда ўзгартиришлар тўғрисида ходимларга ахборот бериш муолажаларини белгилаш.
3. Мустақиллилик, ҳалоллилик, холислик, сир сақлашлик ва малакавий ҳулқ-атвор сиёсати тамойилларига нисбатан риоя қилиш юзасидан мониторинг ўтказиш:
(а) одатда, ҳар йилда бир маротаба, фирма ходимларидан ёзма равишда қуйидагиларни тасдиқловчи маълумот олиш:
(i) улар фирма сиёсати ва муолажалари билан танишганлиги;
(ii) тақиқланган инвестициялар мавжуд эмаслиги ва давр мобайнида бўлмаганлиги;
(iii) фирма сиёсати билан тақиқланган ўзаро муносабатлар мавжуд эмаслиги ва операциялар содир этилмаганлиги.
(б) қандайдир айрим вазиятларни ҳал этиш учун масъулиятни тегишли ваколатларга эга бўлган шахс ёки шахслар гуруҳи зиммасига юклатиш;
(в) мустақиллиликка тўлиқ риоя қилиш бўйича ёзма тасдиқномалар олиш ва файлларни текшириш юзасидан масъулиятни тегишли ваколатларга эга бўлган шахс ёки шахслар гуруҳи зиммасига юклатиш;
(г) фирма мустақиллилигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаш мақсадида фирманинг мижозлар билан ўзаро алоқаларини мунтазам равишда шарҳлаш.

Б. МАЛАКА ВА МАЛАКАВИЙ КАСБДАН ХАБАРДОРЛИК

Сиёсат

Фирма ўз мажбуриятларини тегишли синчковлик билан бажариш учун имкон берадиган техникавий стандартларни биладиган ва уларга риоя қиладиган, ҳамда малакавий касбдан хабардор бўлган ходимлар билан таъминланиши лозим.

Муолажалар

Ишга қабул қилиш

1. Ходимларга бўлган эҳтиёж, ишга қабул қилиш масалаларини аниқлаш ва ходимларни танлаш билан шуғулланадиган шахслар учун малакавий талабларни белгилаш йўли билан малакали ходимларни жалб қилиш учун ишлаб чиқилган дастурни амалга ошириш:
(а) фирманинг барча поғоналари учун ходимларга бўлган эҳтиёжини режалаштириш, амалда фаолият кўрсатаётган мижозлар таркиби, фирманинг кутилаётган ўсиши ва ходимлар ишдан бўшашидан келиб чиқиб ишга қабул қилинадиган ходимларнинг миқдорини белгилаш;
(б) ходимларни ишга қабул қилиш мақсадига эришиш учун қуйидагиларни назарда тутган дастурни ишлаб чиқиш:
(i) ходимларнинг бўлажакда ишга қабул қилиш манбаларини аниқлаш;
(ii) бўлажакда ишга қабул қилиниши мумкин бўлган ходимлар билан алоқа ўрнатиш усуллари;
(iii) бўлажакда ишга қабул қилиниши мумкин бўлган ходимларни аниқлаш усуллари;
(iv) бўлажакда ишга қабул қилиниши мумкин бўлган ходимларни жалб қилиш усуллари ва уларга фирма фаолияти тўғрисида ахборот бериш;
(v) ишга қабул қилиш тўғрисида таклиф этиладиган бўлажакда ишга қабул қилиниши мумкин бўлган ходимларга баҳо бериш ва танлаб олиш усуллари.
(в) ходимларни танлаш билан шуғулланадиган шахсларга ходимларга бўлган эҳтиёж ва ишга қабул қилиш масалалари тўғрисида ахборот бериш;
(г) ходимлар масалаларини ҳал этиш бўйича масъулиятни ваколатли шахслар зиммасига юклатиш;
(д) ходимларни танлаш дастури самарадорлиги юзасидан мониторинг ўтказиш:
(i) малакали ходимларни ишга қабул қилиш бўйича сиёсат ва муолажаларга риоя қилинаётганлигини аниқлаш мақсадида мунтазам равишда ходимларни танлаш дастурига баҳо бериш;
(ii) ишга қабул қилиш мақсадларига эришилаётганлиги ва ходимларга бўлган эҳтиёж қондирилаётганлигини аниқлаш учун мунтазам равишда ишга қабул қилишни шарҳлаш.

2. Малакавий талабларни белгилаш ва ҳар бир малакавий даражада бўлажакда ишга қабул қилиниши мумкин бўлган ходимларга баҳо бериш учун йўриқномалар тайёрлаш:
(а) ходим эга бўлиши лозим бўлган ақл, ҳалоллик, самимийлик, далил келтиришлик ва малакавий кўникмалари каби сифатларни аниқлаш;
(б) янги иш бошлаган билан бир қаторда кўп йиллик тажрибага эга бўлган ходим малакавий ютуқлар ва лозим бўлган иш тажрибасини белгилаш, масалан:
(i) маълумоти;
(ii) шахсий ютуқлари;
(iii) иш тажрибаси;
(iv) шахсий қизиқишлари.
(в) Қуйидаги ҳолатларда шахсларни ишга қабул қилиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиш:
(i) фирма ходимлари ёки мижозлари билан қариндош бўлган шахсларни ишга қабул қилиш тўғрисида;
(ii) олдин фирмада ишлаган ходимларни ишга қабул қилиш тўғрисида;
(iii) мижоз ходимларини ишга қабул қилиш тўғрисида.
(г) ишга қабул қилинадиган ходимларнинг таржимаи ҳоли кўрсаткичлари ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатларни тўплаш, жумладан:
(i) резюме;
(ii) ишга қабул қилиш тўғрисида ариза;
(iii) сухбат ўтказиш;
(iv) маълумоти тўғрисида ахборот;
(v) шахсий тақризлар;
(vi) олдинги иш берувчилардан тавсиянома хатлар.
(д) янги ишга қабул қилинган, шу жумладан одатдан ташқари бошқа йўл билан ишга қабул қилинган ходимларни ҳам (масалан, ўртача раҳбарлик аудиторлик ходим сифатида компанияга кириш ёки фирма қўшилиши натижасида) фирма талабларига ва стандартларига қай даражада жавоб беришлигини аниқлаш мақсадида уларнинг малакасини баҳолаш.
3. Ишга кираётган шахслар ва ишга қабул қилинган янги ходимларни фирманинг уларга тааллуқли бўлган сиёсати ва муолажалари билан таништириш:
(а) ишга қабул қилинаётган ва янги қабул қилинган ходимларни таништириш учун брошюра ва бошқа ахборот бериш воситаларидан фойдаланиш;
(б) ходимларга тарқатиш учун мўлжалланган фирма сиёсати ва муолажалари баён этилган йўриқномани тайёрлаш ва мунтазам равишда янгилаб бориш;
(в) янги ишга қабул қилинган ходимлар учун йўналтирувчи дастурини амалга ошириш.

Касбий ўсиш

4. Узлуксиз касбий ўқитиш юзасидан асосий йўналишлар ва талабларни белгилаш ва ходимларга маълумот учун етказиш:
(а) ходимларни касбий ўсиши юзасидан масъулиятни тегишли вако-латларга эга бўлган шахс ёки шахслар гуруҳи зиммасига юклатиш;
(б) малакали мутахассислар томонидан фирма ишлаб чиққан дастурларни кўриб чиқилишини таъминлаш. Дастурлар дастлабки маълумот ва тажрибага нисбатан қўйиладиган талаблар ва вазифалардан иборат бўлиши лозим;
(в) янги ишга қабул қилинган ходимлар учун фирма фаолияти ва мазкур касб бўйича йўналтирувчи дастурни ишлаб чиқиш:
(i) янги ишга қабул қилинган ходимларга ахборот бериш учун мўлжалланган уларнинг касбий мажбуриятлари ва имкониятлари тўғрисида маълумотга эга бўлган нашрлар ва дастурларни тайёрлаш;
(ii) касбий мажбуриятлар ва фирма сиёсати тушунтириладиган йўналтирувчи машғулотларни ўтказиш учун масъул бўлган шахсни тайинлаш;
(г) Фирманинг ҳар бир поғонадаги ходимларини узлуксиз касбий ўқитиш учун қўйиладиган талабларни белгилаш:
(i) фирма талабларини белгилашда қонунчилик талаблар ва касбий идоралар талаблари ёки мажбурий тавсифга эга бўлмаган йўриқномаларни ҳисобга олиш лозим;
(ii) ходимлар ташқи узлуксиз касбий дастурларда, жумладан мустақил ўқиш курсларида иштирок этишларини рағбатлантириш;
(iii) касбий ташкилотларда иштирок этишликни рағбатлантириш. Аъзолик бадаллари ва харажатларни фирма томонидан тўлаш масаласини кўриб чиқиш;
(iv) ходимлар касбий қўмиталар ишига жалб қилиниши, мақолалар тайёрлаши ва бошқа касбий тадбирларда иштирок этишларини рағбатлантириш.

(д) Узлуксиз касбий ўқитиш дастурларини мониторинг қилиш ва фирма даражаси билан бир қаторда шахсий ўринда ҳам тегишли ёзувларни амалга ошириш:

(i) ходимлар фирма талабларига риоя қилишда иштирок этаётганлиги тўғрисидаги ёзувларни мунтазам равишда шарҳини амалга ошириш;

(ii) узлуксиз ўқишни ташкил этиш дастурлар юзасидан тайёрланган ҳисобот ва бошқа ёзувларни ушбу дастурлар қанчалик самарадорлик билан бажарилаётгани ва улар фирма олдига қўйилган масалалар амалга оширилишига ёрдам бераётганлигини аниқлаш мақсадида, мунтазам равишда шарҳини амалга ошириш. Янги дастур зарурлиги, самарасиз дастурларни бекор қилиш ёки қайтадан кўриб чиқиш лозим эканлиги юзасидан иш олиб бориш.

5. Фирма техникавий сиёсати ва муолажаларидан иборат бўлган касбий техникавий стандартлар ва ҳужжатларга киритилган жорий янгиликлар ва ўзгартиришлар тўғрисида *ходимларга маълумот тақдим этиш ҳамда малакани ошириш юзасидан* мустақил равишда ўқиётган ходимларни рағбатлантириш:

(а) Касбий техникавий стандартлардаги жорий янгиликлардан иборат бўлган касбий адабиёт билан ходимларни таъминлаш:

(i) умумий қизиқишга эга бўлган ҳужжатлар, масалан, бухгалтерия ҳисоби ва аудит масалалари бўйича тегишли халқаро ва миллий махсус ҳужжатларни ходимларга тарқатиш;

(ii) ўзига хос масалаларга, масалан, компания қимматли қоғозлари ва солиққа тортиш бўйича қонунчиликка тааллуқли тегишли меъёрий ва қонунчиликка оид махсус ҳужжатларни фаолиятнинг ушбу доирасига масъул бўлган шахсларга тарқатиш;

(iii) фирманинг техникавий масалаларга оид сиёсати ва муолажалари тўғрисида маълумотга эга бўлган йўриқномаларни ходимларга тарқатиш. Маълумотномалар сўнги янгиликлар ва ўзгараётган вазиятларга мувофиқ янгиланиши лозим.

(б) Курс материалларини ишлаб чиқиш ёки сотиб олиш, шунингдек, фирма томонидан тақдим этилаётган ўқув дастурлари учун ўқитувчиларни танлаб олиш ва ўқитиш лозим:

(i) дастур вазифалари ва дастлабки маълумот ва/ёки тажрибага бўлган талабларни шакллантириш;

(ii) ўқитиш дастурларининг мазмуни ҳамда ўқитиш услубиётига оид керакли сифатга эга бўлган дастурлар ўқитувчиларда бўлишлигини таъминлаш;

(iii) ўқиётганларга дастур мазмуни ва ўқитувчилар ишига баҳо бериш имконини яратиш;

(iv) ўқитувчиларга дастур мазмуни ўқиётганларнинг тайёргарлик даражасига баҳо бериш имконини яратиш;

(v) керак бўлган тақдирда сўнги янгиликлар, ўзгарган вазиятлар ва баҳолаш ҳисоботлар асосида дастурларни янгилаш;

(vi) керакли касбий ва меъёрий адабиётга эга бўлган кутубхона ёки бошқа ахборот манбаларини ҳамда касбий техникавий масалалар билан боғлиқ фирманинг ички адабиётини юритиш.

6. Лозим бўлган тақдирда фирма эҳтиёжларини махсус соҳаларда ва иқтисод тармоқларида билимларга эга бўлган ходимлар билан таъминловчи дастурларни тақдим этиш:

(а) махсус соҳалар ва саноатнинг бошқариладиган тармоқлари, компьютерлаштирилган аудит ва танлаб олишнинг статистик усуллари каби иқтисоднинг тармоқларида фирманинг билимларини ривожлантириш ва ушлаб туриш бўйича дастурларни амалга ошириш;

(б) махсус техникавий билимларни ҳамда алоҳида тармоқларда билимларни олиш мақсадида ташқи ўқув дастурларида, учрашув ва конференцияларда иштирок этишликни рағбатлантириш;

(в) махсуслаштирилган соҳалар ва иқтисоднинг тармоқларига тааллуқли бўлган ташкилотларда аъзо бўлиш ва иштирок этишликни рағбатлантириш;

(г) ходимларни махсуслаштирилган соҳалар ва иқтисоднинг тармоқларига тааллуқли бўлган техникавий адабиёт билан таъминлаш.

Лавозимда кўтариш

7. Фирма ичидаги турли жавобгарлик даражаси учун лозим бўлган малакавий талабларни белгилаш:

(а) ҳар бир поғонадаги ходимларнинг мажбуриятлари, ишдан кутилаётган натижалар ва ҳар поғона бўйича лавозимда кўтариш учун лозим бўлган малакавий талаблар баён этилган йўриқномаларни тайёрлаш:

(i) лавозим номи ва у билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар;

(ii) одатда лавозимда навбатдаги кўтариш учун керакли бўлган иш тажрибаси (вақт даври сифатида ифодаланиши мумкин).

(б) хусусий иш ва кутилаётган малакавий даражага баҳо беришда инобатга олинадиган қуйидаги мезонларни белгилаш:
(i) техникавий билимлар;
(ii) таҳлилий қобилият ва мулоҳаза юритиш қобилияти;
(iii) мулоқот юритиш қобилияти;
(iv) етакчилик қилиш ва билимларни бериш қобилияти;
(v) мижозлар билан ўзаро алоқалар;
(vi) ишга шахсий муносабат ва касбий хулқ-атвори (тавсифи, онги, мулоҳаза юритиш ва асослаш қобилиятлари);
(vii) ўрта касбий даражасигача кўтариш учун талаб қилинадиган касбий бухгалтер сифатида малакаси.
(в) ходимларга лавозимда кўтариш сиёсати ва муолажалари тўғрисида ахборот берувчи ходимлар учун йўриқнома ва бошқа воситалардан фойдаланиш.
8. Ходимлар ишига баҳо бериш ва улар билан эришган ютуқларини муҳокама қилиш:
(а) ходимлар ишига баҳо бериш ва ахборот тўплаш:
(i) баҳо бериш учун масъулиятни ҳамда ҳар бир поғона бўйича баҳоловчи ҳисоботларни ким, қачон ва қайси муддатда тайёрлашини белгилаш;
(ii) ходимларга улар ишига баҳо бериш вазифалари бўйича йўриқнома бериш;
(iii) ходимлар ишига баҳо бериш учун махсус стандартлаштирилган шаклларни қўллаш;
(iv) баҳо бериш натижаларини баҳоланаётган шахс билан биргаликда шарҳланишини амалга ошириш;
(v) лавозимда катта бўлган ходимдан баҳо бериш натижаларини текширишни талаб қилиш;
(vi) ишга раҳбарлик қилиш ва ишга баҳо бериш турли шахслар томонидан амалга оширилганлигини аниқлаш учун баҳо бериш натижалари шарҳини ўтказиш;
(vii) ходимлар ишига ўз вақтида баҳо берилганлигини аниқлаш;
(viii) ходимлар ишига баҳо бериш жараёни билан боғлиқ бўлган ҳужжатлардан иборат ходимлар бўйича файллар юритиш.
(б) ходимлар билан уларнинг ютуқлари ва келгуси ўсиши ҳақида мунтазам равишда муҳокама қилиш
(i) фирма ходимлари билан улар ишига баҳо берилганлигини, жумладан фирма бўйича лавозимда кўтарилганлиги баҳоланганлигини мунтазам равишда шарҳлаб бориш. Шарҳ қуйидагилардан иборат бўлади:
- иш натижалари;
- фирма ва ходимнинг келгуси вазифалари;
- лавозимга тайинлашда лойиқлиги;
- келгуси ўсиш учун имкониятлар.
(ii) юқори лавозимдаги ёки хизмат мавқеи тенг бўлган ҳамкорлар томонидан берилган баҳога асосан ҳамкорлар ишига мунтазам равишда баҳо бериш ва ҳамкорлар ўз вазифаларини ижро этиш учун лозим бўлган малака даражасини сақлаб туриш масалаларини муҳокама қилиш;
(iii) қуйидагиларга ишонч ҳосил қилиш мақсадида ходимлар ишига баҳо бериш тизимини мунтазам равишда шарҳлаш ва сўнгра муҳокама қилиш:
- ишга баҳо бериш ва ҳужжатларни юритиш бўйича муолажалар ўз вақтида амалга оширилаётганлигига;
- хизмат лавозимида кўтариш бўйича белгиланган талаблар бажарилаётганлигига;
- ходимлар бўйича қабул қилинган қарорлар улар ишига берилган баҳо натижаларига мувофиқлигига;
- сифати юқорироқ бўлган иш тегишли равишда тан олинаётганлигига.
9. Лавозимда кўтариш бўйича қарорларни қабул қилиш учун масъул бўлган шахсларни тайёрлаш:
(а) лавозимда кўтариш ва ишдан бўшатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, лавозимда кўтариш учун тавсия қилинган шахслар билан ишига баҳо бериш тўғрисида сухбатлар ўтказиш, ўтказилган сухбатларни ҳужжатли расмийлаштириш ва тегишли ёзувларни юритиш учун белгиланган шахслар зиммасига масъулиятни юклатиш.;
(б) лавозимда кўтариш тўғрисида қарор қабул қилишда бажарилган иш сифатига етарли эътибор берган ҳолда олинган кўрсаткичларга баҳо бериш;
(в) кўпроқ масъулиятли ишни бажариш учун тайинланаётган ходимлар белгиланган мезонларга тўғри келишлигига ишонч ҳосил қилиш учун ходимлар хизмат лавозимида кўтарилиши бўйича фирма тажрибасини мунтазам равишда ўрганиб бориш.

В. ВАЗИФАЛАР ТОПШИРИШ

Сиёсат

Аудиторлик иши мазкур вазиятларда талаб қилинадиган техникавий тайёргарлик даражаси ва касбий билимларга эга бўлган ходимларга топширилиши лозим.

Муолажалар

1. Ходимларни тайинлаш бўйича фирма ёндошишини, жумладан, умуман фирма ва унинг алоҳида офислари эҳтиёжини режалаштирган ҳолда ҳамда аудитор ходимларда бўлган эҳтиёжда, шахсий билимлар. Ҳар бир ходимнинг малакавий ўсишида ва унинг банд бўлишида мувозанатга эришиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар баён этилиши лозим:

(а) умуман фирма билан бир қаторда, унинг алоҳида амалиёт билан шуғулланадиган офисларининг ходимларга бўлган эҳтиёжини режалаштириш;

(б) алоҳида аудит учун ходимларда бўлган эҳтиёжни ўз вақтида аниқлаш;

(в) ходимларга бўлган эҳтиёж ва аудиторлик иши жадвалини тайёрлаш учун аудит ўтказиш бўйича вақт бюджетини аниқлаш;

(г) аудитор ходимларга бўлган эҳтиёж, шахсий билим, ҳар бир ходимнинг касбий ўсиши ва бандлиги бўйича мувозанатга эришиш учун қуйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим:

(i) аудитнинг ҳажми ва мураккаблиги;

(ii) ходимлар мавжудлиги;

(iii) махсус билимларга эга бўлиш;

(iv) ишни бажариш муддати;

(v) ходимлар алмашишининг муддати ва мунтазамлиги;

(vi) ходимларнинг иш жойида ўқитиш имконияти.

2. Аудит ўтказишга ходимларни тайинлаш учун тегишли масъул шахс ёки шахсларни тайинлаш:

(а) Алоҳида шахсларни тайинлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

(i) алоҳида аудит бўйича ходимларга қўйиладиган талаблар ва бажариладиган иш муддати;

(ii) ходимлар малакасига тажриба, эгаллаб турган лавозими, маълумоти ва махсус билимларга эгалиги нуқтаи-назаридан баҳо бериш;

(iii) раҳбарлик қилишнинг режалаштирилаётган даражаси ва ўрта раҳбар ходимларнинг жалб қилиш даражаси;

(iv) аудит учун тайинланган ходимлар ажратиб беришнинг режалаштирилган муддати;

(v) мустақиллилик тамойили бузилиши билан боғлиқ, масалан, ходимнинг олдинги иш берувчиси бўлган мижозга ёки аудитор билан маълум қариндошчиликда бўлган мижозга уни аудит ўтказиш учун тайинлашдан манфаатлар ва муаммолар ихтилофи келиб чиқиши мумкин бўлган вазиятлар.

(б) Аудитни мақсадга мувофиқ ўтказиш ҳамда келажакда турли тайёргарлик даражаси ва иш тажрибасига эга бўлган бошқа ходимларни жалб қилиш учун ишчиларни тайинлашда ходимларнинг ишлаш муддати билан бир қаторда, уларнинг алмашишига ҳам етарли диққат-эътиборни қаратиш лозим.

3. Аудит ўтказиш жадвали ва тайинланган ходимлар бўйича аудитордан маъқуллаш олиш:

(а) лозим бўлган тақдирда аудит ўтказиш учун тайинланган ходимлар, уларнинг малакаси қайд этилган рўйхатини кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун тақдим этиш;

(б) аудитнинг мураккаблиги ва унга қўйиладиган бошқа талаблардан келиб чиқиб аудитор ходимларнинг тажрибаси ва касбий тайёргарлиги ва раҳбарлик қилишнинг талаб қилинадиган даражасини инобатга олиш лозим.

Г. ВАКОЛАТНИ ЎТКАЗИШ

Сиёсат

Бажарилган иш тегишли сифат стандартларига жавоб беради деб оқилона ишончлиликни таъминлаш мақсадида ишга етарли даражада йўналтириб бориш, унга раҳбарлик қилишни амалга ошириш ва барча поғоналарда шарҳланиши лозим.

Муолажалар

1. Аудитларни режалаштириш учун қуйидаги муолажаларни кўзда тутиш лозим:

(а) аудитни режалаштириш учун масъул шахсни тайинлаш. Режалаштириш жараёнига аудитни ўтказиш учун тайинланган тегишли ходимларни жалб қилиш;

(б) мижоз тўғрисида умумий маълумотни олиш ёки олдинги аудитлар натижасида олинган маълумотни шарҳлаш ва ўзгарган вазиятларни ҳисобга олган ҳолда уни янгилаш;

(в) аудитнинг умумий режаси ва дастурига киритилиши лозим бўлган қўшимча жавҳаларни баён этиш:
(i) аудит учун қизиқиш уйғотадиган текширувнинг алоҳида жавҳалари учун таклиф этиладиган ишчи дастурларни ишлаб чиқиш;
(ii) ходимларга бўлган эҳтиёж ва махсус билимларга бўлган талабни аниқлаш;
(iii) аудитни якунлаш учун талаб қилинадиган дастлабки ҳисоб-китоб;
(iv) мижоз бизнесига таъсир этувчи жорий иқтисодий вазиятлар ёки иқтисод тармоғини ва уларнинг аудитга таъсир этиши мумкинлигини кўриб чиқиш.
2. Ишни бажаришда фирманинг сифат стандартлари тегишли риоя қилишни таъминловчи муолажаларни кўзда тутиш:
(а) тайинланадиган ходимларнинг тайёргарлиги, қобилияти ва тажрибасини назарда тутган ҳолда барча ташкилий поғоналарда етарли даражада раҳбарлик қилиш даражасини таъминлаш;
(б) ишчи ҳужжатларнинг шакли ва мазмунига оид йўриқномаларни ишлаб чиқиш;
(в) аудитни амалга ошириш учун талаб қилинадиган миқдорда стандартлаштирилган шакллар, назорат рўйхатлар ва саволномалардан фойдаланиш;
(г) аудит учун жалб қилинган ходимлар ўртасидаги касбий мулоҳаза юритишдаги фарқланишлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун муолажаларни кўзда тутиш.
3. Аудит ўтказиш жараёнида иш жойида ўқишни ташкил этиш:
(а) иш жойида ўқитиш ҳар бир ходим касбий тайёргарлигининг муҳим қисми деб унга алоҳида эътиборни қаратиш:
(i) аудитор ёрдамчилари билан улар томонидан бажарилаётган иш умуман аудит билан ўзаро боғлиқ эканлигини муҳокама қилиш;
(ii) аудит ёрдамчиларини аудитнинг турли жавҳаларини бажариш учун жалб қилиш.
(б) ходимларни бошқаришни билишликка алоҳида эътибор бериш ва тегишли фанларни фирманинг ўқув дастурларига киритиш;
(в) *қўл остида ишловчилар тайёргарлиги ва билими оширилишида ходимларни рағбатлантириш;*
(г) ходимлар қуйидагиларга мувофиқ эканлигини аниқлаш учун тайинлашлар мониторингини амалга ошириш:
(i) ходимлар тажрибасига тегишли қонунчиликка оид, касбий ва тартибга солувчи идоралар томонидан қўйиладиган талаблар лозим бўлган жойларда мувофиқ бўлишлиги;
(ii) аудитнинг турли соҳалари ва иқтисоднинг турли тармоқларида тажриба олишлиги;
(iii) турли ўрта бўғин раҳбар ходимлар раҳбарлигида ишлашлиги.

Д. МАСЛАҲАТЛАШИШ

Сиёсат

Лозим бўлган тақдирда тегишли билимларга эга бўлган шахслар билан маслаҳатлашишдан фирманинг ўзида ва унинг ташқарисида фойдаланиш лозим.

Муолажалар

1. Маслаҳат талаб қиладиган аудит соҳалари ва алоҳида ҳолатларни аниқлаш ва бошқа мураккаб ёки ғайри одатий масалалар вужудга келганда ходимлар маслаҳат олишлиги ёки ишончли манбалардан фойдаланишлигини рағбатлантириш:
(а) фирманинг маслаҳатлашишга оид сиёсати ва муолажалари тўғрисида ходимларга ахборот бериш;
(б) масала тавсифи ёки мураккаблиги учун маслаҳатлашишни талаб қиладиган соҳалар ва алоҳида вазиятларни аниқлаш. Бунинг намуналари қуйидагилардир:
(i) янги чоп этилган махсус ҳужжатларни қўллаш;
(ii) бухгалтерия ҳисобини юритиш, аудитни ўтказиш ёки ҳисоботни тақдим этишга алоҳида талаблар қўйиладиган иқтисоднинг тармоқлари;
(iii) амалиётда вужудга келадиган муаммолар;
(iv) қонунчиликка оид ва назорат идоралари, хусусан, хорижий юрисдикция томонидан ҳужжатларни тақдим этиш юзасидан ўрнатилган талаблари.
(в) тегишли маълумот материалларни етарли ҳажмда сақлаш ва ушбу материаллар ва бошқа обрўли манбалардан фойдаланиш имконини яратиш:
(i) амалиёт билан шуғулланадиган ҳар бир алоҳида офисда маълумот адабиётини юритиш ва сақлаш учун масъулият белгилаш;
(ii) техникавий йўриқнома ва махсус ҳужжатларни, жумладан, иқтисоднинг муайян тармоқларига ва ихтисослашнинг бошқа соҳаларига тааллуқли бўлганларни чоп этиш;
(iii) лозим бўлган тақдирда, фирма заҳираларини тўлдириш мақсадида, бошқа фирма ва алоҳида шахслар билан маслаҳатлашиш;
(iv) техникавий масалалар вужудга келган тақдирда улар билан техникавий масалаларни тушунтириш учун ташкил этилган касбий идоранинг тегишли бўлинмалари ва бўлимларига мурожат қилиш.

2. Маълумотнинг ишончли манбаси бўлиб хизмат қилувчи алоҳида шахсларни мутахассислар сифатида тайинлаш ва маслаҳатлар бериш жараёнида уларнинг ваколатини белгилаш:
(а) қонунчиликка оид ва бошқа тартибга солувчи идоралар бўйича ҳужжатларни юритиш учун мутахассисларни тайинлаш;
(б) иқтисоднинг муайян тармоқлари бўйича мутахассисларни тайинлаш;
(в) мутахассислар фикри обрўси даражаси ва мутахассислар фикрларидаги фарқланишларни ҳал этиш муолажалари тўғрисида ходимларга ахборот бериш.
3. Маслаҳатлашиш лозим бўлган жавҳалар ва махсус вазиятларда ўтказилган маслаҳатлашишлар натижаларига кўра тайёрланиши керакли бўлган ҳужжатлар ҳажмини аниқлаш:
(а) керакли бўлган ҳужжатлар ҳажми ва уни тайёрлаш учун масъулият тўғрисида ходимларга ахборот бериш;
(б) маслаҳатлашишлар бўйича ҳужжатлар сақланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш; маълумот материаллар сифатида фойдаланиш ҳамда ўрганиш мақсадида таркибида
(в) маслаҳатлашишлар натижалари бўлган ҳужжатларни юритиш ва сақлаш.

Е. МИЖОЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА САҚЛАШ

Сиёсат

Доимий равишда бўлғуси мижозларга баҳо бериш ва мавжуд мижозларни шарҳлаш лозим. Мижозни қабул қилиш ёки у билан ҳамкорликни давом эттириш тўғрисидаги масалани ҳал этишда фирма мустақиллилиги, тегишли равишда хизматлар кўрсатиш қобилияти ва мижоз раҳбариятининг ҳалоллиги тўғрисидаги мулоҳазадан келиб чиқиш лозим.

Муолажалар

1. Бўлғуси мижозларга баҳо бериш ва уларни мижоз сифатида тасдиқлаш бўйича муолажалар белгилаш лозим:
(а) баҳолаш муолажалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:
(i) бўлғуси мижозга тегишли бўлган мавжуд молиявий ҳисоботни, масалан, йиллик ҳисоботларни, оралиқ молиявий ҳисоботларни ва солиқ декларацияларини олиш ва шарҳлаш;
(ii) бўлғуси мижозга, унинг раҳбариятига ва мулкдорларига тааллуқли бўлган, бўлғуси мижозга баҳо беришга алоқаси бўлиши мумкин бўлган маълумотларни учинчи томондан сўраб олиш. Сўровлар шунга ўхшаш маълумотларга эга бўлган банкларга, ҳуқуқшуносларга, бўлғуси мижознинг инвесторларига ва молиявий ва ишбилармонлар доирасининг бошқа вакилларига йўлланиши мумкин;
(iii) олдинги аудитор билан учрашиш. Сўровлар раҳбарият ҳалоллилигига, ҳисоб сиёсати, аудиторлик муолажалари ва бошқа муҳим муаммолар ҳамда кейинги аудитор аудиторлар алмаштирилиши сабабларини тушунишга тааллуқли бўлган жавҳалардан иборат бўлиши мумкин;
(iv) фирма ушбу келишувни махсус диққат-эътиборни талаб қилувчи ёки ғайри одатий тавакkалчиликни талаб этувчи туркумига киритиш учун сабаб бўлиши мумкин вазиятларни кўриб чиқиш;
(v) фирма мустақиллилигига ва бўлғуси мижозга хизмат кўрсатиш қобилиятига баҳо бериш;
(vi) мижозни қабул қилиш Аудиторларнинг касбий ахлоқ кодексига зид эмаслигини аниқлаш.
(б) бўлғуси мижозга тааллуқли олинган маълумотга баҳо бериш ҳамда мижозни қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун раҳбариятнинг тегишли даражасидан шахс ёки шахслар гуруҳини тайинлаш:
(i) фирма қабул қилиши мумкин бўлмаган ёки муайян шартлар билан қабул қилиши мумкин бўлган келишувлар турини кўриб чиқиш;
(ii) қилинган хулосаларни ҳужжатли расмийлаштирилишини таъминлаш;
(iii) тегишли ходимларга фирманинг мижозларни қабул қилиш бўйича сиёсат ва муолажалар тўғрисида ахборот бериш;
(iv) мижозларни қабул қилиш бўйича сиёсат ва муолажалар таъминланиши ва мониторинг қилиниши юзасидан масъулиятни белгилаш.
2. Муайян ҳодисалар вужудга келган ҳолатларда мижозлар билан ўзаро алоқаларни сақлаб қолиш ўринлилигини аниқлаш мақсадида уларга баҳо бериш:
(а) ушбу мақсадлар учун белгиланган ҳодисалар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:
(i) муайян вақт ўтиши билан;
(ii) қайд этилганлардан бири ёки бир нечтасида аҳамиятли ўзгаришлар содир этганда:
- субъект раҳбариятида;
- директорлар таркибида;

[230]

ҲУЖЖАТЛАР

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	46
Ишчи ҳужжатларнинг шакли ва мазмуни	47
Ишчи ҳужжатларнинг сир сақланишлиги, бутлилиги,сақланиши ва мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи	48

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим..

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг якунида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Мазкур Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади молиявий ҳисобот аудити контекстида ҳужжатларни юритиш юзасидан стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.

2. Аудитор аудиторлик хулосани тасдиқловчи даллилар тақдим этилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотларни ҳамда аудит АХСга мувофиқ ўтказилганлигининг далилларини ҳужжатли расмийлаштириши лозим.

3. "Ҳужжатлар" деган атама деганида аудит ўтказилиши муносабати билан аудитор томонидан аудитор учун тайёрланган ёки аудитор томонидан олинган ва сақланаётган материал (ишчи ҳужатлар) тушунилади. Ишчи ҳужжатлар қоғозларда, фотопленкада, электрон форматда ёки ҳужжатларни юритиш ва сақлашнинг бошқа шаклларида сақланиши мумкин.

4. Ишчи ҳужжатлар:
(а) аудитни режалаштириш ва ўтказишда ёрдам беради;
(б) аудиторлик ишини назорат қилиш ва шарҳлашда ёрдам беради;
(в) бажарилган аудиторлик иши натижасида олинган ва аудиторлик хулосани тасдиқловчи аудиторлик далиллардан иборат.

Ишчи ҳужжатларнинг шакли ва мазмуни

5. **Аудит тўла мукаммал тушунарли бўлишлигини таъминлаш мақсадида аудитор ишчи ҳужжатларни етарли даражада тўлиқ ва батафсил тайёрлаши лозим.**

6. **Ишчи ҳужжатларда аудитор аудиторлик ишини режалаштириш, бажарилган аудиторлик муолажаларининг тавсифи, муддати ва ҳажми, келгуси натижалар ҳамда олинган аудиторлик далиллар асосида қилинган хулосалар тўғрисидаги маълумотни акс эттириши керак.** Иши ҳужжатлар мулоҳаза юритилиши лозим бўлган ва ушбу масалалар бўйича аудиторнинг хулосаси керакли бўлган барча аҳамиятли масалалар бўйича аудитор томонидан асосланганлигидан иборат бўлади. Мураккаб тамойиллик масалалар кўриб чиқиш ёки мулоҳаза билдириш лозим бўлган ҳолатларда ишчи ҳужжатларда аудитор хулосани шакллантириш пайтида маълум бўлган тегишли ҳолатлар акс эттирилади.

7. Ишчи ҳужжатларнинг ҳажми аудиторнинг касбий мулоҳаза юритиш қобилияти билан белгиланади, зеро аудитор томонидан кўриб чиқиладиган ҳар бир масалани ҳужжатлаштиришга зарурият йўқ ва мақсадга мувофиқ эмас. Тайёрланиш ва сақланиш учун лозим бўлган ишчи ҳужжатларнинг ҳажмини аниқлашда олдин аудит ўтказмаган аудиторга бажарилган иш тўғрисида тушунча бериш ва тамойиллик қарорларни қабул қилиниши ҳақида аудитнинг барча қисмларини муфассал баён этмаган ҳолда унга қандай маълумот керакли бўлишини кўриб чиқиш аудитор учун фойдали ҳисобланади. Ушбу бошқа аудитор аудитнинг муфассал жавҳалари тўғрисида тушунчани, уларни фақат мазкур ишчи ҳужжатларни тайёрлаган аудиторлар билан муҳокама қилиш жараёнида олиши мумкин.

8. Ишчи ҳужжатларнинг шакли ва мазмунига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:
   - Келишувлар тавсифи.
   - Аудиторлик хулосанинг шакли.
   - Фаолиятнинг тавсифи ва мураккаблиги.
   - Субъект бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларининг тавсифи ва ҳолати.
   - Муайян вазиятларда аудитор ёрдамчилари томонидан бажарилган ишга йўналиш бериш, раҳбарлик қилиш ва шарҳлаш.
   - Аудит жараёнида қўлланиладиган аниқ услубиёт ва технология.

9. Ҳар бир алоҳида аудит учун ишчи ҳужжатлар муайян вазиятларга ва аудиторнинг эҳтиёжига мувофиқ бўлган ҳолда ишлаб чиқилади ва тизимланади. Стандартлаштирилган ишчи ҳужжатлардан фойлананиш (масалан, назорат рўйхатлари, хатлар намуналари, ишчи ҳужжат-ларни стандартли ташкил этиш) уларни тайёрлаш ва текшириш самарадорлигини ошириши мумкин. Ушбу ишчи ҳужжатлар иш жараёнига ваколат ўтказишга, шунинг билан бир пайтда, иш сифати юзасидан назорат воситаларини тақдим этишга ёрдам беради.

10. Аудитнинг самадорлигини ошириш учун аудитор субъект томонидан тайёрлаган жадваллардан, таҳлилий ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолатларда аудитор ушбу материаллар тегишли равишда тайёрланганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

11. Ишчи ҳужжатлар, одатда қуйидагилардан иборат бўлади:
    - Субъектнинг ҳуқуқий ва ташкилий тизимига тегишли маълумотдан.
    - Муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар, шартномалар, баённомалардан кўчирмалар ёки ушбу ҳужжатларнинг нусхаларидан.

- Субъект ўз фаолиятини амалга ошираётган тармоқ, иқтисодий коньюнктура ва ҳуқуқий негиз тўғрисида маълумотдан.
- Режалаштириш жараёнини, жумладан аудит дастури ва унга тааллуқли ҳар қандай ўзгартиришларни тасдиқловчи далиллардан.
- Аудитор томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини тушунганлигининг далилларидан.
- Ажралмас таваккалчилигига, назорат таваккалчилигига баҳо берилганлигини ва ушбу баҳоларнинг ҳар қандай ўзгартирилганлигини тасдиқловчи далиллардан.
- Аудитор томонидан ички аудит хизмати иши ва қилинган хулосалар қўриб чиқилганлигини тасдиқловчи далиллардан.
- Ҳисобварақлар операциялари ва қолдиқлар таҳлилидан.
- Аҳамиятли коэффициентлар ва йўналишлар таҳлилидан.
- Аудитор томонидан бажарилган муолажалар ва ушбу муолажалар натижалар тавсифи, муддати ва ҳажмининг баёнидан.
- Аудитор ёрдамчилари томонидан бажарилган ишлар назорат қилингани ва текширилганлигини тасдиқловчи далиллардан.
- Аудиторлик муолажалар ким томонидан ва улар қачон бажарилганлиги тўғрисида маълумотдан.
- Бошқа аудитор томонидан аудит ўтказилган таркибий қисмларнинг молиявий ҳисоботи юзасидан амалга оширилган муолажалар тўғрисида батафсил маълумотдан.
- Бошқа аудиторлар, экспертлар ва учинчи томонлар билан алмашилган хатлар нусхаларидан.
- Субъект маълумоти учун етказилган ёки муҳокама этилган ва аудит жавҳаларига тааллуқли, жумладан келишув шартлари ички назоратнинг аҳамиятли камчиликлари ҳақида хатлар ёки хизмат юзасидан ёзувларнинг нусхаларидан.
- Субъектдан олинган хатлар-тақдимотлардан.
- Аудитнинг аҳамиятли жавҳалари, жумладан ғайри одатий вазиятлар, агар бундайлар рўй берган бўлса, қандай қилиб бекор қилинганлиги ва аудитор томонидан аудиторлик муолажаларини бажариш жараёнида ҳал қилинганлиги ва ишлов берилганлиги ҳақида аудиторнинг хулосаларидан.
- Молиявий ҳисобот ва аудиторлик ҳисоботларнинг нусхаларидан.

12. Кейинги аудитларни ўтказиш пайтида ишчи ҳужжатлар сақланаётган айрим файллар, кўпроқ қандайдир аниқ бир даврнинг аудитига тааллуқли маълумотга эга бўлган жорий аудиторлик файллардан фарқли ҳолда, доимий муҳимликка эга бўлган, янги маълумот келиб тушиши бўйича янгиланиб борадиган "доимий" туркумдаги аудиторлик файллар ҳисобига ўтказилиши мумкин.

Ишчи ҳужжатларнинг сир сақлашлилик, бутлилик, сақлаш ва эгалик қилиш ҳуқуқи.

13. **Аудитор ишчи ҳужжатлар сир сақланиши ва улар бутлиги ва амалиёт эҳтиёжларини қондириш учун етарли муайян керак бўлган вақт мобайнида ҳамда ёзувларни сақлаш талаб қилинадиган ҳуқуқий ва касбий талабларга мувофиқ сақланишини таъминлаш учун лозим бўлган муолажаларни амалга ошириши керак.**

14. Ишчи ҳужжатлар аудиторнинг мулки ҳисобланади. Аудиторнинг хоҳишига кўра ишчи ҳужжатларнинг айрим қисми субъектга тақдим этилиши мумкин, лекин улар субъектни ҳисоб ёзувларининг ўрнини боса олмайди.

[240]

ТОВЛАМАЧИЛИК ВА ЯНГЛИШЛАР

МУНДАРИЖА

Бандлар

Кириш 49
Субъект раҳбариятининг масъулияти 50
Аудиторнинг масъулияти 50
Аудитга хос бўлган чекловлар 50
Товламачилик ёки янглишлар мавжуд бўлишлигини кўрсатувчи муолажалар 51
Товламачилик ёки янглиш ҳолати бўйича ҳисобот тақдим этиш 51
Хизмат кўрсатишни тўхтатиш 52
Иловалар. Товламачилик ёки янглиш таваккалчилигини оширувчи вазиятлар ва ҳодисаларнинг намуналари.

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир хизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади молиявий ҳисоботнинг аудити вақтида товламачилик ва янглишларни кўриб чиқиш юзасидан аудиторнинг масъулияти бўйича стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.
2. **Аудиторлик муолажаларни режалаштириш ва бажаришда ҳамда ушбу муолажалар натижаларига баҳо беришда ва тақдим этишда аудитор молиявий ҳисоботда товламачилик ва янглишлар оқибатида вужудга келадиган аҳамиятли хатоларни кўриб чиқиши лозим.**
3. "Товламачилик" деган атама раҳбарият таркибидаги бир ёки бир неча шахслар, ходимлар ёки учинчи томоннинг молиявий ҳисобот нотўғри тақдим этилишига олиб келувчи атайлаб қилган ҳаракатидир. Товламачилик қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

(а) ҳисоб ёзувлари юзасидан айёрлик қилиш, сохталаштириш ёки уларни ўзгартириш;
(б) активлардан ҳуқуққа зид ҳолда фойдаланиш;
(в) операциялар оқибатлари ҳақидаги маълумотларни ҳисоб ёзувларида ёки ҳужжатларда яшириш ёки акс эттирмаслик
(г) мавжуд бўлмаган операцияларни ҳисобга олиш;
(д) ҳисоб сиёсатини нотўғри қўллаш.

4. "Янглиш" атамаси молиявий ҳисоботдаги билмай туриб қилинган ноаниқликларга тааллуқли, улар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

(а) тегишли ҳисоб ёзувлари ёки бухгалтерия кўрсаткичларидаги арифметик хатолар ёки нотўғри ёзувлар;
(б) ҳолатлар қолиб кетиши ёки уларга нотўғри талқин бериш;
(в) ҳисоб сиёсатини нотўғри қўллаш.

Субъект раҳбариятининг масъулияти

5. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат мос тизимларининг қўйилган вазифаларни бажариши ва мунтазам ишлаши ҳисобига товламачилик ва янглишлар ҳолатларини олдини олиш ва аниқлаш учун масъулият субъект раҳбариятининг зиммасига юклатилган. Қайд этилган тизимлар товламачилик ва янглиш ҳолатлар содир этилиши эҳтимолини камайтиради, лекин тўлиқ бартараф этмайди.

Аудиторнинг масъулияти

6. Аудитор товламачилик ва янглиш ҳолатларини олдини учун жавоб бермайди ва жавоб бера олмайди. Шунга қарамасдан ҳар йили аудит ўтказилиши ушбу ҳолатларга тўсқинлик қилувчи омил бўлиши мумкин.

Таваккалчиликка баҳо бериш

7. **Аудитор аудитни режалаштириш жараёнида товламачилик ва янглишлар молиявий ҳисоботда аҳамиятли нотўғри акс эттирилишларга олиб келиши мумкин таваккалчилигига баҳо бериши ҳамда субъект раҳбариятидан олдин аниқланган қандайдир товламачилик ва аҳамиятли янглишлар ҳолатлари тўғрисида сўраб билиши лозим.**
8. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими таркибидаги камчиликлар ҳамда белгиланган ички назоратга риоя қилмасликка қуйидаги шароиталар ва ҳодисалар қўшимча равишда товламачилик ва янглишлар ҳолатлари вужудга келиш таваккалчилигини оширади:
   - Раҳбариятнинг ҳалоллилиги ва касбий хабардорлигига оид масалалар.
   - Субъектга таъсир этувчи ғайри одатий ички ва ташқи омиллар.
   - Ғайри одатий операциялар.
   - Етарли даражадаги тегишли аудиторлик далилларни олиш билан боғлиқ муаммолар.

Ушбу шароитлар ёки ҳодисаларнинг намуналари мазкур АХСнинг иловасида келтирилган.

Аниқлаш

9. **Молиявий ҳисоботдаги аҳамиятли тавсифга эга бўлган товламачилик ва янглишлар умуман аниқланади деган оқилона ишончлиликни олиш мақсадида, аудитор таваккачиликка берилган баҳо натижаларига асосланиб, аудиторлик муолажаларини ишлаб чиқиши лозим.**
10. Кейинчалик аудитор умуман молиявий ҳисобот учун аҳамиятли бўлган товламачилик ва янглиш ҳолатлари содир этилмаган ёки содир этилган бўлса ҳам, товламачилик оқибатлари молиявий ҳисоботда тегишли равишда акс эттирилганлиги, янглишлар эса - тузатилганлигига етарли даражадаги тегишли аудиторлик далилларини олишга ҳаракат қилади. Одатда, янглишлар аниқланишининг эҳтимоли товламачилик ҳолатларини аниқлаш эҳтимолидан юқорироқ, зеро товламачилик, кўпчилик ҳолатларда, уни яширишга қаратилган атайлаб қилинган ҳаракатлар билан боғлиқ.
11. Аудитга хос бўлган чекловлар муносабати билан (12-14-бандларга қаранг) товламачилик натижасида ва камроқ даражада янглишлар оқибатида молиявий ҳисоботдаги аҳамиятли нотўғри акс эттиришлар аниқланмай қолиши мумкинлигининг ажралмас таваккалчилиги мавжуд. Кейинчалик аудиторлик ҳисоботи тайёрланган давр бўйича товламачилик ва янглишлар натижасида молиявий ҳисоботда аҳамиятли нотўғри акс эттиришлар аниқланиши, ўз-ўзидан аудитор аудитнинг асосий тамойиллари ва лозим бўлган муолажаларга риоя қилмаганлигини билдирмайди. Аудитор ушбу тамойилларга ва муолажаларга риоя қилганлиги, аудиторлик муолажалар ушбу вазиятларга мослиги ҳамда ушбу аудиторлик ҳисоботга асосланган аудиторлик ҳисобот қўйилган талабларга мувофиқлиги билан аниқланади.

Аудитга хос бўлган чекловлар

12. Аудит Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ тўғри режалаштирилиб ўтказилганлигига қарамасдан, у молиявий ҳисоботда аҳамиятли нотўғри акс эттиришлар аниқланмай қолишининг ажралмас таваккалчилиги билан боғлиқ.
13. Товламачилик натижасида аҳамиятли нотўғри акс эттиришни аниқланмаслик таваккалчилиги янглиш натижасида вужудга келган нотўғри акс эттириш аниқланмаслиги таваккалчилигидан юқорироқ, чунки, одатда, товламачилик уни бекитишга қаратилган ҳаракатлардан, масалан, маҳфий келишув, ҳужжатларни сохталаштириш, атайлаб операцияларни акс эттирмаслик ҳамда аудиторга атайлаб нотўғри маълумот тақдим этишдан иборат. Аудитор қарама-қарши ҳолат тасдиқланиши юзасидан далиллар аниқлай олмаса, у тақдим этилган маълумот тўғри деб қабул қилишга, ҳисоб ёзувлари ва ҳужжатлар эса ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақли.

Шунга қарамасдан, 200-сонли "Молиявий ҳисобот аудитини тартибга солувчи умумий тамойиллар ва мақсади" АХСга мувофиқ, аудитор товламачилик ва янглишлар мавжуд эканлигига кўрсатувчи шароиталар ёки ҳодисалар аниқланиши эҳтимолини тан олган ҳолда, аудитни касбий ишонмаслик нуқтаи-назаридан режалаштириши ва ўтказиши лозим.

14. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратнинг самарали тизимлари ҳисоботда нотўғри акс эттиришлар эҳтимолини камайтиради, лекин бунда ички назорат ҳар доим ҳам назарда тутилган самарадорлик билан ўз вазифасини бажаради деган муайян тааккалчилик мавжуд. Бундан ташқари, ходимлар ўртасида маҳфий келишув натижасида содир этилган товламачилик ёки субъект раҳбарияти томонидан амалга оширилган товламачиликка қарши бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратнинг ҳар қандай тизими самара бера олмайди. Раҳбариятнинг муайян поғонасидаги шахслар бошқа ходимлар томонидан товламачиликнинг бундай турлари содир этилишини олдини олувчи назоратни тан олмасликлари мумкин; масалан, ўз қўлларидаги ходимларга операцияларни нотўғри акс эттириш ёки уларни беркитиш, ёки операциялар билан боғлиқ маълумотларни яшириш тўғрисида буйруқ бериш йўли билан.

Товламачилик ёки янглиш мавжуд деган эҳтимолида бажарилиши лозим бўлган муолажалар

15. **Тааккачиликка берилган баҳо асосида ишлаб чиқилган аудиторлик муолажалар қўлланилганда товламачилик ва ёки янглишлар ҳолати мавжуд деган эҳтимолга кўрсаттан тақдирда, аудитор уларнинг молиявий ҳисоботга бўлажак таъсирини кўриб чиқиши лозим. Агар аудитор қайд этилган товламачилик ёки янглишлар ҳолати молиявий ҳисоботга аҳамиятли таъсир кўрсатиши мумкин деб ҳисобласа, у тегишли модификациялаштирилган ёки қўшимча муолажаларни амалга ошириши лозим.**
16. Бундай модификациялаштирилган ёки қўшимча муолажаларнинг ҳажми аудитор қуйидагиларга берган баҳосидан келиб чиқади:

(а) товламачилик ва янглишларнинг қайд этилган турларидан;
(б) улар вужудга келиши эҳтимолидан;
(г) товламачилик ва янглишнинг муайян тури молиявий ҳисоботга аҳамиятли таъсир кўрсатиши мумкинлиги эҳтимолидан.

Агар вазиятлар маълум тарзда бошқа ҳолат мавжуд деб кўрсатмаган ҳолда, аудитор товламачилик ва янглиш якка содир этилган ҳолат деб ҳисоблаш тахминини қўллай олмайди. Лозим бўлган тақдирда, аудитор муолажалар моҳиятининг тавсифи, муддати ва ҳажмига тузатишлар киритиши лозим.

17. Модификациялаштирилган ёки қўшимча муолажаларни амалга оширилиши, одатда, аудиторга товламачилик ва янглиш ҳолати ҳақидаги гумонларини тасдиқлаши ёки бекор қилиши мумкин. **Модификациялаштирилган ёки қўшимча муолажалар натижалари товламачилик ёки янглиш ҳолатлари ҳақидаги гумонларни бекор қилмаган тақдирда, аудитор ушбу масалани субъект раҳбарияти билан муҳокама қилиши ва мазкур масала молиявий ҳисоботда тўғри акс эттирилганлиги ёки тўғриланганлигини кўриб чиқиши лозим. Аудитор уни аудиторлик ҳисоботга таъсир этиш эҳтимолини кўриб чиқиши керак.**
18. **Аудитор товламачилик ва аҳамиятли янглишнинг аудитнинг бошқа жавҳаларига, хусусан субъект тақдимотлари ишончлигига таъсирини кўриб чиқиши лозим.** Шунинг учун, ички назорат томонидан товламачилик ёки янглиш аниқланмаган ёки улар субъект тақдимотида акс эттирилмаган тақдирда, аудитор тааккалчиликка берилган баҳо субъект тақдимоти ишончлигини қайтадан кўриб чиқади. Аудитор томонидан аниқланган товламачилик ёки янглишлар аниқ ҳолатининг таъсири товламачилик ва янглишлар содир этилганлиги ва яшириш ҳолатлари, агар бу ҳолат кузатилса, ва назоратнинг аниқ муолажалари ва субъект раҳбарияти вакилларининг ёки ходимларнинг ишга жалб қилинганлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликдан келиб чиқади.

Товламачилик ва янглиш ҳолати тўғрисида ҳисобот тақдим этиш

Субъект раҳбариятига

19. **Қуйидаги ҳолатларда аудитор амалдаги қилинган хулосалари тўғрисида субъект раҳбариятига хабар бериши лозим:**

(а) **аудитор молиявий ҳисоботга таъсир қилиш эҳтимоли аҳамиятсиз бўлган ҳолатларда ҳам товламачилик содир этилиши мумкин деб ҳисоблаганда; ёки**
(б) **товламачилик ёки аҳамиятли янглишлар ҳолати ҳақиқатдан ҳам аниқланганда.**

20. Товламачилик содир этилиши эҳтимоли ёки амалда у ёки аҳамиятли янглиш содир этилган ҳолатлар тўғрисида хабар бериш учун субъектнинг тегишли вакилини аниқлашда, аудитор вазиятнинг барча томонларини кўриб чиқиши лозим. Товламачилик тўғрисида эса, аудитор бунда субъектнинг юқори раҳбарияти иштирок этганлик эҳтимолига баҳо бериши лозим. Товламачилик содир этилишининг кўп ҳолатларида, бу тўғрисида субъект ташкилий тизимида товламачиликда гумон қилинаётган ходимлар учун масъул бўлган шахсларга нисбатан юқорироқ лавозимда бўлган шахсларга хабар бериш мақсадга мувофиқ. Субъектнинг умумий бошқаруви учун якуний масъулият юклатилган шахслар товламачилик содир этилишида гумон қилинган тақдирда, аудитор, одатда, амалга ошириладиган муолажаларни аниқлашда ҳуқуқий маслаҳат олиш учун мурожат қилади.

Молиявий ҳисобот бўйича ҳисоботдан фойдаланувчиларга

21. Аудитор товламачилик ёки янглиш молиявий ҳисоботга аҳамиятли таъсир кўрсатган ва молиявий ҳисоботда тегишли равишда акс эттирилмаган ва тузатилмаган деб ҳисоблаган тақдирда, у ўз фикрини шарҳлар билан ёки салбий фикр билдириши лозим.
22. Субъект аудиторга молиявий ҳисоботга аҳамиятли таъсир кўрсатувчи товламачилик ва янглишнинг амалий ёки эҳтимолий ҳолатига баҳо бериш учун керакли бўлган етарли миқдордаги тегишли аудиторлик даллилар олишга тўсқинлик қилган тақдирда, аудитор аудит қўлами чекланганлиги сабабли, молиявий ҳисобот бўйича ўз фикрини шарҳлар билан тақдим этиши ёки фикр билдиришдан воз кечиши лозим.
23. Аудитор субъект томонидан эмас, вазиятлардан келиб чиққан чекловлар натижасида товламачилик ва янглиш вужудга келган ҳолатини аниқлай олмаган тақдирда, у ушбу ҳолатнинг аудиторлик ҳисоботига таъсирини кўриб чиқиши лозим.

Ижро идораларига ва тартибга солувчи идораларга

24. Сир сақлашликка риоя қилиш бўйича аудиторнинг мажбуриятлари, одатда, товламачилик ва янглишлар ҳолатлари содир этилганлиги тўғрисида учинчи томонга хабар бермасликни назарда тутади. Лекин, муайян вазиятларда, қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки суд идораларининг қарорлари аудиторнинг сир сақлашлик тамойилига риоя қилиш мажбуриятига нисбатан юқорироқ кучга эга (масалан, айрим мамлакатларда аудитор молиявий муассасалар томонидан содир этилган товламачилик ва янглишлар ҳолатлари тўғрисида назорат идораларига хабар беришликни талаб этилади). Бундай вазиятларда аудиторга, унинг жамият олдидаги масъулиятини тегишли даражада ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий маслаҳат олиши талаб қилиниши мумкин.

Хизмат кўрсатишни тўхтатиш

25. Товламачилик молиявий ҳисоботга аҳамиятли таъсир кўрсатмаганда ҳам, аудитор ушбу вазиятларда содир этилган товламачилик ҳолатларини бартараф этиш лозим деб ҳисобласа, лекин субъект раҳбарияти бу ҳолатларни бартараф этиш учун ҳеч қандай чора-тадбирларни қўлламаган тақдирда, аудитор хизмат кўрсатишни тўхтатиш лозим деган хулосага келиши мумкин. Аудитор қарорига таъсир этадиган омиллар қаторига субъект раҳбарияти тақдимотлари ишончлилигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, субъект юқори раҳбариятининг бунга алоқадорлиги ҳамда аудитор келгусида субъект билан ҳамкорлик қилган тақдирда, унинг оқибатлари киради. Бундай хулосага келган тақдирда, одатда, аудитор ҳуқуқий маслаҳат олиш учун мурожат қилади.
26. Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси томонидан чоп этилган "Малакавий бухгалтерлар аҳлоқ кодекси"га мувофиқ аудит олишга таклиф этилган аудитордан тегишли сўровнома хати олинган тақдирда, амалиёт кўрсатаётган аудитор унга нима сабабдан аудит ўтказишга таклиф олган аудитор, уни аудитор сифатида тайинлашдан воз кечишини тушунтириб берувчи касбий сабаблар мавжудлиги тўғрисида хабар бериш лозим. Амалиёт кўрсатаётган аудитор мижоз ишлари ҳолати тўғрисида аудит ўтказишга таклиф этилган аудитор билан муҳокама қилиш ҳажмининг чегараси, мижознинг тегишли рухсати мавжудлигига ва/ёки мазкур аниқ мамлакатда маълумотни ёритиш юзасидан амалдаги қонунчилик ва аҳлоқга оид талабларга боғлиқ. Қандайдир бунга ўхшаш асослар ёки ёритилиши лозим бўлган масалалар мавжуд бўлган тақдирда, амалиёт кўрсатаётган аудитор, қонунчиликка ва аҳлоққа оид чекловларни, жумладан, лозим бўлганда, мижоз рухсати мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, аудит ўтказишга таклиф қилинган аудиторга батафсил маълумотни тақдим этади ва у аудитор этиб тайинлашига тааллуқли бўлган барча масалаларни эркин муҳокама қилади. Мижоз амалиёт кўрсатаётган аудиторга ўз ишлари ҳолатини аудит қилишга таклиф этилган аудитор билан муҳокама қилишга рухсат бермаган тақдирда, бу тўғрисида таклиф қилинган аудиторга хабар берилиши лозим.

Давлат секторининг аудити

1. *Ушбу АХСнинг 9-банди бўйича таъкидлаш лозимки, давлат сектори аудитининг тавсифи ва қўламига товламачилик ва янглишлар ҳолатини аниқлашга тааллуқли қонунчиликка оид меъёрий ҳужжатлар, вазирликларнинг йўриқномалари ва кўрсатмалари таъсир кўрсатади. Ушбу талаблар аудитор мулоҳазадан фойдаланишда унинг ҳаракатларини чеклаши мумкин. Товламачилик ҳолатларини аниқлаш бўйича белгиланган ҳар қандай расмий жавобгарликдан ташқари, "давлат пули"ни ўзлаштириш товламачилик масалаларига кўпроқ аҳамият беришни касб этади вааудиторлар товламачилик ҳолатларини аниқлаш юзасидан жамият "истак"ларига кўпроқ эътибор қаратишлари лозим. Яна шуни тан олиш лозимки, ушбу АХСниг 19- ва 20-бандларида баён этилган ҳисобот учун масъулият, аудитор ваколати учун белгиланган ёки тегишли қонунчилика оид ва меъёрий ҳужжатларда келтирилган алоҳида шартлар билан тартибга солиниши мумкин*

Илова:

Товламачилик ёки янглиш тавакқалчилигини оширувчи вазиятлар ва ҳодисаларнинг намуналари

Субъект раҳбариятининг ҳалоллиги ва касбий хабардорлиги билан боғлиқ масалалар

- Раҳбарлик бир шахс томонидан амалга оширилади (ёки кўп бўлмаган шахслар гуруҳи билан); назоратни самарадорлик билан амалга оширадиган Кенгаш ёки Қўмита мавжуд эмас.
- Мураккаб корпоратив тизим мавжуд, бироқ тизим мураккаблиги асосланмаган.
- Ички назорат тизимидаги жиддий камчиликлар номунтазам равишда бартараф этилади, агар бундай бартараф этиш амалиётда мумкин бўлган тақдирда.
- Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ходимларнинг асосий ходимлари ўртасида ходимларнинг юқори даражадаги алмаштирилиши кузатилади.
- Узоқ муддатдан бери бухгалтерия бўлими ходимлар билан аҳамиятли равишда таъминланмаган.
- Ҳуқуқшунос ва аудиторларнинг тез-тез алмаштирилиши.

Субъектга таъсир этувчи хос тавсифга бўлмаган ички ва ташқи омиллар

- Инқирозлар сони ошиши муносабати билан тармоқда пасайиш кутилмоқда.
- Фойда камайиши ёки ишлаб чиқаришнинг тез ривожлантириш муносабати билан айланма капитал етарли эмас.
- Даромадлар таркибининг ёмонлашиши (сифати), масалан кредитга сотиш муносабати билан тавакқалчилик даражаси ошиши, молиявий-хўжалик фаолиятни амалга ошириш амалиётидаги ўзгаришлар ёки даромадлик кўрсаткичларини яхшиловчи муқобил ҳисоб сиёсатини танлаш.
- Акциялар очиқ жойлаштирилиши эҳтимоли билан уларнинг бозор қийматини ушлаб туриш мақсадида, компания бошқа компания билан бирлашиши ва бошқа сабабларга кўра субъектнинг даромади ошиши лозим.
- Субъект тезда ўзгартиришлар содир этилиши кутилаётган тармоққа ёки маҳсулот турларига аҳамиятли инвестицияларни қиритди.
- Субъект бир ёки кўп бўлмаган маҳсулот турларини чиқаришдан ёки буюртмачилардан аҳамиятли равишда қарамдир.
- Субъектнинг юқори раҳбариятига молиявий тазийқ ўтказилиши.
- Бухгалтерия ходимлари молиявий ҳисоботни жуда ҳам қисқа муддатда якунлаши лозим.

Гайри одатий операциялар

- Айниқса йил охиридаги даврга яқин бўлган даврда даромадга аҳамиятли таъсир кўрсатувчи содир этилган ғайри одатий операциялар.
- Мураккаб операциялар ёки бухгалтерия ўтказмалари.
- Ўзаро боғлиқ томонлар ўртасидаги операциялар.
- Кўрсатилган хизматлар ҳажмига нисбатан таққослаганда хизматлар учун юқори тўловлар (масалан, ҳуқуқшуносларга, маслаҳатчиларга ёки агентларга).

Етарли миқдордаги тегишли аудиторлик далилларни олиш билан боғлиқ муаммолар

- Ҳисоб ёзувларининг носозлиги, масалан ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги, бухгалтерия китоблари ва ҳисобварақларидаги ортиқча тузатишлар, операциялар стандартли муолажаларга мувофиқ акс эттирилмаганлиги ва мувозанатга келтирилмаган назоратли ҳисобварақлар.
- Операциялар тўғри ҳужжатлантирилмаганлиги, масалан тегишли равишда расмийлаштирилган рухсатномалар мавжуд эмаслиги, дастлабки ҳужжатлар мавжуд эмаслиги ва ҳужжатларда тузатишлар мавжудлиги (ҳужжатлар юритишдаги ҳар қандай муаммо, агар улар йирик ва ғайри одатий операцияларга тааллуқли бўлса, янада ҳам муҳимроқ аҳамиятга эга бўлади).
- Бухгалтерия ёзувлари ва учинчи томон тасдиқлари ўртасида асоссиз катта миқдордаги фарқланишлар, бир-бирига зид бўлган аудиторлик далиллар ва коэффициентлардаги изоҳлаб бўлмайдиган ўзгартиришлар.
- Субъект раҳбариятининг аудиторлар сўровномаларига гапни мужмал ва асосланмаган жавоблари.

Қуйида юқорида қайд этилган шароитлар ва ҳодисаларга тааллуқли, фақат компьютер-ахборот тизим муҳитига хос бўлган айрим омиллар келтирилган:

- Ёзув мазмунлари ёки дастурлар мавжуд бўлмаганлиги ёки ўз вақтида ҳужжатлаштирилмаганлиги натижасида компьютер файлларидан лозим бўлган маълумотларни олиб бўлмаслик.
- Дастурларда кўп миқдорда ҳужжатли акс эттирилмаган, тасдиқланмаган ва тест синовларидан ўтказилмаган ўзгартиришлар мавжудлиги.

[250]

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ АУДИТИДА ҚОНУНЛАР ВА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	55
Фаолиятни қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга ошириш учун субъект раҳбариятининг масъулияти	56
Аудитор томонидан субъект фаолиятини қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ кўриб чиқиш	57
Фаолият қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ эмаслиги тўғрисида ҳисобот тақдим этиш	59
Хизматлар кўрсатишни тўхтатиш	60

Илова. Фаолият қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ эмаслик ҳолати мавжудлигининг белгилари.

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.. Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим..

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак. Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади молиявий ҳисоботни аудит қилишда аудиторнинг қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш бўйича стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.
2. **Аудиторлик муолажаларини режалаштиришда ва амалга оширишда ҳамда улар натижаларига баҳо беришда ва ҳисобот тақдим этишда аудитор субъект фаолияти қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ эмаслиги молиявий ҳисоботга аҳамиятли таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳис этиши лозим.** Бироқ, аудит фаолиятнинг барча қонунларга ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бўлмаган ҳолатларини аниқлаб беради деб бўлмайди. Фаолият мувофиқ эмаслигини аниқлаш, аҳамиятлигидан қатъи назар, субъект раҳбарияти ёки ходимларнинг ҳалоллигига оид масалаларни ва улар аудитнинг бошқа жавҳаларига таъсир кўрсатишлиги эҳтимолини кўриб чиқишни талаб қилади.
3. Ушбу АХС қўлланиладиган "мувофиқ эмаслик" атамаси аудит қилинаётган субъектнинг амалдаги қонунларга ва меъёрий ҳужжатларга зид бўлган, атайлаб ва билмасдан туриб қилган ҳаракатлари ва у томондан йўл қўйилган хато ва камчиликлардир. Бундай ҳаракатлар субъектнинг ўзи томонидан ёки унинг номидан, раҳбарият ёки унинг номидан ходим томонидан амалга оширилган операциялардан иборат. АХСнинг мақсади учун "мувофиқ эмаслик" атамаси субъект раҳбарият ёки ходимлар таркибидаги шахснинг қонунга тўғри келмайдиган ахлоқини ўз таркибига киритмайди.

4. Харакатлар "мувофиқ эмас" деб аниқлаш ҳуқуқий доирага тааллуқли ва, одатда, аудиторнинг касбий хабардорлигидан ташқарида бўлади. Аудиторнинг касбий тайёргарлиги, тажрибаси, субъект ва унинг тармоғини тушунишлиги, аудиторнинг диққатини жалб қилган айрим ҳаракатлар қонунларга ва амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ эмас деб тан олишга асос бўлиши мумкин. Одатда, алоҳида бир ҳаракат "мувофиқ эмас"лиги ёки бундай бўлишлиги мумкинлиги тегишли маълумотга эга бўлган ва малакали, ҳуқуқ доирасида амалиёт билан шуғулланадиган мутахассис маслаҳатига асосан аниқланади, лекин якуний баҳо фақат суд қарори билан берилиши мумкин.
5. Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар молиявий ҳисоботга тааллуқлиги бўйича аҳамиятли фарқланади. Айрим қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар субъект молиявий ҳисоботининг шакли ва мазмуни, ҳисобга олинадиган суммалар ёки молиявий ҳисоботда ёритиладиган маълумотни белгилайди. Бошқа қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга субъект раҳбарияти риоя қилиши лозим ёки улар субъект ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган шароитларни белгилайди. Айрим субъектлар қаттиқ тартибга солинадиган тармоқларда ҳаракат қиладилар (масалан, банклар ёки кимё саноати корхоналари). Бошқалар фаолияти фақат бизнеснинг хўжалик жавҳаларига умумий тааллуқли бўлган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади (масалан, хавфсизлик техникасига, ходимлар соғлиғини сақлашга ва ишга қабул қилишда тенг ҳуқуқлик тамойилларига риоя қилишда). Фаолият қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ эмаслиги субъект учун молиявий оқибатларга, масалан жарималарга, судда кўришликка ва ҳоказоларга олиб келади. Одатда, мувофиқ эмаслик қанчалик молиявий ҳисоботда акс эттириладиган ҳодисалар ва операциялардан узоқроқ бўлса, шунчалик у аудитор томонидан аниқланиши ёки тахмин қилинаётган мувофиқ эмасликни тан олиш эҳтимоли кам
6. Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар турли мамлакатларда турличадир. Бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг миллий стандартлари, эҳтимол, аудит учун қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг аҳамиятига оид янада ҳам аниқроқ қоидаларидан иборат бўлиши мумкин.
7. Ушбу АХС молиявий ҳисобот аудити учун қўлланиши мумкин, лекин аудитор субъект фаолияти аниқ қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш ва ҳисобот тайёрлаш учун алоҳида атайлаб жалб қилинган бошқа келишувлар учун қўллаб бўлмайди.
8. Молиявий ҳисоботни аудит қилишда аудиторнинг товламачилик ва янглишларни кўриб чиқиш учун масъулиятига оид қўлланма 240-АХС "Товламачилик ва янглишлар"да тақдим этилган.

Фаолиятни қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга ошириш учун субъект раҳбариятининг масъулияти

9. Фаолиятни қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга ошириш учун масъулият субъект раҳбариятининг зиммасига юклатилган. Мувофиқ эмаслик ҳолатларини олдини олиш ва аниқлаш юзасидан субъект раҳбарияти масъулдир.
10. Қуйидаги муолажалар ва сиёсат, бошқалар қаторида, субъект раҳбариятига мувофиқ эмаслик ҳолатларини олдини олиш ва аниқлаш юзасидан ўз мажбуриятларини бажаришда ёрдам беради:
    - Ҳуқуқий талаблар мониторинги ва операцион муолажалар ушбу талабларга мувофиқ ишлаб чиқилганлигини таъминлаш.
    - Тегишли ички назорат тизимларини барпо этиш ва ижросини таъминлаш.
    - Касбий ахлоқ кодексини ишлаб чиқиш, маълумот учун етказиш ва унга риоя қилиш.
    - Касбий ахлоқ кодекси ходимлар томонидан тегишли равишда ўрганилиши ва тушунишлигини таъминлаш.
    - Касбий ахлоқ кодексига риоя қилиниши юзасидан мониторинг ўтказиш ва тегишли равишда унга риоя қилмаган ходимларга нисбатан интизомий чораларни қўллаш.
    - Ҳуқуқий талаблар юзасидан мониторинг ўтказишда ёрдам бериш учун ҳуқуқий маслаҳатчиларни жалб қилиш.
    - Субъект ўзининг тармоғи доирасида риоя қилиниши лозим бўлган аҳамиятли қонунлар рўйхатини юритиш ва расмий даъволарни ҳисобга олиш.

    Йирик субъектларда ушбу муолажалар ва сиёсат тегишли мажбуриятлар қуйидагилар зиммасига юклатиш йўли билан қўшимча равишда тўлдирилиши мумкин:
    - Ички аудит хизматига.
    - Аудиторлик қўмитасига.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ АУДИТИДА ҚОНУНЛАР ВА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

2000.16.03.

Аудитор томонидан субъект фаолиятини қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ кўриб чиқиш

11. Аудитор субъект фаолияти мувофиқ эмаслиги ҳолатини олдини олиш учун масъул эмас ва масъул бўла олмайди. Бироқ ҳар йили аудит ўтказилишини тўхтатиб турувчи омил сифатида таъсир кўрсатиши мумкин.
12. Аудит ўтказишда, гарчи аудит АХСга мувофиқ тегишли равишда режалаштирилган ва ўтказилган бўлса ҳам, молиявий ҳисоботдаги айрим аҳамиятли нотўғри акс эттирилишлар аниқланмай қолишнинг ажралмас тавакқалчилиги мавжуд. Қуйидаги омиллар сабабли аҳамиятли нотўғри акс эттиришлар субъект фаолияти қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ эмаслиги натижасида вужудга келган бўлса, ушбу тавакқалчилик ошади:
    - Асосан субъект фаолияти жавҳалари билан боғлиқ бўлган, одатда молиявий ҳисоботга аҳамиятли таъсир этмайдиган ва бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари билан қамраб олинмаган кўп сонли қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар мавжудлиги.
    - Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларига хос бўлган чекловлар ҳамда тест синовларини ўтказиш аудиторлик муолажалар самарадорлигига таъсир кўрсатади.
    - Аудитор томонидан олинган аксарият даллилар ўзининг тавсифи бўйича якуний эмас, кўпроқ тасдиқловчи бўлиб ҳисобланади.
    - Мувофиқ эмаслик остида уни яширишга қаратилган ҳаракат, масалан келишув, ҳужжатларни сохталаштириш, операциялар ҳисобини атайлаб юритмаслик, субъектнинг юқори раҳбарияти томонидан назоратни инкор этиш ёки аудиторга тақдим этилаётган маълумотни атайлаб нотўғри тайёрлаш кабилар ётиши мумкин.
13. **200-АХС "Молиявий фаолият аудитини тартибга солувчи умумий тамойиллар ва унинг мақсади"га мувофиқ аудитор, аудит субъект фаолиятини қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигига шубҳа туғдирадиган вазиятлар ва ҳодисаларни аниқлаб бериши мумкинлигини тан олган ҳолда, аудитни касбий ишончсизлик нуқтаи-назаридан режалаштириши ва ўтказиши лозим.**
14. Аниқ қонунчиликка оид талабларга мувофиқ аудитордан, молиявий ҳисоботнинг бирор-бир таркибий қисми сифатида, субъект қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг муайян қоидаларига риоя қилаётганлиги тўғрисида алоҳида ҳисобот тузиш талаб қилиниши мумкин.
15. **Режалаштириш мақсадида аудитор, субъект ва тармоқ учун қўлланиладиган ҳуқуқий ва қонунчиликка оид асос ва субъект қай даражада ушбу асосга риоя қилаётганлиги тўғрисида умумий тушунча олиши лозим.**
16. Умумий тушунчани олиш учун аудитор, хусусан, айрим қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар субъект фаолиятига жиддий таъсир кўрсатиши мумкинлигини тан олиши лозим. Шундай қилиб, фаолият муайян қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ эмаслиги субъект фаолияти тўхташига ёки у ўз фаолиятини узлуксиз олиб бориш қобилиятини шубҳа остига қўйишга олиб келиши мумкин. Масалан, бундай таъсир фаолият субъект лицензияси ёки фаолиятни амалга ошириш бўйича бошқа рухсатнома таркибидаги талабларга (масалан, банк учун - капитал ва инвестициялар бўйича талаблар) мувофиқ эмасликдан келиб чиқиши мумкин.
17. Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар тўғрисида умумий тушунча олиш учун, одатда, аудитордан қуйидагилар талаб қилинади:
    - Субъект бизнеси ва тармоқ тўғрисида эга бўлган билимларидан фойдаланиш.
    - Фаолият қонунларга ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигига оид субъектнинг сиёсати ва муолажалари тўғрисида раҳбарият билан сўровнома ўтказиш.
    - Субъект фаолиятига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар тўғрисида раҳбарият билан сўровнома ўтказиш.
    - Суд даъволари ва чораларини аниқлаш, баҳо бериш ва ҳисобга олиш бўйича қабул қилинган сиёсат ва муолажалар тўғрисида раҳбарият билан суҳбат ўтказиш.
    - Бошқа мамлакатдаги шўъба корхоналарнинг аудиторлари билан ҳуқуқий ва қонунчиликка оид асосларни муҳокама қилиш (масалан, шўъба корхона бош компания учун қимматли қоғозларга оид меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиши лозим бўлган тақдирда).

18. **Умумий тушунча олингандан кейин аудитор, молиявий ҳисоботни тайёрлашда кўриб чиқилиши лозим бўлган қонунларга ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ эмаслик ҳолатларини аниқлашга ёрдам берувчи муолажаларни бажариши лозим, айниқса:**
    - **Субъект фаолияти ушбу қонунлар ва меърий ҳужжатларга мувофиқлиги тўғрисида субъект раҳбарияти билан сўровнома ўтказиш.**
    - **Тегишли тартибга солувчи идоралар ёки лицензия берган идоралар билан ўзаро хат ёзишувни текшириш.**
19. **Бундан кейин, аудитор фаолият молиявий ҳисоботдаги аҳамиятли суммалар ва ёритишларни аниқлашга таъсир этадиган, аудитор томонидан умуман тан олинадиган қонунларга ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тўғрисида етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларни олиши лозим. Ҳисобга олинадиган суммалар ва маълумотларни аниқлашга тааллуқли тасдиқларни аудит пайтида кўриб чиқиш учун аудитор ушбу қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни етарли даражада тушуниши лозим.**
20. Бундай қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар тегишли равишда белгиланиши ва субъект ҳамда умуман тармоққа етказилган бўлиши керак; улар молиявий ҳисобот ноп этилиши чоғида мунтазам равишда кўриб чиқилиши лозим. Ушбу қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар, масалан, молиявий ҳисоботнинг шакли ва мазмунига, жумладан, ўзига хос тармоқ талабларига; давлат шартномалари бўйича операцияларни ҳисобга олишга; даромад солиғини ҳисоблаш учун харажатларни ҳисоблаш ёки тан олишга ёки нафақа билан таъминлаш бўйича харажатларга тааллуқли бўлиши мумкин.
21. 18, 19 ва 20-бандларда баён этилганлардан ташқари, аудитор субъект фаолияти қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигига оид тест синовлари ёки бошқа муолажаларни амалга оширмайди, зеро бу молиявий ҳисобот бўйича аудит қўламига кирмайди.
22. **Аудитор, молиявий ҳисобот бўйича фикр шакллантириш мақсадида қўлланиладиган муолажалар, эҳтимол айрим ҳолатларда қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ эмас деб аудиторнинг диққатини жалб қилиши мумкинлигини назарда тутиши лозим.** Масалан, бундай муолажалар мажлислар баённомалари билан танишишдан; судда кўришлар, даъволар ва жазо чоралари тўғрисида субъект раҳбарияти ва ҳуқуқшунос билан сўровнома ўтказишдан иборат; ҳамда муолажаларни моҳияти бўйича амалга ошириш - операциялар ёки ҳисобварақлар қолдиқлари бўйича муфассал тест сўровномалари.
23. **Аудитор, молиявий ҳисоботни тайёрлашда таъсири кўрилиши лозим бўлган фаолият қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ эмас ҳолатларининг барча маълум бўлганлари ва содир этилиш эҳтимоли борлари тўғрисида аудиторга маълумот берганлиги ҳақида субъект раҳбариятидан ёзма равишда тасдиқнома олиши лозим.**
24. Тескарисининг исботлари мавжуд бўлмаган қолда, аудитор субъект ушбу қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ фаолият кўрсатмоқда деб тахмин қилишга ҳақли.

Мувофиқ эмас ҳолатларини аниқлаш чоғидаги муолажалар

25. Аудитор диққатини жалб қилиши мумкин бўлган ва мувофиқ эмаслигига кўрсатадиган маълумот турларининг намунаси ушбу АХСнинг иловасида келтирилган.
26. **Аудиторга мувофиқ амас деган ҳолат эҳтимолига тааллуқли маълумот маълум бўлса, аудитор ушбу ҳаракат тавсифи ва қандай вазиятларда вужудга келганлигини тушуниши ҳамда молиявий ҳисоботга таъсир кўрсатиш эҳтимолига баҳо бериш учун етарли бўлган бошқа маълумотни олиши лозим.**
27. Молиявий ҳисоботга таъсир кўрсатиш эҳтимолига баҳо беришда аудитор қуйидагиларни кўриб чиқади:
    - Бўлғуси молиявий оқибатларни, масалан жарималарни, пеняларни, зарарларни, активларни мусодара қилиш хавфини, фаолиятни мажбурий тўхтатишни ва судда кўришларни.
    - Бўлғуси молиявий оқибатлар ёритилиши зарурлигини.
    - Молиявий ҳисоботда тақдим этилган тўғри ва ҳаққоний акс эттирилган (ҳаққоний тақдим этилган) тақдимотни шубҳа остига қўйиш учун бўлғуси молиявий оқибатлар шунчалик жиддийлигини.
28. **Аудитор мувофиқ эмас эҳтимоли мавжуд деб ҳисоблаган тақдирда, у олинган кўрсаткичларни ҳужжатли расмийлаштириши ва уларни субъект раҳбарияти билан муҳокама қилиши лозим.** Олинган кўр-саткичлар бўйича ҳужжатлар ва ёзувлар ёки ҳужжатлар нусхасидан ҳамда, лозим бўлса, сухбатлар баённомасидан иборат бўлади.

29. Субъект раҳбарияти амалда мувофиқ эканлиги тўғрисида қониқарли маълумот тақдим этмаган тақдирда, аудитор ушбу вазиятларда қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қўллаш ва уларнинг молиявий ҳисоботга таъсир этиш эҳтимоли тўғрисида субъект ҳуқуқшуноси билан маслаҳатлашиши лозим. Агар аудитор субъект ҳуқуқшуноси билан маслаҳатлашиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобласа ёки аудитор унинг фикри билан қониқмаса, аудитор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар бузилганлик ҳолатлари мавжудлиги, келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар эҳтимоли ва, керак бўлса, аудитор келажакда қандай ҳаракатлар қилиши лозимлиги юзасидан ўз ҳуқуқшуноси билан маслаҳатлашиш имконини кўриб чиқиши керак.
30. **Тахмин қилинаётган мувофиқ эмаслик тўғрисида тегишли маълумот олиб бўлмайдиган тақдирда, аудитор аудиторлик ҳисоботига аудиторлик далиллар мавжуд эмаслигининг таъсирини кўриб чиқиши лозим.**
31. **Аудитор мувофиқ эмаслик аудитнинг бошқа жавҳаларига, хусусан субъект раҳбарияти тақдимотларининг ишончлигига таъсирини кўриб чиқиши керак.** Шунинг учун, мувофиқ эмаслик субъектнинг ички назорати томонидан аниқланмаган ёки унинг тақдимотларига киритилмаган тақдирда, аудитор тавакkалчиликка берилган баҳо ва субъект раҳбарияти тақдимотларининг ҳаққонийлигини қўриб чиқади. Аудитор томонидан аниқланган мувофиқ эмасликка оид аниқ ҳолатларининг таъсири ҳаракат содир этилиши ва яширилиши билан, гарчи бу ҳолат мавжуд бўлса, назоратнинг муайян муолажалари ҳамда субъектнинг жалб қилинган раҳбарият ва ходимлар мавқеи ўртасидаги ўзаро алоқаларга боғлиқ.

Фаолият қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ эмаслиги тўғрисида ҳисобот тақдим этиш

Субъект раҳбариятига

32. **Аудитор қисқа муддатларда субъектнинг аудиторлик қўмитаси, директорлар кенгаши ва юқори раҳбариятини аудиторнинг диққатини жалб қилган мувофиқ эмаслик тўғрисида хабар бериши ёки тегишли ахборот олганлиги ҳақида далиллар олиши лозим.** Лекин, аудитор, шубҳасиз оқибатларга олиб келмайдиган ёки аҳамиятсиз бўлган масалалар юзасидан бундай ҳаракатларни қилиши шарт эмас ва у хабар берилиши лозим бўлган масалалар тавсифини олдиндан келишиб олиши мумкин.
33. **Агар, аудиторнинг фикрича, мувофиқ келмаслик атайлаб қилинган ва аҳамиятли бўлса, аудитор амалда аниқланган хулосалар ҳақида хабар бериши лозим.**
34. **Агар аудитор субъектнинг юқори раҳбарияти, жумладан директорлар кенгаши, бевосита мувофиқ эмаслик билан боғлиқ деб ҳисобласа, аудитор ушбу масала бўйича субъектнинг кейинги босқичдаги юқори идорасига, бундай идора мавжуд бўлган ҳолда, масалан, аудиторлик қўмитаси ёки кузатув кенгашига хабар бериши лозим.** Агар юқори идора мавжуд бўлмаса ёки аудитор ҳисобот ҳаракат учун қабул қилинмаслиги мумкин деб ҳисобласа ёки ҳисоботни кимга тақдим этиш учун иккиланса, аудитор ҳуқуқий маслаҳат олиш имконини кўриб чиқиши лозим.

Молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботидан фойдаланувчилар учун

35. **Агар аудитор мувофиқ эмаслик молиявий ҳисоботга аҳамиятли таъсир кўрсатади ва у молиявий ҳисоботда тегишли равишда акс эттирилмаган деган хулосага келса, аудитор ўз фикрини шарҳлар билан ёки салбий фикр билдириши лозим.**
36. **Агар субъект молиявий ҳисоботга аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган ҳодиса ёки мувофиқ эмаслик эҳтимолига баҳо бериш мақсадида тегишли даллилар олиш учун аудиторга тўсқинлик қилса, аудитор аудит қўлами чекланганлиги асосида молиявий ҳисобот бўйича ўз фикрини шарҳлар билан билдириши ёки фикр билдиришдан воз кечиши лозим.**
37. **Агар аудитор мувофиқ эмаслик субъект ҳаракатидан эмас, балки вазиятлардан келиб чиққан чекловлар натижасида вужудга келганлигини аниқлай олмаса, аудитор ушбу ҳолатнинг аудиторлик ҳисоботига таъсирини кўриб чиқиши лозим.**

Ижро идораларига ва тартибга солувчи идораларга

38. Аудиторнинг сир сақлашликка риоя қилишга оид мажбурияти, одатда, мувофиқ эмаслик тўғрисида учинчи томонларга хабар бермасликни кўзда тутади. Лекин, муайян вазиятларда қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки суд идораларининг қарорлари аудиторнинг сир сақлашига оид мажбуриятларига нисбатан устивор кучга эга (масалан, айрим мамлакатларда аудитордан молиявий идоралар фаолияти қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ эмаслик ҳолатлари ҳақида назорат идораларига хабар бериш талаб қилинади). Бундай вазиятларда аудиторга, аудиторнинг жамият олдидаги масъулиятини етарли даражада ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий маслаҳатлар олиш керакли бўлиши мумкин.

Хизматлар кўрсатишни тўхтатиш.

39. Мувофиқ эмаслик молиявий ҳисоботга аҳамиятли таъсир кўрсатмаганда ҳам, аудитор ушбу вазиятларда содир этилган мувофиқ эмаслик ҳолатларини бартараф этиш лозим деб ҳисобласа, лекин субъект раҳбарияти бу ҳолатларни бартараф этиш учун ҳеч қандай чора-тадбирларни қўлламаган тақдирда, аудитор хизмат кўрсатишни тўхтатиш лозим деган хулосага келиши мумкин. Аудитор қарорига таъсир этадиган омиллар қаторига субъект раҳбарияти тақдимотлари ишончлигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, субъект юқори раҳбариятининг бунга алоқадорлиги ҳамда аудитор келгусида субъект билан ҳамкорлик қилган тақдирда, унинг оқибатлари киради. Бундай хулосага келган тақдирда, одатда, аудитор ҳуқуқий маслаҳат олиш учун мурожат қилади.

40. **Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси томонидан чоп этилган "Бухгалтерларни касбга оид аҳлоқий кодекси"га мувофиқ аудит олишга таклиф этилган аудитордан тегишли сўровнома хати олинган тақдирда, амалиёт кўрсатаётган аудитор унга нима сабабдан аудит ўтказишга таклиф олган аудитор, уни аудитор сифатида тайинлашдан воз кечишини тушунтириб берувчи касбий сабаблар мавжудлиги тўғрисида хабар бериш лозим.** Амалиёт кўрсатаётган аудитор мижоз ишлари ҳолати тўғрисида аудит ўтказишга таклиф этилган аудитор билан муҳокама қилиш ҳажмининг чегараси, мижознинг тегишли рухсати мавжудлигига ва/ёки мазкур аниқ мамлакатда маълумотни ёритиш юзасидан амалдаги қонунчилик ва аҳлоқга оид талабларга боғлиқ. Қандайдир бунга ўхшаш асослар ёки ёритилиши лозим бўлган масалалар мавжуд бўлган тақдирда, амалиёт кўрсатаётган аудитор, қонунчиликка ва аҳлоқга оид чекловларни, жумладан, лозим бўлганда, мижоз рухсати мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, аудит ўтказишга таклиф қилинган аудиторга батафсил маълумотни тақдим этади ва у аудитор этиб тайинлашига тааллуқли бўлган барча масалаларни эркин муҳокама қилади. **Мижоз амалиёт кўрсатаётган аудиторга ўз ишлари ҳолатини аудит қилишга таклиф этилган аудитор билан муҳокама қилишга рухсат бермаган тақдирда, бу тўғрисида таклиф қилинган аудиторга хабар берилиши лозим.**

Давлат секторининг аудити

1. *Давлат секторининг кўпчилик келишувларига қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган қўшимча аудиторлик мажбуриятлари ҳам киритилган. Давлат сектори аудиторининг мажбуриятлари хусусий сектор мажбуриятларидан юқори бўлмаса ҳам, ҳисобот бўйича мажбуриятлар фарқланиши мумкин, чунки давлат секторининг аудитори субъект фаолиятидаги мувофиқ эмаслик ҳолатлари тўғрисида ҳукумат идораларига тақдим этишга ва уларни аудиторлик ҳисоботида акс эттиришга мажбур бўлиши мумкин. Давлат сектори қўмитаси ушбу АХСга киритилган қўлланмани давлат сектори субъектлари учун мослашган ўзининг "Ҳукумат идоралари талаблари билан мувофиқ аудит - Давлат секторининг аудити" 3-Тадқиқот билан тўлдирди.*

Илова:

Фаолият қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ эмаслик ҳолати мавжудлигининг белгилари.

Қуйида аудиторнинг диққатини жалб қилиши мумкин бўлган ва фаолият қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ эмас ҳолати мавжуд бўлиши мумкинлигига кўрсатма бўлиб хизмат қиладиган намуналар келтирилган:

- Давлат муассасалари томонидан ўтказиладиган текширувлар, жарималар ёки пенялар тўланиши.
- Маслаҳатчиларга, боғлиқ томонларга, ходимларга ёки давлат хизматчиларига кўрсатилмаган хизматлар учун тўловлар ёки қарзлар берилиши.
- Одатда субъект томонидан ёки ушбу тармоқда ёки мазкур хизмат тури бўйича тўланадиган суммалардан ҳаддан ташқари кўпроқ деб туюлган сотув учун комиссион мукофотлар ёки воситачиларга гонорарлар.
- Бозор нархларидан ҳаддан ташқари юқори ёки паст нархлардаги харидлар.
- Нақд пул билан ғайри одатий тўловлар, чек эгаларига тўлаган ҳолда касса чеклари шаклидаги харидлар ёки рақамланган банк ҳисобварақларига ўтказмалар.
- Имтиёзли худудларда рўйхатга олинган компаниялар билан ғайри одатий операциялар.
- Олинган товарларни ишлаб чиқарган ва хизматлар кўрсатган мамлакатлардан фарқли бошқа мамлакатларга тўловларни ўтказиш.
- Валюта операциялари бўйича ҳужжатлар юзасидан тегишли назоратсиз тўловлар.
- Атайлаб ёки тасодифан тегишли аудиторлик из ёки етарли бўлган даллилар билан таъминланмаган бухгалтерия ҳисобининг мавжудлиги.
- Рухсат этилмаган ёки тегишли равишда расмийлаштирилмаган операциялар.
- Омаввий ахборот воситаларидаги шарҳлар.

[300]

РЕЖАЛАШТИРИШ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	61
Ишни режалаштириш	62
Аудитнинг умумий режаси	62
Аудитнинг дастури	63
Аудитнинг умумий режаси ва дастуридаги ўзгартиришлар	63

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак. Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш бўйича стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат. Ушбу стандарт қайта аудитларнинг контекстида тайёрланган. Биринчи бор аудитда аудитордан режалаштириш жараёнини, унга ушбу стандартга киритилмаган масалаларни киритган ҳолда, кенгайтириш талаб қилиниши мумкин.

2. **Аудитор аудитни самарадорлик билан ўтказишни таъминлайдиган аудиторлик ишини режалаштириши лозим.**

3. "Режалаштириш" умумий стратегияни ишлаб чиқиш ва аудитнинг кутилаётган тавсифи, муддати ва ҳажмига муфассал ёндошишни ифодалайди. Аудитор аудитни самарали ва ўз вақтида ўтказилиши таъминланадиган қилиб режалаштиради.

Ишни режалаштириш

4. Аудиторлик ишини мос равишда режалаштириш аудитнинг муҳим жавҳаларига тегишли эътибор қаратиш, эҳтимолий вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни белгилаш ва ишларни қисқа муддатларда бажаришни таъминлашга ёрдам беради. Режалаштириш, шунингдек, ишни тегишли равишда аудитор ёрдамчилари ўртасида тақсимлашга ҳамда бошқа аудиторлар ва экспертлар томонидан бажарилаётган ишни мувофиқлаштиришга ёрдам беради.
5. Режалаштириш ҳажми субъект катталиги, аудитнинг мураккаблиги, аудиторнинг ушбу субъект билан иш тажрибаси ҳамда бизнесни билишликка боғлиқ.
6. Бизнес тўғрисида билим олиш аудитор ишини режалаштиришнинг муҳим қисми ҳисобланади. Бизнесни билиш аудиторга молиявий ҳисоботга муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳодисалар, операциялар ва амалий фаолиятни аниқлашга ёрдам беради.
7. Аудитор ўз хоҳишига кўра, аудитнинг оқилона ўтказилиши ва самарадорлигини ошириш ҳамда аудиторлик муолажаларни субъект ходимларининг иши билан мувофиқлаштириш учун аудит умумий режасининг элементлари ва аудитор томонидан белгиланган муолажаларни субъектнинг аудиторлик қўмитаси, унинг раҳбарияти ва ходимлари билан муҳокама қилиши мумкин. Бироқ аудитнинг умумий режаси ва дастурини тайёрлаш аудиторнинг мажбурияти бўлиб қолаверади.

Аудитнинг умумий режаси

8. **Аудитор аудитни тахмин қилинаётган кўлами ва ўтказиш тартибини баён этган ҳолда, аудитнинг умумий режасини ишлаб чиқиши ва расмийлаштириши лозим.** Аудит дастурини ишлаб чиқишда қўлланма бўлиб хизмат қилиши учун, аудит умумий режасининг ҳужжатли акс эттирилиши етарли даражада батафсил бўлиши керак, бунда унинг аниқ шакли ва мазмуни субъект катталиги, аудитнинг мураккаблиги ҳамда аудитор қўллаётган аниқ услубият ва технологияга боғлиқ.
9. Аудитор аудитнинг умумий режасини ишлаб чиқишда кўриб чиқиши талаб қилинадиган масалалар қуйидагилар:

Бизнесни билишлик

- Субъект бизнесига таъсир кўрсатувчи умумий иқтисодий омиллар ва тармоқ хусусияти.
- Субъектнинг, уни бизнесининг, молиявий-хўжалик фаолияти ва ҳисоботи натижаларининг, жумладан олдинги аудит ўтказилган пайтдан содир этилган ўзгаришларнинг муҳим тавсифлари.
- Субъект раҳбарияти касбий хабардорлигининг умумий даражаси.

Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини тушуниш

- Субъект томонидан қабул қилинган ҳисоб сиёсати ва ушбу ҳисоб сиёсатидаги ўзгартиришлар.
- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит стандартларининг таъсири.
- Аудитор томонидан бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимларига оид билимлар тўплами ҳамда назорат тест сўровлари ва моҳияти бўйича муолажаларга талаб қилинадиган тегишли эътибор қаратиш.

Таваккалчилик ва муҳимлик

- Ажратиб бўлмайдиган таваккалчилик ва назорат таваккалчилигининг кутилаётган баҳо бериш ҳамда аудитнинг муҳим бўлимларини солиштириш.
- Аудит мақсадлари учун муҳимлик даражаларини белгилаш.
- Муҳим нотўғри акс эттиришлар мавжудлигининг эҳтимоли, олдинги даврлар тажрибаси ёки товламачилик шулар жумласидан.
- Бухгалтерия ҳисобининг мураккаб жавҳаларини солиштириш, бухгалтерлик баҳолашга тааллуқли жавҳалар шулар жумласидан.

Муолажалар тавсифи, муддати ва ҳажми

- Аудитнинг аниқ бир бўлимларига урғу бериш эҳтимоли.
- Ахборот технологиянинг аудитга таъсири.
- Ички аудит хизматининг иши ва ташқи аудит муолажаларига унинг тахмин қилинаётган таъсири.

Ишни мувофиқлаштириш йўналтириш, унга раҳбарлик қилиш ва шарҳлаш.

- Субъектнинг таркибий қисмлари, масалан шўъба корхоналари, филиаллари ва бўлинмаларини аудит қилишга бошқа аудиторларни жалб қилиш.
- Экспертларни жалб қилиш.
- Иш объектларининг миқдори.
- Ходимларга бўлган эҳтиёжлар.

Бошқа жавҳалар

- Субъект узлуксиз фаолият кўрсатиши мумкин детан тахминнинг эҳтимоли муаммо бўлишлиги.
- Алоҳида эътиборни талаб қиладиган вазиятлар, масалан ўзаро боғлиқ томонларнинг мавжудлиги.
- Келишувлар шарти ва қонунчилик билан белгиланган ҳар қандай мажбуриятлар.
- Ҳисоботларни тайёрлаш тавсифи ва муддатлари ёки субъект билан келишув доирасида биргалашиб ҳаракат қилишнинг кутилаётган шакллари.

Аудитнинг дастури

10. **Аудитор аудитнинг умумий режасини амалга ошириш учун керакли бўлган, режалаштирилган аудиторлик муолажаларининг тавсифи, муддати ва ҳажмини белгиловчи аудит дастурини ишлаб чиқиши ва ҳужжатли расмийлаштириши лозим.** Аудит дастури аудитда иштирок этаётган аудитор ёрдамчилари учун йўриқномалар тўплами ҳамда ишни тегишли равишда бажарилиши ва акс эттирилиши юзасидан назорат қилиш воситаси сифатида хизмат қилади. Шунингдек, аудит дастури аудитнинг ҳар бир бўлими бўйича белгиланган вазифалар ва аудитнинг турли жавҳалари ёки муолажаларига ажратилган соатлар миқдори кўрсатилган вақт бюджетидан иборат бўлиши мумкин.

11. Аудит дастурини тайёрлаш жараёнида, аудитор ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчиликлари аниқ баҳоланганлигини ҳамда моҳияти бўйича муолажалар билан таъминланадиган керакли бўлган ишончлилик даражасини кўриб чиқиши лозим.
Аудитор, шунингдек, моҳияти бўйича назорат тестлари ва муолажалар бажарилишининг муддати, субъектдан олиниш учун мўлжалланган ҳар қандай ёрдамни мувофиқлаштириш, аудитор ёрдамчиларининг мавжудлиги ҳамда бошқа аудиторлар ва экспертлар жалб қилиниши кўриб чиқиши лозим. Аудит дастурини ишлаб чиқиш жараёнида 9-бандда келтирилган бошқа жавҳаларни муфассалроқ кўриб чиқиш эҳтиёжи пайдо бўлиши мумкин.

Аудитнинг умумий режаси ва дастуридаги ўзгартиришлар

12. **Аудитнинг умумий режаси ва аудитнинг дастури аудит ўтказиш вақтида лозим бўлишига қараб қайтадан кўриб чиқилиши лозим.** Вазиятлардаги ўзгаришлар ёки аудиторлик муолажаларни бажариш пайтида олинган кўзда тутилмаган натижаларни ҳисобга олиш учун хизмат кўрсатишнинг бутун муддатида режалаштириш узлуксиз амалга ошриб борилади. Аҳамиятли ўзгартиришларнинг натижалари ҳужжатли расмийлаштирилиши лозим.

[310]

БИЗНЕСНИ БИЛИШ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	64
Бизнес тўғрисида билимлар олиш	64
Билимларни қўллаш	65
Илова. Бизнесни билиш - кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар.	

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади бизнесни билиш деб нима тушунилади, нима учун мазкур жавха аудит ўтказишда банд бўлган аудитор ва аудитор ходимлар учун муҳим, нима учун мазкур жавҳа аудитнинг барча босқичига тааллуқли ҳамда аудитор қандай қилиб ушбу билимларни олиши ва қўллаши юзасидан стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.
2. **Молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда аудитор, аудиторнинг фикри бўйича молиявий ҳисоботга, текширувга ёки аудиторлик ҳисоботга аҳамиятли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳодисалар, операциялар ва қабул қилинган амалиётни аниқлаш ва тушуниш учун етарли ҳажмда бизнесни билиши ёки унга оид билим олиши лозим.** Масалан, аудитор бундай билимларни ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчилигига баҳо беришда ҳамда аудиторлик муолажаларининг тавсифи, муддати ва ҳажмини аниқлашда қўллайди.
3. Аудиторнинг хизмат кўрсатиш учун керакли бўлган билимлар даражаси иқтисод ва субъект ўз фаолиятини амалга ошираётган доирасида тармоқ бўйича умумий билимдан ҳамда субъект ўз вазифасини қандай бажараётганлиги тўғрисида муфассал билимдан иборат. Бироқ, аудиторга керакли бўлган билимлар даражаси, одатда, ҳар доим субъект раҳбарияти эга бўлган билимлар даражасидан пастроқ. Аниқ хизматлар кўрсатиш ҳолатида кўриб чиқилиши лозим бўлган саволлар рўйхати ушбу АХС иловасида келтирилган.

Бизнес тўғрисида билимлар олиш

4. Келишув қабул қилингунга қадар аудитор аудит қилинадиган субъектнинг тармоғи, мулкчилик ҳуқуқи, раҳбарияти ва фаолиятига оид дастлабки билимларни олиши лозим ва аудит ўтказиш учун керакли бўлган билим даражасига эришиш имконини кўриб чиқиши керак.
5. Келишув қабул қилингандан сўнг қўшимча ва батафсилроқ маълумотлар тўпланади. Имкони борича керакли бўлган билимлар ҳажмини аудитор келишув бажарилишининг бошида олиши лозим. Аудитни ўтказиш вақтида олдин олинган маълумот баҳоланади, янгиланади ва тўлдирилади.
6. Мижоз бизнеси тўғрисида билимлар олиш маълумотни йиғиш ва баҳо беришнинг узлуксиз ва кумулятив жараёни ва аудитнинг барча босқичларида олинган билимларни аудиторлик далиллар ва маълумот билан боғланишини аниқлаш ҳисобланади.

   Масалан, маълумот режалаштириш босқичида йиғилишига қарамасдан, аудитор ва унинг ёрдамчилари бизнес тўғрисида янада ҳам тўлиқроқ тасаввур олишларига қараб, кейинги босқичларда унга аниқлик киритилади ва тўлдирилади

7. Кейинги келишувларда аудитор олдин йиғилган маълумотни, жумладан олдинги йил бўйича ишчи ҳужжатларидаги кўрсаткичларни янгилайди ва баҳо беради. Аудитор, шунингдек, охирги аудит ўтказилгандан сўнг содир этилган аҳамиятли ўзгартишларни солиштиришга қаратилган муолажаларни бажаради.
8. Аудитор тармоқ ва субъект тўғрисида билимларни бир неча манбаларда олиши мумкин. Масалан:
   - Ушбу субъект ва у қарайдиган тармоқ билан олдинги иш тажрибасидан.
   - Субъект ходимлари билан сухбатлар ўтказишдан (масалан, директор ва етакчи мутахассислар билан).
   - Ички аудит ходимлари билан сухбатлар ўтказиш ва ички аудит ҳисоботларини шарҳлашдан.
   - Ушбу субъектга ёки ушбу тармоқнинг бошқа корхоналарига хизмат кўрсатган аудиторлар, ҳуқуқшунослар ва бошқа маслаҳатчилар билан сухбат ўтказишдан.
   - Ушбу тармоқда ишламайдиган касбий хабардор бўлган бошқа шахслар билан сухбат ўтказишдан (масалан, ушбу тармоқда ихтисослашган иқтисодчилар, ушбу тармоқни тартибга солувчи идоралар вакиллари ҳамда буюртмачи, мол етказиб берувчи ва рақобатчилар билан).

   Тармоққа тааллуқли бўлган нашрлардан (масалан, давлат статистикаси, шарҳловчи материаллар, мақолалар, тижорат журналлар, банклар ва қимматли қоғозларга оид операциялар бўйича воситачилар томонидан тайёрланган ҳисоботлар, молиявий газеталар).
   - Субъект фаолиятига аҳамиятли даражада таъсир этувчи қонунчилика оид ва меъёрий ҳужжатлардан.
   - Субъектнинг ишлаб чиқаришга ва маъмурий хоналари жойлашган жойларга боришдан.
   - Субъект томонидан таёрланган ҳужжатлардан (масалан, мажлислар баённомалари, акциядорларга юбориладиган ёки тартибга солувчи идораларга тақдим этиладиган материаллар, рекламага оид материаллар, олдинги йиллар бўйича йиллик ва молиявий ҳисоботлар, бюджетлар, субъект раҳбариятининг ички ҳисоботлари, оралиқ молиявий ҳисоботлар, бошқарув сиёсати бўйича раҳбарият, бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини юритиш бўйича қўлланмалар).

Билимларни қўллаш

9. Бизнесни билиш аудиторга малакавий фикр-мулоҳаза билдириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Мижоз бизнесини билиш ва маълумотни тегишли равишда қўллаш аудиторга қуйидагиларни бажаришга ёрдам беради:
   - Таваккалчиликларга баҳо бериш ва муаммоларни аниқлашга.
   - Аудитни янада ҳам самарадорлик ва оқилона режалаштириш ва бажаришга.
   - Аудиторлик далилларга баҳо беришга.
   - Мижозга янада ҳам яхшироқ хизмат кўрсатишга.
10. Аудитнинг барча босқичларида аудитор мижоз бизнесини билиш муҳим касб этадиган кўп жавҳалар бўйича фикр-мулоҳаза шакллантиради. Масалан:
    - Ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчилигига баҳо бериш.
    - Ишга оид таваккалчиликлар субъект раҳбариятининг ушбу таваккалчиликлар юзасидан ҳаракатларини кўриб чиқиш.
    - Аудитнинг умумий режаси ва аудит дастурини ишлаб чиқиш.
    - Аҳамиятлилик даражаси ва аниқлаш ҳамда танланган аҳамиятлилик даражаси тегишли бўлиб қолишлигига баҳо бериш.
    - Мувофиқлигини аниқлаш учун аудиторлик далилларга баҳо бериш ҳамда молиявий ҳисоботнинг тегишли тасдиқлар амалда тўғрилигига баҳо бериш.
    - Бухгалтериялик баҳолашлар ва субъект раҳбариятининг тақдимотларига баҳо бериш.
    - Аудит пайтида алоҳида кўриб чиқишни ва махсус кўникмалар қўллашни талаб қиладиган соҳаларни аниқлаш.
    - Ўзаро боғлиқ томонлар ва ўзаро боғлиқ томонлар ўртасидаги операцияларни солиштириш.
    - Қарама-қарши маълумотни тан олиш (масалан, субъект раҳбариятининг тақдимотларидаги зиддиятлар).
    - Райриодатий вазиятларни тан олиш (масалан, товламачилик ва фаолият қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ эмаслик ҳолатлари, субъектнинг статистик тезкор кўрсаткичлари билан ва ҳисоботда акс эттирилганлари ўртасидаги кутилмаган ўзаро боғлиқликлар).
    - Сўровномаларни ўтказиш ва жавоблар асосланганлигига баҳо бериш.
    - Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботда маълумот ёритилиши мослигини кўриб чиқиш.

11. **Аудитор, аудит учун тайинланган аудитор ёрдамчилари мижоз бизнеси тўғрисида топширилган ишни бажаришга имкон берадиган етарли ҳажмда билим олганликларига ишонч ҳосил қилиши лозим.** Аудитор, шунингдек, аудитор ёрдамчилар қўшимча маълумотни ҳисобга олиш ва ушбу маълумотни аудитор ва бошқа аудитор ёрдамчиларига етказиш лозимлигини тушунаётганликларига ишонч ҳосил қилиши керак.
12. **Мижоз бизнесини билишликдан самарадорлик билан фойдаланиш мақсадида аудитор ушбу билим умуман молиявий ҳисоботга қандай таъсир кўрсатаётганини ва молиявий ҳисоботдаги тасдиқлар аудитор томонидан мижоз бизнеси тўғрисида олган билимларига мувофиқлигини кўриб чиқиши лозим.**

Илова:

Бизнесни билиш - кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар.

Ушбу рўйхат кўпчилик келишувларга қўлланиши мумкин бўлган масалаларнинг кенг доирасидан иборат, бироқ ҳар бир келишувга барча масалалар тааллуқли эмас ва ушбу рўйхат тўлиқ бўлиши шарт эмас.

А Умумий иқтисодий омиллар

- Иқтисодий фаолиятнинг умумий даражаси (масалан, пасайиш, ўсиш).
- *Фоизли ставкалар ва молиялаштиришнинг мавжудлиги.*
- Валюта қадрсизланиши, ревальвацияси.
- Ҳукумат сиёсати:

- пул- кредит;
- фискал;
- корпоратив-солиққа тортиш ва бошқалар;
- молиявий рағбатлантирувчи омил;
- тарифлар, савдо чекловлари.

- Хорижий валюта курси ва валюта назорати.

Б Тармоқ - мижоз бизнесига таъсир этувчи муҳим шартлар

- Бозор ва рақобат.
- Циклли ёки мавсумий фаолият.
- Ишлаб чиқариш технологиясидаги ўзгаришлар.
- Ишга доир таваккалчилик (масалан, юқори технология, юқори мода, рақобатчилар учун осон кириб бориш имконияти).
- Фаолият қисқариши ёки кенгайиши.
- Номувофиқ шароитлар (масалан, талаб пасайиши, ҳаддан ташқари кўп ишлаб чиқариш қувватлари, нарх юзасидан жиддий рақобат).
- Таянч кўрсаткичлар ва тезкор статистика.
- Бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари ва у билан боғлиқ муаммолар.
- Экологик талаблари ва у билан боғлиқ муаммолар.
- Қонунчиликка оид-ҳуқуқий асос.
- *Электр қувватини етказиб бериш ва унинг таннархи.*
- Ўзига хос ёки ноёб амалиёт (масалан, меҳнат шартномалари юзасидан, молиялаштириш усуллари, бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари).

В Субъект

1. Мулкчилик менежменти ва тизими - муҳим тавсифлар:
   - Корпоратив тизим - хусусий, жамоат, давлат (жумладан, ҳар қандай охирги ёки режалаштирилган ўзгаришлар).
   - Мулкдорлар - бенефициарлар ва боғлиқ томонлар (маҳаллий, хорижий, уларнинг ишга оид обрўси ва тажрибаси).
   - Капитал таркиби (жумладан, ҳар қандай яқиндаги ёки режалаштирилган ўзгаришлар).
   - Ташкилий тизим.
   - Масалалар, фалсафа, субъект раҳбариятининг стратегик режалари.
   - Компанияларни сотиб олиш, уларнинг қўшилиши ёки фаолият алоҳида турларининг тугатилиши (режалаштирилганлари ёки яқинда содир этилганлари).

   Молиялаштиришнинг манбаалари ва усуллари (жорийлари, дастлабкилари).

- Директорлар кенгаши:
  - таркиби;
  - алоҳида шахсларнинг ишга доир обрўси ва малакавий тажрибаси;
  - субъект ижроия раҳбариятидан мустақиллик ва унинг фаолияти юзасидан назорат;
  - мажлислар ўтказилишининг даврийлиги;
  - аудиторлик қўмитаси мавжудлиги ва фаолиятининг қўлами;
  - компанияда юриш-туриш меъёрларининг мавжудлиги;
  - касбий маслаҳатчилар таркибидаги ўзгаришлар (масалан, ҳуқуқшунослар таркибида)
- Субъектнинг ижроия раҳбарияти:
  - тажриба ва обрўси;
  - ходимлар алмашиш даражаси;
  - молиявий таянч ходимлар ва унинг ташкилотдаги мақоми;
  - бухгалтерия ҳисоби хизмати ходимлар билан таъминланганлиги;
  - тақдирлашнинг қисми бўлган рағбатлантириш ёки мукофотлаш режалари (масалан, фойда асосида);
  - истиқболлаш ва бюджетлардан фойдаланиш;
  - субъект раҳбариятига тазийқ ўтказиш (масалан, раҳбарият ҳаддан ташқари бандлиги, бир шахс устун туришлиги, акция курсларини қўллаб-қувватлаш, натижалар чоп этилиши учун асосланмаган муддатлар);
  - бошқарув-ахборот тизимлари.
- Ички аудит вазифалари.
- Ички назорат муҳитига муносабат.

2. Субъект фаолияти - маҳсулот, бозорлар, мол етказиб берувчилар, харажатлар, ишлаб чиқариш фаолияти:
   - Фаолият тавсифи (масалан, ишлаб чиқариш, улгуржи савдо, молиявий хизматлар, импорт/экспорт);
   - Ишлаб чиқариш бинолар, омборлар, офисларнинг жойлашган жойи.
   - Бандлик (масалан, жойлашган жойи, одам ресурслари билан таъминланиши, касаба уюшмалари билан келишувлар, нафақа мажбуриятлари, давлат томонидан тартибга солиш).
   - Маҳсулот ёки бозор хизматлари (масалан, асосий буюртмачилар ва шартномалар, тўлов шартлари, фойда миқдори, бозор улуши, рақобатчилар, экспорт, нарх-наво шаклланишга оид сиёсат, маҳсулот обрўси, кафолатлар, буюртмалар тўплами, умумий йўналишлар, бозор стратегияси ва вазифалари, ишлаб чиқариш жараёнлари).
   - Муҳим товарлар ва хизматлар етказиб берувчилар (масалан, узоқ муддатли шартномалар, барқарор мол етказиб берилиши; тўлов шартлари, етказиб бериш усуллари, масалан, "аниқ муддатда").
   - Товар-моддий заҳиралар (масалан, жойлашган жойи, миқдори).
   - Франшиза, лицензиялар, патентлар.
   - Харажатларнинг муҳим туркумлари.
   - Тадқиқотлар ва ишланмалар.
   - Активлар, мажбуриятлар ва хорижий валютадаги операциялар - валюта тури бўйича, хеджирлаш.
   - Субъект фаолиятига муҳим даражада таъсир этувчи қонунчилик ва тартибга солиш.
   - Ахборий тизимлар - ҳаракатдагилари, ўзгаришлар киритиш бўйича режалар.
   - Қарз таркиби, жумладан, мажбуриятлар ва чекловлар.
3. Молиявий фаолият натижалари - субъектнинг молявий ҳолати ва рентабелигига тааллуқли омиллар:
   - Таянч коэффициентлар ва тезкор статистика.
   - Йўналишлар.
4. Ҳисобот тайёрланадиган шароитлар - молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбариятга таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар.
5. Қонунчилик:
   Тартибга солиш муҳити ва меъёрий талаблар.
   - Солиққа тортиш.
   - Муайян фаолият турига хос бўлган ўлчовлар ва ёритишлар.
   - Аудиторлик ҳисоботини тайёрлаш оид талаблар.
   - Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар

(320)

АУДИТДА МУҲИМЛИК

	Бандлар
Кириш	68
Муҳимлик	68
Муҳимлик ва аудиторлик тавккалчилик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик	69
Нотўғриликлар таъсирига баҳо бериш	70

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таҳминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади муҳимлик қарашлар тизими ва унинг аудиторлик таваккалчилиги билан ўзаро боғлиқлиги бўйича стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.
2. **Аудит ўтказиш жараёнида аудитор муҳимлик ва унинг аудиторлик таваккалчилиги билан ўзаро боғлиқлигини кўриб чиқиши лозим.**
3. Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларнинг Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган "Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асоси"да "муҳимлик"ка қуйидагича талқин берилган:
   "Агар маълумот акс эттирилмаслиги ёки нотўғри акс эттирилиши фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот асосида қабул қилган иқтисодий қарорларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, бундай маълумот муҳим ҳисобланади. Муҳимлик маълум вазиятларда модда ёки хато миқдоридан келиб чиқиб уларни акс эттирмаслик ёки нотўри акс эттириш юзасидан фикр қабул қилинишига боғлиқ. Бинобарин, муҳимлик маълумот фойдали бўлиши учун лозим бўлган бошланғич сифат тавсифи эмас, балки кўпроқ бошланғич ёки ҳисоб бошлаш нуқтасини кўрсатади".

Муҳимлик

4. **Молиявий ҳисобот аудитининг мақсади аудиторга молиявий ҳисобот барча муҳим жавҳалари бўйича молиявий ҳисоботни тақдим этиш юзасидан белгиланган концептуал асосга мувофиқ тайёрланганлиги тўғрисида ўз фикрини билдиришга имконият яратишдир.** Нима муҳим эканлигига баҳо бериш малакавий мулоҳаза юритиш жавҳасига тааллуқли.

5. Аудиторлик режасини ишлаб чиқишда аудитор, муҳим нотўғриликларни миқдорий ифодада аниқлаш мақсадида, муҳимликнинг мақбул бўлган даражасини белгилайди. Лекин, муҳимликнинг катталиги (миқдори) билан бир қаторда, унинг тавсифи (сифати)га ҳам эътибор қаратиш лозим. Сифат нотўғри акс этишнинг мисол тариқасида молиявий фойдаланувчини чалғитишга олиб келиш эҳтимоли мавжуд бўлган ҳисоб сиёсатини мос бўлмаган ҳолда ёки нотўғри баён этишни ҳамда тартибга солувчи идоралар томонидан кейинги чекловларни қўллашга олиб келиши мумкин бўлган ва, бунинг оқибатида, субъект ўз фаолиятини муҳим даражада амалга ошириш қобилиятини пасайишига олиб келувчи қонунчиликка оид камчиликларни ёритмасликни келтириш мумкин.

6. Аудитор, жамланган ҳолда молиявий ҳисоботга муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, нотўғри акс этишлар нисбатан катта бўлмаган суммаларда бўлиши эҳтимолини кўриб чиқиши лозим. Масалан, муолажа ўтказишда ой охирида йўл қўйилган хато, агар бундай хато ҳар ойда такрорланса, бўлажакдаги муҳим нотўғриликка олиб келиши мумкин.

7. Аудитор муҳимликни умумий молиявий ҳисобот даражаси билан бир қаторда, уни ҳисобварақларнинг алоҳида қолдиқлари, операциялар туркуми ва ёритиладиган маълумот юзасидан ҳам кўриб чиқади. Муҳимликка ҳуқуқий ва меъёрий талаблар билан бир қаторда, молиявий ҳисоботдаги ҳисобварқларнинг алоҳида қолдиқларига тааллуқли масалалар ва улар ўртасидаги ўзаро боғликликлар таъсир кўрсатиши мумкин.

8. **Аудитор муҳимликни қуйидаги ҳолатларда кўриб чиқиши лозим:**
(а) аудиторлик муолажаларнинг тавсифи, муддати ва ҳажмини белгилашда;
(б) нотўғри акс этишлар таъсирига баҳо беришда.

Муҳимлик ва аудиторлик тавакkалчилик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

9. Аудитни режалаштиришда аудитор нималар молиявий ҳисобот муҳим нотўғри акс этишга олиб келиши мумкинлигини кўриб чиқади. Ҳисобварақларнинг аниқ қолдиғи ва операциялар туркуми билан боғлиқ муҳимликнинг аудиторлик баҳоси аудитор томонидан, масалан қандай моддаларни текшириш ҳамда таҳлилий муолажаларда танлаб олишдан фойдаланиш лозимлиги масалалар юзасидан қарор қабул қилишга ёрдам беради. Бу аудиторга бир-бири билан биргаликда аудиторлик тавакkалчилигини қабул қилишга мумкин қадар паст даражагача камайтирадиган аудиторлик муолажаларини танлаб олиш имконини беради.

10. Муҳимлик ва аудиторлик тавакkалчилиги орасида тескари ўзаро боғлиқлик мавжуд, яъни муҳимликнинг даражаси қанчалик юқори бўлса, аудиторлик тавакkалчилиги шунчалик паст бўлади ва унинг тескариси. Муҳимлик ва аудиторлик тавакkалчилиги ўртасидаги тескари ўзаро боғлиқлик аудитор томонидан аудиторлик муолажаларининг тавсифи, муддати ва ҳажмини белгилашда инобатга олинади. Масалан, агар аудитор аниқ аудиторлик муолажаларини режалаштиришни якунлагандан кейин мақбул муҳимлик даражаси белгилангандан паст бўлса, аудиторлик тавакkалчилиги ошади. Аудитор вужудга келган вазиятни қуйидаги усуллардан бири билан қоплаши лозим:
(а) мумкин бўлган жойларда баҳоланган назорат тавакkалчилигини пасайтириш ва пасайтирилган даражани кенгайтирилган ёки қўшимча назорат тест синовларини ўтказиш йўли билан тасдиқлаш; ёки
(б) моҳияти бўйича режалаштирилган муолажаларнинг тавсифи, муддати ва ҳажмини ўзгартириш йўли билан аниқлаб бўлмаслик тавакkалчилигини пасайтириш.

Аудиторлик далилга баҳо беришда муҳимлик ва аудиторлик таваккалчилиги

11. Келишувнинг дастлабки режалаштириш вақтидаги муҳимликка берилган аудиторлик баҳо аудиторлик муолажалар натижаларининг баҳолаш вақтида уларга берилган баҳодан фарқланиши мумкин. Бу вазиятларда вужудга келган ёки аудит ўтказиш натижасида аудиторнинг субъект фаолияти юзасидан билимларидаги ўзгаришлардан келиб чиқиши мумкин. Масалан, агар аудит ҳисобот даврининг якунланишига қадар режалаштирилса, аудитор молиявий-хўжалик фаолият ва молиявий ҳолат натижаларини режалаштиради. Гарчи, амалдаги фаолият ва молиявий ҳолат натижалари истиқболлийлардан аҳамиятли даражада фарқланса, муҳимлик ва аудиторлик таваккалчиликларга берилган баҳо ўзгариши мумкин. Бундан ташқари, аудитни режалаштиришда аудитор мақбул бўлган муҳимлик даражасини аудит натижаларига баҳо бериш учун кўзда тутилгандан атайлаб пастроқ даражада белгилаши мумкин. Бу аниқланмаган ноаниқликлар эҳтимолини камайтириш ҳамда аудит пайтида ноаниқликлар таъсирига баҳо беришда аудиторни хавфсизлик даражаси билан таъминлаш мақсадида амалга оширилиши мумкин.

Нотўғриликлар таъсирига баҳо бериш

12. **Молиявий ҳисобот ишончли тақдим этилганлигига баҳо беришда аудитор аудит пайтида аниқланган ва тузатилмаган нотўғриликлар жамланган ҳолда муҳимлигига баҳо бериши лозим.**

13. Жамланган тузатилмаган нотўғриликлар қуйидагилардан иборат:
(а) аудитор томонидан аниқланган аниқ нотўғриликлар, жумладан олдинги дарвлардаги аудит пайтида аниқланган тузатилмаган нотўғриликларнинг соф таъсири;
(б) аудитор томонидан аниқ аниқлаб бўлмайдиган бошқа нотўғриликларга аниқроқ баҳо бериш (яъни хатоларни олдиндан айтиб бериш).

14. Аудитор тузатилмаган нотўғриликлар жамланганда муҳимлигини кўриб чиқиши лозим. Агар аудитор нотўғриликлар муҳим бўлиши мумкин деган хулосага келса, у аудиторлик муолажаларини кенгайтириш йўли билан аудиторлик таваккалчилигини пасайтириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши ёки субъект раҳбариятидан молиявий ҳисоботга тузатишлар киритилишини талаб қилиши лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам субъект раҳбарияти, аниқланган нотўғриликларни ҳисобга олган ҳолда, молиявий ҳисоботга тузатишлар киритишга рози бўлиши мумкин.

13. **Агар субъект раҳбарияти молиявий ҳисоботга тузатишлар киритишни рад этса, кенгайтирилган аудиторлик муолажаларининг натижалари эса аудиторга тузатилмаган нотўғриликлар жамланганда муҳим эмас деган хулоса чиқаришга асос бермаса, аудитор 700-АХС "Молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботи"га мувофиқ аудиторлик ҳисоботини тегишли равишда модификациялаштириш масаласини кўриб чиқиши лозим.**

16. Агар аудитор томонидан аниқланган тузатилмаган нотўғриликлар жамланганда муҳимлик даражасига яқинлашса, аудитор аниқланмаган нотўғриликларга жамланган тузатилмаган нотўғриликлар билан биргаликда қаралганда муҳимлик даражасидан юқорироқ бўлиш эҳтимолини кўриб чиқиши лозим. Бинобарин, жамланган тузатилмаган нотўғриликлар муҳимлик даражасига яқинлашиши билан, аудитор қўшимча аудиторлик муолажалари йўли билан таваккалчиликни пасайтириш ёки субъект раҳбариятидан аниқланган нотўғриликларни ҳисобга олган ҳолда молиявий ҳисоботга тузатишлар киритишни талаб қилиш масалаларини кўриб чиқиши лозим.

Давлат секторининг аудити

1. Муҳимликка баҳо беришда давлат секторининг аудитори, малакавий фикр-мулоҳаза чиқаришдан ташқари, унинг баҳосига таъсир этиши мумкин бўлган ҳар қандай қонунчиликка оид ва меъёрий ҳужжатларни ўз эътиборини қаратиши лозим. Давлат секторида муҳимлик ҳам модданинг "мазмуни ва тавсифи"га асосланган ва, масалан, "сезгирлик" ва қиймат ифодаси жавҳалардан иборат. "Сезгирлик" турли масалаларни қамраб олади, масалан, фаолият ҳукумат идоралари, қонунчиликка оид ёки жамият талабларига мувофиқлиги.

[400]

ТАВАККАЛЧИЛИККА БАҲО БЕРИШ ВА ИЧКИ НАЗОРАТ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	71
Ажралмас таваккалчилик	73
Бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратнинг тизимлари	73
Назорат таваккалчилиги	75
Ажралмас таваккалчилик ва ички назорат баҳолари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик	77
Аниқлаб бўлмаслик таваккалчилиги	77
Кичик корхоналарда аудиторлик таваккалчилиги	78
Аниқланган камчиликлар тўғрисида субъект раҳбариятини хабардор қилиш	78

Илова. Аудиторлик таваккалчилиги таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг намуналари

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари ҳамда аудиторлик таваккалчилиги ва унинг ажралмас таркибий қисмлари, яъни ажралмас таваккалчилиги, назорат таваккалчилиги ва аниқлаб бўлмаслик таваккалчиликларини тушуниш учун стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.
2. Аудитор аудитни режалаштириш ва ўтказишга самарадорлик билан ёндошишни ишлаб чиқиш учун етарли бўлган бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари тўғрисида тушуниш олиши лозим. Ушбу таваккалчиликни мақбул бўлган паст даражагача камайтириш учун керакли бўлган аудитор таваккалчилигига баҳо бериш ва аудиторлик муолажаларини ишлаб чиқиш мақсадида аудитор малакавий мулоҳазани қўллаши лозим.
3. "Аудиторлик таваккалчилиги" деганда молиявий ҳисобот аҳамиятли нотўғри акс этилганда аудитор тегишли бўлмаган аудиторлик хулоса тақдим этилиши тушунилади. Аудиторлик таваккалчилиги уч таркибий қисмдан иборат: яъни, ажралмас таваккалчилиги, назорат таваккалчилиги ва аниқлаб бўлмаслик таваккалчилиги.
4. "Ажралмас таваккалчилиги" - бу тегишли ички назорат мавжуд эмас деб тахмин қилинганда, ҳисобварақлар қолдиғи ёки операциялар туркуми алоҳида ёки бошқа ҳисобварақлар қолдиғи ёки операциялар туркумидаги нотўғри акс этишлар билан жамланганда аҳамиятли бўлган нотўғри акс этишликка мойиллиги.
5. "Назорат таваккалчилиги" - бу ҳисобварақлар қолдиғи ёки операциялар туркумида мавжуд бўлиши мумкин нотўғри акс этиш (у алоҳида ёки бошқа ҳисобварақлар қолдиғи ёки операциялар туркумидаги нотўғри акс этишлар билан жамланганда аҳамиятли бўлиши мумкин) бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари томонидан ўз вақтида олди олинмаганлиги ёки аниқланмаганлиги ва тузатилмаганлиги.

6. "Аниқлаб бўлмаслик таваккалчилиги" шундан иборатки, бунда аудиторлик муолажалар моҳияти бўйича ҳисобварақ қолдиғи ёки ҳисобварақлар туркумидаги алоҳида ёки бошқа ҳисобварақлар қолдиғи ёки операциялар туркумидаги нотўғри акс этишлар билан жамланганда аҳамиятли бўлган нотўғри акс этишни аниқлай олмайди.
7. "Бухгалтерия ҳисобининг тизими" деганда операцияларга, молиявий ёзувлар юритиш сифатида, субъектнинг масалалар туркуми ва ҳисоб ёзувлари орқали ишлов бериш тушунилади. Бундай тизимлар операциялар ва бошқа ҳодисалар бўйича ҳисоботни солиштириш, йиғиш, таҳлил қилиш, ҳисоблаш, туркумлаш, рўйхатга олиш, умумлаштириш ва тақдим этиш мақсадида қўлланилади.
8. "Ички назорат тизими" - бу тартибли ва самарадорли фаолият юритиш, жумладан субъект сиёсатига риоя қилиш, активлар бутлигини таъминлаш, товламачилик ва хатоларни олдини олиш ва аниқлаш, бухгалтерия ёзувларининг аниқ ва тўлиқ бўлиши ҳамда ўз вақтида ишончли молиявий ҳисобот тайёрлашга йўналтирилган, амалда мумкин бўлган қўламда, субъект раҳбариятининг мақсадга эришиш учун ёрдам берадиган, субъект раҳбарияти томонидан қабул қилинган барча муолажалар ва сиёсат (ички назорат). Ички назорат тизими бухгалтерия ҳисоби тизими вазифаларига бевосита тааллуқли бўлган масалалар доирасидан четга чиқади ва қуйидагилардан иборат:

(а) "назорат муҳити" - бу ички назорат тизими ва унинг субъект учун муҳимлигига нисбатан субъект директорлари ва раҳбариятининг умумий нуқтаи-назари, хабардорлиги ва ҳаракати. Назорат муҳити назоратнинг аниқ муолажалар самарадорлигига таъсир кўрсатади. Масалан, кучайтирилган бюджет назорати ва ички аудитнинг самарадорлик вазифалари бўлган ички назорат муҳити назоратнинг аниқ муолажаларини аҳамиятли тўлдириши мумкин. Шунга қарамасдан, қаттиқ назорат муҳити ўз-ўзидан ички назорат тизимининг самарадорлигини таъминламайди.
Назорат муҳитида акс этилган омиллар қуйидагилардан иборат:
- директорлар кенгаши ва қўмиталарининг вазифалари;
- субъект раҳбариятининг фалсафаси ва вазифани бажариш услуби;
- субъектнинг ташкилий тизими ҳамда ваколатлар ва масъулиятлар бериш услуби;
- субъект раҳбарияти томонидан назорат тизими, жумладан ички аудит вазифалари, ходимлар бўйича сиёсат ва муолажалар ҳамда хизмат мажбуриятларини тақсимлаш.

(б) "назорат муолажалари" - бу назорат муҳитига қўшимча равишда субъектнинг аниқ белгиланган масалаларини ҳал этиш учун субъект раҳбарияти томонидан белгиланган муолажалар ва сиёсат. Назорат муолажалари қуйидагилардан иборат:
- ҳисоботни тақдим этиш, солиштириш ва тасдиқлаш бўйича муолажаларни солиштириш;
- ёзувларнинг арифметик тўғрилигини текшириш;
- амалий дастурлар ва компьютер-ахборий тизимлар юзасидан назоратни амалга ошириш, масалан қуйидагилар юзасидан назорат ўрнатиш йўли билан:
  - компьютер дастурлари ўзгариши;
  - маълумотлар файлларига кириб бориш.
- назоратли ҳисобварақлар ва синов балансларни юритиш ва текшириш;
- ҳужжатларни тасдиқлаш ва улар юзасидан назоратни амалга ошириш;
- ички манбалардан олинган кўрсаткичларни маълумотнинг ташқи манбалари билан солиштириш;
- пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва товар-моддий заҳиралар ҳисоб-китобини бухгалтерия ёзувлари билан таққослаш;
- активлар ва ёзувлардан тўғридан-тўғри жисмоний фойдаланиш имконини чеклаш;
- молиявий натижалар бўйича таҳлил ва натижаларни бюджетда кўзда тутилган суммалар билан таққослаш.

9. Молиявий ҳисоботнинг аудитини ўтказишда аудитор фақат бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларидаги молиявий ҳисоботга тааллуқли сиёсат ва муолажаларга ўз эътиборини қаратади. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларига тааллуқли жавҳаларни тушуниш, ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчилигига баҳо бериш ҳамда бошқа жавҳаларни кўриб чиқиш билан биргаликда аудиторга қуйидагиларга имкон яратади:

(а) молиявий ҳисоботда вужудга келиши мумкин бўлган муҳим бўлажак нотўғриликлар турини солиштириш;
(б) муҳим нотўғриликлар таваккалчилигига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш;
(в) тегишли аудиторлик муолажаларини ишлаб чиқиш.

10. Аудит ўтказиш бўйича йўналишни ишлаб чиқишда, молиявий ҳисобот тасдиқлари юзасидан тегишли аниқлаб бўлмаслик таваккалчилигини белгилаш ҳамда бундай тасдиқларни текширишга йўналтирилган моҳияти бўйича муолажаларнинг тавсифи, муддати ва ҳажмини аниқлаш учун, аудитор назорат таваккалчилигига (ажралмас таваккалчилиги билан бир қаторда) берилган дастлабки баҳони кўриб чиқади.

Ажралмас таваккалчилик

11. **Аудитнинг умумий режасини ишлаб чиқишда аудитор ажралмас таваккалчиликни молиявий ҳисобот даражасида кўриб чиқиши лозим. Аудит дастурини ишлаб чиқишда аудитор тасдиқлар даражасида берилган баҳони муҳим ҳисобварақлар қолдиғи ва операциялар туркуми билан таққослаши ёки ажралмас таваккалчилик тасдиқларга нисбатан юқори деб фараз қилиши лозим.**
12. Ажралмас таваккалчиликка баҳо бериш учун аудитор кўп сонлик омилларга баҳо бериш тўғрисида малакавий мулоҳазадан фойдаланади, масалан:

Молиявий ҳисобот даражасида:

- субъект ҳалолиги;
- субъект раҳбариятининг тажрибаси ва билими ҳамда давр мобайнида унинг таркибидаги ўзгаришларни. Масалан, раҳбариятнинг тажрибасизлиги субъект молиявий ҳисоботи тайёрланишига таъсир кўрсатиши мумкин;
- субъект раҳбариятига ғайри одатий тазийқ ўтказиш, масалан олдиндан субъект раҳбарияти молиявий ҳисоботни нотўғри акс этишга ундайдиган вазиятлар. Бундай вазиятларнинг намунаси сифатида тармоқда кўп сонли корхоналар-банкротлар мавжудлиги ёки субъектнинг кейинчалик фаолият кўрсатиши учун капитал етишмовчилигини кўрсатиш мумкин;
- субъект бизнесининг тавсифи, масалан маҳсулот ва хизматлар юзасидан бўлажак имкониятларининг технологик эскириши, капитал тизимининг мураккаблиги, алоқадор томонларнинг аҳамиятлиги ҳамда субъект жойлашган жойларининг миқдори ва ишлаб чиқариш майдонларининг жуғрофий тарқоқлиги;
- субъект фаолиятини амалга ошираётган тармоққа таъсир кўрсатувчи омиллар, масалан молиявий йўналишлардан ва коэффициентлардан келиб чиқиб аниқланадиган иқтисод ва рақобат шартларининг ҳолати ҳамда технология соҳаларида, истеъмол талабида ва ушбу тармоқда кенг тарқалган бухгалтерия ҳисоби юритилишидаги ўзгаришлар.

Ҳисобварақ қолдиғи ва операциялар туркуми даражасида

- нотўғри акс этилиш эҳтимоли мавжуд молиявий ҳисобот ҳисобварақлари, масалан олдинги даврларда тузатилиши талаб этилган ва юқори даражадаги нохолис баҳо беришни назарда тутган ҳисобварақлар;
- экспертлар жалб қилинишини талаб қиладиган операциялар ва бошқа ҳодисалар асосида ётган мураккабликлар;
- ҳисобварақлар қолдиғини аниқлашга тортилган мулоҳаза даражаси;
- активлар зарарлар ва қонунга зид ҳолда фойдаланишга мойиллиги, масалан пул маблағлари кўринишидаги кўпроқ хоҳиш уйғотадиган ва ҳаракатдаги активлар;
- ғайри одатий ва мажмуиявий операциялар якунланиши, айниқса давр охирида ёки давр охирига яқин бўлган муддатда;
- одатдаги муолажалар билан қайта ишлов бериб бўлмайдиган операциялар.

Бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратнинг тизимлари

13. Бухгалтерия ҳисоби тизимига тааллуқли ички назорат қуйидаги масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ:
    - операцияларни субъект раҳбариятининг умумий ёки махсус рухсати билан амалга ошириш;
    - молиявий ҳисобот молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича белгиланган концептуал асосга мувофиқ тайёрланишини таъминлаш учун барча операциялар ва бошқа ҳодисаларни тегишли ҳисобварақларда ва тегишли ҳисобот даврларда ўз вақтида ҳисобга олиш;
    - активлар ва ёзувлардан фақат субъект раҳбарияти рухсати билан фойдаланиш;
    - оқилона даврлар мобайнида ҳисобга олинган активларни амалдаги активлар билан таққослаш ва ҳар қандай фарқлар бўйича тегишли чораларни қўллаш.

Ички назоратга хос бўлган чекловлар

14. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари, ўзларига хос бўлган чекловлар натижасида, мақсадларга эришилганлиги тўғрисидаги якуний далиллар билан субъект раҳбариятини таъминлай олмайдилар. Ушбу чекловлар қуйидагилардан иборат:
    - субъект раҳбариятининг ички назоратни амалга ошириш бўйича харажатлар олиниши кутилаётган нафдан ошиб кетмаслиги тўғрисидаги одатдаги талаби;
    - аксарият ҳолатларда ички назорат кам учрайдиган операцияларга эмас, ҳар кунгиларига йўналтирилганлиги;
    - парвосизлик, паришонлик, мулоҳазадаги хатолар ва йўриқномаларни нотўғри тушунганлигидан келиб чиқадиган нохолис омил оқибатида бўлғуси хатога йўл қўйиш эҳтимоли;
    - субъект раҳбарияти аъзолари ёки ходимларининг ташқи ёки ички томонлар билан тил бириктириш йўли билан ички назоратни четлаб ўтиш эҳтимоли;

- ички назорат амалга оширилишига масъул бўлган шахс бундай масъулиятдан суиистеъмол қилиш эҳтимоли, масалан назоратни назар-писанд қилмайдиган субъект раҳбариятининг аъзоси; шароитлар ўзгариши оқибатида муолажалар мос бўлмай қолиш эҳтимоли ва шунинг учун муолажаларга риоя қилиш ёмонлашиши мумкинлиги.

Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини тушуниш

15. Аудитни режалаштириш учун керакли бўлган бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини тушуниб олиш жараёнида, аудитор ушбу тизимлар таркиби ва вазифалари тўғрисида билимлар олади. Масалан, аудитор "муфассал", бошқача қилиб айтганда, бухгалтерия ҳисоби бутун тизими орқали бир нечта операцияларни кузатиб борадиган тест саволномасини амалга ошириши мумкин. Танлаб олинган операциялар бухгалтерия ҳисобининг бутун тизими орқали ўтадиган операцияларга ўхшаш бўлган тақдирда, амалга оширилган муолажа назорат тестларининг бир қисми деб кўрилиши мумкин. Аудитор томонидан бажариладиган муфассал тестларнинг тавсифи ва ҳажми шундайки, улар ўз-ўзидан назорат таваккачилигига юқоридан паст берилган баҳони тасдиқлаш учун етарли бўлган тегишли аудиторлик далиллари билан таъминламайди.
16. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларига оид билимларни олиш учун аудитор томонидан бажарилган муолажаларнинг тавсифи, муддати ва ҳажми, бошқа омиллар қаторида, қуйидагилар уларнинг ўзгартирувчи омилар ҳисобланади:
    - субъект ва унинг компьютер тизими катталиги ва мураккаблиги;
    - муҳимлик кўриб чиқилиши;
    - қўлланиладиган ички назорат тури;
    - ўзига хос бўлган ички назоратни субъект томонидан ҳужжатлаштиришнинг тавсифи;
    - ажралмас таваккалчиликка аудиторлик баҳо бериш.
17. Аудит ўтказиш учун аҳамиятли бўлган, аудитор томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини тушунишлик, одатда, субъект билан амалга оширилган олдинги иш тажрибаси асосида олинади ва қуйидагилар билан тўлдирилади:

(а) мижознинг қуйидаги ҳужжатлари: муолажалар бўйича йўриқномалар, вазифасига оид мажбуриятлар бўйича ёритишлар ва блок-чизмаларига таянган ҳолда субъектнинг ташкилий тизимидаги раҳбарият аъзолари, ўрта бўғин раҳбарияти ва бошқа турли поғонадаги ходимлар билан сўровномалар;
(б) бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари доирасида юритиладиган ҳужжатлар ва ёзувларнинг текшириш;
(в) субъект фаолияти ва вазифасини бажариши, жумладан компьютер операцияларининг ташкил этилиши, раҳбарият таркиби ва операцияларни қайта ишлаш тавсифи юзасидан кузатувни олиб бориш.

Бухгалтерия ҳисоби тизими

18. Аудитор қуйидагиларни солиштириш ва тушуниш учун етарли бўлган бухгалтерия ҳисоби тизими тўғрисида тушуниш олиши лозим:

(а) субъект томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг асосий туркуми;
(б) ушбу операциялар амалга оширилишининг усули;
(в) молиявий ҳисоботда дастлабки ҳужжатлар ва ҳисобварақларни тасдиқловчи аҳамиятли ҳисоб ёзувлари;
(г) бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш жараёнини тушуниш: аҳамиятли операциялар ва бошқа ҳодисаларни амалга оширишдан то улар молиявий ҳисоботга киритилгунга қадар.

Назорат муҳити

19. Аудитор субъект директорлари ва раҳбариятиниг нуқтаи-назари, уларнинг ички назорат тизимидан хабардорлиги ва унга нисбатан назарда тутган ҳаракатлари ҳамда субъект учун муҳимлигига баҳо беришга етарли бўлган миқдорда назорат муҳити тўғрисида тушуниш олиши лозим.

Назорат муолажалари

20. Аудитор аудит режасини ишлаб чиқиш етарли бўлган назорат муолажалари тўғрисида тушуниш олиши лозим. Бунда, аудитор назорат муҳити ва бухгалтерия ҳисоби тизимини ўрганиш пайтида назорат муолажаларини қўшимча равишда ўрганиш кераклигини аниқлашда олинган назорат муолажалари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги билимларини ҳисобга олиши лозим. Назорат муолажалари назорат муҳити ва бухгалтерия тизими билан яқин ўзаро боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу муолажаларга оид муайян билимлар аудитор томонидан назорат муҳити ва бухгалтерия ҳисоби тизимини ўрганиш жараёнида олиниши мумкин. Масалан, бухгалтерия ҳисоби тизимидаги пул маблағлари қисми тўғрисида тушуниш олишда, аудиторга, одатда, банк ҳисобварақлари бўйича солиштиришлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълум бўлади. Одатда аудитнинг умумий режасини ишлаб чиқишда ҳар бир ҳисобварақ қолдиғи ва операциялар туркуми бўйича молиявий ҳисобот тасдиқларининг ҳар бирига оид назорат муолажаларини тушуниш талаб этилмайди.

Назорат таваккалчилиги

Назорат таваккалчилигини дастлабки баҳолаш

21. Назорат таваккалчилигини дастлабки баҳолаш бу муҳим нотўғриликларни олдини олиш ёки аниқлаш ва тузатишга қаратилган субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари самарадорлигига баҳо бериш жараёнидир. Ҳар қандай бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларига хос бўлган чекловлар натижасида айрим назорат таваккилчилиги ҳар доим мавжуд бўлади.
22. **Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари тўғрисида тушуниш олгандан кейин аудитор ҳар бир муҳим ҳисобварақлар қолдиғи ёки операциялар туркуми тасдиқлари даражасида назорат таваккалчилигининг дастлабки баҳолашини ўтказиши лозим.**
23. Айрим ёки барча тасдиқлар бўйича назорат таваккалчилиги, одатда, аудитор томонидан қуйидаги ҳолатларда юқори деб баҳоланади:

(а) бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари самарасиз; ёки

(б) бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини баҳолаш оқилона деб ҳисобланмаганда.

24. **Молиявий ҳисобот тасдиқларига оид назорат таваккалчилигини баҳолаш қуйидаги ҳолатларда юқори бўлиши лозим, агар аудитор:**

(а) муҳим нотўғриликларни олдини олиш ёки аниқлаш ва тузатиш учун тўғри келадиган ушбу тасдиққа тааллуқли ички назорат тизимини солиштира олмаган тақдирда;

(б) баҳони тасдиқлаш учун назорат тестлари ўтказишни режалаштирмаган тақдирда.

Назорат таваккалчилигини тушуниш ва баҳолашни акс этувчи ҳужжатлар

25. **Ўзининг ишчи ҳужжатларида аудитор қуйидагиларни ҳужжатлаштириши лозим:**

(а) субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари тўғрисида тушунилганлигини;

(б) назорат таваккалчилигига берилган баҳони. Агар назорат таваккалчилигига берилган баҳо юқоридан паст бўлса, ушбу баҳо бўйича хулоса асослари ҳам ишчи ҳужжатларда акс этилиши лозим.

26. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларига тааллуқли бўлган маълумотни ҳужжатлаштиришнинг турли усуллари мавжуд. Маълум бир усулни танлаб олиш аудиторнинг мулоҳазасидан келиб чиқади. Одатда алоҳида ёки биргаликда қўлланиладиган усуллар ёритиш, саволнома, назорат рўйхатлари ва блок-чизмалардан иборат. Субъект тизимининг катталиги ва мураккаблиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларининг тавсифи ҳужжатларнинг шакли ва ҳажмига таъсир кўрсатади. Умуман, бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари қанчалик мураккаб ва аудиторлик муолажалар ҳажми катта бўлса, шунчалик аудитор ҳужжатларининг ҳажми катта бўлади.

Назорат тестлари

27. Қуйидагилар самарадорлигига оид аудиторлик далилларини олиш учун назорат тестлари ўтказилади:

(а) бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари ташкил этилиши, яъни муҳим нотўғриликларни олдини олиш ёки аниқлаш ва тузатиш учун улар қанчалик яхши ташкил этилганлиги;

(б) давр мобайнида ички назорат тизимининг ишлаши.

28. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини тушуниш мақсадида бажариладиган айрим муолажалар махсус назорат тестлари сифатида режалаштирилмаслиги мумкин, балки маълум тасдиқлар юзасидан тизим самарадорлиги ва ички назорат вазифасини бажаришига оид аудиторлик далилларини тақдим этиши ва шу йўсинда назорат тестлари сифатида хизмат қилиши мумкин. Масалан, пул маблағлари қисмида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари тўғрисида тушуниш олишда, аудитор сўровнома ўтказиш ва кузатиш йўли билан банк билан солиштириш самарадорлигига оид даллиларни олиши мумкин. Агар аудитор бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини тушуниш мақсадида бажарилаётган муолажалар, шунингдек молиявий ҳисоботнинг маълум бир тасдиғига тааллуқли сиёсат ва муолажалар тизими ва самарадорлик билан вазифасини бажариши мувофиқлиги юзасидан ҳам аудиторлик далилларини тақдим этади деган хулосага келса, аудитор, ушбу далиллар етарли бўлган тақдирда, мазкур аудиторлик далилларни юқоридан паст даражада бўлган назорат таваккалчилигига берилган баҳони тасдиқлаш учун фойдаланиши мумкин.

30. Назорат тестлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ички назорат тегишли равишда вазифасини бажараётганлиги, масалан, операция ўтказишга рухсатнома мавжудлигини тасдиқлаш юзасидан аудиторлик даллиларини олиш мақсадида операция ва бошқа ҳодисаларни тасдиқловчи ҳужжатларни текшириш;
- аудиторлик изини қолдирмайдиган ички назорат юзасидан сўровнома ўтказиш ва уни кузатиб бориш, масалан ҳар бир вазифани тахмин қилинаётган ижрочисини эмас, амалдаги ижрочини аниқлаш;
- субъект томонидан ички назорат тўғри бажарилаётганлигига ишонч ҳосил қилиш учун ички назоратни қайтадан амалга ошириш, масалан банк ҳисобварақларини таққослаш.

31. Аудитор ҳар бир юқоридан паст бўлган назорат таваккалчилигига берилган баҳони тасдиқлаш учун назорат тестларини амалга ошириш йўли билан аудиторлик далилларини олиши лозим. Назорат таваккалчилигига берилган баҳо қанчалик паст бўлса, аудитор бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари ташкил этилиши ва самарадорлик билан ўз вазифаларини бажариши мувофиқлигига шунчалик кўп тасдиқлар олиши лозим.
32. Ички назорат самарадорлик билан ўз вазифаларини бажариши юзасидан аудиторлик далилларини олиш жараёнида аудитор у қандай қўлланилганлиги, давр мобайнида унинг изчил қўлланилганлиги ҳамда ким томондан қўлланилганлигини кўриб чиқади. Самарадорлик билан ўз вазифасини бажариш бўйича қарашлар тизими қандайдир четга чиқишлар бўлиш эҳтимолини тан олади. Тавсия этилган назоратдан четга чиқишлар қуйидаги омиллар, яъни: таянч ходимлар таркибида содир этилган ўзгаришлар, операциялар ҳажмида аҳамиятли мавсумий фарқлар ва субъектив хатолар натижасида вужудга келиши мумкин. Четга чиқишлар аниқланган тақдирда, аудитор аниқ белгиланган сўровномалар ўтказади, хусусан ички назоратнинг таянч вазифаси бажарувчи ходимлар таркибида содир этилган ўзгаришлар муддати тўғрисида. Шундан кейин аудитор назорат тестлари тегишли равишда ўзгаришлар ва фарқлар содир этилган даврни қамраб олганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.
33. Компьютер-ахборот тизимлари муҳитида назорат тестларининг вазифалари ҳамма нарса қўлда бажариладиган оддий муҳитдаги вазифалардек қолаверади; бироқ айрим аудиторлик муолажалар ўзгартирилиши мумкин. Аудитор аудитнинг компьютерлаштирилган усулларидан фойдаланиш афзалроқ ёки лозим деб ҳисоблаши мумкин. Қуйидаги усуллардан, масалан файлларни "талаб қилиш"дан фойдаланиш ёки аудиторлик тестлар кўрсаткичларидан фойдаланиш фақат бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари бухгалтерия ҳисобининг компьютерлаштирилган тизимида дастурлаштирилган ички назорат бажарилиши юзасидан кўзга кўринадиган ҳужжатли далилларини тақдим этмаган ҳолда ўринли ҳисобланади.
34. Назорат тестларига асосланиб, аудитор ички назорат ташкил этилиши ва ўз вазифасини бажариши назорат таваккалчилигига берилган дастлабки баҳо билан кўзда тутилганга мувофиқлигига баҳо бериши лозим. Четга чиқишларга баҳо бериш натижасида, аудитор назорат таваккалчилигига берилган баҳо қайта кўриб чиқилиши юзасидан хулоса чиқариши мумкин. Бундай ҳолатларда аудитор режалаштирилган муолажаларнинг тавсифи, муддати ва ҳажмини моҳияти бўйича модификациялаштирищи мумкин.

Аудиторлик далилнинг сифати ва ўз вақтидалиги

35. Аудитор томонидан олинган муайян далиллар бошқаларга нисбатан кўпроқ ишончли бўлади. Одатда, кузатув ўтказишда, аудитор сўровнома ўтказишда олиниши мумкин бўлган аудиторлик далилга қараганда кўпроқ ишончли аудиторлик далил олади. Масалан, аудитор назорат муолажаларини қўллаётган шахслар устидан кузатув жараёнида ёки тегишли ходимлар билан сўровнома ўтказиш жараёнида хизмат мажбуриятлари тегишли равишда тақсимланганлиги юзасидан аудиторлик далилларни олиши мумкин. Лекин, айрим назорат тестларини ўтказиш жараёнида олинган аудиторлик далил масалан, кузатув, фақат ушбу муолажа қўлланилган пайтга тааллуқлидир. Шунинг учун аудитор ушбу муолажаларни, вақтнинг бошқа даврлари юзасидан аудиторлик далилини тақдим этиши мумкин бўлган бошқа назорат тестлари билан тўлдириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.
36. Назорат таваккалчилиги юзасидан қилинган хулосани тасдиқлаш мақсадида тегишли аудиторлик далилларни аниқлашда, аудитор олдин ўтказилган аудитлар пайтида олинган аудиторлик далилларни кўриб чиқиши мумкин. Доимийлик асосида аудит ўтказилган тақдирда, аудитор бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари тўғрисида хабардор бўлади, чунки у олдин ўтказилган аудит пайтида олинган маълумотларга эга бўлади. Шунга қарамасдан аудитор эга бўлган билимларини янгилаб бориши лозим ва назоратда содир этилган ҳар қандай ўзгаришлар юзасидан қўшимча аудиторлик далилларини олиш кераклигини кўриб чиқиши лозим. Олдинги аудит пайтида бажарилган муолажаларга асосланишдан олдин, аудитор ушбу муолажаларга ишонч ҳосил қилиш учун аудиторлик далилларини олиши лозим. Аудитор ушбу муолажалар бажарилган пайтдан бошлаб бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларининг тавсифи, муддати ва ҳажми бўйича содир этилган ҳар қандай ўзгаришлар юзасидан аудиторлик далилларни олиши ва аудитор қай даражада уларга асосланиши мумкинлигига ушбу ўзгаришлар таъсирини баҳолаши лозим. Ушбу муолажалар бажарилган пайтдан қанчалик кўп вақт ўтган бўлса, шунчалик улар томонидан таъминланадиган ишонч камроқ бўлади.

37. Аудитор ички назорат бутун давр мобайнида қўлланилганлигини кўриб чиқиши лозим. Агар давр мобайнининг турли вақтларида бир-биридан аҳамиятли фарқ қиладиган назорат усуллари қўлланилган бўлса, аудитор уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқиши лозим. Давр мобайнининг маълум вақтида ички назорат қўлланилмаслиги ушбу даврдаги операциялар ва бошқа ҳодисалар юзасидан қўлланиладиган аудиторлик муолажаларнинг тавсифи, муддати ва ҳажми алоҳида кўриб чиқишни талаб қилади.
38. Аудитор оралиқ давр тугагунга қадар субъектга ташриф буюрган вақтда айрим назорат тестларини бажариш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Лекин аудитор даврнинг қолган қисми юзасидан қўшимча аудиторлик далилларини олиш лозимлигини кўриб чиқмасдан туриб ушбу тестлар натижаларига асослана олмайди. Эътибор қуйидаги омилларга қаратилади:
    - оралиқ тестлар натижаларига;
    - қолган даврнинг узоқлигига;
    - қолган давр мобайнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларида қандайдир ўзгаришлар содир этилганлигига;
    - тестлар билан ўрганилган операциялар, бошқа ҳодисалар ва ҳисобварақлар қолдиғининг тавсифи ва суммасига;
    - назорат муҳит, айниқса ўрта бўғин раҳбар ходимлар томонидан қўлланиладиган назоратга;
    - аудитор ўтказишни режалаштирган моҳияти бўйича муолажаларга.

Назорат таваккалчилигини якуний баҳолаш

39. **Аудит якунлангунга қадар, моҳияти бўйича муолажалар ва олинган бошқа аудиторлик далиллар натижаларига асосланиб, аудитор назорат таваккалчилигига берилган баҳо тасдиқланганлигини кўриб чиқиши лозим.**

Ажралмас таваккалчилик ва ички назорат баҳолари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

40. Субъект раҳбарияти нотўғриликларни олдини олиш ёки аниқлаш ва тузатишга қаратилган бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини ишлаб чиқиш йўли билан ажралмас таваккалчилик билан боғлиқ бўлган вазиятларга ўз муносабатини билдиради, шунинг учун кўпчилик ҳолатларда ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчилиги яқиндан ўзаро боғлиқдир. Бундай вазиятларда, агар аудитор ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчиликка бир-биридан алоҳида баҳо беришга ҳаракат қилса, таваккалчиликка номувофиқ баҳо бериш эҳтимоли бор. Бинобарин, ушбу вазиятларда аудиторлик таваккалчилигига тегишли баҳо бериш учун қурама баҳо берилиши лозим.

Аниқлаб бўлмаслик таваккалчилиги

41. Аниқлаб бўлмаслик таваккалчилиги бевосита моҳияти бўйича аудиторлик муолажалар билан боғлиқ. Назорат таваккалчилигига баҳо бериш ажралмас таваккалчилигига берилган баҳо билан бирга, аниқлаб бўлмаслик таваккалчилигини камайтириш, бинобарин аудиторлик таваккалчилигини мақбул бўлган паст даражагача камайтириш мақсадида ўтказиладиган аудиторлик муолажаларининг тавсифи, муддати ва ҳажмига таъсир кўрсатади. Лекин аудитор 100 фоиз ҳисобварақлар қолдиғи ёки операциялар туркумини текширишга тўғри келса ҳам, ҳар доим бирмунча аниқлаб бўлмаслик таваккалчилиги мавжуд бўлаверади, чунки, масалан, аудиторлик исботларнинг аксарият қисми якуний тавсифга эмас, балки ишонтирувчи тавсифга эга
42. **Аудиторлик таваккалчилигини мақбул бўлган паст даражагача камайтириш учун керакли бўлган моҳияти бўйича муолажалар тавсифи, муддати ва ҳажмини аниқлашда, аудитор ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккилчилигининг баҳоланган даражаларини кўриб чиқиши лозим.** Бунинг юзасидан аудитор қуйидагиларни кўриб чиқади:

(а) моҳияти бўйича муолажалар тавсифини, масалан четга ёки субъект ичидаги ҳужжатга эмас, балки субъект ташқарисидаги мустақил томонларга йўналтирилган тестлардан фойдаланишни, ёки таҳлилий муолажаларга қўшимча равишда аудитнинг муайян масаласини ҳал этишга йўналтирилган муфассал тестлардан фойланишни;

(б) моҳияти бўйича муолажалар муддатини, масалан бундай муолажалар эрта муддатларда эмас, балки давр охирида бажарилиши лозим;

(в) моҳияти бўйича муолажалар ҳажми, масалан катта миқдорда танлаб олишдан фойдаланиш.

43. Аниқлаб бўлмаслик таваккалчилиги билан ажралмас таваккалчилиги ва назорат таваккалчилигининг қурама даражаси ўртасида тескари ўзаро боғлиқлик мавжуд. Масалан, ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчилиги юқори даражада бўлса, аудиторлик таваккалчилигини мақбул бўлган паст даражасигача пасайтириш учун мақбул бўлган аниқлаб бўлмаслик таваккалчилининг даражаси паст бўлиши лозим. Иккинчи томондан, ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчилиги паст даражада бўлган тақдирда, аудитор аниқлаб бўлмас таваккалчилигининг юқори даражасини қабул қилиши мумкин ва аудиторлик таваккалчилигини мақбул бўлган паст даражага пасайтиришни давом этиб боради. Ушбу АХСнинг иловасида аудиторлик таваккалчилиги таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг намуналари келтирилган.

44. Назорат тестлари ва моҳияти бўйича муолажалар ўзларининг мақсадлари бўйича фарқланишига қарамасдан, бир турдаги муолажаларнинг натижалари иккинчи турдагиларнинг мақсадларига эришиш учун ёрдам беради. Моҳияти бўйича ўтказилган муолажалар пайтида аниқланган нотўғриликлар аудитор томонидан назорат тавакқалчилигига берилган дастлабки баҳони модификациялаш-тиришга сабаб бўлиши мумкин. Ушбу АХСнинг иловасида аудиторлик тавакқалчилиги таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро боғликликнинг намуналари келтирилган.
45. Ажралмас тавакқалчилик ва назорат тавакқалчилигининг баҳоланган даражалари аудитор томонидан моҳияти бўйича ҳар қандай муолажаларни кераклигини йўқ қилиш учун етарли даражада паст бўла олмайди. **Ажралмас тавакқалчилиги ва назорат тавакқалчилигининг баҳоланган даражаларидан қатъи назар, аудитор муҳим ҳисобварақлар қолдиғи ва операциялар туркуми юзасидан айрим муолажаларни бажариши лозим.**
46. Аудит ўтказиш пайтида аудиторлик тавакқалчилигининг таркибий қисмига берилган баҳо ўзгариши мумкин, моҳияти бўйича муолажаларни амалга оширишда, аудитор томонидан ажралмас тавакқалчилик ва назорат тавакқалчилигига берган дастлабки баҳога асос бўлган маълумотдан аҳамиятли фарқланадиган маълумот аудитор диққатини жалб қилиши мумкин. Бундай ҳолатларда, аудитор ажралмас тавакқалчилик ва назорат тавакқалчиликларнинг қайтадан кўриб чиқилган баҳосига асосланиб моҳияти бўйича режалаштирган муолажаларини модификациялаштириши лозим.
47. **Ажралмас тавакқалчилик ва назорат тавакқалчиликларининг баҳолари қанчалик юқори бўлса, аудитор моҳияти бўйича муолажаларни бажариш пайтида шунчалик кўп аудиторлик далилларини олиши лозим.** Агар ажралмас тавакқалчилик ва назорат тавакқалчиликлари юқори даражада баҳоланса, аудитор аниқлаб бўлмайдиган тавакқалчилиги пасайтириш, бинобарин аудиторлик тавакқалчилигини мақбул бўлган паст даражасигача пасайтириш учун моҳияти бўйича муолажалар етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини бериш ёки бермаслигини кўриб чиқиши лозим. **Аудитор муҳим ҳисобварақлар қолдиғи ёки операциялар туркуми бўйича молиявий ҳисобот тасдиқлари юзасидан аниқлаб бўлмаслик тавакқалчилиги мақбул бўлган даражагача пасайтириб бўлмаслигини аниқлаган тақдирда, аудитор ўз фикрини шарҳлар билан билдириши ёки фикр билдиришдан воз кечиши лозим.**

Кичик корхоналарда аудиторлик тавакқалчилиги

48. Катта субъектлар билан бир қаторда кичик корхоналарнинг ҳам молиявий ҳисоботи бўйича ўз фикрини шарҳларсиз билдириш учун аудитор бир хил даражадаги ишонч ҳосил қилиши лозим. Бироқ катта субъектларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган ички назорат муолажаларини, кичик корхоналарда қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисобига оид муолажаларни ҳужжатларга қайта ишлов бериш билан бир қаторда, уларни сақлаш билан боғлиқ мажбуриятларга эга, бинобарин, хизмат мажбуриятлари ажратилмаган ёки жуда чекланган бир нечта шахслар томонидан бажарилиши мумкин.

Айрим ҳолатларда хизмат мажбуриятларининг етарли тақсимланмаганлиги кучли бошқарув назорати тизими билан ўрнини босиши мумкин. Масалан, мулкдор/бошқарувчи томонидан ўрта бошқарув бўғин фаолияти устидан назорат қилиши, у шахсан субъект фаолиятини билишлиги ва операцияларда бевосита иштирок этиши сабабли мавжуд. Хизмат мажбуриятларини тақсимлаш чекланган ва ўрта бўғин раҳбар ходимлар фаолияти юзасидан назоратга оид аудиторлик далиллар мавжуд бўлмаган тақдирда, молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосани тасдиқловчи аудиторлик далиллар фақат моҳияти бўйича муолажалар ўтказиш жараёнида олиниши мумкин.

Аниқланган камчиликлар тўғрисида субъект раҳбариятини хабардор қилиш

49. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари тўғрисида тушуниш олиш ҳамда назорат тестлари натижасида аудиторга қайд этилган тизимлардаги камчиликлар маълум бўлиши мумкин. **Аудитор бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларининг ташкил этилиши ва вазифаларини бажариши юзасидан аудиторни диққатини жалб этган муҳим камчиликлар тўғрисида субъектнинг тегишли масъулият даражасидаги раҳбариятига қисқа муддатда хабар бериши лозим.** Одатда муҳим камчиликлар тўғрисида субъект раҳбариятига маълумот ёзма равишда тақдим этилади. Бироқ, агар аудитор хабар етказишни оғзаки тарзда мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа, бундай хабар бериш аудиторнинг ишчи ҳужжатларида расмийлаштирилади. Ушбу билдиришномада фақат аудит ўтказиш пайтида аудиторга маълум бўлган камчиликлар кўрсатилганлигини ҳамда текшириш бошқарув мақсадлари учун мослигини аниқлашни мақсад қилиб қўймаганлигини таъкидлаш муҳим ҳисобланади

Давлат секторининг аудити

1. *Ушбу АХСнинг 8-банди юзасидан аудитор давлат сектори субъекти "раҳбариятининг вазифалари"га жамият олдидаги масъулият таъсир кўрсатиши мумкинлиги тўғрисида хабардор бўлиши лозим; "раҳбариятнинг вазифалари"га, шунингдек, манбаи қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар, ҳукумат идоралари ва вазирлик кўрсатмалари бўлган вазифалари киради. Аудит мақсадига эришиш учун ички назорат муолажалари самарадорлигига баҳо беришда, аудитор юқорида қайд этилган масалалар манбаи ва тавсифларини кўриб чиқиши лозим.*

2. *Ушбу АХСнинг 9-бандига мувофиқ молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш жараёнида аудитор молиявий ҳисобот тасдиқларига тааллуқли бўлган бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари доирасидаги сиёсат ва муолажалар билан иш кўради. Молиявий ҳисоботни аудит ўтказишда ҳам давлат секторининг аудиторлари, кўпчилик ҳолатларда, ички назорат юзасидан қўшимча мажбуриятларга эга бўладилар. Давлат сектори аудиторлари томонидан ички назоратни шарҳлаш, хусусий секторда молиявий ҳисоботни аудити билан солиштирганда кўпроқ ва кенгроқ бўлиши мумкин.*

3. *Ушбу АХСнинг 49-бандида субъект раҳбариятини камчиликлар тўғрисида хабардор қилиш тўғрисида гап юритилган. Давлат секторининг аудиторларига ҳисобот тақдим этиш юзасидан қўшимча талаблар қўйилиши мумкин. Масалан, аудитордан молиявий ҳисобот ва бошқа маълумот аудитини ўтказиш пайтида аниқланган ички назоратдаги камчиликлар тўғрисида қонунчиликка оид ва ҳукумат идоралари олдида ҳисобот бериш талаб қилиниши мумкин.*

Илова:

Аудиторлик таваккалчилиги таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг намунаси

Қуйида жадвалда аниқлаб бўлмаслик таваккалчилигининг мақбул бўлган даражаси қандай қилиб ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчилигига берилган баҳога қараб ўзгариши кўрсатилган.

		Назорат таваккалчилигига берилган аудиторлик баҳо		
		Юқори	Ўрта	Паст
Аудиторлик таваккалчиликка берилган аудиторлик баҳо	Юқори	Энг паст	Пастроқ	Ўрта
	Ўрта	Пастроқ	Ўрта	Юқорироқ
	Паст	Ўрта	Юқорироқ	Энг юқори

Жадвалнинг ажратиб кўрсатилган катаклари аниқлаб бўлмаслик таваккалчилигига тааллуқли.

Аниқлаб бўлмаслик таваккалчилиги билан ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчилигининг *қурама даражаси ўртасида тескари ўзаро боғлиқлик* мавжуд. Масалан, агар ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчилиги юқори даражада бўлса, аниқлаб бўлмаслик таваккалчилигининг мақбул бўлган даражаси паст бўлиши лозим, бу, ўз навбатида, аудиторлик таваккалчиликни мақбул бўлган паст даражагача пасайтириш учун талаб қилинади. Бошқа томондан, ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчилиги паст даражада бўлган тақдирда, аудитор аниқлаб бўлмаслик таваккалчилигининг юқорироқ даражасини қабул қилиши мумкин ва барибир аудиторлик таваккалчилигини мақбул бўлган паст даражагача туширади.

[401]

КОМПЬЮТЕР-АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ МУҲИТИДА АУДИТ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	80
Малака ва касбий хабардорлик	80
Режалаштириш	81
Таваккалчиликка баҳо бериш	83
Аудиторлик муолажалар	83

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг якунида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади компьютер-ахборот тизимлари (КАТ)[1] муҳитида аудит қилишда қўлланиладиган муолажалар бўйича стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат. АХС мақсадлари учун субъект аудит учун аҳамиятли бўлган молиявий ҳисоботга қайта ишлов бериш учун ҳар қандай турдаги ва ўлчамдаги компьютерни қўллаган тақдирда, ушбу компьютер мазкур субъект ёки учинчи томон фойдаланишидан қатъи назар, КАТ муҳити мавжуд бўлади
2. **Аудитор КАТ муҳити аудитга қандай таъсир кўрсатишини кўриб чиқиши лозим.**
3. Аудитнинг умумий мақсади ва кўлами КАТ муҳитида ўзгармайди. Бироқ компьютердан фойдаланиш молиявий маълумотни қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш жараёнини ўзгартиради ва субъект томонидан қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларига таъсир кўрсатиши мумкин. Тегишли равишда КАТ муҳити қуйидагиларга таъсир кўрсатиши мумкин:
   - аудитор бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари тўғрисида етарли даражада маълумот олиш пайтида амал қилиши лозим бўлган муолажаларга;
   - аудитор таваккалчиликка баҳо беришда асосланадиган ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчиликларини кўриб чиқишга;
   - аудит мақсадини қондириш учун талаб этиладиган аудитор томонидан ташкил этиладиган ва бажариладиган назорат тестлари ва моҳияти бўйича муолажаларга.

Малака ва касбий хабардорлик

4. • **Бажарилган ишни режалаштириш, йўналтириш, раҳбарлик қилиш ва шарҳлаш учун аудитор КАТ тўғрисида етарли билимларга эга бўлиши лозим. Аудитор аудит ўтказиш учун КАТ бўйича махсус малакага эга бўлиш кераклигини кўриб чиқиши лозим.**

[1] Ушбу атама мазкур АХСнинг матнида АХСнинг олдинги таҳриридаги "Кўрсаткичларга электрон ишлов бериш муҳитининг аудити" қўлланилган термин "КЭИБ" (Кўрсаткичларга электрон ишлов бериш) ўрнига қўлланилади.

Бу қуйидагилар учун керак бўлиши мумкин:

- КАТ муҳити таъсирида бўлган бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари тўғрисида етарли тушуниш олиш учун;
- умумий таваккалчилик ва ҳисобварақлар қолдиғи ва операциялар туркуми даражасидаги таваккалчиликка баҳо беришга КАТ муҳити таъсирини аниқлаш учун;
- тегишли назорат тестлари ва моҳияти бўйича муолажаларни ишлаб чиқиш ва бажариш учун.

Агар махсус малакага эга мутахассис керак бўлса, аудитор аудиторлик фирмаси ходими ёки четда ишлайдиган ва бундай малакага эга бўлган мутахассисга мурожат қилиши лозим. **Агар бундай мутахассисни жалб қилиш режалаштирилса, аудитор бундай иш 620-АХС "Эксперт ишидан фойдаланиш"га мувофиқ аудит мақсадига мос эканлиги тўғрисида етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олиши лозим.**

Режалаштириш

5. **400-АХС "Таваккалчиликка баҳо бериш ва ички назорат"га мувофиқ аудитор аудитни режалаштириш ва самарадорлик аудиторлик ишлаб чиқишларни ишлаб чиқиш учун етарли бўлган бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит тизимлари тўғрисида тушуниш олиши лозим.**
6. **Мижознинг КАТ муҳити таъсир кўрсатиши мумкин бўлган аудит босқичларини режалаштиришда, аудитор КАТ аҳамияти ва вазифасини бажариш мураккаблиги ва кўрсаткичлар аудитда фойдаланиш учун очиқлиги тўғрисида тушуниш олиши лозим.**
   Бу тушуниш қуйидаги жавҳалардан иборат:
   - ҳар бир аҳамиятли амалий бухгалтерия дастурида компьютер ишлов беришнинг аҳамиятлиги ва мураккаблиги. "Аҳамиятлилик" компьютер ишлов беришдан қарам бўлган молиявий ҳисобот тасдиқларнинг муҳимлигига тааллуқли. Амалий дастур қуйидаги ҳолатларда мураккаб деб ҳисобланиши мумкин, масалан:
     - операциялар ҳажми шундайки, ишлов бериш жараёнида фойдаланувчилар томонидан хатоларни солиштиришда ва тузатишда қийинчиликлар вужудга келиши мумкин;
     - компьютер автоматлашган ҳолда муҳим операция ёки ўтказмаларни бевосита бошқа амалий дастурда ишлаб чиқади;
     - компьютер молиявий ҳисоботнинг мураккаб ҳисоб-китобларини бажаради ва/ёки алоҳида тасдиқлаб бўлмайдиган (ёки тасдиқлан-майдиган) муҳим операциялар ёки ўтказмаларни ишлаб чиқади;
     - бошқа ташкилотлар билан операциялар мақсадга мувофиқлиги ёки оқилоналиги юзасидан қўлда шарҳлаб текширилмасдан электрон усулда акс этилади (маълумотни электрон алмашиш (МЭА) тизимидаги каби).
   - Мижоз КАТ фаолиятининг ташкилий тизими ва субъект доирасида зичлик даражаси ёки компьютер ишлов тақсимоти, хусусан, улар ходимларнинг лавозим мажбуриятларига қандай таъсир кўрсатиши мумкин;
   - Кўрсаткичлардан фойдаланиш осонлиги (соддалиги). Аудиторга керак бўлиши мумкин бўлган дастлабки ҳужжатлар, муайян компьютер файллар ва далилларнинг бошқа турлари фақат вақтнинг қисқа муддатида мавжуд бўлиши ёки компьютерда ўқиш учун мўлжалланган шаклда бўлиши мумкин. Мижознинг КАТи моҳияти бўйича тест синовларини ўтказишда (айниқса таҳлилий муолажаларни) фойдаланиш учун мўлжалланган ички ҳисоботни ишлаб чиқиши мумкин. Аудитнинг компьютерлашган усулларидан фойдаланиш имкониятлари аудиторга ҳисобварақлар ёки операциялар жамига нисбатан аудиторлик муолажаларини оқилона бажариш ёки муайян мулоажаларни тежамкорлик билан қўллаш имконини беради.
7. **КАТ аҳамиятли бўлган тақдирда, аудитор, шунингдек, КАТ муҳитини ва у ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчилигига таъсир кўрсатиши эҳтимолини тушуниб олиши лозим.** Таваккалчилик тавсифи ва КАТ муҳитидаги ички назорат тавсифлари қуйидаги жавҳалардан иборат:
   - *Операциялар изи мавжуд эмаслиги.* Айрим КАТлар шундай ташкил қилинганки, аудит учун фойдали бўлган операцияларнинг тўлиқ изи вақтнинг қисқа муддатида ёки компьютерда ўқилиши мумкин бўлган шаклда мавжуд бўлади. Амалий дастурларнинг мураккаб тизими қайта ишлашнинг катта миқдордаги босқичларини амалга оширган тақдирда, тўлиқ из мавжуд бўлмаслиги мумкин. Тегишли равишда амалий дастурнинг мантиқий хатоларни қўл ёрдамида бажариладиган (фойдаланувчи томонидан) операциялар ёрдамида аниқлаш қийинлашиши мумкин.

- *Операцияларга бир хил тарзда ишлов бериш.* Бир ҳил турдаги операцияларга ишлов беришда ишлов бериш бўйича бир ҳил йўриқномалар қўлланилади. Шундай қилиб, одатда қўлда ишлов бериш билан боғлиқ бўлган хатолар, амалда содир этилмайди. Ва, бунининг тескарисига, дастурлаштиришда йўл қўйилган хатолар (ёки аппарат воситалари ёки дастурий таъминотдаги бошқа мунтазам хатолар) одатда барча операцияларга нотўғри ишлов беришга олиб келади

- *Вазифалар ажратилмаганлиги.* Кўрсаткичларга қўлда ишлов бериш тизимларида, одатда алоҳида шахслар томонидан бажариладиган аксарият назорат муолажалари, КАТда умумлаштирилиши мумкин. Шундай қилиб, компьютер дастурлари, ишлов бериш ёки кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс бир-бирига зид бўлган вазифаларни бажариши мумкин.

- *Хатолар ва камчиликларга йўл қўйиш эҳтимоли.* КАТни ишлаб чиқиш, техникавий хизмат кўрсатиш ва ишлатишда инсонга хос бўлган хатоларни содир этиш эҳтимоли, бундай фаолиятга хос бўлган қисман муфассаллаштириш сабабли, қўлда ишлов бериш тизимларига қараганда кўпроқ бўлиши мумкин. Бундан ташқари, КАТда айрим шахслар томонидан кўрсаткичлардан рухсатсиз фойдаланиш ёки кўрсаткичларни аниқ далилларсиз ўзгартириш имконияти қўлда ишлов бериш тизимларига қараганда кўпроқ бўлади. Бундан ташқари, КАТда ишлов бериладиган операцияларни амалга ошириш жараёнида иштирок этадиган одамлар сони кам бўлганлиги, хато ва камчиликларни аниқлаш эҳтимолини камайтириши мумкин. Амалий дастурлар ёки дастурий таъминот тизимларини ишлаб чиқиш ёки модификациялаштиришда пайдо бўладиган хато ва камчиликлар вақтнинг узоқ муддат давомида аниқланмаслиги мумкин.

- *Операциялар пайдо бўлишига ташаббускорлик қилиш ёки уларни бажариш.* КАТ муайян операцияларга автоматлаштирилган тарзда уларни пайдо бўлишига ташаббускорлик қилиш ёки уларни бажаришга йўналтириш қобилиятига эга бўлиши мумкин. Ушбу операциялар ва муолажалар амалга оширилишига рухсат, худди қўлда ишлов бериш тизимидаги усул каби, ҳужжатли расмийлаштирилмаслиги мумкин ва ушбу операциялар бўйича рухсатнома деганда ишлаб чиқилган КАТ тизими ва кейинги модификациялар раҳбарият томонидан қабул қилинганлиги тушунилади.

- *Бошқа назорат воситаларининг компьютер ишлов беришдан қарамлиги.* Компьютерда ишлов бериш йўли билан қўлда бажариладиган ва назорат муолажаларида қўлланиладиган ҳисобот ва бошқа ҳисоб-китоблар натижаларини тайёрлаш мумкин. Ушбу қўлда бажариладиган назорат муолажаларининг самарадорлиги компьютерда ишлов бериш тўлиқлиги ва аниқлиги юзасидан назорат воситаларининг самарадорлигига қарам бўлиши мумкин. Ўз навбатида, компьютер амалий дастурларда операцияларга ишлов бериш юзасидан назорат воситаларининг самарадорлиги ва изчиллик билан вазифаларини бажаришлиги, кўп ҳолатларда, КАТнинг умумий назорат қилиш самарадорлигига қарам бўлади

- *Иш юзасидан бошқарув раҳбарликни кенгайтириш имкониятлари.* КАТ субъект раҳбариятига шарҳларни амалга ошириш ва иш юзасидан раҳбарлик қилиш пайтида қўлланилиши мумкин бўлган жуда кўп миқдорда таҳлилий қуроллар бериши мумкин. Ушбу қўшимча назорат воситалари қўлланилган пайтда соддалиги барча ички назорат тизимининг кучайишига ёрдам бериши мумкин.

- *Аудитнинг компьютерлаштирилган усулларидан фойдаланиш имкониятлари.* Компьютердан фойдаланган ҳолда кўрсаткичларнинг катта миқдордаги ҳажмини таҳлил қилганда аудиторга аудиторлик тест синовларини амалга оширишда умумий ёки махсуслаштирилган компьютер усуллари ва қуролларини қўллаш имконияти яратилади.

КАТнинг қайд этилган тавсифларидан келиб чиқадиган таваккалчиликлар ва назорат воситалари аудитор томонидан таваккалчиликка бериладиган баҳо ҳамда аудиторлик муолажаларининг тавсифи, муддати ва ҳажмига таъсир кўрсатади.

Таваккалчиликка баҳо бериш

8. **400-АХС "Таваккалчиликка баҳо бериш ва ички назорат"га мувофиқ аудитор молиявий ҳисоботдаги муҳим тасдиқлар бўйича ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчилигига баҳо бериши лозим.**

9. КАТ муҳитидаги ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчилиги барча ҳисоб қўлами билан бир қаторда, аниқ белгиланган ҳисобварақлар бўйича ҳам муҳим нотўғриликлар эҳтимолига қуйидагича таъсир кўрсатиши мумкин:
   - Таваккалчиликлар КАТнинг дастурларни ишлаб чиқиш ва ишлатиш, дастурий таъминот тизимини ушлаб туриш, вазифасини бажариш, КАТни жисмоний ҳимоя қилиш ҳамда махсуслаштирилган хизмат кўрсатадиган дастурларга кириш каби асосий жавҳаларидаги камчиликлар натижаларидан келиб чиқиши мумкин. Ушбу камчиликлар компьютер ишлов беришда иштирок этадиган барча амалий тизимларга чуқур таъсир кўрсатади.

   - Таваккалчиликлар муайян амалий дастурларда, аниқ белгиланган кўрсаткичлар базасида ёки асосий файлларда ҳамда ишлов бериш жараёнининг аниқ белгиланган ҳаракатларида хатолар ёки товламачилик ҳаракатлари эҳтимолини оширади. Масалан, хатолар кўпчилик ҳолатларда мураккаб мантиқий ҳаракатлар ёки ҳисоб-китоблар бажараётган тизимларда ёки кўп сонли турли ғайри одатий вазиятларда иш кўрадиган тизимларда учрайди. Пул харажатлари ёки бошқа тугатиладиган активларни назорат қилувчи тизимларга нисбатан фойдаланувчилар ёки КАТ ходимлари томонидан товламачилик ҳаракатлари содир этилиши мумкин.

10. КАТнинг янги технологиялари пайдо бўлиши муносабати билан, кўпчилик ҳолатларда, улар мижозлар томонидан ўз ичига шахсий компьютер билан марказий процессор ўртасидаги ўзаро боғлиқликни, кўрсаткичларнинг тақсимланган базасини, якуний фойдаланувчилар томонидан ишлов беришни ҳамда маълумот бевосита бухгалтерия ҳисоби тизимига келиб тушадиган корхонани бошқариш тизимини киритиши мумкин. Бундай тизимлар КАТнинг умумий мураккаблигини ҳамда таъсир кўрсатадиган ўзига хос бўлган амалий дастурларнинг мураккаблигини оширади. Натижада улар таваккалчиликни ошириши ва кейинчалик кўриб чиқилишни талаб этиши мумкин.

Аудиторлик муолажалар

11. **400-АХС "Таваккалчиликка баҳо бериш ва ички назорат"га мувофиқ аудитор аудиторлик таваккалчилигини мақбул бўлган паст даражагача пасайтириш учун аудиторлик муолажаларини ишлаб чиқишда КАТ муҳитини кўриб чиқиши лозим.**

12. Ҳисоб қўрсаткичларига қўлда ишлов берилиши ёки компьютерда ишлов берилишидан қатъи назар аудитор олдида турган аниқ белгиланган аудит вазифалари ўзгармайди. Шунга қарамасдан компьютерда ишлов бериш усуллари даллиларни тўплаш учун аудиторлик муолажаларини қўллаш усулларига таъсир кўрсатиши мумкин. Аудитор етарли бўлган ҳажмда далилларни олиш учун аудиторлик муолажаларини қўлда амалга ошириши ёки аудитнинг компьютерлашган усулларини қўллаши ёки улардан қурама ҳолда фойдаланиши мумкин. Бироқ аҳамиятли амалий дастурларга ишлов бериш учун компьютердан фойдаланиладиган бухгалтерия ҳисоби тизимларида, аудитор томонидан текшириш, сўровнома ўтказиш ёки тасдиқлаш компьютер ёрдамисиз қийинчилик туғдириши мумкин ёки имкони бўлмайди.

ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ СУБЪЕКТЛАР АУДИТИНИНГ МАСАЛАЛАРИ

2000.16.03

[402]

ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ СУБЪЕКТЛАР АУДИТИНИНГ МАСАЛАЛАРИ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	84
Мижоз аудитори томонидан кўриладиган масалалар	84
Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг аудиторлик ҳисоботи	86

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда, АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади мижози хизмат кўрсатувчи ташкилот хизматидан фойдаланувчи аудиторга стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат. Бундан ташқари, ушбу АХСда мижоз аудиторлари томонидан олиниши мумкин бўлган хизмат кўрсатувчи ташкилоти аудиторлик ҳисоботининг баёни келтирилган.
2. **Аудитор аудитни режалаштириш ва аудитнинг самарадорлик услубиётини ишлаб чиқиш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг иши мижознинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимига қандай таъсир кўрсатаётганлиги масаласини кўриб чиқиши лозим.**
3. Мижоз у ёки бу бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилот, масалан операцияларни бажариш ва тегишли ҳисоботни юритиш ёки операциялар ҳисоби ва тегишли кўрсаткичларга ишлов бериш (яъни компьютер-ахборот тизимлари бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилот) хизматидан фойдаланиши мумкин. Агар мижоз бундай ташкилот хизматидан фойдаланса, ушбу ташкилот томонидан юритиладиган сиёсатнинг алоҳида жавҳалари ҳамда алоҳида муолажалар ва ёзувлар мижоз молиявий ҳисоботининг аудитига нисбатан аҳамиятли бўлиши мумкин.

Мижоз аудитори томонидан кўриладиган масалалар

4. Хизмат кўрсатувчи ташкилот мижоз ташкилоти бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларига таъсир кўрсатувчи сиёсат ва муолажаларни белгилаши ва бажариши мумкин. Бундай сиёсат ва муолажалар жисмонан ва вазифаси бўйича мижоз ташкилотидан алоҳида ажратилган. Агар хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан тақдим этиладиган хизматлар мижоз операциялари бўйича кўрсаткичларни рўйхатга олиш ва ишлов бериш билан чекланса ва бунда мижоз ҳисоботга рухсат бериш ва уни юритиш ҳуқуқини ўзида қолдирса, бу ҳолатда у ўз ташкилоти доирасида сиёсат ва муолажаларни самарадорлик билан тадбиқ этишни амалга ошириш имкониятига эга бўлиши мумкин. Хизмат кўрсатувчи ташкилот мижоз операцияларини бажарса ва унинг ҳисоботини юритса, мижоз хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг сиёсати ва муолажаларига ишониш жоиз деб ҳисоблаши мумкин.

5. **Аудитор хизмат кўрсатувчи ташкилот ишининг мижоз учун аҳамиятлигини ва аудитга муносабатини аниқлаши лозим.** Бунинг учун мижоз аудитори аниқ вазиятлардан келиб чиқиб қуйидаги масалаларни кўриб чиқиши лозим:
   - хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан тақдим этилаётган хизматлар тавсифи;
   - шарнома шартлари ҳамда мижоз ва хизмат кўрсатувчи ташкилот ўртасидаги ўзаро муносабатлар;
   - хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг хизматидан фойдаланиш молиявий ҳисоботнинг муҳим тасдиқларига кўрсатадиган таъсири;
   - бундай тасдиқлар билан боғлиқ ажралмас таваккалчилик;
   - мижознинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари билан хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг худди шундай тизимлари ўртасидаги ўзаро таъсир даражаси;
   - хизмат кўрсатувчи ташкилот ишлов берадиган операцияларга қўлланиладиган мижознинг ички назорати;
   - хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг имкониятлари ва молявий барқарорлиги, жумладан унинг инқирозга учрашининг мижозга таъсир қилиш эҳтимоли;
   - хизмат кўрсатувчи ташкилот тўғрисида маълумот, масалан фойдаланувчилар учун қўлланмаларда ва техникавий йўриқномаларда;
   - умумий назорат ва мижознинг амалий дастурларига тааллуқли компьютер тизимлари юзасидан назорат тўғрисида олиниши мумкин бўлган маълумот.

   Юқорида қайд этилган масалаларни кўриб чиқиш натижасида аудитор хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг назорати назорат таваккалчилигига баҳо беришга таъсир кўрсатмайди деган хулоса чиқариши мумкин. Бу ҳолатда ушбу АХСни кейинчалик кўриб чиқиш учун эҳтиёж қолмайди. Мижоз аудитори, шунингдек, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари, улар вазифасини бажариши ва самарадорлиги тўғрисида маълумот олиш учун, учинчи томон ҳисоботлари, яъни: хизмат кўрсатувчи ташкилот аудиторларининг ҳисоботлари, ички аудиторлар ёки тартибга солувчи идоралар ҳисоботлари мавжудлигини кўриб чиқиши лозим.
6. **Агар мижоз аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг фаолияти субъект ва аудитор учун аҳамиятли деган хулосага келса, аудитор бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини тушунишни шакллантириш ва назорат тестларини бажариш шарти билан, назорат таваккалчилигини энг юқори ёки юқоридан пастроқ даражада баҳолашга имкон берувчи етарли маълумот олиши лозим.**
7. Маълумот етарли бўлмаган тақдирда, керакли маълумот олиш мақсадида хизмат кўрсатувчи ташкилотга унинг аудитори томонидан бундай муолажалар бажарилганлиги тўғрисида сўровнома билан мурожат қилиш ёки худди шундай мақсад билан хизмат кўрсатувчи ташкилотга ташриф буюриш заруриятини кўриб чиқиши лозим. Хизмат кўрсатувчи ташкилотга ташриф буюришни истаган мижоз аудитори мижоздан аудиторга керакли бўлган маълумотдан фойдаланиш учун рухсат бериш тўғрисида хизмат кўрсатувчи ташкилотга сўровнома юбориш ҳақида илтимос қилиши мумкин.
8. Мижоз аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг иши таъсир кўрсатаётган мижознинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари тўғрисида тушунишни учинчи томон, яъни хизмат кўрсатувчи ташкилот аудиторининг ҳисоботлари билан танишиш йўли билан олиши мумкин. Бундан ташқари, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг назорат тизимлари таъсир кўрсатаётган тасдиқлар бўйича назорат таваккалчилигини баҳолашда, мижоз аудитори, шунингдек, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг аудиторлик ҳисоботидан фойдаланиши мумкин. **Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг аудиторлик ҳисоботидан фойдаланишда, мижоз аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилот аудитори томонидан бажарилган аниқ белгиланган иш контекстида ушбу аудиторнинг касбий хабардорлиги юзасидан сўровномалар йўллаш эҳтимолини кўриб чиқиши лозим.**
9. Мижоз аудитори назорат таваккалчилиги даражасига берилган баҳо пастроқ эканлигини тасдиқлаш учун аудиторлик далилларни назорат тестлари ёрдамида олиш оқилона эканлиги ҳақида хулоса чиқариши мумкин. Бундай далилларни қуйидаги усуллар билан олиш мумкин:
   - хизмат кўрсатувчи ташкилот иши юзасидан мижознинг назорат тестларини бажариш йўли билан;
   - хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларининг аудитга тааллуқли кўрсаткичларга ишлов бериш амалий дастурлари қисми самарадорлик билан вазифасини бажариши юзасидан фикр билдирилган хизмат кўрсатувчи ташкилотининг аудиторлик ҳисоботини олиш йўли билан;
   - хизмат кўрсатиш ташкилотига ташриф буюриш ва назорат тестларини бажариш йўли билан.

ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ СУБЪЕКТЛАР АУДИТИНИНГ МАСАЛАЛАРИ

2000.16.03

Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг аудиторлик ҳисоботи

11. **Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг аудиторлик ҳисоботидан фойдаланишда, мижоз аудитори ушбу ҳисоботнинг тавсифи ва мазмунини кўриб чиқиши лозим.**

12 Хизмат кўрсатувчи ташкилот аудиторининг ҳисоботи, одатда, икки турда бўлади:

А. Тизим яроқли ташкил этилиши тўғрисида ҳисобот:

(а) хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларининг баёни, одатда у раҳбарият томонидан тайёрланади;

(б) хизмат кўрсатувчи ташкилот аудиторининг қуйидагилар тўғрисида фикри:

- юқорида қайд этилган баён аниқлиги;
- назорат тизимлари ишга тушурилганлиги;
- қайд этилган мақсадларга эришиш учун бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари яроқли ташкил этилганлиги.

Б. Тизим яроқли ташкил этилиши ва ишлашининг самарадорлиги тўғрисида ҳисобот:

(а) хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларининг баёни, одатда у раҳбарият томонидан тайёрланади;

(б) хизмат кўрсатувчи ташкилот аудиторининг қуйидагилар тўғрисида фикри:

- юқорида қайд этилган баён аниқлиги;
- назорат тизимлари ишга тушурилганлиги;
- қайд этилган мақсадларга эришиш учун бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари яроқли ташкил этилганлиги;
- назорат тестлари натижаларига кўра бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари самарадорлик билан вазифасини бажараётган деб ҳисобланади. Самарадорлик билан вазифасини бажараётганлиги юзасидан хулосадан ташқари, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг аудитори бажарилган назорат тестларини ва у билан боғлиқ натижаларни солиштиради.

Хизмат кўрсатувчи ташкилот аудиторининг ҳисоботи, одатда, ундан фойдаланиш юзасидан чекловларга эга бўлади (фойдаланувчилар доираси, одатда, субъект раҳбарияти, хизмат кўрсатувчи ташкилот ва унинг буюртмачилари ҳамда мижоз аудиторлари билан чекланган).

13. **Мижоз аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилот аудитори томонидан бажарилган иш қўламини кўриб чиқиши ва чоп этилган ҳисоботларнинг фойдалиги ва мослигига баҳо бериши лозим**

14. А турдаги ҳисоботлар бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари тўғрисида талаб қилинадиган тушуниш олиш нуқтаи-назаридан мижоз аудитори учун фойдали бўлиши мумкинлигига қарамасдан, улар кўрсаткичларини назорат таваккалчилигига берилган баҳони пасайтириш учун асос сифатида фойдаланиб бўлмайди.

15. Б турдаги ҳисоботлар, аксинча, бундай асослар билан таъминлаши мумкин, чунки бу ҳолатда назорат тестлари бажарилиб бўлган. Б турдаги ҳисоботларнинг маълумотларидан назорат таваккалчилигига пастроқ баҳо берилганлигига асос сифатида фойдаланилганда, мижоз аудитори мижоз операциялари учун хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг аудитори томонидан текширилган назорат аҳамиятлигини ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг аудитори томонидан бажарилган назорат тестлари мослигини кўриб чиқади (молиявий ҳисоботнинг муҳим тасдиқлари контекстида). Охирги ҳолатда, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг аудитори томонидан бажарилган тестлар билан қамраб олинган вақт даври ҳамда ушбу тестлар бажарилган пайтдан ўтган вақт кўриб чиқиш учун икки таянч масалалар бўлиб ҳисобланади.

16. **Аҳамиятли бўлган аниқ белгиланган назорат тестлари ва унинг натижалари юзасидан, мижоз аудитори ушбу тестларнинг тавсифи, муддати ва кўлами мижоз аудиторининг назорат таваккалчилигига берган баҳони тасдиқлаш учун етарли бўлган ҳажмда бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари самарадорлигига оид тегишли аудиторлик далиллари билан таъминлашлигини кўриб чиқиши лозим.**

17. Мижоз аудитори учун фойдали самара билан таъминловчи моҳияти бўйича муолажаларни бажаришга хизмат кўрсатадиган ташкилотнинг аудитори жалб қилиниши мумкин. Бундай келишувлар мижоз ва унинг аудитори ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилот ва унинг аудитори билан келишилган муолажаларни бажаришдан иборат бўлиши мумкин.

18. **Мижоз аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилот аудиторининг ҳисоботидан фойланган тақдирда, мижоз аудиторининг ҳисоботида хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ҳисоботидан изоҳлар бўлиши мумкин эмас.**

4

[500]
АУДИТОРЛИК ДАЛИЛ
МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	87
Етарли бўлган тегишли аудиторлик далиллар	87
Аудиторлик далилларни олиш мақсадида бажариладиган муолажалар	89

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.
АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.
Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда, АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.
Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.
Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади молиявий ҳисоботни аудит қилиш пайтида олинадиган аудиторлик далилларнинг миқдори ва сифати ҳамда аудиторлик далилларни олиш мақсадида бажариладиган муолажалар юзасидан стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.
2. **Аудитор аудиторлик хулосасига асосланадиган оқилона ҳулосаларни шакллантириш мақсадида етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олиши лозим.**
3. Аудиторлик далиллар назорат тестлари ва моҳияти бўйича муолажа-ларнинг тегишли мажмуининг ўтказилиши натижасида олинади. Айрим вазиятларда далиллар моҳияти бўйича муолажалар асосида тўлиқ олиниши мумкин.
4. "Аудиторлик далиллар"- бу аудиторлик хулосаси асосланадиган ва аудитор томонидан хулосани шакллантириш жараёнида олинадиган маълумот. Аудиторлик далиллар молиявий ҳисобот асосида ётадиган дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб ёзувлари ҳамда бошқа манбалардан олинган тасдиқловчи маълумотлардан иборат бўлади.
5. "Назорат тестлари" - бу бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари томонидан бажарилаётган вазифалар яроқли эканлигига аудиторлик далилларини олиш мақсадида бажариладиган тест синовлари.
6. "Моҳияти бўйича муолажалар" - бу молиявий ҳисоботда муҳим нотўғриликларни аниқлаш мақсадида бажариладиган тест синовлари, улар қуйидаги икки турга ажратилади:

(а) операциялар ва ҳисобварақлар қолдиқлари бўйича муфассал тестлар;
(б) таҳлилий муолажалар.

Етарли бўлган тегишли аудиторлик далиллар

7. Етарлилик ва мувофиқлик тушунчалари ўзаро боғлиқ ва назорат тестлари билан бир қаторда, моҳияти бўйича муолажалар натижасида олинган аудиторлик далиллар юзасидан қўлланилади. Етарлилик аудиторлик далилларнинг миқдорий ўлчамини ифодалайди; тегишлилик аудиторлик далилларнинг сифат ўлчами, аниқ белгиланган тасдиқ юзасидан релевантлиги ва улар ишончлиги ҳисобланади. Одатда, аудитор якуний эмас, кўпроқ ишонтирувчан бўлган аудиторлик далилларга таяниш лозим деб ҳисоблайди ва бир ҳил фикрни тасдиқлаш учун турли тавсифга эга бўлган ёки турли манбалардан аудиторлик далилларни тўплайди.
8. Аудиторлик хулосани шакллантиришда аудитор, одатда, мавжуд бўлган барча маълумотни текширмайди, чунки ҳисобварақлар қолдиғи, операциялар туркуми ёки назорат юзасидан хулосалар касбий мулоҳаза ёки статистик танлаб олиш асосида шакллантирилиши мумкин.

9. Аудиторининг айнан нима етарли бўлган тегишли аудиторлик далил деган касбий мулоҳазасига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:
   - молиявий ҳисобот даражаси билан бир қаторда, ҳисобварақлар қолдиғи ёки операциялар туркуми даражасида ҳам ажралмас тавакқалчиликнинг тавсифи ва даражасига берилган аудиторлик баҳо;
   - бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларининг тавсифи ҳамда назорат тавакқалчилигига баҳо бериш;
   - текширилаётган модданинг муҳимлиги;
   - олдинги аудитлар пайтида олинган тажриба;
   - аудиторлик муолажаларнинг натижалари, жумладан аниқланиши мумкин бўлган товламачилик ёки хатолар;
   - мавжуд маълумотнинг манбаи ва ишончлиги.
10. **Назорат тестлари асосида аудиторлик далилларни олишда аудитор назорат тавакқалчилигига берилган баҳони тасдиқлаш мақсадида ушбу далилларнинг етарли бўлганлиги ва мувофиқлигини кўриб чиқиши лозим.**
11. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари юзасидан аудитор аудиторлик далилларини олиши лозим бўлган жавҳалар қуйидагилар:
(а) *ташкил этилиши* - бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари муҳим нотўғриликларни олдини олиш ва/ёки аниқлаш ва тузатиш учун мувофиқ равишда ташкил этилганлиги;
(б) *вазифасини бажариш* - тегишли даврда тизимлар самарали вазифаларини бажаришлиги.
12. **Моҳияти бўйича муолажалар асосида аудиторлик далилларни олишда аудитор ушбу муолажалар асосида олинган аудиторлик далилларнинг ҳамда молиявий ҳисоботни тасдиқлаш мақсадида назорат тестлари натижасида олинган ҳар қандай далиллар билан биргаликда етарли бўлганлиги ва мувофиқлигини кўриб чиқиши лозим.**
13. Молиявий ҳисоботнинг тасдиқлари - бу молиявий ҳисоботга киритиладиган, бевосита ёки бошқа йўл билан тақдим этиладиган субъект раҳбариятининг тасдиқлари. Улар қуйидаги туркумларга ажратилиши мумкин:
(а) *мавжудлиги:* актив ёки мажбурият муайян санага мавжуд бўлади;
(б) *ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:* субъект актив ёки мажбуриятга муайян санада эгалик қилади;
(в) *ҳодиса:* ҳисобот даври давомида субъектга тааллуқли бўлган операция амалга оширилган ёки ҳодиса содир этилган;
(г) *тўлиқлик:* акс этилмаган активлар, мажбуриятлар, операциялар ёки ҳодисалар ҳамда ёритилмаган моддалар мавжуд эмас;
(д) *баҳолаш:* актив ёки мажбурият тегишли баланс қиймати бўйича акс этилади;
(е) *ўлчами:* операция ёки ҳодиса тегишли суммада акс этилади, даромад ёки харажатлар эса тегишли даврга ўтказилади;
(ж) *тақдим этиш ва ёритиш:* модда қўлланиладиган молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг концептуал асосларига мувофиқ ёритилади, туркумланади ва баён этилади.
14. Одатда аудитор молиявий ҳисоботнинг ҳар бир аниқ белгиланган тасдиқлари бўйича аудиторлик далилларини олади. Қандайдир тасдиққа, масалан товар-моддий заҳиралар мавжудлигига оид, тааллуқли аудиторлик далиллар, бошқа бир тасдиққа, масалан баҳолашга оид, аудиторлик далиллар мавжуд эмаслигини қоплай олмайди. Моҳияти бўйича муолажаларнинг тавсифи, муддати ва ҳажми тасдиқларга қараб ўзгариши мумкин. Тестлар биттадан кўп тасдиқларни исботловчи аудиторлик даллиларни тақдим этиши мумкин; масалан, дебиторлик қарзларни ундириш мавжудлик билан бир қаторда баҳолаш юзасидан ҳам аудиторлик далилларни тақдим этиши мумкин.
15. Аудиторлик далилларнинг ишончлиги уларнинг манбаи (ички ёки ташқи) ҳамда уларнинг тавсифига (кўз билан қараш, ҳужжатли ёки оғзаки) боғлиқ. Агар аудиторлик далилларнинг ишонлиги алоҳида вазиятлардан келиб чиқса, қуйидаги умумий қоидалар аудиторлик далилларнинг ишончлилигига баҳо беришга ёрдам беради:
   - ташқи манбалардан олинган аудиторлик даллилар (масалан, учинчи томондан олинган тасдиқ) ички манбалардан олинган даллиларга қараганда ишончилроқ ҳисобланади;
   - амалдаги бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларининг самарадорлигида ички манбалардан олинган аудиторлик далиллар ишончлироқ ҳисобланади;
   - бевосита аудитор томонидан олинган аудиторлик далиллар субъектдан олинган далилларга қараганда ишончлироқ ҳисобланади;
   - ҳужжат шаклида ва ёзма тақдимотлар кўринишида олинган аудиторлик далиллар оғзаки далилларга қараганда ишонлироқ ҳисобланади.
16. Агар далилларнинг алоҳида элементлари турли манбалардан олинса ёки турли тавсифга эга бўлиб изчил бўлса, аудиторлик далиллар ишончлироқ ҳисобланади.

Ушбу ҳолатларда аудитор аудиторлик далилларнинг элементлари алоҳида кўриб чиқиш натижасида олиниши мумкин бўлган ишончлилик даражадан юқори бўлган ишонлиликнинг кумулятив даражасини олиши мумкин. Ва аксинча, бир манбадан олинган аудиторлик далиллар бошқасидан олинган далилларга изчил бўлмаса, аудитор бундай изчил бўлмаган ҳолатни ҳал этиш юзасидан қандай аудиторлик муолажалар лозимлигини аниқлаши керак

17. Аудитор аудиторлик далиллар олиш учун кетган харажатлар билан олинган маълумотнинг фойдалиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўриб чиқиши лозим. Лекин мураккаблик ва харажатлар масалалари ўз-ўзидан керакли бўлган муолажани ўтказиб юбориш учун салмоқли асос бўлмайди.
18. Аудитор молиявий ҳисоботнинг муҳим тасдиғи юзасидан жиддий шубҳаланган тақдирда, у бундай шубҳани бартараф этиш учун етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олишга ҳаракат қилади. **Агар аудитор етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини ололмаса, аудитор ўз фикрини шарҳлар билан билдириши ёки фикр билдиришдан воз кечиши лозим.**

Аудиторлик далилларини олиш мақсадида бажариладиган муолажалар

19. Аудиторлик далилларини олиш учун аудитор қуйидаги муолажалардан бири ёки бир нечасини бажаради: текшириш, кузатиш, сўровнома ўтказиш ва тасдиқлаш, ҳисоб-китоб ва таҳлилий муолажалар. Ушбу муолажаларни бажариш муддати қисман олиниши лозим бўлган аудиторлик далилларнинг олиш учун вақт муддати қулайлигига боғлиқ.

Текшириш

20. Текшириш ёзувлар, ҳужжатлар ёки моддий активларни ўрганиб чиқишдан (текширишдан) иборат. Ёзувлар ва ҳужжатларни текшириш аудиторлик далилларни манба тавсифи ҳамда уларга ишлов бериш юзасидан ички назорат самарадорлигига қарам бўлган турли ишончлик даражасидаги аудиторлик далиллар билан таъминлайди.

Аудиторни ишончликнинг турли даражаси билан таъминлайдиган ҳужжатли аудиторлик даллиларнинг асосий уч туркумига қуйидагилар киради:

(а) учинчи шахслар томонидан барпо этилган ва уларда мавжуд бўлган ҳужжатли аудиторлик далиллар;
(б) учинчи шахслар томонидан барпо этилган, лекин субъектда мавжуд ҳужжатли аудиторлик далиллар;
(в) субъект томонидан барпо этилган ва ундаги ҳужжатли аудиторлик далиллар.

Моддий активларни текшириш активлар мавжудлигини, лекин албатта улар қийматига эгалик қилишликни эмас, ишончли аудиторлик далиллар билан таъминлайди.

Кузатиш

У бошқа шахслар томонидан бажарилаётган жараён ёки муолажаларни кузатишдан иборат, масалан аудитор субъект ходимлари товар-моддий заҳираларни ҳисоблаб чиқиш ўтказилаётганлиги ёки аудиторлик из қолдирмайдиган назорат муолажалари бажараётганлиги юзасидан кузатиши мумкин.

Сўровнома ўтказиш ва тасдиқлаш

22. Сўровнома ўтказиш - бу субъект ичида ёки унинг ташқарисида хабардор шахслардан маълумот излаш. Сўровнома ўтказиш учинчи шахсларга йўлланган расмий ёзма сўровнома билан бир қаторда, шунингдек, субъект ичида шахслар билан ўтказилган норасмий оғзаки сўровномадан иборат. Сўровномалар бўйича олинган жавоблар аудиторга унда аввал мавжуд бўлмаган ёки аудиторлик далилларни тасдиқловчи маълумот тақдим этиши мумкин.
23. Тасдиқлаш - бу ҳисоб ёзувларидаги маълумотни тасдиқлаш учун сўровнома бўйича жавобларни тақдим этиш. Масалан, аудитор одатда дебиторлик қарзлар бўйича тасдиқларни бевосита дебиторларнинг ўзидан олиш учун сўровнома йўллайди.

Ҳисоб-китоб

24. Ҳисоб-китоб - бу дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб ёзувларининг арифметик аниқлигини текшириш ёки мустақил ҳисоб-китобларни бажаришдир.

Таҳлилий муолажалар

25. Таҳлилий муолажалар - бу муҳим коэффициентлар ва йўналишларни, жумладан бундан келиб чиқадиган бошқа тегишли маълумотга изчил бўлмаган ёки истиқболлий белгиланган суммалардан фарқланадиган четга чиқишлар ва ўзаро боғлиқликларни таҳлил қилиш.

Давлат секторининг аудити

1. *Давлат сектори субъектларининг аудитини ўтказишда аудитор аудитга таъсир кўрсатадиган қонунчилик асослари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, вазирликларнинг қарорлари ёки кўрсатмалари ёки аудитга нисбатан ҳар қандай алоҳида талабларни ўзининг эътиборини қаратиши лозим. Бундай талаблар, масалан муҳимликни аниқлашда аудиторнинг эркин ҳаракат қилиш даражасига ва бажарилиши лозим бўлган аудиторлик муолажаларнинг тавсифи ва қўлами юзасидан мулоҳаза юритишига таъсир кўрсатиши мумкин. Фақат аудиторлик мулоҳаза чиқариш юзасидан бундай чекловлар кўриб чиқилгандан кейин ушбу АХСнинг 9-банди қўлланилади.*

[501]

АУДИТОРЛИК ДАЛИЛ - АНИҚ БЕЛГИЛАНГАН МОДДАЛАРГА ТЕГИШЛИ ҚЎШИМЧА МАСАЛАЛАР

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	90
А қисм. Товар-моддий заҳираларни инвентарлашда ҳозир бўлиш	90
Б қисм. Дебиторлик қарзи қолдиғини тасдиқлаш	92
В. қисм. Суд ишлари ва даъволарга тегишли сўровнома	93
Г қисм. Узоқ муддатли инвестицияларга баҳо бериш ва ёритиш	94
Д қисм. Сегмент бўйича маълумот	94

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда, АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади молиявий ҳисобот ва бошқа ёритишларнинг муайян аниқ белгиланган суммалар юзасидан 500-АХС "Аудиторлик далил"ни тўлдириш бўйича стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.
2. Ушбу АХСда баён этилган стандартлар ва қўлланмадан фойдаланиш аудиторга молявий ҳисобот ва бошқа ёритишларнинг аниқ белгиланган суммалари юзасидан аудиторлик далиллар олишга ёрдам беради.
3. Ушбу АХС қуйидаги қисмлардан иборат:
   А қисм. Товар-моддий заҳираларни инвентарлашда ҳозир бўлиш
   Б қисм. Дебиторлик қарзи қолдирини тасдиқлаш
   В. қисм. Суд ишлари ва даъволарга тегишли сўровнома
   Г қисм. Узоқ муддатли инвестицияларга баҳо бериш ва ёритиш
   Д қисм. Сегмент бўйича маълумот

А Қисм. Товар-моддий заҳираларни инвентарлашда ҳозир бўлиш

4. Одатда субъект раҳбарияти томонидан белгиланган муолажаларга мувофиқ, молиявий ҳисоботни тайёрлашга асос бўладиган ёки товар-моддий заҳиралар ҳисоби узлуксизлик тизимининг ишончлигини тасдиқловчи, бир йилда энг камида бир маротаба товар-модий заҳираларнинг инвентарлаши ўтказилади.
5. **Агар товар-моддий заҳиралар молиявий ҳисобот учун муҳим бўлган ҳолатда, аудитор уларни инвентарлаш пайтида ҳозир бўлиб, амалда буни амалга ошириб бўлса, улар мавжудлиги ва ҳолати тўғрисида етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олиши лозим.** Бундай ҳозир бўлиш аудиторга товар-моддий заҳираларни текшириш ва субъект раҳбарияти томонидан белгиланган ҳисоблаш натижаларини акс этиш ва назорат қилиш муолажалари юзасидан кузатиш ҳамда субъект раҳбарияти томонидан белгиланган муолажалар ишончлигини тасдиқловчи далиллар олиш имконини беради.
6. **Агар режалаштирилган санада кўзда тутилмаган вазиятлар сабабли товар-моддий заҳираларни инвентарлашида ҳозир бўлиш имконияти бўлмаса, аудитор бошқа қандайдир кунда ҳисоблаш муолажаларини бажариши ёки ҳисоблашнинг алоҳида муолажалари юзасидан кузатиш ўтказиши ва, лозим бўлган тақдирда, оралиқ операциялар бўйича тест синовларини ўтказиши лозим.**

АУДИТОРЛИК ДАЛИЛ - АНИҚ БЕЛГИЛАНГАН МОДДАЛАРГА ТЕГИШЛИ ҚЎШИМЧА МАСАЛАЛАР

2000.16.03

7. **Агар товар-моддий заҳираларнинг тавсифи ва жойлашган жойи каби омиллардан келиб чиқиб аудиторнинг ҳозир бўлишлигини амалга ошириб бўлмаса, аудитор муқобил муолажаларини ўтказиш вақтида, аудитор аудит кўлами чекланганлиги тўғрисида изоҳ беришга эҳтиёж йўқ деган хулоса чиқаришга имкон берувчи, уларнинг мавжудлиги ва ҳолати юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далиллар олиш мумкинлигини кўриб чиқиши лозим.** Масалан, инвентарлашдан олдин келиб тушган ёки сотиб олинган товар-моддий заҳиралар бўйича ҳисобот санасидан кейинги даврдаги сотувлари бўйича ҳужжатлар етарли бўлган тегишли аудиторлик далиллари билан таъминлаши мумкин.
8. Товар-моддий заҳираларни инвентарлашда ҳозир бўлишликни режалаштириш ёки муқобил муолажаларни ўтказиш вақтида аудитор қуйидагиларни кўриб чиқади:
   - товар-моддий заҳираларга нисбатан қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларининг тавсифи;
   - товар-моддий заҳираларга нисбатан ажралмас таваккалчилик, назорат таваккалчилиги ва аниқлаб бўлмаслик таваккалчилиги ҳамда муҳимлик;
   - товар-моддий заҳираларни инвентарлаш бўйича мос муолажаларни ишлаб чиқиш ва тегишли йўриқномаларни чиқариш кўзда тутилаётганлиги;
   - инвентарлашни ўтказиш муддатлари;
   - товар-моддий заҳираларни сақлаш жойи;
   - эксперт ёрдами лозимлиги
9. Агар товар-моддий заҳиралар миқдори уларни жисмоний санаб чиқиш йўли билан аниқланса ва аудитор бундай санаб чиқишда иштирок этса ёки корхонада узлуксиз ҳисобга олиш тизими ишлаб турса ва аудитор санаб чиқишда йилига бир ёки бир неча бор иштирок этса, аудитор, одатда, санаб чиқиш муолажаларини кузатиб боради ва назоратли санаб чиқишни бажаради.
10. Агар субъектда жисмоний миқдорни тахминан аниқлаш муолажаларидан фойдаланилса, масалан бир тўп кўмир миқдорини аниқлашда, аудитор бундай муолажалар оқилоналигига ишонч ҳосил қилиши лозим.
11. Агар товар-моддий заҳиралар бир неча жойларда жойлаштирилган бўлса, аудитор, ушбу заҳиралар муҳимлиги ва заҳираларни турли сақлаш жойлари бўйича ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчилигига берилган баҳони назарда тутиб, қайси бир заҳиралар сақланаётган жойга ташриф буюриш лозимлигини ҳал этиши керак.
12. Аудитор қуйидагилар юзасидан субъект раҳбариятининг йўриқномаларини кўриб чиқиши лозим:

(а) назорат муолажаларини қўллаш, масалан фойдаланилган инвентарлаш ҳужжатларини тўплаш, фойдаланилмаган инвентарлаш ҳужжатларини ҳисобга олиш ҳамда заҳираларни санаб чиқиш ва қайтадан санаш муолажалари;

(б) тугалланмаган ишлаб чиқариш, талаб этилмайдиган, эскирган ёки бузилганларнинг ҳамда учинчи томонга тааллуқли товар-моддий заҳиралар, масалан консигнациядаги товарларнинг тугатилиш босқичини аниқ аниқлаш;

(в) товар-моддий заҳираларнинг бўлимлар орасидаги силжиши тегишли равишда ташкил этилганлиги ҳамда ажратиш санасидан кейин товар-моддий заҳираларни ортиб жўнатиш ва қабул қилиш.

13. Субъект раҳбарияти томонидан белгиланган муолажалар тегишли равишда бажарилаётганлигига ишонч ҳосил қилиш учун, аудитор ходимлар бажараётган муолажалар юзасидан кузатув ўтказиши ҳамда назорат ҳисоблашларни бажариши лозим. Ҳисоблашларни бажариш вақтида, аудитор ҳисоб ёзувларидан олинган моддаларни ушбу товар-моддий заҳираларнинг жисмоний мавжудлиги ҳамда товар-моддий заҳираларнинг танлаб олинган моддаларини ҳисоб ёзувлари билан солиштириш йўли орқали ҳисоб ёзувларининг тўлиқлиги ва аниқлигини тест синовидан ўтказади. Аудитор келгуси тест синовларини ўтказиш ва солиштириш учун бундай ҳисоб ёзувларининг у ёки бу нусхалари қандай ҳажмда сақланиши лозимлигини аниқлайди.
14. Аудитор, шунингдек, даврлар бўйича ажратиш муолажаларини, жумладан, товар-моддий заҳираларнинг ҳисоблашдан олдин, ҳисоблаш вақтида ва ҳисоблашдан кейинги силжишини, бундай силжиш ҳисобини кейинчалик текшириш мақсадида, кўриб чиқади.
15. Амалий мақсадлардан келиб чиқиб, товар-моддий заҳираларнинг жисмоний ҳисоблашни ҳисобот даври тугаш санаси бўлмаган сана ҳолатига ўтказиш мумкин. Одатда, назорат таваккалчилигининг даражаси юқоридан паст деб баҳоланган ҳолатларда, бу аудит мақсадларига жавоб беради. Аудитор тегишли муолажаларни бажариш йўли билан товар-моддий заҳираларни ҳисоблаш санаси ва давр якунланиши орасида улар бўйича мавжуд бўлган ўзгаришлар тўғри акс этилганлигини аниқлайди

16. Агар субъект давр охирига қолдиқни аниқлаш мақсадида товар-моддий заҳиралар ҳисобининг узлуксиз усулидан фойдаланса, аудитор қўшимча муолажаларни бажариш йўли билан жисмоний ҳисоблаш натижалари билан товар-моддий заҳираларни узлуксиз ҳисоблаш натижаларидан олинган ёзувлар ўртасидаги ҳар қандай аҳамиятли фарқлар сабаблари тушунилаётганлиги ҳамда ушбу ёзувларга тегишли тузатишлар киритилаётганлигини аниқлайди.
17. Охирги инвентарлаш асосида тайёрланган якуний рўйхат ҳисоблаш натижаларини амалда қанчалик тўғри акс этаётганлигига баҳо бериш учун, аудитор ушбу рўйхатни тест синовидан ўтказади.
18. Агар товар-моддий заҳиралар учинчи томонда сақланса ва унинг назорати остида бўлса, аудитор субъект топшириғи билан сақланаётган товар-моддий заҳираларнинг миқдори ва ҳолати юзасидан тасдиқларни, одатда, бевосита учинчи томондан олади. Ушбу товар-моддий заҳиралар муҳимлигидан келиб чиқиб аудитор, шунингдек, қуйидагиларни кўриб чиқади:
    - учинчи томоннинг ҳалоллиги ва мустақиллигини;
    - товар-моддий заҳираларнинг жисмоний ҳисоблаш юзасидан кузатиш ёки бунинг учун бошқа аудиторни тайинланганлигини;
    - товар-моддий заҳиралар аниқ ҳисобланганлиги ва улар бутлиги мос таъминланганлигига ишонч ҳосил қилиш учун учинчи томоннинг бухгалтерия ҳисоби ва назорат тизимлари мослиги юзасидан бошқа аудиторнинг ҳисоботи олинганлигини;
    - товар-моддий заҳиралар бўйича учинчи томонда сақланаётган ҳужжатларни, масалан омборларга оид тилхатлар ёки бундай товар-моддий заҳиралар гаров сифатида берилганда бошқа томонлардан тасдиқлар олинганлигини.

Б қисм. Дебиторлик қарзи қолдиғини тасдиқлаш

19. **Агар молиявий ҳисобот учун дебиторлик қарзининг қолдиғи муҳим бўлса, ва агар дебиторлардан жавоб олишга умид қилишга асос бўлса, аудитор одатда дебиторлик қарзи қолдиғининг бевосита тасдиғи олинишини ёки ҳисобварақ қолдиғи юзасидан алоҳида бухгалтерия ёзувларини режалаштириши лозим.**
20. Дебиторлик қарзи қолдиғининг бевосита тасдиғи дебиторлар мавжуд эканлиги ва ҳисобварақлар қолдиғи аниқ акс этилганлиги ҳолатларига ишончли аудиторлик далилларини тақдим этади. Шунга қарамасдан, у, одатда, қарз қопланиши эҳтимолига ёки дебиторлик қарзи акс этилмаган қолдиқ мавжудлигига далил бўлиб хизмат қила олмайди.
21. **Агар дебиторлар аудитор сўровномасига жавоб бермаслигига асос бўлса, аудитор муқобил муолажаларни амалга оширишни режалаштириши лозим. Бундай муқобил муолажалар мисоли тариқасида аниқ белгиланган ҳисобварақлар қолдиғи ёки давр охирига алоҳида бухгалтерия ёзувларига тааллуқли пул маблағларининг келгуси келиб тушишини текширишни келтириш мумкин.**
22. Тасдиқлаш учун ҳисобварақларни танлаб олиш аудиторга, аниқланган аудиторлик таваккалчиликлари ва бошқа режалаштирилган муолажаларни ҳисобга олган ҳолда, жами дебиторлик қарз мавжудиги ва аниқ акс этилганлиги юзасидан тегишли хулоса чиқариш учун амалга оширилади.
23. Тасдиқлаш юзасидан хат-сўровномалар аудитор томонидан йўлланади ва дебиторлар томонидан жавобларни бевосита аудитор номига йўллаш талаб этилади. Бундай хатларда дебитор керакли бўлган маълумотни аудиторга ёритиб беришга субъект раҳбариятнинг рухсатига эга бўлади.
24. Агар дебитордан ҳисобда акс этилган ҳисобварақ қолдиғи юзасидан розилигини тасдиқлаш ёки норозилигини ифодалаш талаб қилинса, ҳисобварақлар қолдиғини тасдиқлаш бўйича сўровнома ижобий шаклда тузилиши мумкин, мабодо ҳисобда акс этилган ҳисобварақлар қолдиғи юзасидан фақат норози бўлганда жавоб талаб қилинганда - салбий тайёрланади.
25. Ижобий тасдиқлар салбийларга қараганда ишончлироқ аудиторлик далиллар билан таъминлайди. Ижобий ва салбий шакллардан бирини танлаб олиш вазиятларга, жумладан ажралмас таваккалчиликка берилган баҳо билан бир қаторда, назорат таваккалчилигига ҳам боғлиқ. Ажралмас таваккалчилиги ёки назорат таваккалчилиги юқори баҳоланган тақдирда, ижобий шакл афзалроқ ҳисобланади, чунки салбий шаклда ҳисобварақ қолдиғида акс этилгандаги билан рози бўлмаганлиги сабабли дебитордан жавоб олинмаслиги мумкин.

26. Тасдиқларнинг ижобий ва салбий шакллари қурама бўлиши мумкин. Масалан, дебиторлик қарзининг якуний қолдиғи катта қолдиққа эга кам миқдоридаги ҳисобварақлардан ва кичик қолдиқларга эга ҳисобварақларни кўп миқдоридан таркиб топган бўлса, аудитор барча қолдиқларнинг тасдиғи ўринли ёки ижобий тасдиқ тўғрисидаги сўровнома билан катта қолдиқларни танлаб олиш ва салбий тасдиқ тўғрисидаги сўровномадан фойдаланган ҳолда ҳисобварақларнинг кичик қолдиқларини танлаб олиш ўринли эканлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.
27. Тасдиқнинг ижобий шаклидан фойдаланилганда аудитор, одатда, оқилона вақт мобайнида жавоб олинмаган дебиторларга хат-эслатма йўллайди. Жавоблар тўлиқ тадқиқот ўтказилиши лозим бўлган истисноларга эга бўлиши мумкин.
28. **Агар ижобий шаклдаги тасдиқ жавоб олинмаса, муқобил муолажалар қўлланиши ёки модда хато сифатида ҳисобга олиниши лозим.** Бундай муқобил муолажа мисоли тариқасида пул маблағларининг келгуси келиб тушишини текшириш ёки сотиш ва юклаб жўнатиш бўйича ҳужжатларни текширишни келтириш мумкин. Жавоб олинмаган ва муқобил муолажалар бажарилмаган моддалар, аудиторлик танлаб олиш билан таъминланган аудиторлик далилларга баҳо бериш мақсадида хато деб ҳисобга олинади.
29. Амалий мулоҳазадан келиб чиқиб, назорат таваккалчилиги юқоридан пастроқ баҳоланганда, аудитор дебиторлик қарзлар ҳисобварақларининг қолдиғини давр якунланмаган сана ҳисобланмаган сана ҳолатига, тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин, масалан агар аудит баланс топширилган санадан кейин қисқа вақт муддатида якунланадиганда. Бундай ҳолатларда, агар лозим бўлса, аудитор оралиқ операциялар бўйича шарҳларни амалга оширади.
30. **Агар субъект раҳбарияти аудитордан муайян дебиторлик қарзи ҳисобварақлар қолдиғи бўйича тасдиқларни бажармаслик тўғрисида илтимос қилса, аудитор бундай илтимос учун жиддий сабаблар мавжудлигини кўриб чиқиши лозим.** Масалан, агар муайян ҳисобварақ бўйича дебитор билан келишмовчиликлар мавжуд бўлса, аудитор томонидан ҳар қандай субъект ва дебитор ўртасидаги қалтис мунозаларни янада ҳам оғирлаштириши мумкин. Рад жавобини асосланган деқ қабул қилишдан олдин аудитор субъект раҳбариятининг тушунтиришларини тасдиқловчи ҳар қандай мавжуд далилларни текшириб чиқиши лозим. Бундай ҳолатларда аудитор тасдиқлаб бўлмайдиган дебиторлик қарзи ҳисобварақлар қолдиғи юзасидан мутаносиб муолажалани қўллаши лозим.

В қисми. Суд ишлари ва даъволарга тегишли саволнома

31. Субъект жалб қилинган суд ишлари ва даъволар, молиявий ҳисоботга муҳим таъсир кўрсатиши мумкин, шу муносабати билан уларни ёритиш ва/ёки молиявий ҳисоботда улар бўйича заҳиралар ташкил этиш талаб қилиниши мумкин.
32. **Аудитор субъект жалб қилинган ва молиявий ҳисоботга муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай суд ишлари ва даъволар тўғрисида маълумот олиш учун муолажаларни амалга ошириши лозим.** Бундай муолажалар қуйидагилардан иборат:
    - субъект раҳбарияти билан тегишли сўровномани ўтказиш, шу жумладан улардан тақдимотлар олиш;
    - директорлар кенгаши мажлисларининг баённомалари ва субъект ҳуқуқшуносининг ўзаро хат ёзишувини кўриб чиқиш;
    - суд чиқимлари бўйича ҳисобварақларни текшириш;
    - суд фаолиятига оид олинган ҳар қандай, жумладан субъектнинг ҳуқуқий бўлимида ўтказилган муҳокама пайтида олинган маълумотдан фойдаланиш.
33. **Агар суд ишлари ва даъволар аниқланган бўлса ёки аудитор улар мавжуд бўлиши мумкин деб ҳисобласа, у бевосита субъект ҳуқуқшуноси билан боғланиши лозим.** Бундай муҳокамалар эҳтимолий суд ишлари ва даъволар ва субъект раҳбарияти томонидан молиявий натижалар оқибатларига, жумладан тақиқларга, дастлабки берган баҳолар ишончлиги юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олишга ёрдам беради.
34. **Субъект раҳбарияти томонидан тайёрланадиган ва аудитор томонидан йўлланадиган хатда ҳуқуқшунос бевосита аудитор билан боғланиши лозимлиги тўғрисида илтимоси баён этилиши керак.** Ҳуқуқшунос умумий тавсифга эга бўлган сўровномага жавоб бериш эҳтимоли кам бўлган тақдирда, хатда одатда қуйидагилар кўрсатилади:
    - суд ишлари ва даъволарнинг рўйхати;
    - суд ишлари ва даъволар якунларига субъект раҳбарияти томонидан берган баҳо ҳамда молиявий оқибатларга, жумладан харажатларга берилган дастлабки баҳо;
    - раҳбарият берган баҳо оқилона эканлигини тасдиқлаб бериш ҳамда агар ҳуқуқшунос рўйхатни тўлиқ ёки аниқ эмас деб ҳисобласа, келгусида аудиторга маълумотларни тақдим этиш тўғрисида ҳуқуқшуносдан илтимос қилиш.

35. Аудитор ҳуқуқий масалалар мақомини аудиторлик ҳисоботи тайёрланадиган санагача кўриб чиқади. Айрим ҳолатларда аудитор ҳуқуқшунослардан янгиланган маълумотларни олиши талаб этилади.
36. Муайян вазиятларда, масалан иш мураккаб бўлганда ёки субъект раҳбарияти ва ҳуқуқшунос ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлганда, суд иши ёки даъвонинг эҳтимолий якунини муҳокама қилиш мақсадида, аудитор ҳуқуқшунос билан учрашиш зарурияти пайдо бўлиши мумкин.
37. **Агар раҳбарият аудиторга субъект ҳуқуқшунослари билан учрашишга рухсат беришни рад этса, бундай рад жавоби аудит кўламини чеклаш ҳисобланади ва одатда шарҳлар билан фикр билдиришга ёки фикр билдиришдан воз кечишга олиб келади.** Агар ҳуқуқшунос тегишли равишда жавоб беришдан бош тортса ва аудитор муқобил муолажаларни қўллаш йўли билан етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олиш имкониятига эга бўлмаса, аудитор шарҳлар билан фикр билдириш ёки фикр билдиришдан воз кечишга олиб келувчи аудитнинг қўлами чекланганлиги мавжуд эканлигини кўриб чиқиши лозим.

Г қисми. Узоқ муддатли инвестицияларга баҳо бериш ва ёритиш

38. **Агар узоқ муддатли инвестициялар молиявий ҳисобот учун муҳим бўлса, аудитор уларга баҳо бериш ва ёритиш юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далиллар олиши лозим.**
39. Узоқ муддатли инвестицияларга нисбатан бажариладиган аудиторлик муолажалар, одатда, субъект томонидан келгусида ҳам инвестицияларни узоқ муддатли асосда ушлаб туриш қобилияти, субъект раҳбарияти билан инвестицияларни келажакда ҳам узоқ муддатли шаклида ушлаб туриш нияти борлиги ҳақида муҳокама қилиш ҳамда ушбу масала бўйича ёзма тасдиқларни олиш юзасидан далилларни олишдан иборат.

40. Бошқа муолажалар, одатда, у билан боғлиқ молиявий ҳисоботни кўриб чиқиш ва аудиторлик ҳисоботи тайёрланадиган санага қадар бошқа, масалан қиймат кўрсаткичи бўлиб хизмат қиладиган биржа котировкалари ҳамда бундай қийматни инвестицияларнинг баланс қиймати билан солиштиришдан иборат.
41. Агар ушбу қиймат баланс қийматидан юқори бўлмаса, аудитор унинг пасайтирилиши керакми деган масалани кўриб чиқади. Агар баланс қийматини тиклаш масаласида ноаниқлик мавжуд бўлса, аудитор тегишли тузатишлар ва/ёки ёритишлар амалга оширилганлигини кўриб чиқади.

Д қисми. Сегмент бўйича маълумот

42. **Агар сегмент бўйича маълумот молиявий ҳисобот учун муҳим бўлса, аудитор молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосларга мувофиқ унинг ёритилиши юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олиши лозим.**
43. Аудитор сегмент бўйича маълумотни жами молиявий ҳисоботга нисбатан кўриб чиқади ва, одатда, алоҳида сегмент бўйича маълумот юзасидан фикр билдириш учун аудиторлик муолажаларини қўллаш талаб этилмайди. Шунга қарамасдан, муҳимлик қарашлар тизими аудиторлик муолажаларида ҳисобга олинадиган миқдорий билан бир қаторда, сифат омиллардан иборат.
44. Сегмент бўйича маълумот юзасидан бажариладиган аудиторлик муолажалар, одатда, таҳлилий муолажалар ва ушбу вазиятда ўринли бўлган бошқа аудиторлик тестларидан иборат.
45. Аудитор сегмент бўйича маълумотни аниқлашда фойдаланиладиган усулларни субъект раҳбарияти билан муҳокама қилади ва ушбу усуллар қабул қилинган молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосларга мувофиқ ёритишга олиб келишини кўриб чиқади ҳамда ушбу усулларни қўлланишини текшириб кўради Аудитор, шунингдек, сотувлар, сегментлар ўртасида харажатларни ўтказиш, сегментлараро суммалар чиқариб ташланганлиги, сметалар ва бошқа кутилаётган натижалар билан солиштириш, масалан операцион фаолиятдан фойда сотишдан тушумнинг фоизидек, сегментлар ўртасида активлар ва харажатларни тақсимлаш, жумладан олдинги давр бўйича изчиллик ва ноизчилликларга нисбатан ёритишлар мослигини кўриб чиқади.

[510]

ДАСТЛАБКИ КЕЛИШУВЛАР - БОШЛАНҒИЧ ҚОЛДИҚ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	95
Аудиторлик муолажалар	96
Аудиторлик хулосалар ва ҳисоботни тақдим этиш	97

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.
АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.
Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.
Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда, аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.
Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади аудит биринчи бор ўтказилганда ёки ўтган давр бўйича молиявий ҳисоботнинг аудити бошқа аудитор билан ўтказилган тақдирда ҳисобварақларнинг бошланғич қолдиғи юзасидан стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат. Аудиторга давр бошига шартли ҳодисалар мавжудлиги ва эҳтимолий мажбуриятлар маълум бўлиши мумкин бўлганда ҳам, шунингдек, ушбу АХСни кўриб чиқиш лозим. Аудит бўйича қўлланма ва солиштириладиган кўрсаткичлар юзасидан ҳисоботга талабалар 710-АХС "Солиштириладиган кўрсаткичлар"да тақдим этилган.

2. **Аудит бўйича дастлабки келишувларда аудитор қуйидагилар юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларни олиши лозим:**

(а) **бошланғич қолдиқларда жорий даврнинг молиявий ҳисоботига муҳим таъсир кўрсатадиган нотўғриликлар мавжуд эмас;**
(б) **олдинги даврнинг якуний қолдиқлари жорий даврга тўғри ўтказилган ёки лозим бўлганда тузатилган;**
(в) **тегишли ҳисоб сиёсати изчиллик билан қўлланилади ёки ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар тегишли равишда ҳисобга олинган ва мос ёритилган.**

3. "Бошланғич қолдиқлар" - бу давр бошига мавжуд бўлган ҳисобварақлар бўйича қолдиқлар. Бошланғич қолдиқлар олдинги даврнинг якуний қолдиқларига асосланади ва қуйидагилар таъсирини акс этади:

(а) олдинги давр операциялари;
(б) олдинги даврда қўлланилган ҳисоб сиёсати.

Аудит бўйича дастлабки келишувда аудитор бундай бошланғич қолдиқларни тасдиқловчи аввал олинган аудиторлик далилларга эга бўлмайди.

Аудиторлик муолажалар

4. Бошланғич қолдиқ юзасидан аудитор олиши лозим бўлган аудиторлик далилларнинг етарлилиги ва тегишлилиги қуйидаги жавҳаларга боғлиқ:

   - субъект риоя қилаётган ҳисоб сиёсатига;
   - олдинги даврда молиявий ҳисобот юзасидан аудит ўтказилганлиги ва агар ўтказилган бўлса, аудиторлик ҳисобот модификациялаштирилганлигига;
   - жорий даврнинг ҳисобварақлар тавсифи ва молиявий ҳисобот нотўғри акс этилишининг таваккалчилигига;
   - жорий давр молиявий ҳисоботи бўйича бошланғич қолдиқларнинг муҳимлигига.

5. Аудитор бошланғич қолдиқлар ҳисоб сиёсати қўлланишини акс эттишлиги ва ушбу сиёсат жорий йилнинг молиявий ҳисоботига нисбатан тўғри қўлланишини кўриб чиқиши лозим. Ҳисоб сиёсатида ва уни қўллашда қандайдир ўзгаришлар содир этилган тақдирда, аудитор улар тегишли равишда ва лозим бўлгандай ҳисобга олинганлиги ва мос ёритилганлигини кўриб чиқиши лозим.

6. Олдинги даврнинг молиявий ҳисоботи бошқа аудитор томонидан ўтказилган тақдирда, амалда ҳаракат қилаётган аудитор олдинги аудиторнинг ишчи ҳужжатларини шарҳлаш йўли билан ҳисобварақларнинг бошланғич қолдиғи юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олиш имкониятига эга бўлади. Бундай вазиятларда амалда ҳаракатда бўлган аудитор, шунингдек, олдинги аудиторнинг касбий хабардорлиги ва мустақиллигини кўриб чиқиши лозим. Агар олдинги давр бўйича аудиторлик ҳисоботи модификациялаштирилган бўлган тақдирда, аудитор жорий даврда модификациялаштиришга сабаб бўлган масалага ўз эътиборини қаратиши лозим.

7. Олдинги аудитор билан боғланишдан олдин, амалда ҳаракат қилаётган аудитор Бухгалтерларнинг ҳалқаро федерацияси томонидан чоп этилган Бухгалтерларнинг касбга оид аҳлоқий кодексини кўриб чиқиши лозим.

8. Олдинги давр молиявий ҳисоботининг аудити ўтказилмаган тақдирда ёки аудитор 6-бандда ёритилган муолажалар билан қониқмаган тақдирда, аудитор 9 ва 10-бандларда кўрсатилган муолажаларни бажариши лозим.

9. Жорий активлар ва мажбуриятлар юзасидан айрим аудиторлик далиллар одатда жорий давр аудиторлик муолажаларининг бир қисми тариқасида олинищи мумкин. Масалан, жорий давр мобайнида давр бошига тааллуқли дебиторлик қарзини (кредиторлик қарзини) қопланиши (тўланиши) давр бошига уларнинг мавжудлиги, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар, тўлиқлик ва баҳолаш бўйича айрим аудиторлик исботларни тақдим этади. Бироқ товар-моддий заҳиралар билан боғлиқ бўлган ҳолатларда аудиторга товар-моддий заҳираларнинг давр бошига мавжудлигини аниқлашда қийинроқ. Шунинг учун, одатда, товар-моддий заҳираларнинг жорий инвентарлашни ўтказиш юзасидан кузатиш, давр бошига товар-моддий заҳиралар бирлигига берилган баҳони тестлаш ҳамда ялпи даромад ва давр бўйича тақсимотини тестлаш каби қўшимча муолажалар лозим бўлади. Ушбу муолажаларнинг қурамаси етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларни тақдим этиши мумкин.

10. Асосий воситалар, инвестициялар ва узоқ муддатли қарзлар каби узоқ муддатли активлар ва мажбуриятлар учун аудитор, одатда, бошланғич қолдиқлар асосида ётган ҳисоб ёзувларини текширади. Муайян ҳолатларда аудитор қолдиқлар бўйича, масалан узоқ муддатли қарзлар ва инвестициялар бўйича, тасдиқларни учинчи томондан олиш имкониятига эга бўлади. Бошқа ҳолатларда эса аудиторга қўшимча аудиторлик муолажаларини амалга ошириш лозим бўлиши мумкин.

Аудиторлик хулосалар ва ҳисоботни тақдим этиш

11. **Агар муолажалар, жумладан юқорида қайд этилганлар бажарилгандан кейин, аудитор бошланғич қолдиқларга тааллуқли етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олиш имкониятига эга бўлмаса, ҳисобот қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:**

(а) **шарҳлар билан билдирилган фикр,** масалан:
"Биз ХХХ да кўрсатилган 2004 йил 31 декабри ҳолатига кўра товар-моддий заҳираларни инвентарлаш ўтказилиши юзасидан кузатиш олиб бормадик, чунки ушбу сана биз аудитор этиб тайинланган санадан олдин бўлган. Бизда ушбу санага бошқа аудиторлик муолажаларини ўтказиш йўли билан товар-моддий заҳиралар миқдори юзасидан ишонч ҳосил қилиш учун имконият бўлмади.
Бизнинг фикримизча, агар биз томондан товар-моддий бойликлар инвентарлаши юзасидан кузатиш олиб бориш имконияти бўлганда ва давр бошига товар-моддий заҳиралар қолдиқлари юзасидан ишонч ҳосил қилганимизда ва биз томондан белгиланиши мумкин бўлган тузатишлардан истисно, молиявий ҳисобот 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра ..... молиявий ҳолатини ҳамда .....мувофиқ ўтган йил бўйича молиявий-хўжалик фаолияти ва пул оқимлари натижаларини ишончли ва ҳаққоний акс этади (ёки "барча муҳим жавҳалари бўйича ишончли тақдим этилган")"

(б) **фикр билдиришдан воз кечиш;** ёки

(в) **рухсат этилган юрисдикцияларда, молиявий-хўжалик натижалари юзасидан фикр шарҳлар билан ёки фикр билдиришдан воз кечиш ва молиявий ҳолатга тегишли бўлган шарҳларсиз фикр,** масалан:
"Биз ХХХда кўрсатилган 2004 йил 31 декабри ҳолатига кўра товар-моддий заҳираларни инвентарлаш ўтказилиши юзасидан кузатиш олиб бормадик, чунки ушбу сана биз аудитор этиб тайинланган санадан олдин бўлган. Бизда ушбу санага бошқа аудиторлик муолажаларини ўтказиш йўли билан товар-моддий заҳиралар миқдори юзасидан ишонч ҳосил қилиш учун имконият бўлмади.
Юқорида ақйд этилган масала Компаниянинг 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра молиявий-хўжалик фаолиятининг йиллик натижаларига муҳим бўлганлиги сабабли, биз унинг молиявий-хўжалик фаолияти ва ўтган йил бўйича қайд этилган санага пул оқимлари юзасидан фикр билдиришга имкониятимиз йўқ ва фикр билдирмаймиз.
Бизнинг фикримизча 2004 йил 31 декаб ҳолатига кўра .....га мувофиқ бухгалтерия баланси Компания молиявий ҳолатини ишочли ва ҳаққоний акс этади (ёки "барча муҳим жавҳалари бўйича ишончли тақдим этилган").

12. Агар бошланғич қолдиқларда жорий даврнинг молиявий ҳисоботига муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган нотўғриликлар мавжуд бўлса, аудитор бу тўғрисида субъект раҳбариятига ва раҳбарият рухсатини олгандан кейин - олдинги аудиторга, у бўлган тақдирда, хабар бериши лозим. **Агар нотўғрилик таъсири тегишли равишда ҳисобга олинмаган ва мос ҳолда ёритилмаган бўлса, аудитор ўз фикрини тегишли равишда шарҳлар билан билдириши ёки салбий фикр билдириши лозим.**

13. **Агар жорий даврда бошланғич қолдиқ юзасидан ҳисоб сиёсати изчиллик билан қўлланилмаган ва ўзгаришлар тегишли равишда ҳисобга олинган ва мос ҳолда ёритилмаган бўлса, аудитор ўз фикрини тегишли равишда шарҳлар билан билдириши ёки салбий фикр билдириши лозим.**

14. Агар олдинги давр бўйича субъектга тақдим этилган аудиторлик ҳисобот модификациялаштирилган бўлса, аудитор ушбу модификациялаштиришнинг жорий йил бўйича молиявий ҳисоботга таъсирини кўриб чиқади. Масалан, агар аудит қўлами чекланган ҳолда, масалан олдинги давр бўйича товар-модий заҳираларнинг бошланғич қолдиғини аниқлаш имконияти бўлмаганлиги сабабли, аудитор фикрни шарҳлар билан билдириш ёки жорий давр бўйича аудиторлик ҳисоботида фикр билдиришдан бош тортишга эҳтиёж бўлмайди. Бироқ, олдинги давр бўйича **молиявий ҳисобот юзасидан модификациялаштириш жорий давр бўйича молиявий ҳисоботга нисбатан муҳим ва тааллуқли бўлиб қолаверса, аудитор тегишли равишда жорий йил бўйича аудиторлик ҳисоботини модификациялаштириши лозим.**

[520]

ТАҲЛИЛИЙ МУОЛАЖАЛАР

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	98
Таҳлилий муолажалар тавсифи ва мақсади	98
Аудитни режалаштиришда таҳлилий муолажалар	99
Моҳияти бўйича муолажалар каби таҳлилий муолажалар	99
Аудит якунида умумий шарҳлашда таҳлилий муолажалар	100
Таҳлилий муолажаларнинг ишончлилик даражаси	100
Ғайриодатий моддалар тадқиқоти	101

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда, АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади аудит пайтида таҳлилий муолажаларни қўллаш бўйича стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.
2. **Аудит босқичлари бўлган режалаштиришда ва умумий шарҳлашда аудитор таҳлилий муолажаларни қўллаши лозим.** Таҳлилий муолажалар аудитнинг бошқа босқичларида ҳам қўлланиши мумкин.
3. "Таҳлилий муолажалар" - бу бошқа тегишли маълумотга изчил бўлмаган ёки истиқболлий суммалардан фарқланадиган ўзгаришлар ва ўзаро боғлиқликни келгуси тадқиқотидан иборат коэффициентлар ва йўналишларнинг таҳлили.

Таҳлилий муолажалар тавсифи ва мақсади

4. Таҳлилий муолажалар субъектнинг молиявий маълумотини қуйидагилар билан солиштиришини кўриб чиқишдан иборат, масалан:
   - ўтган даврлар бўйича тақкосланадиган маълумот;
   - субъектнинг кутилаётган фаолият натижалари, масалан сметалар ва белгиланган истиқбол ҳамда аудитор белгилаган истиқболлар, масалан эскиришга берилган дастлабки баҳо;
   - тармоқ бўйича шунга ўхшаш маълумот, масалан, сотув ҳажмларининг дебиторлик қарзи суммасига нисбатини тармоқ бўйича ўртача кўрсаткичлар билан ёки ушбу тармоқ бошқа субъектларининг тақкосланадиган кўрсаткичлари билан солиштириш.
5. Таҳлилий муолажалар, шунингдек, қуйидагилар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўриб чиқади:
   - субъект фаолиятига асосланган, масалан, ялпи фойданинг фоиз нисбати, истиқболлий намунага мувофиқ бўлиши кутилаётган молиявий маълумотлар элементлари ўртасида;
   - молиявий маълумот ва тегишли равишда молиявий тавсифга эга бўлмаган маълумот, масалан, иш ҳақи бўйича харажатлар ва ходимлар сони.

6. Юқорида қайд этилган муолажаларни амалга ошириш учун турли усуллардан фойдаланиш мумкин. Улар оддий солиштиришдан тортиб то илғор статистик усуллар қўлланиладиган мураккаб таҳлилларгача фарқланади. Таҳлилий муолажалар умумлаштирилган молиявий ҳисобот, таркибий қисмлар бўйича молиявий ҳисобот (масалан, шўъба корхоналар, бўлинмалар ёки сегментлар) ва молиявий ҳисоботнинг алоҳида элементларига нисбатан қўлланиши мумкин. Аудитор томонидан муолажаларни, усулларни ва қўллаш даражасини танлаш унинг касбий мулоҳазасига боғлиқ.
7. Таҳлилий муолажалар қуйидаги мақсадларда қўлланилади:

(а) бошқа аудиторлик муолажаларнинг тавсифи, муддати ва ҳажмини режалаштиришда аудиторга ёрдам бериш учун;

(б) молиявий ҳисоботнинг аниқ белгиланган тасдиқлари бўйича аниқлаб бўлмаслик таваккалчилиги пасайганда, муфассал тестларга қараганда қўлланиши самарадорлироқ ва оқилона бўлган моҳияти бўйича муолажалар;

(в) аудитниг охирги, шарҳланадиган босқичида молиявий ҳисобот бўйича умумий шарҳлаш сифатида.

Аудитни режалаштиришда таҳлилий муолажалар

8. **Аудитор бизнесни тушунишга эришиш ва таваккалчиликнинг бўлғуси бўлимларини аниқлаш учун таҳлилий муолажаларни режалаштириш босқичида қўллаши лозим.** Таҳлилий муолажаларнинг қўлланиши аудитор хабардор бўлмаган бизнеснинг жавқаларига кўрсатиши ва бошқа аудиторлик муолажаларнинг тавсифи, муддати ва ҳажмини белгилашда ёрдам бериши мумкин.
9. Аудитни режалаштиришда таҳлилий муолажаларда молиявий маълумот билан бир қаторда молиявий бўлмаган маълумот ҳам ишга туширилади, масалан сотув кўрсаткичлари билан сотув майдонлари ёки сотилган маҳсулот ҳажми ўртасида ўзаро боғлиқлик.

Таҳлилий муолажалар моҳияти бўйича муолажалар каби

10. Молиявий ҳисоботнинг аниқ белгиланган тасдиқлари юзасидан аниқлаб бўлмаслик таваккалчилигини пасайтириш учун аудиторнинг моҳияти бўйича муолажаларга ишончи муфассал тестлар, таҳлилий муолажалар ёки уларнинг бирлигига асосланиши мумкин. Аудитнинг муайян мақсадига эришиш учун қандай муолажалардан фойдаланиш лозимлиги, молиявий ҳисоботнинг аниқ белгиланган тасдиқлари юзасидан аниқлаб бўлмаслик таваккалчилигини пасайтиришга оид мавжуд бўлган муолажаларнинг самарадорлиги ва оқилоналиги тўғрисида аудиторнинг мулоҳазасига асосланади.
11. Таҳлилий муолажаларни қўллаш учун керакли бўлган мавжуд маълумот ва унинг ишончлиги ва субъект томонидан бажарилган ҳар қандай муолажалар натижаси тўғрисида, одатда, аудитор субъект раҳбариятига сўровнома билан мурожат қилади. Балки, субъект томонидан тайёрланган таҳлилий кўрсаткичлардан фойдаланиш, агар аудитор улар тегишли равишда тайёрланганлигига ишонч ҳосил қилса, оқилона бўлиши мумкин.
12. Аудитор таҳлилий муолажаларни моҳияти бўйича муолажалар каби бажаришни кўзда тутса, у қуйидаги омилларни кўриб чиқиши лозим:
    - таҳлилий муолажалар вазифаси ва улар натижасининг ишончлилик даражаси (14-16-бандлар);
    - субъект тавсифи ва маълумотни муфассаллаштириш даражаси, масалан, таҳлилий муолажалар субъектнинг жами молиявий ҳисоботи бўйича қўлланилгандан кўра, фаолиятнинг алоҳида сегментлари бўйича молиявий маълумот юзасидан ёки кўп ихтисосли субъектнинг таркибий қисмлари бўйича молиявий ҳисобот юзасидан қўлланилганда улар самарадорлироқ бўлади;
    - молиявий тавсифга эга бўлган (смета ёки белгиланган истиқболлар) билан бир қаторда молиявий тавсифга эга бўлмаган (тайёрланган ва сотилган буюмлар бирлиги) маълумотнинг мавжудлиги;
    - мавжуд бўлган маълумотнинг ишончилилиги, масалан, сметалар етарли бўлган синчковлик билан тайёрланганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим;
    - мавжуд маълумотнинг релевантлиги, масалан, сметалар қўйилган мақсадларга қараб эмас, балки кутилаётган натижаларга қараб тузилганлигини билиш лозим;
    - мавжуд маълумотнинг манбаи, масалан, субъектга қарам бўлмаган манбалар, одатда, ички манбаларга қараганда ишончлилиги;
    - мавжуд маълумотнинг таққосланишлиги, масалан, тармоқ бўйича кенг кўрсаткичларни махсуслаштирилган буюмлар ишлаб чиқарувчи ва сотувчи субъект кўрсаткичлари билан солиштириш учун тўлдириш лозим;
    - аудитор томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари самарадорлигини тушуниш билан биргаликда олдинги аудит пайтида олинган билимлар ҳамда олдинги даврларда бухгалтерия тузатишларини киритиш учун сабаб бўлган муаммолар турлари.

Аудит якунида умумий шарҳлашда таҳлилий муолажалар

13. **Аудитор таҳлилий муолажаларни аудит якунланишида ёки якунланишига яқин қолганда, молиявий ҳисобот аудитор томонидан бизнесни билишга мувофиқ эканлиги юзасидан умумий ҳулоса шакллантириш жараёнида қўллаши лозим.** Бундай муолажалар натижаларига кўра қилинган хулосалар молиявий ҳисоботнинг алоҳида таркибий қисмлари ёки элементларини аудит қилиш пайтида шакллантирилган хулосаларни тасдиқлаш учун мўлжалланган ва молиявий ҳисобот оқилона эканлиги юзасидан умумий хулоса чиқаришда ёрдам беради. Шунга қарамасдан улар ёрдамида, шунингдек, қўшимча муолажалар талаб қиладиган соҳаларни аниқлаш мумкин.

Таҳлилий муолажаларнинг ишончлилик даражаси

14. Таҳлилий муолажаларнинг қўлланилиши кўрсаткичлар ўртасида ўзаро боғлиқликлар мавжуд ва маълум қарама-қарши шартлар бўлмаган тақдирда мавжуд бўлиб қолаверади деган мулоҳазага асосланади. Бундай ўзаро боғлиқликлар мавжудлиги бухгалтерия ҳисоби тизими билан яратилган кўрсаткичларнинг тўлиқлиги, аниқлиги ва ишончлиги юзасидан аудиторлик далиллар билан таъминлайди. Бироқ, таҳлилий муолажалар натижаларининг ишончлиги, таҳлилий муолажалар кутилаётган ўзаро боғлиқликларни солиштириши мумкинлиги тавакkалчилигига аудитор томонидан берилган баҳога қарам, амалда эса муҳим нотўғриликлар мавжуд.

15. Таҳлилий муолажалар натижаларига аудиторнинг ишонч даражаси бўлган қуйидаги омиллардан келиб чиқади:

(а) жалб қилинган моддалар муҳимлиги, масалан, агар товар-моддий заҳиралар қолдиқари муҳим бўлса, аудитор хулосаларни шаклланти-ришда фақат таҳлилий муолажаларга асосланмайди. Шунга қарамас-дан, даромадлар ва харажатлар моддалари алоҳида муҳим бўлмаган ҳолда, аудитор фақат таҳлилий муолажаларга асосланиши мумкин;

(б) аудитнинг ҳудди шундай масалаларини ҳал этишга қаратилган бошқа аудиторлик муолажалари, масалан, дебиторлик қарзни қоплаш эҳтимолини шарҳлаш пайтида аудитор томонидан бажариладиган бошқа муолажалар, хусусан, пул маблағларининг келгусида келиб тушишини шарҳлаш, харидорлар ҳисобварақларини тўлаш муддати бўйича ёритиш юзасидан бажарилган таҳлилий муолажалар натижасида вужудга келган саволларни тасдиқлаши ёки кун тартибидан олиши мумкин;

(в) таҳлилий муолажалар кутилаётган натижалари истиқболини белгилашнинг аниқлиги. Масалан, аудитор, одатда, бир даврнинг ялпи даромади коэффициентини бошқаси билан солиштирганда, илмий изланишлар ва реклама харажатлари, яъни дискрецион харажатларни солиштирганга қараганда, кўпроқ изчилликни кутади;

(г) ажралмас тавакkалчилик ва назорат тавакkалчилигини аниқлаш, масалан, агар харидлар бўйича буюртмаларга ишлов бериш юзасидан ички назорат заиф ва, бинобарин, назорат тавакkалчилиги юқори бўлса, олинадиган ҳисобварақлар бўйича хулосаларни шакллантиришда таҳлилий муолажалар эмас, балки операциялар туркуми ва ҳисобварақлар қолдиқлари бўйича муфассал тест синовлари ишончлироқ бўлади.

16. Аудитор таҳлилий муолажаларни қўллашда фойдаланиладиган маълумотни тайёрлашда назорат тест синовларидан, агар бу мавжуд бўлса, ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши лозим. Агар бундай назорат самарали бўлса, аудитор маълумот ишончлилигига ва, бинобарин, таҳлилий муолажалар натижаларига кўпроқ ишонч ҳосил қилади. Молиявий бўлмаган маълумот бўйича назорат кўпчилик ҳолатларда бухгалтерия ҳисобига тааллуқли бўлган назорат билан биргаликда тест синовларидан ўтказилиши мумкин. Масалан, субъект томонидан сотилган товарлар бўйича ҳисобварақ-фактураларга ишлов бериш юзасидан белгиланган назорат сотилган маҳсулот бирлигини ҳисобга олишни юритиш юзасидан назоратни ҳам қамраб олиши мумкин. Бундай вазиятларда, аудитор сотилган бирликлар ҳисоби юзасидан назорат тестларини сотилган товарга оид ҳисобварақ-фактураларни қайта ишлаш юзасидан назорат тестлари билан бирга ўтказиши мумкин.

Ғайриодатий моддалар тадқиқоти

17. **Агар таҳлилий муолажалар бошқа мос маълумотга изчил бўлмаган ёки истиқболлий суммалардан фарқланган аҳамиятли ўзгаришлар ёки ўзаро боғлиқликларни аниқласа, аудитор буни ўрганиб чиқиши ва мос бўлган тушунтиришлар ва тегишли тасдиқловчи далилларни олиши лозим.**

18. Ғайриодатий ўзгаришлар ва ўзаро боғлиқликларни ўрганиш одатда субъект раҳбарияти билан сўровнома ўтказишдан бошланади ва бундан кейин қуйидагилар амалга оширилади:

(а) субъект раҳбарияти жавобларини тасдиқлаш, масалан, уларни аудитор томонидан субъект бизнеси ҳақидаги билими ва аудит пайтида олинган бошқа далиллар билан солиштириш;

(б) агар субъект раҳбарияти тушунтиришлар беришга имконияти бўлмаса ёки тушунтиришларга мос деб қаралмаса, ушбу сўровнома натижаларига асосланган бошқа аудиторлик муолажаларини қўллаш лозимлигини қўриб чиқиш.

Давлат секторининг аудити

1. *Тижорат корхоналарини аудити пайтида анъанавий кўриладиган молиявий ҳисоботнинг алоҳида моддалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, ҳар доим ҳам давлат секторининг ҳукумат ва бошқа нотижорат муассасаларини аудит жараёнида ўринли бўлиши мумкин эмас; масалан, давлат секторининг кўпчилик бундай субъектларида даромадлар ва харажатлар ўртасида заиф ўзаро боғлиқлик мавжуд. Бундан ташқари, активларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар капиталлаштирилмаганлиги сабабли харажатлар, масалан товар-моддий заҳиралар ва асосий воситалар билан молиявий ҳисоботда акс этилган ушбу активлар суммаси ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлмаслиги мумкин. Бундан ташқари, солиштириш мақсадида давлат секторида тармоқ бўйича маълумотлар ёки статистик маълумотлар мавжуд бўлмаслиги мумкин. Шунга қарамасдан бошқа ўзаро боғлиқликлар, масалан бир километр йўл қурилиши бўйича харажатлардаги ўзгаришлар ёки сотиб олинган автотранспорт воситалари миқдори билан айланишдан чиқиб кетган ушбу активларнинг миқдорини солиштириш ўринли бўлиши мумкин. Ўринли бўлганда, тармоқ бўйича мавжуд маълумотга ёки хусусий сектор бўйича статистик кўрсаткичларга изоҳланиш лозим. Муайян ҳолатларда аудитор учун ички маълумот учун кўрсаткичлар базасини ишлаб чиқиш ўринли.*

[530]

АУДИТОРЛИК ТАНЛАБ ОЛИШ ВА ТАНЛАБ ТЕСТЛАШНИНГ БОШҚА МУОЛАЖАЛАРИ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	102
Таърифлар	103
Аудиторлик далил	104
Назорат тестлари	104
Моҳияти бўйича муолажалар	104
Далил олишда таваккалчиликни ҳисобга олиш	104
Далилларни олиш учун керакли бўлган муолажалар	105
Аудиторлик далилларни тўплаш мақсадида тест синовини ўтказиш учун моддаларни танлаб олиш	105
Барча моддаларни танлаб олиш	105
Аниқ белгиланган моддаларни танлаб олиш	105
Аудиторлик танлаб олиш	106
Статистик танлаб олиш усулларини ностатистик танлаб олиш усуллари билан таққослаш	106
Танлаб олиш таркибини белгилаш	106
Жами	107
Стратификация	107
Қиймат асосида белгиланган танлаб олиш	108
Танлаб олиш миқдори	108
Танлаб олиш учун моддаларни ажратиб олиш	108
Аудиторлик муолажаларини бажариш	109
Хатолар тавсифи ва сабаблари	109
Хатоларни башорат қилиш	110
Танлаб олиш натижаларига баҳо бериш	110

1-илова. Назорат тестларини ўтказиш учун танлаб олиш миқдорига таъсир кўрсатувчи омиллар намуналари

2-илова. Моҳияти бўйича муолажаларни ўтказиш учун танлаб олиш миқдорига таъсир кўрсатувчи омиллар намуналари

3-илова. Танлаб олиш учун моддаларни ажратиб олиш усуллари

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим. Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади аудиторлик танлаб олиш муолажаларидан фойдаланиш ва аудиторлик далилларини олиш мақсадида тест синовларини ўтказиш учун танлаб олишнинг бошқа усуллари юзасидан стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.

2. **Аудиторлик муолажаларини ишлаб чиқишда, аудитор аудиторлик тестлари вазифаларига жавоб берадиган, аудиторлик далиларини олиш мақсадида, тест синовларини ўтказилиши учун мўлжалланган, бандларни танлаб олиш усулларини белгилаши лозим.**

Таърифлар

3. "Аудиторлик танлаб олиш" (танлаб олиш) ҳисобварақ ыолдищи ёки операциялар туркуми даражасида 100%дан кам бўлган моддаларга нисбатан аудиторлик муолажаларини қўллашдан иборат ва у танлаб олишнинг барча бирликлари танлаб олиш жараёнида иштирок этишлигини таъминлаган ҳолда амалга оширилади. Бу аудиторга жами танлаб олиш бўйича хулоса шакллантириш ёки шакллантиришга ёрдам бериш мақсадида танлаб олинган моддаларнинг айрим тавсифлари юзасидан аудиторлик далилини олиш ва унга баҳо бериш имконини беради. Аудиторлик танлаб олиш статистик ёки ностатистик усуллардан фойдаланиши мумкин.
4. Ушбу АХСнинг мақсадлари учун "хато"га ёки назорат ўз вазифаларини бажаришдаги четга чиқишлар (назорат тестларини амалга оширишда) ёки нотўғриликлар (моҳияти бўйича муолажаларни бажаришда) тааллуқли.
5. "Меъёрдан четга чиққан хато" - бу аниқ белгиланган муайян вазиятлардан ташқари қайтарилмайдиган, алоҳида ҳодиса сабабли вужудга келган хато ва, шу сабабли, у мажмуидаги хатони акс этмайди.
6. "Жами" (мажмуи) - бу хулоса чиқариш учун аудитор танлаб олишни ўтказадиган кўрсаткичларнинг тўлиқ тўплами. Жами страталар ёки қуйи жамиларга ажратилиши мумкин, бунда ҳар бир страта алоҳида текширилади. "Жами" атамаси ўз ичига "страта" атамасини киритади.
7. "Танлаб олиш таваккалчилиги" аудиторнинг танлаб олишга асосланган хулосаси шунга ўхшаш аудиторлик муолажаси жами танлаб олишга қўлланилганда чиқарилиши мумкин бўлган хулосадан фарқланиш эҳтимолидан вужудга келади. Танлаб олиш таваккалчилигининг икки тури мавжуд:

(а) аудитор томонидан назорат таваккалчилиги амалдагидан (назорат тест синовлари ўтказилганда) паст ёки муҳим хато мавжуд эмас, амалда эса мавжуд бўлганлигига қарамасдан (моҳияти бўйича тест синовларини ўтказишда), деган хулоса шакллантириш таваккалчилиги. Таваккалчиликнинг ушбу тури аудитнинг самарадорлигига таъсир кўрсатади ва номувофиқ аудиторлик ҳисоботи тайёрлаш эҳтимолини оширади;

(б) аудитор томонидан назорат таваккалчилиги амалдагидан (назорат тест синовлари ўтказилганда) баланд ёки муҳим хато мавжуд, амалда эса мавжуд бўлмаганлигига қарамасдан (моҳияти бўйича тест синовларини ўтказишда), деган хулоса шакллантириш таваккалчилиги. Таваккалчиликнинг ушбу тури аудитнинг оқилоналигига таъсир кўрсатади ва, одатда, дастлабки хулосалар нотўғрилигини аниқлаш учун қўшимча ишларни бажариш лозимлигига олиб келади.

Ушбу таваккалчиликлар бўйича математик қўшимчалар ишончлилик даражаси каби таърифланган.

8. "Танлаб олишдан ташқаридаги таваккалчилик" аудитор томонидан танлаб олиш миқдорига боғлиқ бўлмаган қандайдир бошқа сабаб билан хато хулоса шакллантиришга олиб келувчи омиллар таъсири натижасида вужудга келади. Масалан, аудитор тегишли бўлмаган муолажалардан фойдаланиши ёки далилларни нотўғри тушуниши мумкин ва, натижада, хатони аниқлай олмаслиги мумкин, чунки аудиторлик далилларнинг аксарияти якуний эмас, балки ишонтириш тавсифга эга.
9. "Танлаб олиш бирлиги" мажмуини ташкил этувчи алоҳида моддалар, масалан, депозит бланкаларида ўтказилган чеклар, банк қўчирмалари бўйича кредит ўтказмалари, сотув бўйича ҳисобварақ-фактуралар, дебиторлик қарзи қолдиғи ёки пул бирликлари.
10. "Статистик танлаб олиш" танлаб олишга нисбатан қуйидаги тавсифга эга бўлган ҳар қандай ёндошиш:

(а) танлаб олиш учун моддаларни тасодифан ажратиб олиш;

(б) танлаб олиш натижаларига эҳтимолий назарияни қўллаб баҳо бериш, танлаб олиш таваккалчилиги шунинг ичида.

Танлаб олишга (а) ва (б) тавсифларга эга бўлмаган ёндошиш ностатистик танлаб олиш деб ҳисобланади.

11. "Стратификация" жамини ҳар бири ўхшаш тавсифларга эга бўлган (кўпроқ пул қийматида) танлаб олиш бирликлар гуруҳидан иборат қуйи жамиларга бўлиш жараёни.

12. "Йўл қўйилиши мумкин бўлган хато" - бу аудитор қабул қилишга рози бўлган жами танлаб олишдаги энг кўп хато.

Аудиторлик далил

13. 500-АХС "Аудиторлик далил"га мувофиқ, аудитор аудиторлик далилни назорат тестларининг тегишли мажмуи ва моҳияти бўйича муолажаларни ўтказиш натижасида олади. Аудиторлик далилларни тўплашда аудиторлик муолажаларини қўллаш тушунчасида муҳим бўлиб бажарилаётган тест синовларининг тури ҳисобланади.

Назорат тестлари

14. 400-АХС "Таваккалчиликка баҳо бериш ва ички назорат"га мувофиқ агар аудитор юқоридан паст бўлган муайян тасдиқ юзасидан назорат таваккалчилигига баҳо беришни режалаштирса, назорат тест синовлари бажарилади.

15. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари тўғрисидаги билимларига асосланиб, аудитор назорат муолажаларини амалга оширишга кўрсатувчи тавсифлар ва аломатларни ҳамда назоратни мос бажаришдан четга чиқишларни кўрсатувчи шароитларни аниқлайди. Бундай аломатлар аниқлангандан кейин аудитор улар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш юзасидан тест синовларини ўтказиши мумкин.

16. Назорат қўлланилганда у бажарилганлиги тўғрисида далил тақдим этган тақдирда (масалан, сотув ҳисобварақ-фактураларда кредитни тасдиқлашга жавоб берадиган шахснинг имзоси мавжудлиги; микрокомпьютер кўрсаткичларига ишлов бериш тизимига кўрсаткичларни киритишга берилган рухсатнинг исботи) назорат тестлари учун аудиторлик танлаб олиш ўринли ҳисобланади.

Моҳияти бўйича муолажалар

17. Моҳияти бўйича муолажалар моддалар суммаларини текшириш билан боғлиқ ва улар икки турга ажратилади: таҳлилий муолажалар ва ҳисобварақлар қолдиқлари ва операциялар туркумларининг муфассал тестлари. Моҳияти бўйича муолажалар молиявий ҳисоботдаги муҳим нотўғриликларни аниқлаш мақсадида аудиторлик далилларини олиш учун йўналтирилган. Моҳияти бўйича муфассал тестларни бажариш жараёнида тест синовларини ўтказиш ва аудиторлик далилларини тўплаш учун аудиторлик танлаб олиш ва моддаларни ажратиб олишнинг бошқа усуллари молиявий ҳисоботда тақдим этилган суммалар юзасидан бир ёки ундан кўп тасдиқларни верификациялаш (масалан, дебиторлик қарзи мавжудлиги) ҳамда айрим моддалар суммаларини мустақил баҳолашни ўтказиш (масалан, эскирган товар-модий заҳиралар қиймати) учун фойдаланиш мумкин.

Далил олишда таваккалчиликни ҳисобга олиш

18. **Далиллар олиш жараёнида аудитор аудиторлик таваккалчилигига баҳо бериш ва таваккалчиликни мақбул бўлган паст даражагача пасайтиришга қаратилган аудиторлик муолажаларини ишлаб чиқиш учун керакли бўлган касбий мулоҳазадан келиб чиқиши лозим.**

19. Аудиторлик таваккалчилиги бу молиявий ҳисобот муҳим нотўғриликларга эга бўлганда аудитор томонидан тегишли бўлмаган аудиторлик хулосани тақдим этиш таваккалчилиги. Аудиторлик таваккалчилиги ажралмас таваккалчилик - тегишли ички назорат мавжуд эмас деб тахмин қилинганда ҳисобварақлар қолдиқларида муҳим нотўғриликлар пайдо бўлиши; назорат таваккалчилиги - муҳим нотўғриликлар бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари билан ўз вақтида олди олинмаслик, аниқланмаслик ва тузатилмаслик таваккалчилиги; ва аниқлаб бўлмаслик таваккалчилиги - моҳияти бўйича аудиторлик муолажалари амалга оширилган пайтида муҳим нотўғриликлар аниқланмай қолиниши таваккалчиликларидан иборат. Аудиторлик таваккалчилигининг ушбу уч таркибий қисми аудитор томонидан аудиторлик таваккалчилигини мақбул бўлган паст даражагача пасайтиришга йўналтирилган аудиторлик муолажаларини ишлаб чиқиш учун режалаштириш жараёнида кўриб чиқилади.

АУДИТОРЛИК ТАНЛАБ ОЛИШ ВА ТАНЛАБ ТЕСТЛАШНИНГ БОШҚА МУОЛАЖАЛАРИ

2000.16.03

20. Танлаб олиш таваккалчилиги ва танлаб олишдан ташқари таваккалчилиги аудиторлик таваккалчилигининг таркибий қисмларига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, назорат тестларини амалга оширишда, аудитор танлаб олишда ҳеч қандай хато йўқлигини аниқлаши ва амалда бутун мажмуи бўйича хато коэффициенти мақбул бўлмаган тарза баланд (танлаб олиш таваккалчилиги) бўлганлигига қарамасдан, назорат таваккалчилиги паст деган хулоса чиқариши мумкин. Ёки хато мавжуд бўлган тақдирда ҳам (танлаб олишдан ташқари таваккалчилик), аудитор танлаб олишда хатони аниқламаслиги мумкин. Моҳияти бўйича муолажалар юзасидан аудитор аниқлаб бўлмаслик таваккалчилигини мақбул бўлган паст даражагача камайтиришга қаратилган турли усулларни қўллаши мумкин. Ушбу усулларнинг тавсифидан келиб чиқиб улар танлаб олиш таваккалчилиги ва/ёки танлаб олишдан ташқари таваккалчилигига моил. Масалан, муфассал тестларни бажаришда аудитор, амалда нотўғриликлар мажмуаси мақбул бўлган суммадан юқори бўлса ҳам (танлаб олиш таваккалчилиги), тегишли бўлмаган таҳлилий муолажаларни танлаб олиши (танлаб олишдан ташқари таваккалчилик) ёки фақат арзимас нотўғриликларни аниқлаши мумкин. Назорат тестларига ҳам, моҳияти бўйича тестларга нисбатан танлаб олиш таваккалчилиги танлаб олиш миқдорини кўпайтириш йўли билан оширилиши мумкин, танлаб олишдан ташқари таваккалчилик эса тегишли режалаштириш, раҳбарлик қилиш ва шарҳлаш йўли билан пасайтирилиши мумкин.

Далилларни олиш учун керакли бўлган муолажалар

21. Аудиторлик далилини олиш учун муолажалар текшириш, кузатиш, сўровнома ўтказиш ва тасдиқлаш, ҳисоблаш ва таҳлилий муолажалардан иборат. Тегишли муолажаларни танлаб олиш аниқ вазиятлардан келиб чиқиб касбий мулоҳазага боғлиқ. Ушбу муолажаларни қўллаш кўпчилик ҳолатларда тест синовини ўтказиш учун мажмуидан моддаларни ажратиб олиш билан боғлиқ.

Аудиторлик далилларни тўплаш мақсадида тест синовини ўтказиш учун моддаларни танлаб олиш

22. **Аудиторлик муолажаларини ишлаб чиқишда аудитор тест синовларини ўтказиш учун моддаларни ажратиб олишнинг тегишли усулларини аниқлаши лозим.** Ушбу усуллар қуйидагилардан иборат:
(а) ҳамма моддаларни ажратиб олиш (100% текшириш);
(б) аниқ белгиланган моддаларни ажратиб олиш;
(в) аудиторлик танлаб олиш.
23. Қайси ёндошишдан фойдаланиш юзасидан қарор қабул қилиш вазиятларга боғлиқ; бунда муайян вазиятларда юқорида қайд этилган усулларнинг бир ёки бирлигини қўллаш ўринли бўлиши мумкин. Бир ёки бирлик усулларини танлаш юзасидан қарор қабул қилиш тўғрисида қарор аудиторлик таваккалчилиги ва оқилона аудит асосида қабул қилинса ҳам, аудитор тест вазифаларига жавоб берадиган етарли бўлган аудиторлик далилларни тақдим этишда қўлланиладиган усуллар самарали эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Барча моддаларни ажратиб олиш

24. Аудитор ҳисобварақ қолдиғи ёки операциялар туркумини ташкил этувчи моддалар мажмуини текшириш (ёки ушбу мажмуи доирасида бир стратани текшириш) энг ўринли деган қарор қабул қилиши мумкин. Назорат тест синовлари ҳолатида 100% текшириш ўтказишнинг эҳтимоли кам, лекин моҳияти бўйича муолажаларда кенг қўлланилади. Масалан, мажмуида моддалар юқори қиймат билан кам миқдорда бўлган тақдирда, 100% текшириш ўринли бўлиши мумкин; ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчилиги юқори даражада бўлса ва етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларни тақдим этиш учун бошқа усуллар мавжуд бўлмаган тақдирда; компьютер-ахборот тизимлари ёрдамида бажариладиган ҳисоблашлар тавсифи қайтариладиган тақдирда ёки бошқа жараёнларда харажатлар нуқтаи-назаридан 100% текшириш самарадорли ҳисобланади.

Аниқ белгиланган моддаларни ажратиб олиш

25. Аудитор мижоз бизнесини билишлик, ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчилигига дастлабки баҳо бериш ҳамда тест синовидан ўтказилган мажмуининг ўзига хос белгиларига асосланиб мажмуидан аниқ белгиланган моддаларни ажратиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Мулоҳаза асосида аниқ белгиланган моддаларни ажратиб олишда танлаб олишдан ташқари тавакалчилиги келиб чиқади. Аниқ белгиланган моддалар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:
   - *юқори қийматли моддалар ёки таянч моддалар.* Аудитор моддалар юқори қийматга эга ёки бошқа ўзига хос белгиларни намоён этишига, масалан, шубҳали, вайриодатий, муайян таваккалчиликка моил ёки хато тарихига эгалигига асосланиб мажмуидан аниқ белгиланган моддаларни танлаб олиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

- *Муайян суммадан юқори бўлган барча моддалар.* Аудитор ҳисобварақ қолдиғи ёки операциялар тури умумий суммасидан кўп қисмнининг ҳақиқийлигини текшириш учун қиймати муайян суммадан юқори бўлган моддаларни текшириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.
- *Маълумот олиш учун моддалар.* Аудитор мижоз бизнеси тўғрисида билим, операциялар тавсифи, бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими каби масалалар бўйича маълумот олиш учун моддаларни текшириши мумкин.
- *Муолажаларни тест синовларидан ўтказишга имкон берувчи моддалар.* Аудитор маълум муолажалар бажарилганлиги ёки бажарилмаганлигини аниқлаш мақсадида аниқ белгиланган моддаларни ажратиб олиш ва текшириш учун мулоҳазадан фойдаланиш мумкин.

26. Ҳисобварақ қолдиғи ёки операциялар туркумидаги аниқ белгиланган моддаларни танлаб олиб текшириш аудиторлик далилари олиш учун оқилона усул бўлганига қарамасдан, бундай текшириш аудиторлик танлаб олишга тааллуқли ҳисобланади. Юқорида қайд этилганлар асосида ажратиб олинган моддалар юзасидан қўлланилган муолажалар натижаларини барча мажмуига ўтказиб бўлмайди. Аудитор барча мажмуида қолган маълумотни муҳим деб ҳисоблаган тақдирда, бундай маълумот бўйича тегишли аудиторлик далилларни тўплаш зарурияти пайдо бўлиши мумкин.

Аудиторлик танлаб олиш

27. Аудитор ҳисобварақ қолдиғи ёки операциялар туркуми юзасидан аудиторлик танлаб олишни қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Аудиторлик танлаб олиш танлаб олишнинг статистик ёки ностатистик усулидан фойлаланилган ҳолда қўлланиши мумкин. Аудиторлик танлаб олиш 31-56-бандларда батафсилроқ ёритилган.

Статистик танлаб олиш усулларини ностатистик танлаб олиш билан таққослаш

28. Танлаб олишнинг статистик ёки ностатистик усулини қўллаш юзасидан қарор қабул қилиш аудиторнинг етарли бўлган тегишли аудиторлик далиллар олиш лозимлигига асосланган қарори муайян вазиятларда энг оқилона ҳисобланади. Масалан, назорат тест синовларини ўтказишда хато пайдо бўлишининг тавсифи ва сабабини аниқлашга йўналтирилган аудиторнинг таҳлили, кўп ҳолатларда, хатолар мавжудилиги ёки мавжуд эмаслигини аниқловчи статистик таҳлилга (яъни уларни ҳисоблаш) нисбатан муҳимлироқ бўлади. Бундай вазиятда ностатистик танлаб олиш ўринлироқ бўлиши мумкин.

29. Статистик танлаб олишни қўллаш жараёнида танлаб олиш миқдори эҳтимоллар назарияси ёки касбий мулоҳаза асосида аниқланиши мумкин. Бундан ташқари, танлаб олиш миқдори статистик ва ностатистик усулларни ажратиш учун асосланган мезон бўлиб ҳисобланмайди. Танлаб олиш миқдори 1- ва 2-иловаларда келтирилган омиллар вазифасини ифодалайди. Вазиятлар бир-бирига ўхшаш бўлганда, танлаб олиш миқдорига омиллар (1- ва 2-бандларда келтирилган) таъсири қайси усуллар (статистик ёки ностатистик) танлаб олинишидан қатъи назар, монанд бўлиб қолаверади.

30. Қўлланиладиган усул статистик танлаб олиш таърифига жавоб бермаса ҳам, кўпчилик ҳолатларда унинг элементларидан фойдаланилади, масалан, компьютер томонидан бериладиган тасодифий рақамлардан фойдаланиб эркин танлаб олиш. Шунга қарамасдан, қўлланиладиган усул статистик танлаб олиш тавсифларига эга бўлган ҳолда, танлаб олишнинг статистик баҳоси ишончли бўлади.

Танлаб олиш таркибини белгилаш

31. **Аудиторлик танлаб олиш таркибини белгилашда аудитор тест вазифалари ва текшириш учун моддалар ажратиб олинадиган мажмуи аломатларини кўриб чиқиши лозим.**

32. Олдин аудитор ҳал этилиши лозим бўлган аниқ белгиланган масалаларни ҳамда ушбу мақсадларга эришиш учун энг кўп ёрдам берадиган аудиторлик муолажаларни кўриб чиқади. Изланган аудиторлик далилнинг тавсифи ва хато пайдо бўлиши шартларининг эҳтимоли ёки аудиторлик далилга тааллуқли бўлган бошқа тавсифларнинг тавсифини кўриб чиқиш аудиторга хато нимадан иборат ва танлаб олиш учун қандай мажмуини қўллаш кераклигини аниқлашга ёрдам беради.

33. Хатони ташкил этадиган шартларни кўриб чиқишда аудитор тест синовлари вазифаларига изоҳланади. Хато нимадан иборат эканлигини аниқ ва равшан тушуниш, барча ва фақат ҳатолар эҳтимолини белгилашда тест синовлари вазифаларига тааллуқли бўлган шартлар ҳисобга олинишини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Масалан, дебиторлик қарзи тўғрисида маълумотни тасдиқлаш юзасидан моҳияти бўйича муолажаларни бажаришда, буюртмачининг тасдиқлаш санасигача амалга оширган, лекин мижоз томонидан ушбу санадан кейин олинган тўлови хато сифатида кўрилмайди. Шунингдек, буюртмачилар ҳисобварақлари бўйича нотўғри ўтказиш дебиторлик қарзининг умумий қолдиғига таъсир кўрсатмайди. Шундай қилиб, ушбу аниқ белгиланган муолажа бўича танлаб олиш натижаларига баҳо беришда ушбу ҳолатга, ҳатто у аудитнинг бошқа жавҳаларига, масалан, товламачилик эҳтимолига баҳо бериш ёки даргумон қарзлар бўйича заҳира миқдори етарлилиги, муҳим таъсир кўрсатганда ҳам хато сифатида қаралмайди.

34. Назорат тестларини бажаришда аудитор, одатда, тест синовлари ўтказиладиган мажмуида аниқлашни тахмин қилган хатолар коэффициентига ҳамда назорат таваккалчилиги даражасига дастлабки баҳо беради. Бундай баҳо аудиторнинг олдин олган билимига ёки мажмуидаги унча катта миқдордаги моддалар текширишига асосланади. Моҳияти бўйича тестларни бажаришда аудитор, одатда, мажмуидаги хатолар суммасига шу тарзда дастлабки баҳо беради. Аудиторлик танлаб олиш таркиби ва унинг миқдорини белгилашда бундай дастлабки баҳолаш фойдали ҳисобланади. Масалан, кутилаётган хатолар коэффициенти мақбул бўлмаган даражада юқори бўлса, одатда, назорат тестлари амалга оширилмайди. Шунга қарамасдан, моҳияти бўйича муолажаларни бажаришда, кутилаётган хато суммаси юқори даражада бўлган ҳолатда, 100% текшириш ёки катта миқдордаги танлаб олишдан фойдаланиш ўринли бўлиши мумкин.

Мажмуи (жами)

35. Аудитор мажмуи қуйидагича бўлишлигига ишонч ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга:

(а) тест синовларининг йўналишини кўриб чиқишдан иборат танлаб олиш муолажаларига *тегишлилиги*. Масалан, агар аудиторнинг мақсади ошириб кўрсатилган дебиторлик қарзини тест синовларидан ўтказишдан иборат бўлса, мажмуи унинг рўйхати кўринишида белгиланиши мумкин. Бошқа томондан, агар аудитор дебиторлик қарзи камайтирилганлигини тест синовларидан ўтказса, мажмуи унинг рўйхати сифатида ифодаланмайди, балки кейинги тўловлар, тўланмаган ҳисобварақ-фактуралар, келиб тушиш бўйича ҳисоботлар билан мос келмайдиган мол етказиб берувчиларнинг ҳисобварақларидан кўчирмалар ёки кредиторлик қарзлари камайтирилганлигига аудиторлик далилларини олиш имкониятини берувчи бошқа мажмуилар ифодаланади.

(б) *Тўлиқлиги*. Масалан, аудитор умумий файлдан тўловларни тасдиқловчи файлларни олишни режалаштирса, унинг асосида давр бўйича барча тасдиқловчи ҳужжатлар тўғрисида, агар аудитор ушбу файл таркибига барча шундай ҳужжатлар киради деб ишонч ҳосил қилган ҳолат бундан истисно, хулосалар чиқариш мумкин эмас. Ҳудди шундай тарзда, агар аудитор молиявий ҳисобот давр давомида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари вазифаларини бажариши тўғрисида хулоса чиқариш учун танлаб олишни режалаштирса, мажмуи бутун давр бўйича барча тегишли моддаларни қараб олиши лозим. Бундан ташқари, шунингдек, мажмуини страталар бўйича стратификациялаш ва назорат тизими бўйича хулосаларни шакллантириш учун танлаб олишдан (масалан, йилнинг дастлабки 10 ойи бўйича), қолган 2 ой учун эса, муқобил муолжалар ёки алоҳида танлаб олишдан фойдаланиш мумкин.

Стратификациялаш

36. Мажмуини ўхшаш тавсифларга эга бўлган алоҳида қуйи мажмуиларга стратификациялаш ҳисобига аудит оқилоналиги оширилиши мумкин. Стратификациялашнинг мақсади ҳар бир алоҳида страта доирасида моддалар ўзгаришини камайтиришдан ва, шундай қилиб, танлаб олиш бўйича таваккалчиликни мутаносиб оширмаган ҳолда, танлаб олиш миқдорини камайтиришдан иборат. Ҳар бир танлаб олиш бирлиги фақат битта страта таркибига киритилиши учун қуйи мажмуилар аниқ белгиланиши лозим.

37. Моҳияти бўйича муолажаларни амалга оширишда, кўпчилик ҳолатларда ҳисобварақлар қолдиқлари ёки операциялар турлари пул қиймати бўйича стратификацияланади. Бу аудиторлик ҳаракатларни ошириш билан боғлиқ эҳтимолий пул билан боғлиқ энг кўп хато мавжуд бўлиши мумкин бўлган кўпроқ қийматга эга моддаларни йўналтириш имкониятини яратади. Шу тарзда, мажмуи хатонинг юқорироқ тавакқалчилигига кўрсатувчи муайян белгиларга мувофиқ стратификацияланиши мумкин, масалан, дебиторлик қарзига берилган баҳо бўйича тест синовларини ўтказишда ҳисобварақлар қолдиқлари қоплаш муддатлари бўйича стратификацияланиши мумкин.

38. Бир страта доирасидаги танлаб олиш страталарига қўлланиладиган муолажалар натижалари битта стратани ташкил этадиган страталарга ўтказилиши мумкин. Бутун мажмуи бўйича хулосаларни шакллантириш учун, аудитордан ушбу мажмуини ташкил этувчи ҳар қандай бошқа страта юзасидан тавакқалчилик ва муҳимликни инобатга олиш талаб қилинади. Масалан, мажмуидаги 20% моддалар ҳисобварақлар қолдиғи қийматининг 90%ни ташкил этиши мумкин.

Аудитор ушбу моддалар бўйича танлаб олишни текшириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Аудитор ушбу танлаб олишнинг натижаларига баҳо беради ва қолган 10%дан (улар юзасидан қўшимча танлаб олишдан фойдаланилади ёки далиллар олишнинг бошқача усуллари қўлланилади, ёки ушбу 10%га муҳим эмас деб қаралади) ташқари 90% бўйича хулоса чиқаради.

Қиймат асосида белгиланган танлаб олиш

39. Моҳияти бўйича, айниқса ошириб кўрсатишлар бўйича, тест синовларини бажаришда, кўпинча танлаб олиш бирликларини, ҳисобварақ қолдиғи ёки операциялар туркумини *ташкил этадиган алоҳида пул бирликлари (масалан, долларда)* кўринишида белгилаш оқилона ҳисобланади. Мажмуидан (масалан, дебиторлик қарзи бўйича қолдиқ) аниқ белгиланган пул бирликларини ажратиб олгандан кейин аудитор аниқ белгиланган моддаларни масалан, таркибида ушбу пул бирликлари бўлган ҳисобварақларнинг алоҳида қолдиқларини текширишга киришади. Танлаб олиш бирлигига бундай ёндошиш аудиторлик ҳаракатларни баландроқ қийматга эга бўлган моддаларни қараб чиқишга йўналтириш имкониятини беради, чунки бундай бирликлар танлаб олинишга кўпроқ имкониятга эга ва, натижада, танлаб олиш миқдори камайтирилиши мумкин. Бундай ёндошиш, одатда, танлаб олишда моддаларни мунтазам танлаб олиш усули билан бирликда қўлланилади (3 иловада келтирилган) ва танлаб олишни бажаришда компьютерлаштирилган маълумотлар базасидан фойдаланилган энг оқилона ҳисобланади.

Танлаб олиш миқдори

40. **Танлаб олиш миқдорини белгилашда аудитор танлаб олиш тавакқалчилиги мақбул бўлган паст даражагача пасайтирилган-лигини кўриб чиқиши лозим.** Танлаб олиш миқдорига аудитор қабул қилишга рози бўлган танлаб олиш тавакқалчилигининг даражаси таъсир кўрсатади. Аудитор қабул қилишни режалаштирган тавакқалчилик даражаси қанчалик паст бўлса, шунчалик танлаб олиш миқдори кўп бўлиши лозим.

41. Танлаб олиш миқдори статистик кўрсаткичларга асосланган формула ёки вазиятларга қараб холис қўлланадиган касбий мулоҳаза асосида аниқланиши мумкин. 1- ва 2-иловаларда одатда танлаб олиш миқдорига ва, бинобарин, танлаб олиш тавакқалчилигига таъсир кўрсатадиган турли омиллар келтирилган.

Танлаб олиш учун моддаларни ажратиб олиш

42. **Аудитор танлаб олиш бирликлари мажмуида танлаб олиниш эҳтимолига эга деган тахмин билан танлаб олиш учун моддаларни ажратиб олиши лозим.** Статистик танлаб олиш моддалар тасодифан танлаб олинишини талаб қилади, шундай қилиб, танлаб олишнинг ҳар бир бирлиги танлаб олинишининг муайян имкониятига эга. Танлаб олишнинг бирликлари жисмоний (ҳисобварақ-фактуралар каби) ёки пул бирликларидан таркиб топиши мумкин. Ностатистик танлаб олишни бажаришда моддаларни танлаб олиш учун аудитор касбий мулоҳазадан фойдаланади. Танлаб олиш бутун мажмуи тўғрисида хулосалар шакллантириш учун бажарилиши муносабати билан аудитор бача мажмуи учун хос белгиларга эга бўлган бир-бирига ўхшаш моддаларни ажратиб олиб у репрезентатив бўлишига ҳаракат қилади.

43. Моддаларни танлаб олишнинг асосий усуллари тасодифий рақамлар жадвалидан ёки компьютер дастурларидан фойдаланишдан, мунтазам танлаб олиш ва ихтиёрий танлаб олишдан иборат. Ушбу усулларнинг ҳар бири 3-иловада кўриб чиқилган.

Аудиторлик муолажаларини бажариш

44. **Аудитор ҳар бир ажратиб олинган модда бўйича муайян мақсадларга тегишли аудиторлик муолажаларини бажариши лозим.**

45. Агар ажратиб олинган модда аудиторлик муолажасини бажаришга тўғри келмаса, одатда, ушбу муолажа ўрнини босадиган модда юзасидан бажарилади. Масалан тўловларга рухсат бериш юзасидан далилларни текширишда бекор қилинган чек ажратиб олиниши мумкин. Агар аудитор чек тегишли равишда бекор қилинганига ва шунинг учун у хато эмаслигига ишонч ҳосил қилса, тегишли равишда ажратиб олинган ўрнини босувчи чек текширилади.

46. Шунга қарамасдан, айрим пайтларда, аудитор ажратиб олинган моддалар юзасидан режалаштирилган аудиторлик муолажаларни қўллай олмайди, масалан, ушбу модда бўйича ҳужжатлар йўқолгани сабабли. Ижобий тасдиқлаш тўғрисидаги илтимосномага ҳеч қандай жавоб олинмаган тақдирда, келгуси тушумларни текшириш тўғри келадиган муқобил аудиторлик муолажаларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Хатолар тавсифи ва сабаблари

47. **Аудитор танлаб олиш натижалари, қандайдир аниқланган хатоларнинг тавсифи ва сабабларини ҳамда тестнинг муайян мақсади ва аудитнинг бошқа доираларига уларнинг таъсирини қўриб чиқиши лозим.**

48. Назорат тестларини ўтказишда аудитор, авваламбор, назорат ташкил этилиши ва вазифасини бажаришига ҳамда назорат таваккалчилигига бериладиган баҳога ўз диққатини қаратади. Шунга қарамасдан, хатолар аниқлангандан кейин, аудитор, шунингдек, қуйидаги жавҳаларни кўриб чиқиши лозим:
(а) аниқланган хатоларнинг молиявий ҳисоботга бевосита таъсирини;
(б) бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларининг самарадорлиги ва уларнинг аудиторлик ёндошишга таъсири, масалан, субъект раҳбарияти томонидан ички назоратни менсимаслик натижаситда хато пайдо бўлишигага.

49. Аниқланган хатоларни таҳлил қилишда аудитор уларнинг кўпчилиги, масалан, операция тури, жойлашиши, маҳсулот ассортименти ёки вақт даври умумий белгиларга эга эканлигини кўриши мумкин. Бундай вазиятларда аудитор мажмуидаги умумий белгиларга эга бўлган барча моддаларни солиштириш ва ушбу моддага нисбатан аудиторлик муолажаларни кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Бундан ташқари, бундай хатолар атайлаб содир этилган бўлиши ва товламачилик эҳтмолига кўрсатиши мумкин.

50. Айрим ҳолатларда аудитор хатонинг пайдо бўлиши, аниқ белгиланган муайян ҳолатлардан ташқари такорланмайдиган, ва шунинг учун мажмуида шунга ўхшаш хатоларни кўрсатиш репрезентатив ҳисобланмайдиган (номеъёрий хато) алоҳида ажралиб турган ҳодиса билан боғлиқлигини аниқлаши мумкин. Агар хато мажмуи учун репрезентатив ҳисобланмаганлиги тўғрисида аудиторда юқори даражадаги аниқлик мавжуд бўлса, хатога номеъёрий сифатида қаралади. Бундай аниқликка қўшимча ишни бажариш жараёнида эришилади. Қўшимча ишнинг ҳажми аниқ белгиланган вазиятта боғлиқ, лекин хато мажмуининг бошқа қисмига таъсир кўрсатмаслигини аниқлаш учун аудиторни етарли далиллар билан таъминлашга етарли ҳисобланади. Мисол тариқасида давр мобайнида бир маротаба компьютер бузилиши натижасида содир этилган хатони келтириш мумкин. Ушбу ҳолатда аудитор бузилиш натижасидан келиб чиққан оқибатга баҳо беради, масалан, шу куни содир этилган операцияларни текширади ва бузулиш сабабалари қандай қилиб аудиторлик муолажалар ва хулоса шаклланишига таъсир кўрсатишини кўриб чиқади. Яна бир мисол - маълум бир филиалда барча товар-моддий заҳиралар қийматини ҳисоблашда нотўғри формуладан фойдаланишдан келиб чиққан хато. Ушбу хато номеъёрий эканлигини аниқлаш учун аудитор бошқа филиалларда тўғри формуладан фойдаланилганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Хатоларни башорат қилиш

51. **Моҳияти бўйича муолажалар юзасидан аудитор танлаб олишда пулга оид хатоларни "мажмуа"га нисбатан башорат қилиши ҳамда башорат қилинаётган ҳато тест синовларининг муайян мақсадига ва аудитнинг бошқа соҳаларига таъсирини ҳисобга олиши лозим.** Аудитор хатолар миқдори тўғрисида чуқур тушуниш олиш ва ушбу миқдорни йўл қўйилиши мумкин бўлган хато билан солиштириш мақсадида мажмуи учун умумий хатони башорат қилади. Моҳияти бўйича муолажалар юзасидан йўл қўйилиши мумкин бўлган хато аудит қилинадиган ҳисобварақларнинг алоҳида қолдиқлари бўйича фойдаланиладиган муҳимликка берилган аудиторлик баҳодан кам ёки тенг бўлган йўл қўйилиши мумкин бўлган четга чиқиш билан ифодаланади.
52. Агар хато номеъёрий деб белгиланса, мажмуи бўйича танлаб олиш хатоларни башорат қилишда, уни йўқ деб ҳисоблаш мумкин. Ҳар бир шундай хатонинг таъсири, агар у тузатилмаган бўлса, номеърий бўлмаган хатоларни башорат қилишга қўшимча равишда кўриб чиқишни талаб қилади. Агар ҳисобварақ қолдиғи ёки операциялар туркуми страталарга ажратилган бўлса, хато ҳар бир страта бўйича алоҳила башорат қилинади. Бундан кейин, хатонинг ҳисобварақлар умумий қолдиғи ёки операциялар туркумига эҳтимолий таъсирини кўриб чиқиш жараёнида, ҳар бир страта бўйича башорат қилинадиган ва номеъёрий хатолар бирлаштирилади.
53. Назорат тестлари юзасидан хатоларни аниқ башорат қилиш талаб қилинмайди, чунки танлаб олишда хатоларнинг пайдо бўлиши коэффициенти умуман мажмуи бўйича башорат қилинадиган хатолар коэффициенти ҳисобланади.

Танлаб олиш натижаларига баҳо бериш

54. **Аудитор мажмуининг тегишли белгиларига берилган дастлабки баҳо тасдиқланганлиги ёки у қайта кўриб чикилишни талаб этишлигини аниқлаш учун танлаб олиш натижаларига баҳо бериши лозим.** Назорат тестлари билан боғлиқ ҳолатларда, агар дастлабки баҳони тасдиқловчи қўшимча далиллар олинмаган тақдирда, танлаб олиш хатонинг кўзда тутилмаган юқори коэффициенти назорат таваккалчилигига берилган баҳони ошишига олиб келиши мумкин. Моҳияти бўйича муолажалар билан боғлиқ ҳолатларда, танлаб олишдаги ҳато суммасининг кўзда тутилмаган даражада юқорилиги аудитор томонидан, агар муҳим янглишлар мавжуд эмаслигига қандайдир қўшимча далиллар бўлмаса, ҳисобварақ қолдиғи ёки операциялар туркумида муҳим янглишлар мавжуд деган хулоса чиқаришига олиб келиши мумкин.
55. Башорат қилинадиган ва номеъёрий хатоларнинг умумий суммаси мақбул бўлгандан паст лекин унга яқин бўлса, аудитор танлаб олиш натижалари ишончлигини бошқа аудиторлик муолажалар билан биргаликда кўриб чиқади ва қўшимча аудиторлик далиллар тўплаш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Башорат қилинадиган ва номеъёрий хатоларнинг умумий суммаси мажмуи бўйича хатоларга бериладиган энг яхши бахо ҳисобланади. Лекин танлаб олиш натижаларига танлаб олиш таваккалчилиги таъсир кўрсатади. Бинобарин, хато юзасидан энг яхши бахо мақбул хатога яқин бўлган ҳолатда, аудитор бошқа танлаб олиш мақбул бўлган хатодан юқори бўлган бошқа энг яхши бахога олиб келиши мукинлиги таваккалчилигини ҳисобга олиши лозим. Бошқа аудиторлик муолажаларининг натижаларини кўриб чиқиш аудиторга ушбу таваккалчиликка баҳо беришга ёрдам беради, чунки таваккалчилик қўшимча аудиторлик далиллари олинган тақдирда камайиши мумкин.
56. Агар танлаб олиш натижаларига берилган баҳо мажмуининг тегишли ўзига хос бўлган белгиларига берилган дастлабки баҳо қайта кўриб чиқишни талаб қилса, аудитор қуйидагиларни амалга ошириши мумкин:

(а) субъект раҳбариятидан аниқланган хатолар ва келгусида хатолар пайдо бўлиши эҳтимолини ўрганиб чиқишни ва тегишли тузатишлар киритишни сўраш; ва/ёки

(б) режалаштирилган аудиторлик муолажаларга ўзгартиришлар киритиш. Масалан, назорат тестлари билан боғлиқ ҳолатда аудитор танлаб олиш миқдорини ўзгартириши мумкин, муқобил назоратни тест синовидан ўтказиш ёки у билан боғлиқ бўлган моҳияти бўйича муолажаларни модификациялаштириш; ва/ёки

(в) ушбу омилнинг аудиторлик ҳисоботига таъсирини кўриб чиқиш.

57. Ушбу АХС 1999 йил 1 июлда ёки ушбу санадан кейин якунланган даврлардаги молиявий ҳисобот бўйича қўлланиши мумкин. Ушбу стандартни ундан олдинги даврлар бўйича ҳам қўллашга йўл қўйилади.

1-илова

Назорат тестларини ўтказиш учун танлаб олиш миқдорига таъсир кўрсатувчи омиллар намуналари

Қуйида назорат тест синовларини ўтказиш учун танлаб олиш миқдорини аниқлашда аудитор томонидан кўриб чиқиладиган омиллар қайд этилган:

Омил	Танлаб олиш миқдорига таъсири
Аудитор бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат юзасидан эришишни кўзлаган ишончлилик даражасини ошиши	Кўпайиш
Аудитор қабул қилишга рози бўлган тавсия этилган назорат муолажаларидан четга чиқиш коэффициентининг ошиши	Камайиш
Аудитор мажмуида аниқлашни кўзда тутган тавсия этилган назорат муолажаларидан четга чиқиш коэффициентининг ошиши	Кўпайиш
Аудиторнинг талаб қилинадиган ишончлилик даражасининг ошиши (ёки, аксинча, аудитор назорат таваккалчилиги мажмуидаги амалдаги назорат таваккалчилигидан паст деган хулоса чиқариш таваккалчилигининг камайиши)	Кўпайиш
Мажмуидаги танлаб олиш бирликлари миқдорининг ошиши	Арзимас самара

1. *Аудитор бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат юзасидан эришишни кўзлаган ишончлилик даражасини ошиши.* Аудитор бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими юзасидан қанчалик кўп ишонч олишни кўзласа, шунчалик назорат таваккалчилигига берилган аудиторлик баҳо паст бўлади ва шунчалик танлаб олиш миқдори кўп бўлиши лозим. Масалан, назорат таваккалчилигининг даражаси паст баҳоланганлиги, аудитор муайян ички назорат самарадорлик билан вазифасини бажаришига етарли даражада ишонч билдиришини кўрсатади. Бунинг учун аудитор назорат таваккалчилиги кўпроқ даражада баҳоланиши мумкин бўлганидан фарқли (яъни, ишончлиликнинг даражаси паст режалаштирилган ҳолат), ушбу баҳони кўпроқ ҳажмда тасдиқлаш бўйича аудиторлик далилларини тўплаши лозим.
2. *Аудитор қабул қилишга рози бўлган тавсия этилган назорат муолажаларидан четга чиқиш коэффициентининг ошиши (йўл қўйилиши мумкин бўлган хато).* Аудитор қабул қилишга рози бўлган четга чиқиш коэффициенти қанчалик паст бўлса, танлаб олиш миқдори шунчалик юқори бўлиши лозим.
3. *Аудитор мажмуада аниқлашни кўзда тутган тавсия этилган назорат муолажаларидан четга чиқиш коэффициентининг ошиши (кутилаётган хато).* Аудитор томонидан кутилаётган четга чиқиш коэффициенти қанчалик юқори бўлса, танлаб олиш миқдори шунчалик юқори бўлиши лозим, бу четга амалдаги чиқиш коэффициентига оқилона баҳо бериш имкониятии яратади. Аудитор томонидан кутилаётган хатолар коэффициентини кўриб чиқишга тааллуқли омиллар мижоз бизнесини тушуниш (хусусан, бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини тушуниш учун бажариладиган муолажалар), ходимлар таркиби ёки бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларидаги ўзгаришлар, олдинги даврларда қўлланилган аудиторлик муолажалар ва бошқа аудиторлик муолажаларнинг натижаларидан иборат. Кутилаётган хатоларнинг юқори коэффициенти, одатда, назорат таваккалчилигининг катта бўлмаган пасайишини (ёки умуман ҳеч қандай пасайишни) кафолатлайди ва, бинобарин, бундай вазиятларда назорат тестлари одатда бажарилмайди.
4. *Аудиторнинг талаб қилинадиган ишончлилик даражаси.* Танлаб олишнинг натижалари хато тарқалишининг мажмуидаги амалдаги доирасининг кўрсаткичи бўлиши юзасидан аудитор томонидан талаб қилинадиган ишончлилик даражаси қанчалик юқори бўлса, танлаб олиш миқдори шунчалик юқори бўлиши лозим.
5. *Мажмуида танлаб олиш бирлигининг миқдори.* Катта мажмуиларга қаралса, уларнинг амалдаги миқдори танлаб олиш миқдорига арзимас таъсир, агар бунда таъсир умуман мавжуд бўлса, кўрсатади. Бироқ, кичик мажмуиларга нисбатан аудиторлик танлаб олиш, кўпчилик ҳолатларда, етарли бўлган тегишли аудиторлик далиллари олишнинг муқобил усулларига нисбатан камроқ оқилона усул ҳисобланади.

Моҳияти бўйича аудиторлик муолажаларини ўтказиш учун танлаб олиш миқдорига таъсир этувчи омиллар намуналари

Қуйида моҳияти бўйича муолажаларни бажариш учун танлаб олиш миқдорини аниқлашда аудитор томонидан кўриб чиқиладиган омиллар келтирилган:

Омиллар	Танлаб олиш миқдорига таъсири
Ажралмас таваккалчилигига берилган аудиторлик баҳонинг ошиши	Кўпайиш
Назорат таваккалчилигига берилган аудиторлик баҳонинг кўпайиши	Кўпайиш
Молиявий ҳисоботнинг бир ҳил тасдиғига йўналтирилган бошқа моҳияти бўйича муолажаларнинг кўпайши	Камайиш
Аудитордан талаб қилинадиган ишончлилик даражасининг ошиши (ёки, аксарияти, амалда хато мавжуд бўлганига қарамасдан, аудитор муҳим хато мавжуд эмас деган хулоса чиқариш эҳтимоли таваккалчилигининг пасайиши)	Кўпайиш
Аудитор қабул қилишга рози бўлган умумий хатодаги кўпайиш (йўл қўйилиши мумкин бўлган хато)	Камайиш
Аудитор мажмуида аниқлашни кўзлаган хато суммасининг ошиши	Кўпайиш
Лозим бўлган тақдирда мажмуини стратификациялаш	Камайиш
Мажмуидаги танлаб олиш бирлигининг миқдори	Арзимас самара

1. *Ажралмас таваккалчиликка аудиторлик баҳо бериш.* Ажралмас таваккалчилигининг аудиторлик баҳоси қанчалик юқори бўлса, танлаб олиш миқдори шунчалик кўп бўлиши лозим. Юқорироқ ажралмас таваккалчилик аудиторлик таваккалчилигини мақбул бўлган паст даражагача пасайтириш учун аниқлаб бўлмаслик таваккалчилигининг пастроқ даражаси талаб қилинишини кўрсатади, бунга эса, танлаб олиш миқдорини ошириш йўли билан эришиш мумкин.
2. *Назорат таваккалчилигига ауддиторлик баҳо бериш. Назорат* таваккалчилигининг аудиторлик баҳоси қанчалик юқори бўлса, танлаб олиш миқдори шунчалик кўп бўлиши лозим. Масалан, назорат таваккалчилиги даражасини юқори баҳолаш, аудитор молиявий ҳисоботнинг муайян тасдиғи юзасидан ички назорат самарадорлик билан вазифасини бажаришига етарли даражада асослана олмаслигини кўрсатади. Бинобарин, аудиторлик таваккалчилигини мақбул бўлган паст даражагача пасайтириш учун, аудитор аниқлаб бўлмаслик таваккалчилигининг паст даражасини олиши ва кўпроқ моҳияти бўйича тест синовларига асосланиши лозим. Аудитор моҳияти бўйича тест синовларига қанчалик асосланса (яъни, аниқлаб бўлмаслик таваккалчилиги қанчалик паст), танлаб олиш миқдори шунчалик кўп бўлиши лозим.
3. *Молиявий ҳисоботнинг бир ҳил тасдиғига йўналтирилган моҳияти бўйича бошқа муолажалардан фойдаланиш.* Муайян ҳисобварақ қолдиғи ёки операциялар турқуми юзасидан аниқлаб бўлмаслик таваккалчилигини мақбул бўлган даражагача пасайтириш учун бошқа моҳияти бўйича муолажаларга (муфассал тестлар ёки таҳлилий муолажалар) аудитор қанчалик асосланса, танлаб олишдан шунчалик паст ишончлилик талаб қилинади ва, тегишли равишда, танлаб олиш миқдори шунчалик кам бўлиши мумкин.
4. *Аудиторнинг талаб қилинадиган ишончлилик даражаси.* Танлаб олиш натижалари мажмуида тарқалган хато амалдаги суммасининг ҳақиқий кўрсаткичи бўлиши юзасидан аудитор томонидан талаб қилинадиган ишончлилик даражаси қанчалик юқори бўлса, танлаб олиш миқдори шунчалик кўп бўлиши лозим.
5. *Аудитор қабул қилишга рози бўлган умумий хато (йўл қўйилиши мумкин бўлган хато).* Аудитор қабул қилишга рози бўлган умумий хато қанчалик паст бўлса, танлаб олиш миқдори шунчалик кўп бўлиши лозим.
6. *Аудитор мажмуида аниқлашни кўзлаган хато суммаси (кутилаётган хато).* Аудитор мажмуида аниқлашни кўзлаган хато суммаси қанчалик кўп бўлса, танлаб олиш миқдори шунчалик кўп бўлиши лозим, бу эса, мажмуидаги амалдаги хато суммаси юзасидан оқилона баҳо бериш имкониятини беради. Аудитор томонидан кутилаётган хато суммаларини кўриб чиқишга тааллуқли омиллар моддалар қийматини холис эмаслик билан аниқлаш даражаси, назорат тест синовларининг натижалари, олдинги даврларда қўлланилган аудиторлик муолажалар натижалари ҳамда бошқа моҳияти бўйича аудиторлик муолажалар натижаларидан иборат.

7. *Стратификациялаш.* Мажмуи моддаларидаги пул миқдорида кенг доира (ўзгарувчанлик) мавжуд бўлганда бу ҳолат кузатилади. Бир ҳил миқдордаги моддаларни алоҳидаги қуйи мажмуи ёки страталарга гуруҳлаш фойда келтириши мумкин. Бу стратификациялаш деб аталади. Мажмуи тегишли равишда стратификацияланиши мукин бўлган тақдирда, стратадан олинадиган танлаб олишнинг умумий миқдори, одатда, бутун мажмуидан танлаб олишнинг бир бирлиги ажратиб олинадиган ҳолатда танлаб олишнинг муайян таваккалчилигига эришиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган танлаб олишдан кам бўлади.

8. *Мажмуида танлаб олиш бирлигининг миқдори.* Катта мажмуиларга қаралса, уларнинг амалдаги миқдори танлаб олиш миқдорига арзимас таъсир, агар бунда таъсир умуман мавжуд бўлса, кўрсатади. Бинобарин, кичик мажмуиларга нисбатан аудиторлик танлаб олиш, кўпчилик ҳолатларда, етарли бўлган тегишли аудиторлик далиллари олишнинг муқобил усулларига нисбатан камроқ оқилона усул ҳисобланади. (Лекин, пул бирликларини танлаб олинишидан фойдаланилганда мажмуи пул қийматининг ошиши, агар бу муҳимликнинг мутаносиб ошиши билан қопланмаган тақдирда, танлаб олиш миқдорини оширади).

3 илова

Танлаб олиш учун моддаларни ажратиб олиш усуллари

Танлаб олиш учун моддаларни ажратиб олишнинг асосий усуллари:

(а) тасодифий рақамларнинг компьютерлашган ишлаб чиқарилиши ёки тасодифий рақамлар жадвалидан фойдаланиш;

(б) мажмуидаги танлаб олиш бирлиги танлаб олиш бирлигига тақсимланадиган мунтазам ажратиб олиш, бунинг натижасида танлаб олиш оралиғи, масалан 50, аниқланади. Шундай қилиб, бошланиш нуқтаси дастлабки 50та бирлик чегарасида белгиланган кейин, ҳар бир 50чи бирлик танлаб олинади. Бошланиш нуқтаси тасодифан белгиланганига қарамасдан, танлаб олиш фақат тасодифий рақамларнинг компьютерлашган ишлаб чиқарилиши ёки тасодифий рақамлар жадвалидан фойдаланилгандагина ҳақиқатдан ҳам тасодифий ҳисобланади. Мунтазам танлаб олишдан фойдаланилганда, аудитор мажмуидаги танлаб олиш бирликларининг шундай тизимланганки, бунда танлаб олиш оралиғи мажмуининг муайян чизмаси билан мос келиши мумкинлигини аниқлаши лозим;

(в) эркин ажратиб олиш, бунда аудитор танлаб олишни тизимли усулларга риоя қилмаган ҳолда бажаради. Шунга қарамасдан, ҳеч қадай тизимли усулларда фойдаланилмаса ҳам, аудитор атайлаб тарафкашлик ёки олдиндан билишликлардан (масалан, жойлашган жойини аниқлаш қийин бўлган моддалар, варақдаги биринчи ёки охирги ўтказмаларни ҳар доим ёки танлаб олиш ёки танлаб олмаслик) ҳоли бўлиши лозим, шундай қилиб мажмуидаги танлаб олиш бирликлари танлаб олиниши учун бир хил имконият яратилишига ҳарака қилинади. Статистик танлаб олишни бажаришда эркин танлаб олиш ўринли эмас.

Гуруҳли танлаб олиш мажмуидан ўзаро боғланган моддаларнинг гуруҳ(лар)ини ажратиб олиш билан боғлиқ. Гуруҳли танлаб олишдан, одатда, аудиторлик танлаб олишда фойдаланиб бўлмайди, чунки кўпчилик мажмуилар шундай тузилганки, бунда кетма-кет жойлашган бандлар, бир-бирига нисбатан ўхшаш белгиларга эга бўлиши, лекин мажмуини бошқа жойида жойлашган бандларга нибатан белгилари фарқланиши мумкин. Айрим вазиятларда бандлар гуруҳини текшириш тегишли аудиторлик муолажаси бўлиши мумкин, лекин аудитор танлаб олишга асосланиб бутун мажмуи юзасидан ишончли хулосаларни шакллантиришни кўзда тутган тақдирда, кам учрайдиган ҳолатларда моддаларни гуруҳли танлаб олишни танлаб олишнинг тегишли усули деб аташ мумкин.

[540]

БУХГАЛТЕРИЯ БАҲОЛАРИНИНГ АУДИТИ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	114
Бухгалтерия баҳоларининг тавсифи	115
Аудиторлик муолажалар	115
Субъект раҳбарияти томонидан бухгалтерия баҳосини тайёрлаш жараёнидан фойдаланишини шарҳлаш ва тест синовидан ўтказиш	115
Мустақил баҳодан фойдаланиш	117
Келгуси ҳодисаларни шарҳлаш	117
Аудиторлик муолажаларининг натижаларига баҳо бериш	117

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда, аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади молиявий ҳисоботдаги бухгалтерия баҳолари бўйича аудит юзасидан стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат. Ушбу АХС, унда баён этилган кўпчилик муолажалар ушбу мақсадга тўғри келса ҳам, истиқболлий молиявий маълумотни текшириш учун мўлжалланмаган.
2. **Аудитор бухгалтерия баҳолари юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларни олиши лозим.**
3. "Бухгалтерия баҳоси" атамаси деганда ўлчашнинг аниқ усуллари бўлмаганда модданинг яқинлаштирилган қиймати тушунилади, масалан:
   - товар-моддий заҳиралар ва дебиторлик қарзи қийматини улар сотилишининг тахмин қилинаётган қийматигача пасайтириш;
   - асосий воситалар қийматини уларнинг фойдали ишлатиш муддати мобайнида тақсимлаш шартлари;
   - ҳисобланган даромад;
   - муддати кечиктирилган даромад;
   - суд даъвоси натижасида вужудга келган харажатларни қоплаш бўйича заҳира;
   - якунланмаган пудрат шартномалари билан боғлиқ харажатлар;
   - кафолатли рекламациялар бўйича заҳира.
4. Субъект раҳбарияти молиявий ҳисоботга киритилган бухгалтерия баҳолари бўйича масъулиятга эга. Ушбу баҳолар, кўпчилик ҳолатларда, мулоҳаза чиқарилиши талаб этиладиган, содир этилган ёки содир этилиши эҳтимоли бор ҳодисалар оқибати юзасидан ноаниқликлар шароитларида тайёрланади. Натижада бухгалтерия баҳоларидан фойдаланишда муҳим нотўғриликлар таваккалчилиги ошади.

Бухгалтерия ҳисоби баҳоларининг тавсифлари

5. Бухгалтерия ҳисоби баҳоларини аниқлаш жараёни модда тавсифига қараб содда ёки мураккаб бўлиши мумкин. Масалан, ижара ҳақини ҳисоблаш оддий ҳисоб-китоб қилишдан иборат бўлса, талабгаргир бўлмаган ва ортиқча товар-моддий заҳиралар бўйича дастлабки заҳирани баҳолаш жорий кўрсаткичлар ва бўлғуси сотув ҳажмлари юзасидан анча-мунча таҳлилни амалга оширишни талаб қилиши мумкин. Мураккаб бухгалтерия баҳоларини чиқаришда махсус билимлар ва мулоҳазаларнинг юқори даражаси талаб қилиниши мумкин.
6. Бухгалтерия баҳолашларни доимий асосда вазифасини бажараётган бухгалтерия ҳисоби қотиб қолган тизимининг бир қисми ёки фақат давр охирида вазифасини бажараётган қотиб қолмаган тизимнинг бир қисми тариқасида аниқлаш мумкин. Кўпчилик ҳолатларда бухгалтерия баҳолари тажрибага асосланган формула, масалан, асосий воситаларнинг ҳар бир туркуми бўйича эскиришни стандартлашган меъёрлар бўйича ҳисоблаш ёки кафолатли рекламациялар билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун заҳирани ҳисоблашда сотишдан тушумнинг стандартлашган фоизидан фойдаланиш бўйича чиқарилади. Ушбу ҳолатларда субъект раҳбарияти мунтазам равишда формулани, масалан, активларни фойдали ишлатиш қолдиқ муддатини қайта баҳолаш ёки лозим бўлганда амалдаги натижаларни формуланинг бухгалтерия баҳоси ва тузатишлари билан солиштириш йўли билан қайтадан кўриб чиқиши лозим.
7. Модда ёки холис кўрсаткичлар етишмаслиги билан боғлиқ ноаниқлик натижасида оқилона дастлабки баҳони ололмаслик мумкин; ушбу ҳолатда аудитор 700-АХС "Молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисобот"га мувофиқаудиторлик ҳисоботни модификациялаштириш кераклигини кўриб чиқиши лозим.

Аудиторлик муолажалар

8. **Аудитор ушбу вазиятларда бухгалтерия баҳоси оқилона эканлиги ва, керак бўлганда, тегишли равишда ёритилиши юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олиши лозим.** Бухгалтерия баҳосини тасдиқловчи далилларни аксарият ҳолатларда олиш қийинроқ ва улар молиявий ҳисоботнинг бошқа моддаларини тасдиқловчи далилларга қараганда камроқ якуний ҳисобланади.
9. Муолажа ва усулларни, жумладан бухгалтерия баҳоларини тайёрлаш жараёнида субъект раҳбарияти томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларидан фойдаланишни тушуниш, кўпчилик ҳолатларда, аудиторлик муолажаларининг тавсифи, муддати ва ҳажмини режалаштиришда аудитор учун муҳим ҳисобланади.
10. **Бухгалтерия баҳоларини аудитида аудитор қуйидаги ёндошишларнинг бир ёки бирлигини қабул қилиши лозим:**

(а) **субъект раҳбарияти томонидан фойдаланиладиган бухгалтерия баҳосини тайёрлаш жараёнини шарҳлаш ва тест синовларидан ўтказиш;**

(б) субъект раҳбарияти томонидан тайёрланган баҳо билан солиштириш учун **мустақил баҳодан фойдаланиш; ёки**

(в) **берилган бухгалтерия баҳоларини тасдиқловчи келгуси ҳодисаларни шарҳлаш.**

Субъект раҳбарияти томонидан бухгалтерия баҳосини тайёрлаш жараёнидан фойдаланишини шарҳлаш ва тест синовидан ўтказиш

11. Субъект раҳбарияти томонидан бухгалтерия баҳосини тайёрлаш жараёнидан фойдаланишини одатда шарҳлаш ва тест синовларидан ўтказишда қуйидаги қадамлар амалга оширилади:

(а) бухгалтерия баҳоси асосланадиган кўрсаткичларга баҳо бериш ва тахминларни кўриб чиқиш;

(б) бухгалтерия баҳосини тайёрлашда бажариладиган ҳисоб-китобларни тест синовидан ўтказиш;

(в) олдинги даврлар учун берилган баҳоларни, мумкин бўлган тақдирда, ушбу даврларнинг амалдаги натижалари билан солиштириш;

(г) субъект раҳбарияти томонидан тасдиқлаш муолажаларини кўриб чиқиш.

Кўрсаткичларга баҳо бериш ва тахминларни кўриб чиқиш

12. Аудитор бухгалтерия баҳоси асосланадиган кўрсаткичлар қанчалик аниқлиги, тўлиқлиги ва ўринлилигига баҳо беришни амалга оширади. Бухгалтерия кўрсаткичларидан фойдаланилган тақдирда, улар бухгалтерия ҳисоби тизими орқали ишлов бериладиган кўрсаткичлар билан изчил бўлиши лозим. Масалан, кафолатли рекламациялар бўйича заҳираларни тасдиқлашда, аудитор давр охирига кафолатли хизмат кўрсатиш муддати ҳали ўтмаган маҳсулот билан боғлиқ маълумот бухгалтерия ҳисоби тизимида товарлар сотилганлиги тўғрисидаги маълумотга мувофиқ эканлиги тўғрисида аудиторлик далилларни олади.

13. Аудитор далилларни субъект ташқарисидаги манбаалардан излаши мумкин. Масалан, озиқ-овқатларни тахмин қилинган келгуси сотув ҳажми изоҳи асосида ҳисобланадиган товар-моддий заҳиралар эскириши юзасидан текширганда, олдинги сотувлар ҳажмининг даражаси, амалда мавжуд бўлган буюртмалар ва бозор йўналишлари каби ички кўрсаткичларни ўрганишдан ташқари, аудитор тармоқ бўйича башорат қилинадиган сотувлар ҳажми ва бозор таҳлилига асосланган далилларни излаши мумкин. Суд қарорлари ва даъволарнинг молиявий оқибатлари юзасидан субъект раҳбариятининг берган баҳоларини текширишда аудитор худди шундай субъект ҳуқуқшуноси билан бевосита боғланишга интилади.

14. Аудитор бухгалтерия баҳосини аниқлаш учун оқилона асосни шакллантирувчи тўпланган кўрсаткичлар тегишли равишда таҳлил ва башоратлар қилинганлигига баҳо беришни амалга оширади. Мисол тариқасида дебиторлик қарзининг қоплаш муддатини таҳлил қилишни ҳамда олдинги тажриба ва башоратдан фойдаланишга асосланиб товар-моддий заҳираларнинг қандайдир моддаси мавжуд бўладиган ойлар миқдорини башорат қилишни келтириш мумкин.

15. Аудитор бухгалтерия баҳосида фойдаланадиган асосий тахминларга субъект тегишли асосга эга эканлигига баҳо беришни амалга оширади. Айрим ҳолатларда, тахминлар тармоқ бўйича статистик кўрсаткичларга ёки давлат статистика идораларининг инфляциянинг бўлажак даражаси, фоиз ставкалари, аҳолининг бандлик даражаси ва бозорнинг кутилаётган ўсиши каби кўрсаткичларига асосланади. Бошқа ҳолатларда эса, тахминлар фақат ушбу субъект учун хос бўлади ва субъект ичида олинган кўрсаткичларга асосланади.

16. Бухгалтерия баҳоси асосланган тахминларга баҳо беришда, аудитор бошқалардан ташқари қуйидагиларни кўриб чиқиши лозим:

- олдинги даврлар бўйича молиявий натижалар билан таққослаганда уларнинг оқилоналиги;
- бошқа бухгалтерия баҳолари юзасидан фойдаланиладиган тахминлар билан уларнинг мувофиқлиги;
- субъектнинг мос бўлган режалари билан уларнинг мувофиқлиги.

Аудитор ўзгаришларга сезгир ва муҳим нотўғриликларга моил ёки таъсирчан бўлган тахминларга алоҳида эътиборини қаратиши лозим.

17. Махсус усулларни қўллган ҳолда баҳо беришнинг мажмуивий жараёнида аудиторга экспертлар ишидан, масалан, минерал қазилмалар заҳирасини баҳолаш учун муҳандислардан фойдаланиш талаб қилиниши мумкин. Эксперт ишидан фойдаланиш юзасидан қўлланма 620-АХС "Эксперт ишидан фойдаланиш"да тақдим этилган.

18. Аудитор субъект раҳбарияти томонидан бухгалтерия баҳоларини тайёрлашда фойдаланадиган доимий мос формулани шарҳлайди. Бундай шарҳ субъектнинг олдинги даврлар бўйича молиявий ҳисобот натижаларини ҳамда ушбу тармоқдаги бошқа субъектлар амалиётдан фойдаланишини ва аудиторга ёритилган субъект раҳбариятининг келажак режаларини аудитор томонидан билишлигини акс этади.

Ҳисоб-китобларни тест синовидан ўтказиш

19. Аудитор субъект раҳбарияти томонидан фойдаланадиган ҳисоб- китоблар муолажаларини тест синовидан ўтказади. Аудиторлик тест синовларининг тавсифи, муддати ва ҳажми бухгалтерия баҳоси ҳисоб-китобининг мураккаблиги, бухгалтерия баҳосини тайёрлашда субъект раҳбарияти фойдаланадиган муолажа ва усулларга берилган аудиторлик баҳо ҳамда молиявий ҳисобот контекстида ушбу баҳонинг муҳимлигидан келиб чиқади.

Олдинги берилган баҳоларни амалдаги натижалар билан солиштириш

20. Аудитор иложи борича олдинги даврлар бўйича бухгалтерия баҳоларини ушбу даврлар бўйича амалдаги натижалар билан солиштиради. Бу қуйидагиларга ёрдам беради:

(а) субъект томонидан фойдаланиладиган баҳо бериш муолажаларининг умумий ишончлилиги юзасидан далилларни олишга;

(б) бухгалтерия баҳо бериш формуласига тузатишлар киритиш талаб қилинишини кўриб чиқишда;

(г) амалдаги натижалар билан дастлабки баҳолар ўртасидаги фарқланишлар ҳисобланганлиги ва, лозим бўлган жойларда, тегишли тузатишлар киритилганлиги ва ёритилганлигини аниқлашда.

Субъект раҳбарияти томонидан тасдиқлаш муолажаларини кўриб чиқиш

21. Субъект раҳбарияти, одатда, бухгалтерия ҳисобининг муҳим баҳолари шарҳлайди ва тасдиқлайди. Аудитор тегишли даражадаги раҳбарият томонидан бундай шарҳ ва тасдиқлаш ўтказилганлигини ҳамда бухгалтерия баҳоларини белгиланаганлигини тасдиқловчи ҳужжатли далиллар мавжудлигини кўриб чиқади.

Мустақил баҳо беришдан фойдаланиш

22. Аудитор субъект раҳбарияти томонидан берилган бухгалтерия баҳо билан солиштириш учун мустақил баҳо беришни амалга ошириши ёки олиши мумкин. Мустақил баҳо беришдан фойдаланганда аудитор, одатда, кўрсаткичларга баҳо беради, тахминларни кўриб чиқади ва тайёрлашда фойдаланилган ҳисоб-китоблар муолажаларини текшириб чиқади. Шунингдек, олдинги давр бўйича бухгалтерия баҳоларини ушбу давр бўйича амалдаги натижалар билан солиштириш ўринли бўлиши мумкин.

Келгуси ҳодисларнинг шарҳи

23. Давр якунлангандан кейин, лекин аудит тугагунга қадар содир этилган операциялар ва ҳодисалар субъект томонидан тайёрланган бухгалтерия баҳолари юзасидан аудиторлик далилларни тақдим этиши мумкин. Аудитор томонидан бундай шарҳларни амалга ошириш субъект раҳбарияти бухгалтерия баҳосини тайёрлашда фойдаланидиган жараённи шарҳлаш ёки бухгалтерия баҳоси оқилоналигини аниқлашда мустақил баҳо беришдан фойдаланиш кераклигини камайтириши ёки бекор қилиши мумкин.

Аудиторлик муолажалари натижаларига баҳо бериш

24. **Аудитор аудитор томонидан мижоз бизнесини билишликка, шунингдек, бухгалтерия баҳоси аудит ўтказиш пайтида олинган аудиторлик далиллар билан мувофиқлигига асосланиб бухгалтерия баҳоси оқилоналигига якуний баҳо беришни амалга ошириши лозим.**

25. Аудитор маълумотга таъсир кўрсатувчи қандайдир аҳамиятли келгуси операциялар ёки ҳодисалар ва бухгалтерия баҳоларини белгилашда фойдаланилган тахминлар мавжудлигини кўриб чиқади.

26. Бухгалтерия баҳоларига хос бўлган ноаниқликлар сабабли, фарқланишга берилган баҳо аудитнинг бошқа бўлимларига қараганда мураккаброқ бўлиши мумкин. Мавжуд аудиторлик далиллар билан тасдиқланган аудитор томонидан баҳо берилган сумма билан молиявий ҳисоботга киритилган сумма ўртасида фарқлар мавжуд бўлган тақдирда, аудитор ушбу фарқларни тузатишга эҳтиёж борлигини аниқлайди. Агар фарқ оқилона, масалан, молиявий ҳисоботдаги сумма мақбул бўлган натижалар доирасидан чиқмаса, тузатишларга эҳтиёж қолмаслиги мумкин. Шунга қарамасдан, агар аудитор мавжуд фарқ оқилона чегарасида эмас деб ҳисобласа, субъект раҳбариятига бухгалтерия баҳосини қайтадан кўриб чиқиш керак деган илтимос билан мурожат қилиш лозим. Субъект раҳбарияти баҳони қайтадан кўриб чиқишни рад этган тақдирда, фарқ нотўғрилик деб ҳисобланади ва унинг молиявий ҳисоботга таъсири муҳимлигига баҳо беришда бошқа нотўғриликлар билан бирга кўриб чиқилади.

27. Аудитор, шунингдек, асосланган деб қабул қилинган алоҳида фарқлар бир йўналишга шундай жойлаштирилганки, улар мажмуи ҳолда молиявий ҳисоботга муҳим таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўриб чиқади. Бундай вазиятларда аудитор бухгалтерия баҳоларини умумий мажмуи шаклида кўриб чиқиши лозим.

[550]

БОҒЛИҚ ТОМОНЛАР

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	118
Боғлиқ томонларнинг мавжудлиги ва ёритилиши	119
Боғлиқ томонлар ўртасидаги операциялар	120
Боғлиқ томонлар ўртасидаги солиштирилган операцияларни текшириш	120
Субъект раҳбариятининг тақдимотлари	121
Аудиторлик хулосалар ва ҳисобот тақдим этиш	121

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда, АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда, аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади 24-Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (БҲХС) "Боғлиқ томонлар тўғрисида маълумотни ёритиш" ёки унга ўхшаш қоида молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосларнинг бир қисми бўлишдан қатъи назар, боғлиқ томонлар ва бундай томонлар билан операциялар юзасидан аудитор масъулияти ва аудиторлик муолажалар бўйича стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.

2. Аудитор боғлиқ томонлар субъекти раҳбариятининг солиштириш, улар тўғрисида маълумотни ёритиш ва боғлиқ томонлар ўртасидаги муҳим ҳисобланган операцияларнинг молиявий ҳисоботга таъсири юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларни олиш учун мўлжалланган аудиторлик муолажаларини амалга ошириши лозим. Шунга қарамасдан, аудит боғлиқ томонлар ўртасидаги барча операцияларни аниқлаб беришини кутиш мумкин эмас.

3. 200-АХС "Молиявий ҳисобот аудитини тартибга солувчи умумий тамойиллар ва унинг мақсади"да қайд этилганидек, муайян вазиятларда молиявий ҳисоботнинг алоҳида тасдиқлари бўйича хулоса чиқариладиган енгил далилларнинг ишончлилигига таъсир кўрсатиши эҳтимоли бор чекловлар мавжуд. Боғлик томонлар тўғрисида маълумот тўлиқ ёритилганлиги ҳақида молиявий ҳисоботнинг тасдиқлари юзасидан ноаниқлик даражасини ҳисобга олган ҳолда, ушбу АХСда баён этилган муолажалар, ҳар қандай солиштирилган аудиторлик вазиятлар мавжуд бўлмаган ҳолда, бундай тасдиқлар юзасидан қуйидаги етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини тақдим этади:

(а) нотўғрилик таваккалчилигини одатда кутилаётгандан юқорига оширадиган;

(б) боғлиқ томонлар юзасидан муҳим нотўғрилик вужудга келганлигига қўрсатадиган.

Қаердадир бундай вазиятлар мавжудлиги тўғрисида қандайдир белгилар бўлса, аудитор ушбу вазиятларда ўринли бўлган модификациялаштирилган, кенгайтирилган ёки қўшимча муолажаларни амалга ошириши лозим.

4. **Боғлиқ томонлар юзасидан таърифлар 24-БҲХСда тақдим этилган ва ушбу АХС мақсадлари учун қабул қилинган*.**

5. Раҳбарият боғлиқ томонлар солиштирилиши ва улар тўғрисида маълумот ёритилиши ва бундай томонлар ўртасидаги операциялар юзасидан масъулиятга эга. Бундай масъулият раҳбариятдан ҳисоб ёзувларида боғлиқ томонлар ўртасидаги операциялар тегишли солиштирилганлиги ва молиявий ҳисоботда ёритилганлигини таъминловчи бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратнинг мос тизимлари тадбиқ этилишини талаб қилади.

6. Аудитор субъект ва тармоқ фаолияти тўғрисида молиявий ҳисоботга муҳим таъсир кўрсатадиган ҳодисалар, операциялар ва амалиётни солиштириш имкониятини берадиган билимлар даражасига эга бўлиши лозим. Боғлиқ томонлар ва бундай томонлар ўртасида операциялар мавжудлиги, одатда, бизнеснинг ўзига хос тавсифи каби қаралса ҳам, аудитор уларга алоҳида эътиборини қаратиши лозим, чунки:

(а) молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асослар, 24-БҲХСнинг талабларига мувофиқ, молиявий ҳисоботда боғлиқ томонлар ва операциялар бўйича муайян ўзаро боғлиқликлар ёритилишини талаб қилиши мумкин;

(б) боғлиқ томонлар ёки боғлиқ томонлар ўртасида операциялар мавжудлиги молиявий ҳисоботга таъсир этиши мумкин. Масалан, субъектнинг солиқлар тўлаш бўйича мажбуриятлари ва харажатларига, боғлиқ томонлар мавжуд бўлганлигида алоҳида кўриб чиқишни талаб қилувчи турли юрисдикциялар бўйича солиққа оид қонунчилик таъсир кўрсатиши мумкин;

(в) аудиторлик далилининг манбаи унга аудитор томонидан бериладиган баҳога таъсир кўрсатади. Боғлиқ бўлмаган учинчи томонлардан олинган ёки улар томонидан тайёрланган аудиторлик далиллар ишончлиликнинг катта даражасига эга бўлиши мумкин;

(г) боғлиқ томонлар ўртасидаги операциялар нафақат оддий ишга оид мулоҳазалар билан, балки, масалан, фойдани тақсимлаш ёки товламачилик билан ҳам асосланиши мумкин.

Боғлиқ томонларнинг мавжудлиги ва ёритилиши

7. **Аудитор директорлар ва раҳбарият томонидан тақдим этилган барча маълум боғлиқ томонлар номини аниқлаб берувчи маълумотларни шарҳлаши ва ушбу маълумот тўлиқлиги юзасидан қуйидаги муолажаларни бажариши лозим:**

(а) маълум бўлган боғлиқ томонларнинг номини аниқлаш учун олдинги йил бўйича ишчи ҳужжатларни шарҳлаш;

(б) боғлиқ томонларни солиштириш бўйича субъект муолажаларини шарҳлаш;

(в) директор ва мансабдор шахсларнинг бошқа субъектлар билан алоқаси тўғрисида сўровнома ўтказиш;

(г) асосий акциядорлар номларини олиш учун акциядорлар бўйича ёзувларни шарҳлаш ёки, лозим бўлса, қимматли қоғозлар ушлаб турувчилари реестридан асосий акциядорлар рўйхатини олиш;

(д) акциядорлар ва директорлар кенгаши мажлисларининг баённомалари ҳамда директорларга тегишли бўлган иштирок этиш улуши реестрлари каби бошқа тегишли белгиланган ёзувларни шарҳлаш;

(е) жорий пайтда аудитда банд бўлган бошқа аудиторлар ёки олдинги аудиторлар билан қўшимча боғлиқ томонлар тўғрисида маълум бўлган маълумот ҳақида сўровнома ўтказиш;

(ж) субъектнинг даромад солиғига оид декларацияси ва назорат идораларига тақдим этиладиган бошқа маълумоти бўйича шарҳлашни амалга ошириш.

Агар, аудитор мулоҳазаси бўйича, аҳамиятли боғлиқ томонлар бўйича аниқлаб бўлмаслик таваккалчилиги паст бўлса, ушбу муолажалар тегишли равишда модификациялаштирилиши мумкин.

* 24-БҲХСга мувофиқ боғлиқ томонларнинг ва боғлиқ томонлар ўртасидаги операцияларнинг таърифи:
Боғлиқ томон - агар молиявий ва тезкор қарорларни қабул қилишда бир томон бошқа томонни назорат қилиш қобилиятига эга бўлса ёки аҳамиятли таъсир кўрсатса, томонлар боғлиқ деб ҳисобланади.
Боғлиқ томонлар ўртасида операциялар - нархи белгиланганлигидан қатъи назар, боғлиқ томонлар ўртасида заҳиралар ёки мажбуриятларнинг бир-бирига ўтказилиши.

8. **Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асослар боғлиқ томонлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ёритишни талаб қилган жойларда, аудитор бундай ёритиш мос эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.**

Боғлиқ томонлар ўртасидаги операциялар

9. **Аудитор директорлар ва раҳбарият томонидан боғлиқ томонларўртасидаги операциялар тўғрисида тақдим этган маълумотни шарҳлаши ва боғлиқ томонлар ўртасида амалга оширилган бошқа муҳим операциялар юзасидан сезгир бўлиши лозим.**

10. **Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари тўғрисида тушунчага олгандан ва назорат таваккалчилигига дастлабки баҳо бергандан кейин, аудитор боғлиқ томонлар ўртасида операцияларга рухсат бериш ва уларни ҳисобга олиш бўйича назорат муолажалари мослигини кўриб чиқиши лозим.**

11. Аудит пайтида аудитор мазкур вазиятларда ғайриодатий кўринган ва олдин солиштирилмаган боғлиқ томонлар мавжудлигига кўрсатадиган операцияларга алоҳида эътибор бериши лозим. Қуйида бундай операциялар мисол тариқасида келтирилган:

- ностандарт тижорат шартлари билан, маслан, ғайриодатий нархлар, фоиз ставкалари, кафолат ва қоплаш шартлари билан операциялар;
- кўриниши мантиқий асосланмаган операциялар;
- моҳияти шаклидан фарқли операциялар;
- ғайриодатий усул билан ишлов берилган операциялар;
- муайян буюртмачилар ёки мол етказиб берувчилар билан амалга оширилган операцияларга нисбатан йирик ёки муҳим операциялар;
- беминнат бошқарув хизматларини олиш ёки тақдим этиш каби ҳисобга олинмаган операциялар.

12. Аудит пайтида аудитор боғлиқ томонлар ўртасидаги операцияларни солиштириш имкониятини берадиган муолажаларни бажаради. Ушбу муолажаларга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин:
    - операциялар ва ҳисобварақлар қолдиқлари бўйича тест синовларини бажариш;
    - акциядорлар ва директорлар кенгаши мажлислари баённомаларининг шарҳи;
    - ҳисобот даврининг охирида ёки у якунланишига озгина вақт қолганда акс этилган операцияларга алоҳида эътибор берган ҳолда йирик ва ғайриодатий операциялар ёки ҳисобварақлар қолдиқлари бўйича ҳисоб ёзувларининг шарҳи;
    - олинган ва берилган қарзлар ва банк тасдиқлари бўйича тасдиқларнинг шарҳи. Бундай шарҳ боғлиқ томонлар ўртасидаги кафолатли ўзаро боғлиқликлар ва бошқа операцияларга кўрсатиши мумкин;
    - инвестицион операциялар, масалан, қўшма корхонада ёки бошқа субъектда иштирок этиш улушини сотиб олиш ёки сотишни шарҳлаш.

Боғлиқ томонлар ўртасидаги солиштирилган операцияларни текшириш

13. **Боғлиқ томонлар ўртасида солиштирилган операцияларни текширишда аудитор ушбу операциялар тегишли равишда ҳисобга олинганлиги ва ёритилганлиги юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олиши лозим.**

14. Боғлиқ томонлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тавсифини ҳисобга олган ҳолда боғлиқ томонлар ўртасидаги операциялар юзасидан далилларчекловларга эга бўлиши мумкин, масалан, боғлиқ томонда консигнацияда бўлган товар-моддий заҳираларнинг мавжудлиги, ёки бош компаниянинг шўъба корхонасига роялти бўйича харажатларниакс этиш юзасидан берган йўриқномаси. Бундай операциялар бўйича тегишли далилларга эришиш чекловларга эга бўлганлиги сабабли, аудитор қуйидаги муолажалар бажарилишини кўзда тутиши лозим:
    - боғлиқ томон билан амалга оширилган операциялар шартлари ва суммасини тасдиқлаш;
    - боғлиқ томонда мавжуд бўлган далилларни текшириш;
    - ушбу операцияга алоқадор бўлган шахслар, масалан, банклар, ҳуқуқшунослар, кафолатчилар ва агентлар билан маълумотни тасдиқлаш ёки муҳокама қилиш.

Субъект раҳбариятининг тақдимотлари

15. **Аудитор қуйидагилар юзасидан субъект раҳбариятининг ёзма тақдимотларини олиши лозим:**

(а) **боғлиқ томонлар солиштирилишига тегишли тақдим этилган маълумотнинг тўлиқлиги тўғрисида;**

(б) **молиявий ҳисоботда боғлиқ томонлар мос ёритилганлиги тўғрисида.**

Аудиторлик хулосалар ва ҳисобот тақдим этиш

16. **Агар аудитор боғлиқ томонлар ва бундай томонлар ўртасидаги амалга оширилган операциялар юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини ололмаса ёки молиявий ҳисоботда улар мос ёритилмаган деган хулосага келса, аудитор аудиторлик ҳисоботини тегишли равишда модификациялаштириши лозим.**

Давлат секторининг аудити

1. *Ушбу АХСнинг аудиторлик тамойилларини қўллашда, аудиторлар боғлиқ томонлар ўртасидаги операциялар юзасидан давлат сектори ва унинг ходимларига нисбатан қўлланиладиган қонунчиликка оид талабларга изоҳ беришлари лозим. Бундай қонунчилик субъектлар ва унинг ходимларига боғлиқ томонлар билан операцияларни амалга оширишни таъқиқлаши мумкин. Бундан ташқари, давлат секторининг ходимлари субъект билан касбий ва/ёки тижорат асосида амалга оширган операциялар бўйича ўзларининг иштирок этиш улуши юзасидан декларация тақдим этишлиги талаб қилиниши мумкин. Бундай қонунчилик талаблари мавжуд бўлган жойларда, ушбу талабларга номувофиқлик ҳолатларини аниқлаш мақсадида, аудиторлик муолажалар тегишли равишда кенгайтирилиши лозим.*

2. *1 "Давлат корхоналарининг молиявий ҳисоботи" Давлат сектори бўйича халқаро қўлланма Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (БҲХС) давлат секторининг тижорат корхоналари учун қўлланилади деб қайд этган вақтда, 24-БҲХС "Боғлиқ томонлар тўғрисида маълумотни ёритиш" давлат томонидан назорат қилинадиган корхоналар ўртасидаги операциялар ёритилишини талаб қилмайди. 24-БҲХС ва ушбу АХСдаги боғлиқ томонларнинг таърифи давлат сектори субъектларига нисбатан тааллуқли бўлган барча вазиятларни ҳисобга олмайди. Масалан, ушбу АХСни қўллаш мақсадида, давлат вазирликлари ва департаментлари, давлат идоралари ва бошқа давлат муасасалари ёки агентликлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мақоми кўриб чиқилмаган.*

[560]

КЕЛГУСИ ҲОДИСАЛАР

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	122
Аудиторлик ҳисоботи тайёрланиши санасигача вужудга келадиган ҳодисалар	122
Аудиторлик ҳисоботи тайёрланган санадан кейин, лекин молиявий ҳисобот чоп этигунга қадар аниқланган ҳолатлар	123
Молиявий ҳисобот чоп этилгандан кейин аниқланган ҳолатлар	124
Қимматли қоғозларнинг оммавий тақдим этилиши	124

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда, АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда, аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади келгуси ҳодисалар юзасидан стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат. Ушбу АХСда "келгуси ҳодисалар" атамаси давр якунланиши ва аудиторнинг ҳисоботи санаси ўртасида вужудга келадиган ҳодисалар билан бир қаторда, аудитор ҳисоботи санасидан кейинги аниқланган ҳолатларни белгилаш учун қўлланилади.
2. Аудитор келгуси ҳодисалар молиявий ҳисоботга ва аудиторлик ҳисоботга таъсирини кўриб чиқиши лозим.
3. 10-"Шартли ҳодисалар ва ҳисобот санасидан кейин содир этилган ҳодисалар" Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (БҲХС) давр якунлангандан кейин молиявий ҳисоботда акс этилган ижобий ҳодисалар билан бир қаторда салбий ҳодисларни ҳам кўриб чиқади ва ушбу икки турдаги ҳодисаларни солиштиради:

(а) давр охирига мавжуд бўлган шартлар бўйича қўшимча далиллар тақдим этадиганлари;

(б) давр якунлангандан кейин вужудга келган вазиятларга қаратувчилари.

Аудиторлик ҳисоботи тайёрланиши санасигача вужудга келадиган ҳодисалар

4. **Аудитор молиявий ҳисоботда тузатишлар ёки ёритишлар талаб қилиши мумкин бўлган аудиторнинг ҳисобот санасигача вужудга келган барча ҳодисалар солиштирилиши юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олиш учун муолажаларни амалга ошириши лозим.** Ушбу муолажалар, давр охирига ҳисобварақлар қолдиқлари юзасидан аудиторлик далилларни олиш учун давр якунлангандан кейин вужудга келган аниқ белгиланган операцияларга нисбатан қўлланиладиган оддий муолажаларга қўшимча равишда бажарилади, масалан, товар-моддий заҳираларни давр бўйича тақсимлаш ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишни тест синовидан ўтказиш. Шунга қарамасдан, аудитордан олдин қўлланилган муолажалар натижасида қониқарли хулосалар таъминланган барча жавҳалар бўйича узоқ муддатли шарҳлар ўтказилиши талаб қилинмайди.

5. Молиявий ҳисоботда тузатишлар ва ёритишларни талаб қилиши мумкин бўлган ҳодисаларни солиштириш бўйича муолажалар иложи борича аудиторлик ҳисоботи санасигача бажарилиши лозим; одатда улар қуйидагилардан иборат:
   - келгуси ҳодисалар солиштирилишини таъминловчи субъект раҳбарияти томонидан белгиланган муолажаларнинг шарҳи;
   - давр якунлангандан кейин ўтказилган акциядорлар, директорлар кенгаши, аудиторлик ва ижроия қўмиталарининг мажлис баённомалари билан танишиш ва баённомалари ҳали тайёрланамаган мажлисларда муҳокама қилинган масалаларни аниқлаш;
   - субъектнинг энг охирги мавжуд бўлган оралиқ молиявий ҳисоботи билан танишиш ва, агар бу керак ва ўринли бўлса, смета, пул маблағлари оқимининг башоратлари субъект раҳбариятининг бошқа ҳисоботга доир ҳужжатлари билан танишиш;
   - субъект ҳуқуқшуноси билан суд ишлари ва даъволар юзасидан сўровнома ўтказиш ёки олдинги ёзма ёки оғзаки сўровномаларни давом этиш;

субъект раҳбарияти билан молиявий ҳисоботга таъсир этиши мумкин бўлган қандайдир келгуси ҳодисалар содир этилганлиги юзасидан сўровнома ўтказиш:

- дастлабки ёки якуний бўлмаган кўрсаткичлар асосида ҳисобга олинган моддаларнинг жорий аҳволи;
- янги эҳтимолий мажбуриятлар, қарзлар ёки кафолатлар ҳисобга олинганлиги;
- активлар сотилганлиги ёки сотилиши режалаштирилганлиги;
- янги акциялар ва облигациялар чиқарилганлиги ёки чиқарилиши режалаштирилганлиги, қўшилиш ёки тугатилиш тўғрисида келишувлар тузилганлиги;
- қандайдир активлар давлат томонидан мусодара қилинганлиги ёки йўқ бўлганлиги, масалан ёнғин ёки тошқин оқибатида;
- таваккалчилик соҳалари ёки шартли ҳодисалар юзасидан қандайдир ўзгаришлар содир этилганлиги;
- ғайриодатий бухгалтерия тузатишлари киритилганлиги ёки киритилиши назарда тутилганлиги;
- молиявий ҳисоботда фойдаланилган ҳисоб сиёсати мослигини шубҳа остига оладиган қандадир ҳодисалар вужудга келганлиги ёки вужудга келиш эҳтимоли мавжудлиги, масалан, агар бундай ҳодисалар узлуксиз фаолият кўрсатиш тўғрисидаги тахминни шубҳа остига қўйган ҳолатда нима бўлиши мумкинлиги.

6. Таркибий қисм, масалан, бўлинма, филиал ёки шўъба корхнасининг аудити бошқа аудитор томонидан ўтказилган тақдирда, аудитор бошқа аудиторнинг давр якунлангандан кейинги ҳодисалар юзасидан муолажаларини ва аудиторлик ҳисоботи тайёрланишининг режалаштирилган санаси тўғрисида бошқа аудиторга хабар бериш кераклигини кўриб чиқиши лозим.
7. **Аудиторга муҳим таъсир кўрсатадиган ҳодисалар тўғрисида маълум бўлса, аудитор ушбу ҳодисалар тегишли равишда ҳисобга олинганлиги ва молиявий ҳисоботда мос равишда акс этилганлигини кўриб чиқиши лозим.**

Аудиторлик ҳисоботи тайёрланган санадан кейин, лекин молиявий ҳисобот чоп этигунга қадар аниқланган ҳолатлар

8. Аудитор аудиторлик ҳисоботи санасидан кейинги молиявий ҳисобот юзасидан бажарилган муолажалар ёки амалга оширилган ҳар қандай сўровномалар бўйича ҳеч қандай масъулиятга эга эмас. Аудитор ҳисоботи санасидан то молиявий ҳисобот чоп этилгунга қадар бўлган давр мобайнида, молиявий ҳисоботга таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида аудиторга хабар бериш юзасидан масъулият субъект раҳбарияти зиммасида бўлади.
9. **Аудиторлик ҳисоботи санасидан кейин, лекин молиявий ҳисобот чоп этилгунга қадар аудиторга молиявий ҳисоботга муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолат тўғрисида маълум бўлса, аудитор молиявий ҳисобот тузатиш талаб қилишини кўриб чиқиши ҳамда ушбу масалани субъект раҳбарияти билан муҳокама қилиши ва ушбу вазиятда ўринли бўлган ҳаракатни амалга ошириши лозим.**
10. **Раҳбарият молиявий ҳисоботга тузатишлар киритган тақдирда, аудитор ушбу вазиятлар талаб қиладиган муолажаларни бажариши ва субъект раҳбариятига тузатилган молиявий ҳисобот бўйича янги аудиторлик ҳисоботини тақдим этиши лозим. Янги аудиторлик ҳисоботига, тузатилган молиявий ҳисобот имзоланган ёки тузатилган санадан олдинроқ бўлган сана қўйилмайди ва, тегишли равишда, 4- ва 5-бандларда қайд этилган муолажаларнинг ижро муддатини янги аудиторлик ҳисоботи санасигача узайтириш лозим.**

11. **Агар аудитор молиявий ҳисоботга тузатишлар киритиш керак деб ҳисобласа, субъект раҳбарияти эса молиявий ҳисоботга тузатишлар киритмаса ва аудиторлик ҳисоботи ҳали субъектга тақдим этилмаган тақдирда, аудитор фикрини шарҳлар билан билдириши ёки салбий фикр билдириши лозим.**
12. Аудиторлик ҳисоботи субъектга берилган тақдирда, аудитор субъектни умумий бошқариш юзасидан якуний масъулиятга эга бўлган шахсларга улар молиявий ҳисобот ва унга оид аудиторлик ҳисоботини учинчи шахсларга тақдим этмаслиги тўғрисида хабар бериши лозим. Агар кейинчалик аудиторлик ҳисоботи берилса, аудитор аудиторлик ҳисоботга нисбатан бўлган ишончни олдини олиш мақсадида чора-тадбирларни кўриши лозим. Кўрилган чора-тадбирлар аудиторнинг ҳуқуқий ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан ҳамда аудитор ҳуқуқшуносининг тавсияларидан келиб чиқади.

Молиявий ҳисобот чоп этилгандан кейин аниқланган ҳолатлар

13. Молиявий ҳисобот чоп этилгандан кейин, аудитор бундай молиявий ҳисобот юзасидан амалга оширилган ҳар қандай сўровномалар бўйича ҳеч қандай масъулиятга эга бўлмайди.
14. **Молиявий ҳисобот чоп этилгандан кейин, аудиторга аудиторлик ҳисоботи санасига мавжуд бўлган ҳолат тўғрисида маълум бўлса, ва у ўша санада маълум бўлган тақдирда, аудитор томонидан ўз ҳисоботини модификациялаштириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган тақдирда, аудитор молиявий ҳисобот қайта кўриб чиқишни талаб қилишини кўриб чиқиши, масалани субъект раҳбарияти билан муҳокама қилиши ва ушбу вазиятларда ўринли бўлган чора-тадбирларни қўллаши лозим.**
15. Субъект раҳбариятияи молиявий ҳисоботни қайтадан кўриб чиққат тақдирда, аудитор илгари чоп этилган молиявий ҳисобот ва аудитор ҳисоботини олган барча фойдаланувчилар вазият тўғрисида хабар олганликларига ишонч ҳосил қилиш учун ушбу вазиятда керакли бўлган аудиторлик муолажаларини бажариши, субъект раҳбарияти томомнидан қўйилган қадамларни шарҳлаши ҳамда қайта кўриб чиқилган молиявий ҳисобот бўйича янги ҳисобот тақдим этиши лозим.
16. **Янги аудиторлик ҳисоботи илгари чоп этилган молиявий ҳисобот ва илгари тақдим этилган аудиторлик ҳисоботи қайтадан кўриб чиқилишини кенгроқ ёритиб берадиган изоҳлар билан тушунтириш банддан иборат бўлиши лозим.** Янги аудиторлик ҳисоботига қайта кўриб чиқилган молиявий ҳисобот тасдиқланган санадан олдинроқ бўлган сана қўйилиши мумкин эмас, ва тегишли равишда 4- ва 5- бандларда қайд этилган муолажаларнинг муддати, одатда, янги аудиторлик ҳисоботи санасига узайтирилади. Айрим мамлакатларнинг маҳаллий меъёрий ҳужжатлари, аудиторга келгуси ҳодисалар таъсирида қайтадан кўриб чиқишни тақозо этган ва қайтадан кўриб чиқилган молиявий ҳисоботга тегишли аудиторлик муолажаларни чеклашга рухсат этади. Бундай ҳолатларда янги аудиторлик ҳисоботида ушбу таъсир тасдиғи ҳам бўлиши лозим.
17. Субъект раҳбарияти илгари аудиторлик ҳисоботи билан биргаликда молиявий ҳисоботни олган барчалар вазият тўғрисида тегишли хабар олганлигига ишонч ҳосил қилиш учун тегишли чораларни амалга оширмаётган ва аудитор қайтадан кўриб чиқилиши лозим деб ҳисоблаган молиявий ҳисоботни кўриб чиқмаётган бўлса, аудитор субъектни умумий бошқариш юзасидан якуний масъулиятга эга бўлган *шахсларни аудитор томонидан аудиторлик ҳисоботига келгуси ишончни олдини* олиш юзасидан чора-тадбирлар қўлланиши тўғрисида хабардор қилиши лозим. Қўлланиладиган чора-тадбирлар аудиторнинг ҳуқуқий ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан ҳамда аудитор ҳуқуқшуносининг тавсияларидан келиб чиқади.
18. Кейинги давр бўйича молявий ҳисоботда тегишли маълумот ёритилиб бундай молиявий ҳисоботни чоп этиш муддати яқинлашган тақдирда, молиявий ҳисоботни қайтадан кўриб чиқиш ва янги аудиторлик ҳисоботини чоп этиш талаб қилинмаслиги мумкин.
19.

Қимматли қоғозларнинг оммавий тақдим этилиши

20. **Қимматли қоғозар оммавий тақдим этилган ҳолатларда аудитор қимматли қоғозлар тақдим этилган ҳолатлар мавжуд бўлган юрисдикциялар бўйича аудиторга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган барча ҳуқуқий ва бошқа талабларни кўриб чиқиши лозим.** Масалан, эмиссия проспектининг якуний санасигача қадар аудитордан қўшимча аудиторлик муолажаларини ўтказиш талаб қилиниши мумкин. Ушбу муолажалар, одатда, 4- ва 5-бандларда кўрсатилган муолажаларни эмиссия проспекти кучга кириш санасигача ёки ушбу санага яқинроқ санагача қадар бажаришдан ҳамда аудиторда мавжуд бўлган молиявий маълумот проспектидаги бошқа маълумотнинг изчиллигига баҳо бериш учун эмиссия проспекти билан танишишдан иборат бўлади.

[570]

УЗЛУКСИЗ ФАОЛИЯТ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	125
Субъект раҳбариятининг масъулияти	125
Аудиторнинг масъулияти	127
Режалаштириш масалалари	128
Субъект раҳбарияти томонидан берилган баҳонинг оқилоналигини аниқлаш	128
Субъект раҳбарияти томонидан берилган баҳо қамраб олмайдиган давр	129
Ҳодисалар ёки шароитларни аниқлашда қўшимча аудиторлик муолажалар	129
Аудиторлик хулосалар ва ҳисобот	130
Молиявий ҳисоботни имзолаш ёки маъқуллаш пайтида аҳамиятли кечикиш	132
Кучга кирган сана	132

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда, АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади молиявий ҳисоботни тайёрлашда молиявий ҳисоботга тегишли фаолият узлуксизлигининг, жумладан, субъект фаолиятини узлуксиз амалга оширишга қодир деган раҳбарият баҳосининг аудитида аудиторнинг масъулияти юзасидан стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.
2. **Аудиторлик муолажаларини режалаштириш ва бажаришда ҳамда унинг натижаларига баҳо беришда, аудитор молиявий ҳисоботни тайёрлашда субъект раҳбарияти томонидан фаолият узлуксиз деган тахминни мос ҳолда фойдаланганлигини кўриб чиқиши лозим.**

Субъект раҳбариятининг масъулияти

3. Молиявий ҳисоботни тайёрлашда узлуксиз фаолият деган тахмин асос солувчи тамойил бўлиб ҳисобланади. Фаолият узлуксиз деган тахминдан фойдаланишда, одатда, субъект ўз фаолиятини кўзда кўринадиган келажакда ўз фаолиятини амалга оширади ва унда тугатилиш, савдони тўхтатиш ёки қонунларга ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ кредиторлардан ҳимоя излаш учун мақсади ҳам эҳтиёжи ҳам йўқлиги кўриб чиқилади.

4. Айрим Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосларда субъект раҳбариятига субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириши мумкинлигига аниқ баҳо бериш учун очиқ-ойдин талаблари[1] ва узлуксиз фаолият муносабати билан кўриб чиқилиши ва ёритилиши керакли бўлган масалалар юзасидан стандартлар мавжуд бўлади. Масалан, 1-Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (БҲХС) "Молиявий ҳисоботни тақдим этиш" (1997 йилда қайтадан кўриб чиқилган) субъект раҳбариятидан корхона ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятини қуриб чиқишни талаб қилади[2] .
5. Бошқа молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосларда субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятига раҳбарият томонидан аниқ баҳо бериш юзасидан очиқ-ойдин қўйилган талаб мавжуд бўлмаслиги мумкин. Бироқ, фаолият узлуксиз деган тахмин молиявий ҳисоботни тайёрлашда асос бўлувчи тамойил ҳисобланганлиги сабабли, молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асослар бундай очиқ-ойдин масъулиятни кўзда тутмаган тақдирда ҳам, субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятига баҳо бериш юзасидан масъулият субъект раҳбарияти зиммасига юклатилган.
6. Субъект хозирги пайттача қадар рентабеллилик билан ишлаган ва молиявий заҳиралардан эркин фойдаланадиган тақдирда, субъект раҳбарияти ўзининг баҳо беришини муфассал таҳлилсиз амалга ошириши мумкин.
7. Фаолият узлуксиз деган тахминга субъект раҳбарияти томонидан бериладиган баҳо, ноаниқлик хусусиятларига эга бўлган келгуси ҳодисалар ва шароитлар натижалари юзасидан вақтнинг муайян дақиқасида мулоҳаза билдиришдан иборат. Бунда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим:
   - умуман, узоқ келажакка тааллуқли ҳодисалар ва шароитлар натижалари бўйича мулоҳаза чиқаришда ҳодиса ёки шароит натижаси билан бозлиқ ноаниқлик даражаси аҳамиятли ошади. Шу сабабли, субъект раҳбариятининг очиқ-ойдин баҳо беришини талаб қилувчи аксарият молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосларда субъект раҳбариятидан талаб қилинадиган барча мавжуд маълумотни ҳисобга олиш юзасидан давр белгиланади;
   - келажак тўғрисида ҳар қандай мулоҳаза мулоҳаза чиқариладиган пайтда мавжуд бўлган маълумотга асосланади. Келгуси ҳодисалар чиқарилган пайтда оқилона ҳисобланган мулоҳазага зид бўлиши мумкин;
   - субъектнинг миқдори ва мураккаблиги, бизнесининг тавсифи ва шароитлари ҳамда ташқи омилларнинг унга таъсир қилиш даражаси - буларнинг барчаси ҳодисалар ва шароитлар натижаси юзасидан мулоҳазаларга таъсир кўрсатади.
8. Қуйида алоҳида ёки бирликда фаолият узлуксиз деган тахмин юзасидан аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитлар намуналари келтирилган. Бу рўйхат тўлиқ эмас, ва шунга ўхшаш ҳодисалар ёки шароитлар бир ёки бир нечасининг мавжудлиги ҳар доим ҳам муҳим ноаниқлик мавжудлигидан далолат бермайди3 .

---

[1] Субъект раҳбариятининг субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти ва у билан боғлиқ молиявий ҳисоботни ёритиш юзасидан масъулияти бухгалтерия ҳисоби стандартлари, қонунчилик ёки меъёрий ҳужжатлар билан белгиланиши мумкин.

[2] 1-БҲХС "Молиявий ҳисоботни тақдим этиш"нинг 23- ва 24-бандларида "Молиявий ҳисоботни тайёрлашда субъект раҳбарияти корхона ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириши мумкинлигига баҳо бериши лозим. Раҳбарият корхонани тугатишни ёки савдони тўхтатишни кўзласа ёки субъект раҳбариятининг буни қилишдан бошқа амалий чоралар ва иложи бўлмаган ҳолатлардан ташқари, молиявий ҳисобот фаолият узлуксизлиги асосида таёрланиши лозим. Баҳо беришда корхона йз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти юзасидан аҳамиятли шубҳалар туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ва шароитлар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар тўғрисида субъект раҳбариятига маълум бўлган тақдирда, ушбу ноаниқликлар ёритилиши лозим. Молиявий ҳисобот фаолият узлуксизлиги асосида тайёрланмаган тақдирда, ушбу ҳолат ёритилиши лозим, шунинг билан бир қаторда, молиявий ҳисоботни тайёрлаш асоси ва корхна фаолияти узлуксиз деб кўрилишининг сабаблари ёритилиши лозим.

Фаолият узлуксиз деган тахмин мос эканлигига баҳо беришда субъект раҳбарияти чекланмасдан, лекин баланс санасидан кейин энг камида ўн икки ойни қамрайдиган кўзга кўринган келажакдаги барча мавжуд маълумотни ҳисобга олади. Қўриб чиқиш даражаси ҳар бир аниқ белгиланган ҳолатларга боғлиқ. Агар хозирги пайтгача қадар фойда билан ишлаган ва молиявий заҳиралардан эркин фойдаланган тақдирда, фаолият узлуксиз деган тахмин мос эканлиги тўғрисида хулоса муфассал таҳлил ўтказлмасдан ҳам чиқарилиши мумкин. Бошқа ҳолатларда фаолият узлуксизлик асослари мос эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун, субъект раҳбариятидан жорий ва кутилаётган рентабеллилик, қарзларни қоплаш жадваллари ва муқобил молиялаштириш манбааларининг бўлғуси имкониятларининининг кенг доираларини кўриб чиқиш талаб қилиниши мумкин." деб қайд этилган.

[3] "Муҳим ноаниқлик" жумласи 1-БҲХСда корхона ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти юзасидан муҳим шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитлар билан боғлиқ молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиш учун керакли бўлган муҳокамада қўлланилади. Бошқа молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосларда ва АҲСда "аҳамиятли ноаниқликлар" жумласи бундай вазиятларда қўлланилади.

Молиявий

- соф мажбуриятлар ёки жорий соф мажбуриятлар ҳолати;
- қоплаш муддати узайтирилиши ёки қопланиши амалий имкониятларсиз яқинлашиб келаётган муддатли қарз мажбуриятлар; ёки узоқ муддатли қарзларни молиялаштириш кўпроқ даражада қисқа муддатли қарзларга қарамлиги;
- дебиторлар ва бошқа кредиторлар томонидан молиявий қўллаб-қувватлашни рад этиш белгилари;
- ўтган даврлар молявий ҳисобот ёки истиқболлий молиявий ҳисобот кўрсатаётган операцион фаолиятдан салбий пул оқимлари;
- таянч молиявий коэффициентларнинг номувофиқ кўрсаткичлари;
- операцион фаолиятдан аҳамиятли зарарлар ёки пул оқимларини таъминлаш учун фойдаланиладиган активлар қийматининг аҳамиятли камайиши;
- дивидендлар тўланишини тўхтатиб қўйиш ёки уларни тўлаш бўйича қарз мавжудлиги;
- кредиторлик қарзни белгиланган муддатда тўлаш қобилиятига эга эмаслиги;
- кредит келишувлар шартларини бажариш қобилиятига эга эмаслиги;
- мол етказиб берувчилар билан кредит бўйича ҳисоб-китоб шартлари амалга оширилганлиги бўйича ҳисоб-китобларга ўзгартирилиши;
- муҳим янги маҳсулот ишлаб чиқиш учун молиялаштириш ёки бошқа лозим бўлган инвестицияларни олишга қобилиятга эга эмаслиги.

Операцион

- таянч раҳбарларни уларни алмаштирмасдан туриб йўқотиш;
- асосий бозор, франшиза, лицензия ёки асосий мол етказиб берувчини йўқотиш;
- меҳнат заҳиралари билан боғлиқ мураккаб ҳолатлар ёки муҳим материаллар ва заҳиралар етишмаслиги.

Бошқалар

- қонунчилик талаблари ва капитал юзасидан талабларга мувофиқ эмаслиги;
- агар ижобий ҳал қилинган тақдирда қондирилиши кам эҳтимолга эга, субъектга қарши суд ва тартибга солувчи идораларининг келгуси кўриб чиқишлари;
- субъект фаолиятига кутилаётгандек номувофиқ таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қонунчиликдаги ёки ҳукумат сиёсатидаги ўзгаришлар.

Бунга ўхшаш ҳодисалар ёки шароитларнинг аҳамиятлилиги кўпчилик ҳолатларда бошқа омиллар билан яхшиланиши мумкин. Масалан, субъект томонидан қарзни белгиланган муддатда қоплаш қобилиятига эга эмаслиги активларни сотиш, кредитлар бўйича тўловлар муддатларини қайтадан кўриб чиқиш ёки қўшимча капитал жалб қилиш каби муқобил усуллар билан пул оқимлари мослигини ушлаб туриш бўйича субъект раҳбариятининг режалари билан қопланиши мумкин. Шунга ўхшаш, асосий мол етказиб берувчининг йўқотилиши мол етказиб беришнинг тўғри келадиган муқобил манбаи мавжудлиги билан қопланиши мумкин.

Аудиторнинг масъулияти

9. Молиявий ҳисоботни тайёрлашда фаолият узлуксизлиги тўғрисида тахмин субъект раҳбарияти томонидан мос фойдаланилганлигини кўриб чиқиш ва молиявий ҳисоботда ёритилиши керак бўлган субъект томонидан фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилияти юзасидан муҳим ноаниқликлар мавжудлигини кўриб чиқиш аудиторнинг масъулияти ҳисобланади. Молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланилган Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асослар субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятига субъект раҳбарияти томонидан аниқ баҳо бериш тўғрисида очиқ-ойдин ифодаланган талаб қилмаса ҳам, аудитор субъект раҳбарияти томонидан узлуксиз фаолият кўрсатиш тахминидан фойдаланиши мослигини кўриб чиқади.
10. Аудитор субъект ўз узлуксиз фаолиятини тўхтатишга мажбур қилган келгуси ҳодисалар ва шароитларни башорат қила олмайди. Тегишли равишда аудиторлик ҳисоботида узлуксиз фаолият тўғрисида қандайдир изоҳлар мавжуд эмаслиги субъект томонидан фаолият узлуксиз давом этишига кафолат бўла олмайди.

Режалаштириш масалалари

11. Аудитни режалаштиришда аудитор субъект томонидан ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириши юзасидан аҳамиятли шубҳалар туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ва шароитлар мавжудлигини кўриб чиқиши лозим.

12. Бутун аудит пайтида аудитор субъект томонидан ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш юзасидан аҳамиятли шубҳалар туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ва шароитлар тасдиқланиши бўйича зийраклик кўрсатиши лозим. Бундай ҳодисалар ва шароитлар аниқланган тақдирда, аудитор 26-бандда баён этилган муолажалар бажарилишига қўшимча равишда улар аудиторлик таваккалчилигининг таркибий қисмга аудитор томонидан берилган баҳоларга таъсир кўрсатишини кўриб чиқиши лозим.

13. Режалаштириш пайтида аудитор фаолият узлуксизлиги тахминнига тегишли ходиса ва шароитларни кўриб чиқади, чунки бу субъект раҳбарияти билан ўз вақтида муҳокамаларни ўтказиш, субъект раҳбарияти режаларини шарҳини амалга ошириш ва узлуксиз фаолият юзасидан қандайдир муайян масалаларни ҳал этиш имкониятини беради.

14. Айрим ҳолатларда, субъект раҳбарияти аудитнинг эрта босқичларида эҳтимол дастлабки баҳо берган бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатда, субъект раҳбарияти 8-бандда қайд этилганларга ўхшаш бўлган ҳодиса ёки шароитларга аниқлаганлигини ҳамда ушбу ҳодиса ва шароиталар юзасидан субъект раҳбариятининг режаларини билиш мақсадида аудитор мазкур берилган баҳо шарҳини амалга оширади.

15. Агар раҳбарият ҳали дастлабки баҳони бермаган тақдирда, аудитор субъект раҳбарияти билан фаолият узлусизлиги тўғрисидаги тахминни қўллаш тўғрисидаги унинг фикрини муҳокама қилади ва субъект раҳбарияти билан 8-бандда қайд этилганларга ўхшаш бўлган ҳодиса ёки шароитлар мавжудлиги тўғрисида сўровнома ўтказади. Аудитор, айниқса аудитор узлуксиз фаолият кўрсатиш тўғрисидаги тахминга тегишли бўлган ҳодиса ёки шароитларни солиштириб бўлгандан кейин, субъект раҳбариятига у баҳо беришни бошлаши тўғрисида илтимоснома йўллаши мумкин.

16. Аудиторлик таваккалчилигининг таркибий қисмларига дастлабки баҳо беришни амалга оширишда аудитор солиштирилган ҳодиса ёки шароитларнинг таъсирини кўриб чиқади ва, бинобарин, уларнинг мавжудлиги аудиторлик муолажаларнинг тавсифи, муддати ва ҳажмига таъсир кўрсатиши мумкин.

Субъект раҳбарияти томонидан берилган баҳонинг оқилоналигини аниқлаш

17. Аудитор субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятига раҳбарият томонидан берилган баҳо оқилоналигини аниқлаши лозим.

18. Аудитор Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосларга мувофиқ субъект раҳбарияти томонидан баҳо беришни бажаришда фойдаланилган айнан ўша даврни кўриб чиқиши лозим. Агар субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти юзасидан берган баҳоси баланс санасидан кейин 12 ойдан кам бўлган даврни қамраб олса, аудитор баҳо бериш даврини балансдан кейин 12 ойгача узатирилиши тўғрисида субъект раҳбариятидан илтимос қилиши лозим.

19. Субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятига раҳбарият томонидан берилган баҳо аудитор томонидан фаолият улуксизлиги тўғрисидаги тахминни кўриб чиқиш учун таянч бўлим ҳисобланади. 7-бандда қайд этилганидек, субъект раҳбариятининг очиқ-ойдин ифодаланган баҳоси талаб қилинадиган аксарият молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосларда субъект раҳбарияти барча мавжуд маълумотни ҳисобга олиш даври кўрсатилади[4] .

20. Субъект раҳбарияти томонидан берилган баҳо оқилоналигини аниқлашда, аудитор раҳбарият томонидан баҳо бериш жараёни, баҳо асосланган тахминлар ва келажак ҳодсалари юзасидан субъект раҳбариятининг режаларини кўриб чиқади. Аудитор аудиторлик муолажалар ўтказилиши натижасида аудиторга маълум бўлган барча релевант маълумот баҳо беришда ҳисобга олинганлигини кўриб чиқади.

[4] Масалан, 1-БҲХС ушбу давр баланс санасидан кейин энг камида 12 ой бўлиши, лекин бу билан чекланмаслиги лозим деб белгилайди.

21. 6-бандда қайд этилганидек, агар субъект ҳозирги пайтгача қадар рентабеллилик билан ишлаган ва молиявий заҳиралардан эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлган ҳолатда, субъект раҳбарияти баҳо беришни муфассал таҳлилсиз амалга ошириши мумкин. Бундай вазиятларда ушбу баҳо мослиги тўғрисидаги аудиторнинг хулосаси, одатда, шунингдек, муфассал муолажаларни бажарилиши талаб этилмасдан берилади. Бироқ, субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти юзасидан муҳим шубҳалар туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитлар солиштирилган тақдирда, аудитор 26-бандда ёритилган қўшимча аудиторлик муолажаларини бажаради.

Субъект раҳбарияти томонидан берилган баҳо қамраб олмайдиган давр

22. **Субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти юзасидан муҳим шубҳалар туғдириши мумкин бўлган субъект раҳбарияти томонидан фойдаланилган баҳо бериш давридан ташқари ҳодисалар ёки шароитларни билишлиги юзасидан субъект раҳбарияти билан сўровнома ўтказиши лозим.**

23. Режалаштирилган ёки режалаштирилмаган маълум бўлган ҳодисалар ёки субъект раҳбарияти томонидан фойдаланилган баҳо бериш давридан ташқарида содир этилиши мумкин бўлган шароитлар молиявий ҳисоботни тайёрлашда фаолият узлуксизлиги тўғрисидаги субъект раҳбарияти томонидан фойдаланилган тахмин мослиги шубҳа остида қўйиши мумкинлигини аудитор инкор қила олмайди. Аудитни режалаштириш ва ўтказиш, жумладан, келгуси ҳодисалар юзасидан муолажаларни ўтказиш пайтида бундай ҳодиса ёки шароиталар тўғрисида аудиторга маълум бўлиши мумкин.

24. Ҳодиса ёки шароитлар натижаси билан боғлиқ ноаниқлик даражаси ушбу ҳодиса ёки шароитлар келажакда қанчалик узоқ содир этилишига қараб ошиб бориши муносабати билан, бундай ҳодиса ёки шароитларни кўриб чиқишда, фаолият узлуксизлиги юзасидан масалалар белгилари аудитор келгуси ҳаракатларни қабул қилишни кўриб чиққунга қадар, аудитор учун аҳамиятли бўлиши лозим. Фаолият узлуксизлигига баҳо бериш учун ҳодисалар ва шароитларнинг бўлғуси муҳимлик имкониятларини аниқлаш тўғрисида субъект раҳбариятидан илтимос қилиш аудиторга керак бўлиши мумкин.

25. Аудитор субъект раҳбарияти томонидан баҳо берилган даврдан ташқарида, 18-бандда қайд этилганидек, ушбу давр баланс санасидан кейин энг камида 12 ой бўлиши лозим, фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилияти юзасидан аҳамиятли шубҳа туғдирадиган ҳодисалар ва шароитлар мавжудлиги тўғрисида субъект раҳбарияти билан сўровнома ўтказилгандан ташқари бошқа муолажалар ишлаб чиқариши юзасидан масъулиятга эга бўлмайди.

Ҳодисалар ёки шароитларни солиштиришда қўшимча аудиторлик муолажалар

26. **Субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти юзасидан муҳим шубҳалар туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ва шароитларни солиштириб бўлгандан кейин, аудитор қуйидагиларни амалга ошириши лозим:**

(а) **фаолият узлуксизлигига берилган баҳога асосан субъект раҳбариятининг келгуси ҳаракатлари юзасидан режаларининг шарҳини амалга ошириш;**

(б) **керакли бўлган аудиторлик муолажаларини, жумладан, субъект раҳбариятининг қандайдир режалари ва бошқа юмшатиш омилларининг таъсирини кўриб чиқишни бажариш йўли билан муҳим ноаниқликлар мавжудлигини тасдиқлаш ёки рад этиш учун етарли бўлган тегишли аудиторлик муолажаларини тўплаши лозим;**

(в) **келгуси ҳаракатлар юзасидан субъект раҳбариятининг ёзма тақдимотларини сўраб олиш.**

27. Субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти юзасидан аҳамиятли шубҳалар туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитлар келишувни режалаштириш ёки аудиторлик муолажаларини амалга ошириш жараёнида солиштирилиши мумкин. Ҳодисалар ва шароитларни кўриб чиқиш жараёни аудитни ўтказиш вақти пайтида давом этади. Агар аудитор бундай ҳодисалар ва шароитлар субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти юзасидан аҳамиятли шубҳалар туғдириши мумкин деб ҳисобласа, муайян муолажалар кўпроқ аҳамиятликка эга бўлиши мумкин. Аудитор субъект раҳбарияти билан келгуси ҳаракатлар, жумладан, активларни тугатиш тўғрисидаги режалари, пул маблағларининг қарзи ёки қарз таркибини қайта кўриб чиқиш, харажатларни камайтириш ёки муддатини узайтириш ёки капитални ошириш юзасидан сўровнома ўтказади. Аудитор, шунингдек, субъект раҳбарияти баҳо берган санадан кейин қўшимча ҳолатлар ёки маълумот мавжудлигини кўриб чиқади. Аудитор субъект раҳбариятининг режалари амалга оширилиши ва ушбу режаларни амалга ошириш натижасида вазият яхшиланиши юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олади.

28. Бу юзасидан релевант бўлган режалар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:
    - субъект раҳбарияти билан пул оқимлари, фойда ва бошқа релевант масалаларнинг башоратининг таҳлили ва уларни муҳокама қилиш;
    - субъектнинг охирги оралиқ молиявий ҳисоботининг таҳлили ва уни муҳокама қилиш;
    - қарз мажбуриятлари ва кредит келишувларининг шартларини шарҳлаш ва уларнинг қандайдирлари бўйича хато ва камчиликларни аниқлаш;
    - акциядорлар, директорлар кенгаши ва муҳим қўмиталарнинг молиявий қийинчиликларга изоҳланган баённомалари билан танишиш;
    - субъект ҳуқуқшуносидан суд қарорлари ва даъволари ва улар натижалари юзасидан субъект раҳбариятининг берган баҳоси оқилоналиги тўғрисида маълумот олиш ва молиявий оқибатларга баҳо бериш;
    - молиявий таъминот, боғлиқ ёки учинчи томонлар билан таъминланиши ёки ушлаб турилиши учун мавжудлиги, қонунийлиги ва келишувлар мажбурий амалга оширилишини тасдиқлаш ҳамда бундай томонларнинг қўшимча маблағлар тақдим этиш бўйича молиявий қобилиятига баҳо бериш;
    - мижозларнинг ижро этилмаган буюртмалари юзасидан субъект раҳбариятининг режаларини кўриб чиқиш;
    - субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятини сусайтирадиган ёки қандайдир бошқача усул билан таъсир кўрсатадиган ҳодисаларни солиштириш учун давр якунлангандан кейинги ҳодисларни шарҳлаш.
29. Агар ҳодисалар ёки шароитларнинг келгуси натижаларини кўриб чиқишда пул маблағларининг таҳлили аҳамиятли омил бўлган тақдирда, аудитор бундай маълумотни ишлаб чиқиш учун субъект тизимининг ишончлилиги ва башорат негизида ётган тахминлар учун мос асос мавжудлигини кўриб чиқади.
    Қўшимча равишда аудитор қуйидагиларни солиштиради:

(а) яқин олдинги даврлар бўйича истиқболлий молиявий маълумотлар билан олдинги натижалар билан;

(б) жорий давр бўйича истиқболлий молиявий маълумотлар билан ҳозирги пайтда эришилган натижалар билан.

Аудиторлик хулосалар ва ҳисоботни тақдим этиш

30. Олинган аудиторлик далиллар асосида аудитор аудиторнинг фикрича субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти юзасидан алоҳида ёки бирликда аҳамиятли шубҳалар туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитлар билан боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжудлигини аниқлаши лозим.
31. Муҳим ноаниқликнинг бўлғуси таъсир кўрсатиш имконияти шунчалик каттаки, молиявий ҳисоботни тақдим этиш фойдаланувчиларни чалғитмаслиги учун, аудитор ушбу ноаниқликнинг тавсифи ва оқибатларини аниқ ёритиш лозим деган фикрга келган ҳолда, у муҳим ноаниқлик мавжуд деб ҳисоблаши мумкин.

Фаолият узлуксиз деган тахмин қўлланиши мақбуллигидан фойдаланиш, лекин муҳим ноаниқлик мавжуд.

32. Агар фаолият узлуксиз деган тахмин мақбуллигидан фойдаланиш, лекин муҳим ноаниқлик мавжуд бўлса, аудитор қуйидагиларни кўриб чиқади:

(а) молиявий ҳисобот субъект ўзининг оддий фаолиятини давом эттириш қобилияти юзасидан аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган асосий ҳодислар ёки шароитларини ва ушбу ҳодисалар ёки шароитлар юзасидан субъект раҳбариятининг режалари мос ёритаётганлигини;

(б) молиявий ҳисобот субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти юзасидан аҳамиятли шубҳалар туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитлар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудлигини аниқ кўрсатаётганлигини ва, бинобарин, оддий фаолият пайтида ўз активларини сотиш ва мажбуриятларини қоплаш қобилиятини йўқотиши мумкинлигини.

33. Агар молиявий ҳисоботда мос ёритиш қилинса, аудитор ўз фикрини шарҳларсиз билдириш, лекин субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти юзасидан аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодиса ёки шароит билан боғлиқ муҳим ноаниқлик мавжудлигига тушунтириш бандини киритиб диққатини қаратиш йўли билан аудиторлик ҳисобтини модификациялаштиради ва 32-бандда баён этилган масалаларни ёритадиган молиявий ҳисоботдаги иловаларга диққат-эътиборини қаратади.

Молиявий ҳисобот мос ёритилганлигини қўриб чиқишда, аудитор ушбу маълумот субъект ўзининг оддий фаолияти пайтида ўз активларини сотиш ва мажбуриятларини қоплаш қобилиятига эга бўлмаслиги ўқувчининг (фойдаланувчининг) диққат-эътиборини аниқ қаратаётганлигини кўриб чиқади. Қуйида аудитор иловадаги ёритиш мослиги билан қониққан бундай банднинг намунаси келтирилган:

"Бизнинг фикримиза шарҳлар қилмасдан, биз 2004 йил 31 декабрида якунланадиган йил давомида Компания ZZZ миқдорда зарар кўрганлиги ва ушбу санага Компаниянинг жорий мажбуриятлари унинг умумий активларидан ZZZга ошиб кетганлиги қайд этилган молиявий ҳисоботнинг X иловасига эътибор қаратамиз. Бу шартлар X иловада акс этилган бошқа жавҳалар билан бирликда, Компания ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти юзасидан аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган муҳим ноаниқлик мавжудлигини кўрсатади".

Ниҳоят ҳолатларда, масалан, молиявий ҳисоботга аҳамиятли бўлган кўпчилик муҳим ноаниқликлар билан боғлиқ вазиятларда, аудитор қўшимча банд киритиш ўрнига фикр билдириш мувофиқ деб ҳисоблаши мумкин.

34. **Молиявий ҳисоботда мос ёритиш қилинмаган бўлса, аудитор 700-АХС "Молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси"га мувофиқ (45- ва 46-бандлар) ўз фикрини шарҳлар билан билдириши ёки фикр билдиришдан воз кечиши лозим. Ҳисобот субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти юзасидан аҳамиятли шубҳалар туғдириши мумкин бўлган муҳим ноаниқлик мавжуд эканлиги ҳолатига аниқ изоҳланишдан иборат бўлиши лозим.**

Қуйида фикр шарҳлар билан билдирилганда тегишли бандлар намуналари келтирилган:

Компаниянинг молиявий келишувлар муддати ўтиб бормоқда, ва қарзлар суммаси 2004 йил 31 декабргача қопланиши лозим. Компания келишув шартлари қайта кўриб чиқилиши ёки муқобил молиялаштириш олишга эриша олмади. Ушбу вазият Компания ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти юзасидан аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган муҳим ноаниқлик мавжудлигини кўрсатади ва, бинобарин, у оддий фаолият пайтида ўз активларини сотиш ва мажбуриятларни қоплаш қобилиятига эга эмас. Молиявий ҳисобот (ва унинг иловаси) ушбу ҳолатни ёритмаган.

Бизнинг фикримизча, олдинги бандда қайд этилган маълумот бундан истисно, молиявий ҳисобот 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра Компаниянинг молиявий ҳолатини ҳамда ..... га мувофиқ қайд этилган санага йил бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти ва унинг пул оқимларини тўғри ва ҳаққоний акс этади (барча аҳамиятли жавҳалари бўйича ҳаққоний акс этади).

Қуйида салбий фикр билдирилганда тегишли бандлар намунаси келтирилган:

Компаниянинг молиявий келишувлар муддати ўтиб бўлган ва қарзлар суммаси 2004 йил 31 декабрда қопланиши лозим. Компания келишувлар шартларини қайтадан кўриб чиқилиши ёки муқобил молиялаштириш олишга эриша олмади ва инқирозга учраш эҳтимолини кўриб чиқмоқда. Ушбу ҳодисалар Компания ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти юзасидан аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган муҳим ноаниқлик мавжудлигини кўрсатади ва, бинобарин, у оддий фаолият пайтида ўз активларини сотиш ва мажбуриятларни қоплаш қобилиятига эга эмаслигини кўрсатади. Молиявий ҳисобот (ва унинг иловалари) ушбу ҳолатни ёритмаган.

Бизнинг фикримизча, олдинги бандда қайд этилган маълумот бундан истисно, молиявий ҳисобот 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра Компаниянинг молиявий ҳолатини ҳамда ..... га мувофиқ (ва ..... мувофиқ эмас) қайд этилган санага йил бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти ва унинг пул оқимларини тўғри ва ҳаққоний акс этмайди (барча аҳамиятли жавҳалари бўйича ҳаққоний акс этмайди).

Фаолият узлуксиз деган тахминдан фойдаланиш мақбул эмас

35. **Молиявий ҳисобот фаолият узлуксизлиги асосида тайёрланган тақдида, бироқ, аудиторнинг фикри бўйича, субъект узлуксиз фаолият кўрсата олмаса, аудитор салбий фикр билдириши лозим.** Агар бажарилган қўшимча муолажалар ва олинган маълумот, жумладан, субъект раҳбарияти режаларининг таъсири асосида аудитор субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттира олмайди деган хулоса чиқарган тақдирда, аудитор, молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланилган фаолият узлуксизлиги тўғрисидаги тахмин ёритилиши ёки ёритилмаслигидан қатъи назар, у мос эмас деган хулоса чиқаради ва салбий фикр билдиради.

36. Агар субъект раҳбарияти молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланилган фаолият узлуксизлиги тўғрисидаги тахмин мос эмас деган хулоса чиқарган тақдирда, молиявий ҳисоботни муқобил обрўли асосда тайёрлаш лозим. Агар бажарилган қўшимча муолажалар асосида ва олинган маълумот асосида аудитор муқобил асос мос деб аниқласа, аудитор ўз фикрини шарҳларсиз билдириши мумкин, агар мос ёритиш мавжуд бўлган тақдирда, ушбу асосга фойдаланувчилар диққатини жалб қилиш учун аудиторлик ҳисоботга тушунтириш бандини киритиш талаб қилиниши мумкин.

Субъект раҳбарияти томонидан баҳолашни амалга ошириш ёки берилган баҳони узайтиришни хоҳламайди

37. Субъект раҳбарияти аудиторнинг илтимосига кўра баҳолашни амалга ошириш ўзи томонидан берилган баҳони узайтиришни хоҳламаса, аудитор аудиторлик иши кўлами чекланган натижаси сифатида аудиторлик ҳисоботни модификациялаштириш масаласини кўриб чиқиши лозим. 15-, 18- ва 24-бандларда қайд этилганидек, муайян вазиятларда аудитор субъект раҳбариятидан баҳолашни амалга ошириш ёки берилган баҳони узайтириш тўғрисида илтимос қилиши мумкин. Агар субъект раҳбарияти буни бажаришни хоҳламаса, субъект раҳбарияти томонидан таҳлил камчиликларига тузатиш киритиш аудиторнинг масъулияти ҳисобланмайди ва модификациялаштирилган ҳисобот ўринли ҳисобланиши мумкин, чунки аудитор учун молиявий ҳисоботни тайёрлашда фаолият узлуксизлиги тўғрисида тахмин юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олиш имконияти мавжуд эмас.

38. Айрим вазиятларда субъект раҳбарияти томонидан амалга оширилган таҳлил камлигига қарамасдан, аудиторга субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти юзасидан қониқиш пайдо бўлишига халақит бермаслиги мумкин. Масалан, аудиторнинг бошқа муолажалари молиявий ҳисоботни тайёрлашда субъект раҳбарияти томонидан фаолият узлуксизлиги деган тахминдан фойдаланилганлиги мослигига баҳо бериш учун етарли бўлиши мумкин, чунки хозирги пайтгача қадар субъект рентабеллилик билан фаолият кўрсатган ва молиявий заҳиралардан эркин фойдаланган. Бироқ, субъект раҳбариятининг баҳоси мавжуд бўлмаган бошқа вазиятларда аудитор, эҳтимол, субъект ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти юзасидан аҳамиятли шубҳалар мавжуд бўлишлиги мумкинлигига кўрсатувчи ҳодисалар ёки шароитлар, ёки субъект раҳбариятининг ушбу вазиятлар юзасидан режалари мавжудлиги, ёки бошқа юмшатувчи омиллар борлиги мавжуд ёки мавжуд эмаслигини тасдиқлай олмаслиги ёки рад эта олмаслиги мумкин. Ушбу ваъзиятларда аудитор 700-АХС "Молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисобот"нинг 36-44-бандларига мувофиқ аудиторлик ҳисоботни модификациялаштиради.

Молиявий ҳисоботни имзолаш ёки маъқуллаш пайтида аҳамиятли кечикиш

39. Баланс санасидан кейин субъект раҳбарияти томонидан молиявий ҳисоботни имзолаш ёки тасдиқлаш юзасидан аҳамиятли кечикиш мавжуд бўлган тақдирда, аудитор кечикиш сабабларини кўриб чиқади. Кечикиш фаолият узлуксиз деган тахминга тааллуқли ҳодисалар ёки шароитлар билан боғлиқ бўлган тақдирда, аудитор 26-банда ёритилган қўшимча аудиторлик муолажаларини ўтказиш лозимлигини, шунингдек, 30-банда баён этилган муҳим ноаниқлик мавжудлиги аудитор хулосасига таъсирини кўриб чиқади.

Кучга кирган сана

40. Ушбу АХС 200 йил 31 декабрда ёки ундан кейин якунланган даврлар бўйича молиявий ҳисобот юзасидан кучга эга.

Давлат секторининг аудити

1. Молиявий ҳисоботни тайёрлашда фаолият узлуксиз деган тахминдан фойдаланишнинг мослиги, одатда, марказий ҳукуматни ёки марказий ҳукумат томонидан молиялаштириладиган давлат секторининг субъектларини аудит қилишда шубҳа туғдирмайди. Шунга қарамасдан, бундай молиялаштириш мавжуд бўлмаган жойларда ёки марказий ҳукумат томонидан молиялаштириш тўхталиши мумкин бўлган жойларда ва субъект фаолияти таваккалчилик остида бўлган тақдирда, ушбу АХС фойдали қўлланма беради. Давлат субъектлари акциядорлашиши ва хусусийлаштирилиши сари, фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ масалалар давлат сектори учун янада ҳам муҳимлироқ бўлиб қолади.

[580]

СУБЪЕКТ РАҲБАРИЯТИНИНГ ТАҚДИМОТЛАРИ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	133
Молиявий ҳисобот юзасидан субъект раҳбарияти томонидан ўз масъулиятини тан олиши	133
Субъект раҳбариятининг тақдимотлари аудиторлик далиллар сифатида	133
Субъект раҳбариятининг тақдимотларини ҳужжатли расмийлаштириш	134
Субъект раҳбарияти тақдимотлар тақдим этишдан бош тортган ҳолда ҳаракатлар	135
Илова. Субъект раҳбарияти хат-тақдимотининг намунаси	

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда, АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади субъект раҳбариятининг тақдимотларидан аудиторлик далиллари сифатида фойдаланиш, ҳамда субъект раҳбарияти тақдимотларини баҳолаш ва ҳужжатли расмийлаштириш ва агар раҳбарият тегишли тақдимотларни тақдим этишдан бош тортган тақдирда, амалга ошириладиган ҳаракатлар юзасидан стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.
2. Аудитор субъект раҳбариятидан тегишли тақдимотларни олиши лозим.

Молиявий ҳисобот юзасидан субъект раҳбарияти томонидан ўз масъулиятини тан олиши

3. Аудитор субъект раҳбарияти Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосларга мувофиқ молиявий ҳисобот ҳақиқий тақдим этилиши юзасидан ўз масъулиятини тан олганлиги ва молиявий ҳисобот субъект раҳбарияти томонидан тасдиқланганлиги бўйича далил олиши лозим. Аудитор раҳбарият бундай масъулиятни тан олиш ва молиявий ҳисоботни тасдиқлаш юзасидан далилни директорлар кенгаши ёки шунга ўхшаш идора мажлисининг тегишли баённомаларидан ёки субъект раҳбариятининг ёзма тақдимотномаларидан ёки имзоланган молиявий ҳисоботнинг нусхасидан олиши мумкин.

Субъект раҳбариятининг тақдимотлари аудиторлик далиллар сифатида

4. Оқилоналик нуқтаи-назаридан бошқа етарли бўлган тегишли далиллар мавжудлиги кутилмаётган ҳолда, аудитор субъект раҳбариятидан молиявий ҳисобот учун муҳим бўлган масалалар бўйича ёзма тақдимотлар олиши лозим. Оғзаки тақдимотлар субъект раҳбарияти томонидан ёзма равишда тасдиқланган тақдирда, раҳбарият билан аудитор ўртасида тушунмовчиликлар вужудга келиш эҳтимоли камайяди. Раҳбарият томонидан тақдим этиладиган хатга ёки раҳбариятга йўлланиладиган тақдимот хатига киритилиши мумкин бўлган масалалар ушбу АХСнинг иловасида келтирилган.

5. Раҳбариятдан сўраб олинадига ёзма тақдимотлар, мажмуи ёки алоҳида кўринишда, молиявий ҳисобот учун муҳим масалалар доираси билан чекланиши мумкин. Муайян моддалар юзасидан аудитор улар муҳимлигини тушунганлиги тўғрисида субъект раҳбариятига хабар бериш эҳтиёжи пайдо бўлиши мумкин.

6. Аудит ўтказиш пайтида раҳбарият ўз ташаббуси билан ёки аниқ белгиланган сўровномалар бўйича аудиторга жуда кўп тақдимотлар тақдим этади. Бундай тақдимотлар молиявий ҳисобот учун муҳим масалаларга тегишли бўлган тақдирда, аудитор қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

(а) субъект ичидаги ёки унинг ташқарисидаги манбаалардан тасдиқловчи аудиторлик далилларни излаши;

(б) субъект раҳбариятининг тақдимотлари оқилоналиги ва улар олинган бошқа аудиторлик далилларга, жумладан бошқа тақдимотларга изчиллигига баҳо бериш;

(в) субъект тақдимотларини тайёрловчи шахслар алоҳида масалалар бўйича қанчалик яхши хабардор эканлигини кўриб чиқиш.

7. Субъект раҳбариятининг тақдимотлари аудитор асосли ҳолда олишни кутаётган бошқа аудиторлик далиллар ўрнини боса олмайди. Масалан, активлар таннархи юзасидан субъект раҳбариятининг тақдимотлари, аудитор ушбу таннарх бўйича одатда олишни кўзлаган аудиторлик далил ўрнини боса олмайди. Агар аудитор молиявий ҳисоботта муҳим таъсир кўрсатадиган ёки кўрсатиши мумкин бўлган масала бўйича етарли бўлган тегишли аудиторлик далилини ололмаган ва бундай далилни олиш осон деб тахмин қилган тақдирда, ушбу масала бўйича субъект раҳбариятининг тақдимоти олинганда ҳам, бу аудит қўламини чеклаш деб ҳисобланади.

8. Муайян ҳолатларда, субъект раҳбариятининг тақдимотлари, натижаларни оқилона кутиш бўйича мавжуд бўлган ягона аудиторлик далил бўлиб ҳисобланади. Масалан, аудиторнинг субъект раҳбариятининг муайян инвестицияларни улар қиймати узоқ муддатда ошгунга қадар ушлаб туриш мақсадларини тасдиқлаш учун бошқа аудиторлик далилларини кутишга эҳтиёжи йўқ.

9. **Агар субъект раҳбариятининг тақдимотлари бошқа аудиторлик далилга зид бўлса, аудитор вазиятларни ўрганиб чиқиши ва, лозим бўлса, субъект раҳбарияти томонидан қилинган бошқа тақдимотларни қайтадан кўриб чиқиши лозим.**

Субъект раҳбариятининг тақдимотларини ҳужжатли расмийлаштириш

10. Аудитор одатда, субъект раҳбариятининг тақдимотлари олинганлиги ҳолатини тасдиқловчи далилларни раҳбарият билан қилинган сухбатларни қисқа баён қилиш шаклида ёки субъект раҳбариятининг ёзма тақдимотлари кўринишида ишчи ҳужжатларга киритади.

11. Субъект раҳбариятининг ёзма равишдаги тақдимотлари оғзаки тарздагилардан яхшироқ далил ҳисобланади ва қуйидаги кўринишда расмийлаштирилиши мумкин:

(а) субъект раҳбариятидан йўлланган хат-тақдимот кўринишида;

(б) тегишли равишда субъект раҳбарияти томонидан тан олинган ва тасдиқланган субъектнинг тақдимотлари аудитор томонидан тушунганлигини баён қилувчи аудиторнинг хати; ёки:

(в) директорлар кенгаши ёки шунга ўхшаш идоранинг тегишли баённомалари ёки имзоланган молиявий ҳисоботнинг нусхаси.

Субъект раҳбарияти хат-тақдимотининг асосий элементлари

12. Субъект раҳбариятидан хат-тақдимотни сўраб, аудитор ушбу хат унинг номига йўлланиши, аниқ белгиланган маълумотга эга бўлиши ва тегишли равишда сана қўйилиши ва имзоланишини сўрайди.

13. Хат-тақдимотга, одатда, аудиторлик ҳисоботи имзоланган сана қўйилади. Бироқ муайян вазиятларда, аниқ белгиланган операциялар ва бошқа ҳодисалар юзасидан алоҳида хат-тақдимот, шунингдек, аудит пайтида ёки аудиторлик ҳисоботи тайёрланган санадан кейин, масалан, қимматли қоғозларни оммавий тақдим этиш санасидан кейин олиниши мумкин.

14. Субъектнинг хат-тақдимоти, одатда, асосан субъект фаолиятига жавоб берадиган, яхши билим ва ишончга асосланган ҳолда, унинг аъзоларитомонидан имзоланади (одатда бу катта ижроия директор ва катта молиявий директор). Муайян вазиятларда аудитор субъект раҳбариятининг бошқа аъзоларидан ҳам хат-тақдимот олишни хоҳлаши мумкин. Масалан, аудитор акциядорлар, директорлар кенгаши ва бошқа муҳим қўмиталар мажлиси баённомаларининг тўлиқлиги юзасидан ёзма хат-тақдимотни ушбу баённомалар юритилишига масъул бўлган шахсдан олиши мумкин.

Субъект раҳбарияти тақдимотлар тақдим этишдан бош тортган ҳолда ҳаракатлар

15. **Агар субъект раҳбарияти аудитор керакли деб ҳисоблаган тақдимотларни тақдим этишдан бош тортса, бу аудит қўламини чеклаш деб ҳисобланади, ва аудитор ўз фикрини шарҳлар билан билдириши ёки фикр билдиришдан воз кечиши лозим.** Бундай вазиятларда аудитор, одатда, аудит пайтида субъект раҳбарияти томонидан қилинган бошқа барча тақдимотларнинг ишончлилик даражасига баҳо беради ва аудиторлик ҳисоботига рад этишнинг ҳар қандай бошқа натижаларининг таъсирини кўриб чиқади

Илова

Субъект раҳбарияти хат-тақдимотининг намунаси

Қуйида келтирилган хат стандартлашган шакл ҳисобланмайди. Субъект раҳбариятининг тақдимотлари бир субъектдан иккинчисига, бир даврдан иккинчисига қараб ўзгариши мумкин.

Субъект раҳбариятидан турли жавҳалар бўйича тақдимотлар олишга интилиш раҳбарият диққатини ушбу жавҳаларга жалб қилиш учун хизмат қилганлиги билан ва, шундай қилиб, маълумот тақдим этиш бўйича сўровнома мавжуд бўлмаган ҳолатга нисбатан, субъект раҳбарияти томонидан айнан ушбу жавҳалар бўйича янада ҳам батафсилроқ ишлашга даъват қилганлиги билан, аудитор ушбу АХСга мувофиқ аудиторлик далиллар сифатида фойдаланиладиган субъект раҳбарияти тақдимотларининг чекловлари тўғрисида хабардор бўлиши лозим.

(Корхонанинг фирма бланкаси)

(Аудиторга) (Сана)

Ушбу хат Сиз томондан АВС Компаниясининг 2004 йил 31 декабрда якунланган йили бўйича ушбу сана ҳолатига кўра, (тегишли Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асослар кўрсатилсин) мувофиқ, АВС Компаниясининг молиявий ҳисоботи унинг молиявий ҳолати ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳамда ушбу санада якунланган йил бўйича пул оқимларини ҳақиқий ва ишончли акс этишини (ёки "барча муҳим жавҳалар бўйича ҳақиқий тақдим этилган") аниқлаш мақсадида молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш муносабати билан тақдим этилади.

Биз молиявий ҳисоботни (тегишли Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асослар кўрсатилсин)га мувофиқ тақдим этилганлиги юзасидан ўз масъулиятимизни тан оламиз[1] .

[1] Агар лозим бўлса, "Директорлар кенгаши номидан (ёки шунга ўхшаша идора номидан)" деб қўшиб қўйилади.

СУБЪЕКТ РАҲБАРИЯТИНИНГ ТАҚДИМОТЛАРИ

2000.16.03

Биз энг яхши билимлар ва ишончга асосланиб қуйидаги тақдимотларни тасдиқлаймиз:

Қуйида субъектга тааллуқли бўлган тақдимотлар келтирилиши лозим. Бундай тақдимотлар қуйидаги жавҳалардан иборат бўлиши мумкин:

- *Раҳбарият ва бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларида аҳамиятли ўрин тутган ходимлар томонидан ҳеч қандай қоидабузарлик ёки молиявий ҳисоботга муҳим таъсир кўрсатадиган ҳолатлар содир этилмаган.*
- *Биз Сизга мавжуд бўлган барча бухгалтерия китоблари ва тасдиқловчи ҳужжатларни, акциядорлар ва директорлар кенгаши мажлисларининг баённомаларини (айнан 2004 йил 15 мартдан 2004 йил 30 сентябргача ўтказилганлари бўйича) тақдим этмоқдамиз.*
- *Биз боғлиқ томонлар солиштирилиши юзасидан тақдим этилган маълумот тўлиқлигини тасдиқлаймиз.*
- *Молиявий ҳисоботда, жумладан ташлаб кетилган жойларида ҳам, муҳим нотўғриликлар мавжуд эмас.*
- Компания, агар ҳаракатлар ушбу жавҳаларга мувофиқ бўлмаган ҳолатда, молиявий ҳисоботга муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шартномавий мажбуриятларнинг барча жавҳаларига мувофиқ ҳаракат қилган. Компания агар ҳаракатлар ушбу талабларга муофиқ бўлмаганда молиявий ҳисоботга муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳукуматнинг тартибга солувчи идораларининг талабларига мувофиқ ҳаракат қилган:
  - *Қуйида келтирилган маълумот молиявий ҳисоботда тегишли равишда акс этилган ва мос ёритилган:*

(а) *боғлиқ томонлар ҳамда ҳисобварақлар қолдиқлари ва боғлиқ томонлар билан операциялар солиштирилган:*
(б) *сотиб олиш-сотиш бўйича мажбуриятлар тузилиши натижасидаги зарарлар;*
(в) *олдин сотилган активларни қайтадан сотиб олиш бўйича келишувлар ва опционлар;*
(г) *таъминлаш сифатида гаровга қўйилган активлар.*

  - *Бизда молиявий ҳисоботда акс этилган активлар ва мажбуриятларнинг баланс қиймати ёки туркумланишини муҳим ўзгартириши мумкин бўлган ҳеч қандай режа ва ниятларимиз мавжуд эмас;*
  - *Биз қандайдир маҳсулот ишлаб чиқарилишини тўхтатишни режалаштирмаганмиз ва бизда товар-моддий заҳираларнинг қандайдир ортиқчалигига ёки эскиришига олиб келувчи бошқа режа ёки ниятларимиз мавжуд эмас; ҳисобда акс этилган товар-моддий заҳиралар қиймати сотувнинг соф қийматидан юқори эмас;*
  - *Компания барча активларга эгалиқ қилиш учун етарли ҳуқуқга эга, молиявий ҳисоботнинг Х иловасида қайд этилганидан ташқари, компания активлари юзасидан мулкий ёки гаров талаблари мавжуд эмас;*
  - *Биз барча мажбуриятларни, жумладан, амалдагиларни ҳам, шартлиларини ҳам ҳисобга олдик ёки тегишли равишда ёритдик,*
  - *Бундан ташқари, молиявий ҳисоботнинг Х иловасида биз учинчи томонларга тақдим этган барча кафолатларни ёритдик;*
  - *Молиявий ҳисоботнинг Х иловасида келтирилган ..... дан ташқари, ҳисобот санасидан кейин молиявий ҳисоботда ёки ушбу молиявий ҳисоботнинг иловасида тузатиш ёки ёритишни талаб қиладиган ҳеч қандай ҳодисалар мавжуд эмас;*
  - *XYZ компаниясининг ҳисобланиши молиявий ҳисоботда тегишли равишда акс этилган даъвоси XXX суммада қопланган. Бошқа ҳеч қандай суд даъволари мавжуд эмас ва кўзда тутилмаган;*
  - *Бизнинг қандайдир пул ёки инвестицион ҳисобварақларимиз бўйича коплаш қолдиги юзасидан ҳеч қандай расмий ёки норасмий шартномалар мавжуд эмас. Молиявий ҳисоботнинг Х иловасида ёритилгандан ташқари, бизда кредитлаш бўйича ҳеч қандай келишувлар мавжуд эмас;*
  - *Биз молиявий ҳисоботда акциядорлик капиталини сотиб олиш бўйича опцион ва шартномаларни ҳамда опцион ўтказиш, варрантлар бериш конверсияни амалга ошириш ва бошқа талабларни бажариш учун акциядорлик капиталини тегишли равишда ҳисобга олдик ёки ёритдик.*

Бош ижроия директор

Бош молиявий директор

580

[600]

БОШҚА АУДИТОР ИШИДАН ФОЙДАЛАНИШ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	137
Асосий аудитор нуқтаи-назарини қабул қилиш	138
Асосий аудитор томонидан бажарадиган муолажалар	138
Аудиторлар ўртасида ҳамкорлик	139
Ҳисоботни тақдим этиш бўйича масалалар	139
Масъулиятни ажратиш	139

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда, АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади субъектнинг молиявий ҳисоботи бўйича ҳисобот тақдим этадиган аудитор субъектнинг молиявий ҳисоботига киритилган молиявий маълумотнинг бир ёки ундан кўпроқ қисмлари бўйича бошқа аудиторнинг ишидан фойдаланган ҳолатда стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат. Икки ёки ундан кўп аудиторлар қўшма аудиторлар сифатида тайинланганда, шунингдек, аудитор олдинги аудитор билан ўзаро алоқаларда бўлганда ҳам ушбу АХС кўрилмайди. Сўнгра, асосий аудитор субъект таркибий қисмининг молиявий ҳисоботи муҳим эмас деган хулосага келганда ушбу АХСнинг стандартлари қўлланилмайди. Шунга қарамасдан, ўз-ўзидан муҳим бўлмаган субъектнинг бир неча таркибий қисмлари бирликда муҳим ҳисобланса, ушбу АХСда баён этилган муолажаларни кўриб чиқиш лозим.
2. Асосий аудитор бошқа аудитор ишидан фойдаланилган тақдирда, асосий аудитор бошқа аудиторнинг иши аудитга қандай таъсир кўрсатишини аниқлаши лозим.
3. "Асосий аудитор" - аудити бошқа аудитор томонидан ўтказилган, молиявий ҳисобот субъектнинг бир ёки ундан кўпроқ таркибий қисмлари бўйича молиявий маълумотдан иборат бўлган тақдирда, субъектнинг молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик ҳисоботини тайёрлаш учун масъулиятга эга бўлган аудитор.
4. "Бошқа аудитор" - асосий аудитордан фарқли ва асосий аудитор томонидан аудит ўтказилган молиявий ҳисоботига киритилган субъект таркибий қисмининг молиявий ҳисоботи бўйича ҳисобот тайёрлаш учун масъулиятга эга бўлган аудитор. "Бошқа аудиторлар" тушунчасига ҳудди шу ёки бошқа ном билан аталган аффилиирланган фирмалар, ушбу компания билан боғлиқ бўлмаган фирма-корреспондентлар киритилади
5. "Таркибий қисм" - молиявий маълумоти асосий аудитор томонидан ўтказилган бўлинма, филиал, шўъба корхонаси, қўшма корхона, уюшмалаштирилган компания ёки бошқа субъект.

Асосий аудитор нуқтаи-назарини қабул қилиш

6. **Аудитор ўзининг шахсий иштироки асосий аудитор сифатида ҳаракат қилиш учун етарли эканлигини кўриб чиқиши лозим.** Шу мақсадда асосий аудитор қуйидагиларни кўриб чиқиши лозим:

(а) аудити асосий аудитор томонидан ўтказилган молиявий ҳисобот қисмининг муҳимлиги;

(б) асосий аудитор томонидан субъект таркибий қисмининг бизнесини билиш даражаси;

(в) аудити бошқа аудитор томонидан ўтказилган субъект таркибий қисмининг молиявий *ҳисоботидаги муҳим нотўғриликлар тавакқалчилиги*;

(г) асосий аудитор аудитда аҳамиятли иштирок этишга олиб келувчи бошқа аудитор томонидан субъектнинг таркибий қисми аудити юзасидан ушбу АХСда баён этилган қўшимча муолажаларни бажариш.

Асосий аудитор томонидан бажарадиган муолажалар

7. **Бошқа аудитор ишидан фойдаланишни режалаштирганда, асосий аудитор аниқ белгиланган топшириқ контекстида бошқа аудиторнинг касбий хабардорлигини кўриб чиқиши лозим.** Бундай кўриб чиқиш учун маълумотнинг айрим манбаи бўлиб касбий ташкилотда умум қабул қилинган аъзолик, бошқа фирмада умум қабул қилинган аъзолик ёки қандайдир бошқача алоқадорлик ёки бошқа аудитор ишлайдиган касбий ташкилотнинг тавсияномаси ҳисобланади. Тегишли ҳолатларда бундай манбааларни бошқа аудиторлар, банкирлар ва ҳоказолар билан сўровномалар ўтказиш ёки бошқа аудитор билан муҳокама ўтказиш билан кенгайтириш мумкин.

8. **Асосий аудитор аниқ белгиланган топшириқ контекстида бошқа аудиторнинг иши асосий аудиторнинг мақсадларига мувофиқ эканлиги юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олиш учун муолажаларни бажариши лозим.**

9. Асосий аудитор бошқа аудиторга қуйидагилар бўйича тавсиялар бериши лозим:

(а) субъект билан бир қаторда, унинг таркибий қисмига нисбатан мустақил бўлиш тўғрисида талаблар ва бу билан рози бўлганлиги тўғрисида ёзма равишда тасдиқ олиш;

(б) аудитор томонидан бажариладиган иш ва унинг ҳисоботи фойдалилиги ва аудитнинг дастлабки режалаштириш босқичида улар ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун етарли келишиб олиш. Асосий аудитор бошқа аудиторни алоҳида кўриб чиқишни талаб этадиган бўлимлар, ёритишни талаб этиши мумкин бўлган фирма ичидаги операцияларни солиштириш ва аудитни якунлаш учун иш жадвали каби жавҳалар билан таништириши лозим;

(в) бухгалтерия ҳисоби, аудит ва ҳисобот талаблари ва улар билан рози эканлигини тасдиқлаш учун ёзма тасдиқнома олиш.

10. Асосий аудитор шунингдек, масалан, бошқа аудитор билан қўлланиладиган аудиторлик муолажаларини муҳокама қилиши, бошқа аудитор ёзма муолажалар резюмесининг шарҳлаши (саволнома ёки назорат рўйхати кўринишида бўлиши мумкин) ёки бошқа аудиторнинг ишчи ҳужжатларини шарҳлаши мумкин. Асосий аудитор хоҳиши бўйича бошқа аудиторга ташриф буюрганда ушбу муолажаларни бажариши мумкин. Муолажаларнинг тавсифи, муддати ва ҳажми келишувнинг аниқ белгиланган вазиятларидан ва асосий аудитор бошқа аудиторнинг касбий хабардорлигини билишлигига боғлиқ. Бу билимлар бошқа аудиторнинг олдинги аудиторлик ишини шарҳлаш натижасида кенгайиши мумкин.

11. Асосий аудитор 10-бандда баён этилган муолажаларни қўллаш зарурияти йўқ деган хулосага келиши мумкин, чунки олдин бошқа аудитор ўз амалиётида қабул қилинган сифат назоратининг сиёсати ва муолажаларига риоя қилганлиги тўғрисида етарли бўлган тегишли аудиторлик далиллари олинган. Масалан, улар аффилиирланган фирмаларга тааллуқли бўлса, асосий аудитор ва бошқа аудитор ички фирма шарҳи, амалдаги сиёсат ва муолажалар бўйича тестлар, танлаб олиш аудити бўйича ишчи ҳужжатларни шарҳлаш каби аудиторлик далилларини тақдим этувчи муолажаларни назарда тутган узоқ муддатли расмий алоқаларда бўлиши мумкин.

12. **Асосий аудитор бошқа аудиторнинг аҳамиятли амалдаги хулосаларини кўриб чиқиши лозим.**

13. Асосий аудитор бошқа аудитор ва таркибий қисм раҳбарияти билан аудиторлик амалдаги хулосаларни ёки таркибий қисмнинг молявий ҳисоботига таъсир этувчи бошқа жавҳаларни муҳокама қилиш ўринли деб ҳисоблаши мумкин ҳамда ёзувлар бўйича ёки таркибий қисмнинг молиявий маълумоти бўйича қўшимча тест синовларини ўтказиш лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.
14. Асосий аудитор таркибий қисм аудити бўйича ишчи ҳужжатларида бошқа аудитор томонидан кимнинг молиявий маълумоти аудит қилинганлигини, умуман субъект молиявий ҳисоботи учун уларнинг аҳамиятлилигини, бошқа аудиторларнинг номларини ва субъект алоҳида таркибий қисмларининг молиявий ҳисоботи муҳим эмаслиги тўғрисида қилинган қандайдир хулосаларни ҳужжатли расмийлаштириши лозим. Асосий аудитор, шунингдек, бажарилган муолажалар ва чиқарилган хулосаларни ҳужжатлаштириши лозим. Масалан, бошқа аудиторнинг шарҳланган ишчи ҳужжатларини солиштириш ва бошқа аудитор билан қилинган муҳокама натижаларини ёзиб бориш лозим. Шунга қарамасдан, асосий аудитор 11-бандда баён этилган вазиятларда муолажалар чекланиши сабабларини, агар ушбу сабаблар асосий аудитор фирмасидаги қандайдир ҳужжатларда қисқа баён этилганда, ҳужжатлаштиришга эҳтиёж йўқ.

Аудиторлар ўртасида ҳамкорлик

15. **Асосий аудитор бошқа аудиторнинг ишидан фойдаланиш контекстидан хабардор бўлган бошқа аудитор, асосий аудитор билан ҳамкорлик қилиши лозим.** Масалан, бошқа аудитор қўйилган талабларга мувофиқ бажара олмайдиган бошқа аудиторнинг ҳар қандай иш жавҳаларига асосий аудиторнинг диққатини жалб қилиши лозим. Ҳудди шунга ўхшаш, ҳуқуқий ва касбий мулоҳазаларга мувофиқ, бошқа аудитор асосий аудиторнинг эътибори учун етиб борган ва бошқа аудиторнинг ишига муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай жавҳалар бўйича маслаҳатга муҳтож бўлади.

Ҳисоботни тақдим этиш бўйича кўриладиган масалалар

16. **Асосий аудитор бошқа аудиторнинг ишидан фойдаланиб бўлмайди деган хулосага келганда ва асосий аудитор бошқа аудитор томонидан субъектнинг таркибий қисми аудит қилинганлиги юзасидан етарли бўлган қўшимча муолажаларни бажара олмаган тақдирда, аудит қўлами чекланганлиги сабабли, асосий аудитор ўз фикрини шарҳлар билан билдириши ёки фикр билдиришни рад этиши лозим.**
17. Агар бошқа аудитор модификацияланштирилган аудиторлик ҳисоботи тақдим этса ёки тақдим этишни мўлжалласа, асосий аудитор ҳисобот берадиган субъектнинг молиявий ҳисоботи юзасидан бундай тавсиф ва аҳамиятга эга бўлган модификация жавҳаси ишончлилиги шунчаликки, асосий аудиторнинг ҳисоботи модификацияланштиришни талаб қилишгача олиб келишини кўриб чиқиши лозим.

Масъулиятни ажратиш

18. Олдинги бандлардаги қўлланмаларга мувофиқ бўлиш мақбул бўлганига қарамасдан, айрим мамлакатларнинг меъёрийҳужжатлари асосий аудиторга умуман молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосани бошқа аудиторнинг субъектнинг бир ёки кўпроқ таркибий қисмлари аудити бўйича ҳисоботига асосан шакллантиришга имконият беради. **Асосий аудитор бундай қилган тақдирда, асосий аудиторнинг ҳисоботида ушбу ҳолат аниқ белгиланиши ва бошқа аудитор молиявий ҳисоботнинг бир қисми юзасидан амалга оширган аудитининг муҳимлиги акс этилиши лозим.** Асосий аудитор аудиторлик ҳисоботда бундай изоҳ берган тақдирда, аудиторлик муолажалар, одатда, 7- ва 9-бандларда келтирилганлар билан чекланади.

Давлат секторининг аудити

1. *Ушбу АХСнинг асосий тамойиллари давлат секторининг аудитида қўлланилади, бироқ бошқа аудиторнинг ишидан фойдаланишда кўриб чиқилиши лозим бўлган масалаларга қўшимча равишда давлат сектори учун қўшимча қўлланма талаб қилинади. Масалан, агар қонунчилик аниқ белгиланган аудиторлик стандартларга мувофиқликни тавсия этган тақдирда, давлат секторининг асосий аудитори бошқа аудитор томонидан ушбу стандартларга риоя қилинганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Давлат секторининг субъектларига нисбатан Давлат секторининг қўмитаси ушбу АХСга киритилган қўлланмани ўзининг 4-"Бошқа аудиторлар ишидан фойдаланиш - давлат секторининг аудити" билан тўлдирди.*

[610]

ИЧКИ НАЗОРАТ ХИЗМАТИ ИШИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	140
Ички аудит хизматининг қўлами ва вазифалари	140
Ички аудит хизмати билан ташқи аудит ўртасидаги ўзаро боғлиқлик	141
Ички аудит хизматини тушуниш ва унга дастлабки баҳо бериш	141
Ўзаро таъсир муддатлари ва мувофиқлаштириш	142
Ички аудит хизмати ишига баҳо бериш ва тест синовини ўтказиш	142

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда, АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади ички аудит хизмати ишини қўриб чиқишда ташқи аудиторлар учун стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат. Ички аудит хизматининг ходимлари ташқи аудит муолажаларини бажаришда ташқи аудиторларга ёрдам берганда ушбу стандарт қўлланилмайди. Ушбу стандартда келтирилган муолажалар молиявий ҳисоботнинг аудитига тааллуқли бўлган ички аудиторлик фаолияти учун қўлланиши лозим.
2. **Ташқи аудитор ички аудит хизмати фаолиятини ва унинг ташқи аудиторлик муолажаларга таъсирини, агар бундай ҳолат бўлса, кўриб чиқиши лозим.**
3. "Ички аудит" субъект ичида унинг бир хизмат бўлинмаси сифатида ташкил этилган ишга баҳо бериш фаолиятини ифодалайди. Бошқа масалалар билан бир қаторда, унинг вазифасига бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини текшириш, баҳо бериш ва унинг мослиги ва самарадорлиги юзасидан мунтазам равишда назоратни амалга ошириш киради.
4. Ташқи аудитор билдирилган аудиторлик фикр ва ташқи аудиторлик муолажаларнинг тавсифи, муддати ва ҳажмини аниқлаш юзасидан якка тартибда масъулиятга эга бўлганлиги билан, ички аудиторлик хизматининг муайян элементлари ташқи аудитор учун фойдали бўлиши мумкин.

Ички аудит хизматининг қўлами ва вазифалари

5. Ички аудит хизматининг қўлами ва вазифалари ўзгарувчан ва субъектнинг катталиги ва тизими ҳамда раҳбариятининг талабларига қарам бўлади. Одатда ички аудиторлик фаолияти қуйидаги масалаларнинг бир ёки бир нечасини қамраб олади:
   - бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини шарҳлаш. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратнинг тегишли тизимларини ташкил этиш субъект раҳбариятининг масъулиятида бўлади ва ҳар доим назоратни талаб қилади. Одатда субъект раҳбарияти ички аудитга ушбу тизимларни шарҳлаш, вазифасини бажариш юзасидан мунтазам назоратни амалга ошириш ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш юзасидан муайян масъулият юклайди;

- молиявий ва операцион маълумотни текшириш. Ушбу иш солиштириш, ўлчаш, туркумлаш ва акс этиш учун фойдаланиладиган воситаларни шарҳлашдан ҳамда алоҳида моддалар бўйича аниқ сўровномаларни ўтказиш, жумладан, операциялар, ҳисобварақлар сальдолари ва муолажаларни муфассал тест синовидан ўтказишдан иборат бўлиши мумкин;
- фаолият тежамкорлиги, оқилоналиги ва самарадорлигини, жумладан, субъект иши юзасидан молиявий бўлмаган назорат воситаларини шарҳлаш;
- қонунчиликка, меъёрий ҳужжатларга ва бошқа ташқи талабларга ҳамда субъект раҳбариятининг сиёсати, кўрсатмалари ва бошқа ички талабларга мувофиқлигини шарҳлаш.

Ички аудит хизмати билан ташқи аудит ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

6. Ички аудит хизматининг ўрни субъект раҳбарияти томонидан белгиланади ва унинг вазифалари молиявий ҳисобот бўйича мустқил аудиторлик ҳисоботини тақдим этиш учун тайинланган ташқи аудиторнинг вазифаларидан фарқланади. Ички аудитнинг вазифасига оид масалалари субъект раҳбариятининг талабларига қараб ўзгаради. Ташқи аудитор, авваламбор, молиявий ҳисоботда муҳим нотўғриликлар мавжудлигини аниқлашга манфаатдор.
7. Шунга қарамасдан, ички ва ташқи аудитнинг мақсадларигаэришишнинг айрим воситалари кўпчилик ҳолатларда бир-бирига ўхшаш, шунинг учун ички аудитнинг муайян жавҳалари ташқи аудиторлик муолажаларининг тавсифи, муддати ва ҳажмини белгилашда фойдали бўлиши мумкин.
8. Ички аудит хизмати субъектнинг бир қисми ҳисобланади. Ички аудит хизматининг мухторлик ва холислик даражасидан қатъи назар, у молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришда ташқи аудитордан талаб қилинадиган мустақиллик даражасига эриша олмайди. Ташқи аудитор билдирилган аудиторлик фикр бўйича якка тартибда масъулиятга эга ва ушбу масъулият ички аудит хизматининг қандайдир ишидан фойдаланилганлиги ҳисобига пасайтирилиши мумкин эмас. Молиявий ҳисоботининг аудити доирасида барча баҳо бериш бўйича мулоҳазалар ташқи аудиторниг масъулият доираси ҳисобланади.

Ички аудит хизматини тушуниш ва унга дастлабки баҳо бериш

9. **Ташқи аудитор аудитни режалаштиришда ва самарали аудиторлик ёндошишни ишлаб чиқишда ёрдам берадиган ички аудиторлик фаолият тўғрисида етарли тушуниш олиши лозим.**
10. Самарали ички аудит кўпчилик ҳолатларда ташқи аудитор томонидан бажарилаётган муолажаларнинг тавсифи ва муддатини модификация-лаштириш ҳамда ҳажмини камайтириш имконини беради, лекин уларни батамом йўқ қила олмайди. Шунга қарамасдан айрим ҳолатларда, ички аудит фаолиятини кўриб чиқиш натижаларига кўра, ташқи аудитор ташқи аудиторлик муолажаларга ички аудитнинг қандайдир таъсири мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.
11. **Аудитни режалаштиришда ташқи аудитор, унинг фикрича, ички аудитнинг иши, аудитнинг аниқ белгиланган жавҳаларда молиявий ҳисоботнинг ташқи аудити учун аҳамиятли бўлганда, ички аудит хизматининг вазифаларига дастлабки баҳо бериши лозим.**
12. Ташқи аудитор томонидан ички аудитнинг вазифаларига берилган дастлабки баҳо ташқи аудиторлик муолажаларнинг тавсифи, муддати ва ҳажмини модификациялаштиришда ички аудит хизмати ишидан фойдаланиш юзасидан ташқи аудиторнинг мулоҳазасига таъсир кўрсатади.
13. Тушуниш олишда ва ички аудит хизмати вазифасига дастлабки баҳо беришни бажаришда қуйидагилар муҳим омил ҳисобланади:

(а) *Ташкилий мақом:* субъектда ички аудит хизматининг аниқ белгиланган мақоми ва у холис бўлишлик қобилиятига ушбу мақомнинг таъсири. Мукаммал ҳолатда ички аудит хизмати субъектнинг юқори даражадаги раҳбариятига ҳисобдор ва бошқа қандайдир операцион масъулиятдан озод этилган. Субъект раҳбарияти томонидан ички аудит хизматига қўйиладиган ҳар қандай мажбуриятлар ёки чекловларни синчковлик билан кўриб чиқиш лозим. Хусусан, ички аудиторлар ташқи аудитор билан эркин алоқада бўлиши лозим.

(б) *Вазифалар доираси:* ички аудитор томонидан бажарилган топшириқларнинг тавсифи ва ҳажми. Ташқи аудитордан, шунингдек, субъект раҳбарияти томонидан ички аудит хизматининг тавсиялари ҳисобга олиниши ва бунга қандайдир далиллар мавжудлигини кўриб чиқиш талаб этилади.

(в) *Техникавий касбий хабардорлик:* ички аудит ички аудитор сифатида ишлаш учун тегишли техникавий тайёргарликка ва малакага эга бўлган шахслар томонидан бажарилиши. Масалан, ташқи аудитор ички аудит хизмати ходимларининг ишга қабул қилиш ва ўқитиш бўйича сиёсатни, улар тажрибаси ва малакасининг шарҳини бажариши мумкин.

(г) *Тегишли касбий синчковлик:* ички аудит хизматининг иши тегишли равишда режалаштирилиши, унга раҳбарлик қилиш, шарҳланиши ва ҳужжатлаштирилиши. Аудит бўйича йўриқномалар ишчи дастурлар ва ишчи ҳужжатлар етарли миқдорда мавжудлигини кўриб чиқиш лозим.

Ўзаро таъсир муддатлари ва мувофиқлаштириш

14. Ички аудит хизматининг ишидан фойдаланишни режалаштиришда ташқи аудитор ушбу давр бўйича ички аудит хизматининг дастлабки иш режасини кўриб чиқиши ва, имконияти борича, уни энг олдингироқ босқичда муҳокама қилиши лозим. Ички аудит хизматининг иши ташқи аудитор муолажаларининг тавсифи, муддати ва ҳажмини белгилашда ҳисобга олинган тақдирда, ушбу иш муддати, аудит билан қамраб олиш даражаси, тест синовларининг даражаси ва танлаб олишнинг таклиф этилаётган усуллари, бажарилган ишнинг ҳужжатли расмийлаштирилиши ҳамда шарҳларни бажариш ва ҳисоботни тақдим этиш муолажалари юзасидан олдиндан келишиб олиш мақсадга мувофиқдир.
15. Давр мобайнида учрашувлар тегишли вақт оралиғида мунтазам равишда амалга оширилган тақдирда, ички аудит хизмати билан ўзаро таъсир кўпроқ самара беради. Ташқи аудитор тегишли ички аудиторлик ҳисоботлардан ҳамда ташқи аудиторнинг ишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ички аудиторнинг диққатини жалб қилган ҳар қандай аҳамиятли масалалар тўғрисида хабардор бўлиши ва улардан эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим. Шу тарзда, одатда, ташқи аудитор ички аудит хизматининг ишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қандайдир аҳамиятли масалалар бўйича ички аудиторга хабар беради.

Ички аудит хизмати ишига баҳо бериш ва тест синовини ўтказиш

16. **Агар ташқи аудитор ички аудит хизматининг аниқ белгиланган ишидан фойдаланишни кўзлаган бўлса, у унинг ташқи аудит мақсадларига мослигини тасдиқлаш учун, ушбу ишга баҳо бериши ва тест синовидан ўтказиши лозим.**
17. Ички аудит хизмати ишининг аниқ белгиланган натижаларига баҳо бериш ишлар ва касбга доир дастурлар қўлами мослигига баҳо беришдан иборат ҳамда ички аудит хизматининг ишига берилган дастлабки баҳо тегишлича қолганлигига боғлиқ. Ушбу баҳо бериш қуйидаги жавҳаларни кўриб чиқишдан иборат бўлиши мумкин:

(а) ишлар ички аудитор сифатида ишлаш учун тегишли техникавий ва касбий тайёргарликка эга шахслар томонидан бажарилаётганлиги ҳамда аудитор ёрдамчилари томонидан бажарилаётган ишларга раҳбарлик қилиш, шарҳлаш ва ҳужжатлаштириш тўғри амалга оширилаётганлиги;
(б) хулосаларни шакллантириш учун оқилона асос бўлиб хизмат қиладиган етарли бўлган тегишли аудиторлик далиллари олинганлиги;
(в) мазкур вазиятларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган хулосалар мувофиқлиги ва ҳар қандай ҳисоботлар бажарилган ишлар натижаларига изчиллиги;
(г) ички аудит хизмати томонидан аниқланган ҳар қандай истисналар ёки ғайриодатий масалалар бўйича тегишли ишлар амалга оширилиши.

18. Ички аудит хизмати аниқ белгиланган иши бўйича тест синовининг тавсифи, муддати ва ҳажми, аниқ кўрилаётган масалага қўллаш учун ташқи аудитор томонидан тааккалчилик ва муҳимликка берган баҳосига, ички аудит хизматининг ишига берилган дастлабки баҳога ҳамда ишининг аниқ белгиланган натижаларига берилган баҳога боғлиқ. Бундай тест синовлари ички аудит хизмати томонидан текшириб бўлинган моддаларни қайтадан текширишдан, шунга ўхшаш моддаларни текширишдан ва ички аудит хизмати томонидан муолажаларни бажариш юзасидан кузатишни амалга оширишдан иборат бўлиши мумкин.
19. Ташқи аудитор ўзи томонидан баҳо берилган ва тест синовидан ўтказилган ички аудит хизмати ишининг аниқ белгиланган натижаларига тегишли ўзининг хулосаларини ҳужжатли равишда қайд этади.

Давлат секторининг аудити

1. *Давлат секторидаги молиявий ҳисоботни аудити пайтида ушбу АХСнинг асосий тамойиллари қўлланилади. Давлат секторида ички аудит хизматининг ишини таҳлил қилиш доирасида кўриб чиқиш учун қўшимча жавҳалар бўйича муфассалроқ қўлланма Давлат секторининг қўмитаси 4-Тақдиқот "Бошқа аудиторлар ишидан фойдаланиш - Давлат секторининг аудити"да келтирилган.*

[620]

ЭКСПЕРТ ИШИДАН ФОЙДАЛАНИШ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	143
Эксперт ишидан фойдаланиш лозимлигини аниқлаш	144
Экспертнинг касбий хабардорлиги ва холислиги	144
Эксперт ишининг қўлами	144
Эксперт ишига баҳо бериш	145
Аудиторлик ҳисоботида экспертга изоҳланиш	145

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда, АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади аудиторлик далиллар сифатида эксперт ишидан фойдаланиш бўйича стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.
2. Эксперт томонидан бажарилган ишдан фойдаланишда, аудитор бундай иш аудит мақсадлари учун мослиги юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далиларини олиши лозим.
3. "Эксперт" - бу бухгалтерия ҳисоби ва аудитдан фарқли алоҳида соҳада махсус қўникмаларга, билимларга ва тажрибага эга бўлган шахс ёки фирма.
4. Аудиторнинг маълумоти ва тажрибаси ишга оид масалаларни умумий билишлигини таъминлайди, лекин бунда аудитордан бошқа бир касбий фаолият ёки касб, масалан, актуар баҳолаш бўйича мутахассис ёки муҳандис, бўйича тайёргарликка ёки малакага эга бўлган шахснинг тажрибасини талаб қилиб бўлмайди.
5. Эксперт

(а) субъект томонидан жалб қилиниши;

(б) аудитор томонидан жалб қилиниши;

(в) субъект томонидан ёлланиши; ёки

(г) аудитор томонидан ёлланиши мумкин.

Эксперт аудитор томонидан ёлланган тақдирда, 220-АХС "Аудиторлик иши сифатининг назорати"да қайд этилгандек, унинг иши аудитор томонидан аудитор ёрдамчисининг иши сифатида эмас, балки экспер иши сифатида фойдаланилади. Тегишли равишда, бундай вазиятларда аудитор экспертнинг иши ва амалдаги хулосалари юзасидан тегишли муолажаларни қўллаши лозим, бироқ, одатда, ҳар бир келишув учун унинг малакасига ва касбий хабардорлигига баҳо бериш эҳтиёжи йўқ.

620

Эксперт ишидан фойдаланиш лозимлигини аниқлаш

6. Аудит жараёнида аудиторга субъект билан биргаликда ёки ундан мустақил ҳолда экспертнинг ҳисоботи, хулосалари, баҳолари ва тасдиқлари шаклида аудиторлик далиллари олиш талаб қилиниши мумкин. Масалан:
   - муайян активлар турини, масалан, ер ва биноларни, машина ва ускуналарни, санъат асарлари ва қимматбаҳо тошларни баҳолаш;
   - активларнинг, масалан, заҳирада сақланаётган минераллар, фойдали қазилмалар ва нефтнинг ер ости заҳиралари ҳамда машина ва ускунларнинг қолган фойдали хизмат қилиш муддатини, миқдори ва жисмоний ҳолатини аниқлаш;
   - махсус усуллардан фойдаланиб суммаларни аниқлаш, масалан, актуар баҳолаш;
   - амалиётдаги шартномалар бўйича бажарилган ва тугалланмаган ишларни баҳолаш;
   - шартномаларни, қонунчиликка оид ва меъёрий ҳужжатларни талқин қилиш юзасидан ҳуқуқий хулосалар чиқариш.
7. Эксперт ишидан фойдаланиш лозимлигини аниқлашда аудитор қуйидагиларни ҳисобга олади:

(а) молиявий ҳисобот кўрилаётган моддасининг муҳимлигини;

(б) кўрилаётган масаланинг тавсифи ва мураккаблигидан келиб чиқиб нотўғриликлар тавакқалчилигини;

(в) бошқа мавжуд аудиторлик далилларнинг миқдори ва сифатини.

Экспертнинг касбий хабардорлиги ва холислиги

8. **Эксперт ишидан фойдаланишни режалаштирганда аудитор унинг касбий хабардорлигига баҳо бериши лозим.** Бу қуйидаги масалаларни кўриб чиқишдан иборат:

(а) экспертда касбий гувоҳнома ёки тегишли касбий идоранинг лицензияси мавжудлиги ёки у ушбу касбий идорага аъзолиги;

(б) аудитор аудиторлик далилларни олиши талаб қилинадиган соҳаларда тажриба ва обрўга эгалиги.

9. **Аудитор экспертнинг холислигига баҳо бериши лозим**
10. Экспертнинг нохолислик тавакқалчилиги ошиб боради, агар эксперт:

(а) субъект томонидан ёлланганда; ёки

(б) субъект билан қандайдир бошқача тарзда боғлиқ бўлганда, масалан, субъектдан молиявий қарам бўлганда ёки субъектда инвестицияларга эга бўлганда.

Агар аудиторда эксперт касбий хабардорлиги ёки холислиги юзасидан шубҳалар мавжуд бўлса, у уларни субъект раҳбарияти билан муҳокама қилиши ва эксперт иши юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олиш эҳтимолини кўриб чиқиши лозим. Аудиторда қўшимча аудиторлик муолажаларини бажариш ёки аудиторлик далилларини олиш учун бошқа экспертга мурожат қилиш зарурияти вужудга келиши мумкин (7-бандда қайд этилган омиллар ҳисобга олингандан кейин).

Эксперт ишининг қўлами

11. **Аудитор экспертнинг иш қўлами аудит мақсадларига мослиги юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олиши лозим.** Аудиторлик далиллар кўп ҳолатларда ёзма йўриқнома кўринишида баён этилган ва субъект томонидан экспертга берилган экспертнинг техникавий топшириғини шарҳлаш йўли билан олиниши мумкин. Бундай йўриқномалар ўзида қуйидаги масалаларни қамраб олиши мумкин:
    - аудитор фикрича эксперт ҳисоботига киритилиши лозим бўлган аниқ белгиланган масалаларнинг умумий ёритилиши;
    - аудитор томонидан эксперт ишидан фойдаланиш эҳтимоли, жумладан, эксперт тўғрисида ва унинг ишда иштирок этиш даражаси ҳақида учинчи томонларга хабар бериш;
    - тегишли ёзувлардан ва файллардан экспертнинг фойдалана олиш даражаси;
    - эксперт ва субъект ўртасидаги ўзаро таъсирни аниқ аниқлаш, агар бундай ҳолат кузатилса;
    - субъект маълумотининг сир сақланиши;
    - эксперт фойдаланишни назарда тутган тахминлар ва усуллар юзасидан маълумот ҳамда уларнинг олдинги даврларда фойдаланилган тахминлар ва усулларга изчиллиги.

Эксперт учун мўлжалланган ёзма йўриқномаларда ушбу масалаларнинг аниқ таърифи мавжуд бўлмаган ҳолда, аудиторда ушбу жавҳалар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун бевосита эксперт билан боғланиш эҳтиёжи вужудга келиши мумкин.

620

Эксперт ишига баҳо бериш

12. **Молиявий ҳисоботнинг тасдиқлари бўйича аудиторлик далилларни кўриб чиқиш жараёнида аудитор эксперт иши мослигига баҳо бериши лозим.** Бундай жараён эксперт томонидан чиқарилган хулосалар мазмуни молиявий ҳисоботда тўғри акс этилганлигига баҳо бериш ёки у молиявий ҳисоботнинг тасдиқларини тасдиқлашидан, шунингдек, қуйидагиларни кўриб чиқишдан иборат:
    - дастлабки кўрсаткичлардан фойдаланиш;
    - тахмин ва усуллардан ҳамда улар олдинги даврлар бўйича фойдаланилган тахмин ва усулларга изчиллигидан фойдаланиш;
    - аудитор томонидан мижоз бизнесини умумий билиш ва бошқа аудиторлик муолажалар натижалари контекстида эксперт ишининг натижалари.
13. Эксперт ушбу вазиятларда ўринли бўлган дастлабки кўрсаткичлардан фойдаланганлигини кўриб чиқишда, аудитор қуйидаги муолажаларни бажариши мумкин:

(а) дастлабки кўрсаткичлар етарлилиги, ўринлилиги ва ишончлилигини аниқлаш мақсадида эксперт томонидан ҳар қандай муолажаларни бажариши юзасидан сўровномаларни йўллаш;

(б) эксперт томонидан фойдаланилган кўрсаткичларни шарҳлаш ёки тест синовидан ўтказиш.

14. Эксперт фойдаланилган тахминлар ва усуллар мослиги ва оқилоналиги ҳамда улар қўлланиши юзасидан масъулиятга эга бўлади. Аудитор шунга ўхшаш малакага эга эмас, шу боис, у ҳар доим ҳам экспертнинг тахминлари ва усулларини инкор эта олмайди. Шунга қарамасдан, мижоз бизнесини билишлик ва бошқа аудиторлик муолажаларининг натижаларига асосланиб, аудитор фойдаланилган тахминлар ва усуллар тўғрисида тушуниш олиши ва улар тегишли ва оқилона эканлигини кўриб чиқиши лозим.
15. **Агар эксперт ишининг натижалари етарли бўлган тегишли аудиторлик далиларини тақдим этмаса ёки бошқа аудиторлик далилларга изчил бўлмаса, аудитор ушбу муаммони ҳал этиши лозим.** Бу мақсадга эришиш учун, субъект ва эксперт билан муҳокама ўтказиш ҳамда бошқа экспертни таклиф этиш ёки аудиторлик ҳисоботни модификациялаштиришдан иборат қўшимча муолажаларни қўллаш мумкин.

Аудиторлик ҳисоботида экспертга изоҳланиш

16. **Модификациялаштирилмаган аудиторлик ҳисоботи чоп этилган тақдирда аудитор эксперт ишига изоҳланмаслиги лозим.** Бундай изоҳга, амалда содир этилмаса ҳам, аудиторлик ҳисоботидаги эслатма ёки масъулиятни ажратиш деб нотўғри талқин берилиши мумкин.
17. Агар эксперт иши натижасига кўра аудитор модификациялаштирил-ган аудиторлик ҳисоботини тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилса, айрим вазиятларда, модификация тавсифини тушунтиришда, эксперт ишига изоҳланиш ёки уни баёнини келтириш ўринли бўлади (жумладан, эксперт тўғрисида ва уни ишда иштирок этиш даражаси тўғрисида маълумот). Ушбу вазиятларда, бундай изоҳни беришдан олдин, аудитор тегишли рухсат олиш учун экспертга мурожат қилиши лозим. Агар эксперт бундай рухсатнома беришдан бош тортса, лекин аудитор изоҳ зарур деб ҳисобласа, унга ҳуқуқшунос маслаҳати керак бўлиши мумкин.

[700]

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ БЎЙИЧА АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	146
Аудиторлик ҳисоботининг асосий элементлари	146
Аудиторлик ҳисоботи	149
Модификациялаштирилган ҳисоботлар	150
Шарҳларсиз фикрдан фарқли фикр билдиришга олиб келувчи вазиятлар	151

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, уларни қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда, АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади мустақил аудитор томонидан бажарилган субъект молиявий ҳисоботининг аудити натижаси каби чоп этиладиган аудиторлик ҳисоботининг шакли ва мазмуни юзасидан стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.
2. **Аудитор молиявий ҳисобот бўйича фикр билдириш учун асос бўлувчи олинган аудиторлик далиллар бўйича чиқарилган хулосаларни шарҳлаши ва баҳо бериши лозим.**
3. этиш бўйича концептуал асосларга[1] , унга Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (БҲХА) ёки тегишли миллий стандартлар ёки қабул қилинган амалиёт тааллуқли, мувофиқ тайёрланганлигини кўриб чиқишдан иборат.
4. **Аудиторлик ҳисоботи умуман молиявий ҳисобот бўйича аниқ ёзма фикр билдиришдан иборат бўлиши лозим.**

Аудиторлик ҳисоботининг асосий элементлари

5. Аудиторлик ҳисобот одатда қуйидаги тартибда жойлашган асосий элементлардан иборат бўлади:

(а) сарлавҳа;
(б) олувчи;
(в) *кириш банди:*
- аудит қилинган молиявий ҳисоботни солиштириш;
- субъект раҳбарияти масъулияти ва аудитор масъулияти тўғрисида ариза.

(г) *банд - аудит қўлами* (аудит тавсифини баён қилиш);
- АХС ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳланиш;
- аудитор томонидан бажарилган ишни баён қилиш.

(д) *банд - фикр, молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан иборат;*
(е) ҳисобот санаси;
(ж) аудитор манзили;
(з) аудитор имзоси.

[1] Аудитнинг халқаро стандартларининг концептуал асоси, шунингдек, бошқа, обрўли ва кенг қамровли молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосларни белгилайди. Ушбу концептуал асоснинг учинчи турига мувофиқ ҳисобот 800-АХС "Махсус аудит келишуви бўйича аудиторлик ҳисобот"да баён этилган.

Аудиторлик ҳисоботининг шакли ва мазмуни бир хиллик бўлишига риоя қилиш лозим, чунки бу ушбу ҳисобот ўқувчилар (фойдаланувчилар)нинг тушунишига ва ғайриодатий вазиятлар вужудга келганда уларни солиштиришга ёрдам беради.

Сарлавҳа

6. **Аудиторлик ҳисобот тегишли сарлавҳага эга бўлиши лозим.** Сарлавҳада аудиторлик ҳисоботини бошқа шахслар, масалан, субъектнинг мансабдор шахслари ёки директорлар кенгаши томонидан чоп этилган ёки мустақил аудитордан фарқли ҳудди шу аҳлоқ талабларига риоя қилмаслиги мумкин бўлган бошқа аудиторларнинг ҳисоботлардан ажратиш учун "Мустақил аудитор" атамасини қўллаш ўринли бўлиши мумкин.

Олувчи

7. **Аудиторлик ҳисоботи келишув шартлари ва маҳаллий меъёрий ҳужжатлар талабларига кўра тегишли равишда олувчига йўлланиши лозим.** Ҳисобот, одатда, молиявий ҳисоботи аудит қилинган субъектнинг акциядорларига ёки директорлар кенгашига йўлланади.

Кириш банди

8. **Аудиторлик ҳисобот аудит ўтказилган, жумладан, молиявий ҳисоботда акс этилган сана ва давр билан биргаликда субъектнинг молиявий ҳисоботини кўрсатиши лозим.**
9. **Ҳисоботда молиявий ҳисобот учун масъулият субъект раҳбарияти зиммасида эканлиги[2] ҳамда аудит ўтказилиши асосида молиявий ҳисобот бўйича фикр билдирилганлиги учун масъулият аудитор зиммасида эканлиги тўғрисида ариза баён этилиши лозим**
10. Молиявий ҳисобот субъект раҳбариятининг тақдимоти ҳисобланади. Бундай ҳисоботни тайёрлаш субъект раҳбариятидан аҳамиятли бухгалтерия баҳолари ва мулоҳазалар чиқарилишини ҳамда молиявий ҳисоботни тайёрлашда қўлланиладиган бухгалтерия ҳисобининг тегишли тамойиллари ва усулларини аниқлашни талаб қилади. Бундан фарқли ҳолда, аудиторнинг масъулияти молиявий ҳисобот бўйича ўз фикрини билдириш мақсадида ушбу молиявий ҳисоботнинг аудитини ўтказишдан иборат бўлади.
11. Қуйида кириш бандида юқорида қайд этилган жавҳаларнинг ёритилишининг намунаси келтирилган:

"Биз 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра АВС компанияси илова қилинган[3] бухгалтерия баланси ва унинг билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда қайд этилган санада якунланган йил бўйича пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботининг аудитини ўтказдик. Ушбу молиявий ҳисобот бўйича масъулият Компания зиммасига юклатилган. Бизнинг масъулият ўтказилган аудит асосида ушбу молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан иборат".

Банд - аудит қўлами

12. **Аудиторлик ҳисоботи аудит АХСга ёки тегишли миллий стандартларга ёки амалиётга мувофиқ ўтказилганлигини кўрсатиш йўли билан аудитнинг қўламини ёритиш лозим.** "Қўлам" атамаси аудиторга ушбу вазиятларда керакли бўлган аудиторлик муолажаларини бажариш учун имкониятларни тақдим этишга тааллуқли. Бундай тасдиқ ўқувчи (фойдаланувчи)да аудит белгиланган стандартлар ёки қабул қилинган амалиётга мувофиқ ўтказилганлигига ишонч ҳосил қилиш учун керак. Агар бошқа нарса кўрсатилмаган бўлса, аудитор аудиторнинг манзилида кўрсатилган аудиторлик стандартларга ёки мамлакат амалиётига риоя қилиши тахмин қилинади.
13. **Аудиторлик ҳисоботига аудит молиявий ҳисоботда муҳим нотўғриликлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч олиш мақсадида режалаштирилган ва ўтказилган деган жумла киритилиши лозим.**
14. **Аудиторлик ҳисоботи аудитни, жумладан, қуйидагиларни ёритиши лозим:**

(а) **молиявий ҳисоботдаги суммалар ва ёритишларни тасдиқловчи далилларни тест синовидан ўтказиш асосида текшириш;**

(б) **молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланилган бухгалтерия ҳисоби тамойилларини баҳолаш;**

(в) **молиявий ҳисоботни тайёрлашда субъект раҳбарияти томонидан берилган аҳамиятли баҳоларни баҳолаш;**

(г) **молиявий ҳисобот умумий тақдим этилишига баҳо бериш.**

15. **Ҳисоботга аудит фикр билдириш учун оқилона асос беради деган аудиторнинг баённомаси киритилиши лозим.**

---

[2] Молиявий ҳисобот учун масъулиятли бўлган субъект раҳбариятининг даражаси ҳар бир мамлакатдаги ҳуқуқий вазиятга қараб ўзгариб боради.

[3] Варақлар рақамини кўрсатиш мумкин.

16. Қуйида юқорида қайд этилган жавҳаларнинг банд - аудитнинг қўламида ёритилишининг мисоли келтирилган:
"Биз томондан аудит Аудитнинг халқаро стандартларига (ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳланиш) мувофиқ ўтказилган. Ушбу стандартлар молиявий ҳисоботда муҳим нотўғриликлар мавжуд эмаслиги тўғрисида оқилона ишонч олиш мақсадида биз аудитни режалатиришимизни ва ўтказишимизни талаб қилади. Аудит молиявий ҳисоботдаги суммалар ва ёритишларни тасдиқловчи далилларни тест синовидан ўтказиш асосида текширишдан иборат. Аудит, шунингдек, субъект раҳбарияти томонидан берилган аҳамиятли баҳоларни ва қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби тамойилларини баҳолашдан ҳамда молиявий ҳисобот умумий тақдим этилишига баҳо беришдан иборат. Биз томондан ўтказилган аудит бизнинг фикримизни билдириш учун оқилона асос тақдим этади деб ҳисоблаймиз".

Банд- фикр

17. **Аудиторлик ҳисоботи молиявий ҳисобот Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосга мувофиқ ҳақиқий ва ишончли акс этилганлиги (ёки барча муҳим жавҳалар бўйича ишончли тақдим этилган) ҳамда, ўринли бўлган жойда, молиявий ҳисобот қонунчилик талабларига мувофиқлиги тўғрисида аудиторнинг фикрини аниқ баён этиши лозим.**

18. Аудиторнинг фикрини ифодалаш учун бир-бирига маъноси тенг бўлган "ҳақиқий ва ишончли акс этади" ёки "барча муҳим жавҳалар бўйича ишончли тақдим этилган" деган атамалардан фойдаланилади. Иккала атамалар ҳам, бошқаларнинг ичида, аудитор фақат молиявий ҳисобот учун муҳим ҳисобланган масалаларни кўриб чиқишлигини кўрсатади.

19. Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асос БҲХС, касбий идоралар томонидан чоп этиладиган қоидалар ҳамда мамлакатда умумий амалиёт ривожланиши билан бир қаторда, маҳаллий қонунчилик ишончлилигини тегишли равишда кўриб чиқиш ва тегишли равишда қабул қилиш билан белгиланади. Ўқувчига (фойдаланувчига) "ишончлилик" ифодаланадиган контекст тўғрисида хабар бериш мақсадида, аудиторлик хулосаси "(БҲХС ёки тегишли миллий стандартлар кўрсатилсин)"га мувофиқ иборани қўллаш йўли билан молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган концептуал асосни кўрсатади.

20. Аудиторлик ҳисоботида ҳақиқий ва ишончли фикр билдириш (ёки барча муҳим жавҳалари бўйича ишончли тақдим этиш) билан бир қаторда, унга қўшимча равишда молиявий ҳисобот тегишли қонунлар ёки меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган талабларга мувофиқ эканлиги тўғрисида билдириган фикрни киритиш лозим бўлиши мумкин.

21. Қуйида юқорида қайд этилган жавҳаларни банд-фикрда ёритиш мисоли келтирилган:
"Бизнинг фикримизча, 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра, молиявий ҳисобот Компаниянинг молиявий ҳолати бўйича ҳамда .....[4] мувофиқ (ва мувофиқдир[5]) унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ва қайд этилган санада якунланган йил бўйича пул маблағлари силжиши тўғрисида ҳақиқий ва ишончли акс этилишини беради ("барча муҳим жавҳалари бўйича ишончли тақдим этилган")"

22. **Қайси мамлакатнинг бухгалтерия ҳисоби тамойилларидан фойдаланганлиги аниқ бўлмаган ҳар қандай вазиятда, мамлакат албатта кўрсатилган бўлиши лозим.** Молиявий ҳисобот пайдо бўлган мамлакатдан ташқарига кенг тарқаладиган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботини тузишда, аудитор аудиторлик ҳисоботида молиявий ҳисобот пайдо бўлган мамлакат стандартларига изоҳланиши лозим, масалан:
"..... А мамлакатининг бухгалтерия ҳисоби умум қабул қилинган тамойилларига мувофиқ ....."
Бундай таъкидлаш молиявий ҳисоботни тайёрлашда бухгалтерия ҳисобининг қандай тамойиллари қўлланилганлигини фойдаланувчи яхшироқ тушуниши учун ёрдам беради. Аниқ бошқа мамлакатда фойдаланиш учун тайёрланган молиявий ҳисобот бўйича (масалан, халқаро молиялаштиришда ҳисобот бошқа мамлакатнинг тилига таржима қилинган ва валютасига ўтказилган тақдирда) аудиторлик ҳисобтини тайёрлашда аудитор тайёрланган молиявий ҳисобот пайдо бўлган мамлакат бухгалтерия ҳисоби тамойилларига асосланиш кераклигини ва молиявий ҳисоботда тегишли ёритишлар амалга оширилганлигини кўриб чиқади.

---

[4] БҲХС ёки тегишли миллий стандартларни кўрсатинг.
[5] Тегишли қонунлар ёки меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга изоҳланади.

Ҳисобот санаси

23. **Аудитор ҳисоботга аудит якунланган пайтдаги санани қўйиши лозим.** Бу ўқувчи (фойдаланувчи)га аудитор унга маълум бўлган ва ушбу санагача қадар содир этилган ва молиявий ҳисоботга ҳамда аудиторлик ҳисоботга таъсир кўрсатадиган ҳодисалар ва операцияларни кўриб чиққанлиги ҳақида хабар беради.
24. **Аудиторнинг масъулияти субъект раҳбарияти томонидан тайёрланган ва тақдим этилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботини тайёрлаш ҳисобланганлиги муносабати билан, у ҳисоботга субъект раҳбарияти молиявий ҳисоботга имзо чеккан ёки тасдиқлаган санадан олдин бўлган сана қўйишга ҳақли эмас.**

Аудиторнинг манзили

25. **Аудиторлик ҳисоботида албатта жойлашган жойи кўрсатилиши лозим,** одатда бу аудит ўтказилиши учун масъул бўлган аудиторнинг офиси жойлашган шаҳар кўрсатилади.

Аудиторнинг имзоси

26. **Аудиторлик ҳисоботи аудиторлик фирма номидан, аудитор номидан ёки керак бўлганда, аудитор номи билан бир қаторда, фирма номидан ҳам имзоланиши лозим.** Аудиторлик ҳисоботи, одатда, фирма номидан имзоланади, чунки аудит учун масъулиятни фирма ўз зиммасига олади.

Аудиторлик ҳисоботи

27. *Шарҳларсиз фикр.* **Аудитор белгиланган Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосга мувофиқ молиявий ҳисобот ҳақиқий ва ишончли акс этишни беради (ёки барча муҳим жавҳалар бўйича ишончли тақдим этилган) деган хулосага келса шарҳларсиз фикр билдирилади.** Шарҳларсиз фикр, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби тамойилларидаги ёки уларни қўллаш усулларидаги ҳар қандай ўзгаришлар ҳамда ушбу ўзгаришларнинг таъсири молиявий ҳисоботда тегишли равишда аниқланганлигига ва ёритилганлигига билвосита кўрсатади.
28. Қуйида юқорида таъкидланган ва ёритилган асосий элементларни ўзида мужассам қилган тўлиқ аудиторлик ҳисоботининг намунаси келтирилади. Бу ҳисобот фикрни шарҳларсиз билдиришнинг мисоли бўлиб ҳисобланади.

"АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ
(ТЕГИШЛИ ОЛУВЧИ)

"Биз 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра АВС компанияси илова қилинган[6] бухгалтерия баланси ва унинг билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда қайд этилган санада якунланган йил бўйича пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботининг аудитини ўтказдик. Ушбу молиявий ҳисобот бўйича масъулият Компания зиммасига юклатилган. Бизнинг масъулият ўтказилган аудит асосида ушбу молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан иборат".

"Биз томондан аудит Аудитнинг халқаро стандартларига (ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳланиш) мувофиқ ўтказилган. Ушбу стандартлар молиявий ҳисоботда муҳим нотўғриликлар мавжуд эмаслиги тўғрисида оқилона ишонч олиш мақсадида биз аудитни режалатиришимизни ва ўтказишимизни талаб қилади. Аудит молиявий ҳисоботдаги суммалар ва ёритишларни тасдиқловчи далилларни тест синовидан ўтказиш асосида текширишдан иборат. Аудит, шунингдек, субъект раҳбарияти томонидан берилган аҳамиятли баҳоларни ва қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби тамойилларини баҳолашдан ҳамда молиявий ҳисобот умумий тақдим этилишига баҳо беришдан иборат. Биз томондан ўтказилган аудит бизнинг фикримизни билдириш учун оқилона асос тақдим этади деб ҳисоблаймиз".

"Бизнинг фикримизча, 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра, молиявий ҳисобот Компаниянинг молиявий ҳолати бўйича ҳамда .....[7] га мувофиқ (ва мувофиқдир[8]) унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ва қайд этилган санада якунланган йил бўйича пул маблағлари силжиши тўғрисида ҳақиқий ва ишончли акс этилишини беради ("барча муҳим жавҳалари бўйича ишончли тақдим этилган")"

АУДИТОР

Сана
Манзил"

[6] 3-изоҳга қаранг
[7] 4-изоҳга қаранг
[8] 5-изоҳга қаранг

Модификациялаштирилган ҳисоботлар

29. Қуйидаги вазиятларда аудиторлик ҳисобти модификациялаштирилган сифатида кўрилади:

Аудитор фикрига таъсир кўрсатмайдиган масалалар:

(а) тушунтириш банди.

Аудитор фикрига таъсир кўрсатадиган масалалар:

(а) шарҳлар билан фикр;
(б) фикр билдиришни рад этиш;
(г) салбий фикр.

Модификациялаштирилган ҳисобот ҳар бир тури, шакли ва мазмунининг бир хиллиги фойдаланувчилар томонидан бундай ҳисоботни тушуниш учун ёрдам беради. Бинобарин, ушбу АХСга фикрни шарҳларсиз билдиришнинг таклиф этилган шакли ҳамда модификациялаштирилган ҳисоботларни чоп этишда модификация учун қўлланиладиган жумлалар намунаси киритилган.

Аудитор фикрига таъсир кўрсатмайдиган масалалар

30. Муайян вазиятларда, молиявий ҳисоботнинг иловасига киритилиб кенг муҳокама қилинган ва молиявий ҳисоботга таъсир кўрсатадиган масалани алоҳида ажратиш учун қўшимча банд киритиш йўли билан аудиторлик ҳисоботи модификациялаштирилиши мумкин. Бундай тушунтириш бандини қўшиш аудитор фикрига таъсир кўрсатмайди. Ушбу банд банд-фикрдан кейин бўлганлиги мақсадга мувофиқдир, чунки бунда аудитор фикри ушбу жавҳа бўйича шарҳларга эга эмаслиги номоён бўлади.
31. **Аудитор фаолият узлуксизлиги муоммоси юзасидан муҳим жанҳани ажратиб кўрсатиш учун банд қўшиш йўли билан аудиторлик ҳисоботини модификациялаштириши лозим.**
32. **Ҳал қилиши келгуси ҳодисаларга боғлиқ ва молиявий ҳисоботга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муҳим ноаниқлик (фаолият узлуксизлиги муаммосидан фарқли) мавжуд бўлганда, аудитор аудиторлик ҳисоботини модификациялаштириш эҳтимолини кўриб чиқиши лозим.** Ноаниқлик бу шундай вазиятки, унинг ҳал этилиш келгуси ҳаракатлар ёки ҳодисаларга боғлиқ. Ушбу вазият субъектнинг бевосита назорати остида бўлмайди, лекин у молиявий ҳисоботга таъсир кўрсатиши мумкин.
33. Қуйида муҳим ноаниқлик бўлган ҳолатда аудиторлик ҳисоботидаги тушунтириш бандининг намунаси келтирилган:

"Бизнинг фикримизча ..... (банд-фикрда келтирилган мисолнинг матни келтирилади, 28-бандга қаранг).

Ўз фикримизни шарҳларсиз билдириб, эътиборингизни молиявий ҳисоботнинг Х иловасига қаратамиз. Компания муайян патент ҳуқуқлари ва роялтини ундириш ҳамда жарима харажатлари иши бўйича жавобгар ҳисобланади. Компания қарши даъво билдирган ва ҳозирги кунда иш дастлабки кўрилишда ҳамда судга иккала даъво бўйича ҳужжатлар тақдим этиш жараёни кетмоқда. Ҳозирги пайтда ишнинг якуний натижасини аниқлаб бўлмайди, молиявий ҳисобот эса вужудга келиши мумкин бўлган ҳар қандай мажбурият бўйича заҳирага эга эмас.

(Субъект фаолияти узлуксизлиги юзасидан тушунтириш бандининг намунаси 570-АХС "Узлуксиз фаолият"да баён этилган").

34. Фаолият узлуксизлиги ёки муҳим ноаниқлик муаммосига эътиборни қаратадиган бандни қўшиш, одатда, ушбу масалалар бўйича аудиторлик ҳисоботини тақдим этишда аудиторнинг масъулиятига нисбатан мос бўлади. Бунга қарамасдан, алоҳида, масалан, молиявий ҳисобот учун аҳамиятли бўлган кўп сонли ноаниқликлар мавжуд бўлган вазиятларда, аудитор тушунтириш бандини кўшмасликни ўринли ҳисоблаб фикр билдиришни рад этиши мумкин.
35. Молиявий ҳисоботга таъсир этувчи масалалар юзасидан тушунтириш бандини қўллашдан ташқари, аудитор, шунингдек, молиявий ҳисоботга таъсир этувчи масалалардан фарқли масалалар юзасидан тушунтириш бандидан фойдаланиш, банд-фикдан кейин жойлаштириш афзалроқ ҳисобланади, йўли билан аудиторлик ҳисоботини модификациялаштириши мумкин. Масалан, таркибида аудит қилинган молиявий ҳисобот бўлган ҳужжатлардаги бошқа маълумотга тузатишлар киритиш керак бўлса, субъект эса ушбу тузатишлар киритишдан бош тортган тақдирда, аудитор аудиторлик ҳисоботига муҳим ноизчилликлар тўғрисида маълумот ёритилган тушунтириш бандни киритишни кўриб чиқиши лозим. Аудиторлик ҳисоботини тақдим этиш юзасидан қонунчилик билан белгиланган қўшимча масъулият мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек, тушунтириш банддан фойдаланиш мумкин.

Аудитор фикрига таъсир кўрсатувчи масалалар

36. Қуйидаги вазиятлардан бири мавжуд бўлган тақдирда ва, аудиторнинг мулоҳазасига кўра унинг оқибатлари молиявий ҳисоботга таъсир кўрсатса ёки кўрсатиши мумкин бўлган тақдирда, аҳтимол, аудитор ўз фикрини шарҳларсиз билдира олмаслиги мумкин:

(а) аудитор иши кўлами чекланганда; ёки

(б) танлаб олинган ҳисоб сиёсати, унинг қўллаш усули ёки молиявий ҳисоботда ёритишлар мослигининг мақбуллиги юзасидан субъект раҳбарияти билан келишилмаганда.

(а) қуйи бандда баён этилган вазиятлар фикрни шарҳлар билан билдиришга ёки фикр билдиришни рад этишга олиб келиши мумкин. (б) қуйи бандда баён этилган вазиятлар эса, фикрни шарҳлар билан билдиришга ёки салбий фикр билдиришга олиб келиши мумкин. Ушбу вазиятлар 41-46-бандларда янада ҳам тўлароқ кўриб чиқилган.

37. *Шарҳлар билан фикр.* Агар аудитор фикр шарҳларсиз билдирилиши мумкин эмас, лекин субъект раҳбарияти билан ҳар қандай келишмовчиликлар оқибати ёки аудит қўламининг чекловлари салбий фикр билдириш ёки фикр билдиришни рад этиш юзасидан шунчалик муҳим ва чуқур эмас деган хулосага келса, шарҳлар билан фикр билдирилиши лозим. Шарҳлар билан фикр қуйидагича билдирилиши лозим - шарҳлар тааллуқли бўлган омил таъсири бундан "истисно".

38. *Фикр билдиришни рад этиш.* Аудит кўлами чекловларининг эҳтимолий таъсири шунчалик муҳим ва чуқурки, аудитор етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олишга имконияти бўлмайди ва, бинобарин, молиявий ҳисобот бўйича фикр билдира олмаслиги сабабли аудитор фикр билдиришни рад этиши лозим.

39. *Салбий фикр.* Молиявий ҳисобот учун келишмовчиликлар шунчалик муҳим ва чуқурки, аудитор ҳисоботда шарҳлар билан фикр билдириш чалғитишга олиб келадиган ёки молиявий ҳисоботни тўлиқ тасвирлаб бермайдиган маълумотни ёритиш учун мос эмас деган хулосага келган тақдирда, салбий фикр билдирилиши лозим.

40. Аудитор шарҳларсиз фикр билдиришидан фарқли фикр билдирган тақдирда, ҳар гал бунинг ҳақиқий сабаблари аниқ баён этилганлиги ва, агар мумкин бўлса, молиявий ҳисоботга эҳтимолий таъсир(лар)ининг миқдорий ёритилиши аудиторлик ҳисоботига киритилиши лозим. Одатда ушбу маълумот фикр билдирилган ёки фикр билдиришни рад этилган банддан олдинги алоҳида бандда баён этилади ва молиявий ҳисоботнинг иловасидаги янада ҳам кенгроқ муҳокамага, агар бу мавжуд бўлса, изоҳланади.

Шарҳларсиз фикрдан фарқли фикр билдиришга олиб келувчи вазиятлар

Қўлам чекланиши

41. Айрим ҳолатларда аудитор ишининг кўлами субъект томонидан чекланиши мумкин (масалан, аудитор керакли деб ҳисоблаган аудиторлик муолажани келишув шартларига мувофиқ бажарилиши кўзда тутилмаган ҳолатда). Шунга қарамасдан, агар таклиф этилаётган келишув шартларида кўзда тутилган чеклов шундайки, бунда аудитор фикр билдиришни рад этиш лозим деб ҳисоблаганда, у, одатда, агар бу қонунчиликка оид ҳужжатлар билан кўзда тутилмаган бўлса, аудит бўйича бундай чекловлар билан келишувни қабул қилмайди. Бундан ташқари, чеклов аудиторнинг қонун билан белгиланган мажбуриятларини бузган тақдирда, қонунчиликка асосан тайинланган аудитор аудит бўйича бундай келишувни қабул қилмайди.

42. Кўламни чеклаш вазиятлардан келиб чиқиши мумкин (масалан, аудиторнинг ишлаш муддати аудиторга товар-моддий заҳираларни инвентарлаш юзасидан кузатиш имконини бермаган тақдирда). Аудиторнинг фикри бўйича, субъектнинг ҳисоб ёзувлари мос бўлмаган ёки аудитор тавсия қилинган аудиторлик муолажаларини бажара олмаган тақдирда, аудит кўламини чеклаш вужудга келиши мумкин. Бундай вазиятларда, шарҳларсиз фикрни тасдиқловчи етарли бўлган тегишли аудиторлик муолажаларини олиш учун аудитор оқилона муқобил аудиторлик муолажаларини бажаришга ҳаракат қилиши лозим.

43. Аудитор иши кўламининг чеклови шундайки, бунда фикрни шарҳлар билан билдириш ёки фикр билдиришни рад этиш лозим бўлса, аудиторлик ҳисоботида бундай чеклов ёритилиши ва молиявий ҳисоботга тахмин қилинган тузатишлар, агар чеклов мавжуд бўлмаган ҳолатда улар керакли деб белгиланса, киритилиши лозим.

44. Қуйида шунга ўхшаш масалаларнинг намуналари келтирилган:

Кўламни чеклаш - шарҳлар билан фикр

"Биз ..... (кириш банди мисолида келтирилган матн киритилади, 28-бандга қаранг) ..... аудитни ўтказдик.

Қуйидаги бандда келтирилгандан ташқари, биз томондан аудит ..... (банд - аудит кўлами мисолида келтирилган матн киритилади, 28-бандга қаранг) ..... мувофиқ ўтказилган.

Биз 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра товар-моддий заҳираларни инвентарлашдан ўтказиш юзасидан кузатишни амалга оширмадик, чунки ушбу сана биз компанияга аудитор сифатида жалб қилинган дастлабки санадан олдин бўлган. Компаниянинг амалга оширган ёзувлари тавсифига биноан, биз бошқа аудиторлик муолажаларини бажариш йўли билан товар-моддий заҳиралар миқдорига ишонч ҳосил қилиш имконияти бўлмади.

Бизнинг фикримизча, агар биз товар-моддий заҳиралар миқдорига ишонч ҳосил қилганда керакли деб ҳисоблаган тузатишлар таъсиридан ташқари, молиявий ҳисобот ҳақиқий ва ..... (банд-фикрда келтирилган мисол матни киритилади, 28-бандга қаранг)".

Кўламни чеклаш - фикр билдиришни рад этиш

Биз ABC Компаниясининг 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра илова қилинган бухгалтерия баланси ва у билан боғлиқ даромад ва харажатлар тўғрисидаги ҳисоботни ҳамда қайд этилган санада якунланган йил бўйича пул оқимлари силжиши бўйича ҳисоботни аудит қилиш учун жалб қилинганмиз. Ушбу молиявий ҳисобот бўйича масъулият Компания раҳбарияти зиммасида. (*Аудитор масъулияти баён этилган гап ташлаб ташлаб кетилсин*).

(Аудит кўлами баён этилган банд ёки ташлаб кетилади, ёки вазиятларга қараб тузатиш киритилади.)

(Қуйидаги кўринишдаги кўлам чекланганлигини баён этувчи банд киритилади):

Компания томонидан бизнинг ишимизга қўйилган чекловлар натижасида бизда барча товар-моддий заҳираларни кузатиш ва дебиторлик қарзини тасдиқлаш учун имконият бўлмади.

Юқоридаги банда баён этилган масалалар аҳамиятли бўлгани сабабли, биз молиявий ҳисобот бўйича ўз фикримизни билдирмаймиз".

Субъект раҳбарияти билан келишмаслик

45. Аудитор субъект раҳбарияти томонидан танлаб олинган ҳисоб сиёсати, уни қўллаш усули ёки молиявий ҳисоботдаги ёритишлар мослиги юзасидан субъект раҳбарияти билан келишмаслиги мумкин. **Агар бундай келишмовчилик молиявий ҳисобот учун муҳим ҳисобланса, аудитор ўз фикрини шарҳлар билан билдириши ёки салбий фикр билдириши лозим.**

46. Қуйида бундай масалалар намуналари келтирилган:

Ҳисоб сиёсати бўйича келишмовчилик - Бухгалтерия ҳисобининг номувофиқ усули - Шарҳлар билан фикр

"Биз ..... (кириш банди мисолида келтирилган матн киритилади, 28-бандга қаранг) ..... аудитни ўтказдик.

Биз аудитни ..... (банд - аудит кўлами мисолида келтирилган матн киритилади, 28-бандга қаранг) ..... мувофиқ ўтказдик.

Молиявий ҳисоботнинг X иловасида қайд этиганидек, ушбу молиявий ҳисоботда эскириш бўйича маълумот тақдим этилмаган ҳамда амалиёт, бизнинг фикримизча, Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мувофиқ эмас. 2004 йил 31 декабрда якунланган йил бўйича, эскиришни бир маромда ҳисоблаш усули бўйича эскиришни ҳисоблаш йиллик меъёри биноларнинг учун 5% ва ускуналар учун 20% миқдорида бўлганда эскириш суммаси XXX сўм бўлиши лозим. Бинобарин, асосий воситаларнинг қиймати эскириш ҳисобланган XXX суммага камайтирилиши, йил бўйича зарар ва жамланган зарар эса, тегишли равишда XXX ва XXX суммага оширилиши лозим.

Бизнинг фикримизча, *молиявий ҳисоботга олдинги бандда баён этилган омилларнинг таъсиридан ташқари,* молиявий ҳисобот ҳақиқий ва ..... (банд-фикрда келтирилган мисолдаги матн киритилади, 28-бандга қаранг)".

Ҳисоб сиёсати бўйича келишмовчилик - Ёритилиш мос эмаслиги - Шарҳлар билан фикр билдириш

"Биз ..... (кириш банди мисолида келтирилган матн киритилади, 28-бандга қаранг) ..... аудитни ўтказдик.
Биз аудитни ..... (банд - аудит кўлами мисолида келтирилган матн киритилади, 28-бандга қаранг) ..... мувофиқ ўтказдик.

2004 йил 15 январ ҳолатига кўра ишлаб чиқариш кенгайтирилишини молиялаштириш мақсадида XXX суммада қарз мажбуриятларини чиқарган. Қарз мажбуриятлари бўйича келишув 2004 йил 31 декабрдан кейин тушумдан олинган пул маблағлари кўринишидаги бўлғуси дивидендлар тўланишини чеклайди. Бизнинг фикримизча, ушбу маълумот .....[9] га мувофиқ ёритилиши лозим.

Ҳисоб сиёсати бўйича келишмовчилик - Ёритилиш мос эмаслиги - Салбий фикр

"Биз ..... (кириш банди мисолида келтирилган матн киритилади, 28-бандга қаранг) ..... аудитни ўтказдик.
Биз аудитни ..... (банд - аудит кўлами мисолида келтирилган матн киритилади, 28-бандга қаранг) ..... мувофиқ ўтказдик.
(*Келишмовчиликлар баён этилган банд(лар)*).
Бизнинг фикримизча, *олдинги бандда қайд этилган омиллар таъсирида, ...[10] га мувофиқ (ва[11] га мувофиқ эмас) Компаниянинг молиявий ҳисоботи 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра Компаниянинг молиявий ҳолатини ҳамда унинг молиявий-хўжалик фаолиятини ва қайд этилган санага якунланган йил бўйича пул маблағлари силжиши тўғрисида ҳақиқий ва ишончли акс этмаган (ёки "ишончли тақдим этмаган")*

Давлат секторининг аудити

1. *Ушбу АХСдаги асосий тамойиллар давлат секторидаги молиявий ҳисоботни аудити учун қўлланиладиган бўлса ҳам, аудит ўтказишга рухсат берувчи қонунчилик аудиторлик ҳисоботининг тавсифи, мазмуни ва шаклини белгилаши мумкин.*

2. *Молиявий ҳисобот қонунчилик ёки вазирлик (ёки бошқа идора) кўрсатмаси билан белгиланган бухгалтерия ҳисобининг ёритилган асосига мувофиқ тайёрланган ва у чалғитадиган молиявий ҳисобот тайёрланишига олиб келувчи ҳолатларда ушбу АХС аудиторлик ҳисоботининг шакли ва мазмунини кўриб чиқмайди.*

[9] 4-ва 5-изоҳларга қаранг.
[10] 4-изоҳга қаранг
[11] 5-изоҳга қаранг

[710]

СОЛИШТИРИЛАДИГАН КЎРСАТКИЧЛАР

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	154
Корреспондентланадиган кўрсаткичлар	155
Солиштириладиган молиявий ҳисобот	157
Кучга киритилган сана	158

1-илова. Солиштириладиган кўрсаткичлар юзасидан Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосларнинг муҳокамаси
2-илова. Намунавий аудиторлик ҳисоботлар

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.
АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.
Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.
Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда, аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.
Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади аудиторнинг солиштириладиган кўрсаткичларга тегишли масъулияти юзасидан стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат. Ушбу стандарт умумлаштирилган молиявий ҳисобот аудит қилинган молиявий ҳисобот билан бирга тақдим қилинган тақдирда вужудга келган вазиятларни кўриб чиқмайди (қўлланма сифатида 720-АХС "Таркибида аудит қилинган молиявий ҳисобот бўлган ҳужжатлардаги бошқа маълумот" ва 800-АХС "Махсус мўлжалланган аудитга оид келишувлар бўйича аудиторлик ҳисоботи"га қаранг).
2. **Аудитор барча муҳим жавҳалар бўйича солиштириладиган кўрсаткичлар аудит қилинадиган молиявий ҳисоботга тааллуқли Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосга мувофиқ эканлигини аниқлаши лозим.**
3. Турли мамлакатларнинг Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосларида фарқлар мавжудлиги ҳар бир концептуал асосда солиштириладиган молиявий маълумот ҳар хил тақдим этилишига олиб келади. Масалан, молиявий ҳисоботдаги солиштириладиган кўрсаткичлар концептуал асослардан келиб чиқиб, бир даврдан кўпроқ бўлган муддатда суммалар (масалан, молиявий ҳолат, молиявий-хўжалик фаолиятининг натижалари, пул оқимларининг силжиши) ва субъектнинг тегишли ёритишлари сифатида тақдим этилиши мумкин. Қуйида ушбу АХСда кўриб чиқиладиган концептуал асослар ва тақдим этиш усуллари келтирилган:

(а) ***Корреспондентланадиган кўрсаткичлар*** - олдинги давр бўйича суммалар ва бошқа ёритишлар жорий давр бўйича молиявий ҳисоботнинг бир қисми сифатида киритилган ва жорий давр билан боғлиқ суммалар ва ёритишлар контекстида ўқиш учун мўлжалланган (ушбу АХС учун матнинг келгусида "жорий давр кўрсаткичлари").

Ушбу корреспондентланадиган кўрсаткичлар мустақил кўриб чиқиладиган тўлиқ молиявий ҳисобот каби тақдим этилмайди, лекин фақат жорий давр кўрсаткичлари контекстида ўқиш учун мўлжалланган молиявий ҳисоботнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

(б) ***Солиштириладиган молиявий ҳисобот*** - олдинги давр бўйича суммалар ва ёритишлар жорий давр бўйича молиявий ҳисобот билан солиштириш учун келтирилади, бироқ жорий давр бўйича молиявий ҳисоботнинг қисми бўлиб ҳисобланмайди.

(Турли Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асослар кўриб чиқиладиган ушбу АХСнинг 1-иловасига қаранг.)

4. Солиштириладиган кўрсаткичлар мақбул бўлган Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосларга мувофиқ тақдим этилади. Аудиторлик ҳисоботи бўйича асосий фарқлар қуйидагича:

(а) корреспондентланадиган кўрсаткичлар учун аудиторлик ҳисоботи фақат жорий йилнинг молиявий ҳисоботига изоҳланади; аксинча

(б) солиштириладиган молиявий ҳисобот учун аудиторлик ҳисоботи молиявий ҳисобот тақдим этилган ҳар бир даврга изоҳланади.

5. Ушбу АХС аудиторнинг солиштириладиган кўрсаткичларга тегишли масъулияти ва икки концептуал асосларга мувофиқ улар бўйича алоҳида ҳисоботлар тақдим этиши юзасидан қўлланма тақдим этади.

Корреспондентланадиган кўрсаткичлар

Аудиторнинг масъулияти

6. **Аудитор корреспондентланадиган кўрсаткичлар тегишли Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асос талабларини қондиришлигига етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олиши лозим.** Корреспондентланадиган кўрсаткичлар юзасидан бажариладиган аудиторлик муолажалар жорий давр кўрсаткичлари юзасидан аудит ҳажмидан аҳамиятли камроқ ва, одатда, корреспондентланадиган кўрсаткичлар тўғри тақдим этилиши ва тегишли равишда туркумланишини таъминлаш билан чекланади. Бунда аудитор томонидан қуйидагиларга баҳо берилгани киритилади:

(а) корреспондентланадиган кўрсаткичларга нисбатан қўлланиладиган ҳисоб сиёсати жорий давр ҳисоб сиёсатига изчиллиги ёки тегишли тузатишлар ва/ёки ёритишлар қилинганлиги;

(б) корреспондентланадиган кўрсаткичлар олдинги давр бўйича тақдим этилган суммалар ва бошқа ёритишлар билан мувофиқлиги ёки тегишли тузатишлар ва/ёки ёритишлар қилинганлиги.

7. Ўтган давр бўйича молиявий ҳисобот бошқа аудитор томонидан ўтказилган тақдирда, кейинги аудитор корреспондентланадиган кўрсаткичлар 6-бандда баён этилган талабларга жавоб беришига баҳо беради ҳамда 510-АХС "Дастлабки келишувлар - бошланғич қолдиқ" тақдим этган қўлланмага амал қилади.

8. Ўтган давр бўйича молиявий ҳисоботининг аудити ўтказилмаган тақдирда, аудитор, шунга қарамасдан, корреспондентланадиган кўрсаткичлар 6-бандда баён этилган талабларга жавоб беришига баҳо беради ҳамда 510-АХС "Дастлабки келишувлар - бошланғич қолдиқ" тақдим этган қўлланмага амал қилади.

9. Жорий давр бўйича аудитни бажаришда аудиторга корреспондентланадиган кеўрсаткичларда муҳим нотўғриликлар мажуд бўлиш эҳтимоли маълум бўлган тақдирда, аудитор ушбу вазиятларда керакли бўлган қўшимча муолажаларни ўтказади.

Ҳисоботни тақдим этиш

10. **Солиштириладиган кўрсаткичлар корреспондентланадиган кўрсаткичлар кўринишида тақдим этилган тақдирда, аудитор солиштириладиган кўрсаткичлар махсус ажратиб кўрсатилмаган аудиторлик ҳисоботини тайёрлаши лозим, чунки аудитор жорий даврнинг умуман молиявий ҳисоботи, корреспондентланадиган кўрсаткичлар шулар жумласидан, бўйича фикр билдиради.**

11. Аудиторлик ҳисоботида фақат 12-, 13-, 15(б)-, 16-, 17-, 18- ва 19-бандларда кўзда тутилган ҳолатларда корреспондентланадиган кўрсаткичларга аниқ изоҳланади.

Ўтган давр бўйича аудит ўтказилмаган молиявий ҳисобот

18. **Агар ўтган даврнинг молиявий ҳисоботи бўйича аудит ўтказилмаган бўлса, келгуси аудитор аудиторлик ҳисоботида корреспондентлана-диган кўрсаткичларнинг аудити ўтказилмаганлигини таъкидлаши лозим.** Бундай таъкидлаш, бироқ, аудиторни жорий даврнинг бошланғич қолдиғи юзасидан тегишли муолажаларини бажариш тўғрисидаги талабларга риоя қилишдан озод этмайди. Молиявий ҳисоботда корреспондентланадиган кўрсаткичларнинг аудити ўтказилмаганлигини очиқ-ойдин ёритилиши рағбатлантирилади.
19. **Келгуси аудитор корреспонденланадиган кўрсаткичлар муҳим нотўғриликларга эга эканлигини аниқлаган вазиятларда, у корреспондентланадиган кўрсаткичларни қайтадан кўриб чиқиш юзасидан субъект раҳбариятига илтимос билан мурожат қилиши ёки, агар субъект раҳбарияти бундан бош тортган тақдирда, аудиторлик ҳисоботини тегишли равишда модификациялаштириши лозим.**

Солиштириладиган молиявий ҳисобот

Аудиторнинг масъулияти

20. **Аудитор солиштириладиган молиявий ҳисобот Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептул асос талабларига жавоб беришлиги юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олиши лозим.** Бунда аудитор томонидан қуйидагиларга берилган баҳо киритилади:

(а) ўтган даврнинг ҳисоб сиёсати жорий даврнинг ҳисоб сиёсатига изчиллигига ёки тегишли тузатишлар ва/ёки ёритишлар амалга оширилганлигига;

(б) ўтган давр кўрсаткичлари ўтган давр бўйича тақдим этилган суммалар ва бошқа ёритишларга мувофиқлигига ёки тегишли тузатишлар ва ёритишлар амалга оширилганлигига.

21. **Ўтган давр бўйича молиявий ҳисобот бошқа аудитор томонидан ўтказилган ҳолатда,** келгуси аудитор солиштириладиган молиявий ҳисобот 20-бандда баён этилган шартларга жавоб беришига ҳамда 510-АХС "Даслабки келишувлар - бошланғич қолдиқ"да тақдим этилган қўлланмага риоя қилишига баҳо беради.
22. Ўтган давр бўйича молиявий ҳисоботнинг аудити ўтказилмаган ҳолатда, келгуси аудитор, шунга қарамасдан, солиштириладиган молиявий ҳисобот 20-бандда баён этилган шартларга жавоб беришига ҳамда 510-АХС "Даслабки келишувлар - бошланғич қолдиқ"да тақдим этилган қўлланмага риоя қилишига баҳо беради.
23. Жорий давр бўйича аудитни бажаришда аудиторга ўтган давр бўйича кўрсаткичларда муҳим нотўғриликлар эҳтимоли маълум бўлган тақдирда, аудитор ушбу вазиятларда керакли бўлган қўшимча муолажаларни ўтказади.

Ҳисоботни тақдим этиш

24. **Солиштириладиган кўрсаткичлар солиштириладиган молиявий ҳисобот кўринишида тақдим этилган тақдирда, аудитор солиштириладиган кўрсаткичлар аниқ аниқланган аудиторлик ҳисоботини тайёрлаши лозим, чунки ҳар қайси алоҳида давр бўйича тақдим этилган ҳар бир молиявий ҳисобот бўйича аудиторнинг фикри алоҳида билдирилади.** Солиштириладиган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботи ҳар бир алоҳида тақдим этилган молиявий ҳисоботга қўлланиши муносабати билан, аудитор ўз фикрини шарҳлар билан ёки салбий фикр билдириши, фикр билдиришни рад этиши ёки бир ёки ундан кўп даврлар бўйича бир ёки ундан кўп молиявий ҳисоботлар юзасидан тушунтириш бандини киритиши ва, шунинг билан бир пайтда, бошқа молиявий ҳисобот бўйича алоҳида ҳисобот тайёрлаши мумкин.
25. **Жорий давр бўйича аудит муносабати билан ўтган давр бўйича молиявий ҳисобот юзасидан аудиторлик ҳисоботи тақдим этилган тақдирда, агар ўтган давр бўйича молиявий ҳисобот юзасидан фикр олдин билдириган фикрдан фарқланса, аудитор тушунтириш бандида фикларда вужудга келган фарқларнинг ҳақиқий сабабларини ёритиб бериши лозим. Жорий давр бўйича аудит ўтказилаётган пайтда аудиторга ўтган давр молиявий ҳисоботига муҳим таъсир кўрсатадиган вазиятлар ёки ҳодисалар тўғрисида маълум бўлган тақдирда, бундай вазият вужудга келиши мумкин.**

Келгуси аудитор - Қўшимча талаблар
Ўтган давр бўйича молиявий ҳисоботнинг бошқа аудитор томонидан ўтказилган аудити

26. **Ўтган давр бўйича молиявий ҳисоботнинг аудити бошқа аудитор томонидан ўтказилган ҳолатда:**

(а) **олдинги аудитор ўтган давр бўйича молиявий ҳисобот юзасидан аудиторлик ҳисоботини қайтадан чоп этиши мумкин, бунда келгуси аудитор фақат жорий давр бўйича аудиторлик ҳисоботини тақдим этади; ёки**

(б) **келгуси аудиторнинг аудиторлик ҳисоботида ўтган даврнинг аудити олдинги аудитор томонидан ўтказилганлиги қайд этилиши ва келгуси аудиторнинг аудиторлик ҳисоботи қуйидагиларни акс этиши лозим:**

- **ўтган давр бўйича молиявий ҳисоботнинг аудити бошқа аудитор томонидан ўтказилганлиги;**
- **олдинги аудитор томонидан чоп этилган ҳисоботнинг тури, ва, агар ҳисобот модификациялаштирилган бўлса, бунинг сабабалари;**
- **олдинги ҳисобот санаси.**

27. Жорий давр бўйича молиявий ҳисоботни бажаришда, муайян ғайриодатий вазиятларда, келгуси аудиторга олдинги аудитор модификациялаштирилмаган ҳисобот тақдим этган ўтган даврнинг молиявий ҳисоботига муҳим таъсир кўрсатадиган нотўғриликлар тўғрисида маълум бўлиши мумкин.

28. **Бундай ҳолатларда келгуси аудитор ушбу масалани субъект раҳбарияти билан муҳокама қилиши ва раҳбарият рухсатини олгандан кейин олдинги аудиторга ўтган давр бўйича молиявий ҳисоботни қайтадан тасдиқлаб бериш тўғрисида таклиф билан мурожат қилиши лозим. Агар олдинги аудитор ўтган давр бўйича қайтадан тасдиқланган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботини қайтадан чоп этишга розилик билдирса, аудитор 26-бандда келтирилган қўлланмага риоя қилиши лозим.**

29. 27-бандда баён этилган ҳолатларда, олдинги аудитор ўтган даврнинг молиявий ҳисоботи бўйича таклиф этилган қайтадан тасдиқлашдан ёки қайтадан аудиторлик ҳисоботини чоп этишдан бош тортган тақдирда, аудиторлик ҳисоботининг кириш бандида олдинги аудитор ўтган даврнинг молиявий ҳисоботи бўйича ҳисоботни у қайтадан тасдиқлангунга қадар тақдим этган деб таъкидлаш мумкин. Қўшимча равишда, агар келгуси аудитор аудит ўтказиб ва қайтадан тасдиқлаш билан боғлиқ бўлган тузатишлар ўринли деб ҳисоблашга етарли бўлган муолажаларни қўллаган тақдирда, аудитор, шунингдек, ҳисоботга қуйидаги бандни киритиши мумкин:

> "Биз, шунингдек, 2004 йил бўйича молиявий ҳисоботни қайтадан тасдиқлашда фойдаланилган молиявий ҳисоботнинг X иловасида баён этилган тузатишларнинг аудитини ўтказдик. Бизнинг фикримизча, бундай тузатишлар ўринли ҳисобланади ва улардан тегишли равишда фойдаланилган."

Ўтган давр бўйича аудит қилинмаган молиявий ҳисобот

30. **Агар ўтган даврнинг молиявий ҳисоботи бўйича аудит ўтказилмаган тақдирда, келгуси аудитор аудиторлик ҳисоботида солиштирила-диган молиявий ҳисоботининг аудити ўтказилмаганлиги тўғрисида кўрсатиб ўтиши лозим.** Бундай таъкидлаш, бироқ, жорий даврнинг бошланғич қолдиғи юзасидан тегишли аудиторлик муолажаларини бажаришдан озод этмайди.

31. **Келгуси аудитор ўтган йил бўйича аудит қилинмаган кўрсаткичларда муҳим янглишларни аниқлаган тақдирда, у субъект раҳбариятига ўтган давр бўйича кўрсаткичларни қайтадан кўриб чиқиш тўғрисида мурожат қилиши ёки, агар субъект раҳбарияти буни бажаришдан бош тортса, аудиторлик ҳисоботини тегишли равишда модификациялаштириши лозим.**

Кучга киритилган сана

Ҳисоботлар 1997 йил 1 июл ҳолатига ёки кўрсатилган санадан кейин чоп этилган ёки қайтадан чоп этилгандан сўнг ушбу АХС кучга киради. Ушбу стандартни олдинги даврлар юзасидан ҳам қўллашга рухсат этилади.

1-илова.

Солиштириладиган кўрсаткичлар юзасидан Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосларнинг муҳокамаси

1. Бир ёки ундан кўпроқ ўтган даврларни қамровчи солиштириладиган кўрсаткичлар молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни вақт даврида субъектга таъсир кўрсатувчи йўналишлар ва ўзгаришларни аниқлашга керакли бўлган маълумот билан таъминлайди.

2. Кўпчилик мамлакатларда тарқалган Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асослар шартларига кўра (бевосита ва билвосита) солиштиришлик ва изчиллик молиявий маълумот учун мувофиқ сифат тавсифлари бўлиб ҳисобланади. Агар кенгроқ таъриф берилса, солиштиришлик бу умум қабул қилинган муайян тавсифлар мавжудлигини кўзда тутган сифат, солиштириш эса, одатда, умум қабул қилинган тавсифларга берилган миқдорий баҳо билан ифодаланади. Изчиллик бухгалтерия ҳисобининг икки рақами ўртасидаги сифат тавсифини ифодалайди. Изчиллик (масалан, бир даврдан иккинчи даргача бухгалтерия ҳисоби тамойилларидан фойдаланиш изчиллиги, ҳисобот даврининг даврийлиги юзасидан изчиллик ва ҳоказо) ҳақиқий солиштиришлик учун зарурий шарт бўлиб ҳисобланади.

3. Солиштириладиган кўрсаткичлар юзасидан Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асоснинг икки асосий тури: корреспондентланадиган кўрсаткичлар ва солиштириладиган молиявий ҳисобот мавжуд.

4. Корреспондентланадиган кўрсаткичлар юзасидан концептуал асос ўтган давр(лар) бўйича корреспондентланадиган кўрсаткичлар жорий давр бўйича молиявий ҳисоботнинг ажралмас қисми ҳисобланишини ва жорий даврга тааллуқли суммалар ва ёритишлар билан биргаликда ўқишлигини белгилайди. Корреспондентланган суммалар ва ёритишларда тақдим этилган муфассаллаштириш даражаси жорий йил кўрсаткичларига нисбатан асосан унинг релевантлиги билан белгиланади.

5. Солиштириладиган молиявий ҳисобот юзасидан концептуал асос ўтган давр(лар) бўйича солиштириладиган молиявий ҳисобот алоҳида молиявий ҳисобот тариқасида кўрилишини белгилайди. Тегишли равишда, солиштириладиган молиявий ҳисоботга киритилган маълумотнинг даражаси (жумладан, барча молиявий ҳисоботлар суммалари, ёритишлар, изоҳлар ва аҳамиятлиги доирасида бошқа тушунтириш ҳисоботлари) жорий давр бўйича молиявий ҳисоботга киритилган маълумотнинг даражасига яқинлашади.

2-илова

Намунавий аудиторлик ҳисоботлар

А мисол *Корреспондентланадиган кўрсаткичлар: 12а-бандда баён этилган ҳолатлар учун аудиторлик ҳисоботининг намунаси*

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

(ТЕГИШЛИ ОЛУВЧИ)

Биз АВС Компанияси томонидан тақдим этилган[1] 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра бухгалтерия баланси ва у билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар ҳисоботи ҳамда қайд этилган санада якунланган йил бўйича пул маблағларининг силжишининг аудитини ўтказдик. Ушбу молиявий ҳисобот бўйича масъулият Компания раҳбариятининг зиммасига юклатилган. Бизнинг масъулиятимиз ўтказилган аудит асосида ушбу молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан иборат.

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (ёки тегишли миллий стандартлар ва амалиётга изоҳланиш) мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот муҳим нотўғриликларга эга эмаслиги тўғрисида оқилона ишонч ҳосил қилиш мақсадида аудитни режалаштириш ва ўтказишимизни талаб қилади. Аудит молиявий ҳисоботдаги суммалар ва ёритишларни тасдиқловчи даллилларни тест синовидан ўтказиш йўли билан текширишдан иборат. Аудит, шунингдек, фойдаланилган бухгалтерия ҳисоби тамойилларига ва субъект раҳбариятининг муҳим баҳолашларига ҳамда умуман тақдим этилган молиявий ҳисоботга баҳо беришдан иборат.

Молиявий ҳисоботнинг X иловасида қайд этилганидек, ушбу молиявий ҳисоботда эскириш бўйича маълумот тақдим этилмаган, бундай амалиёт эса, бизнинг фикримизча, Бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро стандартига мувофиқ эмас (ёки тегишли миллий стандартларга изоҳ). Эскиришни бир маромда ҳисоблаш усули асосида йиллик эскириш меъёри бинолар учун 5% ва ускуналар учун 29% миқдорида бўлган тақдирда зарар 2004 йилда XXX сўмга ва 2003 йилда XXX сўмга оширилиши, асосий воситалар қиймати жамланган эскириш миқдорида 2004 йилда XXX сўмга ва 2003 йили XXX сўмга камайтирилиши, жамланган зарар эса 2004 йилда XXX сўмга ва 2003 йилда XXX сўмга оширилиши лозим.

Бизнинг фикримизча, ... мувофиқ[2] (ва мувофиқдир .....[3]) молиявий ҳисоботга олдинги банда баён этилган омил таъсиридан ташқари, молиявий ҳисобот 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра Компаниянинг молиявий ҳолатини ҳамда унинг молиявий-хўжалик фаолиятини ва қайд этилган санага якунланган йил бўйича пул маблағлари силжиши тўғрисида ҳақиқий ва ишончли акс этади (ёки "барча аҳамиятли жавҳалар бўйича ҳақиқий тақдим этилган")

АУДИТОР

Сана
Манзил

---

[1] Бетлар рақамини кўрсатиш мумкин.
[2] БҲХС ёки тегишли миллий стандартларни кўрсатинг.
[3] Тегишли қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларга изоҳлар.

Б мисол *Корреспондентланадиган кўрсаткичлар: 12а-бандда баён этилган ҳолатлар учун аудиторлик ҳисоботининг намунаси*

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

(ТЕГИШЛИ ОЛУВЧИ)

Биз АВС Компанияси томонидан тақдим этилган[4] 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра бухгалтерия баланси ва у билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар ҳисоботи ҳамда қайд этилган санада якунланган йил бўйича пул маблағларининг силжишининг аудитини ўтказдик. Ушбу молиявий ҳисобот бўйича масъулият Компания раҳбариятининг зиммасига юклатилган. Бизнинг масъулиятимиз ўтказилган аудит асосида ушбу молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан иборат.

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (ёки тегишли миллий стандартлар ва амалиётга изоҳланиш) мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот муҳим нотўғриликларга эга эмаслиги тўғрисида оқилона ишонч ҳосил қилиш мақсадида аудитни режалаштириш ва ўтказишимизни талаб қилади. Аудит молиявий ҳисоботдаги суммалар ва ёритишларни тасдиқловчи даллиларни тест синовидан ўтказиш йўли билан текширишдан иборат. Аудит, шунингдек, фойдаланилган бухгалтерия ҳисоби тамойилларига ва субъект раҳбариятининг муҳим баҳолашларига ҳамда умуман тақдим этилган молиявий ҳисоботга баҳо беришдан иборат. Биз томондан ўтказилган аудит бизнинг фикримизни билдиришга оқилона асос беради деб ҳисоблаймиз.

Биз Компания аудиторлари сифатида 2005 йилда тайинланганлигимиз муносабати билан, биз (давр) бошига товар-моддий заҳираларнинг жисмоний ҳисобланиши юзасидан кузатишни амалга оширишга ёки муқобил усуллар билан уларнинг миқдорига ишонч ҳосил қилишга имконият бўлмади. Давр боши ҳолатига товар-моддий заҳиралар молиявий-хўжалик фаолиятининг натижаларини аниқлашга тааллуқли бўлиши муносабати билан, биз 2005 йил бошига молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ва тақсимланмаган фойда юзасидан тузатишлар лозимлигини аниқлай олмадик. 2005 йил (баланс санасини кўрсатинг) якунланадиган (давр) учун молиявий ҳисоботи бўйича бизнинг аудиторлик ҳисоботимиз тегишли равишда модификациялаштирилди.

Бизнинг фикримизча, ... мувофиқ[5] (ва мувофиқдир .....[6]) 2004 йил бўйича корреспондентланадиган кўрсаткичларга, агар бизда давр бошига ..... ҳолатига кўра товар-моддий заҳиралар миқдорини кузатиш имконияти бўлган тақдирда керакли деб ҳисоблаган 2004 йилда якунланадиган (давр) бўйича молиявий-хўжалик натижалари юзасидан тузатишларнинг таъсиридан ташқари, молиявий ҳисобот Компаниянинг 2005 йил 31 декабр ҳолатига кўра унинг молиявий-хўжалик фаолиятини ва қайд этилган санага якунланган йил бўйича пул маблағлари силжиши тўғрисида ҳақиқий ва ишончли акс этади (ёки "барча аҳамиятли жавҳалар бўйича ҳақиқий тақдим этилган").

АУДИТОР

Сана
Манзил

[4] Бетлар рақамини кўрсатиш мумкин.
[5] БҲХС ёки тегишли миллий стандартларни кўрсатинг.
[6] Тегишли қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларга изоҳлар.

В мисол *Солиштириладиган молиявий ҳисобот: 24-бандда баён этилган ҳолатлар учун аудиторлик ҳисоботининг намунаси*

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

(ТЕГИШЛИ ОЛУВЧИ)

Биз АВС Компанияси томонидан тақдим этилган[7] 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра бухгалтерия баланси ва у билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар ҳисоботи ҳамда қайд этилган санада якунланган йил бўйича пул маблағларининг силжишининг аудитини ўтказдик. Ушбу молиявий ҳисобот бўйича масъулият Компания раҳбариятининг зиммасига юклатилган. Бизнинг масъулиятимиз ўтказилган аудит асосида ушбу молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан иборат.

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (ёки тегишли миллий стандартлар ва амалиётга изоҳланиш) мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот муҳим нотўғриликларга эга эмаслиги тўғрисида оқилона ишонч ҳосил қилиш мақсадида аудитни режалаштириш ва ўтказишимизни талаб қилади. Аудит молиявий ҳисоботдаги суммалар ва ёритишларни тасдиқловчи даллиларни тест синовидан ўтказиш йўли билан текширишдан иборат. Аудит, шунингдек, фойдаланилган бухгалтерия ҳисоби тамойилларига ва субъект раҳбариятининг муҳим баҳолашларига ҳамда умуман тақдим этилган молиявий ҳисоботга баҳо беришдан иборат. Биз томондан ўтказилган аудит бизнинг фикримизни билдиришга оқилона асос беради деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисоботнинг X иловасида кайд этилганидек, ушбу молиявий ҳисоботда эскириш бўйича маълумот тақдим этилмаган, бундай амалиёт эса, бизнинг фикримизча, Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мувофиқ эмас (ёки тегишли миллий стандартларга изоҳлар). Эскиришни бир маромда ҳисоблаш усули асосида йиллик эскириш меъёри бинолар учун 5% ва ускуналар учун 29% миқдорида бўлган тақдирда зарар 2004 йилда XXX сўмга ва 2003 йилда XXX сўмга оширилиши, асосий воситалар қиймати жамланган эскириш миқдорида 2004 йилда XXX сўмга ва 2003 йили XXX сўмга камайтирилиши, жамланган зарар эса 2004 йилда XXX сўмга ва 2003 йилда XXX сўмга оширилиши лозим.

Бизнинг фикримизча, ... мувофиқ[8] (ва мувофиқдир .....[9]) молиявий ҳисоботга олдинги бандда қайд этилган омилнинг таъсиридан ташқари, молиявий ҳисобот Компаниянинг 2005 йил 31 декабр ҳолатига кўра унинг молиявий-хўжалик фаолиятини ва қайд этилган санага якунланган йил бўйича пул маблағлари силжиши тўғрисида ҳақиқий ва ишончли акс этади (ёки "барча аҳамиятли жавҳалар бўйича ҳақиқий тақдим этилган").

АУДИТОР

Сана
Манзил

[7] Бетлар рақамини кўрсатиш мумкин.
[8] БҲХС ёки тегишли миллий стандартларни кўрсатинг.

[9] Тегишли қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларга изоҳлар

Г мисол *Корреспондентланадиган кўрсаткичлар: 17-бандда қайд этилган ҳолатлар учун аудиторлик ҳисоботининг намунаси*

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

(ТЕГИШЛИ ОЛУВЧИ)

Биз АВС Компанияси томонидан тақдим этилган[10] 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра бухгалтерия баланси ва у билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар ҳисоботи ҳамда қайд этилган санада якунланган йил бўйича пул маблағларининг силжишининг аудитини ўтказдик. Ушбу молиявий ҳисобот бўйича масъулият Компания раҳбариятининг зиммасига юклатилган. Бизнинг масъулиятимиз ўтказилган аудит асосида ушбу молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан иборат. Компания 2003 йил 31 декабр ҳолатига кўра молиявий ҳисоботининг аудити бошқа аудитор томонидан ўтказилган ва унинг аудиторлик ҳисоботига 2004 йил 31 март сана қўйилган ва ушбу молиявий ҳисобот бўйича шарҳларсиз фикр билдирилган.

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (ёки тегишли миллий стандартлар ва амалиётга изоҳланиш) мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот муҳим нотўғриликларга эга эмаслиги тўғрисида оқилона ишонч ҳосил қилиш мақсадида аудитни режалаштириш ва ўтказишимизни талаб қилади. Аудит молиявий ҳисоботдаги суммалар ва ёритишларни тасдиқловчи даллилларни тест синовидан ўтказиш йўли билан текширишдан иборат. Аудит, шунингдек, фойдаланилган бухгалтерия ҳисоби тамойилларига ва субъект раҳбариятининг муҳим баҳолашларига ҳамда умуман тақдим этилган молиявий ҳисоботга баҳо беришдан иборат. Биз томондан ўтказилган аудит бизнинг фикримизни билдиришга оқилона асос беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, ... мувофиқ[11] (ва мувофиқдир .....[12]) молиявий ҳисобот Компаниянинг 2005 йил 31 декабр ҳолатига кўра унинг молиявий-хўжалик фаолиятини ва қайд этилган санага якунланган йил бўйича пул маблағлари силжиши тўғрисида ҳақиқий ва ишончли акс этади (ёки "барча аҳамиятли жавҳалар бўйича ҳақиқий тақдим этилган").

АУДИТОР

Сана
Манзил

[10] Бетлар рақамини кўрсатиш мумкин.
[11] БҲХС ёки тегишли миллий стандартларни кўрсатинг.
[12] Тегишли қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларга изоҳлар

Д мисол *Солиштириладиган молиявий ҳисобот: 26б-бандда қайд этилган ҳолатлар учун аудиторлик ҳисоботининг намунаси*

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

(ТЕГИШЛИ ОЛУВЧИ)

Биз АВС Компанияси томонидан тақдим этилган[13] 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра бухгалтерия баланси ва у билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар ҳисоботи ҳамда қайд этилган санада якунланган йил бўйича пул маблағларининг силжишининг аудитини ўтказдик. Ушбу молиявий ҳисобот бўйича масъулият Компания раҳбариятининг зиммасига юклатилган. Бизнинг масъулиятимиз ўтказилган аудит асосида ушбу молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан иборат. Компания 2003 йил 31 декабр ҳолатига кўра молиявий ҳисоботининг аудити бошқа аудитор томонидан ўтказилган ва унинг аудиторлик ҳисоботига 2004 йил 31 март сана қўйилган ва ушбу молиявий ҳисобот бўйича даргумон дебиторлик қарзи бўйича заҳиралар етарлилиги юзасидан келишмовчилик оқибатида шарҳлар билан фикр билдирилган.

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (ёки тегишли миллий стандартлар ва амалиётга изоҳланиш) мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот муҳим нотўғриликларга эга эмаслиги тўғрисида оқилона ишонч ҳосил қилиш мақсадида аудитни режалаштириш ва ўтказишимизни талаб қилади. Аудит молиявий ҳисоботдаги суммалар ва ёритишларни тасдиқловчи даллиларни тест синовидан ўтказиш йўли билан текширишдан иборат. Аудит, шунингдек, фойдаланилган бухгалтерия ҳисоби тамойилларига ва субъект раҳбариятининг муҳим баҳолашларига ҳамда умуман тақдим этилган молиявий ҳисоботга баҳо беришдан иборат. Биз томондан ўтказилган аудит бизнинг фикримизни билдиришга оқилона асос беради деб ҳисоблаймиз.

2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра юқорида қайд этилган дебиторлик қарзи ҳали қопланмаган ва молиявий ҳисоботда вужудга келиши мумкин бўлган бўлғуси зарарлар имконини қоплаш бўйича заҳираларни кўзда тутмаган. 2004 йил ва 2003 йил 31 декабр ҳолатига кўра даргумон дебиторлик қарзи бўйича заҳира тегишли равишда XXX сўмга кўпайтирилиши, 2003 йил бўйича соф фойда XXX сўмга камайтирилиши, 2004 йил ва 2003 йил 31 декабр ҳолатига кўра тақсимланмаган фойда эса XXX сўмга камайтирилиши лозим.

Бизнинг фикримизча, ... мувофиқ[14] (ва мувофиқдир .....[15]) молиявий ҳисоботга юқоридаги бандда баён этилган омилнинг таъсиридан ташқари, молиявий ҳисобот Компаниянинг 2005 йил 31 декабр ҳолатига кўра унинг молиявий-хўжалик фаолиятини ва қайд этилган санага якунланган йил бўйича пул маблағлари силжиши тўғрисида ҳақиқий ва ишончли акс этади (ёки "барча аҳамиятли жавҳалар бўйича ҳақиқий тақдим этилган").

АУДИТОР

Сана
Манзил

[13] Бетлар рақамини кўрсатиш мумкин.
[14] БҲХС ёки тегишли миллий стандартларни кўрсатинг.
[15] Тегишли қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларга изоҳлар

[720]

ТАРКИБИДА АУДИТ ЎТКАЗИЛГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ БЎЛГАН ҲУЖЖАТЛАРДАГИ БОШҚА МАЪЛУМОТ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	165
Бошқа маълумотдан фойдаланиш	166
Бошқа маълумотни кўриб чиқиш	166
Муҳим ноизчиллик	166
Ҳолатнинг муҳим нотўғриликлари	166
Аудиторлик ҳисоботи санасидан кейин бошқа маълумотдан фойдаланиш	167

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, уларни қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда, АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда, аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади таркибида аудит ўтказилган молиявий ҳисобот бўлган ҳужжатларда келтирилган ва у бўйича ҳисобот тақдим этиш бўйича аудиторнинг масъулияти бўлмаган бошқа маълумот аудитор томонидан кўриб чиқилиши юзасидан стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат. Йиллик ҳисобот кўриб чиқиладиган ҳолатларда, ушбу АХС қўлланилади, бироқ у бошқа, масалан, қимматли қоғозларни таклиф этишда фойдаланиладиган ҳужжатлар юзасидан қўлланиши мумкин.

2. **Аудитор аудит ўтказилган молиявий ҳисобот юзасидан муҳим ноизчиликларни солиштириш учун бошқа маълумотни ўқиб чиқиши лозим.**

3. "Муҳим ноизчиллик". Бошқа маълумот аудит ўтказилган молиявий ҳисоботдаги маълумотга зид бўлган тақдирда, муҳим ноизчиллик ҳолати кузатилади. Муҳим ноизчиллик олдин олинган аудиторлик далиллари асосида чиқарилган аудиторлик хулосалар ва, аҳтимол, молиявий ҳисобот бўйича аудитор фикрини билдириш учун асос юзасидан шубҳалар туғдириши мумкин.

4. Одатда, субъект ҳар йили унинг аудит ўтказилган молиявий ҳисоботи ва ушбу ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботидан иборат ҳужжатни чоп этади. Ушбу ҳужжатни кўп ҳолатларда "йиллик ҳисобот" деб атайдилар. Бундай ҳужжатни чоп этишда субъект, унга, шунингдек, қонунга ёки умум қабул қилинган амалиётга мувофиқ бошқа молиявий ва молиявий бўлмаган ҳисоботни киритиши мумкин. Ушбу АХС мақсадида бундай бошқа молиявий ва молиявий бўлмаган маълумот "бошқа маълумот" деб аталади.

ТАРКИБИДА АУДИТ ЎТКАЗИЛГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ БЎЛГАН ҲУЖЖАТЛАРДАГИ БОШҚА МАЪЛУМОТ

2000.16.03

5. Бошқа маълумотга мисол тариқасида субъект фаолияти бўйича раҳбарият ёки директорлар кенгашининг ҳисоботи, йиғма молиявий кўрсаткичлар ёки энг муҳим кўрсаткичлар, ходимлар бандлиги бўйича маълумот, режалаштирилган капиталлаштирилган харажатлар, молиявий коэффициентлар, юқори мансабдор шахслар ва директорлар исми ҳамда танлаб олинган чора кўрсаткичларини келтириш мумкин.
6. Муайян ҳолатларда аудитор қонунчилик ёки шартномага мувофиқ аниқ бошқа маълумот юзасидан ҳисобот тақдим этишга мажбур. Шунга қарамасдан, молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботини тайёрлашда аудитор бошқа маълумотни кўриб чиқиши лозим, чунки аудит ўтказилган молиявий ҳисобот билан бошқа маълумот ўртасида мавжуд бўлган ноизчиллик аудит ўтказилган молиявий ҳисоботга нисбатан ишончга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.
7. Айрим юрисдикциялар аудитордан муайян турдаги бошқа маълумот, масалан, талаб қилинадиган қўшимча кўрсаткичлар ва оралиқ молиявий маълумот юзасидан ўзига хос бўлган муолажалар қўллашни талаб қилади. Агар бундай бошқа маълумот мавжуд бўлмаса ёки камчиликларга эга бўлса, аудитордан аудиторлик ҳисоботда ушбу жавҳага изоҳланиш талаб этилиши мумкин.
8. Аудитор аниқ бошқа маълумот юзасидан ҳисобот тақдим этиши талаб қилинган тақдирда, аудиторнинг масъулияти келишув тавсифи ҳамда маҳаллий қонунчилик ва касбий стандартлар билан белгиланади. Шунга ўхшаш масъулиятга бошқа маълумотни шарҳлаш киритилган ҳолатларда, аудитор тегишли АХСда тақдим этилган шарҳни ўтказиш бўйича қўлланмага амал қилиши лозим.

Бошқа маълумотдан фойдаланиш

9. Аудитор йиллик ҳисоботга киритилган бошқа маълумотни кўриб чиқиши учун, бундай маълумотдан ўз вақтида фойдаланиш имконияти талаб қилинади. Шунинг учун аудитор аудиторлик ҳисоботини тайёрлаш санасига қадар бундай маълумотни олиш юзасидан субъект билан тегишли келишувга эришиши лозим. Муайян ҳолатларда қайд этилган санагача қадар барча бошқа маълумот мавжуд бўлмаслиги мумкин. Ушбу вазиятларда аудитор 20-23-бандларда баён этилган қўлланмага амал қилиши лозим.

Бошқа маълумотни кўриб чиқиш

10. Молиявий ҳисоботнинг мақсади ва кўлами аудиторнинг масъулияти аудиторлик ҳисоботида кўрсатиладиган маълумот билан чекланади деган тахминга асосланади. Тегишли равишда аудитор бошқа маълумот тегишли равишда кўрсатилганлиги учун ўз зиммасига бошқа масъулият олмайди.

Муҳим ноизчиллик

11. **Агар бошқа маълумотни ўрганиб чиқишда, аудитор муҳим ноизчиллик аниқлаган тақдирда, у аудит ўтказилган молиявий ҳисоботга ёки бошқа маълумотга тузатишлар киритиш лозимлигини аниқлаши керак.**
12. **Аудит ўтказилган молиявий ҳисоботга тузатишлар киритиш керак бўлган ҳолатда, субъект эса уларни киритишдан бош тортса, аудитор ўз фикрини шарҳлар билан билдириши ёки фикр билдиришни рад этиши лозим.**
13. **Бошқа маълумотга тузатишлар киритиш керак бўлган ҳолатда, субъект эса уларни киритишдан бош тортса, аудитор аудиторлик ҳисоботига муҳим ноизчиликни баён этувчи тушунтириш банд киритиш масаласини кўриб чиқиши ёки бошқа ҳаракатларни бажариши лозим.** Аудиторлик ҳисоботини тайёрлашдан бош тортиш ёки келишувда иштирок этишни тўхтатиш каби бажариладиган ҳаракатлар муайян вазиятларга ҳамда ноизчиллик тавсифи ва аҳамиятлигига боғлиқ. Аудитор, шунингдек, келгуси ҳаракатлари юзасидан ҳуқуқий маслаҳат олишни кўриб чиқиши лозим.

Ҳолатнинг муҳим нотўғриликлари

14. Муҳим ноизчилликни солиштириш мақсадида бошқа маълумотни ўрганишда аудиторга ҳолат очиқдан-очиқ муҳим нотўғрилиги ҳақида маълум бўлиши мумкин.
15. Ушбу АХСнинг мақсади учун аудит ўтказилган молиявий ҳисоботда вужудга келадиган масалалар билан боғлиқ бўлмаган бошқа маълумотдаги "ҳолатнинг муҳим нотўғрилиги" бундай маълумот нотўғри кўрсатилганда ёки тақдим этилганда кузатилади.

720

16. **Агар аудиторга бошқа маълумотда муҳим нотўғриликлар мавжудлиги ҳақида маълум бўлса, у ушбу масалани субъект раҳбарияти билан муҳокама қилиши лозим.** Субъект раҳбарияти билан ушбу жавҳани муҳокама қилишда, аудитор бошқа маълумот ҳақиқийлигига ва субъект раҳбариятининг аудитор сўровномаларига берган жавобларига баҳо бериш имкониятига эга бўлмаслиги мумкин ва у мулоҳаза ва фикрда салмоқли фарқлар мавжудлигини кўриб чиқиши лозим.
17. **Аудитор ҳали ҳам очиқдан-очиқ ҳолат нотўғрилиги мавжуд деб ҳисоблаган тақдирда, у юқори малакали учунчи томон, масалан, субъект ҳуқуқшуноси билан маслаҳатлашиш тўғрисидаги илтимос билан субъект раҳбариятига мурожат қилиши ва олинган маслаҳатларни кўриб чиқиши лозим.**
18. **Агар аудитор бошқа маълумотда муҳим ҳолат нотўғрилиги мавжуд деган хулоса чиқарса ва субъект раҳбарияти буни тузатишдан бош тортса, у келгуси ҳаракатларни бажаришни кўриб чиқиши лозим.** Бажариладиган ҳаракатлар қуйидаги қадамлардан, масалан, якуний натижада субъект фаолиятининг умумий йўналишига масъул шахсларга ёзма равишда хабар бериш, бошқа маълумот юзасидан аудитор ташвишланаётганлиги тўғрисида ва ҳуқуқий маслаҳат олиш тўғрисида иборат бўлиши мумкин.

Аудиторлик ҳисоботи санасидан кейин бошқа маълумотдан фойдаланиш

19. Аудиторлик ҳисоботи санасига қадар барча бошқа маълумот аудиторда нақд мавжуд бўлмаган тақдирда, у муҳим ноизчилликни солиштириш мақсадида ушбу санадан кейин маълумотни энг қисқа муддатларда ўрганиб чиқиши лозим.
20. Агар бошқа маълумотни ўрганиш пайтида аудитор муҳим ноизчиликни аниқласа ёки унга очиқдан-очиқ муҳим ҳолат нотўғрилиги ҳақида маълум бўлса, у аудит ўтказилган молиявий ҳисоботни ёки бошқа маълумотни қайтадан кўриб чиқишга эҳтиёж мавжудлигини аниқлайди.
21. Аудит қилинган молиявий ҳисоботни қайтадан кўриб чиқиш мувофиқ ҳисобланган тақдирда, аудитор 560-АХС "Келгуси ҳодисалар"да баён этилган қўлланмага амал қилади.
22. Бошқа маълумотни қайтадан кўриб чиқиш лозим бўлганда ва субъект бунга рози бўлган тақдирда, аудитор ушбу вазиятларда керакли бўлган муолажаларни бажаради. Муолажалар субъект раҳбарияти томонидан олдин чоп этилган молиявий ҳисоботни, ушбу молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботи ва бошқа маълумот қайта кўриб чиқиш тўғрисида фойдаланувчиларга хабар бериш мақсадида амиалга ошириладиган қадамлардан иборат бўлиши мумкин.
23. **Бошқа маълумот кўриб чиқилиши керак бўлганда, лекин субъект раҳбарияти уни ўтказишдан бош тортган тақдирда, аудитор келгуси тегишли ҳаракатлар бажаришни кўриб чиқиши лозим.** Бажариладиган ҳаракатлар қуйидаги қадамлардан, масалан, якуний натижада субъект фаолиятининг умумий йўналишига масъул шахсларга ёзма равишда хабар бериш, бошқа маълумот юзасидан аудитор ташвишланаётганлиги тўғрисида ва ҳуқуқий маслаҳат олиш тўғрисида иборат бўлиши мумкин.

Давлат секторининг аудити

1. Ушбу АХС молиявий ҳисобот аудити контекстида қўлланилади. Давлат секторида кўпчилик ҳолатларда аудитор қонунчилик ёки шартномага мувофиқ аниқ бошқа маълумот юзасидан ҳисобот тақдим этиш бўйича масъулиятга эга бўлади. Ушбу АХСнинг 8-бандига мувофиқ, мазкур АХСда қайд этилган муолажалар аудит, масалан, фаолият кўрсаткичлари ва йиллик ҳисоботда мавжуд бўлган бошқа маълумотнинг ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш юзасидан қонунчиликка оид ва бошқа талабларни бажариш учун етарли эмас. Аудитор бундай маълумот юзасидан фикр билдириши бўйича масъулиятга эга бўлган тақдирда, ушбу АХСни қўллаш ўринли бўлмаган бўлур эди. "Бошқа маълумот" қисми бўйича аудит юзасидан аниқ белгиланган талаблар мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу АХСда баён этилган умумий тамойиллар қўлланилади.

[800]

МАХСУС ЎТКАЗИЛАДИГАН АУДИТГА ОИД КЕЛИШУВЛАР БЎЙИЧА АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	168
Умумий масалалар	169
Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ёки миллий стандартлардан фарқли бухгалтерия ҳисобининг кенг қамровчи асосига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботлар	170
Молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми бўйича аудиторлик ҳисоботлар	170
Шартномавий мажбуриятларга мувофиқликка оид аудиторлик ҳисоботлар	171
Умумлаштирилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботлар	171

1-илова. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари и миллий стандартлардан фарқли бухгалтерия ҳисобининг кенг қамровчи асосига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботларнинг намуналари.

2-илова. Молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми бўйича аудиторлик ҳисоботларнинг намуналари.

3-илова. Мувофиқликка оид аудиторлик ҳисоботларнинг намуналари.

4-илова. Умумлаштирилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботлар.

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда, АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади махсус аудит ўтказиш бўйича келишувлар, қуйидагилар шунинг жумласидан, муносабати билан стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат:
   - бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ёки миллий стандартлардан фарқли бухгалтерия ҳисобининг кенг қамровчи асосига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот;
   - ўзига хос бўлган ҳисобварақлар, ҳисобварақлар элементлари ёки молиявий ҳисоботдаги моддалар (кейинчалик молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми бўйича ҳисоботлар деб аталади);
   - шарномавий мажбуриятларга мувофиқлиги;
   - умумлаштирилган молиявий ҳисобот.

   Ушбу АХС шарҳлар бўйича келишувлар, келишилган муолажаларни бажариш ёки компиляцияларга қўлланилмайди.

2. Аудитор фикр билдириш учун асос сифатида шарҳларни бажариши ва махсус ўтказиладиган аудит пайтида олинган аудиторлик даллилар бўйича шакллантирилган хулосаларга баҳо бериши лозим.

Умумий масалалар

3. Махсус ўтказиладиган аудит ишининг тавсифи, муддати ва ҳажми вазиятларга қараб ўзгариб боради. Махсус ўтказиладиган аудит бўйича келишувни қабул қилишдан олдин, аудитор келишувнинг аниқ тавсифи ҳамда чоп этиладиган ҳисоботнинг шакли ва мазмуни юзасидан мижоз билан келишув мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.
4. Аудиторилик ишини режалаштиришда аудитор ҳисобот тайёрланадиган маълумотдан фойдаланишнинг мақсади ва унинг тахминий фойдаланувчиларини аниқ тушуниши лозим.. Аудиторлик ҳисоботидан бошқа мақсадларда фойдаланиш эҳтимолларини бартараф этиш учун, аудитор аудиторлик ҳисоботида уни тайёрлаш мақсади ва уни тарқатиш ва фойдаланиш бўйича ҳар қандай чекловларни белгилаши мумкин.
5. Махсус ўтказиладиган аудит юзасидан келишув бўйича аудиторлик ҳисоботи, умумлаштирилган молиявий ҳисобот бўйича ҳисобот бундан истисно, одатда қуйидаги тартибда жойлашган асосий элементлардан ташкил топган бўлиши лозим:

(а) сарлавҳа[1] ;
(б) олувчи;
(в) кириш банди:
- аудит қилинган молиявий ҳисоботни солиштириш;
- субъект раҳбарияти масъулияти ва аудитор масъулияти тўғрисида ариза.

(г) банд - аудит қўлами (аудит тавсифини баён қилиш);
- АХС ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳланиш;
- аудитор томонидан бажарилган ишни баён қилиш.

(д) банд - фикр, молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришдан иборат;
(е) ҳисобот санаси;
(ж) аудитор манзили;
(з) аудитор имзоси.

Аудиторлик ҳисоботининг шакли ва мазмуни бир хил бўлишлигига риоя қилиш лозим, чунки бу ушбу ҳисоботни ўқувчилар (фойдаланувчилар) томонидан тушуниш учун ёрдам беради.

6. Субъект томонидан молиявий ҳисобот ҳукуматнинг давлат идораларига, ишончли шахсларга, суғуртачилар ва бошқа субъектларга тақдим этиш ҳолатларида, аудиторлик ҳисоботининг тавсия этилган шакллари мавжуд бўлиши мумкин. Бундай тавсия қилинган ҳисоботлар ушбу АХС талабларига мувофиқ бўлмаслиги мумкин. Масалан, тавсия этилган шакл билдирилган фикр мос бўлганда ҳолатни тасдиқлашни, аудит қўламидан ташқаридаги масалалар бўйича фикр билдиришни талаб қилиши ёки муҳим таърифлашни ташлаб кетиши мумкин. Тавсия этилган шаклга риоя қилиш талаб қилинганда, аудитор тавсия этилган ҳисобот баён этилишининг мазмуни ва шаклини кўриб чиқиши ва баён этиш шаклини ўзгартириб ёки алоҳида ҳисобот илова қилиб ушбу АХС талабларига мувофиқ бўлиши учун тегишли ўзгартиришларни киритиши лозим.
7. Агар аудитордан ҳисобот тақдим этишни сўралган маълумот қандайдир келишув шартларига асосланган тақдирда, маълумот тайёрлашда субъект раҳбарияти томонидан муҳим талқин қилишлар амалга оширилганлигини кўриб чиқиши лозим. Бошқа оқилона талқин қилиш амалга оширилган тақдирда молиявий ҳисоботда муҳим ўзгаришлар содир этилиши мумкин бўлганда, талқин қилиш муҳим ҳисобланади.

---

[1] Мустақил аудитор риоя қиладиган аҳлоқ талабларига риоя қилмаслиги мумкин бўлган субъектнинг мансабдор шахслари ёки бошқа аудиторлар томонидан тайёрланган ҳисоботларлардан аудиторлик ҳисоботини ажратиш учун "мустақил аудитор" атамасини қўллаш ўринли бўлур эди.

8. **Аудитор молиявий маълумот асосланадиган келишувнинг қандайдир муҳим талқин қилинишлари молиявий ҳисоботда равшан ёритилганлигини кўриб чиқиши лозим.** Махсус ўтказиладиган аудит бўйича аудиторлик ҳисоботида аудитор ушбу талқин қилинишларни баён этадиган молиявий маълумотнинг иловасига изоҳланиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ёки миллий стандартлардан фарқли бухгалтерия ҳисобининг кенг қамровчи асосига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботлар

9. Бухгалтерия ҳисобининг кенг қамровчи асоси ўзининг остида мустаҳкам негизга эга бўлган, барча аҳамиятли моддалар юзасидан қўлланиладиган, молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланиладиган бир қатор мезонлардан иборат. Махсус фойдаланиш учун молиявий ҳисобот Бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро стандартлари ёки тегишли миллий стандартлардан фарқли бухгалтерия ҳисобининг кенг қамровчи асосига мувофиқ тайёрланиши мумкин (кейинчалик "бухгалтерия ҳисобининг бошқа кенг қамровчи асоси" деб аталади). Алоҳида талабларни қондириш учун мўлжалланган умум қабул қилинган бухгалтерия қоидаларининг мажуаи бухгалерия ҳисобининг кенг қамровчи асоси бўлиб ҳисобланмайди. Бошқа молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича кенг қамровчи асослар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:
   - ўз даромад солиғини декларациялашда субъект томонидан фойдаланиладиган асослар;
   - пул маблағлари келиб тушиши ва тўланиши асосидаги ҳисоб;
   - давлатнинг тартибга солувчи идораси томонидан ишлаб чиқилган молиявий ҳисобот тўғрисида низомлар.
10. **Бошқа бухгалтерия ҳисобининг кенг қамровчи асосига мувофиқ молиявий ҳисобот бўйича тайёрланган аудиторлик ҳисоботида фойдаланилган бухгалтерия ҳисобининг асосини кўрсатувчи таъкидлаш мавжуд бўлиши ёки ушбу маълумотни тақдим этаётган молиявий ҳисобот иловасига изоҳланиши лозим. Хулоса молиявий ҳисобот барча муҳим жавҳалар бўйича белгиланган бухгалтерия ҳисобининг асосига мувофиқ тайёрланганлигини кўрсатиш лозим.** Аудитор фикрини ифодалш учун қуйидаги маъноси бир-бирига тенг бўлган атамалардан фойдаланилади: "ҳақиқий ва тўғри акс этади" ёки "барча муҳим жавҳалар бўйича ҳақиқий тақдим этилган". Ушбу АХСнинг 1-иловасида бошқа бухгалтерия ҳисобининг кенг қамровчи асосига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботнинг намуналари келтирилган.
11. Аудитор сарлавҳа ёки молиявий ҳисоботнинг изоҳидан ушбу ҳисобот бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ёки миллий стандартларга мувофиқ тайёрланмаганлиги ўқувчи (фойдаланувчи) учун равшанлигини кўриб чиқиши лозим. Масалан, солиққа тортиш асосидаги молиявий ҳисоботга "Даромадлар ва харажатлар тўғрисида ҳисобот - даромад солиғини ҳисоблаш учун асос" деган сарлавҳа бериш мумкин. **Агар бошқа кенг қвмровчи асосга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот тегишли сарлавҳага эга бўлмаса ёки бухгалерия ҳисобининг асоси мос ёритилмаган тақдирда. Аудитор тегишли модификациялаштирилган ҳисобот тайёрлаши лозим.**

Молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми бўйича аудиторлик ҳисоботлар

12. Аудитордан молиявий ҳисоботнинг бир ёки ундан кўпроқ таркибий қисмлари, масалан, дебиторлик қарзи, товар-моддий заҳиралар, ходимларга ҳисобланган мукофотларни ҳисоблаш ёки даромад солиғини тўлаш юзасидан заҳира бўйича фикр билдириш тўғрисида илтимос қилишлари мумкин. Келишувнинг ушбу тури алоҳида келишув ёки субъект молиявий ҳисоботи аудитининг бир қисми каби амалга оширилиши мумкин. Шунга қарамасдан, умуман молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботи ушбу келишувнинг натижаси бўлиб ҳисобланмайди ва, тегишли равишда, аудитор фақат аудит қилинган таркибий қисм барча муҳим жавҳалари бўйича белгиланган бухгалтерия ҳисобининг асосига мувофиқ тайёрланганлиги юзасидан фикр билдиради.
13. Молиявий ҳисоботнинг кўпчилик моддалари, масалан, сотувлар ва дебиторлик қарзи, товар-моддий заҳиралар ва кредиторлик қарзи ўзаро боғлиқдир. Тегишли равишда, агар молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми бўйича ҳисобот тақдим этилса, аудитор айрим ҳолатларда, аудит ашёсини ажратилган ҳолда кўриб чиқиш имкониятига эга бўлмайди ва ундан бошқа муайян молиявий ҳисоботни кўриб чиқиш талаб қилинади. **Келишув кўламини белгилашда, аудитор аудиторлик хулосасини шакллантиришга тегишли маълумотга муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган молиявий ҳисоботнинг ўзаро боғлиқ моддаларини кўриб чиқиши лозим.**

14. Аудитор ҳисобот тақдим этиладиган молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми юзасидан **муҳимлик қарашлар тизимини кўриб чиқиши лозим.** Масалан, муҳимликни аниқлашда алоҳида ҳисобварақнинг қолдиғи умуман молиявий ҳисоботга нисбатан камроқ асос тақдим этади. Бинобарин, агар худди ўша таркибий қисмнинг аудити барча молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботи муносабати билан ўтказилган тақдирда, одатда, аудитор томонидан ўтказилган текшириш кенгроқ тавсифга эга бўлар эди.

15. Фойдаланувчиларда ҳисобот барча молиявий ҳисоботга тааллуқли деган таъсурот пайдо бўлмаслиги учун, аудитор молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми бўйича ҳисобот субъектнинг молиявий ҳисоботига илова қилинмаслиги тўғрисида мижозга хабар беради.

16. **Молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми бўйича аудиторлик ҳисоботида таркибий қисм тақдим этилишига оид бухгалтерия ҳисобининг асосига кўрсатувчи ёки бундай асосни белгиловчи келишувга изоҳланадиган таъкидлаш бўлиши лозим. Хулоса таркибий қисм барча муҳим жавҳалари бўйича белгиланган бухгалтерия ҳисоби асосига мувофиқ тайёрланганлигини акс этиши лозим.** Ушбу АХСнинг 2-иловасида молиявий ҳисоботнинг таркибий қисмлари бўйича аудиторлик ҳисоботларининг намуналари келтирилган.

Шартномавий мажбуриятларга мувофиқликка оид аудиторлик ҳисоботлар

18. Аудитордан субъект фаолияти шартномаларнинг муайян жавҳаларига, масалан, облигацияларнинг эмиссияси тўғрисидаги келишув ёки кредит келишувига мувофиқлиги юзасидан ҳисобот тақдим этиш тўғрисида илтимос қилишлари мумкин. Бунга ўхшаш келишувлар, одатда, субъектдан турли шартларга, масалан, фоизларни тўлаш, олдиндан белгиланган молиявий коэффициентларни ушлаб туриш, дивидендлар тўланишини чеклаш ва мулкни сотишдан олинган даромаддан фойдаланиш каби масалаларга риоя қилишни талаб этади.

19. **Агар аудиторнинг касбий хабардорлиги доирасида мувофиқликнинг умумий жавҳалари молиявий масалалар ва бухгалтерия ҳисоби масалаларига тааллуқли бўлган тақдирда, субъект фаолияти шартномавий мажбуриятларга мувофиқлиги юзасидан фикр билдириш тўғрисидаги келишувлар қабул қилиниши лозим.** Бироқ, аудиторнинг хабардорлик доирасидан ташқарида бўлган, келишувнинг бир қисмини шакллантирадиган алоҳида масалалар мавжуд бўлган тақдирда, аудитор эксперт ишидан фойдаланишни кўриб чиқиши лозим.

20. **Аудиторнинг фикри бўйича, субъект шартноманинг муайян қоидаларига риоя қилаётганлиги тўғрисидаги маълумот, аудиторлик ҳисоботида қайд этилиши лозим.** Ушбу АХСнинг 3-иловасида алоҳида ҳисоботлар ёки молиявий ҳисоботга илова қилинган ҳисоботлар кўринишида тақдим этилган аудиторлик ҳисоботларининг шартномалар талабларига мувофиқлик намуналари келтирилган.

Умумлаштирилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботлар

21. Субъект фақат у молиявий ҳолатининг асосий кўрсаткичлари ва молиявий-хўжалик фаолиятининг натижаларига манфаатдор бўлган фойдаланувчилар гуруҳига маълумот бериш мақсадида, ўзининг йиллик аудит ўтказиладиган молиявий ҳисоботини умумлаштирувчи молиявий ҳисоботни тайёрлаши мумкин. **Аудитор умумлаштирилган молиявий ҳисобот тайёрланишига асос бўлувчи молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фикрини билдиргунга қадар, у умумлаштирилган молиявий ҳисобот бўйича ҳисобот тақдим этмаслиги лозим.**

22. Ҳар йили аудит ўтказиладиган молиявий ҳисоботга қарағанда, умумлаштирилган молиявий ҳисобот камроқ муфассаллаштирилган ҳолда тақдим этилади. Бинобарин, бундай молиявий ҳисоботда маълумотнинг умумлаштирилган тавсифига аниқ кўрсатиш ва ўқувчи (фойдаланувчи)ни субъектнинг молиявий ҳолати ва унинг молиявий-хўжалик натижаларини яхшироқ тушуниш учун умумлаштирилган молиявий ҳисоботни, тегишли молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асос талаб қиладиган барча ёритишлар киритилган энг яқин аудит текширувидан ўтказилган молиявий ҳисобот билан бирликда ўрганиб чиқиш лозим.

23. Аудит ўтказилган молиявий ҳисобот асосида тайёрланган умумлаштирилган молиявий ҳисоботга тегишли равишда, масалан, "2004 йил 31 декабрда якунланган йил бўйича аудит ўтказилган молиявий ҳисобот асосида тайёрланган умумлаштирилган молиявий маълумот" деган сарлавҳа бериш лозим.

24. Умумлаштирилган молиявий ҳисоботда, йиллик аудит ўтказиладиган молиявий ҳисобот учун фойдаланиладиган молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асос талаб қиладиган барча маълумот мавжуд эмас. Бинобарин, умумлаштирилган молиявий ҳисобот бўйича фикр билдиришда аудитор "ҳақиқий ва тўғри" ёки "барча муҳим жавҳалар бўйича ҳаққоний тақдим этилган" деган жумлалардан фойдаланмайди.

25. **Умумлаштирилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботида қуйидаги асосий элементлар бўлиши ва улар, одатда, қуйидаги тартибда жойлаштирилиши лозим:**

(а) сарлавҳа[2] ;
(б) олувчи;
(в) умумлаштирилган молиявий ҳисобот тайёрланишига асос бўлган аудит ўтказиладиган молиявий ҳисоботни аниқлаш;
(г) қисқартирилмаган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботи санасига изоҳланиш ва ушбу ҳисоботда тақдим этилган фикрнинг тури;
(д) умумлаштирилган молиявий ҳисоботдаги маълумот уни тайёр-ланишига асос бўлган аудит ўтказиладиган молиявий ҳисоботга изчиллиги юзасидан фикр. Агар аудитор қисқартирилмаган молиявий ҳисобот бўйича модификациялаштирилган хулоса чоп этган тақдирда, аудиторлик ҳисоботи, умумлаштирилган молиявий ҳисобот қисқартирилмаган молиявий ҳисобот ва у бўйича аудиторлик ҳисоботи билан бирликда ўрганилиши лозим деган таъкидлаш ёки изоҳга изоҳланиш;
(ж) аудиторлик ҳисоботининг санаси;
(з) аудиторнинг манзили;
(и) аудиторнинг имзоси.

Ушбу АХСнинг 4-иловасида умумлаштирилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботларининг намуналари келтирилган.

Давлат секторининг аудити

1. Хусусий сектор шароитларида кўриладиган "махсус аудит ўтказиш бўйича келишув" каби айрим келишувлар, давлат сектори шароитларида бундай ҳисобланмайди. Масалан, БҲХС ёки миллий стандартлардан фарқли бухгалтерия ҳисобининг кенг қамровчи асосига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботи, давлат секторида, одатда, истисно эмас, балки меъёр ҳисобланади. Бунга эътиборни қаратиш лозим, ва аудиторга чалғитишга олиб келувчи маълумот ҳисоб сиёсати натижаси эканлигига баҳо бериш масъулияти юзасидан қўлланма тақдим этиш лозим.

2. Давлат сектори бўйича аудиторлик ҳисоботлар, одатда, жамоат ҳужжатлари ҳисобланиши, шунинг учун улардан фойдаланиш доирасини фойдаланувчиларнинг аниқ белгиланган гуруҳи билан чеклаш мумкин эмаслиги омилини эътиборга олиш лозим.

[2] 1-изоҳга қаранг.

МАХСУС ЎТКАЗИЛАДИГАН АУДИТГА ОИД КЕЛИШУВЛАР БЎЙИЧА АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

2000.16.03

1-илова

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ёки миллий стандартлардан фарқли бухгалтерия ҳисобининг кенг қамровчи асосига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботларнинг намуналари.

Пул маблағлари келиб тушиши ва тўланиши асосида ҳисобот

..... УЧУН АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

Биз АВС Компаниясининг 2004 йил 31 декабрда якунланган йил бўйича пул маблағлари келиб тушиши ва тўланиши бўйича тақдим этилган ҳисоботнинг аудитини ўтказдик[3]. Ушбу ҳисобот бўйича масъулият АВС Компанияси зиммасига юклатилган. Бизнинг масъулиятимиз ўтказилган аудит асосида тақдим этилган ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз томондан аудит Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган (ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳланади). Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот муҳим нотўғриликларга эга эмаслиги тўғрисида оқилона ишонч ҳосил қилиш мақсадида, биз аудитни режалаштиришимизни ва ўтказишимизни талаб қилади. Аудит молиявий ҳисоботдаги суммалар ва ёритишларни тасдиқловчи далилларни тест синовларини ўтказиш асосида текширишдан иборат. Аудит, шунингдек, субъект раҳбарияти томонидан бухгалтерия ҳисобининг тамойилларидан фойдаланилганлигига ва субъект раҳбарияти томонидан берилган аҳамиятли баҳолашларга баҳо беришдан ҳамда молиявий ҳисобот умумий тақдим этилиши баҳоланишидан иборат. Биз томондан ўтказилган аудит бизнинг фикримизни билдириш учун оқилона асос тақдим этади деб ҳисоблаймиз.

Компания сиёсати тақдим этилаётган ҳисобот пул маблағларининг келиб тушиши ва тўланиши асосида тайёрланишидан иборат. Бунинг асосида тушум ишлаб топилганда эмас, балки олинганда ва харажатлар амалга оширилганда эмас, балки улар тўланганда тан олинади. Бизнинг фикримизча, X иловада баён этилган тушумлар ва тўловларни ҳисоблаш асосига мувофиқ, тақдим этилган ҳисобот 2004 йил 31 декабрда якунланган йил бўйича Компаниянинг олинган даромадлари ва тўланган харажатларининг ҳаққоний ва тўғри акс этади (ёки "барча муҳим жавҳалари бўйича ҳаққоний тақдим этилган").

АУДИТОР

Сана
Манзил

Субъектнинг даромад солиғини ҳисоблаш асосида тайёрланган молиявий ҳисобот

..... УЧУН АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

Биз АВС Компаниясининг 2004 йил 31 декабрда якунланган йил бўйича даромад солиғини ҳисоблаш асосида тайёрланган молиявий ҳисоботининг аудитини ўтказдик[4]. Ушбу ҳисобот бўйича масъулият АВС Компанияси зиммасига юклатилган. Бизнинг масъулиятимиз ўтказилган аудит асосида тақдим этилган ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз томондан аудит Аудитнинг халқаро стандарларига мувофиқ ўтказилган (ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳланади). Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот муҳим нотўғриликларга эга эмаслиги тўғрисида оқилона ишонч ҳосил қилиш мақсадида, биз аудитни режалаштиришимизни ва ўтказишимизни талаб қилади. Аудит молиявий ҳисоботдаги суммалар ва ёритишларни тасдиқловчи далилларни тест синовларини ўтказиш асосида текширишдан иборат. Аудит, шунингдек, субъект раҳбарияти томонидан бухгалтерия ҳисобининг тамойилларидан фойдаланилганлигига ва субъект раҳбарияти томонидан берилган аҳамиятли баҳолашларга баҳо беришдан ҳамда молиявий ҳисобот умумий тақдим этилиши баҳоланишидан иборат. Биз томондан ўтказилган аудит бизнинг фикримизни билдириш учун оқилона асос тақдим этади деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, X иловада баён этилган даромад солиғини ҳисоблаш мақсадида фойдаланиладиган бухгалтерия ҳисоби асосига мувофиқ, молиявий ҳисобот 2004 йил 31 декабрда якунланган йил бўйича Компаниянинг олинган даромадлари ва тўланган харажатларининг ҳаққоний ва тўғри акс этади (ёки "барча муҳим жавҳалари бўйича тўғри тақдим этилган").

АУДИТОР

Сана
Манзил

[3] Тегишли кўрсатмалар, масалан, бетлар рақамига изоҳлар ёки алоҳида ҳисоботлар кўрсатилади.
[4] 3-изоҳга қаранг.

800

2-илова

Молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми бўйича аудиторлик ҳисоботларнинг намуналари.

Дебиторлик қарзининг жадвали

..... УЧУН АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

Биз АВС Компаниясининг 2004 йил 31 декабрда якунланган йил бўйича тақдим этилган дебиторлик қарзи жадвалининг аудитини ўтказдик[5]. Ушбу ҳисобот бўйича масъулият АВС Компанияси зиммасига юклатилган. Бизнинг масъулиятимиз ўтказилган аудит асосида тақдим этилган ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз томондан аудит Аудитнинг халқаро стандартлдарига мувофиқ ўтказилган (ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳланади). Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот муҳим нотўғриликларга эга эмаслиги тўғрисида оқилона ишонч ҳосил қилиш мақсадида, биз аудитни режалаштиришимизни ва ўтказишимизни талаб қилади. Аудит жадвалдаги суммалар ва ёритишларни тасдиқловчи далилларни тест синовларини ўтказиш асосида текширишдан иборат. Аудит, шунингдек, субъект раҳбарияти томонидан бухгалтерия ҳисобининг тамойилларидан фойдаланилганлигига ва субъект раҳбарияти томонидан берилган аҳамиятли баҳолашларга баҳо беришдан ҳамда жадвал умумий тақдим этилиши баҳоланишидан иборат. Биз томондан ўтказилган аудит бизнинг фикримизни билдириш учун оқилона асос тақдим этади деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, ... мувофиқ, дебиторлик қарзининг жадвали 2004 йил 31 декабрда якунланган йил бўйича Компаниянинг дебиторлик қарзини ҳаққоний ва тўғри акс этади (ёки "барча муҳим жавҳалари бўйича тўғри тақдим этилган")[6].

АУДИТОР

Сана
Манзил

Фойдада иштирок этиш улушини ҳисоблашнинг жадвали

..... УЧУН АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

Биз DEF Компаниясининг 2004 йил 31 декабрда якунланган йил бўйича фойдада иштирок этиш улушини ҳисоблаш жадвалининг аудитини ўтказдик[7]. Ушбу ҳисобот бўйича масъулият АВС Компанияси зиммасига юклатилган.

Бизнинг масъулиятимиз ўтказилган аудит асосида тақдим этилган ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз томондан аудит Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган (ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳланади). Ушбу стандартлар жадвал муҳим нотўғриликларга эга эмаслиги тўғрисида оқилона ишонч ҳосил қилиш мақсадида, биз аудитни режалаштиришимизни ва ўтказишимизни талаб қилади. Аудит молиявий ҳисоботдаги суммалар ва ёритишларни тасдиқловчи далилларни тест синовларини ўтказиш асосида текширишдан иборат. Аудит, шунингдек, субъект раҳбарияти томонидан бухгалтерия ҳисобининг тамойилларидан фойдаланилганлигига ва субъект раҳбарияти томонидан берилган аҳамиятли баҳолашларга баҳо беришдан ҳамда жадвал умумий тақдим этилиши баҳоланишидан иборат. Биз томондан ўтказилган аудит бизнинг фикримизни билдириш учун оқилона асос тақдим этади деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, 2003 йил 1 июндаги DEF ва АВС Компанияси ўртасидаги иштирок этиш келишувининг шартларига мувофиқ, фойдада иштирок этиш улушини ҳисоблаш жадвали 2004 йил 31 декабрда якунланган йил бўйича DEFнинг АВС Компанияси фойдасида иштирок этиш улушини ҳаққоний ва тўғри акс этади (ёки "барча муҳим жавҳалари бўйича ҳаққоний тақдим этилган").

АУДИТОР

Сана
Манзил

[5] 3-изоҳга қаранг

[6] Тегишли миллий стандартларни ёки Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари, келишув шартлари ёки бухгалтерия ҳисоби асосининг қандайдир баён этилганига изоҳланишни кўрсатинг.

[7] 3-изоҳга қаранг.

2000.16.03

3-илова

Мувофиқликка оид аудиторлик ҳисоботларга намуналар

Алоҳида аудиторлик ҳисоботи

..... УЧУН АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

Биз 2004 йил 15 майдаги АВС Компаниясининг DEF банки билан тузилган шартномада баён этилган XX бўлимидан то XX бўлимигача бўлган маълумотни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот жавҳаларига мувофиқлиги юзасидан аудит ўтказдик.

Биз томондан аудит Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган (ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳланади). Ушбу стандартлар АВС Компанияси шартноманинг тегишли бўлимларида баён этилган талабларга мувофиқ ҳаракат қилганлиги тўғрисида оқилона ишонч ҳосил қилиш мақсадида, биз аудитни режалаштиришимизни ва ўтказишимизни талаб қилади. Аудит тегишли далилларни тест синовларини ўтказиш асосида текширишдан иборат. Биз томондан ўтказилган аудит бизнинг фикримизни билдириш учун оқилона асос тақдим этади деб ҳисоблаймиз.

АУДИТОР

Сана
Манзил

Молиявий ҳисоботга илова қилинадиган аудиторлик ҳисоботи

..... УЧУН АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

Биз АВС Компаниясининг 2004 йил 31 декабрда якунланган йил бўйича молиявий ҳисоботи ва у билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда ушбу санада якунланган йил бўйича пул маблағлари силжиши тўғрисидаги ҳисоботининг аудитини ўтказдик (варақлар рақамларига изоҳланиш мумкин). Ушбу ҳисобот бўйича масъулият АВС Компанияси зиммасига юклатилган. Бизнинг масъулиятимиз ўтказилган аудит асосида тақдим этилган ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз, шунингдек, 2004 йил 15 майдаги АВС Компаниясининг DEF банки билан тузилган шартномада баён этилган XX бўлимидан то XX бўлимигача бўлган маълумотни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот жавҳаларига мувофиқлиги юзасидан аудит ўтказдик.

Биз томондан аудит Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган (ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳланади). Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот муҳим нотўғриликларга эга эмаслиги ва АВС Компанияси шартноманинг тегишли бўлимларида баён этилган талабларга мувофиқ ҳаракат қилганлиги тўғрисида оқилона ишонч ҳосил қилиш мақсадида, биз аудитни режалаштиришимизни ва ўтказишимизни талаб қилади. Аудит молиявий ҳисоботдаги суммалар ва ёритишларни тасдиқловчи далилларни тест синовларини ўтказиш асосида текширишдан иборат. Аудит, шунингдек, субъект раҳбарияти томонидан бухгалтерия ҳисобининг тамойилларидан фойдаланилганлигига ва субъект раҳбарияти томонидан берилган аҳамиятли баҳолашларга баҳо беришдан ҳамда молиявий ҳисобот умумий тақдим этилиши баҳоланишидан иборат. Биз томондан ўтказилган аудит бизнинг фикримизни билдириш учун оқилона асос тақдим этади деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча:

(а) Бизнинг фикримизча, ... мувофиқ (ва мувофиқдир .....) молиявий ҳисобот Компаниянинг 2005 йил 31 декабр ҳолатига кўра унинг молиявий-хўжалик фаолиятини ва қайд этилган санага якунланган йил бўйича пул маблағлари силжиши тўғрисида ҳақиқий ва ишончли акс этади (ёки "барча аҳамиятли жавҳалар бўйича ҳақиқий тақдим этилган").

(б) 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра, АВС Компанияси барча муҳим жавҳалари бўйича олдинги бандларда эслаб ўтилган шартнома бўлимларида қайд этилган бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот талабларига мувофиқ ҳаракат қилган.

АУДИТОР

Сана
Манзил

800

4-илова

Умумлаштирилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботларининг намуналари

Йиллик аудит ўтказилган молиявий ҳисобот бўйича шарҳларсиз фикр билдирилган тақдирда

..... УЧУН АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (ёки миллий стандартларга ёки амалиётга изоҳланиш) мувофиқ 2004 йил 31 декабрда якунланган йил бўйича умумлаштирилган молиявий ҳисобот тайёрлашга асос бўлган АВС Компанияси молиявий ҳисоботининг аудитини ўтказдик[8]. 2005 йил 10 мартаги ҳисоботимизда биз умумлаштирилган молиявий ҳисобот тайёрлашга асос бўлган молиявий ҳисобот бўйича шарҳларсиз фикр билдирдик.

Бизнинг фикримизча, тақдим этилган молиявий ҳисобот барча асосий жавҳалари бўйича уни тайёрлашга асос бўлган молявий ҳисоботга изчилдир.

Бизнинг аудитимиз даври ва кўлами пайтида Компаниянинг молиявий ҳолати ва унинг молиявий-хўжалик фаолиятини яхшироқ тушуниш учун, умумлаштирилган молиявий ҳисоботни уни тайёрлашга асос бўлган молиявий ҳисобот ҳамда у бўйича аудиторлик ҳисобот билан бирликда ўрганиб чиқиш лозим.

АУДИТОР

Сана
Манзил

Йиллик аудит ўтказилган молиявий ҳисобот бўйича шарҳлар билан фикр билдирилган тақдирда

..... УЧУН АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (ёки миллий стандартларга ёки амалиётга изоҳланиш) мувофиқ 2004 йил 31 декабрда якунланган йил бўйича умумлаштирилган молиявий ҳисобот тайёрлашга асос бўлган АВС Компанияси молиявий ҳисоботининг аудитини ўтказдик[9]. 2005 йил 10 мартаги ҳисоботимизда биз умумлаштирилган молиявий ҳисобот тайёрлашга асос бўлган молиявий ҳисобот, товар-моддий заҳиралар ..... сўмга ошириб кўрсатилгандан ташқари, ҳақиқий ва тўғри акс этади (ёки "барча аҳамиятли жавҳалар бўйича ҳақиқий тақдим этилган") деган фикр билдирдик.

Бизнинг фикримизча, тақдим этилган молиявий ҳисобот барча асосий жавҳалари бўйича уни тайёрлашга асос бўлган ва биз томондан шарҳлар билан фикр билдирилган молявий ҳисоботга изчилдир.

Бизнинг аудитимиз даври ва кўлами пайтида Компаниянинг молиявий ҳолати ва унинг молиявий-хўжалик фаолиятини яхшироқ тушуниш учун, умумлаштирилган молиявий ҳисоботни уни тайёрлашга асос бўлган молиявий ҳисобот ҳамда у бўйича аудиторлик ҳисобот билан бирликда ўрганиб чиқиш лозим.

АУДИТОР

Сана
Манзил

[8] 3-изоҳга қаранг.
[9] 3-изоҳга қаранг.

[810]

ИСТИҚБОЛЛИЙ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТЕКШИРИШ

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	177
Истиқболлий молиявий ҳисобот юзасидан аудиторнинг ишончи	178
Келишувни қабул қилиш	178
Бизнесни билишлик	179
Қамраб олинадиган давр	179
Текшириш муолажалари	180
Тақдимотлар ва ёритишлар	180
Истиқболлий молиявий ҳисоботни текшириш бўйича ҳисобот	181

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.

АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.

Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда, АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.

Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади истиқболлий молиявий, жумладан энг аниқ ва фаразий тахминларни текшириш ва ҳисобот тақдим этиш бўйича келишувлар юзасидан стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат. Ушбу АХС унда баён этилган кўпчилик муолажалар субъектнинг йиллик ҳисоботига киритилган субъект раҳбариятининг муҳокамалари ва таҳлиллари каби умумий ва ҳикоя қилиш шаклида ифодаланган истиқболлий молиявий ҳисоботни текшириш учун қўлланиши мумкин бўлса ҳам, у бундай текширишлар учун қўлланилмайди.
2. **Истиқболлий молиявий ҳисоботни текшириш бўйича келишувда аудитор қуйидагилар юзасидан етарли бўлган тегишли молиявий далилларни олиши лозим:**

(а) **истиқболлий молиявий маълумот тайёрланиши учун асос бўлган субъект раҳбариятининг энг аниқ тахминлари оқилона эмаслиги, фаразий тахминлар ҳолатида эса - бундай тахминлар ушбу маълумотга изчиллиги;**

(б) **истиқболлий молиявий маълумот тахминлар асосида тегишли равишда тайёрланганлиги;**

(в) **истиқболлий молиявий маълумот тегишли равишда тақдим этилганлиги ва барча муҳим тахминлар, жумладан улар энг аниқ ва фаразий тахминлар деб ҳисобланганлиги мос ёритилганлиги;**

(г) **истиқболлий молиявий маълумот, бухгалтерия ҳисобининг тегишли тамойилларини қўллаган ҳолда, ўтган йилларнинг молиявий ҳисоботи билан кетма-кетлик асосида тайёрланганлиги.**

3. "Истиқболлий молиявий маълумот" деганда субъектнинг эҳтимолий ҳаракатлари натижасида келажакда содир этилиши мумкин бўлган ҳодисалар юзасидан тахминга асосланган молиявий маълумот тушунилади. Ушбу маълумот фавқулотда нохолис тавсифга эга ва уни тайёрлашда мулоҳазалар чиқариш учун кўп иш талаб қилинади. Истиқболлий молиявий маълумот башорат қилиш, истиқболга баҳо бериш ёки уларнинг бирлик шаклида бўлиши мумкин, масалан бир йилга башорат қилиш билан беш йиллик истиқболга баҳо бериш.

4. "Башорат" деганда субъект раҳбарияти кутиши бўйича содир этилиши мумкин бўлган ҳодисалар ҳамда маълумот тайёрланиши санасига субъект раҳбариятининг тахмин қилинган ҳаракатлари юзасидан тахминлар асосида тайёрланган истиқболлий молиявий маълумот тушунилади (энг аниқ тахминлар).
5. "Истиқболлий баҳолаш" истиқболлий молиявий маълумот қуйидагилар асосида тайёрланганлигини ифодалайди:

(а) келажакда албатта мавжуд бўлмаслиги тахмин қилинаётган келгуси ҳодисалар ва субъект раҳбариятининг ҳаракатлари юзасидан фаразий тахминлар, масалан, айрим субъектлар ташкил этилиш босқичидалигида ёки фаолият тавсифига муҳим ўзгартиришлар киритиш эҳтимолини кўриб чиқаётганлигида; ёки

(б) энг аниқ ва фаразий тахминларнинг бирлиги.

Шунга ўхшаш маълумот, агар ҳодисалар ва ҳаракатлар содир этилиши мумкин бўлганда, маълумотни тайёрлаш санасига эҳтимолий оқибатларни тасвирлайди (агар..... нима бўлади деган сценарий).

6. Истиқболлий молиявий маълумот молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг бир ёки ундан кўпроқ элементларидан иборат бўлиши ва қуйидаги мақсадлар учун тайёрланиши мумкин:

(а) ички бошқарув қуроли сифатида, масалан капиталнинг тахмин қилинаётган инвестицияларига баҳо беришда ёрдам бериш; ёки

(б) учинчи томонларга тарқатиш, масалан қуйидаги шаклда:

- бўлғуси инвесторларга маълумот тақдим этиш учун бўлғуси кутишлар тўғрисида проспект;
- акциядорлар, тартибга солувчи идоралар ва бошқа манфаатдор томонларга тақдим этиш учун йиллик ҳисобот;
- масалан, пул оқимлари силжиши тўғрисида башоратлардан иборат кредиторларга тақдим этиш учун маълумотга эга ҳужжат.

Субъект раҳбарияти истиқболлий молиявий маълумотни тайёрлаш ва тақдим этиш, жумладан солиштириш ва у асосланадиган тахминларни ёритиш бўйича масъулитяга эга. Истиқболлий молиявий маълумот учинчи томонлар фойдаланиши ёки ички мақсадлар учун мўлжалланганидан қатъи назар, унга нисбатан ишончни ошириш учун истиқболлий молиявий ҳисоботни текшириш ва у бўйича аудиторлик ҳисоботини тайёрлаш ҳақидаги илтимос билан аудиторга мурожат қилишлари мумкин.

Истиқболлий молиявий ҳисобот юзасидан аудиторнинг ишончи

8. Истиқболлий молиявий маълумот ҳали содир этилмаган ва содир этилмаслиги мумкин бўлган ҳодисалар ва ҳаракатларга тааллуқли. Истиқболлий молиявий маълумот асосланадиган тахминларни тасдиқловчи далиллардан фойдаланиш имконияти бўлган бир вақтда, бундай далиллар, асосан, келажакка йўналтирилган ва, бинобарин, ўтган даврлар бўйича молиявий маълумотни аудит ўтказиш пайтида одатда олинадиган далиллардан фарқли, тахминий тавсифга эга. Шунинг учун, аудитор истиқболлий молиявий маълумотда акс этилган натижаларга эришиш юзасидан фикр билдира олмайди.
9. Кейинчалик, истиқболлий молиявий маълумот асосланадиган тахминларга баҳо беришда фойдаланиладиган далиллар тури мавжуд бўлган тақдирда, аудитор томонидан тахминлар муҳим нотўғриликларга эга эмаслиги юзасидан ижобий фикр билдириш учун етарли бўлган ишончлилик даражасига эришиш қийин бўлиши мумкин. Бинобарин, ушбу АХСга мувофиқ, субъект раҳбариятининг тахминлари оқилона эканлиги тўғрисида ҳисобот тақдим этишда, аудитор фақат ишончлиликнинг ўртача даражасини тақдим этади. Бироқ, агар аудитор ўз мулоҳазаларида ишончлиликнинг тегишли даражасини олган тақдирда, тахминлар юзасидан ижобий ишончлилик билдириш учун унга ҳеч нарса ҳалақит бера олмайди.

Келишувни қабул қилиш

10. Истиқболлий молиявий маълумотни текшириш бўйича келишувни қабул қилишдан олдин, аудитор бошқалардан ташқари қуйидагиларни кўриб чиқади:
    - маълумотдан фойдаланиш тахмини;
    - маълумот кенг ёки чегараланган тарқатиш учун мўлжалланганлиги;
    - тахминлар тавсифи, яъни улар энг аниқ ёки фаразий тахминлар эканлиги;
    - маълумотга киритилиши лозим бўлган элементлар;
    - маълумот қамраб оладиган давр.
11. **Тахминлар ҳаққоний эмаслиги аён бўлганда ёки аудитор истиқболлий молиявий маълумот ундан эҳтимолий фойдаланиш мақсадларида ўринли эмас деган хулосага келган тақдирда, аудитор келишувни қабул қилмаслиги ёки келишув бажарилишини тўхтатиши лозим.**

12. **Аудитор ва мижоз келишув шартлари бўйича келишиб олишлари лозим.** Субъектнинг манфаатлари билан бир қаторда, ўзининг шахсий манфаатларини ҳам кўзлаб, келишув юзасидан келишмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида, аудитор хат-келишув йўллаши лозим. Хат-келишувга 10-бандда келтирилган масалалар киритилади; унда, шунингдек, тахминлар ва аудиторга барча релевант маълумотни тақдим этиш ҳамда тахминларни шакллантиришда фойдаланилган кўрсаткичлар юзасидан субъект раҳбариятининг масъулияти белгиланади.

Бизнесни билишлик

13. **Аудитор истиқболлий молиявий маълумотни тайёрлаш учун керакли бўлган барча аҳамиятли тахминлар солиштирилганлигига баҳо беришга имконият яратувчи етарли даражадаги бизнесни билишликни олиши лозим.** Шунингдек, аудитор, масалан қуйидагиларни кўриб чиқиш йўли билан, субъектнинг истиқболлий молиявий маълумотини тайёрлаш жараёни билан танишиши лозим:
    - истиқболлий молиявий маълумотни тайёрлаш тизими бўйича ички назоратни ҳамда истиқболлий молиявий маълумотни тайёрлайдиган шахсларнинг малакаси ва тажрибасини;
    - раҳбарият тахминларини тасдиқловчи субъект томонидан тайёрланган ҳужжатлар тавсифини;
    - статистик, математик ва компьютерлаштирилган усуллардан фойдаланишнинг даражасини;
    - тахминлар шаклланишида ва фойдаланишида қўлланиладиган усулларни;
    - ўтган даврларда тайёрланган истиқболлий молиявий маълумотнинг аниқлиги ҳамда аҳамиятли фарқланишлар сабабларини.
14. **Аудитор субъектнинг ўтган даврлар бўйича молиявий маълумот ишончлилик даражаси қанчалик асосланганлигини кўриб чиқиши лозим.** Аудитор истиқболлий молиявий маълумот ўтган даврлар бўйича молиявий маълумот билан мувофиқ тайёрланганлигига баҳо бериш учун субъектнинг ўтган даврлари бўйича маълумотини билиши ҳамда субъект раҳбариятининг тахминларини кўриб чиқиш учун тарихий мезон белгилаши лозим. Масалан, аудитордан ўтган йиллар бўйича релевант маълумотнинг аудити ёки шарҳи ўтказилганлигини ва уни тайёрлашда бухгалтерия ҳисобининг мақбул бўлган тамойиллари қўлланилганлигини аниқлаш талаб қилинади.
15. Агар ўтган даврлар бўйича молиявий маълумотнинг аудити ёки шарҳи модификациялаштирилмагандан фарқли бўлган ёки субъект ташкил этилиш босқичида бўлган тақдирда, аудитор доир ҳолатларга ва уларнинг истиқболлий молиявий маълумотни текширишга таъсирини ўз эътиборига олади.

Қамраб олинадиган давр

16. **Аудитор истиқболлий молиявий маълумот билан қамраб олинадиган вақт даврини ўз эътиборига олиши лозим.** Масалан, қамраб олинадиган давр муддати узайиб бориши билан фаразлар янада ҳам тахминий бўлаверади, чунки ушбу даврнинг муддати узайиб бориши билан субъект раҳбариятининг аниқ фаразлар қилиш қобилияти пасайиб боради. Давр субъект раҳбарияти томонидан тахминлар учун оқилона асосга эга бўлишга имконият берадиган вақт доирасидан чиқмаслиги лозим. Қуйида аудитор истиқболлий молиявий маълумот қамраб оладиган вақт даврини кўриб чиқишда ўз эътиборига оладиган айрим омиллар намуналари келтирилган:
    - операцион цикл. Масалан, йирик қурилиш лойиҳаси ҳолатида лойиҳани якунлаш учун керакли бўлган вақт қамраб олинадиган вақтни белгилаши мумкин;
    - тахминлар ишончлигининг даражаси. Масалан, агар субъект янги маҳсулот ишлаб чиқарилишини тадбиқ қилса, фараз қилинадиган қамраб олинадиган даврларга, ҳафталар ёки ойлар каби қисқа ва кичик сегментларга ажратилган бўлиши мумкин.

    Бошқа ҳолатда, узоқ муддатли ижара шарти билан мулкка эгалик қилиш субъектнинг ягона фаолияти ҳисобланган тақдирда, фараз қилинадиган қамраб олинадиган давр нисбатан узоқ бўлишини тахмин қилиш оқилона бўлади.
    - фойдаланувчилар эҳтиёжи. Масалан, истиқболлий молиявий маълумот олинган қарзни қоплаш учун етарли бўлган маблағларни топиш учун керакли даврга қарз олишга талабнома бериш муносабати билан тайёрланиши мумкин.

    Бошқа ҳолатда, маълумот келгуси даврларда пул маблағларидан мақсадли фойдаланишни намоён этиш учун қарз мажбуриятларини сотиш муносабати билан инвесторлар учун тайёрланиши мумкин.

Текшириш муолажалари

17. **Текширишнинг тавсифи, муддати ва ҳажмини белгилашда аудитор қуйидагиларни ўз эътиборига олади:**

(а) муҳим нотўғрилик эҳтимолини;

(б) ҳар қандай олдинги келишувлар бажарилишида олинган билимларни;

(в) истиқболлий молиявий маълумотни тайёрлаш юзасидан субъект раҳбариятининг касбий хабардорлигини;

(г) субъект раҳбарияти мулорҳазасининг истиқболлий молиявий маълумотга таъсир этиш даражасини;

(д) энг муҳим кўрсаткичларнинг етарлилиги ва ишончлилигини.

18. Аудитор субъект раҳбариятининг энг аниқроқ тахминларини тасдиқловчи далилларни манбаи ва ишончлигига баҳо беради. Бундай тахминларни тасдиқловчи етарли бўлган тегишли аудиторлик далиллар ички ва ташқи манбаалардан олинади, тахминларни олдинги йиллар бўйича маълумотларга асосланиб қараб чиқиш ҳамда улар субъектнинг имкониятлар доирасига кирувчи режаларга асосланганлигига баҳо бериш шулар жумласидан.

19. Аудитор фаразий тахминлар қачон фойдаланиши, бундай тахминларнинг барча муҳим оқибатлари эътиборга олинганлигини кўриб чиқади. Масалан, агар сотиш ҳажми субъектнинг ҳозирги пайтдаги ишлаб чиқариш қувватларидан кўпроқ ошириш тахмин қилинган тақдирда, истиқболлий молиявий маълумот қўшимча ишлаб чиқариш қувватларига субъектнинг керакли инвестицияларини ёки ишлаб чиқариш/ишларни асосий пудратчидан пудратга олиш йўли билан ишларни бажариш каби сотиш ҳажмига эришишга оид муқобил усуллар бўйича харажатларни ҳисобга олиш лозим.

20. Фаразий тахминларни тасдиқлаш учун далиллар талаб қилинмагани билан, аудитор улар истиқболлий молиявий маълумот мақсадларига изчиллиги ва улар, сўзсиз ҳаққоний эмас деб ҳисоблашга сабаблар йўлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

21. Аудитор *истиқболлий молиявий маълумот субъект раҳбариятининг тахминлари* асосида тегишли равишда тайёрланганлигига, масалан, қайтадан ҳисоблаш ва ички изчилликни текшириш текшириш йўли билан, яъни, субъект раҳбарияти амалга оширишни мўлжаллаган ҳаракатлари бир-бирига мослигига, ва умумий ўзгарувчан кўрсаткичларга, масалан, фоиз ставкаларига асосланган суммаларни аниқлашда ноизчиллик мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

22. Аудитор ўзгаришларга энг сезгир бўлган бўлимларнинг истиқболлий молиявий маълумотда акс этилган натижаларга муҳим таъсир кўрсатаётган даражасига ўз эътиборини қаратади. Бу аудитор қандай даражада тегишли далилларни излашига таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, аудитор томонидан ёритишларнинг мувофиқлиги ва мослигига баҳо беришига таъсир кўрсатади.

23. Исиқболлий молиявий ҳисоботнинг бир ёки ундан кўпроқ, масалан алоҳида молиявий ҳисобот каби элементларини текшириш учун келишув тузилганда, аудитор молиявий ҳисоботдаги бошқа таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлигини кўриб чиқиши муҳимдир.

24. Агар истиқболлий молиявий ҳисоботга жорий даврнинг ўтган вақт мобайнида қандайдир кўрсаткичлар киритилган тақдирда, аудитор ушбу вақт мобайни бўйича маълумот юзасидан муолажаларни қўллаш даражасини кўриб чиқади. Муолажалар вазиятларга, масалан истиқболлий даврнинг қандай вақт мобайни тугаганига қараб ўзгариб боради.

25. **Аудитор истиқболлий молиявий маълумотдан фойдаланиш тахмини, субъект раҳбариятининг муҳим тахминларининг тўлиқлиги ва истиқболлий молиявий маълумот бўйича субъект раҳбарияти масъулитяни ўз зиммасига олганлиги юзасидан субъект раҳбариятининг ёзма тақдимотларини олиши лозим.**

Тақдимотлар ва ёритишлар

26. Истиқболлий молиявий ҳисоботнинг тақдим этилиши ва ёритилишига баҳо беришда, ҳар қандай тегишли қонунчиликка оид ҳужжатлар, меъёрий ҳужжатлар ва касбий стандартлардан ташқари, аудитор қуйидагиларни кўриб чиқиши лозим:

(а) истиқболлий молиявий маълумотнинг тақдим этилиши ахборий тавсифга эгалиги ва у чалғитишга олиб келишлиги;

(б) истиқболлий молиявий маълумотнинг изоҳларида ҳисоб сиёсати равшан ёритилганлиги;

(в) истиқболлий молиявий маълумотнинг изоҳларида тахминлар мос ёритилганлиги. Субъект раҳбариятининг тахминлари энг аниқ ёки фаразий эканлиги ойдин аниқланиши лозим, агар улар ноаниқликнинг юқори даражасига моил бўлган тақдирда, ушбу ноаниқлик ва бунинг натижасида вужудга келган натижаларга сезгирликни мос равишда ёритиш лозим.

(г) истиқболлий молиявий маълумотни тайёрлаш санаси ёритилганлиги. Асос бўлган маълумотнинг жамланиши вақтнинг қандайдир даври мобайнида амалга оширилганига қарамасдан, ушбу санага тахминлар мувофиқлиги субъект раҳбарияти томонидан тасдиқланиши лозим;

(д) агар истиқболлий молиявий маълумотда акс этилган натижалар доира шартларида ифодаланган тақдирда, доирада қуйи бандларни аниқлаш асоси аниқ белгиланганлиги ва доирани танлаб олиш адолатсиз ёки чалғитадиган эмаслиги;

(е) олдинги давр бўйича энг охирги молиявий ҳисобот тайёрланган санадан кейин ҳисоб сиёсатида содир этилган ҳар қандай ўзгаришлар ушбу ўзгаришлар сабабалари билан ёритилганлиги ҳамда улар истиқболлий молиявий маълумотга кўрсатган таъсири.

Истиқболлий молиявий ҳисоботни текшириш бўйича ҳисобот

27. Истиқболлий молиявий ҳисоботни текшириш бўйича аудиторнинг ҳисоботи қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

(а) сарлавҳа;

(б) олувчи;

(в) истиқболлий молиявий ҳисоботни солиштириш;

(г) истиқболлий молиявий ҳисоботни текширишга қўлланиладиган Аудитнинг халқаро стандартлари ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳланиш;

(д) истиқболлий молиявий маълумот, ушбу маълумот асосланадиган тахминлар шунинг жумласидан, бўйича субъект раҳбарияти масъул эканлиги тўғрисида таъкидланиши;

(е) истиқболлий молиявий ҳисоботдан фойдаланиш мақсадига ва/ёки уни тарқатишни чеклашга, агар бу мақбул бўлса, изоҳланиш;

(ж) тахминлар истиқболлий молиявий ҳисобот учун оқилона асос таъминлаши юзасидан салбий ишончнинг таъкидланиши;

(з) тахминлар асосида истиқболлий молиявий маълумот тегишли равишда тайёрланганлиги ва у молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича релевант асосга мувофиқ тақдим этилганлиги юзасидан фикр;

(и) истиқболлий молиявий маълумотда қайд этилган натижаларга эришиш юзасидан тегишли огоҳлантиришлар;

(к) муолажаларнинг якунлаш санаси бўладиган ҳисоботнинг санаси;

(л) аудиторнинг манзили;

(м) имзо.

28. Бундай ҳисоботда:

- тахминларни тасдиқловчи далилларни текшириш асосида қандайдир жавҳа аудитор эътиборини жалб қилганлиги ва аудитор ушбу тахминлар истиқболлий молиявий ҳисобот учун оқилона асосни таъминламайди деб ҳисоблашига сабаб бўлганлиги тўғрисида гап юритилади;
- тахминлар асосида истиқболлий молиявий ҳисобот тегишли равишда тайёрланганлиги ва у релевантли молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосга мувофиқ тақдим этилганлиги тўғрисида фикр билдирилади;
- қуйидагилар аниқланади:
  - амалдаги натижалар, эҳтимол истиқболлий молиявий маълумотдан фарқланиши мумкинлиги, чунки кутилаётган ҳодисалар кўпчилик ҳолатларда кутилаётгандек содир этилмаслиги ва муҳим фарқланишлар бўлиши мумкин. Шунга ўхшаш, истиқболлий молиявий ҳисобот доира сифатида ифодаланган тақдирда, амалдаги натижалар доира ичида бўлишида ҳеч қандай ишонч бўлиши мумкин эмас деб ҳисоботда қайд этилади;
  - истиқболлий баҳо бериш ҳолатида, албатта содир этилмайдиган келгуси ҳодисалар ва раҳбарият ҳаракатлари юзасидан фаразий тахминлар киритилган бир қатор тахминлардан фойдаланиб, истиқболлий молиявий маълумот .....(мақсадни кўрсатинг) тайёрланган. Бинобарин, истиқболлий молиявий ҳисоботдан, баён этилган мақсадлардан фарқли мақсадлар учун фойдаланилмаслиги тўғрисида ўқувчилар огоҳлантирилади.

29. Қуйида башорат бўйича модификациялаштирилмаган ҳисоботдан кўчирма намунаси келтирилган:

"Биз башорат аудитининг[1] истиқболлий молиявий маълумотни текширишда қўлланиладиган Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Субъект раҳбарияти башорат, шу жумладан унинг асосида ётган ва X иловада баён этилган тахминлар бўйича масъулиятга эга."

[1]Субъект номи, башорат билан қамралган даврни киритинг, аниқлашнинг қулай усулини тақдим этинг, масалан варақлар рақамига изоҳланиш ёки алоҳида ҳисоботлар кўрсатилиши.

Тахминларни тасдиқловчи далиллар биз томондан текширилганлигига асосланиб, ушбу далиллар башорат учун оқилона асос тақдим этмаслигига биз томондан ҳисоблаш учун ҳеч нарса бизнинг эътиборимизни жалб қилмади. Бундан кўпроқ, бизнинг фикримизча, башорат тахминлар асосида тегишли равишда тайёрланган ва .....[2] га мувофиқ тақдим этилган.

Амалдаги натижалар, эҳтимол, башорат қилинаётганлардан фарқланиши мумкин, чунки бошқа кутилаётган ҳодисалар кўпчилик ҳолатларда содир этилмайди ва муҳим фарқланишлар бўлиши мумкин."

30. Қуйида истиқболлий баҳо бериш бўйича модификациялаштирилмаган ҳисоботдан кўчирма келтирилган:

"Биз истиқболлий баҳо бериш аудитининг[3] истиқболлий молиявий маълумотни текширишда қўлланиладиган Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Субъект раҳбарияти истиқболлий баҳо бериш, шу жумладан унинг асосида ётган ва X иловада баён этилган тахминлар бўйича масъулиятга эга.

Ушбу истиқболлий баҳо бериш ..... (мақсадни кўрсатинг) да тайёрланган. Субъект ташкил этилиш босқичида бўлганлиги сабабли, истиқболлий баҳо бериш келгусида албатта содир этилмайдиган, келгуси ҳодисалар ва субъект раҳбариятинг ҳаракатлари юзасидан фаразий тахминлар киритилган бир қатор тахминлардан фойдаланиш йўли билан амалга оширилган. Бинобарин, ушбу истиқболлий баҳо бериш юқорида баён этилган мақсадларга мувофиқ эмаслиги тўғрисида ўқувчилар огоҳлантирилган..... (фаразий тахминлар кўрсатилсин ёки уларга изоҳлансин)ни таҳмин қилиб, тахминларни тасдиқловчи далилларни текширишга асосланиб, истиқболлий баҳо беришга оқилона асос бермайди деб ҳисоблаш учун ҳеч бир нарса бизнинг эътиборимизни жалб қилмади. Кейинчалик, бизнинг фикримизча, тахминлар асосида истиқболлий баҳо бериш тўғри бажарилган ва .....[4] га мувофиқ тақдим этилган.

Юқорида баён этилган фаразий тахминлар асосида кутилаётган ҳодисалар содир этилган тақдирда ҳам, амалдаги натижалар, тўғриси, ҳали ҳам истиқболлий баҳо беришдан фарқланади, чунки бошқа кутилаётган ҳодисалар кўп ҳолатларда кутилаётганидек содир этилмайди ва муҳим фарқланишлар бўлиши мумкин."

31. **Аудитор истиқболлий молиявий ҳисоботнинг тақдим этилиши ва ёритилиши мос эмас деб ҳисоблаган тақдирда, аудитор истиқболлий молиявий ҳисоботни текшириш бўйича ҳисоботда шарҳлар билан фикр билдириш ёки салбий фикр билдириши ёки, ўринли бўлса, келишув бажарилишини тўхтатиши лозим.** Бунга мисол тариқасида молиявий ҳисобот жуда сезгир бўлиши мумкин ҳар қандай тахминлар оқибатларини мос равишда ёритмаганлиги келтириш мумкин.

32. **Аудитор бир ёки бир неча аҳамиятли тахминлар энг аниқ тахминлар асосида тайёрланган истиқболлий молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун оқилона асос бермайди ёки бир ёки бир неча аҳамиятли тахминлар айнан ушбу фаразий тахминларнинг истиқболлий молиявий маълумоти учун оқилона асос бермайди деб ҳисоблаганда, аудитор истиқболлий молиявий ҳисоботни текшириш бўйича ҳисоботда салбий фикр билдириш ёки келишув бажарилишини тўхтатиши лозим.**

33. **Ушбу вазиятларда керакли деб ҳисобланган бир ёки ундан кўпроқ муолажаларни қўллашга тўсқинлик қиладиган вазиятлар текширишга таъсир кўрсатган тақдирда, аудитор келишув бажарилиши тўхтатиши ёки фикр билдиришни рад этиши ва истиқболлий молиявий ҳисоботни текшириш бўйича аудиторлик ҳисоботида аудит кўлами чекланганлиги баён этиши лозим.**

---

[2] Тегишли Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосни кўрсатинг.

[3] Субъект номи, истиқболлий баҳо бериш билан қамралган даврни киритинг ва солиштиришнинг қулай усулини тақдим этинг, масалан варақлар рақамига ёки алоҳида тасдиқларга изоҳланиш.

[4] 2-изоҳга қаранг.

[910]

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ШАРҲЛАШ БЎЙИЧА КЕЛИШУВЛАР

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	183
Шарҳлаш бўйича келишувнинг мақсади	184
Шарҳлашлар бўйича келишувнинг умумий тамойиллари	184
Шарҳлаш кўлами	184
Ишончлиликнинг ўртача даражаси	184
Келишув шартлари	184
Режалаштириш	185
Бошқалар томонидан бажарилган иш	185
Ҳужжатлар	185
Муолажалар ва далил	185
Хулосалар ва ҳисоботни тақдим этиш	186
1-илова. Молиявий ҳисоботни шарҳлаш бўйича хат-келишувнинг намунаси.	
2-илова. Молиявий ҳисоботни шарҳлаш келишуви бўйича бажарилиши мумкин бўлган муфассал тушунтириш муолажалар.	
3-илова. Шарҳлаш бўйича изоҳларсиз ҳисоботнинг шакли.	
4-илова. Шарҳларсиз ҳисоботлардан фарқли шарҳлар бўйича ҳисоботлар намуналари.	

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.
АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.
Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда, АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.
Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.
Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади молиявий ҳисоботни шарҳлаш бўйича келишув қабул қилинганда аудиторнинг[1] касбий масъулияти ҳамда аудитор ушбу шарҳ юзасидан чоп этадиган ҳисоботнинг шакли ва мазмуни юзасидан стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.
2. Ушбу АХС бевосита молиявий ҳисоботни шарҳлаш учун йўналтирилган. Бироқ ушбу АХС, қанчалик амалга оширилиши мумкин бўлишига қараб, молиявий ёки бошқа маълумотларни шарҳлаш бўйича келишувлар юзасидан қўлланилади. Ушбу АХСни 120-АХС "Аудит халқаро стандатларининг концептуал асоси" билан бирликда ўқиш лозим. Бошқа АХСдаги қўлланмалар ушбу АХСни қўллашда аудиторга фойдали бўлиши мумкин.

[1] "Аудит халқаро стандартларининг концептуал асоси"да тушунтирилганидек, "аудитор" атамаси барча АХСларда аудиторлик хизматлари билан бир қаторда, кўрсатилиши мумкин бўлган касбга доир хизматларни ёритишда ҳам қўлланилади. Ушбу изоҳ касбга доир хизматларни бажарувчи шахс, субъект молиявий ҳисоботининг аудитори бўлиши лозимлигини назарда тутмайди.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ШАРҲЛАШ БЎЙИЧА КЕЛИШУВЛАР

2000.16.03.

Шарҳлаш бўйича келишувнинг мақсади

3. Молиявий ҳисоботни шарҳлашдан мақсад, аудиторга молиявий ҳисобот барча муҳим жавҳалари бўйича белгиланган молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосга мувофиқ тайёрланмаган деб ҳисоблашга асослар тақдим этувчи аудитда талаб қилинадиган барча далилларни тақдим этмаган қандайдир жавҳалар, муолажаларни ўтказиш пайтида аудиторни эътиборини жалб қилганлигини таъкидлаш имконини бериш ҳисобланади (салбий ишончлилик).

Шарҳлашлар бўйича келишувнинг умумий тамойиллари

4. Аудитор Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси томонидан чоп этилган "Малакавий бухгалтерларнинг аҳлоқий кодекси"та риоя қилиши лозим. Қуйидагилар аудиторнинг касбий масъулиятини белгиловчи аҳлоқий тамойиллар бўлиб ҳисобланади:

(а) мустақиллилик;
(б) ҳалоллилик;
(в) холислик;
(г) касбий хабардорлик ва тегишли синчковлик;
(д) сир сақлашлик;
(е) касбий феъл-атвори;
(ж) техникавий стандартларга риоя қилиш.

5. Аудитор шарҳлашни ушбу АХСга мувофиқ ўтказиши лозим.
6. Аудитор, молиявий ҳисоботда муҳим нотўғриликларни вужудга келтириши мумкин бўлган вазиятлар мавжудлигини тан олган ҳолда, шарҳлашни касбий ишонмаслик нуқтаи-назаридан режалаштириши ва ўтказиши лозим.
7. Шарҳлаш бўйича ҳисоботда салбий ишончлиликни билдириш мақсадида хулосаларни шакллантиришга имконият яратиш учун, аудитор асосан сўровнома ўтказиш ва таҳлилий муолажалар йўли билан етарли бўлган тегишли далилларни олиши лозим.

Шарҳлаш кўлами

8. "Шарҳлаш кўлами" атамаси шарҳлаш мақсадига эришиш учун мазкур вазиятларда бажарилиши лозим бўлган шарҳлаш муолажаларига тааллуқли. Молиявий ҳисоботни шарҳлашдаўтказиш пайтида лозим бўлган муолажалар, аудитор томонидан ушбу АХС талаблари, тегишли касбий идоралар, қонунчилик ва тартибга солувчи идоралар ва, керакли жойларда, шарҳлаш бўйича келишув шартлари ва ҳисобот бўйича талабларни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.

Ишончлиликнинг ўртача даражаси

9. Шарҳлашни ўтказиш бўйича келишув шарҳланадиган маълумот муҳим нотўғриликларга эга эмаслиги тўғрисида ишончлиликнинг ўртача даражасини тақдим этади. Бу салбий ишончлилик шаклида ифодаланади.

Келишув шартлари

10. Аудитор ва мижоз келишув шартлари бўйича келишиб олишлари лозим. Келишилган шартлар хат-келишувда ёки бошқа мақбул бўлган, масалан шартнома шаклида акс этилади.
11. Хат-келишув шарҳлашни ўтказиш бўйича ишни режалаштиришда ёрдам беради. Аудитор, ўзининг манфаати билан бир қаторда, мижоз манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, тайинланишнинг таянч шартларини ҳужжатлаштирадиган хат-келишувни йўллаши мақсадга мувофиқдир. Хат-келишув аудитор ўзининг тайинланганлигини қабул қилганлигини тасдиқлайди ва келишув вазифалари ва кўлами, аудитор масъулиятининг даражаси ва чоп этиладиган ҳисоботлар шакли каби масалалар юзасидан тушунмовчиликларни олдини олишга ёрдам беради.
12. Хат-келишувга қуйидагилар киритилади:
    - тақдим этилаётган хизматнинг мақсади;
    - молиявий ҳисобот бўйича субъект раҳбариятининг масъулияти;
    - шарҳлаш кўлами, жумладан ушбу Аудитнинг халқаро стандатларига изоҳланиш (ёки тегишли миллий стандартларга ёки амалиётга изоҳланишлар);
    - шарҳ ўтказиш муносабати билан сўраб олинадиган барча ҳисоб ёзувлари, ҳужжатлар ва бошқа маълумотдан чекланмаган ҳолда фойдаланиш;
    - шарҳлаш натижалари бўйича хатолар, ғайриқонуний ҳаракатлар ёки бошқа камчиликлар, масалан содир этилган товламачилик ёки ўзлаштиришлар ҳолатларини аниқланишига умид қилмаслик ҳолати;
    - аудит ўтказилмаслиги ва аудиторлик хулосаси шакллантирилмаслиги ҳақида таъкидлаш. Ушбу жавҳага урғу бериш ва келишмовчиликларни олдини олиш учун, аудитор, шунингдек, шарҳлаш бўйича келишув қандайдир қонунчилик билан белгиланган талабларга ёки учинчи томондан аудит юзасидан белгиланган талабларига мувофиқ бўлмаслигини таъкидлаши мумкин.

Молиявий ҳисоботни шарҳлаш бўйича хат-келишувнинг намунаси ушбу АХСнинг 1-иловасида келтирилган.

Режалаштириш

13. **Аудитор ишни келишув самарадорлик билан бажариладиган қилиб режалаштириши лозим.**
14. **Молиявий ҳисобот шарҳлашини режалаштиришда, аудитор охирги билимларни олиши ёки бизнес тўғрисидаги билимларини охирги, жумладан субъект ташкил этилиши, бухгалтерия ҳисобининг тизими, асосий фаолият тавсифлари ва унинг активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар тури тўғрисидаги маълумот билан тўлдириши лозим.**

Аудитор молиявий ҳисоботга тааллуқли бўлган, масалан субъектнинг ишлаб чиқариш усуллари ва маҳсулотни сотиши, унинг навлари, ишлаб чиқариш объектлари ва ўзаро боғлиқ томонларнинг жойлашган жойларини билиш каби масалалар ва бошқа масалалар бўйича тушунишлар олиши лозим. Аудиторга бундай тушуниш, у ўринли сўровномаларни ўтказиши ва тегишли муолажаларни ишлаб чиқиши ҳамда олинган жавобларга ва бошқа маълумотга баҳо бериши учун талаб қилинади.

Бошқалар томонидан бажарилган иш

16. **Бошқа аудитор ёки эксперт томонидан бажарилган ишдан фойдаланишда, аудитор бундай иш шарҳ ўтказиш мақсадларига мос равишда эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.**

Ҳужжатлар

17. **Аудитор шарҳлаш бўйича ҳисоботни тасдиқловчи далилларни тақдим этишда муҳим бўлган жавҳаларни ва шарҳ ушбу АХСга мувофиқ ўтказилганлигини тасдиқловчи далилларни ҳужжатлаштириши лозим.**

Муолажалар ва далил

18. **Аудитор шарҳнинг аниқ тавсифи, муддати ва ҳажмини белгилашда мулоҳазани қўллаши лозим.** Аудитор қуйидаги жавҳаларга риоя қилади ва фойдаланади:
    - ўтган даврларнинг молиявий ҳисоботи бўйича ўтказилган аудитлар ёки шарҳлар натижасида олинган ҳар қандай билимлар;
    - аудиторнинг бизнес, жумладан субъект ўз фаолиятини амалга ошираётган бухгалтерия ҳисоби тамойиллари ва тармоқ амалиёти тўғрисидаги билими;
    - субъект бухгалтерия ҳисобининг тизими;
    - субъект раҳбарияти мулоҳазасининг алоҳида масалаларга таъсир кўрсатиш даражаси;
    - операциялар ва ҳисобварақлар қолдиқларининг муҳимлиги.
19. **Аудитор муҳимликни ҳудди молиявий ҳисоботининг аудити бўйича фикр билдирилганидек каби кўриб чиқиши лозим.** Шарҳ ўтказишда аудитга нисбатан аниқлаб бўлмаслик тавакалчилигининг даражаси катта бўлишига қарамасдан, нима муҳим деган мулоҳаза тақдим этилган ишончлилик даражасига мутаносиб ҳолда эмас, балки аудитор тақдим этадиган ҳисоботга асос бўлган маълумотга ва ушбу маълумотга асосланадиган шахслар эҳтиёжларига мутаносиб ҳолда чиқарилади.
20. Молиявий ҳисоботни шарҳлаш бўйича муолажалар одатда қуйидагилардан иборат бўлади:
    - субъект бизнеси ва у фаолиятни амалга ошираётган тармоқ тўғрисида тушунишларни олиш;
    - субъектнинг амалиёти ва бухгалтерия ҳисоби тамойиллари тўғрисида сўровнома ўтказиш;
    - операцияларни акс этиш, туркумлаш ва умумлаштириш, молиявий ҳисоботда акс этиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун маълумотни тўплаш бўйича субъектнинг муолажаларига тааллуқли сўровномаларни ўтказиш;
    - молиявий ҳисоботдаги барча муҳим тасдиқлар бўйича сўровномалар ўтказиш;
    - ғайриодатий туюлган ўзаро муносабатлар ва алоҳида моддаларни аниқлаш учун ишлаб чиқилган таҳлилий муолажалар. Бундай муолажалар қуйидагилардан иборат бўлади:
    - молиявий ҳисоботни ўтган даврлар бўйича молиявий ҳисобот билан солиштириш;
    - молиявий ҳисоботни кутилаётган натижалар ва молиявий ҳолат билан солиштириш;
    - субъект тажрибаси ёки тармоқ меъёрларига асосланган башорат қилинган намунага мувофиқ кутилаётган молиявий ҳисобот элементларининг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш.

Ушбу муолажалардан фойдаланишда, аудитор ўтган даврларда бухгалтерия тузатишларини талаб қилган жавҳалар турини кўриб чиқиши лозим.:

- акциядорлар, директорлар кенгаши, директорлар кенгаши қўмиталарининг мажлисларида ва молиявий ҳисоботга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа мажлисларда қабул қилинган чоралар юзасидан сўровномалар ўтказиш;
- аудиторнинг эътиборини жалб этган маълумот асосида молиявий ҳисобот қайд этилган бухгалтерия ҳисобининг асосига мувофиқлигини кўриб чиқиш учун молиявий ҳисобот билан танишиш;
- субъект таркибий қисмлари молиявий ҳисоботининг аудити ёки шарҳи учун жалб қилинган бошқа аудиторлардан, агар бундайлар мавжуд бўлса, лозим бўлган тақдирда ҳисоботларни олиш;
- молиявий масалалар ва бухгалтерия ҳисоби масалалари бўйича масъулиятга эга бўлган шахслардан қуйидагилар юзасидан сўровнома ўтказиш, масалан:

- барча операциялар акс этилганлиги;
- молиявий ҳисобот қайд этилган бухгалтерия ҳисобининг асосида
- тайёрланганлиги;
  субъект бизнесида, бухгалтерия ҳисобининг амалиёти ва тамойилларидаги
- ўзгаришлар;
  юқорида қайд этилган муолажаларни қўллаш пайтида саволлар вужудга
- келишига сабаб бўлган жавҳалар;
  субъект раҳбариятидан, лозим бўлган тақдирда, ёзма равишда тақдимотлар олиш.

Тез-тез фойдаланиладиган муолажалар рўйхати ушбу АХСнинг2-иловасида келтириган. Шарҳ бўйича ҳар бир келишувда таклиф этилган муолажаларнинг барчаси қўлланилмаганидек, ушбу рўйхатни тўлиқ деб ҳисоблаб бўлмайди.

21. **Аудитор молиявий ҳисоботга тузатишлар киритиш ёки ёритишларни талаб қилиши мумкин бўлган, молиявий ҳисобот тайёрланган санадан кейинги ҳодисалар тўғрисида сўровнома ўтказиши лозим.** Аудитор шарҳ бўйича ҳисобот тайёрланган санадан кейин содир этиладиган ҳодисаларни аниқлаш юзасидан муолажалар бажарилишига ҳеч қандай масъулитга эга бўлмайди.

22. **Агар аудиторда шарҳланган маълумот муҳим бузилиб кўрсатилиши мукин деган ҳисоблашга сабаб бўлса, аудитор салбий ишонч билдириш ёки модификациялаштирилган ҳисобот талаб қилинишини тасдиқлашга имконият яратадиган қўшимча ёки кенгроқ муолажаларни бажариши лозим.**

Хулосалар ва ҳисоботни тақдим этиш

23. **Шарҳ бўйича ҳисобот салбий ишончнинг аниқ ёзма равишда ифодасига эга бўлиши лозим. Аудитор салбий ишонч билдириш учун асос бўладиган олинган далиллар бўйича хулосаларни шарҳлаши ва уларга баҳо бериши лозим.**

24. **Бажарилган иш асосида, аудитор шарҳ пайтида олинган қандайдир маълумот молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосга мувофиқ молиявий ҳисобот ҳақиқий ва тўғри акс этаётганлигини (ёки "барча муҳим жавҳалар бўйича ҳақиқий тақдим этилган") кўрсатаётганлигига баҳо бериши лозим.**

25. Молиявий ҳисоботнинг шарҳи бўйича ҳисобот, ўқувчида (фойдаланувчида) бажарилган иш тавсифини тушуниш учун имконият яратиш ва аудит ўтказилмаганлигини ва, шу сабабли, аудит бўйича фикр билдиримаганлигини аниқ тушунтириш мақсадида, келишув кўламини ёритади.

26. Молиявий ҳисоботнинг шарҳи бўйича ҳисобот одатда қуйидаги тартибда жойлаштирилган қуйидаги асосий элементлардан иборат бўлиши лозим:
(а) сарлавҳа[2];
(б) олувчи;
(в) қуйидагилардан иборат кириш банди:
  (i) шарҳи ўтказилган молиявий ҳисоботни солиштириш;
  (ii) субъект раҳбариятининг ва аудиторнинг масъулиятини таъкидлаш.
(г) қуйидагилардан иборат шарҳ тавсифини ёритувчи банд-қўлам:
  (i) шарҳлаш бўйича келишувга қўлланиладиган ушбу Аудитнинг халқаро стандартига ёки тегишли миллий стандартларга ёки амалиётга шарҳланиш;
  (ii) шарҳ асосан сўровномалар ўтказиш ва таҳлилий муолажалар билан чекланишини таъкидлаш;
  (iii) аудит ўтказилмаганлиги, бажарилган муолажалар аудитга нисбатан ишончнинг кам даражасини тақдим этишини ва аудит бўйича фикр билдирилмаслигини таъкидлаш.
(д) салбий ишонч тўғрисида таъкидлаш;
(е) ҳисобот санаси;
(ж) аудиторнинг манзили;
(з) аудиторнинг имзоси.

Шарҳ бўйича ҳисоботлар намунаси ушбу АХСнинг 3- ва 4- иловаларида келтирилган.

27.Шарҳ бўйича ҳисобот қуйидагиларни бажариши лозим:
(а) шарҳга асосланиб, белгиланган молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосга мувофиқ, молиявий ҳисобот тўғри ва ишончли акс этмайди (ёки "барча асосий жавҳалар бўйича тўғри ҳаққоний этилмаган") деб ҳисоблаш учун ҳеч нарса аудиторнинг эътиборини жалб қилмаганлигини тасдиқлаш (салбий ишонч); ёки
(б) агар масалалар аудиторнинг эътиборини жалб қилса, белгиланган молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосга мувофиқ, молиявий ҳисобот тўғри ва ишончли акс этишини (ёки "барча асосий жавҳалар бўйича ҳаққоний тақдим этилган") ёмонлаштирадиган масалаларни жумладан, агар амалиётда буни амалга ошириб бўлса, молиявий ҳисоботга тахминий таъсирининг миқдори аниқланишини ёритиш ва:
  (i) ёки тақдим этилган салбий ишонч бўйича изоҳни шакллантириш; ёки
  (ii) бундай ҳолатнинг молиявий ҳисоботга таъсири шунчалик муҳим ва чуқурки, аудитор изоҳ молиявий ҳисоботнинг нотўғри кўрсатилган ёки тўлиқ бўлмаган тавсифини ёритиш учун мос эмас деган хулоса чиқаради ва молиявий ҳисобот белгиланган молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосга мувофиқ, молиявий ҳисобот тўғри ва ишончли акс этмаган (ёки "барча асосий жавҳалар бўйича ҳаққоний тақдим этилмаган") деб таъкидлайди; ёки
(в) кўлам муҳим чекланганда ушбу чекловларни ёритиш ва:
  (i) агар ушбу чеклов бўлмаган тақдирда зарур деб аниқланиши мумкин бўлган молиявий ҳисоботнинг эҳтимолий тузатишлари юзасидан тақдим этилган салбий ишонч бўйича изоҳ билдириш; ёки
  (ii) чекловларнинг тахмин қилинаётган таъсири шунчалик аҳамиятли ва чуқрки, аудитор ишончнинг қандайдир дара-жасини тақдим этиш мумкин эмаслиги тўғрисида хулоса чиқарган тақдирда, ҳеч қандай ишонч билдирмаслик.

28. Аудитор шарҳ бўйича ҳисоботга, ҳисобот санасигача содир этилган ҳодисаларга тааллуқли муолажалардан иборат шарҳ якунланган кундаги санани қўйиши лозим. Шунга қарамасдан, аудитор субъект раҳбарияти томонидан тайёрланган ва тақдим этилган молиявий ҳисобот бўйича ҳисобот тақдим этиш юзасидан масъулиятга эга бўлганлиги муносабати билан, аудитор шарҳ бўйича ҳисоботга субъект раҳбарияти томонидан молиявий ҳисобот тасдиқланган санадан олдинги сана қўйиши мумкин эмас.

[2] Мустақил аудитор риоя қиладиган аҳлоқ талабларига риоя қилмаслиги мумкин бўлган субъектнинг мансабдор шахслари ёки бошқа аудиторлар томонидан тайёрланган ҳисоботлардан аудиторлик ҳисоботини ажратиш учун "мустақил аудитор" атамасини қўллаш ўринли бўлур эди.

1-илова

Молиявий ҳисоботни шарҳлаш бўйича хат-келишувнинг намунаси.

Ушбу келтирилган хат мазкур АХСнинг 10-банди мазмунини кўриб чиқиш муносабати билан қўлланма сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган ва хусусий талаблар ва вазиятларга қараб ўзгартирилиши лозим.

Директорлар кенгашига (ёки субъект юқори раҳбариятининг тегишли вакилига)

Ушбу хат келишувимизнинг шартлари ва вазифаларини тушунишимизни ҳамда биз томондан тақдим этиладиган хизматлар тавсифи ва чекловларини тасдиқлайди.

Биз қуйидаги хизматларни амалга оширамиз:

Биз Аудитнинг халқаро стандатларига (ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳланиш) мувофиқ АВС Компаниясининг 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра бухгалтерия баланси ва у билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда ушбу санада якунланган йил бўйича пул маблағларининг силжиши тўғрисидаги ҳисоботини шарҳини ўтказамиз. Биз бундай молиявий ҳисоботнинг аудитини ўтказмаймиз ва, бинобарин, унинг аудити юзасидан фикр билдирмаймиз. Тегишли равишда биз молиявий ҳисобот бўйича қуйидаги мазмунда ҳисобот тақдим этишни режалаштирганмиз:

(Ушбу АХСнинг 3-иловасига қаранг)

Молиявий ҳисобот, мос равишдаги ёритишлар шулар жумласидан, бўйича масъулият Компания зиммасига юклатилган. Бу мос равишдаги ҳисоб ёзувларини ва ички назоратни юритиш ҳамда ҳисоб сиёсатини танлаб олиш ва қўллашдан иборат. (Биз томондан ўтказиладиган шарҳ жараёнининг бир қисми тариқасида биз субъект раҳбариятидан ушбу шарҳ билан боғлиқ қилинган тасдиқларга тегишли ёзма тақдимотларни сўраб оламиз[3]).

Хат келгуси йиллар давомида у бекор қилингунга, тузатишлар киритилгунга ёки уни алмаштиргунга қадар кучга эга бўлади (қўлланилган тақдирда).

Товламачилик ёки хатолар ёки ғайриқонуний ҳаракатлар эҳтимолий мавжуд бўлган тақдирда, уни ёритиш учун бизнинг келишувга асосланиш ўринсиз бўлади. Шунга қарамасдан, бизнинг эътиборимизни жалб қилган ҳар қандай муҳим масалалар юзасидан биз Сизга хабар берамиз.

Хат мазмуни биз томондан молиявий ҳисоботни шарҳини ўтказиш бўйича келишилганимизни Сиз тушунганингизга мувофиқ эканлигини тасдиқлаш учун ушбу хатнинг илова қилинган нусхасига имзо чекишингизни ва бизга қайтаришингизни сўраймиз.

XYZ & Co

АВС Компанияси
номидан тасдиқланган

(имзоланган) Фамилия ва Унвон, сана

[3] Ушбу гапдан фойдаланиш аудиторнинг ихтиёрига ҳавола

Молиявий ҳисоботни шарҳлаш келишуви бўйича бажарилиши мумкин бўлган муфассал тушунтириш муолажалар

1. Молиявий ҳисоботни шарҳлаш пайтида бажариладиган сўровномани ўтказиш ва шарҳнинг таҳлилий муолажалари аудиторлик мулоҳаза билан белгиланади. Бу шарҳни ўтказиш бўйича ҳар бир келишувда барча муолажалар қўлланиши тахмин қилинади дегани эмас. Шарҳ ўтказишда ушбу илова дастур ёки назорат рўйхати бўлиб хизмат қила олмайди.

Умумийлари

2. Келишувнинг шартлари ва кўламини мижозлар ва унда иштирок этаётган шахслар билан муҳокама қилиш.
3. Келишув шартлари ва кўламини кўрсатувчи хат-келишувни тайёрлаш.
4. Субъект бизнеси ва молиявий ҳисоботни акс этадиган ва молиявий ҳисоботни тайёрлайдиган тизими бўйича тушуниш олиш.
5. Барча молиявий маълумот қуйидагича акс этилганлиги тўғрисида сўровнома ўтказиш:

(а) тўлиқ;
(б) ўз вақтида;
(в) лозим бўлган рухсатдан кейин.

6. Синов балансини олиш ва у бош китоб ва молиявий ҳисобот билан мувофиқлигини аниқлаш.
7. Олдинги аудитлар ва шарҳлар, жумладан лозим бўлган бухгалтерия муолажалари натижаларини кўриб чиқиш.
8. Ўтган йилдан бери субъектда қандайдир аҳамиятли ўзгаришлар (яъни мулкчиликдаги ўзгаришлар ёки капитал таркибидаги ўзгаришлар) содир этилганлиги юзасидан сўровнома ўтказиш.
9. Ҳисоб сиёсати юзасидан сўровнома ўтказиш ва қуйидагиларни аниқлаш:

(а) у милий ёки халқаро стандартларга мувофиқлигини;
(б) у тегишли равишда қўлланилишини;
(в) у изчиллик билан қўлланилиши ва, агар акси бўлган тақдирда, ҳисоб сиёсатидаги ҳар қандай ўзгаришлар ёритилганлигини.

10. Шарҳ учун муҳим бўлиши мумкин бўлган масалаларни аниқлаш мақсадида акциядорлар, директорлар кенгаши ва бошқа тегишли қўмиталар мажлисларининг баённомалари билан танишиш.
11. Акциядорлар мажлиси, директорлар кенгаши томонидан қабул қилинган, мажлислар даражаси бўйича тақкосланадиган чора-тадбирларнинг молиявий ҳисоботга таъсири молиявий ҳисоботда тегишли равишда акс этилганлиги юзасидан сўровнома ўтказиш.
12. Боғлиқ томонлар билан операциялар мавжудлиги ва бундай операциялар қандай ҳисобга олинганлиги ҳамда боғлиқ томонлар тегишли равишда ёритинганлиги юзасидан сўровнома ўтказиш.
13. Шартли ҳодисалар ва бўлажак мажбуриятлар юзасидан сўровнома ўтказиш.
14. Асосий активлар ёки бизнес сегментлари чиқарилиши юзасидан сўровнома ўтказиш.
15. Молиявий ҳисоботни олиш ва уни субъект раҳбарияти билан муҳокама қилиш.
16. Молиявий ҳисоботда ёритишлар мос равишдалиги ва улар туркумланиши ва тақдим этиши бўйича мувофиқлиги.
17. Жорий давр бўйича молиявий ҳисоботда тақдим этилган натижаларни тақкосланадиган ўтган даврдаги молиявий ҳисоботда тақдим этилган натижалар ва, агар иложи бўлса, бюджет ва башоратлар билан солиштириш.
18. Молиявий ҳисоботдаги ҳар қандай ғайриодатий четга чиқишлар ва ноизчилликлар бўйича субъект раҳбариятидан тушунтиришлар олиш.
19. Ҳар қандай тузатилмаган янглишлар таъсирини алоҳида ва мажмуи ҳолатда кўриб чиқиш. Хатоларни субъект раҳбариятининг маълумоти учун етказиш ва тузатилмаган хатолар шарҳ бўйича ҳисоботга қандай таъсир кўрсатишини аниқлаш.
20. Субъект раҳбариятидан хат-тақдимот олинганлигини кўриб чиқиш.

Пул маблағлари

21. Банк қўчирмалари бўйича солиштиришлар тўғрисида маълумот олиш. Мижоз ходимлари билан банк бўйича солиштиришларнинг қандайдир эски ёки ғайриодатий моддалари тўғрсида сўровнома ўтказиш.
22. Пул ҳисобварақлари бўйича қандайдир чекловлар мавжудлиги тўғрсида сўровнома ўтказиш.

Дебиторлик қарзи

24. Сотишга оид дебиторлик қарзининг дастлабки ёзуви бўйича ҳисоб сиёсати тўғрсида сўровнома ўтказиш ва бундай операциялар бўйича қандайдир заҳиралар ҳисобланганлигини аниқлаш.

25. Дебиторлик қарзи бўйича жадвални олиш ва жами синов балансига мувоқлигини аниқлаш.
26. Ҳисобварақлар қолдиқаридаги ўтган даврлар ёки кутилаётган ҳисобварақлар қолдиқларига нисбатан аҳамиятли ўзгаришлари тўғрисида тушунтиришлар олиш ва кўриб чиқиш.
27. Сотиш бўйича дебиторлик қарзининг қоплаш муддати бўйича таҳлилини олиш. Ғайриодатий катта миқдордаги ҳисобварақлар, кредитли қолдиқлар ёки бошқа *ғайриодатий қолдиқлар ҳамда дебиторлик қарзини қоплаш юзасидан сўровнома ўтказиш.*
28. Субъект раҳбарияти билан, молиявий ҳисоботга мувофиқ, дебиторлик қарзини, жумладан ҳисобварақларнинг узоқ муддатли қолдиқлар, соф кредитли қолдиқ ва акциядорлардан, директорлардан ва бошқа боғлиқ томонлардан олинадиган суммаларнинг туркумланишини муҳокама қилиш.
29. "Секин-аста тўланадиган" ҳисобварақларни аниқлаш усули ва даргумон ҳисобвароақлар бўйича заҳира ташкил этиш тўғрисида сўровнома ўтказиш ва у оқилоналигини кўриб чиқиш.
30. Дебиторлик қарзи бўйича гаров, факторинг ёки дисконтларга эга бўлганлиги тўғрисида сўровнома ўтказиш.
31. Товарларни сотиш ва сотилган товарларни қайтариш бўйича операциялар тегишли равишда ажратилишини таъминлаш учун қўлланиладиган муолажалар тўғрисида сўровнома ўтказиш.
32. Консигнация шартлари билан юклаб жўнатилган товарлар дебиторлик қарзи бўйича ҳисобварақларда акс этилиши юзасидан сўровнома ўтказиш.
33. Баланс тайёрланган санадан кейин, акс этилган даромадга тааллуқли қандайдир катта миқдордаги чегирмалар тақдим этилганлиги ва бундай суммалар бўйича заҳира ташкил этилганлиги юзасидан сўровнома ўтказиш.

Товар-моддий заҳиралар

34. Товар-моддий заҳиралар рўхатини олиш ва қуйидагиларни аниқлаш:
(а) ушбу якун синов баланси қолдиғи билан мувофиқланганлигини;
(б) ушбу рўйхат товар-моддий заҳираларининг жисмоний ҳисобланишига асосланганлигини.
35. Товар-моддий заҳираларни ҳисобга олиш юзасидан сўровнома ўтказиш.
36. Агар баланс санасига инвентарлаш ўтказилмаган бўлса, қуйидагилар юзасидан сўровнома ўтказиш:
(а) заҳираларни узлуксиз ҳисобга олиш тизимидан фойдаланишлиги ва амалдаги мавжуд бўлган миқдорлари билан даврий солиштиришлар ўтказилганлиги;
(б) қийматни яхлит ҳолга келтирилган тизими қўлланиши ва у ўтмишда ишончли маълумот билан таъминлаганлиги.
37. Охирги инвентарлаш натижаси бўйича киритилган тузатишларни муҳокама қилиш.
38. Товар-моддий заҳираларни даврлар бўйича ажратилиши ва бошқа ҳар қандай силжиши бўйича назорат учун қўлланиладиган муолажалар тўғрисида сўровнома ўтказиш.
39. Товар-моддий заҳираларнинг ҳар бир туркумига, хусусан ички фирма фойдасини чиқаришга баҳо беришда қўлланиладиган асос юзасидан сўровнома ўтказиш. Товар-моддий заҳиралар энг кам таннарх ва сотишнинг соф қиймати бўйича баҳоланиши юзасидан сўровнома ўтказиш.
40. Товар-моддий заҳираларнинг, жумладан материаллар, меҳнатга ҳақ тўлаш ва устама харажатларни баҳолаш усуллари изчиллик билан қўлланилишини кўриб чиқиш.
41. Товар-моддий заҳиралар асосий туркумларининг суммаларини ўтган даврлар ва жорий даврда кутилаётган суммалар билан солиштириш. Аҳамиятли четга чиқишлар ва фарқлар юзасидан сўровнома ўтказиш.
42. Товар-моддий заҳиралар айланишини ўтган даврлар бўйича айланишлар билан солиштириш.
43. Харидоргир эмас ва эскирган товар-моддий заҳираларни аниқлаш учун фойдаланиладиган усул ва ушбу товар-моддий заҳиралар соф сотиш қиймати бўйича ҳисобга олинганлиги тўғрисида сўровнома ўтказиш.
44. Қандайдир товар-моддий заҳиралар консигнацияда эканлиги ва, агар консигнацияда бўлса, уларни товар-моддий заҳиралар таркибидан чиқариш учун тузатишлар киритилганлиги тўғрисида сўровнома ўтказиш.
45. Бошқа жойда сақланаётган ёки бошқа шахсларда консигнацияда бўлган товар-моддий заҳиралар қандайдирлари гаровгв қўйилганлиги ва ушбу операциялар тегишли равишда ҳисобга олинганлиги тўғрисида сўровнома ўтказиш

Инвестициялар (жумладан, уюшмалаштирилган Компаниялар ва бозор қимматли қоғозлар)

46. Баланс санасига инвестициялар рўйхатини олиш ва улар синов балансининг кўрсаткичларига мувофиқлигини аниқлаш.
47. Инвестицияларга нисбатан қўлланиладиган ҳисоб сиёсати тўғрисида сўровнома ўтказиш.
48. Инвестициялар қиймати тўғрисида субъект раҳбарияти билан сўровнома ўтказиш. Уларни сотиш бўйича қандайдир муаммолар мавжуд эканлигини кўриб чиқиш.
49. Даромадлар ва харажатларни ҳамда инвестициялардан олинган даромадни тегишли равишда ҳисобга олиш мавжудлигини кўриб чиқиш.
50. Узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестицияларни туркумлаш юзасидан сўровнома ўтказиш.

Мол-мулк ва эскириш

51. Қиймати ва жамланган эскириш суммаси кўрсатилган мол-мулкнинг рўйхатини олиш ва у синов баланси билан мувофиқлигини текшириш.
52. Эскириш шартлари ва капиталлаштирилган харажатларни чегаралаш ва хизмат кўрсатишга оид харажатлар юзасидан ҳисоб сиёсати тўғрисида сўровнома ўтказиш. Мол-мулкнинг муҳим мунтазам равишда қийматининг пасайиши кузатилганлигини кўриб чиқиш.
53. Мол-мулк келиб тушиши ва чиқарилиши бўйича ҳисобварақлар, мол-мулкни сотиш ёки ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар ва харажатларни субъект раҳбарияти билан муҳокама қилиш.
54. Эскириш усули ва меъёрлари қўлланишининг изчиллиги юзасидан сўровнома ўтказиш ва эскириш шароитларини ўтган йиллар билан солиштириш.
55. Мол-мулк юзасидан қандайдир гаров ҳуқуқлари мавжудилиги тўғрисида сўровнома ўтказиш.
56. Ижара бўйича шартномалар, амалдаги бухгалтерия ҳисоби бўйича махсус ҳужжатларга мувофиқ, молиявий ҳисоботда тегишли равишда акс этилганлигини муҳокама қилиш.

Олдиндан тўланган харажатлар, номоддий ва бошқа активлар

57. Ушбу ҳисобварақлар тавсифини белгиловчи қайдномаларни олиш ва уларни қоплаш эҳтимолини субъект раҳбарияти билан муҳокама қилиш.
58. Ушбу ҳисобварақлар ҳисобининг асоси ва қўлланилаётган амортизациянинг усуллари юзасидан сўровнома ўтказиш.
59. Ўзаро боғлиқ харажатлар ҳисобварақларининг қолдиқларини ўтган даврлар бўйича қолдиқлар билан солиштириш ва аҳамиятли фарқланишларни субъект раҳбарияти билан муҳокама қилиш.
60. Узоқ муддатли ва қисқа муддатли ҳисобварақлар ўртасидаги туркумланишни субъект раҳбарияти билан муҳокама қилиш.

Тўлов учун қарзлар

61. Субъект раҳбариятидан тўлов учун қарзлар рўйхатини олиш ва якун синов баланси билан мувофиқлигини аниқлаш.
62. Субъект раҳбарияти қарзлар бўйича шартнома шартларини бажармаган қандайдир қарзлар мавжудлиги тўғрисида сўровнома ўтказиш ва, агар бажармаган тақдирда, субъект раҳбариятининг ҳаракатлари тўғрисида сўровнома ўтказиш ва молиявий ҳисоботда тегишли тузатишлар қилинганлигини аниқлаш.
63. Қарзлар ҳисобварағи қолдиқлари юзасидан фоизлар бўйича харажатлар оқилоналигини кўриб чиқиш.
64. Тўланиши лозим бўлган қарзлар бўйича таъминлаш мавжудлиги юзасидан сўровнома ўтказиш.
65. Тўланадиган қарзлар узоқ муддатли ва қисқа муддатлиларга туркумланганлиги юзасидан сўровнома ўтказиш.

Савдо кредиторлик қарзи

66. Савдо кредиторлик қарзини дастлабки акс эттириш бўйича ҳисоб сиёсати ва субъект бундай операциялар бўйича қандайдир имтиёзларга эга эканлиги юзасидан сўровнома ўтказиш.
67. Кутилаётган ҳисобварақлар қолдиқлари ёки ўтган даврлар бўйича қолдиқларга нисбатан ҳисобварақлар қолдиқларидаги аҳамиятли фарқланишлар юзасидан тушунтиришларни олиш ва кўриб чиқиш.
68. Сотиш бўйича кредиторлик қарзининг жадвалини олиш ва у синов баланси билан мувофиқлигини аниқлаш.
69. Ҳисобварақлар қолдиқлари кредиторларнинг ҳисоботлари билан солиштирилганлиги юзасидан сўровнома ўтказиш ва ўтган давлар бўйича ҳисобварақлар қолдиқлари билан солиштириш. Айланмани ўтган даврлар билан солиштириш.
70. Ҳисобга олинмаган вазиятлар муҳим бўлиш мумкинлигини кўриб чиқиш.
71. Кредиторлик қарзи алоҳида акциядорларга, директорларга ва бошқа боғлиқ томонларга ёритилганлиги тўғрисида сўровнома ўтказиш.

Ҳисобланган ва шартли мажбуриятлар

72. Ҳисобланган мажбуриятлар жадвалини олиш ва у синов баланси билан мувофиқлигини аниқлаш.
73. Харажатларнинг тегишли ҳисобварақлари бўйича катта миқдордаги қолдиқларини ўтган даврлар бўйича шунга ўхшаш кўрсаткичлар билан солиштириш.
74. Бундай ҳисоблашлар, тўлаш шарталари, шартларга риоя қилиш таъминлаш ва туркумлашларни тасдиқлаш юзасидан сўровнома ўтказиш.
75. Ҳисобланган мажбуриятларни аниқлаш усули тўғрисида сўровнома ўтказиш.
76. Шартли мажбуриятлар ва бўлажак мажбуриятларга киритилган суммалар тавсифи тўғрисида сўровнома ўтказиш.
77. Ҳисобварақларда акс этилмаган қандайдир амалдаги ёки шартли мажбуриятлар мавжудлиги тўғрисида сўровнома ўтказиш. Агар мавжуд бўлса, ҳисобварақлар бўйича заҳира ташкил этиш ёки молиявий ҳисоботнинг изоҳларида ёритишларни амалга ошириш лозимлигини субъект раҳбарияти билан муҳокама қилиш.

Даромад солиғи ва бошқа солиқлар

78. Субъект томонидан тўланадиган солиқларга аҳамиятли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳодисалар, жумладан, солиқ идоралари билан тортишувлар содир этилганлиги тўғрисида субъект раҳбарияти билан сўровнома ўтказиш.
79. Ушбу даврга оид субъект даромади юзасидан солиқлар бўйича харажатларни кўриб чиқиш.
80. Ҳисобга олинган муддати узайтирилган ва жорий солиқ мажбуриятлари, жумладан олдинги даврлар юзасидан заҳиралар мос равишдалиги тўғрисида субъект раҳбарияти билан сўровнома ўтказиш.

Келгуси ҳодисалар

81. Субъект раҳбариятидан энг охирги оралиқ молиявий ҳисоботни олиш ва уни шарҳланадиган молиявий ҳисобот ёки ўтган йилнинг тақкосланадиган даври бўйича молиявий ҳисобот билан солиштириш.
82. Баланс санасидан кейин шарҳланадиган молиявий ҳисоботга муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳодисалар тўғрисида сўровнома ўтказиш, хусусан қуйидагилар бўйича сўровнома ўтказиш:
    (а) баланс тайёрланган санадан кейин қандайдир аҳамиятли бўлажак мажбуриятлар ёки ноаниқликлар вужудга келганлиги;
    (б) сўровнома ўтказиш санасигача қадар акциядорлик капиталида, узоқ муддатли қарзда ёки айланма капиталда қандайдир аҳамиятли ўзгаришлар содир этилганлиги;
    (в) баланс тайёрланиш санаси билан сўровнома ўтказиш санаси оралиғида қандайдир ғайриодатий тузатишлар киритилганлиги.

    Молиявий ҳисоботга лозим бўлган тузатишлар ва ёритишлар киритилишини кўриб чиқиш.
83. Баланс санасидан кейинги акциядорлар, директорлар ва тегишли қўмиталар мажлис баённомаларини олиш ва улар билан танишиш.

Иш судда кўрилиши

84. Субъект қандайдир бўлажак, келгуси ёки кўриб чиқилаётган босқичдаги суд ишларига жалб қилинганлиги тўғрисида раҳбарият билан сўровнома ўтказиш. Уларнинг молиявий ҳисоботга таъсирини кўриб чиқиш.

Хусусий капитал

85. Хусусий капитал ҳисобварақларидаги операциялар, жумладан янги эмиссиялар, қайтадан сотиб олиш ва дивидендлар рўйхатини олиш ва кўриб чиқиш.
86. Тақсимланмаган фойда ёки хусусий капиталнинг бошқа ҳисобварақлари бўйича қандайдир чекловлар мавжудлиги тўғрисида сўровнома ўтказиш.

Фаолиятни юритиш

87. Ўтган даврлар бўйича натижаларни жорий давр бўйича режалаштирилган натижалар билан солиштириш. Аҳамиятли фарқланишларни субъект раҳбарияти билан муҳокама қилиш.
88. Тегишли даврларда катта миқдордаги сотишлар ва харажатлар тан олинганлигини муҳокама қилиш.
89. Фавқулоддаги ва ғайриодатий моддаларни кўриб чиқиш.
90. Даромад ҳисобварақларининг тегишли моддалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни кўриб чиқиш ва субъект раҳбарияти билан муҳокама қилиш ҳамда ўтган даврлар бўйича шунга ўхшаш ўзаро боғлиқликлар ва аудитор фойдаланиши мумкин бўлган бошқа маълумот контекстида улар оқилона эканлигига баҳо бериш.

3-илова

Ҳисоботнинг шарҳлаш бўйича изоҳларсиз шакли.

..... УЧУН ШАРҲЛАШ БЎЙИЧА ҲИСОБОТ

Биз АВС Компаниясининг 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра тақдим этилган бухгалтерия баланси ва унинг билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар бўйича ҳисоботи ҳамда қайд этилган санада якунланган йил бўйича пул маблағлари силжиши тўғрисидаги ҳисоботининг шарҳини ўтказдик. Молиявий ҳисобот бўйича масъулият Компания раҳбариятининг зиммасига юклатилган. Бизнинг масъулиятимиз ушбу молиявий ҳисоботнинг шарҳлашини ўтказиш асосида ҳисоботни чоп этишдан иборат бўлади.

Биз томондан шарҳлаш шарҳлаш бўйича келишувлар юзасидан қўлланиладиган Аудитнинг халқаро стандартларига (ёки миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳланиш) мувофиқ ўтказилган. Ушбу стандарт биздан молиявий ҳисобот муҳим нотўғриликларга эга эмаслигига ўртача даражадаги ишончлилик олиш учун шарҳни режалаштириш ва ўтказишни талаб қилади. Шарҳлаш асосан Компания ходимлари билан сўровнома ўтказиш ва молиявий кўрсаткичлар юзасидан ўтказиладиган таҳлилий муолажалар билан чекланади, шунинг оқибатида, у аудитга нисбатан ишончлиликнинг пастроқ даражасини тақдим этади. Биз аудит ўтказмадик ва тегишли равишда аудит бўйича фикр билдирилмайди.

Биз томондан ўтказилган шарҳга асосланган ҳолда, Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мувофиқ, тақдим этилган молиявий ҳисобот ҳақиқий ва тўғри акс этмайди (ёки "барча муҳим жавҳалари бўйича ҳаққоний акс этмаган") деб ҳисоблашга ҳеч нарса бизнинг эътиборимизни жалб қилмади[4].

АУДИТОР

Сана
Манзил

4-илова

Шарҳларсиз ҳисоботлардан фарқли шарҳлар бўйича ҳисоботлар намуналари.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларидан четга чиқиш муносабати билан изоҳ

..... УЧУН ШАРҲЛАШ БЎЙИЧА ҲИСОБОТ

Биз АВС Компаниясининг 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра тақдим этилган бухгалтерия баланси ва унинг билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар бўйича ҳисоботи ҳамда қайд этилган санада якунланган йил бўйича пул маблағлари силжиши тўғрисидаги ҳисоботининг шарҳини ўтказдик. Молиявий ҳисобот бўйича масъулият Компания раҳбариятининг зиммасига юклатилган. Бизнинг масъулиятимиз ушбу молиявий ҳисоботнинг шарҳлашини ўтказиш асосида ҳисоботни чоп этишдан иборат бўлади.

Биз томондан шарҳлаш шарҳлаш бўйича келишувлар юзасидан қўлланиладиган Аудитнинг халқаро стандартларига (ёки миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳланиш) мувофиқ ўтказилган. Ушбу стандарт биздан молиявий ҳисобот муҳим нотўғриликларга эга эмаслигига ўртача даражадаги ишончлилик олиш учун шарҳни режалаштириш ва ўтказишни талаб қилади. Шарҳлаш асосан Компания ходимлари билан сўровнома ўтказиш ва молиявий кўрсаткичлар юзасидан ўтказиладиган таҳлилий муолажалар билан чекланади, шунинг оқибатида, у аудитга нисбатан ишончлиликнинг пастроқ даражасини тақдим этади. Биз аудит ўтказмадик ва тегишли равишда аудит бўйича фикр билдирилмайди.

Компания раҳбарияти, товар-моддий заҳиралар уларнинг соф сотилиш қийматидан юқори бўлган таннарх бўйича кўрсатилганлиги тўғрисида бизга маълумот берган. Компания раҳбарияти ҳисоблашларининг биз томондан ўтказилган шарҳи, Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талаб қилганидек[5], агар товар-моддий заҳиралар таннарх ва соф сотилиш қийматидан энг кам қиймат бўйича баҳоланган тақдирда, товар-моддий заҳиралар қиймати $Хга, соф даромад ва акциядорлик капитал эса $Уга камайишини кўрсатади.

[4] Ёки тегишли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари кўрсатилиши лозим.
[5] 4-изоҳга қаранг.

910

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ШАРҲЛАШ БЎЙИЧА КЕЛИШУВЛАР

2000.16.03.

Биз томондан ўтказилган шарҳга асосланган ҳолда, олдинги бандда баён этилган товар-моддий заҳиралар қиймати оширилганлигининг таъсиридан ташқари, Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мувофиқ, тақдим этилган молиявий ҳисобот ҳақиқий ва тўғри акс этмайди (ёки "барча муҳим жавҳалари бўйича ҳаққоний акс этмаган") деб ҳисоблашга ҳеч нарса бизнинг эътиборимизни жалб қилмади[6].

АУДИТОР

Сана
Манзил

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларидан четга чиқиш муносабати билан салбий ҳисобот

..... УЧУН ШАРҲЛАШ БЎЙИЧА ҲИСОБОТ

Биз АВС Компаниясининг 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра тақдим этилган бухгалтерия баланси ва унинг билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар бўйича ҳисоботи ҳамда қайд этилган санада якунланган
йил бўйича пул маблағлари силжиши тўғрисидаги ҳисоботининг шарҳини ўтказдик. Молиявий ҳисобот бўйича масъулият Компания раҳбариятининг зиммасига юклатилган. Бизнинг масъулиятимиз ушбу молиявий ҳисоботнинг шарҳлашини ўтказиш асосида ҳисоботни чоп этишдан иборат бўлади.

Биз томондан шарҳлаш шарҳлаш бўйича келишувлар юзасидан қўлланиладиган Аудитнинг халқаро стандартларига (ёки миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳланиш) мувофиқ ўтказилган. Ушбу стандарт биздан молиявий ҳисобот муҳим нотўғриликларга эга эмаслигига ўртача даражадаги ишончлилик олиш учун шарҳни режалаштириш ва ўтказишни талаб қилади. Шарҳлаш асосан Компания ходимлари билан сўровнома ўтказиш ва молиявий кўрсаткичлар юзасидан ўтказиладиган таҳлилий муолажалар билан чекланади, шунинг оқибатида, у аудитга нисбатан ишончлиликнинг пастроқ даражасини тақдим этади. Биз аудит ўтказмадик ва тегишли равишда аудит бўйича фикр билдирилмайди.

Х изоҳида қайд этилганидек, ушбу молиявий ҳисобот шўъба корхоналарига қилинган инвестицияларни таннарх бўйича ҳисобга олган молиявий ҳисоботининг жамланмасини акс этмайди. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мувофиқ[7] шўъба корхоналарининг молиявий ҳисоботи жамланиши лозим.

Биз томондан ўтказилган шарҳга асосланган ҳолда, олдинги бандда баён этилган масала молиявий ҳисоботга чуқур таъсир кўрсатганлиги муносабати билан, Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мувофиқ[8], тақдим этилган молиявий ҳисобот ҳақиқий ва тўғри акс этмайди (ёки "барча муҳим жавҳалари бўйича ҳаққоний акс этмаган").

АУДИТОР

Сана
Манзил

[6] 4-изоҳга қаранг.
[7] 4-изоҳга қаранг.
[8] 4-изоҳга қаранг.

910

2000.16.03.

[920]

МОЛИЯВИЙ МАЪЛУМОТ ЮЗАСИДАН КЕЛИШИЛГАН МУОЛАЖАЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА КЕЛИШУВЛАР

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	195
Келишилган муолажалар бўйича келишувнинг мақсади	196
Келишилган муолажалар бўйича келишувнинг умумий тамойили	196
Келишув шартларини белгилаш	196
Режалаштириш	197
Ҳужжатлар	197
Муолажалар ва далил	197
Ҳисоботни тақдим этиш	197

1-илова. Келишилган муолажаларни бажариш бўйича хат-келишувнинг намунаси.
2-илова. Кредиторлик қарзи муносабати билан амалдаги хулосалар бўйича ҳисобот намунаси.

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.
АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.
Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда, АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.
Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.
Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади молиявий ҳисобот юзасидан келишилган муолажаларни бажариш бўйича келишув қабул қилинганда аудиторнинг касбий масъулияти[1] ҳамда аудитор бундай келишув муносабати билан чоп этган ҳисоботнинг шакли ва мазмуни юзасидан стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.

2. Ушбу АХС молиявий ҳисобот юзасидан келишувга йўналтирилган. Бироқ у аудитор ушбу масала мазмуни тўғрисида етарли билимларга эга бўлган тақдирда ва амалдаги хулосалар асосланадиган оқилона омиллар мавжуд бўлган тақдирда, молиявий бўлмаган маълумот юзасидан келишувлар учун ҳам фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ушбу АХСни 120-АХС "Аудит халқаро стандартларининг концептуал асоси" билан бирга ўқиш лозим. Ушбу АХСни қўллашда бошқа АХСдаги қўлланмалар аудитор учун фойдали бўлиши мумкин.

[1] Аудит халқаро стандатларининг концептуал асосида тушунтирилганидек, аудитни ёритиш билан бир қаторда, кўрсатилиши мумкин бўлган касбга доир хизматларни ёритишда ҳам "аудитор" атамаси барча АХСлар бўйича қўлланилади. Бундай изоҳ касбга доир хизматларни бажараётган шахс албатта субъектнинг молиявий ҳисоботи бўйича аудитор бўлиши шарт эмас.

3. Келишилган муолажаларни бажариш бўйича келишув аудитор томонидан молиявий маълумотнинг алоҳида моддалари (масалан, кредиторлик қарзи, дебиторлик қарзи, боғлиқ томонлардан харидлар ҳамда субъект сегментининг сотиши ва фойдаси), молиявий ҳисобот (масалан, бухгалтерия баланси) ёки молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўплами юзасидан муайян муолажаларни бажаришдан иборат бўлиши мумкин.

Келишилган муолажалар бўйича келишувнинг мақсади

4. **Келишилган муолажалар бўйича келишувнинг мақсади аудитор томонидан аудитор, субъект ва ҳар қандай учинчи томонлар билан келишилган аудиторлик муолажаларини бажариш ва амалдаги натижалар бўйича ҳисобот тақдим этишдан иборат.**

5. Аудитор фақат келишилган муолажалар бўйича амалдаги хулосалар юзасидан ҳисобот тақдим этиши муносабати билан ҳеч қандай ишончлилик билдирилмайди. Бунинг ўрнинга фойдаланувчиларнинг ўзи аудиторнинг ҳисоботи бўйича муолажаларга ва амалдаги хулосаларга баҳо беради ва аудиторнинг ишидан келиб чиқиб ўзининг хулосаларини чиқаради.

6. Ушбу ҳисобот фақат бажариладиган муолажалар келишувида иштирок этадиган томонларга тақдим этилади, чунки муолажаларни ўтказиш сабаблари билан таниш бўлмаган томонлар уларнинг натижаларини нотўғри талқин этиши мумкин.

Келишилган муолажалар бўйича келишувнинг умумий тамойиллари

7. **Аудитор Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси томонидан чоп этилган "Малакавий бухгалтерларнинг аҳлоқий кодекси" риоя қилиши лозим.** Бундай келишувлар тури учун аудиторнинг касбий масъулиятини белгиловчи аҳлоқий тамойиллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

(а) ҳалоллик;
(б) холислик;
(в) касбий хабардорлик ва тегишли синчковлик;
(г) сир сақлашлик;
(д) касбий феъл атвор;
(е) техникавий станадартларга риоя қилиш.

Келишилган муолажалар бўйича келишувлар учун мустақиллик талаб қилинмайди; бироқ келишув шартлари ёки вазифалари аудитордан мустақиллик юзасидан Малакавий бухгалтерларнинг аҳлоқий кодекси талабларига риоя қилишни талаб этиши мумкин. Агар аудитор мустақил бўлмаса, амалдаги хулосалар бўйича ҳисоботда бу ҳақида таъкидлаб ўтиш лозим.

8. **Аудитор келишилган муолажалар бўйича келишувни ушбу АХС ва келишув шартларига мувофиқ ўтказиши лозим.**

Келишув шартларини белгилаш

9. **Аудитор амалдаги хулосалар бўйича ҳисобот нусхаларини оладиган субъект вакиллари ва одатда бошқа муайян томонлар келишилган муолажалар ва келишув шартлари юзасидан аниқ тушунишга эгалигига ишонч ҳосил қилиши лозим.** Келишишни талаб қиладиган масалалар қуйидагилардан иборат:

- бажариладиган муолажалар аудит ёки шарҳ эмаслик ҳолати ва, тегишли равишда, ҳеч қандай ишончлилик билдирилмаслигини таъкидловчи шарҳнинг тавсифи;
- келишувнинг белгиланган мақсади;
- келишилган муолажалар қўлланиладиган молиявий ҳисоботни солиштириш;
- аниқ белгиланган бажариладиган муолажаларнинг тавсифи, муддати ва ҳажми;
- амалдаги хулосалар бўйича ҳисоботнинг кутилаётган шакли;
- амалдаги хулосалар бўйича ҳисоботни тарқатиш юзасидан чекловлар. Агар бундай чекловлар ҳуқуқий талабларга зид бўлган тақдирда, аудитор ушбу келишувни қабул қилмаслиги лозим.

10. Муайян вазиятларда, масалан, муолажалар тартибга солувчи идоралар, тармоқ вакиллари ва бухгалтерия касбий вакиллари ўртасида келишилган тақдирда, аудитор жавоб оладиган барча томонлар билан муолажаларни муҳокама қила олмайди. Бундай ҳолатларда, аудитор, масалан, жалб этилган томонларнинг тегишли вакиллари билан бажариладиган муолажалар муҳокамасини, бундай томонлар билан тегишли хат ёзишувларни шарҳлаш ёки уларга чоп этиладиган намунавий ҳулоса лойиҳасини тақдим этишни кўриб чиқиши мумкин.

11. Аудитор ўзининг манфаатини кўзаш билан бир қаторда, мижоз манфаатларини кўзлаган ҳолда, тайинлашнинг таянч шартларини ҳужжатлаштирадиган хат-келишув йўллаши мақсадга мувофиқдир. Хат-келишув аудитор томонидан тайинланганлигини қабул қилганлигини тасдиқлайди ва келишувнинг мақсади ва кўлами, аудиторнинг масъулият даражаси ва чоп этиладиган ҳисоботларнинг шакли каби масалалар юзасидан тўғри тушунмовчиликларни олдини олишга ёрдам беради.

12. Хат-келишувга қуйидаги масалалар киритилади:

    - бажарилиши лозим бўлган томонлар ўртасида келишилган муолажаларнинг рўйхати;
    - амалдаги хулосалар бўйича ҳисобот тарқатилишининг бажарилиши лозим бўлган муолажалар юзасидан келишиб олган муайян томонлар томонидан чекланиши тўғрисида таъкидлаш.

    Бундан ташқари, аудитор хат-келишувга илова қилинган чоп этиладиган амалдаги хулосалар бўйича намунавий ҳисобот лойиҳасини кўриб чиқиши мумкин. Хат-келишувнинг намунаси ушбу АХСнинг 1-иловасида келтирилган.

Режалаштириш

13. **Аудитор келишувни самарадорлик билан бажаришни таъминлайдиган ишни режалаштириши лозим.**

Ҳужжатлар

14. **Аудитор амалдаги хулосалар бўйича ҳисоботни тасдиқлайдиган далилларни ва келишув ушбу АХС ва ушбу келишув шартларига мувофиқ бажарилганлиги юзасидан далилларни тақдим этиш учун муҳим бўлган жавҳаларни ҳужжатлаштириши лозим.**

Муолажалар ва далил

15. **Аудитор келишилган муолажаларни бажариши ва олинган далиллардан амалдаги хулосалар бўйича ҳисобот тақдим этиш учун асос сифатида фойдаланиши лозим.**

16. Келишилган муолажаларни бажариш бўйича келишувда қўлланиладиган муолажалар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

    - сўровнома ва таҳлил;
    - қайтадан ҳисоблаш, солиштириш ва аниқлик юзасидан бошқа текширишлар;
    - кузатиш;
    - текшириш; тасдиқларни олиш.

    Ушбу АХСнинг 2-иловасида келишилган муолажалар бўйича намунавий келишувнинг бир қисми сифатида фойдаланиши мумкин бўлган муолажаларнинг кўргазмали рўйхатидан иборат хулосанинг намунаси келтирилган.

Ҳисоботни тақдим этиш

17. Келишилган муолажалар бўйича келишув юзасидан ҳисобот ўқувчи (фойдаланувчи) бажарилган ишнинг тавсифи ва ҳажмини тушуниши учун, аудитор мақсад ва муолажаларни етарли даражада батафсил ёритиши лозим.

18. Амалдаги хулосалар бўйича ҳисобот қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

(а) сарлавҳа;

(б) олувчи (одатда, келишилган муолажаларни бажариш учун аудиторни таклиф этган мижоз);

(в) келишилган муолажалар қўлланилган аниқ белгиланган молиявий ва молиявий бўлмаган маълумотни солиштириш;

(г) бажарилган муолажалар олувчи билан келишилганлигини таъкидлаш;

(д) келишув келишилган муолажалар бўйича келишувлар юзасидан қўлланиладиган Аудитнинг халқаро стандартларига ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётга мувофиқ бажарилганлигини таъкидлаш;

(е) агар лозим бўлса, аудитор субъектдан мустақил эмаслигини таъкидлаш;

(ж) бажарилган келишилган муолажаларнинг мақсадини солиштириш;

(з) бажарилган аниқ белгиланган муолажаларнинг рўйхати;

(и) аудиторлик амалдаги хулосаларни, жумладан аниқланган хатолар ва истисноларнинг етарли тафсилотлари билан баён этиш;

(к) бажарилган муолажалар аудит ёки шарҳ эмаслиги ва шунинг учун ҳеч қандай ишонч билдирилмаслигини таъкидлаш;

(л) агар аудитор қўшимча муолажаларни, аудитни ёки шарҳни бажарганда ҳисоботда ёритиш учун бошқа масалалар аниқланиши мумкинлигини таъкидлаш;

(м) ҳисобот бажарилиши лозим бўлган муолажалар бўйича келишилган томонлар томонидан чекланганлигини таъкидлаш;

(н) ҳисобот фақат элементлар, ҳисобварақлар, моддалар ёки муайян молиявий ва молиявий бўлмаган маълумотта тегишликлигини ва у субъектнинг умуман молиявий ҳисоботига тааллуқли эмаслигини таъкидлаш (мумкин бўлган жойда);

(о) ҳисобот санаси;

(п) аудиторнинг манзили;

(р) аудиторнинг имзоси.

Молиявий маълумот юзасидан келишилган муолажаларни бажариш бўйича келишув муносабати билан амалдаги хулосалар бўйича чоп этиладиган ҳисоботнинг намунаси ушбу АХСнинг 2-иловасида келтирилган.

Давлат секторининг аудити

1. *Давлат секторидаги келишув бўйича ҳисобот нафақат бажарилиши лозим бўлган муолажалар юзасидан келишган томонлар билан чекланмаслиги мумкин, у, шунингдек, субъектларнинг кенг доираси ёки аҳоли томонидан ҳам фойдаланиши мумкин (масалан, муайян давлат субъекти ёки ҳукумат департаменти бўйича парламент томонидан ўрганиб чиқиш).*

2. *Шуни таъкидлаш лозимки, давлат бўйича ваколатлар аҳамиятли даражада ўзгарувчан бўлади ва ҳақиқатдан ҳам "келишилган муолажалар"ни ижро тўғрисида ҳисоботлар каби молиявий маълумотнинг аудити ҳисобланганлардан, ниҳоятда асталик билан фарқлашга мажбур қилади.*

МОЛИЯВИЙ МАЪЛУМОТ ЮЗАСИДАН КЕЛИШИЛГАН МУОЛАЖАЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА КЕЛИШУВЛАР

2000.16.03.

1-илова.

Келишилган муолажаларни бажариш бўйича хат-келишувнинг намунаси.

Мазкур АХСнинг 9-бандига мувофиқ ушбу хат қўлланма сифатида фойдаланилади ва стандарт хат бўлиши учун мўлжалланмаган. Хусусий талаблар ва вазиятлардан келиб чиқиб хат-келишувнинг шакли, лозим бўлганда, ўзгартирилиши мумкин.

Директорлар кенгаши ёки аудиторни ёллаган мижознинг бошқа тегишли вакилларига.

Ушбу хат келишувизнинг шарталари ва вазифалари ҳамда биз томондан тақдим этилаётган хизматларнинг тавсифи ва чекловларини тушунишимизни тасдиқлайди. Бизнинг келишувимиз келишилган муолажалар бўйича қўлланиладиган Аудитнинг халқаро стандартларига (ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳланиш) мувофиқ ўтказилади ва биз буни ҳисоботимизда акс этамиз.

Биз қуйидаги муолажаларни бажариш ва ишимиз натижаларига кўра қилинган амалдаги хулосалар бўйича Сизга ҳисобот тақдим этиш тўғрисида келишиб олганмиз:

(мумкин бўлган жойларда, фойдаланилган ҳужжатлар ва ёзувлар мослигига, боғланиш мумкин бўлган шахслар ва тасдиқлар олинадиган томонларга аниқ изоҳлар бериб, бажариладиган ишларнинг тавсифи, муддати ва ҳажмини баён этиш).

Биз томондан бажариладиган муолажалар, фақат Сизга (мақсад кўрсатилсин) юзасидан ёрдам бериш учун мўлжалланган. Бизнинг ҳисоботимиз фақат сизга маъумот етказиш учун мўлжалланган ва бошқа қандайдир мақсадлар учун фойдаланмаслик лозим.

Биз томондан бажариладиган муолажалар Аудитнинг халқаро стандартларига (ёки тегишли миллий стандарталар ёки амалиётга изоҳлансин) мувофиқ аудит ёки шарҳ ҳисобланмайди ва, бинобарин, ҳеч қандай ишончлилик билдирилмайди.

Биз Сизнинг ходимларингиз билан яқин ҳамкорлик қилишга умид қиламиз ва биз томондан бажарилаётган келишув юзасидан талаб қилинадиган ҳар қандай ҳужжатлар, ҳисоб ёзувлари ва бошқа маълумот тақдим этилади деб ишонч билдирамиз.

Иш бажарилишига қараб тўланиб борадиган бизнинг хизмат ҳақимиз келишувнинг бажариш учун тайинланган ҳар бир мутахассис учун талаб қилинадиган вақт асосида ҳисобланади ва қўшимча харажат-лардан иборат. Соатбай иш ҳақини тўлаш жалб қилинган мутахас-сисларнинг тажрибаси ва талаб қилинадиган малакасини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг масъулият даражасига қараб ўзгариб боради.

Биз бажаришга розилик берган аниқ белгиланган муолажалар билан бир қаторда, келишув шартлари Сизнинг тушунишингизга мувофиқлигини тасдиқлаш учун ушбу хатнинг илова қилинган нусхасига имзо чекишингизни ва бизга қайтаришингизни сўраймиз.

XYZ & Co

АВС Компанияси номидан тасдиқлайман
(имзоланган)

.....

Фамилия ва Унвон
Сана

920

2-илова.

Кредиторлик қарзи муносабати билан амалдаги хулосалар бўйича ҳисобот намунаси

АМАЛДАГИ ХУЛОСАЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБОТ

Кимга: (аудиторни ёллаган шахсларга)

Биз АВС Компаниясининг (сана) ҳолатига кўра, тақдим этилган жадвалларда қайд этилган (ушбу мисолда келтирилмайди) кредиторлик қарзи юзасидан Сиз билан келишилган ва қуйида қайд этилган муолажаларни бажардик. Бизнинг келишувимиз келишилган муолажалар бўйича келишувлар юзасидан қўлланиладиган Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ (ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳланиш) бажарилган. Муолажалар фақат амалдаги кредиторлик қарзларини баҳолашга ёрдам бериш учун бажарилган ва қуйидагича умумлаштирилган:

1. Биз АВС Компанияси томонидан (сана) ҳолатига кўра тайёрлаган кредиторлик қарзи бўйича айланма қайдномани олдик ва текширдик ва якунини бош китобдаги ҳисобварақ қолдиғи билан солиштирдик.
2. Биз асосий мол етказиб берувчиларнинг тақдим этилган рўйхатини (ушбу мисолда келтирилмаган) ва (сана) ҳолатига кўра тегишли шахсларга нисбатан қарз суммаларини айланма қайдномадаги суммалар билан солиштирдик.
3. Биз мол етказиб берувчилардан қолдиқлар бўйича кўчирмаларни олдик ёки мол етказиб берувчилардан (сана) ҳолатига кўра қарз ҳисобварқларининг қолдиқларини тасдиқлашни сўрадик.
4. Биз ушбу кўчирмаларни ёки тасдиқларни 2-бандда кўрсатилган суммалар билан солиштирдик. Мос келмаган суммалар бўйича биз АВС Компаниясидан солиштирмаларни олдик. Олинган солиштирмалар бўйича биз солиштириш ўтказдик ва ҳар бири бўйича сумма $XXXдан ошган тўланмаган инвойслар, кредитлик авизо ва тўланмаган чекларни рўхатга киритдик. Биз бундай инвойслар ва кредитли авизоларни ва келгусида олинган ёки тўланган чекларни танлаб олдик ва текширдик ва солиштириш пайтида улар амалда тўланмаган деб тан олиниши лозимлигини аниқладик.

Қуйида бизнинг амалдаги хулосаларимизни келтирамиз:

(а) 1-банд юзасидан биз кредиторлик қарзи тўғри ҳисобланганлиги ва якуний сумма ҳисоб кўрсаткичларига мувофиқлигини аниқладик;

(б) 2-банд юзасидан биз солиштириладиган суммалар мослигини аниқладик;

(в) 3-банд юзасидан биз бундай мол етказиб берувчиларнинг барчаси учун ҳисоб-китоблар бўйича кўчирмалар мавжудлигини аниқладик;

(г) 4-банд юзасидан биз суммалар мослигини аниқладик, мос келмайдиган суммалар юзасидан эса - АВС Компанияси солиштиришларни тайёрлаганлигини ва $XXX суммадан ортиқ бўлган кредитлик авизолар, инвойслар ва тўланмаган чеклар қуйидагилардан ташқари солиштириб чиқилган суммалар тариқасида тегишли равишда рўйхатга киритилганини аниқладик:

(Истисноларнинг муфассал баёни)

Юқорида қайд этилган муолажалар Аудитнинг халқаро стандартларига (ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳлансин) мувофиқ ўтказилган аудит ҳам шарҳ ҳам ҳисобланмагани учун, биз (сана) ҳолатига кўра кредиторлик қарзи бўйича ҳеч қандай ишончлилик билдирмаймиз.

Биз томондан Аудитнинг халқаро стандартларига (ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳлансин) мувофиқ қўшимча муолажалар бажарилган ёки аудит ёки шарҳ ўтказилган тақдирда, бошқа масалалар бизнинг эътиборимизни жалб қилиши мумкин эди ва улар юзасидан Сизга ҳисобот тақдим этар эдик.

Бизнинг ҳисоботимиз ушбу ҳисоботнинг 1-бандда қайд этилган мақсадлар ва фақат Сизга ахборот бериш учун мўлжалланган ва ундан қандайдир бошқа мақсадларда фойдаланиш ёки қандайдир бошқа томонларга тарқатиш мумкин эмас. Ушбу ҳисобот фақат юқорида белгиланган ҳисобварақлар ва моддаларга тегишли ва АВС Компаниясининг умуман қандайдир бошқа молиявий ҳисоботига тааллуқли эмас.

АУДИТОР

Сана

Манзил

[930]

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ КОМПИЛЯЦИЯЛАШ БЎЙИЧА КЕЛИШУВЛАР

МУНДАРИЖА

	Бандлар
Кириш	201
Компиляция келишувининг мақсади	202
Компиляция келишувининг умумий тамойиллари	202
Келишув шартларини белгилаш	202
Режалаштириш	203
Ҳужжатлар	203
Муолажалар	203
Компиляция келишув бўйича ҳисобот тақдим этиш	204
1-илова. Компиляция келишуви бўича хат-келишувнинг намунаси.	
2-илова. Компиляция ҳисоботларининг намуналари	

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисобот аудитида қўлланилади. Тегишли равишда мослаштирилган АХС, шунингдек, бошқа маълумот ва касбга доир ҳизматлар кўрсатиш аудитида ҳам қўлланилади.
АХС тушунтириш ва бошқа материаллар шаклидаги тегишли қўлланма билан биргаликда асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажалардан иборат (жирли шрифт билан ёзилган). Ушбу асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни, улар қўлланилишини таъминловчи тушунтиришлар ва бошқа материаллар контекстида талқин қилиниши лозим.
Асосий тамойиллар ва лозим бўлган муолажаларни тушуниш ва қўлланишини таъминлаш учун тегишли қўлланма билан биргаликда, нафақат жирли шрифт билан ёзилган матнни, балки АХС таркибидаги тушунтириш ва бошқа материаллар билан бир қаторда, АХСнинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш лозим.
Аудит мақсадига самарадорлик билан эришиш учун, айрим вазиятларда, аудитор АХС талабларидан четга чиқиш лозим деб ҳисоблаши мумкин. Бундай вазият вужудга келган ҳолатларда аудитор ушбу четга чиқишни асослаб беришга тайёр бўлиши керак.
Аудитнинг халқаро стандартлари фақат аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Бухгалтерлар халқаро федерациясининг давлат сектори қўмитаси томонидан чоп этиладиган "Давлат секторининг аудити" (ДСА) АХСнинг охирида баён этилган. ДСА матни илова қилинмаган тақдирда, ушбу АХС давлат сектори учун барча аҳамиятли жавҳалар бўйича қўлланилади.

Кириш

1. Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади молиявий ҳисоботни компиляциялаш бўйича келишув шартларини бажаришда бухгалтернинг масъулияти ҳамда компиляциялаш муносабати билан бухгалтер[1] чоп этадиган ҳисоботнинг шакли ва мазмуни юзасидан стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.
2. Ушбу АХС молиявий ҳисоботнинг компиляциясини бажаришга йўналтирилган. Шунга қарамасдан, агар бухгалтер кўрилаётган масала бўйича етарли билимга эга бўлган тақдирда, АХС молиявий бўлмаган маълумотни компиляциялаш бўйича келишувларга мақбул бўлган даражада қўлланиши мумкин. Мижозга молиявий ҳисоботни (масалан, тегишли ҳисоб сиёсатини танлашда) тайёрлаш пайтида чекланган ёрдам кўрсатиш бўйича келишувлар молиявий ҳисоботни компиляциялаш бўйича келишувлар бўлиб ҳисобланмайди. Ушбу АХСни 120-АХС "Аудитнинг халқаро стандартларининг концептуал асоси" билан бирликда ўқиш лозим.

[1] Ушбу АХС мақсадлари ҳамда аудит билан компиляциявий келишувни ажратиш учун ташқи фойдаланувчиларга ўзининг ҳисоботларини тақдим этаётган амалиёт билан шуғулланадиган касбий бухгалтерга изоҳланиш учун ҳамма жойда "бухгалтер" (аудитор атамаси эмас) атамаси қўлланилади.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ КОМПИЛЯЦИЯЛАШ БЎЙИЧА КЕЛИШУВЛАР

2000.16.03

Компиляция келишувининг мақсади

3. **Компиляция келишувнинг мақсади бухгалтер молиявий ҳисоботни тўплаш, туркумлаш ва умумлаштириш учун, аудит бўйича билимларга қарама-қарши ҳолда, бухгалтерия ҳисоби бўйича билимларидан фойдаланишдан иборат.** Одатда, бу ушбу маълумотнинг асосида ётган тасдиқларни тест синовларини ўтказмаган ҳолда муфассаллаштирилган кўрсаткичларни бошқариладиган ва тушунарли шаклга кисқартиришга олиб келади. Бироқ, компиляциялаштирилган маълумотдан фойдаланувчилар ушбу ишга бухгалтер жалб қилинганлиги сабабли бир қанча наф оладилар, чунки хизматлар касбий хабардорлик ва тегишли синчковлик билан бажарилади.
4. Компиляциявий келишув одатда молиявий ҳисоботни тайёрлашдан иборат бўлиши билан бир қаторда (молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўплами бўлиши мумкин бўлмаслиги ҳам мумкин), у бошқа молиявий ҳисоботни тўплаш, туркумлаш ва умумлаштиришдан иборат бўлиши мумкин.

Компиляция келишувининг умумий тамойиллари

5. **Бухгалтер Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси томонидан чоп этилган "Малакавий бухгалтерларнинг аҳлоқий кодекси"га риоя қилиши лозим.** Қуйидагилар келишувларнинг бундай турлари учун бухгалтернинг касбий масъулиятини белгиловчи аҳлоқий тамойиллар ҳисобланади:

(а) ҳалолик;
(б) холислик;
(в) касбий хабардорлик ва тегишли синчковлик;
(г) сир сақлашлик;
(д) касбий ҳулқ атвор;
(е) техникавий стандартларга риоя қилиш.

Компияляция келишувни бажариш учун мустақиллик талаб қилинмайди. Бироқ, агар бухгалтер мустақил бўлмаган тақдирда, бухгалтернинг ҳисоботига бунинг юзасидан таъкидлаш киритиш лозим.

6. **Ушбу бухгалтер томонидан компиляциялаштирилган молиявий ҳисобот билан бухгалтернинг исми боғлиқ бўлган барча вазиятларда, у ҳисоботни чоп этиши лозим.**

Келишув шартларини белгилаш

7. **Келишув шартлари юзасидан бухгалтер ва мижоз ўртасида равшан тушуниш мавжуд эканлигига бухгалтер ишонч ҳосил қилиши лозим.** Қўриладиган масалалар қуйидагилардан иборат:
   - аудит ҳам шарҳ ҳам ўтказилмаслиги ва, тегишли равишда, ҳеч қандай ишончлилик билдирилмаслиги кўрсатилган келишув тавсифи;
   - ушбу келишув бажарилиши пайтида хатолар, ғайриқонуний ҳаракатлар ёки бошқа камчиликлар, масалан кузатиладиган товламачилик ёки ўзлаштиришлар ёритилишини фараз қилиб бўлмайдиган ҳолати;
   - мижоз томонидан тақдим этилиши лозим бўлган маълумот тавсифи;
   - компиляциялаштирилган молиявий ҳисобот тўлиқ ва аниқ бўлиши учун бухгалтерга тақдим этиладиган маълумотнинг аниқлиги ва тўлиқлиги юзасидан субъект раҳбарияти масъул эканлигининг ҳолати;
   - молиявий ҳисобот компиляциялаштириш учун бухгалтерия ҳисобининг асоси ва у ҳамда ҳар қандай маълум бўлган ундан четга чиқишлар ёритилади деган ҳолат;
   - компиляциялаштирилган маълумотдан фойдаланиш ва тарқатиш тахмини;
   - компиляциялаштирилган молиявий маълумот юзасидан, агар у билан бухгалтернинг исми боғлиқ бўлган тақдирда, тақдим этиладиган ҳисобот шакли.

8. Компиляция бўйича ишни режалаштиришда хат-келишув фойда беради. Бухгалтер томонидан ушбу тасдиқлашнинг таянч шартларини ҳужжатлаштирадиган хат-келишувни йўллаш бухгалтер манфаатлари учун ҳам, субъект манфаатлари учун ҳам керакли. Хат-келишув бухгалтер ўз тасдиғини қабул қилганлигини тасдиқлайди ва келишув вазифалари ва ҳажми, бухгалернинг масъулият даражаси ҳамда чоп этилиши лозим бўлган ҳисобтлар шакли каби масалалар юзасидан нотўғри тушунишларни олдини олишга ёрдам беради. Компиляция келишуви учун хат-келишув намунаси ушбу АХСнинг 1-иловасида келтирилган.

Режалаштириш

9. **Бухгалтер келишувни самарадорлик билан бажариш учун ишни режалаштириши лозим.**

Ҳужжатлар

10. **Бухгалтер келишув ушбу АХС ва ушбу келишув шартларига мувофиқ бажарилганлиги юзасидан далиллар тақдим этиш учун муҳим ҳисобланган жавҳаларни ҳужжатлаштириши лозим.**

Муолажалар

11. **Бухгалтер субъектнинг бизнеси ва фаолияти тўғрисида умумий билим олиши ва субъект фаолият кўрсатаётган тармоқнинг бухгалтерия ҳисоби ва амалиёти ҳамда ушбу вазиятларда мувофиқ бўлган молиявий маълумотнинг шакли ва мазмуни билан танишиши лозим.**

12. Молиявий маълумотни компиляциялаштириш учун бухгалтердан субъект фаолиятининг тавсифи, ҳисоб ёзувларининг шакли ва молиявий ҳисобот тақдим этиладиган бухгалтерия ҳисобининг асоси тўғрисида умумий тушуниш олиш талаб қилинади. Одатда бухгалтер ушбу масалалар бўйича билимларни ушбу субъект билан иш тажрибаси асосида ёки унинг ходимлари билан сўровнома ўтказиш йўли билан олади.

13. Бундан ташқари, ушбу АХСда таъкидланганидек, бухгалтердан одатда қуйидагилар талаб қилинмайди:

(а) тақдим этилган маълумотнинг ишончлилиги ва тўлиқлигига баҳо бериш мақсадида субъект раҳбарияти билан сўровнома ўтказиш;
(б) ички назоратга баҳо бериш;
(в) қандайдир масалаларни верификациялаш; ёки
(г) қандайдир тушунтиришларни верификациялаш.

14. **Агар бухгалтерга субъект раҳбарияти томонидан тақдим этилган маълумот нотўғри эканлиги ёки тўлиқсиз ҳажмда тақдим этилганлиги ёки бошқача кўринишда қониқарсиз эканлиги тўғрисида маълум бўлса, бухгалтер юқорида қайд этилган муолажаларни бажариш масаласини кўриб чиқиши ва қўшимча маълумот тақдим этиш тўғрисида субъект раҳбариятига мурожат қилиши лозим. Агар субъект раҳбарияти қўшимча маълумотни тақдим этишдан бош торган тақдирда, бухгалтер хизмат кўрсатишни тўхтатилиш сабаблари юзасидан субъектга ахборот бериб, келишув бажарилишини тўхтатиши лозим.**

15. **Бухгалтер компилирланган маълумотни ўқиб чиқиши ва у шакли бўйича мувофиқлиги ва қандайдир очиқдан-очиқ муҳим нотўғриликларга эга эмаслигини кўриб чиқиши лозим.** Бунинг юзасидан нотўғриликлар қуйидагилардан иборат:

- белгиланган молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосни қўллашда хатолар;
- молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асоснинг ва ундан ҳар қандай маълум бўлган четга чиқишларнинг ёритилмаслиги;
- бухгалтерга маълум бўлган ҳар қандай муҳим жавҳаларнинг ёритилмаслиги.

Белгиланган молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асос ва маълум бўлган ундан четга чиқишлар, ушбу четга чиқишларнинг миқдорий таъсирини аниқлаш эҳтиёжи бўлмаса ҳам, молиявий маълумотда ёритилиши лозим.

16. Агар бухгалтерга муҳим нотўғриликлар ҳақида маълум бўлган тақдирда, у тегишли тузатишлар юзасидан субъект раҳбариятининг розилигини олишга ҳаракат қилиши лозим. Агар бундай тузатишлар киритилмаса ва молиявий ҳисобот чалғитишга олиб келса, бухгалтер келишув бажарилишини тўхтатиши лозим.

Субъект раҳбариятининг масъулияти

17. Бухгалтер молиявий ҳисобот тегишли равишда тақдим этилганлиги ва ушбу молиявий ҳисоботни тасдиқлаганлиги тўғрисида субъект масъулиятга эга эканлиги тўғрисида тасдиқ олиши лозим. Бундай тасдиқ бухгалтерия ҳисобининг энг асосий ва аҳамиятли маълумотларининг аниқлик ва тўлиқлик масаларини қамровчи ҳамда барча муҳим ва релевант маълумотни бухгалтерга тўлиқ ёритадиган субъект раҳбариятининг тақдимотлари шаклида тақдим этилиши мумкин.

Компиляция келишуви бўйича ҳисобот тақдим этиш

18. Компиляция келишуви бўйича ҳисоботлар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим[2] :

(а) сарлавҳа;
(б) олувчи;
(в) келишув компиляция келишувларида қўлланиладиган АХС ёки миллий стандартлар ёки амалиётга мувофиқ бажарилганлиги тўғрисида таъкидлаш;
(г) ўринли бўлган жойда, бухгалтер субъектга нисбатан мустақил эмаслиги тўғрисида таъкидлаш;
(д) молиявий ҳисобот субъект раҳбарияти томонидан тақдим этилган маълумотга асосланганлигини кўрсатган ҳолда, молиявий ҳисоботни солиштириш;
(е) бухгалтер томонидан компиляциялаштирилган молиявий ҳисобот учун масъулият субъект раҳбариятининг зиммасига юклатилганлиги тўғрисида таъкидлаш;
(ж) аудит ҳам шарҳ ҳам ўтказилмаганлиги ҳамда шу муносабати билан молиявий ҳисобот бўйича ҳеч қандай ишончлилик билдирилмаганлиги тўғрисида таъкидлаш;
(з) агар лозим бўлган тақдирда, белгиланган молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосдан муҳим четга чиқишлар ёритилганлигига эътибор қаратадиган банд киритиш;
(и) ҳисобот санаси;
(к) бухгалтернинг манзили;
(л) бухгалтернинг имзоси.

Ушбу АХСнинг 2-*иловасида* компиляция ҳисоботлари бўйича намуналар келтирилган.

19. Бухгалтер томонидан компиляциялаштирилган молиявий маълумот бўйича молиявий ҳисобот тўлиқ тўпламининг ҳар бир варағида ёки биринчи варағида "Аудит ўтказилмаган", "Аудит ёки шарҳ ўтказилмасдан туриб компиляциялаштирилган" ёки "Компиляция ҳисоботига тааллуқли" деган изоҳлар бўлиши лозим.

[2] Балки бухгалтер, шунингдек, маълумот тайёрлашнинг алоҳида мақсади ёки маълумот тайёрланган томонларга изоҳланиши ўринли бўлар эди. Бунга муқобил ёки қўшимча равишда, ушбу маълумотдан тахмин қилинганлардан бошқа мақсадларда фойдаланиб бўлмаслигини таъминлаш учун қандайдир хавфсизлик чораларини киритиши мумкин.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ КОМПИЛЯЦИЯЛАШ БЎЙИЧА КЕЛИШУВЛАР

2000.16.03.

1-илова.

Компиляция келишуви бўйича хат-келишувнинг намунаси.

Қуйида ушбу АХСнинг 7-бандида баён этилган мулоҳазалар муносабати билан қўлланма сифатида фойдаланиладиган хат келтирилган ва уни хусусий талаблар ва вазиятларга мувофиқ ўзгартириш лозим. Ушбу намуна молиявий ҳисоботнинг компиляцияси учун мўлжалланган.

Директорлар кенгаши ёки субъект юқори раҳбариятининг тегишли вакилларига.

Ушбу хат биз келишув шартларини ҳамда биз тақдим этадиган хизматларнинг тавсифи ва чекловларини тушунганимизни тасдиқлайди.

Сиз бизга қуйидаги хизматларни кўрсатиш тўғрисида мурожат қилдингиз:

Сиз томондан тақдим этилган маълумот асосида биз компиляция келишувларига қўлланиладиган Аудитнинг халқаро стандартларига (ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳланиш) мувофиқ, АВС Компаниясининг 2004 йил 31 декабр ҳолатига бухгалтерия баланси ҳамда қайд этилган санада якунланган йил бўйича у билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги, пул маблағларининг силжиши тўғрисидаги ҳисоботларни касса усулига асосан компиляция қиламиз. Биз ушбу молиявий ҳисобот юзасидан аудит ёки шарҳ муолажаларини ўтказмаймиз. Бинобарин, молиявий ҳисобот юзасидан қандайдир ишончлилик билдирилмайди. Хозирги пайтда АВС Компаниясининг молиявий ҳисобот бўйича бизнинг ҳисоботимиз қуйидагича шакллантирилади деб тахмин қилинмоқда:

(ушбу АХСнинг 2-иловасига қаранг)

Субъект раҳбарияти бизга тақдим этилган маълумотнинг аниқлиги ва тўлиқлиги юзасидан ҳамда биз томондан компиляциялаштирилган маълумот юзасидан фойдаланувчилар олдида масъулиятга эга. Бу тегишли ҳисоб ёзувлари ва ички назорат юритилиши ҳамда тегишли ҳисоб сиёсатини танлаб олиш ва қўллашдан иборат. Компиляция пайтида товламачилик ёки хатолар ёки ғайриқонуний ҳаракатлар аниқланади деб фараз қилиб бўлмайди. Шунга қарамасдан бизнинг эътиборимизни жалб қилган ҳар қандай бундай жавҳалар тўғрисида Сизга хабар берамиз.

Маълумот [белгиланган молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосга] мувофиқ тайёрланади. Ушбу асосдан маълум бўлган ҳар қандай четга чиқишлар молиявий ҳисоботда ёритилади ва, лозим бўлган тақдирда, бизнинг компиляциявий ҳисоботимизда уларга нисбатан изоҳлар берилади.

Биз томондан компиляциялаштирилган маълумотдан фойдаланиш ва тарқатиш тахмини [кўрсатилсин] ҳисобланади ва бунинг юзасидан муҳим ўзгаришлар вужудга келган тақдирда, Сиз бу ҳақида бизга хабар беришингизни биз тушунамиз.

Биз Сизнинг ходимларингиз билан тўлиқ ҳамкорлик қилишга умид қиламиз ва биз томондан компиляциялаштириш ўтказилиши муносабати билан улар биз талаб қилган барча ҳисоб ёзувлари, ҳужжатлар ва бошқа маълумотни тақдим этишига ишонч билдирамиз.

Иш бажарилишига қараб тўланиб борадиган бизнинг хизмат ҳақимиз келишувнинг бажариш учун тайинланган ҳар бир мутахассис учун талаб қилинадиган вақт асосида ҳисобланади ва қўшимча харажат-лардан иборат. Соатбай иш ҳақини тўлаш жалб қилинган мутахас-сисларнинг тажрибаси ва талаб қилинадиган малакасини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг масъулият даражасига қараб ўзгариб боради.

Ушбу хат унинг амал қилиш муддати тугагунга, тузатишлар киритилгунга ёки у бошқа хат билан алмаштиргунга қадар кейинги йилларда ҳам кучга эга деб ҳисобланади.

Биз томондан Сизнинг молиявий ҳисоботингизни компиляциялаштириш бўйича шартларимиз Сизнинг тушунишингизга мувофиқлигини тасдиқлаш учун ушбу хатнинг илова қилинган нусхасига имзо чекишингизни ва бизга қайтаришингизни сўраймиз.

XYZ & Co

АВС Компанияси
номидан тасдиқланган
(имзо)

Фамилия ва Унвон
Сана

930

Компиляция ҳисоботларининг намуналари

..... УЧУН КОМПИЛЯЦИЯ ҲИСОБОТИ

Субъект раҳбарияти томонидан тақдим этилган маълумот асосида биз компиляция келишувларига қўлланиладиган Аудитнинг халқаро *стандартларига (ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳланиш) мувофиқ АВС Компаниясининг 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра бухгалтерия баланси ҳамда қайд этилган санада якунланган йил бўйича даромадлар ва харажатлар бўйича ҳисобот ва пул маблағларининг силжишининг* компиляциясини бажардик. Ушбу молиявий ҳисобот бўйича масъулият Компания раҳбариятининг зиммасига юклатилган. Биз ушбу молиявий ҳисоботниг аудити ёки шарҳини ўтказмадик ва тегишли равишда ушбу ҳисобот бўйича ишончлилик билдирмаймиз[3].

БУХГАЛТЕР

Сана
Манзил

Белгиланган Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосдан четга чиққанлигига эътиборни қаратувчи қўшимча банд билан молиявий ҳисоботни компиляциялаштириш тўғрисидаги келишув бўйича ҳисоботнинг намунаси

..... УЧУН КОМПИЛЯЦИЯ ҲИСОБОТИ

Субъект раҳбарияти томонидан тақдим этилган маълумот асосида биз компиляция келишувларига қўлланиладиган Аудитнинг халқаро стандартларига (ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётга изоҳланиш) мувофиқ АВС Компаниясининг 2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра бухгалтерия баланси ҳамда қайд этилган санада якунланган йил бўйича даромадлар ва харажатлар бўйича ҳисобот ва пул маблағларининг силжишининг компиляциясини бажардик. Ушбу молиявий ҳисобот бўйича масъулият Компания раҳбариятининг зиммасига юклатилган. Биз ушбу молиявий ҳисоботниг аудити ёки шарҳини ўтказмадик ва тегишли равишда ушбу ҳисобот бўйича ишончлилик билдирмаймиз[4].

Биз эътиборингизни молиявий ҳисоботнинг X иловасига жалб қиламиз, чунки субъект раҳбарияти ижарадаги ишлаб чиқариш бинолари ва ускуналарни капиталлаштирмаслик тўғрисида қарор қабул қилган, бу эса белгиланган молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича концептуал асосдан четга чиқиш ҳисобланади.

БУХГАЛТЕР

Сана
Манзил

[3] 2-изоҳга қаранг.
[4] 2-изоҳга қаранг.

Ўзбекистон Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциациясининг Нашриёт – маълумот Маркази

Таржимон: Файзиев Т.Ю.

Масъул муҳаррир: Файзиева У.Т., *и.ф.н., ТДИУ доценти*

Асл нусха-макет: Файзиев Т.Ю.

Кўпайтириш: Ибрагимова Е.П.

«Аудитнинг халқаро стандартлари» Ўзбекистон Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциациясининг Нашриёт – маълумот Маркази босмахонасида босилган

2002 йил 05 апрелда 10-792-сонли лицензия берилган, Тошкент шаҳри

Адади 200 нусха

Бизга қуйидаги манзил бўйича мурожат қилишингиз:
700084, Тошкент шаҳри, Мавлонов кўчаси, 1 А уй

Тел. 134-19-01
134-18-90
Тел./факс 134-01-87
www. naaa.freenet.uz